Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Солиқ-бюджет сиёсати маркази

Америка Қўшма Штатларининг федерал бюджет тизими:

Шакллантириш, мувофиқлаштириш ва ижро этиш тамойиллари

“Фан”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИ МАРКАЗИ

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ:

ШАКЛЛАНТИРИШ, МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА ИЖРО ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
"ФАН" нашриёти
2004

65.8
А-617

Мазкур китобда Америка Қўшма Штатлари Федерал бюджети тизими, Федерал бюджетнинг асосий тушунчалари, АҚШ давлат тузумида унинг ўрни, бюджетни тайёрлаш, Конгрессда кўриб чиқиш ва қабул қилиш, Федерал бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмини шакллантириш, бюджет ваколатларининг берилиши ва Федерал бюджет харажатлари устидан назорат қилиш, кредит сиёсатини амалга ошириш тартиблари, бюджетни ўзгартириш фаолиятини амалга ошириш тамойиллари ва механизми ёритилган.

Ушбу китоб бюджет соҳасидаги мутахассислар, илмий ходимлар, аспирантлар, магистрантлар, шунингдек иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари ва ўрта махсус касб-ҳунар юртларининг талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар: Аҳмеджанов Алишер, Абдуваитова Меҳринисо, Қўчқоров Жамшид, Қўчқоров Тохир, Кильберг Владимир, Мансуров Шухрат, Мусинов Шухрат, Нуритдинов Шавкат, Рашидов Равшан, Тешабоев Ҳуррам, Хамидова Зулфия, Ҳайдаров Мирёқуб, Ҳайдаров Ахадбек.

Тузувчилар Илона Кастро хонимнинг беқиёс ёрдами, адабий манбалар билан таъминлаганлиги ва маслаҳатларини аямасдан ушбу китобнинг чоп этилишига бебаҳо ҳиссаси учун унга самимий миннатдорчилигини билдирадилар.

Тақризчилар:

И.ф.д., проф. О.Ю. Рашидов, и.ф.н. доцент И.Р. Таймуҳамедов
И.ф.н. доцент Т. Зияев

KUTUBXONASI

JSB № 5–648 –02965–9

М У Н Д А Р И Ж А

Қисқартиришлар изоҳи *9*

Муқаддима *10*

I БОБ
АҚШ ДАВЛАТ ТУЗУМИДА
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ ЎРНИ

1.1. АҚШ иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида Федерал бюджетнинг мақсади ва функциялари *16*

1.2. Федерал бюджетни шакллантириш ва қўллаш механизмларининг эволюцияси *22*

1.3. Бюджет циклининг мазмуни *22*

1.4. Бюджет ассигнацияларини ажратиш таомили *26*

1.5. Келишув бўйича қонун лойиҳалари ва бюджетга таъсир этувчи бошқа тадбирлар *28*

1.6. Федерал бюджетни ижро этиш тамойиллари ва механизми *29*

1.7. Бюджет жараёнида қонун чиқарувчиликнинг ўрни *33*

II БОБ
АҚШДА БЮДЖЕТ ҚОНУНЧИЛИГИ ЎРНАТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

2.1. "Бюджет тўғрисида"ги Қонуннинг АҚШ бюджет жараёнини такомиллаштиришга таъсири *46*

2.2. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонуннинг сиёсий аҳамияти *51*

2.3. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонуннинг асосий қоидалари *53*

2.4. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонуннинг бюджет календари *63*

2.5. Захиралаш таомили *68*

2.6. Модда вето таомили *69*

2.7. Энергетика бўйича Федерал регулятив комиссия иш ҳақи ва тақдирлар *90*

III БОБ
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

3.1. АҚШ бюджетининг асосий ҳужжатлари 99

3.2. Санкциялаш ва ассигнациялаш 104

3.3. Бюджет ваколатлари ва бюджет харажатлари 106

3.4. Харажатлар: назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган, дискрецион ва мажбурий харажатлар 111

3.5. Иқтисодий тахминлар 112

3.6. Бюджет функциялари 114

3.7. Секвестрлаш ва захиралаш 116

3.8. Базис сатри 117

3.9. Бюджет ва бюджетдан ташқари харажатларнинг дастурлари 120

3.10 Федерал бюджет дефицити ва қарзи 121

3.11. Баланслаштирилган бюджет ва балансланган бюджет тўғрисидаги тузатиш 126

IV БОБ
ПРЕЗИДЕНТ БЮДЖЕТИ. КОНГРЕССГА ТАЙЁРЛАШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ

4.1. АҚШда бюджетдан молиялаш жараёнининг асосий қатнашчилари 132

4.2. АҚШ Президентининг бюджетномаси 134

4.3. Президент бюджети лойиҳасига оид иқтисодий истиқбол ҳисоботининг моҳияти 143

4.4. Президентнинг бюджетномасида келтирилган ахборот таркиби 145

4.5. Федерал бюджет секвестрини кўриб чиқиш таомиллари ва унинг моҳияти 145

4.6. Бюджет секвестрини кўриб чиқиш бўйича Конгресс шарҳини тайёрлаш 146

4.7. Федерал бюджетнинг Президент лойиҳасини тинглашга тайёрлаш 148

4.8 АҚШ Конгресси ва Сенати қўмиталарида Президент бюджетининг шарҳи ва баҳолашларини тайёрлаш 151

4.9 Федерал бюджетни шакллантирилишида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг аҳамияти 152

4.10 Давлат молиясининг дастурлар бўйича тақсимланиши 157

4.11 Федерал бюджетнинг асосий функционал категориялари 162

V БОБ
БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИ АҚШ КОНГРЕССИДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

5.1 Харажатларнинг энг юқори миқдорларини, даромадларнинг энг кичик ҳажмини белгилаш ва ассигнацияларни қўмиталар ўртасида тақсимлаш механизми 190

5.2 "Бюджет тўғрисида"ги Қонуннинг 302-бўлимига биноан харажатларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш омиллари 191

5.3 "Бюджет тўғрисида"ги Қонуннинг 602-бўлимига биноан харажатларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш таомили 192

5.4 Харажатларни ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб қилиш омиллари 193

5.5 Белгиланган партиялар талабларини ижро этиш ёки рад этиш таомили 194

5.6 Бюджет сифатини тахминий баҳолашнинг якуний натижаси сифатидаги бюджет лойиҳаси 196

5.7 Конгресснинг бюджет резолюциясини қабул қилиш олиши 198

5.8 Федерал бюджетнинг келишув омилларини амалга ошириш таомиллари ва механизми 204

5.9 Бёрд қоидасининг мақсади ва моҳияти 208

VI БОБ
БЮДЖЕТ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ БЕРИЛИШИ ВА ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ

6.1 Бюджет ваколатларини бериш жараёнининг қонунчилик асосида таъминланиши 233

6.2 Бюджет харажатлари концепциясининг мақсади ва мазмуни 235

6.3. Доимий ва вақтинчалик бюджет ваколатларининг мақсади ва мазмуни 236

6.4. "Махфий харажатлар" ажратиш ва улардан фойдаланиш таомилларининг ўзига хос жиҳатлари 238

6.5. Харажатлар устидан назорат қилиш жараёни концепцияси 242

VII БОБ
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ ДАРОМАД ҚИСМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ

7.1. Бюджетнинг даромад қисми тушунчаси ва тузилиши 266

7.2. Конгрессда даромадлар бўйича қонунчиликни амалга ошириш механизми 267

7.3. "Муддатида тўлаш" қоидаларини амалга оширишнинг мақсади ва механизми 269

7.4. Солиқ харажатларининг белгиланиши ёки ўзгартирилиши таомили 270

7.5. Компенсацияловчи йиғимлар мақсади ва роли 271

VIII БОБ
БЮДЖЕТНИ СЕКВЕСТРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

8.1. АҚШ бюджети жараёнида секвестрлаштириш таомилининг вужудга келиш тарихи 289

8.2. Бюджетни секвестрлаш таомилининг вазифаси ва моҳияти 291

8.3. "Pay-as-you-go" секвестрининг мақсади ва моҳияти 303

8.4. Ортиқча дефицит бўйича секвестрнинг мақсади ва моҳияти 306

8.5. Секвестрлаш жараёни параметрларини баҳолаш ва ҳисоб-китоб қилиш услубияти 308

IX БОБ
БЮДЖЕТ АССИГНАЦИЯЛАРИНИ САНКЦИЯЛАШ ВА АЖРАТИШ МЕХАНИЗМИ

9.1. Бюджет харажатларини санкциялаш тамойилини тайинлаш ва унинг моҳияти 314

9.2. Санкциялаш ва ассигнациялаш жараёни эволюцияси 316

9.3. Санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш жараёнини амалга ошириш механизми 320

9.4. Бюджет харажатларини санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталарининг вазифалари ва функциялари..... 329

9.5. Ассигнацияларга доир қонун лойиҳалари бўйича муддати ўтказилган резолюцияни қабул қилиш 331

9.6. "Бюджетдан молиялаштиришдаги узилишлар"нинг юзага келиши ва уларни бартараф қилиш муаммоси..... 333

X БОБ
БЕВОСИТА ВА КАФОЛАТЛАНГАН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА БЮДЖЕТ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

10.1. Қарзлар бўйича бюджет тузишнинг 1992 йилгача қўлланилган механизми 377

10.2. "Кредит ислоҳоти тўғрисида"ги 1990 йилги Федерал Қонунининг мақсади ва янгилиги 378

10.3. Қарзларнинг субсидияланган харажатларини ҳисоблаш механизми..... 379

10.4. Бевосита қарзларнинг мақсади ва тузилиши..... 380

10.5. Кафолатланган ссудаларнинг мақсади ва тузилиши 380

10.6. Субсидияланган ва бошқа бюджет харажатларини ҳисобга олиш ва таққослаш услубияти..... 381

XI БОБ
РЕЗЕРВЛАШ ВА МОДДАМА-МОДДА ВЕТО ҚЎЙИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

11.1. Резервлаш таомилининг шартлари ва мақсади 401

11.2. Турли хилдаги резервлашнинг таснифи ва мазмуни 402

11.3. АҚШ Президентига моддама-модда вето қўйиш ҳуқуқини бериш зарурати 406

11.4. Бюджетнинг моддама-модда вето қўйиладиган асосий моддалари..... 408

11.5. Бюджетнинг бевосита харажатларига вето қўйишининг хусусиятлари 410

11.6. Бюджетнинг солиқ бўйича моддаларига моддама-модда вето қўйиш механизми *412*

11.7. Модда-модда вето қўйиш жараёнини амалга ошириш тамойили ва механизми *413*

11.8. Конгресс вакиллар палатасида вето қўйиш жараёнининг ўтиш тамойили *416*

11.9. Сенат қўмиталарида вето қўйиш жараёнининг бориши тамойили *417*

11.10. Рад этилаётган қонун лойиҳаси бўйича конференция ҳисоботини кўриб чиқиш тамойили *417*

Хулоса *423*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати *425*

ҚИСҚАРТИРИШЛАР ИЗОҲИ

КББ — Конгресс Бюджет Бошқармаси.

МББ — Маъмурий Бюджет Бошқармаси (Президент Маҳкамасининг бўлинмаси).

ГРХ — Грэмм-Рудман-Холинг (мувофиқлаштирувчи) Қонуни 1985 *йил кучга кирган.*

ББҚ — "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонун.

БНББ — Бюджет Назорати Бош Бошқармаси.

СТББҚ — Солиққа тортиш бўйича бирлашган қўмита.

ИМК — *Иқтисодий* маслаҳатчилар кенгаши.

МССИ — Миллий соғлиқни сақлаш институти.

ИҲТТ — Иқтисодий ҳамкорлар ва тараққиёт ташкилоти (Халқаро муассаса).

ҲТМК — Ҳукумат томонидан молияланадиган корхоналар.

ЯИМ — *Ялпи Ички Маҳсулот.*

БВ — Бюджет ваколатлари.

БХ — Бюджет харажатлари.

ВТҚ — Ваколатлар тақдим этувчи қонун.

МҮР — Муддати узайтирилган резолюция.

ТФБ — Тергов Федерал бюроси.

МРБ — Марказий Разведка Бошқармаси.

МУҚАДДИМА

Америка Қўшма Штатлари иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти дунё миқёсида улкан ютуқларга эришган. "АҚШ билан иқтисодий алоқалар ҳақида гапирар эканмиз — деб таъкидлаган эдилар Ислом Абдуғаниевич Каримов — албатта, АҚШнинг иқтисодий салоҳиятини, яъни бу давлатнинг энг улкан давлатлигини инобатга олиш керак"[1]. Шундай экан, Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини шакллантираётган даврда бу улкан давлатнинг қай йўллар билан бундай натижага эришганлигини ўрганиш мухим аҳамиятга эга.

Албатта, иқтисодчилар доирасида Ўзбек модели деб кенг тарқалган концепция ўз йўналишини излайди. Шу билан бир қаторда, концепцияга зид келмайдиган дунё миқёсидаги энг илғор тизимларни ўрганиш ва умумконцепцияга зиён етказмаган ҳолда, уларни тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Америка Қўшма Штатларининг бюджет тизими ҳақида гап кетар экан, авваламбор унинг ўта мураккаблиги кўзга ташланади. Америка бюджет тизимининг шаклланиши ва амалдаги фаолияти энг бой ва тараққий топган давлат молия тизимини акс эттиради.

Америка бюджетида тараққий топган фуқаролик жамияти харажатлари ва бу жамиятдаги нафақат йирик сиёсий кучларнинг, балки ҳар бир шаҳар, қишлоқ, тадбиркорлар, буюк корхоналар, транс миллий корпорациялар ва оддий фуқароларнинг интилишлари ҳам мужассамлашган.

Ушбу китобни шакллантиришнинг энг мурракаб томони – бу нафақат Ўзбекистон бюджет тизимида, балки собиқ Иттифоқ давлатлари бюджет тизимининг ҳеч бирида учрамайдиган иборалар ва тушунчаларнинг мавжудлиги бўлди. Шунга қарамай бу мурракаб соҳани бир гуруҳ мутахассис ва таржимонлар бирлашган ҳолда ўрганиб ўқувчилар эътиборига хавола қилишга уриндик.

Китобнинг асосий манбалари сифатида Америка Қўшма Штатларида чоп этилган бир қанча китоб ва қўлланмалар, шунингдек Америка Қўшма Штатлари Федерал бюджети, штат бюджетлари ва махаллий бюджетларини шакллантириш ва уларнинг бажарилишига алоқадор Америка Қўшма Штатлари Ғазна Департаменти тақдим этган маълумотлардан фойдаланилди. Ундан ташқари, Америка Қўшма Штатлари Ғазнаси (Молия вазирлиги)нинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидаги бюджет сиёсати бўйича доимий маслаҳатчиси Илона Кастро хонимнинг маслаҳатларидан ҳам кенг фойдаланилди.

---

[1] Халқ сўзи. 2002 йил. 12 март 50-сон.

Китобда келтирилган қатор статистик ва молиявий маълумотлар ўтган асрнинг охирги ўн йиллигига оид бўлишига қарамай (яъни бир оз эскирган туюлса-да), бу маълумотлар ундаги назарий ва методологик тушунчаларни яққолроқ кўрсатишга ёрдам беради. Ҳар бир бобда энг мураккаб жараёнларни тушунтириш учун намунавий чизмалар, ҳар бир бобнинг охирида эса, маълумотлар ўзлаштирилганлигини текшириш учун саволлар келтирилган.

Ҳар қандай мамлакатнинг бюджет тизими ундаги давлат тизимининг қай йўсинда шаклланганлигига чамбарчас боғлиқ. Шу ўринда китобнинг биринчи боби Америка Қўшма Штатларининг давлат тизими ҳамда давлат бюджетининг аҳамияти ва ўрнини ёритишга қаратилган. Шунингдек, амалдаги бюджет тизими давлат ташкилотларининг интилишлари ва ўзаро муносабатлари таъсирида қандай тараққий этганлигининг асосий босқичлари келтирилган.

Келтирилган маълумотларни аниқ тушуниш учун шуни унутмаслик керакки, Америка қонунчилиги Халқаро қонуншуносларорасида Англо-саксон қонунчилик атамаси билан танилган. Бу қонунчилик ғарб маданиятига мансуб (Ислом шариати ва Осиё услубига мансуб қонунчиликлардан истисно) континентал қонунчиликдан, яъни фуқаролар кодекси (Наполеон кодекси) асосида шаклланган қонунчиликдан ҳам тубдан фарқ қилади.

Келтирилган қонунчиликдаги фарқ бюджет тизимининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу тизим ҳақидаги умумий тушунчалар, унинг шаклланишига оид маълумотлар, бюджетга таъсир қилувчи жамият тизимидаги тамоиллар, биринчи бобда ўз ифодасини топган.

Китобнинг иккинчи бобида Америкада бюджет қонунчилигининг эволюцияси ва айниқса, XX асрнинг охирида қабул қилинган бир қанча қонунларнинг моҳияти ёритилган.

Учинчи боб федерал бюджетининг асосий тушунчаларини ёритишга бағишланган. Бунда бир қанча иқтисодий ибора ва тушунчаларнинг мазмуни ҳақида маълумот берилади. Булар қаторида санкциялаш, бюджет ваколатлари ва харажатлари, дискрецион ва доимий (мажбурий) харажатлар, секвестрлаш ва заҳиралаш тушунчалари келтирилган. Шунингдек, Давлат қарзининг шаклланиши нафақат маблағ етишмаслигидан, балки бир қанча нобюджет жамғармалар ортиқча сармояларга эга бўлган ҳолда давлат мажбурий ҳолда буларни қарзга олиши натижасида ҳосил бўладиган давлат қарзининг Америкага хослиги каби тушунчалар ҳам келтирилган.

Америка Федерал Бюджети шаклланишининг биринчи босқичи

— бу Президент маъмурияти тарафидан тайёрланган бюджет ҳисобланади. Бу бюджет жараёнининг энг муҳим босқичи Президент бюджетининг тайёрланиши, Конгрессга тақдим этилиши, унинг асосий тамойилларининг шаклланиши тўртинчи бобда ёритилди.

Бешинчи бобда, Америка парламентчилигининг ўзига хослиги, яъни бу ерда Конгресс давлат бюджетини кўриб чиқиши ва қабул қилиши тамойиллари ва босқичлари ёритилган.

Олтинчи боб бюджет харажатлари устидан назорат қилиш масалаларига бағишланган. Кўп миллиардли бюджетнинг устидан, унинг самарали фойдаланишига онд тизим ўзининг такомиллашганлиги ва шу билан баробар олдийлиги билан ҳам эътиборни жалб қилади.

Еттинчи боб бюджетнинг даромад қисмига бағишланган. Албатта бир кичкина боб миқёсида Америкадек улкан давлат бюджетининг даромадлар қисмини ёритиш ўта мураккаб бўлса-да, бу ерда асосий тушунчаларнинг келтирилганлиги фойдадан холи бўлмайди. Лекин бу мавзу мутахассисларда катта қизиқиш уйғотган.

Саккизинчи боб махсус вазифага, яъни Америка бюджет тизимига хос бўлган секвестрлаш фаолиятига бағишланган. Давлат харажатларининг кўпчилик ўлкаларда ўсиб бориши ва бу харажатларни бюджетнинг даромадлар қисми қопламаслик ҳоллари учраб туриши, йиллик бюджет тақчиллигини режалаштирилган ва парламентлар томонидан тасдиқланган даражасидан ортиб кетиши каби молия тизими ходимларини ташвишга соладиган ҳолларни бартараф этиш услуби Америка қонунчилигида шаклланган. Мазкур бобда Америкада маълум давр давомида тараққий этган секвестрлаш жараёни ёритилади.

Америкада бюджет маблағларини сарфлаш икки босқичдан иборат: биринчиси маблағларни (ассигнацияларни) санкциялаш, яъни уларни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилиниши. Иккинчиси эса уларни ажратиш билан боғлиқ жараёнлар. Бу жараёнларни амалга ошириш механизми тўққизинчи бобда ёритилган.

Америка бюджет тизимининг турли тизимларида, яъни федерал ва маҳаллий бюджетларида учраб турадиган вақтинчалик етишмовчиликлар ҳар қанақанги бюджетда учрайдиган ҳолдир. Бу етишмовчиликни бартараф қилиш услубларидан бири — қарз олиш тизими ҳисобланади. Қарз олиш йўли билан бюджет тузиш тамойиллари ва буни амалга ошириш йўллари ўнинчи бобда келтирилган. Бюджет тақчиллигини олдини олиш ва ноинфляцияви услубда қарз олиш тамойиллари ва унинг жиҳатларини татбиқ қилиш имкониятларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Юқорида келтирилганидек, бюджет маблағларини сарфлаш икки

босқичдан иборат: ассигнацияларни тасдиқлаш ва уларни ажратиш. Бунда АҚШнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берган ҳолларда Конгресс томонидан ажратишга тасдиқланган маблағларнинг харажат қилиниши Президент томонидан тўхтатиб қўйилиши, вақтинча захираланиши мумкин. Америка жамияти ўта қонунлашган, яъни қонун устуворлигига эътибор берилиши сабабли улар бундай ҳолларни Конгресс орқали назорат қилишга интиладилар. Бу масалалар ўн биринчи бобда ёритилган. У турли давлатларда қонун устуворлигини, жумладан Америка тажрибасини ўрганишга интилаётган мутахассислар томонидан қизиқиш уйғотади.

Ушбу китоб юқори малакали мутахассислар томонидан тайёрланган бўлиб, маълум даражада мураккаб. Уни тушуниш ва маъносини ўзлаштириш учун китобхон бюджет тизими ҳақида лоақал бошланғич тушунчага эга бўлиши ҳамда АҚШ давлатчилиги ва жамияти удумларидан хабардор бўлиши керак.

Китобни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва вазирлик қошидаги Солиқ-бюджет сиёсати марказининг етакчи мутахассисларидан Аҳмеджанов Алишер, Абдувантова Меҳринисо, Қўчқоров Жамшид, Қўчқоров Тохир, Кильберг Владимир, Мансуров Шухрат, Мусинов Шухрат, Нуритдинов Шавкат, Рашидов Равшан, Тешабоев Ҳуррам, Хамидова Зулфия, Ҳайдаров Мирёқуб, Ҳайдаров Ахадбек ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар. Ниҳоят, Илона Кастро хонимнинг беқиёс ёрдами, адабий манбалар билан таъминлаганлиги ва маслаҳатларини аямасдан ушбу китобнинг чоп этилишига бебаҳо ҳиссаси учун унга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

I БОБ
АҚШ ДАВЛАТ ТИЗИМИДА ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ ЎРНИ

Қўшма Штатлар 50 та штатдан иборат федератив республика ҳисобланади. Ҳар бир штат ўз конституциясига эга ва ҳар бир штат ичида, одатда, округ ва шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқ сифатида белгиланган, камида қўшимча иккита давлат бошқаруви даражасига лойиқ аҳоли мажмуаси мавжуд.

Амалиётда аҳамиятли даражада қўшма фаолият амалга оширилса-да, Конституция Штатлар ҳукуматлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг автономлигини кафолатлайди. Ҳар бир Штат Конституциясига эга ва ўз Губернатори бор, уларда қонунчилик, юридик ва фуқаролик хизматлари мавжуд. Маҳаллий ҳокимият органлари Штатлар ҳукуматининг бўлинмалари ҳисобланади. Штат ҳукумати Конституция ва Штат қонунлари доирасида солиқ ундириш ва заёмларни жалб этиш ваколатига эга. Маҳаллий солиқлар ва бошқа тушумлар ўзлаштиришлар жойларда аниқланади ва уларнинг миқдори Штатлар томонидан белгиланади. Штатлар кўп жиҳатдан савдо солиғи, даромадлар ва тушумлар (айниқса, автомобиль транспорти эгаларидан) ҳисобига яшайди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш асосан мол-мулк солиғи ва турли комиссион тўловлар орқасидан кун кўради. Федерал Ҳукумат Штатларга ва маҳаллий ҳокимият органларига ҳукумат хизматларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида грантлар, заёмлар ва солиқ субсидияларини тақдим этади. Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўз қарзлари бўйича жавобгардирлар.

АҚШнинг давлат тизими учта ҳукумат тармоғидан: қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоғидан ташкил топган. Бюджет қарорларининг қабул қилиниш жараёни ҳукуматнинг қонун чиқарувчи ва ижроия тармоқлари ўртасида тақсимланган. Федерал бюджетнинг шакллантирилиши ва ижро этилишига тааллуқли мазкур ҳукумат тармоқларининг умумий таркиби қуйидаги кўринишга эга.

Ҳукуматнинг қонун чиқарувчи тармоғи ўз таркибига Конгресс, Конгресс аъзоларидан ташкил топган бир қатор Қўмиталар ва Бюджет Назорати Бош бошқармаси (БНББ) ҳамда Конгресснинг Бюджет Бошқармаси (КББ) каби ҳукумат қонун чиқарувчи тармоғининг бир неча агентликларини қамраб олган. Конгресс икки палатадан: Сенат ва Вакиллар Палатасидан ташкил топган. Улар ўртасидаги асосий тафовут уларнинг аъзолари сони ва хизмат қилиш муддатидир. Сенат 6 йил муддатга ҳар бир штатдан 2 тадан сайланадиган 100 аъзодан ташкил топган. Сенатга бевосита сайловлар ҳар 2 йилда бўлиб ўтади ва уларда жами Сенаторларнинг учдан бир қисми сайланади. Вакиллар Палатаси ўз ичига 2 йиллик муддатга халқ томонидан сайлана-

диган 435 аъзони олади ва барча муддатлар (шартлар) худди мана шу давр учунгина белгиланади. Сайловлар ҳар тоқ йилда бўлиб ўтади.

Вакиллар Палатасида 22 та доимий Конгрессга онд Қўмиталар, Сенатда эса 16 та доимий Қўмиталар фаолият кўрсатади. Санаб ўтилганлар орасида ҳар бир палатада биттадан 2 та Келиштирувчи ва 2 та Бюджет бўйича Қўмиталар ҳам мавжуд.

Бюджет назорати Бош бошқармаси ҳукумат агентликларининг аудити билан шуғулланади. БНББ Бош назоратчи томонидан бошқарилади ва Президент томонидан Сенат розилиги билан 15 йил муддатга тайинланади.

Конгресснинг Бюджет бошқармаси 1974 йилда ташкил қилинган эди. КББ раҳбари — директор Вакиллар Палатаси Спикери ва Президент томонидан келишилган муддатга тайинланади. Директорнинг хизмат қилиш муддати ҳар 4 йилда 3 январь куни узайтирилиги (қайта кўрилиши) кўзланган.

Ҳукумат ижроия тармоғи Президент томонидан бошқарилади. Президент халқ томонидан 4 йиллик муддатга сайланади. Сўнгги сайловлар 2000 йилнинг ноябрида ўтказилган эди.

Президент Маҳкамаси 14 ижроия департаментларининг раҳбарларидан ташкил топган. Фаолият кўрсатиб келаётган маъмурият доирасида қуйидаги амалдорларга Маҳкама аъзоси мақоми берилган эди: Маъмурий Бюджет Бошқармаси (МББ) Директорига ва Қўшма Штатларнинг Савдо Вакилига. Маҳкама қўшимча равишда 6 та йирик агентликлар ва 70 дан зиёд кичик агентликлар, вазирликлар ва вақтинчалик комиссиялар ҳам фаолият кўрсатиб келади.

Сиёсий лавозимлардаги ходимлар сони турлича бўлиши мумкин (тахминан 2000 тага яқин бўлади). Ижроия ҳукуматининг барча аъзолари Президент ёки у томонидан тайинланган шахслар томонидан тайинланадилар.

1.1. АҚШ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИДА ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ МАҚСАДИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Федерал бюджетнинг асосий мақсади давлат молиясини Ҳукумат агентликлари ва федерал дастурлари ўртасида тақсимлаш ҳисобланади. Агар шу нуқтаи назардан қараб чиқилса, бюджет Ҳукуматни бошқаришнинг ички дастагидир. Бюджет жараёнининг асосий қисми Федерал агентликлар ва Конгресс ўртасидаги ўзаро муносабатларни билдиради. Кўпинча бюджетга миллий иқтисодиёт ҳолатига таъсир этувчи дастлабки восита деб қаралади.

Бюджет ҳажми (айниқса тақчиллик миқдори) солиқ сиёсати характери, бюджет ассигнациялари (маблағлари)ни сарфлашнинг устувор йўналишлари, иқтисодий ўсиш суръатлари, бандлик тамойилла-

ри, фоиз ставкалари ва нархларнинг ўзгариши билан аниқланади. Шундай қилиб, Президент ва Конгресс тасдиқланган бюджетни қабул қилишдан аввал олиб борилаётган бюджет сиёсати натижасида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларнинг иқтисодиётга таъсирига қисман таянадилар (1-чизмага қаранг).

Бюджет келгусидаги иқтисодий вазият тўғрисидаги тахминлар асосида тузилиши сабабли Президент ёки Конгресснинг бюджет сиёсатининг амалга ошириш даражаси, асосан уларнинг тахминлари қанчалик аниқлигига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай тахмин қилинган ва ҳақиқий (вужудга келган) иқтисодий аҳвол орасидаги фарқ кутилаётган иқтисодий шароитлардан четга чиқишга олиб келади. 1–А-намунада бюджет иқтисодий шароитлардаги ўзгаришларга ўта таъсирчанлиги кўрсатилган. Иқтисодиётнинг мўлжалланган йўлдан оғиши даромадлар, харажатлар ва тақчиллик даражасининг кўтарилиши ёки пасайишига олиб келади. Даромадлар, хусусан, иқтисодий ўсиш суръатларига таъсирчан; харажатлар эса Ҳукумат қарзлари бўйича тўланадиган фоиз даражаларига боғлиқ. Бундан ташқари, АҚШда бюджетдан молиялаштириш тарихининг таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий шароитларнинг бюджетга таъсири йилдан-йилга ортиб боради. 1–А-намунада кўрсатилган маълумотларга кўра иқтисодий ўсишнинг 1 фоизга пасайиши федерал даромадларнинг биринчи йили 7 млрд. долларга камайишига, бешинчи йилда 80 млрд долларга камайишига олиб келади. Фоиз ставкаларининг 1 фоизга ўсиши эса харажатларни биринчи йилда 5 млрд. долларга ва бешинчи йилда 33 млрд. долларга кўпайтириши мумкин.

Федерал ҳукумати учун бюджетни тузиш анчагина мураккаб жараён ҳисобланади. Бу турли қоидаларни қабул қилиш ва кўп миқдордаги таомилларга риоя этиш, ўнлаб ёндош операцияларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради. Унда ҳокимиятнинг ижроия ва қонун чиқарувчи тармоқларида ўн минглаб хизматчилар банд бўлади (2-чизма). Буларнинг барчаси йилига миллионлаб иш соатлари сарфини ва Президент Маъмурияти ва Конгресс етакчиларининг фаол иштирокини талаб этади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, зеро Федерал бюджетни тайёрлаш ва амалга оширишда жуда катта молиявий маблағлар ҳақида қарорлар қабул қилинади. 1–Б-намунада акс эттирилганидек, Федерал бюджетнинг харажатлари Қўшма Штатлар Ялпи Миллий Маҳсулоти (ЯММ)нинг деярли чорагини ташкил этади. Федерал бюджетга тушумлар эса ЯММнинг қарийб 20 фоизини ташкил этади. Бунинг натижасида пайдо бўлган Федерал бюджетнинг тақчиллиги қимматли қоғозлар бозорида доимий қарз олишликнинг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади.

1—А-5403

1-чизма


БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР
Харажатларни бошқарувчи қонунчилик таъсири
Ваколат берувчи қўмиталар ишининг самарадорлиги
Бюджет маблағларини сарфлаш юзасидан қарорлар қабул қилинишининг қайталаниши
Бюджет маблағларини тежаб сарфлашни рағбатлантирувчи чораларнинг мавжудлиги
Бюджет лойиҳасини татбиқ этиш механизмининг этилувчанлиги
Бюджетни бошқариш тўғрисидаги қонун юзасидан қоидалар
Маблағларни сарфлаш бўйича тавсияномаларга ҳисоб-китоблар асосланмаларининг сифати
Бюджет бўйича Конгресснинг одатдаги қарорлари характери
Мамлакатдаги ва чет элдаги иқтисодий ўзгаришлар таъсири

Федерал бюджет даромадлари ва харажатларининг ЯММга нисбатан ўсишини таҳлил этиш бюджетнинг миллий иқтисоднёт ҳолатига таъсирини белгилаб берувчи самарали усуллардан бири саналади. Ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тамойиллари ҳақиқий харажатларнинг (инфляцияга тузатишлар билан) ўсиш динамикаси асосида ёки мудофаа, Штатлар ва маҳаллий ҳукуматларга молиявий ёрдам, маориф ва соғлиқни сақлаш каби давлат секторининг устувор ўналишларига тақсимланган бюджет улушини тадқиқ этиш асосида аниқланиши мумкин. Федерал бюджетнинг бир неча йиллик харажатлари тизимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш тамойилни аниқлашнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Бюджет, бу нафақат рақамлар ва иқтисодий хулосалар масаласи бўлиб қолмай, балки ижтимоий соҳанинг бир мувозанатда ривожланиши ҳамдир. 1–В-намунада ижтимоий-иқтисодий тусдаги турли дастурларни амалга ошириш учун бюджет харажатларининг улуши ошганлиги кўрсатилган. Бюджет Федерал ҳукуматнинг иқтисодий фаолиятни бошқариш ва уй хўжаликларининг даромадларини барқарорлаштириш учун қўллайдиган асосий дастакларидан бири ҳисобланади. У беморлар ёки кекса кишиларга мақсадли ёрдам кўрсатиш ҳисобига аҳолининг заиф қатламларига ижтимоий ёрдам берувчи Федерал дастурларни молиялаштиради.

АҚШ бюджет воситасида йўллар қуриш, ижтимоий инфратузилма объектлари каби асосий активлар ҳолатини яхшилаш, шунингдек, таълим бериш ва тиббий хизматлар кўрсатиш ёрдамида инсон ресурсларини ривожлантириш йўли билан ўз келажагини сармоялашни амалга оширади.

Федерал бюджет ички функциялардан ташқари АҚШ иттифоқчилари ва муҳолифларига дунё саҳнасида унинг улкан салоҳияти ҳақида тасаввур берувчи кўплаб ташқи иқтисодий функцияларни ҳам бажаради.

Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти кўп жиҳатдан бюджетга шунчалик боғлиқ экан уни тузиш кўпинча мураккаб ва баҳсли жараён эканлиги ажабланарли эмас. Пул турли гуруҳлар, партиялар ва жамият қатламларининг эҳтиёж ва талабларини қондириш учун ҳеч қачон етарли бўла олмаслигини ҳисобга олиб, ҳар йили Федерал бюджетдан ажратиладиган триллион долларлардан ортиқ маблағни тақсимлаш муаммоси давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари учун мураккаб ва масъулиятли вазифага айланади.

АҚШда бюджетни тузиш — бу демократлар ва республикачилар партиялари ўртасида, ҳукуматнинг ижроия ва қонун чиқарувчи тармоқлари ўртасида, турли минтақалар ва корпоратив ҳамжа-

миятлар ўртасида молиявий маблағларни ундириш учун доимий қизғин курашдан иборатдир. Бюджетни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш жараёнида Конгресс қўмиталари ва Президент маъмурияти ўртасида, солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчилар ва харажатларни назорат қилувчилар ўртасида келишмовчиликлар юзага келади. Бюджет ҳажмининг ортиши ва мамлакат иқтисодий ҳаётида унинг ўрни ўсиши муносабати билан келишмовчиликлар миқёси янада кенгаяди.

2-чизма

АҚШ ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ



1.2. ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

АҚШ Конституциясида солиқ солиш бўйича ваколатлар Конгресс ваколатларига киритилган ва у Ғазнадан мазкур пул маблағларининг қонунга мувофиқ сарфланиши учун ажратилишини кафолатлайди. Бироқ Конституцияда бу қонуний ваколатлардан қандай фойдаланиш баён этилмаган ва давлат молиясини бошқаришда Президентнинг масъулияти аниқ белгиланмаган. Америка давлати ташкил топган дастлабки йилларда Вакиллар Палатаси билан Сенат харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиққан. XIX аср ва XX асрнинг дастлабки ўн йилликларидаги ўз эволюцияси жараёнида турли таомиллар қонун ҳужжатларининг майдалаштирилишига олиб келди.

Конгресс ҳар бир сессия давомида ассигнациялар (маблағлар)ни ажратиш бўйича кўплаб алоҳида қонун лойиҳалари ва Федерал ҳукумат молиявий ҳолатига таъсир этган бошқа чора-тадбирларни қабул қилган. Бироқ на АҚШ Конституцияси, на Вакиллар Палатаси ва Сенат томонидан қабул қилинган таомиллар бюджет тизимининг барча Федерал харажатлари ва тушумларини қамраб оладиган мувофиқлаштирилган ҳаракатлар билан таъминламаган. Ҳали Федерал ҳукумат катта бўлмаган ва унинг харажат ва даромадлари мўътадил бўлган даврда бюджет тизимига кучли зарурат сезилмаган.

Президент маъмурияти молиявий операцияларни назорат қилишда муҳим ўрин эгалламаган ва кўп агентликлар бюджет буюртмаларини уларни Президент маъмурияти кўриб чиқмасдан туриб Конгрессининг тегишли қўмиталарига тақдим этганлар. Бироқ XX аср бошида Федерал харажатларнинг мунтазам ўсиши ва тақчилликнинг мавжудлиги (1894 ва 1910 йиллар оралиғидаги 17 молия йилининг 11тасида харажатлар даромадлардан ошиб кетган) Конгрессни молиявий қарорлар қабул қилишда кўпроқ келишилган чора-тадбирларни излашга мажбур қилди.

1–Г-намунада Федерал бюджет жараёнининг асосий босқичлари келтирилади. 1–Д, 1–Е, 1–Ж-намуналарда ижроия ҳокимияти ва Агентликлар, Конгресс қўмиталарининг асосий бюджет функциялари тақдим этилган.

1.3. БЮДЖЕТ ЦИКЛИНИНГ МАЗМУНИ

Федерал бюджетни тузиш жараёни *Президентнинг* ҳар йилги *бюджетномасини* тайёрлашидан бошланиб, харажатлар тафтиши ва таҳлили билан тугалланадиган (3-чизмага қаранг) даврий характер

билан тавсифланади. Президентнинг бюджетномасини тайёрлаш, Конгресс томонидан бюджет бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда бюджетни ижро этиш (1–Г-намунада кўрсатилганидек) асосий босқичлар бўлиб ҳисобланади. Гарчанд бюджетни тузишнинг асосий босқичлари йилдан-йилга сақлаб қолинса-да, алоҳида таомиллар Президентнинг қарашларига, бюджет тайёрланадиган ва ижро этиладиган мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятга ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Конгрессинг бюджет бўйича ҳамма тадбирлари 3 категорияга бўлиниши мумкин:

1) бюджет лойиҳасининг қабул қилиниши; бу ҳаракат билан боғлиқ тадбирлар "Конгресснинг бюджет жараёни" номи билан маълумдир;

2) ассигнациялар ажратиш бўйича қонун лойиҳаларини ҳар йили тасдиқлаш, шу жумладан, ассигнациялар ажратишнинг мунтазам, қўшимча, давомли чоралари;

3) бюджет ваколатлари бўйича қонун лойиҳалари (маблағларни сарфлаш ҳуқуқи), битимлар, солиққа оид қонунларни ўзгартириш бўйича бошқа чора-тадбирлар, тасдиқланган дастурларга ўзгартиришлар киритиш ёки давлат қарзининг чекланган миқдорини бошқариш каби Федерал бюджетга таъсир қилувчи бошқа қонунларни тасдиқлаш.

3-чизма

ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАОМИЛИ



Конгресс бюджети лойиҳаси учта асосий бўлимдан иборат: даромадлар ва харажатларнинг жамлама кўрсаткичлари, функционал категориялар бўйича харажатлар ва келишув йўриқномаси (шарт эмас) (4-чизмага қаранг). Жамлама кўрсаткичлар ялпи даромад (ва даромадлар ўзгартирилиши мумкин бўлган ҳажм), ялпи янги бюджет ваколатлари (маблағларни сарфлаш ҳуқуқи, у бир неча йилни ўз ичига олиши мумкин ва у одатда асосий капитал активларни сотиб олишга сарфлаш билан боғлиқ бўлади), жами харажатлар, профицит ёки тақчиллик миқдори, қарзнинг чекланган миқдори, янги бевосита қарз мажбуриятлари ва янги бирламчи кафолатланган қарз мажбуриятларини ўз ичига олади. Янги бюджет ваколатлари, харажатлар, бевосита қарз мажбуриятлари, кафолатланган қарз мажбуриятлари 20 функционал категориялар ўртасида тақсимланади. Уларга Миллий мудофаа, Халқаро фаолият, Энергетика, Қишлоқ хўжалиги ва бошқалар киради.

Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг тегишли *қўмиталарига* келишув йўриқномалари билан даромадлар, харажатлар ва давлат қарзи бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини жорий бюджет снёсатига мувофиқлаштириш учун қонун лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида кўрсатмалар *берилади*.

Конгрессниг бюджет лойиҳасида аниқ дастурлар ва ҳисобрақамлар кўрсатилмайди, лекин унга жамлама кўрсаткичлар, функционал категориялар бўйича маблағларнинг тақсимланиши ва алоҳида дастурларнинг нни тўғрисидаги тахминларга асосланган келишув йўриқномалари илова қилинади. Бу тахминлар баъзан Бюджет бўйича қўмиталарнинг таклифларига киритилади ва бюджет лойиҳасига илова қилинади, лекин улар Конгресс учун мажбурий эмас.

Конгрессниг бюджет лойиҳаси бюджет билан боғлиқ тегишли тадбирлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилиши учун у Конгресс томонидан келгуси молия йили учун даромадлар, харажатлар ёки қарз миқдорларининг кўриб чиқилишидан аввал қабул қилиниши зарур. Бироқ Конгресс 1974 йилдаги Конгрессниг "Бюджет тўғрисида"ги қонунида белгиланганидек, 15 апрелгача бюджет лойиҳасини қабул қилишда кўпинча кечикади. Конгрессниг алоҳида қондалари бюджет ассигнацияларини ажратиш бўйича қонун ҳужжатларини (ҳамда 15 апрелдан кейин тақчиллик миқдорига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини) кўриб чиқишга (агар Конгресс бюджети лойиҳаси ҳали қабул қилинмаган бўлса) 15 майдан кейин ҳам рухсат беради.

1.4. БЮДЖЕТ АССИГНАЦИЯЛАРИНИ АЖРАТИШ ТАОМИЛИ

Ассигнацияларнинг ҳар йили ажратилиши барча қўмиталар учун харажатлар ҳажмини тавсия этувчи, Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг ассигнациялар ажратиш бўйича тегишли кичик қўмиталар ваколатига кирувчи ассигнациялар ажратишга доир 13та доимий қонун ҳужжатлари билан амалга оширилади. Ассигнацияларни ажратиш бўйича бу қонун ҳужжатлари бюджетнинг жамлама кўрсаткичларига таъсир этувчи даромадлар ва харажатлар бўйича бошқа қонун ҳужжатлари сингари Вакиллар Палатаси ва Сенатга алоҳида келиб тушади. Конгресс молия йили бошлангунига қадар агентликларга ассигнациялар ажратиш бўйича барча қонун ҳужжатларини қабул қилишга кечикса, уларни вақтинчалик молиялаштиришни таъминлайди. Айрим йилларда бу чора-тадбирлар агентликларга нафақат бир ёки икки ойга, балки тўлиқ молия йилига ассигнациялар ажратилишини таъминлаган. Конгресс, шунингдек, Федерал агентликлар ёки дастурларни амалга ошириш учун, шу жумладан, бюджет лойиҳасида назарда тутилмаган алоҳида харажатларни молиялаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш юзасидан тадбирларни амалга ошириши ҳам мумкин.

Ассигнациялар ажратиш бўйича мунтазам, давомли ва қўшимча қонун ҳужжатлари 1974 йилдаги Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг "302-бўлим" ва "602-бўлим" таомилларини ўрнатиш жараёни орқали Конгресс бюджети лойиҳаси билан боғланган.

АҚШ КОНГРЕССИНИНГ ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ



Конгресс бюджети лойиҳаси қабул қилингандан сўнг жами харажатлар Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталари, шунингдек, ассигнациялар ажратиш ваколатига эга бошқа қўмиталар ўртасида тақсимланади. Сўнгра қўмиталар ўз харажат суммаларини ўзларининг 13 та кичик қўмиталари ўртасида тақсимлайди. Ассигнациялар ажратиш тадбирлари Вакиллар Палатаси ёки Сенат томонидан кўриладиган бўлса бу мақсадларга назарда тутилган харажатлар тегишли кичик қўмитага тақсимланган сумма билан солиштирилади. Айрим ҳолатларда ассигнациялар ажратиш масаласини кўриб чиқиш жараёнида, Конгресс бюджети лойиҳасини тузиш снёсати бузилса буйруқ билан тақиқланиши мумкин. Бироқ кўпчилик ҳолларда ассигнациялар ажратиш бўйича қонун ҳужжатлари 302-бўлим (ёки 602 — бўлим) бандларига мос келади.

Ассигнациялар ажратиш бўйича ҳаракатлар гоҳида ваколат берувчи зарур қонун ҳужжатлари тасдиқланмаганлиги муносабати билан Конгресс томонидан кечиктирилади. Ваколат тақдим этувчи қонун ҳужжати Қонун бўлиб ҳисобланади, у: (1) дастурни, шунингдек, уларга мувофиқ агентлик ўз ҳаракатларини амалга оширадиган қоидалар ва шартларни ўрнатади ва (2) бу дастур ёки агентлик учун ассигнациялар ажратиш ваколатини тақдим этади.

Ваколат тақдим этувчи қонун ёки Вакиллар Палатаси ёхуд Сенат томонидан тасдиқланиши ва йилнинг исталган вақтида кўриб чиқилиши мумкин. "Ваколатлар тақдим этиш тўғрисида"ги қонуннинг бюджетга таъсири фақат дискрецион ваколатлардан (ассигнациялар ажратиш бўйича ҳар йилги қонун ҳужжатларида унга мувофиқ маблағлар назарда тутилади) ёки агентликларга мажбуриятларни қабул қилиш имконини берадиган "яширин харажатлар"дан иборатлигига боғлиқ.

Вакиллар Палатаси ва (озроқ даражада) Сенат қоидалари агентликлар ва дастурлар, то уларга ассигнациялар ажратиш масалалари кўриб чиқилгунга қадар қонун томонидан ваколатга эга бўлишларини талаб қилади. Кўп агентлик ва дастурлар ҳар йили ёки ҳар бир неча йилда янгиланиши лозим бўлган муваққат ваколатларга эгадирлар. Вакиллар Палатаси ва Сенат кўпинча ҳали қайта тасдиқдан ўтмаган давомли дастурларга ассигнациялар ажратиш билан боғлиқ ваколатларга эга бўлмаган қонун ҳужжатларини рад этадилар ёки тан олмайдилар.

1.5. КЕЛИШУВ БЎЙИЧА ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ВА БЮДЖЕТГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ БОШҚА ТАДБИРЛАР

Ассигнациялар ажратиш бўйича ҳар йилги қонун ҳужжатлари барча Федерал харажатларнинг фақатгина ярмини белгилайди: қол-

ганлари кўпинча ассигнациялар ажратиш бўйича доимий қонун ҳужжатлари ва АҚШ Конгрессининг ҳар йилги ҳаракатини талаб қилмайдиган молиялаштиришнинг бошқа механизмлари билан белгиланади. Бундан ташқари, даромадларнинг ҳар йиллик тушуми асосан, амалдаги қонунчилик бўйича белгиланади. Бу дегани Конгресс ўзининг бюджетга оид янги қонун ҳужжатлари бўйича харажатлар суммасини бюджетда назарда тутилган даража билан шунчаки солиштириб амалга кирита олмайди. Амалдаги қонун билан тартибга солинадиган бюджет улуши, асосан аввал келтирилган келишув таомили йўли билан назорат қилинади. Келишув йўриқномаларига ваколатли қўмиталар белгиланган муддатгача амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларини беришлари шарт. Ваколатли қўмиталар таклифлари, одатда келишув учун қонун ҳужжатлари тўпламида жамланади.

Конгресс қўмиталари ўз ташаббуслари бўйича даромадлар ёки харажатлар бўйича қонун ҳужжатларини ўзгартиришга оид қонун лойиҳаларини киритишлари мумкин. Бунда тадбирларни амалга киритиш натижасида даромадлар ва харажатлар ҳажми Конгресс бюджети лойиҳаси ёки 302-бўлим (ёки 602-бўлим) бандлари билан солиштирилади. Бюджетда назарда тутилган даромадлар ассигнациялар ҳажмидан фарқ қилса, айрим таклифлар бўйича қонун лойиҳасини кўриб чиқиш тақиқланиши мумкин.

1.6. ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИ ИЖРО ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

Гарчанд Конгресс қарорлари барча агентликлар учун мажбурий ҳисобланса-да, улар, одатда маблағларни сарфлашда айрим эркинликларга эгадирлар, чунки маблағлар кенг категориялар бўйича ажратилади. Агентликлар, умуман, Конгресс қўмитасига тақдим этилган молиявий ва дастурий режаларга риоя этадилар, аммо улар кўпинча маблағларни "қайта дастурлаштирадилар" (уларни бир дастур ичида бир моддадан бошқасига ўзгартирадилар) ёки кўзда тутилмаган харажатларни қоплаш учун бошқа механизмларни ишга соладилар. Қайта дастурлаштиришнинг баъзи масалалари қонун ҳужжатлари билан ёки ассигнациялар ажратиш бўйича Конгресс қўмиталари томонидан маъқуллашни талаб қилади.

Агентликлар бу маблағлар МББ томонидан тақсимланмагунига қадар уларни сарфлай олмайдилар. Тақчилликни қисқартириш бўйича қонун (31 U.S.C. 1512-1519) МББдан тақчиллик юзага келишининг олдини олиш учун маблағлардан самарали ва тежамли фойдаланиш-

га эришишни талаб қилади. МББ мавжуд маблағларни чораклар (ёки ойлар) бўйича ёки лойиҳалар бўйича тақсимлайди, кейин агентликлар тақсимланган маблағларни ўз маъмурий бирликлари ўртасида бўладилар. Агентликларга тақсимланган ва уларга ажратилган маблағлардан ортиқ сарфлашга рухсат берилмайди.

Агар Президент ёки бошқа ижрочи шахс Конгресс томонидан ажратилган маблағларнинг молиялаштирилишини тўхтатиб турса, у 1974 йилдаги "Ресурсларни назорат қилиш тўғрисида"ги қонунда белгиланган таомиллардан фойдаланади. Агар Президент мажбурият ёки харажатларни молиялаштиришни кейинга қолдиришни хоҳласа, у кечиктиришни таклиф этади, бироқ бунга ваколат берувчи "Тақчилликни қисқартириш бўйича" қонунда қайд этилган сабаблар бўйичагина бундай қилиши мумкин. Бунда у харажатларни сиёсий сабабларга кўра кейинга қолдира олмайди.

Бюджет жараёнининг якуний босқичи назорат ва аудит ҳисобланади. "Ички назорат" тамойилига мувофиқ, Федерал агентликлар мол-мулкнинг сақланиши ва маблағларнинг самарали ишлатилиши учун жавобгар ҳисобланади. Агентликлар бухгалтерия тизимини қўллаб-қувватлашлари ва ўз харажатлари аудитини Бухгалтерия ҳисоби бўйича Бош бошқарма томонидан белгиланган стандартларга мувофиқ амалга оширишлари шарт.

Бюджетни ижро этиш молиявий экспертларнинг чекланган миқдори томонидан амалга ошириладиган алоҳида ҳаракат бўла олмайди, чунки бюджетни тузиш барча давлат секторларини қамрайди, унга Ҳукуматнинг барча қисмларидан иштирокчилар жалб этилган. Бюджетни тайёрлаш бўйича айрим мутахассислар дастурлар бўйича мутахассис, бошқалари эса молиявий масалалар бўйича эксперт ҳисобланади. Айримлар Ҳукуматда сезиларли ўрин эгаллайдилар; бошқалар алоҳида дастурларда қисман иштирок этадилар. Бюджет бўйича ишларнинг тақсимланиши ўз моҳиятига кўра асосан, дастур тарафдорлари ва молиявий масалалар бўйича маслаҳатчилар, юридик масалалар бўйича инспекторлар, Президент вакиллари ва агентликлар ёки дастурлар вакиллари иштирок этадиган сиёсий жараён ҳисобланади.

Қонун чиқариш ва ижро жараёнининг биргаликда мавжудлиги бюджет жараёни иштирокчилари сонини анча кўпайтиради (5-чизмага қаранг). Ижроия тармоғи худди Конгресс сингари ўз бюджет экспертларига эга. Дастурлар бўйича экспертлар агентликларда ҳам, Конгресс қўмиталарида ҳам мавжуд. Бюджет мустақиллигини таъминлаш учун Конгресс агентликлар маълумотларига тобе бўлмаслик мақсадида ўз маълумотлар базасини ривожлантиради.

Бироқ Конгрессда бюджет ҳукуматнинг ижроия тармоғидагига қараганда кўпроқ хилма-хилликка эгадир. Турли манфаатлар ва истиқболларни акс эттирувчи муассаса сифатида Конгресс бюджет жараёнини кўп сонли иштирокчилар билан тартибга келтиради. Агар иш жамоатчилик маблағларига тааллуқли бўлса, Конгрессда ҳеч ким тўлиқ жавобгар бўлмайди, бироқ унинг ҳар бир аъзоси ва Қўмита тегишли ўрин эгаллайди.

5-чизма

ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИНИНГ БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ



Бюджет жараёнида иштирокчиларнинг асосий ўрни ва вазифалари 1–Г, 1–Д, 1–Ж, 1–Е-намуналарида келтирилган.

Буларга мувофиқ бюджет жараёнида ижроия ҳокимиятининг учта асосий иштирокчи ҳал қилувчи аҳамиятга эга: бу Президент, МББ ва агентликлардир. Уларда қўшимча сифатида турли ижроия Ҳокимиятининг ташкилотлари махсус ўринларга эга. Молия вазирлиги Ҳукуматнинг бухгалтерия ҳисоб-рақамларига хизмат кўрсатади, Федерал ҳукуматнинг нақд пуллари ва қарзини бошқаради, бюджетнинг аҳволи тўғрисида мунтазам ҳисоботлар чиқаради ва солиқ снёсатида ижро нуқтаи назаридан етакчи ўрин эгаллайди. Иқтисодий маслаҳатчилар кенгаши ҳар йили Иқтисодий аҳвол тўғрисида ҳисобот тайёрлайди, иқтисодий тамойилларнинг истиқболини тузади ва иқтисодий снёсат масаласини (бошқалар қатори) Президентга маълум қилади. Бюджетни бюджет жараёни иштирокчиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас, чунки манфаатлар, малака ва иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар доимо ўзгариб туради. Баъзи Президентлар бюджет снёсатига ўта қизиқадилар, бироқ айримларигина бюджетнинг алоҳида масалаларини ҳал этишга эътибор берадилар.

Президент томонидан МББ салоҳиятидан фойдаланиш усуллари маъмурнятнинг уларни қўллашига кўра фарқланади. Айрим йилларда МББ бюджет снёсатида ҳукмрон ўрин эгаллайди, баъзида эса бошқа агентликлар ва Президент маслаҳатчилари томонидан қатъий рақобатга рўбару бўлиши мумкин.

Ҳолбуки, бюджетни тайёрлаш учун мустаҳкам бюджет харажатлари бўйича ҳар йилги тадбирлар ўтказилиши лозим. Агар айрим иштирокчилар ҳар йили ўзларини ҳар хил тутсалар, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари улардан нима кутиш мумкинлигини ёки қандай қилиб уларга мослашишни била олмай қоладилар. Бюджет — бу ўзаро умидларга боғлиқ жараён. Агентликлар ўз дастурлари учун катта маблағлар олишга интилиши ва МББ бюджет харажатларининг ўсишига йўл қўймасликка уриниши кутилади. Президент ўз бюджетини Конгрессда ўтказишга ҳаракат қилиши ва қонун чиқарувчилар ўзларига бюджет снёсатида мустақилликни таъминламоқчи бўлиши, бироқ ҳар икки тараф ўз келишмовчиликларини бартараф этишга уриниши ҳам кутилади. Томонлардан бири одатдагидан қайсарроқ бўлса бу умидлар узоқ муддатли келишмовчиликларга олиб келиб, 80-йилларда бўлгани каби буткул инқирозга олиб келиши ҳам мумкин.

1.7. БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи бюджет ўринлари ўтмишдагига қараганда унчалик барқарор бўлмади. Бу қонун чиқарувчи бюджет ўринларида анчагина хилма-хиллик пайдо бўлгани билан изоҳланади. Бироқ Конгресснинг бюджет жараёни ва бюджет таомилларидаги бошқа ўзгаришлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни эски иштирокчиларни сақлаган ҳолда қонун чиқариш жараёнига янги иштирокчиларни киритди. Қоғозда Даромадлар ва харажатлар масалалари бўйича қўмиталарнинг ўрни тубдан ўзгартирилди, бироқ Бюджет бўйича қўмиталарнинг таъсис этилиши кўпгина умидларни, бюджет жараёни баъзи иштирокчиларининг ўзини тутишини ўзгартирди. Ҳатто бюджет жараёни ўрнатилгунча Конгресс бюджет бўйича сезиларли ихтилофларни ҳис қилди. Сабаби Ассигнацияларни ажратиш бўйича кўплаб қўмиталар алоҳида дастурлар бўйича харажатлар миқдори тўғрисидаги таклифларни тайёрлашда фаол иштирок эта бошладилар. Унинг устига доимий харажатлар ("яширин харажатларнинг" бошқа шакллари қатори) анчагина кенг тарқалди. Бу ўзгаришлар ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталарнинг ваколатлари ва ўрнига таъсир этди.

Конгресснинг бюджет жараёни деярли ўтган икки ўн йиллик мобайнида ишлаганига қарамай мазкур жараёнда ўринларнинг алмашиши давом этмоқда, қонун чиқарувчилик ва ўзаро муносабатлар ўзгарди. 1975 йилдан бошлаб Конгресснинг бюджет жараёни ҳар йили турлича амалга оширилиб, унинг иштирокчилари ўртасида қонун чиқарувчилик ўринлари ва ўзаро муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Бир йили узоқ муддатли бюджет, кейинги йили кредит бюджети жорий этилди; айрим йилларда партия етакчилари бюджетни шакллантиришда фаол иштирок этдилар, бошқа йили четда қолдилар. Конгресс билан Оқ Уй ўртасидаги ўзаро муносабатлар йилдан йилга ўзгариб, Капитолия тепасидаги ўринларни тақсимлашда мавҳумликка олиб келди. Грэмм-Рудмен-Холлингс қонуни ва тақчиллик босими ҳам қонун чиқарувчилик ўрни ва хатти-ҳаракатига таъсир қилди.

Президент ва Конгресс иштирокчиларининг бюджет ўрни ва ўзаро муносабатларига ҳокимиятнинг ижроия ва қонун чиқарувчи тармоқлари ўртасидаги бюджет масалалари бўйича музокаралар сезиларли таъсир кўрсатди. Уларнинг 1987 йил учрашувидаги битим 1988–1989 молия йиллари учун умумий бюджет спёсатини, 1989 йил

учрашувидаги битим 1990 молия йили учун умумий сиёсатни, 1990 йилдаги учрашув эса 1991–1995 молия йиллари учун бюджет чегараларини белгилаб берди.

Бюджет масалалари бўйича учрашувлар барқарор эмас, чунки улар ҳокимиятнинг икки тармоғининг музокараларга киришиш ва бюджет сиёсатига доир тафовутларни кейинга қолдириш хоҳишига боғлиқ. Бир учрашув баҳорда, қолган иккитаси кузда ўтказилди. Биринчи келишув икки молия йилини, кейингиси бир молия йилини қамраб олди, энг сўнггиси беш молия йилига татбиқ этилди.

1-А-НАМУНА
Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришларнинг бюджет лойиҳасига таъсири
млрд. долларда

	1991	1992	1993	1994	1995	1996
Реал ўсиш: ҳар йилги ўсиш суръатларининг бир фоизлик бандга пасайишининг таъсири 1991 йил январдан бошлаб						
Даромадлардаги ўзгаришлар	-7	-23	-40	-60	-80	-103
Харажатлардаги ўзгаришлар	1	4	8	14	21	31
Тақчилликдаги ўзгаришлар	8	26	48	74	102	134
Ишсизлик: бир йилда ишсизлар сонининг бир фоизга кўпайишининг таъсири 1991 йил январдан бошлаб						
Даромадлардаги ўзгаришлар	-28	-42	-43	-44	-46	-47
Харажатлардаги ўзгаришлар	5	8	12	16	21	25
Тақчилликдаги ўзгаришлар	33	49	55	61	66	73
Инфляция: бир йилда инфляция суръатининг бир фоизлик бандга ошишининг таъсири 1991 йил январдан бошлаб						
Даромадлардаги ўзгаришлар	6	17	30	45	61	78
Харажатлардаги ўзгаришлар	5	18	30	43	57	71
Тақчилликдаги ўзгаришлар	-1	1	0	-2	-4	-7
Фоиз ставкалари: Йиллик фоиз ставкасининг бир фоизлик бандга ўзгаришининг таъсири 1991 йил январдан бошлаб						
Даромадлардаги ўзгаришлар	0	0	0	0	0	0
Харажатлардаги ўзгаришлар	5	15	22	28	33	37
Тақчилликдаги ўзгаришлар	5	15	22	28	33	37

Даромадлар ва харажатлар, бинобарин тақчиллик ҳам иқтисодий шароитлардаги ўзгаришларга таъсирчандир. Хусусан, уларнинг миқдорига иқтисодиётнинг ўсиш даражаси, ишсизлик, инфляция суръати, фоиз ставкалари таъсир этади. Мазкур намуна иқтисодий шароитлардаги тахмин қилинган ўзгаришларнинг бюджетга таъсири баҳосини кўрсатади.

Реал ўсиш нарх ўзгаришларини тартибга солишдан сўнг Ялпи Миллий Маҳсулот (ЯММ)даги ўзгаришларга тегишлидир.

Кучсиз реал ўсиш ишсизликнинг юқорироқ даражаси билан кечиши мумкин.

Инфляция даражасининг ўсиши даромадларни ҳам худди харажатлар каби тахминан бир хилда кўпайтиради. Инфляция, шунингдек, тақчилликка ҳам камроқ таъсир кўрсатади.

Фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар тақчилликка нисбатан камроқ таъсир кўрсатади. Бу Федерал қарзнинг каттагина қисми қатъий ставкага эга бўлган узоқ муддатли облигацияларга тўғри келиши билан изоҳланади. Бироқ фоиз ставкаларидаги ўзгаришлардан узоқ муддатли таъсир кўпроқ кўриниб туради.

1-Б-НАМУНА
Федерал бюджетнинг даромад ва харажатлари ЯММга нисбатан (фоизда)



Молия йили	81	82	83	84	85	86	87	88	89	90	91
Даромадлар	20.1	19.7	18.1	18.1	18.6	18.4	19.3	19	19.3	19.1	19.4
Харажатлар	22.7	23.8	24.3	23.1	23.9	23.7	22.7	22.3	22.3	23.2	24.7
Тақчиллик	2.6	4.1	6.2	5	5.3	3.3	3.4	3.3	3	4.1	5.3

(1) 1981 йилдан 1991 молия йилигача бўлган давр мобайнида даромадлар сингари харажатлар ҳам тор интервал доирасида тебраниб турди. Ялпи Миллий Маҳсулот (ЯММ)га нисбатан интервал даромадлар учун 2 фоизлик бандни, харажатлар учун 2,4 фоизлик бандни ташкил этди.

(2) ЯММга нисбатан бюджет тақчиллиги 2,6 фоизлик банддан (1981 молия йилида) 6,2 фоизлик бандгача (1983 молия йилида) ўзгарди. Бутун давр мобайнида бюджет тақчиллиги ЯММга нисбатан ўртача 4 фоиздан кўпроқни ташкил этди.

(3) Мазкур кўрсаткичлар жамланган бюджет маълумотлари асосида келтирилган; улар траст жамғармаси операциялари, бюджетдан ташқари муассасалар ҳисобланадиган Ижтимоий таъминот жамғармаси харажатлари ва Почта хизмати харажатларини ўз ичига олади. Мазкур муассасалар маълумотлари ҳисобга олинмаганда тақчиллик анча юқори фоизни ташкил этган бўлар эди.

1-В-НАМУНА
Уй хўжаликларига федерал тўловлар

Молия йили:	1970	1980	1990	1992	1996
Тасдиқланган доимий дастурларга харажатлар (миллиард долларда)					
ЖАМИ ТЎЛОВЛАР	65	278	584	701	912
ТЎЛОВЛАРНИНГ ЖАМИ ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИДАГИ УЛУШИ (ФОИЗЛАРДА)	33%	47%	47%	49%	59%
Асосий дастурларга харажатлар:					
Ижтимоий таъминот	9	116	243	283	350
Ишсизларга нафақалар	3	17	17	25	23
Федерал пенсиялар	6	27	53	59	76
Тиббий таъминот	7	34	107	124	193
Бепул (имтиёзли) тиббий ёрдам	3	13	41	60	100
Талабаларга моддий ёрдам	1	5	10	10	2
Турар-жой таъминоти	1	5	16	20	25
Купонлар бўйича овқатланиш	1	9	15	20	23
Оилаларга моддий ёрдам	4	7	12	15	17
Оилаларнинг ижтимоий таъминоти	9	21	29	32	35
Қўшимча моддий ёрдам	0	6	11	16	22
Асосий дастурлар бўйича ижтимоий қўллаб-қувватлашдан фойдаланувчилар сони (миллион киши ҳисобида)					
Ижтимоий таъминот	26	35	39	41	42
Купонлар бўйича овқатланиш	9	19	19	22	22
Оилаларга моддий ёрдам	7	11	11	13	13
Тиббий таъминот	20	28	33	34	36
Бепул (имтиёзли) тиббий ёрдам	15	22	25	29	33

(1) Бу жадвал уч бўлимдан иборат. Биринчиси жами федерал харажатларга нисбатан фоизларда ифодаланган тасдиқланган доимий дастурларга харажатларни кўрсатади; иккинчи қисми асосий дастурларнинг турлари бўйича харажатларини; учинчи қисм асосий дастурлар бўйича ижтимоий қўллаб-қувватлашдан фойдаланувчилар сонини кўрсатади.

(2) 1970–1992 молия йиллари мобайнида тасдиқланган доимий дастурлар бўйича харажатлар ўн баравардан ортиқ ўсди. Тасдиқланган доимий дастурларга харажатлар жами федерал харажатларга нисбатан 1970 йилдаги 33 фоиздан 1992 йили деярли 50 фоизгача ўсди ва 1996 йилда 59 фоизгача ўсиши кутилган. Асосий дастурлар бўйича харажатларнинг жами Федерал бюджет харажатларидаги улуши ҳам ўсди.

(3) Асосий дастурлар бўйича харажатларнинг катта қисмини пенсиялар, ногиронларни ижтимоий таъминлаш (Ижтимоий таъминлаш бўйича дастур) ва тиббий таъминот бўйича дастурлар ташкил этади.

(4) Тасдиқланган асосий дастурлар бўйича харажатлар қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши сабабли вақт ўтиши билан бу дастурлар бўйича харажатлар борган сари кўпроқ одамлар имтиёзлардан фойдаланишларига қараб ўса боради. 1970 ва 1996 молия йиллари ўртасида асосий дастурлар бўйича имтиёз олувчилар сони икки баравар кўпайиши кутилмоқда.

1-Г-НАМУНА
Федерал бюджет жараёнининг асосий босқичлари



Бюджет лойиҳасининг Президент Маъмурияти томонидан тузилиши: Президент ўз бюджетномасини Конгрессга молия йили бошланиши (1 октябр)дан саккиз ой аввал февраль ойининг бошида йўллайди. Бюджетни тузиш бўйича йўриқнома ўтган баҳорда ишлаб чиқилади ва агентликлар ёз давомида ўз бюджет талабномаларини тайёрлайдилар. Кузда Президент ва МББ агентликларнинг маблағлар ажратиш бўйича бюджет буюртмаларини кўриб чиқадилар.

Конгресснинг бюджет бўйича тадбирлари: Конгресс ўз бюджет лойиҳасини баҳорда қабул қилади ва кейин харажатлар, даромадлар ва давлат қарзи лимитлари бўйича қонун ҳужжатларини ёз ва куз мобайнида (гоҳида энг муҳим бюджет қонунлари бўйича ишларни ҳатто молия йили бошлангандан кейин ҳам тугата олмай) кўриб чиқади.

Бюджет ижроси: МББ маблағларни агентликлар бўйича тақсимлайди; агентликлар маблағларни бўлинмалар бўйича қайта тақсимлайдилар, мажбуриятларни қабул қиладилар ва фаолиятни амалга оширадилар. Қўшимча ассигнациялар сўрашлари ҳам мумкин.

Шарҳ (текширув): бюджет ижро этилгандан ва дастурлар самарадорлиги баҳолангандан сўнг бюджет аудити амалга оширилади. Бюджет бўйича узил-кесил маълумотлар тақдим этилади.

1-Д-НАМУНА
Ижроия ҳокимиятининг асосий бюджет функциялари

Президент ва МББ	Конгрессининг Бюджет бошқармаси	Федерал агентликлар
Ижроия ҳокимиятнинг бюджети сиёсатини ўрнатади ва бюджет лойиҳасини Конгрессга тақдим этади. Конгрессга қўшимча маблағ ажратиш бўйича буюртмалар, бюджетга тузатишлар ва ўзгартиришларни тақдим этади. Даромадларни имзолайди (ёки вето қўяди), маблағларни ажратиш билан боғлиқ ва Конгресс томонидан тасдиқланган бюджет билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади. Аннуляциялар ва муддатларни кейинга суришлар тўғрисида Конгрессга маълум қилади. Бюджет ресурсларини тежаш учун секвестрлаш бўйича буйруқлар чиқаради.	Бюджет тизимининг ижроия қисмини амалга оширади ва Президент Маъмуриятига мазкур масалалар юзасидан маслаҳатлар беради. Агентликлар учун мақсадли режалар ва бюджет лимитларини чиқаради. Президент учун бюджет вариантлари ва тавсиялар тайёрлайди. ГРХ қонунига мувофиқ секвестрлаш бўйича маърузалар тайёрлайди. Таклиф этилган қоидалар ва ҳисоботларни уларнинг Президент бюджетномасига мувофиқлигини аниқлаш учун кўриб чиқади. Маблағларни тақсимлайди ва бюджет ижроси юзасидан мониторинг ўтказади. Федерал харажатлар самарадорлигини ошириш бўйича бошқарув фаолиятини амалга оширади.	МББга бюджет буюртмаларини тақдим этадилар. Президент Маъмуриятига қўшимча маблағлар сўраб мурожаат этадилар. Конгресс қўмиталари учун Президентнинг бюджетномаси бўйича тавсияларни тасдиқлайдилар. МББдан маблағларни тақсимлашни сўрайдилар ва уларни ўз бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлайдилар. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини қўллаб-қувватлайдилар. Мажбуриятлар қабул қиладилар ва аудит олди харажатларни амалга оширадилар. Маблағ ажратилган фаолиятни амалга оширадилар.

1-Е-НАМУНА
Конгресс қўмиталарининг асосий бюджет функциялари

Ваколатлар тақдим этувчи қўмиталар	Маблағлар ажратиш бўйича қўмиталар	Даромадлар бўйича қўмиталар	Бюджет қўмиталари
Доимий харажатларни амалга ошириш ҳамда ваколатлар тақдим этувчи қонун ҳужжатлари бўйича маъруза қиладилар. Ижроия ҳокимиятининг агентликлари устидан мониторингни амалга оширади. Бюджет қўмиталарига ўз ваколатларига доир масалалар бўйича фикрлар ва баҳоларни тақдим этадилар. Келишувлар йўриқномаларига мувофиқ Қонунларга ўзгартиришлар киритишни тавсия этадилар. Конгресснинг Бюджет бўлими харажатларининг ҳисобкитобини уларнинг ваколатлари бўйича ҳисоботларга киритадилар.	Ассигнациялар ажратиш бўйича мунтазам ва қўшимча қонун ҳужжатлари юзасидан маъруза қиладилар. Таклиф этилган аннуляциялар ва муддатларни кейинга суришларни кўриб чиқадилар. Федерал харажатлар бўйича Бюджет қўмиталарига фикрлари ва баҳолашларини тақдим этадилар. Ассигнациялар ажратиш бўйича қонун ҳужжатларига кредит дастурлари бўйича чекловлар киритадилар. Янги дастурларни жорий этиш юзасидан қоидалар белгилайдилар. Федерал агентликлар учун ҳисоб тизимини белгилайдилар.	Даромадлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича маъруза қиладилар. Давлат қарзи. Ижтимоий таъминот ва айрим бошқа мажбурий харажатларга доир қонун ҳужжатлари бўйича маъруза қиладилар. Ўз ваколатлари масалалари бўйича бюджет қўмиталарига фикр ва баҳолашларини тақдим этадилар. Келишувлар бўйича йўриқномаларга кўра Қонунларга ўзгартиришлар киритишни тавсия қиладилар.	Бюджет лойиҳаси бўйича маъруза қиладилар. Келишув йўриқномаларининг лойиҳаларини тайёрлайдилар ва йиғма келишув ҳужжатини шакллантирадилар. Қўмиталар бўйича янги бюджет ваколатлари. харажатлар ва янги узоқ муддатли мажбурий харажатлар ҳамда кредит ваколатларини тақсимлайдилар. Бюджет устидан мониторинг ўтказадилар ва Конгрессга унинг ҳолати тўғрисида маслаҳат берадилар. (Сенат) айрим бюджет таомилларининг бекор қилинганлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа юзасидан маъруза қилади.

1-Ж-НАМУНА
Конгресс томонидан қўллаб-қувватланадиган агентликларнинг асосий бюджет функциялари

Конгрессниг бюджет бошқармаси	Бухгалтерия ҳисоби бўйича бош бошқарма	Конгрессниг тадқиқот хизмати
Беш йиллик прогнозларни киритган ҳолда бюджет ва иқтисодиёт бўйича маърузалар чиқаради. Маблағлар ажратиш бўйича 5 йиллик ҳужжатларнинг қийматини ҳисоб-китоб қилади. Грэмм-Рудмен-Холлингс қонуни бўйича секвестрлаш бўйича маърузалар чиқаради. Бухгалтерия ҳисоб-рақамлари бўйича маълумотлар базасини қўллаб-қувватлайди. Бюджетнинг прогноз ҳисоб-китобларини тайёрлайди. Бюджет, солиқлар, маблағ ажратиш қўмиталари ва бошқа қўмиталарга ёрдам беради.	Бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича қўлланмалар чиқаради ва агентликлар бухгалтерия тизимларининг мониторингини ўтказади. Муддатларни кейинга суришлар ва аннуляциялар устидан уларнинг ҳисоботларга мувофиқлигини аниқлаш ва буюртмалар бўйича маблағлар ажратиш учун мониторинг ўтказади. Айрим Федерал агентликлар фаолияти устидан аудит ўтказади. Маблағлардан фойдаланишга нисбатан юридик хулосалар чиқаради. Қарзлар йиғимига, жумладан, агентликлар қарори бўйича аризаларга тааллуқли баҳслар ва масалалар билан бир қаторда бошқа қонунчилик масалаларини ҳал этади. Дастурларни таҳлил этади ва харажатлар самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқади.	Агентликлар фаолияти ва дастурларга таъсир этувчи қонун чиқариш масалалари ва таклифларни таҳлил қилади. Аниқ қонун ҳужжатлари ва дастурларнинг юридик тарихини тайёрлайди. Федерал бюджет жараёнини ўзгартириш юзасидан таклифларни таҳлил этади. Қўмитага ва юридик ваколатларга тааллуқли бўлган маълумотлар ва таҳлиллар билан таъминлаш масалалари бўйича аъзоларга ёрдам беради.

САВОЛЛАР

1. Федерал бюджет нима ва у қандай манбалардан шаклланади?
2. АҚШда Федерал бюджет қандай иқтисодий функцияларни бажаради?
3. АҚШ Федерал бюджети қандай ижтимоий функцияларни бажаради?
4. Бюджетни шакллантириш жараёнида ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлари ўртасидаги зиддият нималардан иборат?
5. Федерал бюджетни тайёрлаш, тасдиқлаш ва татбиқ этиш жараёнида АҚШ Конституцияси Конгрессга қандай ваколатлар беради?
6. Бюджет цикли нима ва у қандай элементлардан ташкил топади?
7. Президентнинг бюджетномаси нима ва уни ким тайёрлайди?
8. Конгресс бюджети лойиҳаси нима ва уни ким тайёрлайди?

II БОБ.
АҚШДА БЮДЖЕТ ҚОНУНЧИЛИГИ ЎРНАТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

2.1. "БЮДЖЕТ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ АҚШ БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ТАЪСИРИ

Ўтган асрнинг охирида Федерал бюджет жараёнини такомиллаштириш жараёнида Бюджет тўғрисида бир қатор қонунларнинг чоп этилиши энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Улардан бири 1921 йилда қабул қилинган "Бюджет ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг такомиллашиб бориши эди. Бу Қонун воситасида Конгресс томонидан даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ қарорлар қабул қилинадиган таомил ўзгармайди. Асосий ўзгариш ҳокимиятнинг ижроия бўғинига тааллуқли эди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Президентнинг бюджетномаси етарли эканлигига шубҳа уйғонди ҳамда Конгрессга ҳам шахсий бюджет жараёни зарур деган фикр пайдо бўлди. 40-йиллар охирида Конгресснинг Бюджет Таомилини барпо этишга уринишлар бўлди, бироқ 70-йилларга келибгина ушбу мураккаб ва узоқ давом этувчи жараённи ўрнатишга муваффақ бўлинди.

1974 йилда Конгресснинг "Бюджет ва ресурслар устидан назоратни амалга ошириш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда белгиланган бюджет жараёнининг асосий мақсади солиқлар ва харажатлар бўйича айрим қонун ҳужжатларидан акс эттириладиган харажатлар ва даромадларга тааллуқли қарорларни мувофиқлаштириш эди.

1974 йилда Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги Қонуни Конгресс Бюджет Бошқармасини (КББ) таъсис этди ва унга Конгресс Қўмиталарини Федерал бюджет ижроси юзасидан ўтказадиган таҳлил маълумотлари ва натижалари билан таъминлаб туришни топширди.

Кўп йиллар мобайнида, 1990 йилга қадар яна бир нечта қонун қабул қилинди. Лекин улардан энг аҳамиятлиси 1990 йилдаги "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонун бўлди. У АҚШ Конгрессида ҳеч қандай тингловдан ўтмасдан қабул қилинган эди. Мазкур Қонун Вакиллар Палатаси ва Сенат томонидан 1990 йил 27 октябрда қабул қилинган ва ўша йили 5 ноябрда Президент Буш томонидан имзоланган[1].

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши илгари 1985 йилдаги "Баланслаштирилган бюджет ва тақчилликни назорат қилиш бўйича фавқулодда чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинадиган бюджет жараёнининг кўринишини анча ўзгартирди. Бу йўналишдаги сўнгги қонун ҳужжати ўз ташаббускорлари: Сенаторлар Фил Гремм, Уоррен Рудмен ва Эрнст Холлингс номи билан танил-

ган. Грэмм-Рудмен-Холлингс Қонунининг биринчи варианти (ГРХ I) кейинчалик 1987 йилдаги "Баланслаштирилган бюджет ва тақчилликни назорат қилиш бўйича фавқулодда чора-тадбирлар тўғрисида"ги Тасдиқловчи Қонун (ГРХ II) билан қайта кўриб чиқилди.

ГРХ I, ГРХ II ва "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонун (ББК) қабул қилинишдан олдин оммавий муҳокамаларнинг узоқ давом этмаганлиги 1974 йилдаги "Жамғармаларни музлатиб қўйиш ва бюджет тақчиллиги устидан назорати тўғрисида"ги Қонуннинг тасдиқланиши учун кетган узоқ муддатдан мутлақ фарқ қилади; бу Қонун ҳозирда кўпчилик бошланғич бюджет жараёни деб атайдиган жараён учун ҳуқуқий базани яратган. У махсус қўшма тадқиқот комиссияси шакллантирилгандан кейин деярли 21 ой ўтгач қабул қилинган; Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг бешта турли Қўмиталари Конгрессда бюджет лойиҳасининг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилаётган кўпгина муаммоларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдилар; Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг[2] одамга тўла заллардаги мажлисларида мунозаралар узоқ давом этди.

Тез тасдиқлашдан ўтганидан ташқари бу Қонуннинг амал қилиши етарлича узоқ муддатга чўзилганлиги билан ҳам фарқланади. ББК асосий қоидаларининг амал қилиши 1993 йил 10 августда Президент Клинтон томонидан имзоланган "Бюджет келишуви тўғрисида"ги қонун билан 1998 молия йилининг охиригача узайтирилган. 1995 йилда АҚШ Конгресси томонидан 1996 молия йили бюджет лойиҳаси маъқулланди ва у ҳам ББКнинг кўпгина қонуний таомиллари амал қилишини яна 2002-чи молия йилига қадар узайтирди.

ГРХ Қонуни бўйича бошланғич бюджет жараёнини ва ББК бўйича бюджет жараёнини тасдиқлашнинг турли муддат ва усуллари нима учун улар қабул қилинганлиги ва улардан қандай мақсадларга эришиш кутилаётганлиги тўғрисидаги саволларга бериладиган жавоблар билан узвий боғлиқдир. Гап шундаки, йил Қонунининг қабул қилиниши жараёни бирор-бир муайян натижани таъминлаш учун мўлжалланган эмас эди. У Конгресс томонидан кейинчалик бюджет тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши учун асос яратишга мўлжалланган эди. Мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш учун овоз берганларнинг кўпчилиги ўзгартирилган бюджет жараёни тақчилликни камайтиради ёки Федерал Ҳукумат харажатларининг устуворлигини ўзгартиради, деб тахмин қилган эди. Аслида мазкур Қонунларнинг асл мақсади шундан иборат эдики, биринчидан, Конгрессда юз бераётган таомилларни бюджет бўйича мунозаралар анча тартибли ва тизимли ўтадиган қилиб ўзгартирди. Иккинчидан, Конгрессга тақдим этиладиган бюджет қарорлари бўйича ҳисоботнинг сифатини ошириш мазкур Қонунларнинг вазифаси бўлиб қолди.

1974 йилдаги бюджет жараёни бўйича мунозаралар Федерал бюджет тақчиллиги борасида катта шов-шувларсиз ўтди. Ўзининг нисбатан кичик ҳажмига[1] қарамай, тақчиллик айрим бюджет кузатувларида хавотирланишига сабаб бўлди. ГРХ Қонунининг иккала варианти қабул қилиш вақтида, мазкур вазиятга зид равишда тақчилликни қисқартириш конгрессменлар ва сенаторлар томонидан бюджет жараёнининг деярли ягона мақсади қилиб қўйилди.

Бунинг сабаби нимада? 1974 йилдаги бюджет жараёни амал қилаётган даврда тақчиллик миқдори ғоятда катта миқёсда ошиб кетди. Бюджет жараёни тақчиллик ошишига сабаб бўлмаганлигига қарамай, у танқид учун жуда қулай нишон эди.

Бундан ташқари, 1974 йилдаги Қонун қабул қилинган пайтдаги сиёсий вазиятдан фарқли ўлароқ, АҚШ Конгрессида ГРХ I Қонунининг кўриб чиқилиши давридаги вазият Федерал бюджет ва унинг 200 миллиардли тақчиллиги жамоатчиликнинг алоҳида эътибор объекти бўлиб қолганлиги туфайли оғирлашди. 1980 йилдаги номзод Рональд Рейганнинг Президентлик кампаниясидан бошлаб (ўшанда тақчиллик асосий муаммолардан бири эди) ҳамда Рейганнинг бутун дастлабки маъмурияти фаолият юритаётган пайтда барча америкаликлар юқори даражада Федерал бюджет масалаларидан хабардор бўлиб бориб, доимий ўсувчи тақчиллик борасида хавотирга тушгандилар.

Натижада 1985 йил охирида Конгресс шошилинч тартибда Федерал бюджет тақчиллиги муаммоларини ҳал этиш механизмини ишлаб чиқишга мажбур бўлди. Бунда бу механизм мавжуд амалиёт ва таомиллардан қанчалик фарқ қилиши умуман муҳим эмас эди. Шу боис ГРХ I Қонуни унга умуман тааллуқли бўлмаган бошқа қонун ҳужжатига тузатиш сифатида Сенатда маъқулланиши биланоқ, унинг тарафдорлари кўпайди ва Конгресснинг иккита палатасидан осонгина тасдиқловдан ўтди. Бунда қабул қилинаётган Қонун бўйича ҳеч қандай тингловлар уюштирилмади ва у қандай амал қилишини (агар умуман амалиётда бўлса) кўпчилик тушунмасди.

ГРХ Қонуни қабул қилиниши билан киритилган иккита муҳим ўзгартиришлар: биринчидан, Президент ва Конгресс томонидан тахминан риоя этилиши лозим бўлган тақчиллик бўйича махсус назорат рақамлари — "тақчилликнинг энг юқори миқдори" белгиланиши бўлди. Иккинчидан, янги мажбурий ижро механизми — "секвестрлаш" жорий қилинди. У агар Президент ва Конгресс ўзининг шахсий ташаббуси билан тақчилликнинг энг юқори мақбул миқдорига эришиш учун зарур бўлган исталган миқдорга федерал харажатларни қисқартира олмаган ёки қисқартиришни хоҳламаган тақдирда, буни амалга оширишга имконият яратади.

ББҚ ГРХ Қонунининг ушбу икки жиҳатини сақлаб қолди, бироқ бундан ташқари уларга умуман янги мақсадларни белгилади. Тақчиллик миқдорининг энг юқори даражасини чеклаш мезони 1995 молия йилига қадар амал қилишда давом этди, лекин бир қатор субъектив сабаблар билан у ГРХ Қонуни сингари аста-секин ўз долзарблигини йўқота борди.

Айни пайтда охирги йилларда секвестрлаш таомилининг мақсади ва тайинланиши аҳамиятли даражада кенгайтирилди. ББҚ нафақат федерал бюджет бўйича қарорлар қабул қилинадиган бюджет календари ва асосий таомилларни ўзгартирди, балки мунозараларнинг асосий мақсадини ҳам тубдан ўзгартирди. ББҚ таомилларига мувофиқ тақчилликни қисқартириш энди бош вазифа эмасди; балки бюджет жараёнининг асосий мақсади этиб базис сатридан паст бўлмаган харажатларни чеклаш ва даромадлар даражасини кафолатлаш белгиланди.

Юқорида айтилганлар ББҚ кучга кириши биланоқ тақчилликни қисқартириш муаммоси ўз долзарблигини йўқотди дегани эмас. Аввалгидек кўпгина истиқболлар иқтисодий ўсиш юз беради, фоиз ставкалари ва инфляция суръати пасаяди, деган тахминларга асосланади. Бундан ташқари, "бир вақтдаги" омилларга алоҳида эътибор берилди, улар қаторига Федерал бюджет харажатлари даражасини пасайтирадиган "омонатлар ва қарзлар ёрдамида иқтисодий қийинчиликларни енгиш бўйича" федерал қўллаб-қувватлаш дастурини ёки "Саҳродаги бўрон" операциясини киритиш мумкин.

ГРХ Қонунидан ББҚга ўтиш билан мақсадларнинг бундай тубдан ўзгаришига бир қатор сабаблар бор. Баъзи бюджет кузатувчилари бу кўп жиҳатдан Буш (Президент) Маъмуриятининг қизиқиши бўлди, деб тахмин қилмоқда.

ББҚ иқтисодий ўсиш натижасида тақчиллик қисқаришига умид қилган ва харажатларни музлатиш сиёсатини назарда тутганлигини ҳисобга олиб, бу "эластик музлатиш" ("flexible freeze") концепциясига сўзсиз ўхшашдир. Бу ҳақда ўша даврда Президентликка номзод Жорж Буш ўзининг 1988 йилдаги сайловолди Президентлик кампанияси вақтида гапирган эди.

Бюджет жараёни мақсадларининг ўзгаришига сабаб бўлган бошқа бир субъектив омил ўша вақтларда мустаҳкам ўрнашиб олган маъмурият амалдорлари уюшмаси бўлди. Мазкур бирлашманинг якуний мақсади федерал бюджет тақчиллигини қисқартириш муаммоси борасидаги мунозаралар ҳисобига юқорида айтиб ўтилган гуруҳлар сиёсий позициясини мустаҳкамлаш эди.

Бюджетдан молиялаштириш муаммолари билан шуғулланади-

ган бир қатор АҚШ олимлари ва мутахассислари АҚШ қонун ҳужжатларидаги ўзгартиришларнинг умумий таъсири Оқ Уй ва Конгресснинг федерал хизматчилари, Республикачилар ва Демократлар, Сенат ва Вакиллар Палатасининг ишини енгиллаштиришга йўналтирилганлигини кўрсатмоқдалар. Бюджет қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар уларга 1992 йилдаги Президент сайлови ва Конгрессга сайлов тугагунга қадар бюджет маблағларини сарфлаш ва солиққа оид масалаларга тегишли мураккаб қарорларни қабул қилишдан бўйин товлашлари учун имконият яратган. Бу эса бутун йил давом этадиган мунозараларни минимумга қадар камайтиришни Конгресс ёки Президент томонидан бюджетга тааллуқли эҳтимолий инқирозга учрашларни бартараф этишни, шунингдек, узоқ муддатли ва зўрмазўраки овоз бериш таомилларининг мавжуд эмаслигини англатади.

1990 йилдаги Қонуннинг тезкор қабул қилиниши билан боғлиқ турли сабабларни таҳлил қилаётганда, биринчидан, ***кам сонли кишилар томонидан*** (Конгресснинг барча аъзоларидан ва Буш Маъмуриятининг барча амалдорларидан олтитасидан ками ҳақиқатда нима муҳокама қилинаётганлигини билишар ва тушунишар эди) ***таклиф қилинганлигини*** ёддан чиқармаслик лозим.

Иккинчидан, кўрсатиб ўтилган Қонун нисбатан махфий режимда таклиф этилган эди. Мазкур масала бўйича мунозаралар Сенатда ҳам, Вакиллар Палатасида ҳам жуда кам бўлди, уни муҳокама қилиш жараёни ҳамда мазкур қонун лойиҳаси бўйича сессия ёпиқ тарзда ўтказилди. Бундан ташқари якуний овоз бериш ўтказилгунга қадар вакиллар ва сенаторлар кўриши рухсат этилган қонун лойиҳасининг кўчирма нусхалари миқдори чекланган эди, учинчидан, ***мазкур қонун қабул қилинишининг ўта қисқа муддати*** яққол кўзга ташланади. Бунга гувоҳ бўлганларнинг тасдиқлашларича Вакиллар Палатасида якуний овоз бериш ўтказилгунга қадар бир неча соатлар қолганда ҳам мазкур Қонун лойиҳаси бўйича музокаралар ва қонун лойиҳасини тузиш давом эттирилди. 1990 йил 27 октябрда муҳокама бошлангандан кейин камида 12 соат ўтгач, АҚШ Сенати мазкур қонун лойиҳасини маъқуллади.

Юқорида баён этилган ҳолатларни эътиборга олиб, ББҚ пухта ўйланган ёки жиддий режалаштирилган деб тасдиқлаш қийин. Президент маъмурияти вакилларидан ва қонун чиқарувчиларидан бирортаси кейинчалик вазият қандай тус олишини (агар бу режалаштирилган деб фараз қилсак) олдиндан кўра олиши эҳтимолдан йироқ. Шундай қилиб, ББҚ чиқариш жараёнида Конгресс ва Оқ Уй 1991 молия йилига федерал бюджетни ишлаб чиқиш босқичида ўша йилги солиқлар ва харажатлар сиёсатини аниқлаш текширилмаган ва уму-

ман нотаниш таомилини қўллаганлигини тасдиқлаш мумкин. Қонун лойиҳаси қабул қилинаётгандаги махфийликни ҳисобга олиб Президент маъмуриятидаги кўпчилик қонун чиқарувчилар ва амалдорлар келгуси йилги Федерал бюджет бўйича мунозараларга киришмаганларига қадар бюджет жараёнини ташкил этишнинг янги механизмининг барча қийинчиликларини тушунмаганликлари ажабланарли эмас.

2.2. "БЮДЖЕТНИ БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

ББҚ нафақат Федерал бюджетни шакллантириш ва амалга татбиқ этиш таомилларининг таркиби ва мазмунини ўзгартириб юборди, балки федерал бюджет жараёнининг кўпчилик қатнашчилари мажбуриятлари ва ваколатлари доирасига ҳам тўхталди. Федерал бюджетни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш жараёнидаги ўзгаришлар манфаатлари ва мақомларига таъсир этган бюджет жараёнининг маълум бир қатнашчиларига тўхталиб ўтамиз.

Маъмурий-бюджет бошқармаси. Мазкур ўзгаришдан ҳаммадан кўп Оқ Уй ва қисман Маъмурий-бюджет бошқармаси ютди. Айнан Маъмурий-бюджет бошқармаси мутахассислари томонидан тузиб чиқиладиган Президентнинг бюджет лойиҳаси бир йилга бўлган иқтисодий истиқболни белгилаб беради. Конгресс аниқ иқтисодий истиқболдан фойдаланилишини талаб қилиб туриб олиши мумкин бўлсада, барибир тақчиллик ва дискрецион харажатларга оид лимитларнинг энг юқори чегарасини тузатиш вақтида айнан Президентнинг иқтисодий нуқтаи назари ҳисобга олинади.

Айнан Маъмурий-бюджет бошқармасининг миқдорий маълумотлари секвестр керак ёки йўқлиги, агар керак бўлса харажатларни қанчага қисқартириш зарурлигини аниқлаб олиш учун фойдаланилади. Конгресснинг бюджет бошқармаси (КББ) ва Солиққа тортиш бўйича бирлашган қўмита (*Joint Committee on Taxation*) (Вакиллар Палатаси ва Сенатга даромадлар юзасидан тақдим этиладиган барча истиқболларни тузганлик учун жавобгар ҳисобланувчи) Маъмурий-бюджет бошқармаси фикрига эътироз билдиришлари мумкин. Бундай ҳолларда қонун лойиҳаси юзасидан мунозараларни ўтказишда Конгресс ушбу икки ташкилот томонидан тақдим этилган баҳоланишлардан фойдаланади. Бироқ барибир МББ харажатлар ва даромадларнинг даражасини қонуний белгилаш вақтида сўнгги сўз айтиш ҳуқуқига эга ва шунинг учун ҳам секвестр кераклигини айнан МББгина белгилайди.

Маъмурий-бюджет бошқармасида Қонун лойиҳаси имзоланиб, Қонунга айланганидан кейин 15 кун ўтгач, харажатлар ва даромадлар бўйича ўз ҳисоб-китобларини тақдим этиши керак бўлган вақтгача қонун чиқариш жараёнига аралашмаса ҳам бўлади. Бу жараён вақтида Маъмурий-бюджет бошқармасининг таъсир кучи жуда оз бўлади. Бироқ 1992 ва 1993 молия йилларига бўлган бюджетларни муҳокама қилиш вақтида Жордж Буш Маъмуриятининг МББ бюджет жараёнининг дастлабки босқичидаёқ даромадлар ва харажатлар бўйича норасмий истиқболларни тақдим этиш йўли билан турли қонун чиқариш масалаларининг ҳал этилишида анча-мунча фаол ўринни эгаллашга интилди.

Ассигнация бўйича қўмиталар. Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Ассигнациялар бўйича қўмиталари ҳам ББҚнинг бюджет жараёнининг татбиқ этиши натижасида шак-шубҳасиз ғолиб бўлиб чиқдилар.

Биринчидан, ассигнациялар лимитлари туфайли Қўмиталар энди ҳар йили бюджет жараёни бошлангунига қадар улар қанча пул сарфлашлари кераклигини биладилар. Шу тариқа уларнинг нима қилишлари мумкинлигини аниқлаб олишлари учун бюджет лойиҳасининг қабул қилинишини энди кутиб ўтиришлари (худди аввалларидек) шарт эмас.

Иккинчидан, ББҚ қоидаларига биноан агар бюджет лойиҳаси 15 апрелга қадар қабул қилинмаган бўлса, Ассигнациялар бўйича қўмиталар Президент бюджети лимитлари асосида ўз ажратмаларини оладилар. Ушбу ажратмалар миқдори ассигнацияларни тақсимловчиларга улар қанча пул ишлатишлари кераклигини билдиради ва шу боисдан ҳам уларнинг ишлари учун жуда муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, тақчилликнинг энг юқори чегаралари энди мавжуд эмаслиги сабабли тақчилликни қисқартириш бўйича секвестр бошқа қўлланилмайди. Демак, ассигнациялар (маблағлар) ажратилган дастурлар бўйича секвестр фақат агар Ассигнациялар бўйича қўмиталарнинг ўзлари дискрецион лимитларнинг бузилишига олиб келадиган қўшимча харажатларни киритган ҳолларда юз бериши мумкин. Бу ҳақиқатдан йироқ бўлганлиги боис ассигнациялар бўйича секвестрнинг ҳаракатга келиши эҳтимоли жуда оздир. Шундай қилиб, Ассигнациялар бўйича қўмиталар кейинчалик бюджет ижроси вақтида ассигнациялар миқдорини қисқартириб юбориши мумкин бўлган қандайдир ялпи кесиб ташлашлар тўғрисида хавотирланмай ўз қонун лойиҳаларини бемалол олға суришлари мумкин.

Бюджет бўйича қўмиталар. ББҚнинг қабул қилиниши натижасида худди Бюджет бўйича иккита қўмита билан рўй бергани каби мажбуриятлари доираси қисқартирилган бюджет жараёнининг қат-

нашчисини топиш қийин. Харажатлар истиқболлари Ассигнациялар бўйича қўмиталар томонидан белгиланади, тақчилликни йиллик қисқартириш энди талаб этилмайди, бюджет жараёнининг умуман амалга оширилиши эса Маъмурий-бюджет бошқармасига боғлиқдир.

Бюджет бўйича қўмиталарнинг мажбуриятлари, агар 1993, 1995 ва 1996 молия йилларида бўлганидек бюджет лойиҳасидаги бюджет тақчиллигини қисқартириш бўйича режани ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган бўлсагина ошиши мумкин. Бироқ ББҚ буни талаб қилмайди ва доимий бюджет жараёни орқали амалга ошириладиган тақчилликни қисқартириш бўйича кейинги уринишлар мавжуд бўлмаса, Бюджет бўйича қўмиталар (ГРХ I ва ГРХ II амал қилган вақтида улар ўйнаган ролларига қараганда) камроқ роль ўйнасалар бўлади.

Конгресснинг Бюджет бошқармаси ва Солиққа тортиш бўйича бирлашган қўмита. Расман 1987 йилда ГРХ II қабул қилинганидан кейин КББ фақат маслаҳат берувчи бўлиб қолди. Бироқ харажатлар бўйича баҳоларга бўлган зарурат кўпинча КББ истиқболларини Конгрессдаги кўпгина мунозаралар вақтида биринчи ўринга олиб чиқарди. Бу каби ҳолатга оид яққол мисолни Конгресс кўпчилик кўриб чиқилаётган лойиҳалар қийматини ҳисоб-китоб қилиш вақтида КББга жуда ишонган ҳолда иш кўрган соғлиқни сақлаш ислоҳотлари юзасидан 1994 йилда ўтказилган мунозаралар вақтида кузатиш мумкин эди. 1995 йилда эса Конгресс умуман бюджетнинг МББ мутахассислари томонидан эмас, балки КББ мутахассислари томонидан ҳисоблаб чиқилишини қатъий талаб қилди.

ББҚнинг Солиққа тортиш бўйича Бирлашган қўмита (СТББҚ) ролига ўтказадиган таъсири бир томонламагина эмас. ГРХ I ҳам, ГРХ II ҳам Конгрессдан СТББҚдан даромадлар бўйича ягона маълумотлар манбаи сифатида фойдаланишни талаб қилди ва ББҚ бу борада ҳеч нарсани ўзгартира олмади. Натижада СТББҚнинг баҳолари бир қатор жуда жиддий тусдаги мунозараларнинг ўтказилиши пайтида фавқулодда муҳим аҳамият касб этди. Бу эса СТББҚга нисбатан жамоатчилик эътиборини орттирди ва унинг аҳамиятини оширди, бироқ шу билан бир қаторда уни қўшимча танқидларга ҳам дучор қилди. Қолаверса, федерал бюджетнинг моддама-модда тасдиқланиши тўғрисидаги янги Қонун СТББҚга нима сатрнинг солиқ элементи ҳисобланиши ва ҳисобланмаслигини белгилашдек улкан ҳуқуқни беради.

2.3. "БЮДЖЕТНИ БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

ББҚ моҳияти ва асосий фарқини яхшироқ англаш учун бунга

қадар АҚШда Федерал бюджетни шакллантириш ва фойдаланиш жараёнини тартибга солган 1985 йилдаги[5] "Баланслаштирилган бюджет ва тақчилликни назорат қилиш бўйича фавқулодда чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қонуннинг (Грэмм-Рудмен-Холлингс ёки "ГРХ" Қонуни номи билан таниш) мазмуни билан синчиклаб танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ГРХ Қонуни бўйича бюджет жараёни мутлақ тақчиллик доирасида барпо этилган. Агар, масалан, жорий йилнинг 15 октябрига қадар Федерал бюджет тақчиллиги бу йилги рухсат этилган энг юқори даражадан 10 млрд. доллар ёки ундан кўпроққа ошадиган бўлса секвестр механизми ишга туширилади деб келишиб олинган. Барча дастурлар бўйича қисқартириш мумкин бўлган кўп сонли махсус меъёрларни қўллагандан сўнг тақчилликни белгиланган лимитга келтириш учун зарур бўлган миқдорга харажатларни ялпи қисқартириш ўтказилади. Қисқартириш ички ва ҳарбий дастурлар ўртасида тенг тақсимланиши лозим.

Секвестр механизми тақчилликнинг энг юқори даражасини оширишга олиб келган сабаблардан қатъи назар ишга туширилиши мумкин. Бюджет моддалари бўйича ялпи қисқартириш иқтисодиёт кутилганидек функциясини амалга оширганлигидан қатъи назар юзага келиши мумкин. Бунда харажатларни қисқартириш жараёни ҳатто даромадлар кўрсаткичлари режалаштирилганидан кам бўлмаган тақдирда ҳам бошланиши мумкин эди. Уларга, шунингдек, сув тошқини, бўрон ёки ҳарбий операция каби фавқулодда вазиятлар юзага келиши муносабати билан қўшимча харажатларга зарурат туғилиши далили ҳам дахл этмайди. Ҳарбий, халқаро ва ички дастурлар бўйича ассигнациялар ҳар гал секвестр юз берганда қисқартирилиши мумкин эди. Айрим ҳимояланган дастурлар уларнинг кўпчилиги қисман ёки тўлиқ тарзда қисқартирилишдан чиқарилган бўлса-да, олиб ташланиши мумкин.

ГРХ Қонунининг яна бир жиҳати иқтисодиётдаги аҳволга қарамай, тақчилликнинг рухсат этилган энг юқори даражаси ўзгармай қолганлиги эди. Агар, кўпинча юз берганидек, иқтисодиёт тахмин қилинганидек барқарор бўла олмаса, режалаштирилган тақчиллик юқори бўларди. Бундай вазиятда Конгресс ва Оқ Уй тақчилликни кўпроқ қисқартириш (кутилганига қараганда) бўйича режани татбиқ этишга мажбур бўларди. Шуни айтиш лозимки, сиёсий нуқтаи назардан бундай ёндашувнинг амалга оширилиши Президент Маъмурияти ва давлат бошқарув органлари учун доимо кўп қийинчиликларни туғдирарди[6].

1990 йилда "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бюджет жараёнининг кўлгина элемент ва босқичла-

рини ҳақиқий сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт талабларига янада мослаштирган ҳолда амалга ошириш йўналишлари ва механизмларини ўзгартирди.

Янги Қонун қабул қилиниши билан рўй берган бюджет жараёни ўзгаришлари тузилмасида марказий ўринни ***меъёрий тақчиллик муаммоси*** эгаллайди[4].

Биринчидан, ББҚ мувофиқ Федерал бюджет тақчиллигининг меъёрий даражалари тубдан қайта кўриб чиқилди. 2.6-жадвалдан кўриниб турганидек, ББҚ тақчиллигининг йўл қўйиладиган энг юқори даражаси 1991 ва 1992 молия йилларида (бу икки қонуннинг амал қилиши туташган жойда) ГРХ I, ГРХ II бўйича тегишли назорат кўрсаткичларидан анча юқори бўлди. Улар ҳатто йўл қўйилиши мумкин бўлгандек туюлганидан ҳам юқори бўлди, шу боис АҚШ Ижтимоий Суғурта Траст Жамғармаси ва АҚШ Почта Хизмати ББҚга мувофиқ ишлаб чиқилган янги услубият бўйича тақчиллик ҳисоб-китобига киритилмади[5].

Иккинчидан, тақчилликнинг йўл қуйиладиган энг юқори даражаси қайд этилган ГРХ Қонунидан фарқли ўлароқ ББҚда ҳар йили бир марта ёки бир неча марта бу даражаларни қайта кўриб чиқишга рухсат этилган.

2.6-жадвал

ГРХ ва ББҚ қонунлари бўйича белгиланадиган федерал бюджет тақчиллигининг энг юқори МЕЪЁРЛАРИ
(млрд. долл. ҳисобида)

	1986	1987	1988	1989	1990	1991	1992	1993	1994	1995
ГРХ I	172	144	108	72	36	0				
ГРХ II			144	136	100	64	28			
ББҚ						327[a]	360[b]	428[b]	326[c]	246[d]

Изоҳлар:

[a] Жамоатчилик ҳуқуқи 93–344 (тузатишлари билан), 601 (a)(1) параграф.

[b] Маъмурий Бюджет Бошқармаси "1993 молия йилидаги секвестрлаш бўйича Президент ва Конгрессга МББнинг якуний маърузаси", 1992 йил 23 октябрь, 15- бет.

[c] Маъмурий Бюджет Бошқармаси "1994 молия йилидаги секвестрлаш бўйича Президент ва Конгрессга МББнинг якуний маърузаси", 1993 йил 10 декабрь, 14- бет.

[d] Маъмурий Бюджет Бошқармаси 1995 молия йилидаги секвестрлаш бўйича Президент ва Конгрессга МББнинг якуний маърузаси, 1994 йил 16 декабрь, 21- бет.

Амалий нуқтаи назардан мазкур ўзгартиришлардан келадиган фойда шундан иборатки, агар иқтисодиёт режалаштирилгандек ривожланмаса, ҳар йилнинг бошида тақчилликнинг меъёрий даражасини ошириш[6,7] мумкин бўлади. Агар йил давомида қонунда назарда тутилган муайян ҳодисалар юз берса, мазкур даражани янада ошириш мумкин. Бундай ёндашувни амалга ошириш ГРХ Қонуни учун хос бўлган муаммолар юзага келишини бартараф этишга имконият яратиб, ўсиб борувчи тақчилликни режалаштириш, шу жумладан унинг энг юқори миқдорини қайд этиш зарурати шароитида секвестрни четлаб ўтиш учун харажатларни кўпроқ қисқартириш заруратига олиб келарди.

ББҚнинг қабул қилиниши билан кучга кирган янги қоидага мувофиқ оширилган тақчиллик ёки ҳисобга олинмаган, ёхуд унинг йўл қўйиладиган юқори миқдори тақчиллик билан биргаликда ошган, бу эса АҚШнинг баланслаштирилган бюджет сиёсати учун жавобгар бўлган Президент маъмурияти ва Сенат ҳамда Конгресснинг тегишли қўмиталарига йўл очарди.

1990 молия йилидаги бюджет ҳолатининг таҳлили бу янги қоидалар киритган улкан устуворликларнинг ёркин мисоли бўлиб хизмат қилади. 2.7-жадвалдан кўриниб турганидек, Президент Буш томонидан Конгрессга тақдим этилган 1991 молия йили бюджет лойиҳасида 101 млрд. доллар тақчиллик назарда тутилган, бу эса харажатларни 37 млрд. долларга қисқартириш ёки жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган солиқларни айнан шу суммага ошириш (64 млрд. долларлик энг юқори миқдорга мувофиқлаштириш учун) заруратини англатади.

2.7-жадвал

1991 молия йилига базавий сатр бўйича дефицит прогнози (млрд. долл.)

Ой	Режалаштирилган тақчиллик	ГРХ белгиланган миқдори	Фарқ
Январь 1990	101	64	37
Май	138	64	74
Июнь	159	64	95
Июль	169	64	105
Август	170	64	106
Октябрь	295	64	231

1990 йил октябрь ойига келиб, иқтисодиёт ва саноатдаги узилишлар натижасида режалаштирилаётган федерал бюджет тақчиллиги 295 млрд. долларгача кўтарилди, бу 231 млрд. долларга қисқар-

тириш заруратини англатарди (ГРХ Қонунида белгиланган энг юқори миқдорга мослаш мақсадида). ГРХ Қонунининг амал қилиши шароитида бюджет тақчиллигининг ошиши тақчиллик миқдорини қисқартириш мақсадида Конгресс ва Оқ Уйга тазйиқнинг ўсиб боришига олиб келди, акс ҳолда яқинлашиб қолган секвестр миқдори яна ошар эди. Агар ББҚ қоидалари 1991 йилги бюджет муҳокама қилинаётган пайтда амал қилганда эди, заифлашаётган иқтисодиёт ва саноатдаги ўзгаришлар юзага келтирган тақчилликнинг ошиши Ҳукуматга бирор-бир хавф туғдирувчи тазйиқ ўтказмаган бўларди, чунки бюджет жараёнининг талабларига мувофиқ келиши учун зарур тақчиллик миқдорининг қисқариш суръати барибир ўзгармасди.

1991 йилда ББҚ кучга кирган пайтдан бошлаб ва айниқса, 1994 йилдаги сайловлардан кейин Конгресс ва Оқ Уй тақчилликнинг энг юқори миқдорининг федерал бюджетга оз миқдордаги таъсирини эътиборга олган ҳолда ундан фойдаланишни давом эттиришга ҳеч қандай сабаб йўқлигини аниқ ҳис этди. Натижада 1995 молия йилидан кейин АҚШ Федерал бюджет тақчиллигининг бошқа ҳеч қандай юқори миқдорлари белгиланмади.

Тақчилликнинг қуйи миқдорига оид муаммолар билан бир қаторда ББҚ қабул қилиниши билан юзага келган ўзгаришларнинг аҳамиятли жиҳати ***дискрецион харажатлар ёки ассигнациялар[8] лимитларини белгилаш*** бўлди.

2.8-жадвалда кўриниб турганидек 1991 молия йилидан 1993 молия йилигача барча дискрецион харажатлар уч категорияга ажратилган — мудофаа, халқаро ва ички категориялар. Бу категорияларнинг ҳар бирига индивидуал лимитлар белгиланган. 1994 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда бу уч категория битта категорияга бирлаштирилди.

2.8-жадвал

1991 йилдан 1995 йилгача бўлган даврдаги дискрецион харажатлар бўйича ББҚ лимитлари (млрд. долл. ҳисобида)

	1991[a]	1992[a]	1993[a]	1994[b]	1995[b]
Мудофаа лимитлари					
Бюджет ваколати	332. 9	305. 3	289. 7		
Харажатлар	330. 8	310. 3	298. 9		
Халқаро лимитлар					
Бюджет ваколати	21. 3	22. 2	35. 1		
Харажатлар	20. 3	19. 8	20. 6		
Ички лимитлар					

	1991[a]	1992[a]	1993[a]	1994[b]	1995[b]
Бюджет ваколати	182. 9	209. 2	210. 5		
Харажатлар	200. 5	215. 6	230. 7		
Умумий дискрецион лимитлар					
Бюджет ваколати				525. 2	519. 5
Харажатлар				547. 6	547. 1

Манба:

[a] Маъмурий Бюджет Бошқармаси "1994 молия йилидаги Секвестрлаш бўйича Президент ва Конгрессга МББнинг якуний маърузаси", 1994 йил 10 декабрь, 3–4-бетлар.

[b] Маъмурий Бюджет Бошқармаси "1995 молия йилидаги Секвестрлаш бўйича Президент ва Конгрессга МББнинг якуний маърузаси", 1994 йил 16 декабрь, 6-бет.

Вакиллар Палатасининг Қўшма Резолюциясига, 178, "1997 молия йилига бюджет бўйича Қўшма резолюция", Палата Ҳисоботи 104–612, 1996 йил 7 июнь, 23–24- бетлар.

2.9-жадвалда кўрсатилгандек, 1996–1998 молия йилларига АҚШ Конгресси бу сафар мудофаа ва номудофаа дастурлари бўйича яна лимитларни ажратди. 1999–2002 йиллардан бюджет ваколатлари ва харажатлар бўйича лимитларга риоя этилиши мажбурий деб қолдирилган бўлса ҳам, лимитлар яна бир категорияга бирлаштирилди. Қабул қилинган қонун лойиҳасига мувофиқ улардан бирининг бузилиши секвестр механизмини ишга тушуришга ҳуқуқ берарди.

2.9-жадвал

1996–2002 йиллардаги давр учун дискрецион харажатлар бўйича ББҚ лимитлари (млрд. долл.)

	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Мудофаа						
Бюджет ваколати	266. 4	269. 0				
Харажатлар	265. 0	263. 9				
Номудофаа						
Бюджет ваколати	231. 0	224. 8				
Харажатлар	273. 6	263. 1				
Умумий						
Бюджет ваколати			491. 3	498. 6	491. 1	500. 6
Харажатлар			525. 5	525. 3	516. 2	514. 2

Манба: АҚШ Вакиллар Палатаси, Конференция бўйича Ҳисобот Иловасида.

Тақчилликнинг ҳар йилги энг юқори миқдори сингари кўриб ўтилаётган лимитлар ҳам бюджет лойиҳасидаги техник шартлардаги ўзгаришлар ва бошқа бирор-бир ўзгаришлар натижасида тузатишлар киритилиб, Конгрессга тақдим этилганда Президент томонидан аниқлаштирилади. Бироқ тақчилликнинг энг юқори миқдоридан фарқли ўлароқ 1995 молия йилидаги мунозараларнинг боришига қараб мазкур лимитлар бошқа омилларни, шу жумладан, Президент томонидан сўралган ва кейин Конгресс маъқуллаган фавқулодда ассигнацияларни ҳисобга олиш мақсадида қайта кўриб чиқилган.

ББҚ қабул қилингандан кейин бюджет жараёнини тартибга солишнинг бошқа сифат жиҳатдан янги асосий механизми ***секвестрлаш жараёнини тузиш*** бўлиб қолди. У дискрецион харажатларнинг белгиланган лимитлари ошиб кетмаслиги учун мўлжалланган.

Ҳозирги пайтда дискрецион харажатлар секвестрининг рухсат этилиши мумкин бўлган учта варианти мавжуд. "End-of-session" секвестри ёки "сессия якунида" секвестри, агар қабул қилинган қонун ҳужжати бюджет мажбуриятлари ёки харажатларнинг лимитини бузган бўлса, ***Конгресс ишидаги ҳар йилги танаффусдан сўнг 15 кун ўтгач*** юз беради.

Секвестрнинг "within session" ("сессия давомида") секвестри деб аталадиган иккинчи варианти ***Конгресс январда ва 30 июнда қайтадан чақирилгандаги вақт оралиғи***да юз беради. Бунда секвестр механизми, агар қабул қилинган қонун ҳужжати, масалан, қўшимча ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги ҳужжат жорий молия йилидаги лимитни бузган тақдирда ишга солинади.

Ниҳоят, агар ***30 июндан кейин*** жорий молия йилидаги лимитни бузувчи қонун ҳужжати қабул қилинганда келгуси йилги лимитни мазкур қийматга қисқартирадиган "ортга назар ташлаш" секвестри амалга киритилади.

Бюджет ассигнацияларининг лимитлари қандай ишлашини ва уларнинг якуний мақсади қандайлигини яхшироқ англаш учун уларнинг иккита асосий жиҳатини тушуниб олиш муҳимдир.

Биринчидан, дискрецион харажатлар, ҳаттоки улар ҳимояланган дастурлар бўйича даромадларнинг ошиши ёки харажатларнинг камайиши билан компенсацияланган тақдирда ҳам мазкур лимитдан ошиб кета олмайди. Сабаби шундаки, лимит барибир бузилади. Дискрецион харажатлар бўйича лимит ББҚ асосий позициясини ифодалайди. Бирор-бир бюджет таклифи бўйича тақчилликка таъсир ўтказиш унинг якуний мақсади ҳисобланмайди.

Иккинчидан, дискрецион харажатлар ҳимояланган дастурлар

бўйича харажатларнинг ошишини қоплаш ёки харажатларнинг қисқартирилишини компенсациялаш учун қисқартирилиши мумкин эмас. Конгресс ва Президент камроқ ассигнация ажратиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкинлигига қарамай, улар буни бюджетдаги бошқа ўзгаришларни компенсациялаш учун эмас, балки тақчилликни қисқартириш мақсадида амалга оширишлари мумкин.

ББҚ билан АҚШ федерал бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнига киритилган энг зиддиятли ўзгаришлар **"pay-as-you-go" (PAYGO)** механизми жорий этилиши билан боғлиқ У даромадларни аниқлаш ва мажбурий харажатлар бўйича дастурларни амалга оширишни тартибга солади.

ББҚ қоидаларига мувофиқ Маъмурий-бюджет бошқармаси даромадлар ва мажбурий харажатлар дастурларига оид қабул қилинган қонун ҳужжатларини амалга оширишнинг оралиқ якунларини баҳолашга имконият яратувчи PAYGO "ҳисоб карточкаси"ни юритади. ББҚ ҳужжатларининг натижавий таъсири тақчилликнинг ошишига олиб келмаслигини талаб қилади. Баъзи даромадларнинг қисқариши бошқа даромадларнинг ошиши билан ёхуд мажбурий харажатларнинг камайиши билан компенсацияланиши мумкин. Шу тариқа мажбурий харажатларнинг ортиши бошқа мажбурий харажатларнинг камайиши ёхуд даромадларнинг ортиши билан компенсацияланиши лозим.

PAYGO амалга ошириш механизмини белгилайдиган тамойиллар дискрецион харажатлар бўйича лимитларни белгилаш механизмини аниқловчи қоидалардан фарқ қилади, чунки бунда компенсациялаш ёки харажатларни қисқартириш шаклида ёхуд даромадларни ошириш шаклида амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда, Федерал бюджет даромадларини қисқартириш бошқа мажбурий дастурлар бўйича тенг баравар камайтириш ёки даромадларни ошириш ҳисобига қопланиши мумкин.

Агар Федерал бюджетнинг даромадлар ёки мажбурий дастурлар бўйича қонун ҳужжатлари Конгресс сессияси якунлагунга қадар тўлиқ тартибга солинмаса, у ҳолда даромадлар ва харажатлар ўртасидаги тафовутни қоплаш мақсадида мажбурий дастурларни қисқартирадиган жуда баҳсли секвестр амалга киритилиши мумкин. Бу секвестр тегишли йилдаги Конгресс ишидаги танаффусдан сўнг 15 кун ўтгач юз беради.

Бироқ секвестр механизмининг амалга киритилиши вақтида мажбурий дастурлар бўйича юз бериши мумкин бўлган қисқартиришлар жуда чекланган, чунки Федерал бюджетнинг барча харажатлари бўйича атиги 35–40 млрд. долларлик ҳажмни ташкил қилади.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб амалиётда бу ўзгаришларни амалга ошириш анча мураккаб сиёсий вазифа деб хулоса қилиш мумкин.

Бюджет жараёнида мазкур Қонуннинг амалга оширилишига қараб 1993 йил 4 августда Президент Клинтон томонидан имзоланган ижро буйруғи билан жорий этилган бевосита харажатларни тартибга солишнинг қўшимча таомили юзага келди. Мазкур буйруққа биноан янги таомил "Бевосита харажатлар дастурлари бўйича умумий харажатларни назорат қилиш механизмини яратиш ҳамда агарда режалаштириладиган харажатлар белгиланган даражадан ошиб кетса, бевосита харажатлар бўйича бюджетга тузатишлар киритишни талаб этиш" учун йўналтирилган.

Бюджетдан молиялаштириш соҳасидаги мутахассисларнинг ҳисоблашларича мазкур таомил бевосита харажатларнинг ҳар қандай кутилмаган ошиб кетишига назорат қилувчи органларнинг эътиборини жалб этиш учун шароит яратиши лозим эди. Бироқ уларга бевосита харажатларнинг кутилмаганда ошиб кетишини турли усулларда четлаб ўтиш ваколати берилмади. Бундан ташқари амалдаги қоидага мувофиқ Президент фақатгина ошиб кетган харажатларнинг бир қисмини ёки тўлиқ равишда мазкур ошиб кетишни асослаган ҳолда компенсациялашга имконият яратувчи қарор чиқариши мумкин.

Федерал бюджетнинг бевосита харажатларини назорат қилишнинг янги жараёни 1974 йилдаги Конгресснинг ББҚда назарда тутилган тақчиллик устидан назорат қилиш таомили билан ўхшаш чиқиб қолди. Мазкур Қонун Конгрессдан ҳар йили бюджет лойиҳасини қабул қилишни талаб қиларди, у эса биринчи марта тақчиллик миқдорини аниқларди ва Конгрессни у бўйича овоз беришга мажбур этарди. Бироқ бунда тақчилликни қисқартириш бўйича чоралар кўриш талаб этилмасди.

Президент Фармонининг талабларига мувофиқ Маъмурий-бюджет бошқармасининг ўша пайтдаги раҳбари Леон Панетта 1993 йилдаги[9] ББҚ кучга киргандан кейин 30 кун ўтгач, Конгрессга 1994–1997 молия йилларига бевосита харажатларнинг режали рақамларини белгилайдиган маърузани тақдим этди. Бу рақамлар 1994 молия йилидаги[10] Конгресснинг бюджет лойиҳасида қўлланилган иқтисодий ва техник тахминларга асосланган эди.

2.10-жадвалдаги маълумотлар 1995, 1996 ва 1997 молия йилларида Президент бюджетлари бўйича янги маълумотларга мувофиқ ўзгартирилган режали рақамларни яққол кўрсатиб турибди.

2.10-жадвал

1995–1997 йиллардаги давр учун бевосита харажатлар бўйича
РЕЖАЛИ РАҚАМЛАР
(млрд. долл. ҳисобида)

1995	1996	1997
799. 5	840. 0	908. 5

Манба: Маъмурий бюджет бошқармаси (МББ). Қўшма Штатлар Бюджети, 1997 молия йили. Таҳлилий Истиқболлар (Вашингтон, Колумбия округи: АҚШ Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 209-бет. Мазкур режали рақамлар Президентнинг 1998 молия йили бюджетида тузатилган.

АҚШ Конгрессига кейинги йилларда Президент томонидан тақдим этилган Федерал бюджет лойиҳасида самарадорлик мезони сифатида қуйидаги кўрсаткичлар келтирилади:

бевосита харажатлар дастурлари бўйича нафақа оладиган шахслар сонининг режалаштирилаётган оширилиши;

1993 йилдаги "Бюджетнинг умумий келишуви тўғрисида"ги Қонун амалга киритилгандан кейин қабул қилинган қонун ҳужжатлари оқибатида даромадларнинг ошиши ёки камайиши;

ўтган йилларда режали рақамларнинг бузилиши юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатларининг таъсири;

ББҚда фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ харажатлар сифатида ифодаланган бевосита харажатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича харажатлар.

АҚШда амал қилаётган тартиб Президентнинг Федерал бюджет лойиҳаси 1993 йилдаги "Бюджетнинг умумий келишуви тўғрисида"ги Қонунда белгиланган режали даражага даромадларнинг қандай мос келиши шарҳи билан бир қаторда режали рақамларнинг йиллик шарҳини ўз ичига олишини талаб этади.

Агар бундай шарҳ ўтган йилда бевосита харажатлар бўйича тўловлар амалда режадаги кўрсаткичдан юқори бўлганлигини ёки жорий бюджет йилидаги бевосита харажатлар режага мувофиқ мазкур кўрсаткичлардан юқори бўлишини кўрсатса, Президент булар бўйича тушунтиришни илова қилиши лозим. Унда бевосита харажатлар бўйича ортиқча харажатларни компенсациялаш кераклиги ёки йўқлиги, агар компенсацияланса бу қандай амалга оширилиши юзасидан Президентнинг тавсиялари тақдим этилиши керак. У Вакиллар Палатасига кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим. Сенат учун бундай қоидалар мавжуд эмас. Бироқ юқорида баён этилган таомил 1996 молия йилига қадар АҚШда бюджетдан молиялаштириш амалиётида қўлланилмаган.

Президентнинг бюджет лойиҳаси, шунингдек, 1993 йил 4 августда Президент Клинтон томонидан имзоланган ижро буйруғи билан жорий этилган бевосита харажатларни тартибга солишнинг қўшимча таомили тақчиллик муаммосига нисбатан эътиборни жалб этди ва Конгресс аъзоларини маълум чоралар кўришга мажбур этди. Бироқ мазкур лойиҳа кўрилаётган чораларнинг йўналтирилганлигини ва аниқ мазмунини белгиламаган.

2.4. "БЮДЖЕТНИ БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ БЮДЖЕТ КАЛЕНДАРИ

ББҚ бюджет жараёнининг маълум босқичларини тугаллаш лозим бўлган даврдаги саналарга бир қатор муҳим ўзгартиришларни киритди. У яна бир неча янги таомиллар ва талабларни киритди. 1998 молия йилига бюджетни қабул қилиш босқичлари қуйидаги кўринишга эга эди:

1-босқич: Президент Бюджети — 1997 йил 6 январидан 17 мартигача.

3 февралгача. ББҚ қоидалари Президент Конгрессга бюджетни тақдим этиши учун январь ойининг биринчи душанбасидан февраль ойининг биринчи душанбасигача бир ойлик очиқ кунларни назарда тутади. Бу эса ББҚга киритилган ўзгартиришларни тушунтириш бўйича конференция ҳисоботида Президент бюджетни иложи борича олдинроқ тақдим этиши тавсия этилганлигига тўғри келмайди. 1998 молия йилига бюджет тақдим этиладиган сана 3 февраль ҳисобланади.

Президент Конгрессга бюджетни тақдим этишига ҳеч бўлмаганда беш кун қолганда, Конгресс Бюджет Бошқаруви (КББ) секвестрлашни "олдиндан кўриб чиқиш" бўйича шарҳни чиқариши лозим. Бу шарҳ бўлиши эҳтимол иккита — дискрецион ва "pay-as-you-go" секвестрларидан ҳар бири бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиб, йиллик мунозаралар учун жўнаш нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Дискрецион харажатлар бўйича олдиндан кўриб чиқишга доир шарҳ йўл қўйиладиган тузатишлар асосида тузатилган харажатлар лимитларни ифодалайди. "Pay-as-you-go" тизими учун шарҳ даромадлар ва мажбурий харажатлар бўйича кучга кирган қонун ҳужжатлари туфайли юзага келадиган тақчилликнинг соф оширилиши ёки камайтирилиши тўғрисидаги маълумотларни беради. Шарҳ, шунингдек, агар жорий йилда компенсация бўйича чора-тадбирлар қабул қилинмаса, амалга киритиладиган "pay-as-you-go" эҳтимолий секвестри тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Президент ўз бюджетини тақдим этадиган санада МББ секвестрлашни олдиндан кўриб чиқиш ҳақидаги ўз шахсий шарҳини чиқари-

ши лозим. МББнинг баҳолашлари КББ баҳолашларига мос келмайдиган бўлса, тушунтириш бериши лозим, бироқ у КББ шарҳидаги рақамлар билан чекланмайди.

18 мартгача. ББҚ барча Қўмиталардан ўз шарҳларини ўз Палаталарининг Бюджет бўйича қўмиталарига жўнатишларини талаб қилади. Бу "шарҳловчи баҳоловчи" материалларнинг барчаси мажбуриятларга боғловчи ҳисобланмайди. Улар қўмиталар уларнинг юрисдикцияси остига тушадиган дастурлар бўйича нималарни режалаштираётганликларини яхшироқ тасаввур этишлари учун йўналтирилган. Ҳар бир Қўмита Президент Конгрессга бюджетни тақдим этган санадан бошлаб олти ҳафта ичида бюджет бўйича тегишли Қўмитага ўз шарҳини юбориши лозим. Агар 1998 молия йилига Президент бюджети Конгрессга 3 февраль куни тақдим этилган бўлса, у ҳолда 17 март шарҳларни тақдим этиш муддатининг охирги куни бўлади.

2-босқич: Бюджет лойиҳаси ва Конгресснинг Бюджет Келишуви — 1997 йил 17 мартдан 15 июнга қадар.

15 апрелгача. Бу Конгресс келгуси йил учун бюджет лойиҳасини қабул қилиши лозим бўлган муддатдир. Кўп йиллардан бери мазкур муддатга риоя этилиши худди эришиб бўлмайдиган орзудек бўлиб келди. 1996 молия йилига бюджет лойиҳаси, масалан, иккала Палата томонидан 1995 йил 28 июнгача ҳам қабул қилинмади. 1997 молия йилига — бюджет лойиҳаси Вакиллар Палатаси ва Сенат томонидан 1996 йил 13 июнда қабул қилинди.

Бюджет лойиҳасини бетўхтов баҳслар объектига айлантира оладиган икки ҳолат мавжуд. Биринчиси Конгресс тақчилликни қисқартиришга қарор қилишидан иборат (1994, 1996 ва 1997 молия йилларига бюджетларни қабул қилишда шундай эди). Бунда бюджет лойиҳаси қанча кўп даромад ва харажатларни ўзгартириши лозимлигини аниқлашнинг муносиб қонуний воситасига айланади. Бу қарорлар, сиёсий нуқтаи назардан, ҳар доим мураккаб бўлиб келган.

Иккинчи ҳолат бюджет лойиҳасидан "pay-as-you-go" секвестри механизмини ишга туширишга ҳожат қолдирмасдан, солиқларни қандай қисқартиришни ёки мажбурий харажатларни қандай оширишни белгилаш учун фойдаланилганда юзага келади. Бу ҳолатда бюджет лойиҳасидан курсдаги юз бераётган ўзгаришларни қандай компенсациялашни аниқлашда фойдаланилади ҳамда биргина ёки бир нечта Қўмиталарга солиқлар ёки харажатларда амалда ўзгаришлар қилиш мақсадида "келишув бўйича" йўриқномаларни тақдим этади. Бу ҳам сиёсий жиҳатдан анча мушкул бўлади.

лозим. МББ ўз баҳолашлари ва Конгресс Бюджет Бошқармаси баҳолашлари ўртасидаги фарқларни тушунтириб бериши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳал қилувчи ўрин МББ шарҳида тақдим этилган рақамларга берилади.

Конгресс сессияси тугаганидан ўн ёки ўн беш кун ўтгандан кейин. ГРХ Қонунининг бюджет жараёнидаги энг заиф жиҳатларидан бири секвестрлаш санаси — 15 октябрь ҳисобланди. ГРХ Қонунига мувофиқ бу санадан кейин юз берадиган қандай даромадларнинг ортиши ёки харажатларнинг камайиши тақчилликка ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

ББҚ секвестр санасини муайян меъёрий муддат — 15 октябрдан Конгресс сессияси тугаганидан сўнгги 15 кунлик муддатга кўчириб, бу муаммони ҳал этди. Энди секвестрнинг меъёрий муддатини "чалкаштириш" мумкин бўлмай қолди, чунки агар Конгресс бу йили бошқа чақирилмаса, у ҳолда ҳеч қандай қонун ҳужжати қабул қилинмайди. Бунинг устига Конгресс ва Оқ Уй жорий йилда кейинги сессия вақтида харажатларни ошириш ёки харажатларни қисқартириш йўли билан секвестрни четлаб ўтмоқчи бўлса, унда юқорида баён этилган "сессия вақтидаги" секвестр ва "ортга назар ташлаш" секвестри механизмлари ишлаб кетади.

Конгресс Бюджет Бошқармаси МББга ўзининг секвестр бўйича якуний шарҳини Конгресс сессияси тугагандан кейин 10 кун ўтгач юбориши лозим. Мазкур шарҳ, биринчидан, илгари тузилган дастлабки ва тузатишлар киритилган шарҳларда тақдим этилган барча ахборотлар бўйича якуний баҳолашни ўз ичига олади. Иккинчидан, агар бу шарт бўлса, шарҳда секвестрга мувофиқ дискрецион ва мажбурий харажатларни қисқартириш лозим бўлган хажмлар бўйича маълумотлар келтирилади.

МББ Конгрессга ўзининг секвестр бўйича якуний шарҳини Конгресс сессияси тугагандан кейин 15 кун ўтгач юбориши лозим. МББ барча аввалги шарҳлардагидек, ўзининг баҳолашлари ва КББ баҳолашлари ўртасидаги фарқларга тушунтириш бериши лозим, бироқ МББ баҳолашлари мажбурий ҳисобланади.

МББ ўз шарҳини чиқарган кундаёқ — Президент барча федерал идоралар ва бошқармаларга секвестр ҳақида бўйруқ чиқариши лозим, унда қандай қисқартиришлар қилиш кераклиги ҳақида маълум қилинади (албатта, бу қисқартиришлар ўринли бўлганда). Буйруқ ўша соатданоқ кучга киради.

2.11-жадвалда Президент ва Конгресснинг 1998 молия йилига бюджет бўйича барча ҳаракатлари учун кутилаётган график келтирилган.

2.11-жадвал

1998 молия йилига бюджет жараёни

	Меъёрий муддат	Воқеалар
1.	Президент Конгрессга бюджетни тақдим этгунга қадар беш кун ичида	КББ секвестрлашни олдиндан кўриб чиқиш тўғрисидаги шарҳни чиқаради.
2.	Январдаги биринчи душанбадан февралдаги биринчи душанбагача оралиқда (02.03.1997 гача)	Президент 1998 молия йилига бюджетни Конгрессга тақдим этади. МББ секвестрлашни олдиндан кўриб чиқиш тўғрисидаги шарҳни чиқаради.
3.	Президент Конгрессга бюджетни тақдим этгандан сўнг олти ҳафта ичида (17 мартга қадар)	Барча Қўмиталар ўзларининг "шарҳловчи — баҳоловчи" материалларини ўз палаталарининг Бюджет бўйича кўмиталарига тақдим этишлари лозим.
4.	15 апрелга қадар	Конгресс 1998 молия йилига бюджет бўйича қўшма лойиҳасини қабул қилиши керак: агар бюджет лойиҳаси бу вақтгача қабул қилинмаса, Ассигнациялаш бўйича қўмиталар Президент бюджетига киритилган суммалар асосида ўз ажратмаларини олишлари мумкин.
5.	15 май	Вакиллар Палатаси 1998 молия йилига ассигнацияларни ҳатто бюджет лойиҳаси резолюцияси қабул қилинмаган тақдирда ҳам тасдиқлашини бошлаши мумкин.
6.	30 июнга қадар	Вакиллар Палатаси 1998 молия йилига барча ассигнациялар бўйича ўз версияларини қабул қилиши лозим; "within-session" ("сессия ичидаги") дискрецион секвестрнинг йўлга қўйилиши учун охирги сана.
7.	1 июль	"ортга назар ташлаш" дискрецион секвестрни йўлга қўйиш мумкин бўлган дастлабки сана.
8.	10 август	Президент Конгрессни секвестрдан ҳарбий харажатларнинг чиқарилиши талаб этилаётгани ёки йўқлиги ҳақида хабардор қилиши лозим.
9.	15 август	КББ ўзининг секвестрлаш бўйича тузатишлар киритилган шарҳини чиқаради.
10.	20 август	МББ ўзининг секвестрлаш бўйича тузатишлар киритилган шарҳини чиқаради.

	Меъёрий муддат	Воқеалар
11.	30 сентябрь	"ортга назар ташлаш" дискрецион секвестрини йўлга қўйиш учун охирги муддат.
12.	1 октябрь	1998 молия йилининг бошланиши.
13.	Конгресс сессияси тугагандан кейинги ўн кун	КББ ўзининг секвестрлаш бўйича якуний шарҳини чиқаради.
14.	Конгресс сессияси тугагандан кейинги ўн беш кун	МББ ўзининг секвестрлаш бўйича якуний шарҳини чиқаради: зарурат туғилганда Президент барча идоралар ва бошқармаларга секвестр тўғрисида буйруқ чиқаради. у ўша соатданоқ кучга киради.

2.5. ЗАХИРАЛАШ ТАОМИЛИ

1974 йилдаги Конгресс "Бюджет тўғрисида"ги Қонунида жорий этилган заҳиралаш таомиллари ГРХ I, ГРХ II Қонунларида унчалик ўзгартирилмаганди. ББҚ қабул қилинганда ҳам умуман ўзгармади. Улар фақатгина Президент томонидан илгари Конгрессда маъқулланган маблағларни сарфламаслик ёхуд сарфлашни кейинроққа қолдириш таклифи киритилганда қўлланишда давом этади.

"Бекор қилиш" — бу Президентнинг Конгресс томонидан маъқулланган ассигнациялашнинг бир қисмини ёки ҳаммасини сарфламаслик таклифидир. Бундай таклифнинг сабаби аниқ бўлиши мумкин (дастур мақсадларига ассигнацияланган суммани тўлиқ сарф қилмасдан ҳам эришиш мумкин бўлган тақдирда) ёки умумий туста эга бўлади (солиқ-бюджет сиёсати масалаларини ҳал қилиш). Сабабларидан қатъи назар, Президент Конгрессга молиялашни бекор қилиш тўғрисида сўровномани унинг асосланмаси билан тақдим этиши лозим. Агар Конгресснинг иккала палатаси қонун чиқариладиган 45 кун мобайнида бундай бекор қилишни маъқуллайдиган қонун лойиҳасини ўтказмаса, Президент пулларни дастлаб назарда тутилгандек сарфлайди.

"Муддатни кечиктириш" — бу Президентнинг Конгресс томонидан тасдиқланган ассигнацияларни сарфлашни кейинга қолдириш таклифидир. Муддатни кечиктириш молия йилидан ортиқ давом этмаслиги керак. Вақт муддатларидан қатъи назар Президент Конгрессга муддатни кечиктириш ҳақида нома тақдим этиши керак. Конгрессда махсус тасдиқловни талаб этадиган бекор қилишдан фарқли ўлароқ, муддатни кечиктириш Президент номаси етиб келганидан кейин Вакиллар палатаси ёхуд Сенат исталган вақтда мазкур муддатни кечиктиришни маъқулламайдиган қонун ҳужжатини қабул қилишини чегирган ҳолда, автоматик тарзда тасдиқланади.

Муддатни кечиктиришлар Рейган Маъмурияти даврида баҳс-ларга асос бўлганди; у Конгресс сиёсатига қарши чиқиш учун улар-дан фойдаланишига уринган эди. Бу сабабга кўра ГРХ II Президент ассигнациялаш муддатини кечиктириш тўғрисида таклиф киритиши мумкин бўлган ҳолатларни тизимлади ва регламентлади. Муддатни кечиктириш регламентига мувофиқ қуйидагилар бўлиши керак: 1) кут-илмаган вазиятлар оқибати бўлиши; 2) эҳтиёжларнинг ўзгариши ёки операцияларнинг юқорироқ самарадорлиги туфайли имкони туғил-ган омонатларни шакллантиришга йўналтирилиши; ёки 3) Қонунда аниқ назарда тутилиши керак.

Бироқ муддатни кечиктиришларни қўллаш федерал судлар то-монидан қатъий чекланган. Бундай шароитдаги муддатни кечикти-ришларга сиёсий оқибатларга эга бўлганлиги боис ортиқ йўл қўйил-майди.

Сенатдаги Бюджет бўйича ва Ассигнациялаш бўйича қўмиталар ҳамда Вакиллар Палатасидаги Ассигнациялаш бўйича қўмиталар Президентнинг заҳиралаш бўйича номасини кўриб чиқиш имконият-ига эга бўлдилар. Бироқ бюджет жараёнининг мазкур қисми бўйича Қонун билан тасдиқланган кузатувчи Бош назоратчи ҳисобланади, у АҚШнинг назорат-молия бош бошқармасининг (*General Accounting Office*) бошлиғи сифатида ҳар бир номани кўриб чиқиши ҳамда Конг-ресснинг мазкур фаолиятга тааллуқли эҳтимолий оқибатлар тўғрисида хабардор қилиши лозим. Бош назоратчи, шунингдек, Конгрессга Президент хабар бермаган захиралаш ёки ассигнациялашнинг муддат-ини кечиктириш бўйича ҳаракатлар тўғрисида маълумот бериши лозим. Президент ҳар қандай нотўғри берган хабарлари ҳақида ушбу ҳужжатдаги ишлар аҳволига тузатишлар билан маълумот беради. *Бош назоратчининг бундай маълумотлари Президентнинг ассигнация-ларни*[9] *бекор қилиш бўйича номаси каби қонуний кучга эга бўлади.*

Бош назоратчи Конгресс ассигнациялар ёки муддатни кечик-тиришларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни расман маъ-қулламаганидан кейин, агар Президент ассигнациялаш бўйича хара-жатларни амалга оширишдан бош тортса, унга қарши даъво билан чиқиш ваколатига эга.

2.6. МОДДА ВЕТО ТАОМИЛИ

"Федерал бюджетнинг модда ветоси тўғрисида"ги Қонун (*Line Item Veto Act*) 1997 йил 1 январда кучга кирди. Унинг қонунлаш-тирилаётган йилига тасдиқланган шароитда, агар Президент модда вето ҳақчилликни қисқартиришга олиб келади деган қарорга келса, ассигнациялар, ҳимояланган дастурлар ва солиқлар бўйича қонун

унга лойиҳаларининг маълум қоидаларини "бекор қилиш" ваколатини беради.

Янги Қонун Конгрессга муддатни кечиктиришнинг қонуний тактикасини қўллашни қийинлаштирадиган фавқулодда тезкор таомил ёрдамида Президент томонидан таклиф этилган бекор қилишларни қайта кўриб чиқиш ваколатини беради. Бироқ кўпчилик ҳолатларда таклиф этилган бекор қилишлардан бош тортиш учун Вакиллар Палатаси ва Сенат учдан икки қисми овози зарур бўлади, бундай кўпчилик овозга эришиш жуда қийин. Шундай қилиб, ассигнацияларни сарфлашни тўхтатишни хоҳловчилар зиммасига қонун чиқариш юкини юклайдиган заҳиралаш таомилидан фарқли ўлароқ, модда вето юкни харажатларни ошириш ёки солиқларни камайтиришни хоҳловчилар зиммасига юклайди. Бу эса Президент ҳар гал бюджет сатри таомилидан фойдаланишга мурожаат этганда, у амал қилишда давом этиши эҳтимолини анча оширади.

Бу сабабларга кўра Конгресс харажатлар ва солиқлар бўйича қонун лойиҳаларини тузишда Оқ Уйга берилган айрим ваколатларни, модда ветони қўллаш жуда мушкул ёки мумкин бўлмай қоладиган тарзда, қисқартиришга ҳаракат қилишининг эҳтимоли кўпроқдир. Агар бу рўй берса, кейинги бир неча йиллар мобайнида Конгресс ва Оқ Уй ўртасида қай ҳолда бюджет сатри таомили ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги юзасидан туркум муҳокамалар авж олиши мумкин. Натижада бу федерал судларнинг бюджет жараёнига кенг жалб этилишига олиб келиши мумкин. Бироқ Оқ Уйнинг модда ветони қўллашга оид парда ортидаги дўқ-пўписалари Президент ва Конгресснинг барча келишмовчиликлар бўйича келишиб олишига олиб келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

1-илова

БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИ БИЛАН КОНГРЕССГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН НАМУНАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР

2.12–жадвал: "Даромадлар, харажатлар ва тақчиллик бўйича йиғма маълумотлар" Президент бюджетидан асосий йиғма жадвал намунасини ифодалайди. Учта асосий элементларни ҳисобга олиш лозим:

1. ***Ўлчов бирлиги нима ҳисобланади: миллиард, миллион ёки мингми?*** Бу йиғма жадвал бўлганлиги боис, ўлчов бирлиги миллиард доллар ҳисобланади. Бироқ бюджетдаги ҳамма жадваллар ҳам миллиардда ўлчанмайди. Чунончи, идоралар, вазирликлар, дастурлар бўйича жадваллар, одатда миллион ёки минг долларда ифодаланади.

2. ***Жадвалнинг қайси қисмида Президентнинг бюджет таклифи***

жойлаштирилган? Мазкур жадвалда Президентнинг бюджет таклифи учинчи устунда жойлаштирилган (1997 йил) Биринчи устунда (1995 йил) 1995 молия йилида амалда сарфланган суммалар келтирилган. Иккинчи устунда (1996 йил) 1996 молия йилида сарфлаш назарда тутилган суммалар бўйича маълумотлар берилган (бу йил Клинтон Конгрессга 1997 молия йилига ўз бюджет вариантини тақдим этган пайтда жорий йил эди. 4–8-устунларда (1998–2002) Президент 1997 молия йилига таклифи тасдиқланишини ҳисобга олиб, истиқболли баҳолашлар келтирилган. Бироқ бу фақатгина баҳолашлар холос, Президентнинг аниқ таклифлари эмас. Аниқ таклифлар Президент бюджети билан ҳар бир йил учун тақдим этилади.

3. ***Жадвал ўзи нимани ифодалайди: бюджет ваколатинимми ёки харажатларними?*** Мазкур жадвалда фақат харажатлар ифодаланган. Бошқа жадвалларда эса бюджет ваколатларигина келтирилиши мумкин. Иккаласи келтирилган жадваллар ҳам бор. Маълум жадвалда айнан нима ифодаланганлигини аниқламасдан туриб тўғри таҳлил қилишнинг иложи йўқ ва табиийки, қўйилган саволларга тўғри жавоб қайтариш ҳам мумкин бўлмайди.

2.12-жадвал

Харажатлар, даромадлар ва дефицит бўйича йиғма
МАЪЛУМОТЛАР
(млрд. долл.)

		1995			Режа			
	Далил	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Харажатлар								
Дискрецион:								
Миллий мудофаа	273. 5	266. 3	259. 4	255. 5	257. 1	263. 5	266. 6	276. 1
Халқаро	20. 1	20. 1	19. 8	19. 1	18. 5	17. 9	17. 9	18. 5
Ички	252. 0	254. 8	263. 0	264. 5	260. 1	255. 4	263. 7	278. 2
Дискрецион харажатлар бўйича оралиқ якун	545. 7	541. 2	542. 3	539. 1	535. 7	536. 8	548. 2	572. 9
Мажбурий:								
Дастурлар бўйича:								
Ижтимоий таъминот	333. 3	348. 1	364. 8	383. 3	401. 7	421. 3	441. 9	463. 5
Медикэр	156. 9	174. 9	187. 4	202. 2	215. 6	228. 3	245. 5	264. 1
Медикэйд (медицина ёрдами)	89. 1	94. 9	105. 6	111. 3	116. 5	122. 3	128. 6	133. 2
Эҳтиёж борлиги	92. 5	96. 8	103. 9	108. 8	113. 7	121. 4	121. 2	129. 3

		1995			Режа			
	Далил	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
текширилган ҳимояланган дастур (Медикэйд бундан мустасно)								
Депозитларни суғурталаш	-17. 9	-13. 5	-4. 3	-2. 0	-0. 5	-2. 2	-1. 6	-1. 8
Бошқа дастурлар	131. 9	131. 2	138. 1	139. 5	142. 9	148. 9	148. 6	152. 5
Дастурлар бўйича оралиқ якун	785. 8	832. 4	895. 5	943. 1	990. 0	1040. 2	1084. 2	1140. 9
Тақсимланмаган компенсацион тушумлар	-44. 5	-42. 3	-41. 0	-42. 4	-43. 4	-45. 5	-47. 9	-68. 7
Мажбурий харажатлар бўйича оралиқ якун	741. 3	790. 2	854. 5	900. 7	946. 6	994. 7	1036. 3	1072. 2
Фоизларни тўлаш	232. 2	241. 1	238. 5	236. 1	234. 6	229. 9	227. 0	223. 2
Мажбурий харажатлар ва фоизларни тўлаш бўйича оралиқ якун	973. 5	1031. 2	1093. 0	1136. 8	1181. 3	1224. 5	1263. 3	1295. 5
Жами харажатлар	**1519, 1**	**1572, 4**	**1635. 3**	**1675, 9**	**1716, 9**	**1761, 4**	**1811, 5**	**1868, 3**
Даромадлар	**1355, 2**	**1426, 8**	**1495, 2**	**1577, 9**	**1652, 5**	**1733, 8**	**1819, 8**	**1912, 2**
Тақчиллик/Профицит	**-163, 9**	**-145, 6**	**-140, 1**	**-98, 0**	**-64, 4**	**-27, 5**	**8, 3**	**43, 9**

Маъмурий-бюджет бош бошқармасидан кўчирма, Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджети, 1997 молия йили-Қўшимча (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил) 141-бет.

2.13-жадвал. "Даромадларнинг манбалар бўйича йиғма маълумотлари" форматига кўра 12-жадвалга ўхшашдир, бироқ унда даромадлар бўйича маълумотлар келтирилган. Олдинги жадвалдаги каби маълумотлар миллиард долларда берилган, Президент таклифлари учинчи устунда жойлаштирилган (1997 йил). Мазкур жадвалда даромадлар ифодалангани боис унда на бюджет ваколатлари, на харажатлар бор.

2.13-жадвал

Манбалар бўйича тушумлар — йиғма
МАЪЛУМОТЛАР
(млрд. долл.)

Манба	1995	Режа						
	Далил	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Ходимлардан даромад солиғи	590.2	630.9	645.1	683.4	714.2	748.7	790.0	834.5
Корпорациялар даромадидан солиқ	157.0	167.1	185.0	201.7	212.7	225.4	236.7	245.8
Ижтимоий суғурта бўйича солиқлар ва бадаллар	484.5	507.5	536.2	560.9	589.4	618.8	647.0	679.5
Бюджетга оид	(133.4)	(140.1)	(148.2)	(154.6)	(161.6)	(168.8)	(175.8)	(184.8)
Бюджетдан ташқари	(351.1)	(367.4)	(388.0)	(406.3)	(427.8)	(450.0)	(471.2)	(494.6)
Акцизлар	57.5	53.9	59.6	60.4	61.7	62.8	64.2	65.6
Мол-мулк ва совғаларга солиқ	14.8	15.9	17.1	18.1	19.5	20.9	22.5	24.1
Божхона божлари	19.3	19.3	20.5	20.8	20.9	21.9	22.4	24.3
Бошқа даромадлар	31.9	32.1	31.8	32.7	34.2	35.3	37.1	38.4
Жами даромадлар	1355.2	1426.8	1495.2	1577.9	1652.5	1733.8	1819.8	1912.2
Бюджетга оид	*(1004.1)*	*(1059.3)*	*(1107.2)*	*(1171.6)*	*(1224.8)*	*(1283.9)*	*(1348.6)*	*(1417.6)*
Бюджетдан ташқари	*(351.1)*	*(367.4)*	*(388.0)*	*(406.3)*	*(427.8)*	*(450.0)*	*(471.2)*	*(494.6)*

Маъмурий-Бюджет Бошқармасидан кўчирма, Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджети, 1997 молия йили — Қўшимча (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумат босмахонаси, 1996 йил.), 171-бет.

2.14-жадвал. "Дастурлар бўйича мажбурий бюджет таклифларини баҳолаш" жадвалида жадвалга оғиш кўпинча таҳлилни қийинлаштирадиган ҳолатлар яққол кўрсатилган. Бу жадвал (ундан лавҳа келтирилган) Президент Маъмурияти таклифларининг мажбурий дастурларига таъсирини кўрсатади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, жадвал маълумотлари олдинги иккита жадвалдаги маълумотлар ўлчанган миллиард доллардан фарқли равишда миллион долларда келтирилган. Президент таклифлари асосан 1997 молия йилига таъ-

сир этган, шу боис улар 2-устунда (1997 йил) кўрсатилган. Бироқ таклифлардан баъзилари 1996 молия йилига таъсир кўрсатиши учун улар 1-устунда кўрсатилган.

2.14-жадвал

Мажбурий харажатлар дастурлари бўйича бюджет таклифларини БАҲОЛАШ
(харажатлар, суммалар миллион долларда)

Мажбурий харажатлар бўйича таклифлар	Режа							Жами 1996-2002
	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	
Медикэр (соғлиқни сақлаш суғуртаси) бўйича омонатлар	**306**	**-5800**	**-9969**	**-16115**	**-24666**	**-30645**	**-36946**	**-123835**
Акс ҳолда суғурталанмайдиган кишилар учун мукофотларга медикэр бўйича таклифларнинг таъсири (НІ)	.....	123	178	226	286	332	380	1525
Медикэйд (соғлиқни сақлаш бўйича ёрдам) бўйича омонатлар	.....	**3292**	**-646**	**-5563**	**-11264**	**-17589**	**-26961**	**-58731**
Медикэр бўйича таклифларнинг Медикейдга таъсири	.....	-15	-25	336	437	598	763	2094
Вақтинчалик ишсизларнинг соғлиғини суғурталаш	.....	1519	2158	2345	2550	.....	.....	8572
Тиббий суғурталаш ислоҳоти: кооперативларга соғлиқни суғурталаш бўйича субсидиялар	.....	25	25	25	25	25	.....	125
Ижтимоий таъминот ислоҳоти[1]	**-320**	**-4883**	**-6505**	**-6346**	**-7010**	**-7147**	**-8625**	**-40836**
Иш ҳақи ва маош олувчилар учун солиқ имтиёзларини тақдим этиш қоидаларини ўзгартириш:								

Мажбурий харажатлар бўйича таклифлар	Режа							Жами 1996-2002
	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	
Харажатлар	-14	-596	-606	-602	-598	-580	-568	-3564
Даромадлар	-2	-278	-419	-409	-397	-388	-380	-2273
Иш Ҳақи ва маош олувчиларга тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари бўйича оралиқ якун	**-16**	**-874**	**-1025**	**-1011**	**-995**	**-968**	**-948**	**-5837**
Бошқа мажбурий харажатлар:								
Талабалик қарзлари:								
Кредиторлар, кафил ташкилотлар, иккиламчи ва кейинги бозорларнинг ташкиотлар тўловларини қисқартириш ҳамда федерал маъмурий молиялашни қисқартириш	-847	-568	-665	-607	-571	-582	-595	-4435
Фуқаролар пенсиялари:								
COLA* пенсияга чиқишни тўхтатиб туришни узайтириш	.....	-278	-307	-295	-302	-310	-319	-1811
Конгресс пенсия тўловларининг ўзгариши	.....	.....	-1	-1	-2	-2	-2	-8
Фуқаролар пенсиялари бўйича оралиқ якун	.....	-278	-308	-296	-304	-312	-321	-1819
Фахрийлар:								
PAYGO таклифлари:								
Компенсация ва пенсиялар:								
Яшаш минимуми (COLA) ошганлиги муносабати билан устамаларни кам томонга яхлитлашни узайтириш	.....	-17	-37	-56	-77	-92	-118	-397
Қасддан қилинмаган, зарар етказилганлиги	-36	-112	-191	-272	-359	-450	-544	-1964

Мажбурий харажатлар бўйича таклифлар	Режа							Жами 1996-2002
	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	
учун компенсация йиғилишини чеклаш (Гарднер қарори)								
Пенсия ва тиббий ёрдам олувчи шахсларнинг даромадларини тасдиқлашни узайтириш	.....	.....	.....	-45	-60	-76	-92	-273
Дастур доирасига тушадиган шахслар учун пенсияларини чеклаш.	.....	.....	.....	-553	-567	-580	-597	-2297
Қариялар уйларидаги Медикэйд								
Компенсациялар ва пенсиялар бўйича оралиқ якун	-36	-129	-228	-926	-1063	-1198	-1351	-4931

* *COLA — яшаш минимуми оширилганлиги муносабати билан пулли ўстама*

Маъмурий-Бюджет Бошқармасидан Кўчирма, Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджети, 1997 молия йили — қўшимча (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил) 150-бет.

Айрим жадваллар Президент бюджетларининг кўпчилигида акс эттирилган етти йиллик даврдан ортиқ муддатдаги ахборотларни ифодалайди (илгариги икки бюджет йили, бюджет йили ва кейинги тўрт йил). Бу жадвалларнинг кўп қисми *ўтган йилги жадвалларда* (бюджет ҳужжатларидан бири) бор бўлса-да, уларни кўпгина бошқа ҳужжатлардан ҳам топиш мумкин. Бундай жадваллар контекс мазмунини англаш учун ажойиб восита ҳисобланади, унинг доирасида Президент таклифлари шакллантирилади.

Бюджет ва бюджет концепциялари вақт ўтиши билан ўзгарганлиги учун бундай жадваллардан фойдаланишда жуда эҳтиёткор бўлиш керак. Агар ўтган барча йиллардаги маълумотлар жорий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тузатилган бўлса, бир йил кейингиси билан таққослаш унчалик қийин бўлмайди. Бироқ агар ўтган йилларда тузатишлар киритилмаган бўлса, солиштирма таҳлил ўтказишда эҳтиёт бўлиш лозим. Бу турли бюджетлардан олинган жадваллардаги маълумотларни солиштиришда айниқса муҳимдир.

2.15-жадвал. "1789 йилдан 2002 йилгача бўлган давр учун даро-

мадлар, харажатлар ва профицит/тақчиллик бўйича йиғма маълумотлар" жуда катта даврдаги маълумотлар таҳлили келтирилган жадвал намунаси ҳисобланади. Бу жадвалда (ундан лавҳа келтирилган) 211 йил учун, 1789 йилдан бошлаб 2002 молия йилига қадар бюджет маълумотлари келтирилган.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, жадвалдаги маълумотлар миллион долларда ифодаланган, чунки аввал АҚШда суммалар шунча майда бўлганки, агар жадваллар миллиард долларда берилганда эди, бу суммалар каср кўринишида берилган бўларди. Шубҳасиз, миллион доллардаги ўлчов бирлиги таҳлил учун бошқа муаммо келтириб чиқаради. Масалан, 1943 молия йилидаги "54544" тақчиллик 54,6 млн. долларни эмас, 54,6 млрд. долларни ифодалайди.

2.15-жадвал

1789-2002 йиллардаги давр учун даромадлар, харажатлар, профицит ёки дефицит бўйича йиғма
МАЪЛУМОТЛАР
(млн. долларда)

Йиллар	Жами		Бюджетга оид			Бюджетдан ташқари			
	даромадлар	харажатлар	профицит ёки тақчиллик (-)	даромадлар	харажатлар	профицит ёки тақчиллик (-)	даромадлар	харажатлар	профицит ёки тақчиллик (-)
1789-1849	1. 160	1. 090	70	1. 160	1. 090	70	.....	.....	.....
1850-1900	14. 462	15. 453	-991	14. 462	15. 453	-991	.....	.....	.....
1901	588	525	63	588	525	63	.....	.....	.....
1902	562	485	77	562	485	77	.....	.....	.....
1903	562	517	45	562	517	45	.....	.....	.....
1904	541	584	-43	541	584	-43	.....	.....	.....
1905	544	567	-23	544	567	-23	.....	.....	.....
1906	595	570	25	595	570	25	.....	.....	.....
1907	666	579	87	666	579	87	.....	.....	.....
1908	602	659	-57	602	659	-57	.....	.....	.....
1909	604	694	-89	604	694	-89	.....	.....	.....
1910	676	694	-18	676	694	-18	.....	.....	.....
1911	702	691	11	702	691	11	.....	.....	.....
1912	693	690	3	693	690	3	.....	.....	.....
1913	714	715	-*	714	715	-*	.....	.....	.....
1914	725	726	-*	725	726	-*	.....	.....	.....
1915	683	746	-63	683	746	-63	.....	.....	.....

Йиллар	Жами		Бюджетга оид			Бюджетдан ташқари			
	даромадлар	харажатлар	профицит ёки тақчиллик (-)	даромадлар	харажатлар	профицит ёки тақчиллик (-)	даромадлар	харажатлар	профицит ёки тақчиллик (-)
1916	761	713	48	761	713	48	.....	.....	.....
1917	1, 101	1, 954	-853	1, 101	1, 954	-853	.....	.....	.....
1918	3, 645	12, 677	9, 032	3, 645	12, 677	9, 032	.....	.....	.....
1919	5, 130	18, 493	-13, 363	5, 130	18, 493	-13, 363	.....	.....	.....
1920	6, 649	6, 358	291	6, 649	6, 358	291	.....	.....	.....
1921	5, 571	5, 062	509	5, 571	5, 062	509	.....	.....	.....
1922	4, 026	3, 289	736	4, 026	3, 289	736	.....	.....	.....
1923	3, 853	3, 140	713	3, 853	3, 140	713	.....	.....	.....
1924	3, 871	2, 908	963	3, 871	2, 908	963	.....	.....	.....
1925	3, 641	2, 924	717	3, 641	2, 924	717	.....	.....	.....
1926	3, 795	2, 930	865	3, 795	2, 930	865	.....	.....	.....
1927	4, 013	2, 857	1, 155	4, 013	2, 857	1, 155	.....	.....	.....
1928	3, 900	2, 961	939	3, 900	2, 961	939	.....	.....	.....
1929	3, 862	3, 127	734	3, 862	3, 127	734	.....	.....	.....
1930	4, 058	3, 320	738	4, 058	3, 320	738	.....	.....	.....
1931	3, 116	3, 577	-462	3, 116	3, 577	-462	.....	.....	.....
1932	1, 924	4, 659	-2, 735	1, 924	4, 659	-2, 735	.....	.....	.....
1933	1, 997	4, 598	-2, 602	1, 997	4, 598	-2, 602	.....	.....	.....
1934	2, 955	6, 541	-3, 586	2, 955	6, 541	-3, 586	.....	.....	.....
1935	3, 609	6, 412	-2, 803	3, 609	6, 412	-2, 803	.....	.....	.....
1936	3, 923	8, 228	-4, 304	3, 923	8, 228	-4, 304	.....	.....	.....
1937	5, 387	7, 580	-2, 193	5, 122	7, 582	-2, 460	265	-2	267
1938	6, 751	6, 840	-89	6, 354	6, 850	-486	387	-10	397
1939	6, 295	9, 141	2, 846	5, 792	9, 154	-3, 362	503	-13	516
1940	6, 548	9, 468	-2, 920	5, 998	9, 482	-3, 484	550	-14	564
1941	8, 712	13, 65	-4, 941	8, 024	13, 61	-5, 594	688	35	653
1942	14, 634	35, 13	-20, 50	13, 73	35, 07	-21, 333	896	66	830
1943	24, 001	78, 55	-54, 55	22, 87	78, 46	-55, 595	1, 13	89	1, 041
1944	43, 747	91, 30	-47, 55	42, 45	91, 190	-48, 735	1, 29	114	1, 178
1945	45, 159	92, 71	-47, 55	43, 84	92, 56	-48, 720	1, 31	143	1, 167
1946	39, 296	55, 23	-15, 93	38, 05	55, 02	-16, 964	1, 23	210	1, 028
1947	38, 514	34, 49	4, 018	37, 05	34, 19	2, 861	1, 45	303	1, 157
1948	41, 560	29, 76	11, 79	39, 94	29, 39	10, 548	1, 61	368	1, 248
1949	39, 415	38,835	580, 000	37, 724	38, 408	-684	1,690	427	1, 263

Маъмурий-Бюджет Бошқармасидан кўчирма, Ўтган йиллар учун жадваллар: Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджети, 1997 молия йили (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 19- бет.

2.15-жадвалда умуман, бюджет бўйича якуний рақамлар кўрсатилган ҳамда бу миқдор бюджет ва бюджетдан ташқари харажатлар ва даромадларга бўлинган. Бироқ 1937 молия йилига қадар бюджетдан ташқари даромадлар ва харажатлар мавжуд бўлмагани туфайли 1937 йилгача бўлган даврни 1936 йилдан кейинги давр билан солиштирма таҳлил қилиш мушкул.

Иқтисодиёт ҳолати кўрсаткичларини акс эттирувчи бюджет жадваллари уларда нафақат суммаларнинг долларда акс эттирилгани, балки уларни молия йили бўйича эмас, балки календарь йили бўйича берилгани боис таҳлил учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Масалан, 2.16-жадвал "Иқтисодий тахминлар"да у Президент Маъмуриятининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли иқтисодий истиқболларни акс эттиради, баҳоларни ҳисобга олиш учун ўлчов бирлиги сифатида миллиард доллар қўлланилган, зарур жойларда фоизлар ва нархлар индексларидан фойдаланилган. Бундан ташқари, кўп ҳолатларда кўрсаткичлар доимий ва жорий нархларда берилган.

2.16-жадвал

Иқтисодий тахминлар
(Календарь йиллар, суммалар млрд. долларда)

	Факт				Истиқболли баҳолаш				
	1994	**1995**	**1996**	**1997**	**1998**	**1999**	**2000**	**2001**	**2002**
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ): Нархлар даражаси, суммалар млрд долларда:									
Жорий нархлар	6931	7254	7621	8008	8417	8848	9295	9772	10268
Доимий занжирли (1992) нархлар	6604	6742	6888	7047	7212	7380	7553	7730	7911
Занжирли нархлар индекси (1992 = 100), ўртача йиллик	105.0	107.6	110.6	113.6	116.7	119.9	123.1	126.4	129.8
Фоиздаги ўзгаришлар, тўртинчи чоракларни таққослаш:									
Жорий нархлар	5.9	4.1	5.1	5.1	5.1	5.1	5.1	5.1	5.1
Доимий занжирли (1992) нархлар	3.5	1.5	2.2	2.3	2.3	2.3	2.3	2.3	2.3
Занжирли нархлар индекси (1992 = 100), ўртача йиллик	2.3	2.5	2.8	2.7	2.7	2.7	2.7	2.7	2.7

	Факт				Истиқболли баҳолаш				
	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Йиллар бўйича фоиздаги ўзгаришлар									
Жорий нархлар	5.8	4.7	5.1	5.1	5.1	5.1	5.1	5.1	5.1
Доимий занжирли (1992) нархлар	3.5	2.1	2.2	2.3	2.3	2.3	2.3	2.3	2.3
Занжирли нархлар индекси (1992 = 100), ўртача йиллик	2.3	2.5	2.8	2.7	2.7	2.7	2.7	2.7	2.7
Даромадлар, млрд доллар жорий нархларда:									
Шахсий даромадлар	5750	6104	6416	6716	7025	7337	7664	8031	8434
Ишчилар ва хизматчилар иш ҳақи	3241	3420	3607	3801	3995	4193	4403	4629	4864
Юридик шахсларнинг солиқ ундирилгунга қадар даромадлари	528	602	650	702	753	800	843	882	917
Истеъмол нархлари индекси (барча шаҳарлар бўйича):[2]									
Нархлар даражаси (1982-84 = 100), ўртача йиллик	148.2	152.4	156.6	161.3	165.9	170.5	175.3	180.2	185.2
Тўртинчи чораклар таққосланганда фоиздаги ўзгаришлар	2.6	2.7	3.1	2.9	2.8	2.8	2.8	2.8	2.8
Йиллар бўйича фоиздаги ўзгаришлар	2.6	2.8	2.8	3.0	2.8	2.8	2.8	2.8	2.8
Фуқароларнинг ишсизлик даражаси фоизларда:									
Тўртинчи чорак даражаси	5.6	5.6	5.7	5.7	5.7	5.7	5.7	5.7	5.7
Ўртача йиллик даража	6.1	5.6	5.7	5.7	5.7	5.7	5.7	5.7	5.7
Федерал хизматчилар иш ҳақининг оширилиши, январь, фоизларда:									
Ҳарбий	2.2	2.2	2.6	3.0	3.1	3.1	3.1	3.1	3.1
Фуқаро[3]	.....	2.0	2.0	3.0	МЙ	МЙ	МЙ	МЙ	МЙ
Фоиз ставкаси:									
91 кунлик ғазна векселлари[4]	4.3	5.5	4.9	4.5	4.3	4.2	4.0	4.0	4.0

	Факт				Истиқболли баҳолаш				
	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
10 кунлик ғазна чиптала-ри	7. 1	6. 6	5. 6	5. 3	5. 0	5. 0	5. 0	5. 0	5. 0
Илова: ЯИМ ва даромадлар, олдиндан тузатилган базис [5]									
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), жорий нархларда:									
Нархлар даражаси, суммалар *млрд* доллар-да	6738	7078	7428	7805	8203	8623	9058	9523	10005
Тўргинчи чораклар таққослаганда фоиздаги ўзгаришлар	6. 5	4. 2	5. 1	5. 1	5. 1	5. 1	5. 1	5. 1	5. 1
Йиллар бўйича фоиздаги ўзгариш	6. 2	5. 0	5. 0	5. 1	5. 1	5. 1	5. 1	5. 1	5. 1
Даромадлар, млрд доллар-да, жорий нархларда:									
Шахсий даромаллар	5702	6054	6357	6654	6960	7270	7595	7958	8358
Ишчилар ва хизматчи-ларнинг иш ҳақи	3279	3450	3631	3826	4020	4220	4431	4658	4895
Юридик шахсларнинг солиқ ундирилгунга қадар даромадлари	535	572	608	657	706	749	790	826	859

МЙ *— маълумотлар йўқ*

[1] — 1996 йил январь ойи ўрталаридаги ахборотлар асосида.

[2] — ИНИ барча шаҳарлик истеъмолчилар учун. ИНИ икки вариантда нашр этилади. Бу ерда кўрсатилган индекс Қонунга мувофиқ ходимларнинг даромад солиқларига автоматик тузатишларнинг калькуляцияси учун ҳозирги пайтда қўлланилмоқда. Истиқболли баҳолашлар услубиятдаги режалаштирилган ўзгартиришларни акс эттиради.

[3] — 1994-1996 йиллардаги фоиз кўрсаткичлари туманлардаги иш ҳақи тузатишларини ўз ичига олмайди. Йилларга фоиз кўрсаткичлари 1997 йилдан кейин ҳали белгиланмаган.

[4] — давр мобайнидаги янги эмиссиялар бўйича ўртача ставка (банкларнинг ҳисоб ставкалари асосида).

[5] — миллий даромад ва маҳсулотларнинг ҳисобварақларини комплекс қайта кўриб чиқиш (унга ЯИМ ва даромадлар киради) ҳукумат раҳбарлари

пасайтирилганлиги сабабли кейинга қолдирилганлиги боис, айрим бюджет баҳолашлари, ҳеч бўлмаганда, мазкур иловада келтирилган олдиндан тузатишлар базисида қисман ЯИМ ва даромадлар бўйича маълумотларда асосланилган.

Маъмурий–Бюджет Бошқармасидан кўчирма, Таҳлилий истиқболлар, 1997 молия йили (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 5-бет.

Ҳатто энг тажрибали таҳлилчилар учун федерал бюджет жадвалларини тушунишдаги энг қийин томони мантиққа кўпинча тўғри келмайдиган қўшув ва айирув белгиларидан фойдаланиш ҳисобланади. Демак, 2.15-жадвалда "–" белгиси тақчилликни акс эттиради. Тақчиллик кўрсатилган, бошқа жадвалларда бу белги профицитни англатади. 2.17-жадвал "Бюджетнинг иқтисодий ўзгаришларга таъсирчанлиги"да қўшув ва айирув белгилари бор, улар жадвалнинг турли қисмларида турлича маъно касб этади. Масалан, биринчи бўлимда ("Ҳақиқий ўсиш ва бандлик") 1996 йил даромадлари айирув белгиси билан кўрсатилган, чунки 1996 календарь йилида ЯИМ камида 1% га ўсса, улар 6.8 млрд. долларга камайган бўларди. Тақчилликни оширувчи даромаднинг бундай қисқариши махфий рақам тарзида кўрсатилган. Бироқ 1996 йил устунининг пастки қисмида ("Инфляция ва фоиз ставкалари") тақчилликнинг 6,4 млрд. долларга қисқариши ҳам айирув белгиси билан кўрсатилган. Бошқача айтадиган бўлсак, айнан битта жадвалда айирув белгиси тақчилликка қарама-қарши таъсирни кўрсатиш учун фойдаланилади.

2.17-жадвал

Бюджетнинг иқтисодий ўзгаришларга
ТАЪСИРЧАНЛИГИ
(млрд. долларда)

Бюджет самараси	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Ҳақиқий ўсиш ва бандлик: Амалдаги ЯИМ ўсишининг 1% га пасайишининг бюджетга таъсири:							
Фақат 1996 календарь йили бўйича:[1]							
Даромадлар	-6. 8	-14. 7	-16. 9	-17. 1	-17. 5	-18. 1	-18. 8
Харажатлар	1. 2	6. 0	7. 1	8. 4	9. 6	10. 9	12. 4
Тақчилликнинг ўсиши (+)	8. 0	20. 6	24. 0	25. 5	27. 1	29. 0	31. 2

Бюджет самараси	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
1996-2002 йиллар мобайнида узлуксиз:[1]							
Даромадлар	-6. 8	-21. 7	-39. 2	-57. 6	-77. 1	-97. 7	-119. 8
Харажатлар	1. 2	8. 2	14. 3	23. 9	32. 5	45. 1	57. 4
Тақчилликнинг ўсиши (+)	8. 0	29. 9	53. 5	81. 5	109. 6	142. 8	177. 2
1996-2002 йиллар мобайнида узлуксиз. ишсизликдаги ўзгаришларсиз							
Даромаллар	-6. 8	-22. 0	-40. 2	-60. 0	-81. 1	-103. 8	-128. 2
Харажатлар	0. 2	0. 9	2. 4	4. 8	7. 8	12. 1	17. 6
Тақчилликнинг ўсиши (+)	7. 0	22. 9	42. 6	64. 7	88. 9	115. 9	145. 8
Инфляция ва фоиз ставкалари:							
1% ли даражанинг ўсишидан бюджет самараси							
Фақатгина 1996 календарь йилида инфляция ва фоиз ставкалари:							
Даромадлар	7. 9	15. 9	15. 5	14. 1	14. 6	15. 3	16. 0
Харажатлар	6. 5	15. 1	11. 8	10. 1	9. 6	9. 2	8. 2
Тақчилликнинг ўсиши (+)	-1. 4	-0. 8	-3. 7	-4. 1	-5. 0	-6. 1	-7. 8
Инфляция ва фоиз ставкалари. 1996-2002 йиллар мобайнида узлуксиз:							
Даромадлар	7. 9	24. 2	40. 8	57. 1	74. 7	93. 8	114. 6
Харажатлар	6. 3	22. 0	35. 2	47. 4	59. 4	70. 6	81. 3
Тақчилликнинг ўсиши (+)	-1. 4	-2. 2	-5. 6	-9. 7	-15. 3	-23. 2	-33. 3
Фақат фоиз ставкалари. 1996-2002 йиллар мобайнида узлуксиз:							
Даромадлар	1. 0	2. 7	3. 4	3. 7	4. 0	4. 2	4. 5
Харажатлар	6. 0	17. 7	24. 9	30. 3	34. 8	38. 8	41. 2
Тақчилликнинг ўсиши (+)	5. 0	15. 0	21. 5	26. 6	30. 9	34. 5	36. 7
Фақат инфляция. 1996-2002 йиллар мобайнида узлуксиз:							

Бюджет самараси	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Даромадлар	6. 9	21. 5	37. 4	53. 4	70. 7	89. 6	110. 1
Харажатлар	0. 5	4. 3	10. 3	17. 1	24. 6	31. 8	40. 1
Тақчилликнинг ўсиши (+)	-6. 4	-17. 2	-27. 1	-36. 3	-46. 2	-57. 7	-70. 0
Қўшимча федерал қарзлар бўйича фоизлар тўлашдаги чиқимлар							
1996 йил мобайнида қўшимча қарзлардан 100 миллиардлик самара	2. 8	5. 1	5. 0	5. 2	5. 2	5. 3	5. 5

[1] *Инсизлик даражаси ҳақиқий ЯИМ даражасининг бажарилмаган ҳар бир 1 фоиздан 0,5 фоиз пунктга юқори эканлиги тахмин қилинмоқда.*

Маъмурий–Бюджет Бошқармасидан кўчирма, Таҳлилий истиқболлар, 1997 молия йили (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 13-бет.

Президент бюджетида федерал дастурлар идоралар ва ҳисобварақлар бўйича қисмларга ажратиб тақдим этилган жадваллар ўта талаб этиладиган жадваллардан ҳисобланади. Бу жадвалларда мазкур дастурлар унинг доирасига киритилган бюджет функциясидан қатъи назар ҳар бир вазирлик ва идоранинг барча дастурларини акс эттиради.

Бу ҳолатда 2.18-жадвал (ундан лавҳа келтирилган эди) мисол бўла олади, унда Савдо вазирлигининг айрим дастурларига оид маълумотлар акс эттирилган. Ундаги маълумотлар миллион долларда берилган. Агар бу кўрсаткичлар миллиардда берилганда эди, улар каср рақамларни билдирган бўларди, бу эса жадвални англашни қийинлаштиради. Жадвал бюджет ваколатларини (БВ) ва харажатларни (улар Х ҳарфи билан белгиланади, бошқа жадвалларда эса БХ деб белгиланган) ўз ичига олади.

Айнан бир вазирлик ёки идора доирасидаги дастурлар кўпинча функционал таснифлашнинг бир неча турли кодлари орасида тақсимланади.

Ниҳоят, бу жадвал фақат уч устундан иборат. Президент таклифи учинчи — "1997 йил баҳолашлари" устунида кўрсатилган.

Бюджет бўйича ахборотдан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги учун *Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджетида, Илова* жадвалларида улардан талаб этилганидан кўпроқ маълумотлар бор. Ҳар бир вазирлик ва идора учун *Илова* ассигнациялар ҳисобварақлари бўйича ажратилганда қуйидагилардан иборат бўлади:

Ассигнациялаш бўйича қонун лойиҳасининг назарда тутилаётган матни;

Харажатларни ва молиялашни амалга оширишнинг батафсил чизмаси;

Ҳар қандай янги қонуний таклифлар;

Қилинадиган ишларни ва пул маблағларининг зарурлигини тушунтириш;

Доимий лавозимлар рўйхати (штат жадвали).

Илова шунингдек, бутун агентликлар ёки агентликларнинг гуруҳларини ассигнациялашда қўлланиладиган таклиф этилаётган умумий қоидаларни; қўшимчалар киритиш ва бекор қилишлар бўйича таклифларни; режалаштирилаётган ассигнациялар, келажакдаги молиялаш бўйича таклифларни ҳамда ҳукумат ва Федерал Резерв Бошқармасининг Бошқарувчилар Кенгаши кафолати остида корхоналар учун бюджет сметаларини ўз ичига олади.

Барча вазирликлар ва идоралар (агентликлар)нинг ҳар бир ассигнация ҳисобварақларига қуйидаги беш элемент асосида тушунтириш берилади:

2.18-жадвал

Савдо вазирлиги

Ҳисобварақ		1994		Прогноз	
		далил	1995	1996	1997
Уй-жой қурилиши дастурлари					
Федерал фондлар					
Умумий ва махсус фондлар:					
Субсидияланадиган уй-жой қурилишга ҳар йилги ажратмалар:					
Ассигнациялар, жорий	604 БВ	**9329**	**11171**	.....	.....
			И - **439**		
Харажатлар	Х	15114	16413	19839	17612
			И - 54	*И* - 113	*И* - 82
Субсидияланадиган қурилишларга ҳар йилги ажратмаларнинг жами	БВ	**9329**	**10731**	.....	.....
	Х	15114	16359	19726	17530
Уй-жой қурилишини субсидиялаш бўйича бошқа дастурлар (уй-жой қурилишидаги ёрдам):					
(Ассигнациялар, жорий)	604 БВ	.....	**-231**	**-198**	**-188**
(Харажатлар)	Х	780	829	762	741
Уй-жой қурилишини субсидиялаш бўйича бошқа дастурларнинг жами	БВ	.....	**-231**	**-198**	**-188**

Ҳисобварақ		1994		Прогноз	
		лалил	1995	1996	1997
	Х	780	829	762	741
8-параграфдаги амал қилиш муддати тугагандан кейин субсидияларга шартномаларни тиклашда ёрдам кўрсатиш:					
Ассигнациялар. жорий	604 БВ	**4551**	**2536**	.....	.....
Режали ассигнациялар	БВ	**720**	**800**	.....	.....
Харажатлар	Х	3488	3914	.....	.....
8-параграфдаги амал қилиш муддати тугагандан кейин субсидияларга шартномаларни тиклашдаги жами ёрдам	БВ	**5271**	**3336**	.....	.....
	Х	3488	3914	.....	.....
Уйга эгалик қилишнинг миллий намунали дастури:					
Ассигнациялар. жорий	371 БВ	.....	**50**	.....	.....
Харажатлар	Х	.....	.....	17	33
НОРЕ* дастури бўйича субсидиялар:					
Ассигнациялар. жорий	604 БВ	**-207**	**62**	.....	.....
Харажатлар	Х	65	87	63	120
Йиғим бўйича хизматлар:					
Ассигнациялар. жорий	604 БВ	**25**	**25**	.....	.....
			Н - 37		
Харажатлар	Х	6	6	14	16
				Н - 5	*Н* – 10
Йиғим бўйича хизматлар. жами	БВ	**25**	**-12**	.....	.....
	Х	6	6	9	6
Уй-жой қурилишида маслаҳат ёрдамлари:					
Ассигнациялар. жорий	506 БВ	**12**	**50**	.....	.....
Харажатлар	Х	5	13	38	10
8-параграф бўйича ўртача оғир даражасидаги таъмирлаш ишлари, бир хонанинг банд қилинганлиги:					
Ассигнациялар. жорий	604 БВ	**150**	.....	.....	.....
Харажатлар	Х	8	36	43	53
Умумий бошқарув					
Федерал фондлар					
Умумий ва махсус фондлар:					
Иш ҳақи ва харажатлар:					
Ассигнациялар. жорий	376 БВ	**37**	**29**	**29**	
Компенсацион йиғимлардан харажат ваколатлари	БВ	**45**	**48**	**48**	

Ҳисобварақ		1994		Прогноз	
		далил	1995	1996	1997
Харажатлар	Х	82	81	78	
Иш ҳақи ва харажатлар (жамликда)	БВ	**82**	77	77	
	Х	82	81	78	
Компенсацион йиғимларнинг жами		-45	-48	-48	
Жами иш ҳақи ва харажатлар (нетто)	БВ	**37**	**29**	**29**	
	Х	37	33	30	
Бош тафтишчи бошқармаси:					
Ассигнациялар, жорий	376 БВ	**17**	**20**	**21**	
Компенсацион йиғимлардан харажат ваколатлари	БВ	**5**	**1**	**1**	
Харажатлар	Х	20	22	22	
Бош тафтишчи бошқармаси (жамликда)	БВ	**22**	**21**	**22**	
	Х	20	22	22	
Жами компенсацион йиғимлар		-5	-1	-1	
Бош тафтишчи бошқармаси таъминоти учун жами (нетто)	БВ	**17**	**20**	**21**	
	Х	15	21	21	
Ҳукуматлараро фондлар:					
Айланма сармоя фонди:					
Компенсацион йиғимлардан харажат ваколатлари	376 БВ	**91**	**70**	**81**	
Харажатлар	Х	88	70	81	
Жами компенсацион йиғимлар		-91	-70	-81	
Айланма сармоя фонди бўйича жами (нетто)	БВ	.....	.....	.....	
	Х	-3	.....	.....	
Умумий бошқарув органларини молиялаш учун федерал фондлар бўйича жами	БВ	**54**	**49**	**50**	
	Х	49	54	51	
Иқтисодий ривожланишни бошқариш					
Федерал фондлар					
Умумий ва махсус фондлар:					
Иш ҳақи ва харажатлар:					
Ассигнациялар, жорий	452 БВ	**32**	**20**	**20**	
Компенсацион йиғимлардан харажат ваколатлари	БВ	**3**	**4**	.....	
Харажатлар	Х	36	23	20	

Ҳисобварақ		1994		Прогноз	
		далил	1995	1996	1997
Иш ҳақи ва харажатлар (жамликда)	БВ	**35**	**24**	**20**	
	Х	36	23	20	
Жами компенсацион йиғимлар		-3	-4	.....	
Жами иш ҳақи ва харажатлар (нетто)	БВ	**32**	**20**	**20**	
	Х	33	19	20	
Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш дастурлари					
Ассигнациялар, жорий	452 БВ	**430**	**328**	**333**	
			010		
Компенсацион йиғимлардан харажат ваколатлари	БВ	**25**	**1**	**1**	

Маъмурий-Бюджет Бошқармасидан кўчирма. Таҳлилий истиқболлар, 1997 молия йили (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлари Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 406-бет.

* **Homeownership and opportunity for people everywhere grants** дан аббревиатура — Уйга эгалик қилиш ва кишиларга бутун мамлакат бўйича имконият беришга субсидиялар.

1. Ассигнациялаш бўйича қонун лойиҳасининг таклиф қилинаётган матни. Бюджет йилига ассигнациялаш бўйича қонун лойиҳасининг таклиф этилаётган матни алоҳида ассигнациялар ҳисобварақлари номи бўйича тақдим этилади. Қуйида энергетика бўйича Федерал регулятив комиссиянинг "иш ҳақи ва харажатлар" ҳисобварағи бўйича мисол келтирилган. Квадрат қавсларга [ ] киритилган матн қисмларини жорий йилга ассигнациялаш бўйича ҳужжатдан чиқариш назарда тутилмоқда (мазкур ҳолатда 1996 йил). Курсивда босилган матн таклиф этилаётган ўзгартириш ёки қўшимчани ифодалайди. Хатбошининг охирида мазкур қонун лойиҳасига дахлдор бўлган санкцияловчи қонун ҳужжатига ва қонун лойиҳасининг асосий матни олинган ассигнациялаш бўйича ҳужжатга ҳаволаларга эга бўлган матн курсивда босилган ва думалоқ қавс ичига олинган.

2. Молиялаш дастури ва режаси. Энергетика бўйича Федерал регулятив комиссия мисолида кўрсатилган 2.19-жадвал — "Молиялаш дастури ва режаси" *Иловада* берилган жадваллардан асосийси ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, жадвалдаги маълумотлар минг долларда берилган, улар бутун вазирликлар, идоралар ёки функциялар бўйича эмас, балки айрим дастурлар бўйича ахборотларни ўз ичига олганлиги бонс миллион ёки миллиард долларда ифодаланмаган. Президент таклифи учинчи устунда берилган. Бюджет ваколатлари ҳам, харажатлар ҳам кўрсатилган.

2.19-жадвал

Молиялаш дастури ва режаси (минг доллар ҳисобида)

Идентификацион коли 89-0212-0-1-276	1995	Истиқбол	
	далил	1996	1997
Дастурлар бўйича мажбуриятлар			
00.02 Гидроэнергетик ресурсларни тартибга солиш	57	52	53
00.03 Электр энергетика ресурсларини тартибга солиш	38	43	51
00.04 Табиий газ ва нефтни тартибга солиш	69	64	60
10.00 Жами мажбурий тўловлар	164	159	164
Мажбуриятларни қоплаш учун мавжуд бўлган бюджет ресурслари:			
21.40 Йил бошидаги мавжуд талаб этилмаган қолдиқ: жойлаштирилмаган сальдо	31	33	5
22.00 Янги бюджет ваколатлари (жамликда)	166	131	159
23.90 Мажбуриятларни қоплаш учун мавжуд жами бюджет ресурслари	197	164	164
23.95 Янги мажбуриятлар	-164	-159	-164
24.40 Йил охиридаги мавжуд талаб этилмаган қолдиқ: жойлаштирилмаган сальдо	33	5	.....
Янги бюджет ваколатлари (жамликда) батафсил:			
68.80 Компенсацион йиғимлар бўйича ваколатларни чеклаш (жамликда): компенсацион йиғимлар (нақд)	166	131	159
Тўланмаган мажбуриятлар бўйича ўзгаришлар:			
72.40 Йил бошидаги тўланмаган мажбуриятлар: Талаб этилган қолдиқ: Ассигнациялаш	37	39	61
73.10 Янги мажбуриятлар	164	159	164
73.20 Жами харажатлар (жамликда)	-161	-137	-155
74.40 Йил охиридаги тўланмаган мажбуриятлар: Талаб этилган қолдиқ: Ассигнациялаш	39	61	70
Харажатлар (жамликда) батафсил:			
86.97 Янги доимий ваколатлар бўйича харажатлар	139	111	135
86.98 Доимий қолдиқлар бўйича харажатлар	22	25	20
87.00 Жами харажатлар (жамликда)	161	137	155

Идентификацион коди 89-0212-0-1-276	1995	Истиқбол	
	далил	1996	1997
Қоплаш:			
Ялпи бюджет ваколатлари ва харажатлар бўйича:			
88.40 Компенсацион йиғимлар (нақд) қуйидагилардан: нофедерал манбалардан	-166	-131	-159
Соф бюджет ваколатлари ва харажатлар:			
89.00 Бюджет ваколатлари	.....	.....	.....
90.00 Харажатлар	-5	6	-4

Қуйидагилардан кўчирма нусха: Маъмурий-Бюджет Бошқармаси, Қўшма Штатлар ҳукумати бюджети, 1997 молия йили — Илова (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 450-бет.

3. Дастур ва ижро бўйича изоҳли ҳисобот. Энергетика бўйича федерал регулятив комиссиянинг ҳисоботи каби изоҳли ҳисоботлар дастурнинг мақсадини ва ассигнация йўналишини ифодалайди.

2.7. ЭНЕРГЕТИКА БЎЙИЧА ФЕДЕРАЛ РЕГУЛЯТИВ КОМИССИЯ ИШ ҲАҚИ ВА ХАРАЖАТЛАР

"Энергетика вазирлигини таъсис этиш тўғрисида"ги Қонундаги (кейинги ўринларда 42 U.S.C.* 7101) қоидаларга амал қилиш мақсадида Энергетика бўйича федерал регулятив комиссия зарур харажатларини амалга ошириш учун, шу жумладан, санкцияланган 5 U. S. C.[1] 3109 хизматларни, йўловчи транспорт воситалари ижарасини [ҳисобга олган ҳолда:] *ва* расмий қабул ва вакиллик харажатларига чиқимлар (3000 доллардан ошмайдиган); [131290000доллар] 159,397,000 доллар, уларни сарфлагунга қадар мавжуд бўлиши лозим: *Шарт шундаки*, Қонуннинг ҳар қандай бошқа қоидаларига хилоф равишда, [1996] 1997 молия йилидаги бадал ва ҳар йилги йиғим, бошқа хизмат (ва ундирмадан тушган даромад) = кўпи билан [131290000 долл.) 159397000 доллари сақланиб қолиши (тақсимланмаслиги) ва ушбу ҳисобварақ бўйича зарур харажатни амалга оширишда фойдаланиши шарт, у сарфлангунча мавжуд бўлиши лозим: *Қўшимча шарт шундаки*, Мазкур ҳужжатда ассигнацияланган сумма [1996] 1997 молия йилларида даромадларнинг тушишига қараб қисқартирилиши лозим, бунда *Мақсадсиз фонддан* якуний [1996] 1997 молия йилидаги 0 доллардан юқори баҳоланмаслиги лозим (*Энер-*

U.S.C. (The Code of the Laws of the United States of America) — АҚШ қонунлари тўплами.

гетика ва сув ресурсларини ривожлантириш учун ассигнациялар тўғрисида далолатнома, 1996 йил).

Маъмурий-бюджет бошқармасидан кўчирма, *Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджети, 1997 молия йили — Илова* (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 450-бет.

4. Объектларни таснифлаш бўйича жадваллар. 2.20-жадвал "Объектларни таснифлаш жадвали"да "Объект синфлари" Энергетика бўйича федерал регулятив комиссия мисолида берилган. Улар сўралган пул маблағларига нима сотиб олиш таклиф қилинаётганини кўрсатади. Бу ерда ҳам *Молиялаш дастури ва режасидаги* сингари харажатлаш даражаси ифодаланганлиги боис, маълумотлар ҳам минг долларда берилган. Бундан ташқари бу ерда ҳам фақат учта устун мавжуд ва Президент таклифи учинчи устунда кўрсатилган.

2.20-жадвал

Объектларни таснифлаш бўйича жадвал
(миллион доллар ҳисобида)

	Илентификацион коди 89-0212-0-1-276	1995	Истиқбол	
		лалил	1996	1997
	Ходимларга тўловлар:			
11. 1	Доимий штатдаги ходимлар	83	86	91
11. 3	Доимий штатда бўлмаган ходимлар	2	2	2
11. 5	Бошқа ходимларга тўловлар	1	1	1
11. 9	Ходимларга жами тўловлар	86	89	94
12. 1	Штатдаги ходимларга мукофотлар	16	17	18
21. 0	Хизмат сафарлари ва одамларни ташиш	2	2	2
23. 1	Умумий Хизматлар Маъмуриятига ижара тўлови	10	19	17
23. 3	Алоқа, коммунал хизматларга оид харажатлар ва бошқа харажатлар	4	4	3
24. 0	Босмахона харажатлари	2	2	2
25. 1	Маслаҳат ва ёрдамчи туслаги хизматлар	8	6	7
25. 2	Бошқа хизматлар	20	11	13
25. 3	Ҳукумат ҳисобрақамларидан товар ва хизматларни харид қилиш	.....	1	1
25. 7	Ускуналар бўйича операцион ва фойдаланиш харажатлари	1	1	2
26. 0	Жиҳозлар ва материаллар	1	1	1
31. 0	Техник воситалар	13	5	3
99. 5	Ҳисоботга киритилмаганлар	1	1	1
99. 9	Жами мажбурий тўловлар	164	159	164

Кўчирма нусха олинди: Маъмурий-Бюджет Бошқармаси, Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджети, 1997 молия йили — Илова (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 450-451-бет.

5. Ходимлар бўйича ҳисобот. Ниҳоят, *Объектларни таснифлаш жадвалларидан* кейин ходимлар бўйича ҳисобот ўрин олган, унга 21-жадвалда мисол келтирилган. Мазкур жадвални ўқиётганда шуни эътиборга олиш лозимки, жадвалдаги маълумотлар долларда эмас, балки ҳақиқий рақамларда берилган.

Энергетика бўйича федерал регулятив комиссия (ЭФРК) табиий газни қазиб олиш, нефтни ўтказиш, гидроэнергетика ва электроэнергетика саноати масалалари бўйича штатлар ўртасидаги муайян муносабатларни тартибга солишни амалга оширади. Бу тартибга солиш объектлар қурилиши, тарифларни тасдиқлаш, дамба ва плотина инспекциялари учун муайян лицензия ва сертификатларни чиқаришдан ҳамда техникавий шартларга мувофиқликни назорат қилишдан, дастурларни бошқаришдан, шунингдек, фаолияти давлат томонидан тартибга солинадиган компанияларга бошқа хизматларни тақдим этишдан иборат. 1997 йилда бу компаниялар лицензиялар чиқариш, инспекцияларни амалга ошириш ва бошқа таомиллар учун комиссия томонидан амалга ошириладиган харажатларни тўлиқ қоплаш учун зарур тарифлар ва йиғимларни тўлайди.

Табиий газ ва нефть — Комиссия газ қувурларига эга 150 компания ва умумий фойдаланиш тармоғи бўйича, шу жумладан, Транс Аляска қувур тизими (Trans-Alaska pipeline system) бўйича нефть ташиш билан шуғулланадиган 130 компания фаолиятини тартибга солади. Комиссия мажбуриятига қуйидагилар киради: газ қувурларининг жамоатчилик учун фойдалилиги ва зарурлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни чиқариш; табиий газни штатлар орасида сотиш учун ташиш бўйича тарифларни ҳамда нефтни қувурлари бўйича ташиш учун тарифларни белгилаш; "Табиий газ тўғрисида"ги қонун ва "Табиий газдан фойдаланиш сиёсати тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Комиссия мажбуриятларини амалга ошириш учун тарифлар бўйича мақбул қарорларни ишлаб чиқиш. Комиссия кейинги атроф муҳит бўйича 636-сон буйруқда бозор муҳити рақобатчилик шароитида юзага келадиган янги муаммоларни қўзғайди. Комиссия қийматнинг пайдо бўлишининг ўзгарувчанлигини оширувчи бир қатор устуворликларни ишлаб чиқди. Унинг фаолияти қувурларнинг ўтказиш хусусиятини ошириш ва фойдаланиш муддатини узайтириш бўйича альтернатив қарорларни излашга йўналтирилган. Комиссия қувурлар ишлаб чиқариш саноатининг яшаш қобилиятини таъминлаш мақсадида ишлайди.

Гидроэнергетика — Комиссия олдидан рухсатномалар, озод

ишлар ва лицензиялар, шу жумладан, нофедерал гидроэнергетика лойиҳалари учун қайта лицензияларни чиқаради, уларнинг шартлари ва қоидаларини олдиндан айтиб ўтади ҳамда дамбаларнинг хавфсизлик инспекциясини амалга оширади. Комиссия гидроэнергетика соҳасидаги АҚШда генерация қилинадиган деярли 5 фоиз электрэнергиясини таъминлайдиган 1600дан зиёд лойиҳаларни тартибга солади. Ундан ташқари федерал ҳукумати томонидан ўтказиладиган мелиорация ишлари туфайли юзага келадиган манбалардан фойдаланишдан олинган фойдани баҳолайди. Бу орқали Комиссия 1995 йилда АҚШ Ғазнаси даромадларига 6 миллион доллардан ортиқ маблағни қайтарган.

Электрэнергетика — Комиссия штатлар ўртасида савдо бўйича тарифларни белгилаш ёки 200 дан зиёд электр мосламалар учун йирик миқёсда электрэнергияни ўтказиш учун жавобгардир. Шунингдек, Комиссия электр мосламалар бўйича стратегик келишувлар устидан назоратни амалга оширади. Комиссия электрэнергия савдоси бўйича барча федерал агентликлар учун тарифларни белгилайди (Теннесси ўлкаси Маъмуриятидан ташқари). 1992 йилдаги "Энергетика сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг кучга кириши 1990 йилларда энергетика қувватини оширишда эҳтиёжларни қондириш мақсадида электрэнергетика саноатида кўпгина ўзгаришларга олиб келди. Бунинг учун бозорнинг иқтисодий омилларига жавобан энергиянинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланилганлиги Комиссия талаби бўйича ташиш хизматларини кўрсатишни тартибга солиш бўйича ваколатларга эга. Комиссия, шунингдек, бир блокли иссиқлик электр марказларини (иэм блоклари), майда энергия ишлаб чиқарувчиларни сертификатлайди ҳамда улгуржи энергия ишлаб чиқарувчилар учун солиқ имтиёзларини тақдим этади.

Маъмурий-Бюджет Бошқармасидан кўчирма. Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджети, 1997 молия йили — Илова (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 450-бет.

2.21-жадвал

Ходимлар бўйича ҳисобот

Идентификацион коди 89-0212-0-1-276		1995	Истиқбол	
		факт	1996	1997
	Иш ҳаққи учун тўланадиган жами тўловлар:			
1001	*Тўлиқ бандлик эквиваленти*	1410	1453	1463
1005	*Ишдан ташқари соатлар ва байрам кунларидаги ишлар бўйича тўлиқ бандлик эквиваленти*	3	3	3

Маъмурий-Бюджет Бошқармасидан кўчирма, Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджети, 1997 молия йили — Илова (Вашингтон, Колумбия округи: Қўшма Штатлар Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил), 451-бет.

Илова жадвалларига ҳаволалар

Ҳужжатларнинг барчаси ҳам ҳар йили тузилмаган. Айрим йилларда янги ҳужжатлар тузилган ёки икки ҳужжат битта янги китобга бирлаштирилган. Бу Президентдан муайян ахборот тақдим этиш талаб этилганлиги боис юз беради, бироқ у бирор-бир муайян форматдан фойдаланишга мажбур эмас.

Бундай таклифлардан тафтишчиларнинг кенгайтирилган штатини қисқартиришга, хусусийлаштириш масалаларини ҳал этишга ёки компьютерлар тизимининг янада мувофиқлаштирилган ишини таъминлашга йўналтирилган таклифлар типик ҳисобланади.

1990 молия йилидаги етти ҳужжатнинг қиймати 94,50 долларни ташкил қилди.

Масалан, фараз қилайлик, муайян бўлимдаги барча таққослашлар 1995 молия йилига нисбатан берилган, фақат биттаси 1994 молия йилига нисбатан берилган. Сўнгги таққослаш балки ҳеч қандай мазмунга эга эмасдир ва ўринли ҳам эмасдир. Бироқ у Президент таклифини яхшироқ тарзда кўрсатишга уриниш бўла олар.

ҲАВОЛАЛАР

1. Ўзгартиришлар қўшма резолюцияда (H. Con. Res. 67) қилинганлиги туфайли, улар расман фақат Конгрессга тегишлидир. Агар улар оқибатда қонуний тартибда жорий этиладиган бўлса, яъни қонун ҳужжати Конгресс орқали ўтиб ва Президент томонидан имзоланса, улар ижроия ҳокимиятига ҳам дахл қилади.

2. Конунчилик тарихи бўйича батафсил маълумот олиш учун Ален Шик, Конгресс ва Пуллар: Бюджет, Харажатлар ва Солиқлар (Вашингтон, Колумбия округи: Шаҳар Институти Матбуоти, 1980 йил), 51-81-бетлар.

3. 1970 йилда федерал бюджет тақчиллиги 2,8 млрд. долларни (ЯИМдан 0,3%) ташкил қилган, 1971 йилда — 23 млрд. (2,2%), 1972 йилда — 23,4 млрд. (2,0%), 1973 йилда — 14,9 млрд. (1,2%) ва 1974 йилда — 6,1 млрд. (0,4%). 1996 молия йилидаги тақчиллик 107,3 млрд. (1,4%)ни ташкил этган — бу 1974 йилдаги ЯИМдан энг қуйи фоиздир.

4. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонуннинг кўп қоидалари амал қилиши 1995 йилда қонуннинг амал қилиш муддатини тўхтатишнинг охирги муддати анча узайтирилганига қарамай, тақчилликнинг энг юқори миқдорларига бу дахл қилмади.

5. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонуннинг 13301-параграфида шундай дейилган:

Қариялар ва маълум ёшга етган шахслар учун федерал фондининг ва меҳнатга лаёқатсизликни суғурталаш бўйича федерал суғурта фондиинг тушумлари ва чиқимлари қуйидагиларга нисбатан янги бюджет ваколатлари, харажатлар, даромадлар, тақчиллик ёки профицит сифатида кўрилиши керак эмас:

1) Президент томонидан тақдим этилган шаклдаги Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджети.

2) Конгресс бюджети

3) 1985 йилдаги "Баланслаштирилган бюджет ва кутилмаган тақчилликни назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун.

6. Тақчилликнинг энг юқори миқдорини қайта кўриб чиқиш у ёки бу йўналишда ҳам олиб борилиши мумкин. Яъни агар иқтисодиёт кутилганидан яхшироқ фаолият юритганда эди, тақчилликнинг режа кўрсаткичи қисқарган бўларди.

7. 1999–2002 молия йиллари даврига лимитлар қўшма резолюцияда қайта кўриб чиқилган эди, у расман фақатгина Конгресснинг ҳаракатларини чеклайди. Агар лимитлар кейинчалик қонун билан тасдиқланса, улар Президентга ҳам дахл қилади.

8. ББҚда фавқулодда ассигнациялар тушунчаси йўқ. Унда фақат бу ассигнацияларнинг Президент томонидан "фавқулодда зарурат" сифатида белгиланиши ва бу йўл билан Конгресс қонун ҳужжатида ҳам белгиланиши айтиб ўтилган. Бундай фавқулодда белгиланиш 1998 молия йилига қадар мавжуд бўлди.

9. Ижро буйруғи бундай таомилни ўрнатишга қонунан уриниш чиппакка чиққандан кейин ва Вакиллар Палатасидаги консерватив руҳдаги Демократлар усиз 1994 молия йилига тақчилликни қисқартириш бўйича Клинтон режасини қўллаб-қувватлашдан бош тортганларидан сўнг Президент Клинтон томонидан имзоланди. Бевосита харажатлар бўйича назорат рақамлари ва тартибга солиш таомили бошида Вакиллар Палатаси томонидан 1994 молия йилига бюджет келишуви версияси ўтказилган H. R. 2264 га киритилганди.

10. Клинтон Маъмурияти 1994 молия йилига ўз бюджетини тузаётганда Конгресс Бюджет бошқармасининг иқтисодий прогнозидан фойдаланишга қарор қилди. Бу Конгресс Бюджет бошқармасига мунозараларнинг бошланишидаёқ қўшимча устуворликларни берди. Бироқ ўша август ойида Оқ Уй сессия ўртасида бюджет шарҳини тузишда ўзининг иқтисодий прогнозидан фойдаланди.

САВОЛЛАР

1. АҚШ бюджет қонунчилиги эволюциясига таъсир кўрсатган асосий омилларни айтиб беринг.

2. 1974 йилдаги "Фондларни музлатиб ва бюджет тақчиллиги устидан Конгресс назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинишига нима сабаб бўлган?

3. 1985 йилдаги "Баланслаштирилган бюджет ва тақчилликни назорат қилиш бўйича фавқулодда чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қонун нималарни ифодалайди?

4. 1990 йилдаги ББҚдаги янгилик нимадан иборат эди?

5. 1993 йилда қабул қилинган "Бюджетни умумий келишуви тўғрисида"ги Қонун қандай янгиликларни киритди?

6. 1990 йилдаги Грэмм Рудмен-Холлингс Қонунининг қабул қилинишига нима сабаб бўлган ва ундаги янгилик нимадан иборат эди?

7. ББҚга мувофиқ жорий қилинган "Дискрецион харажатлар лимитлари" ўзи нима ва улар нима учун жорий қилинган?

8. Федерал бюджетни секвестрлаш жараёнининг барпо этилишига нима сабаб бўлди?

9. Федерал бюджетни шакллантириш жараёнида "PAYGO" механизми нима учун қўлланилади?

10. 1990 йилдаги ББҚнинг снёсий моҳияти нимадан иборат?

III БОБ.
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

3.1. АҚШ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

АҚШ бюджет қонунчилиги миллий иқтисодиёт эволюцияси ва Федерал бюджетни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишга ёндашувлардаги динамик ўзгаришлар билан боғлиқ бой тарихга эга.

1991 молия йилига қадар Президент Маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган бюджет тузилмаси, одатда қуйидаги етти ҳужжатдан (11-чизмага қаранг) иборат эди:

1. Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджети.

Бу асосий бюджет ҳужжати эди, у Президентнинг бюджетномаси; маъмурият иқтисодий сиёсатининг изоҳи ва бюджет асосланган истиқболлар; вазифаларга кўра ва идоралар бўйича ёзилган харажатлар ва солиқларга оид таклифларнинг баёни; хронологик тартибда ва муайян ҳисоб таомиллари ва бюджет тамойилларига мувофиқ бюджетга оид ахборотларни ифодаловчи йиғма жадвалларни ўз ичига олади.

2. АҚШнинг қисқа бюджети.

Бу Кўшма Штатлар Ҳукумати Федерал бюджетининг тақдимоти эди. Қисқа бюджет ўтган йиллардаги бюджет маълумотлари бўйича йиғма жадваллар ва графикларни ифодалашига қарамай, у мутахассислар учун мўлжалланманган. Мазкур ҳужжатда мустақил таҳлил ўтказиш учун зарур маълумотлар тўлиқ берилмаган эди.

3. Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджетига илова.

Илова Бюджетнинг барча ҳужжатларидан энг майда бўлимларга ажратилгани эди, чунки унда департаментлар бўйича ажратилган ҳолда қуйидагилар санаб ўтилган: ассигнациялаш бўйича таклиф этиладиган қонун лойиҳалари матни, алоҳида идоранинг юрисдикциясида бўлган ҳар бир дастурни молиялашга доир чора-тадбирлар. *Илова* шаҳарнинг катта телефон маълумотномаси билан бир хил ўлчамдаги ҳужжатдир. У ўз ичига олган маълумот бюджет ҳужжатларидан фойдаланадиган кўпчилик шахслар учун жуда ноқулай шаклда баён қилинган. *Илова* барча қизиққанлар бюджетнинг алоҳида моддалари бўйича маълумотларни тўплашларига имконият яратувчи ягона ҳужжат эди.

4. Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджетининг махсус таҳлили.

Махсус таҳлил, одатда, айрим ҳисоботларни ўз ичига олган, уларда федерал бюджет харажатлари бир нечта функциялар ва бир қанча идоралар бўйича бир йўла кўриб чиқилар эди. У, одатда, муайян миқдордаги "альтернатив" бюджет вариантларини, шу жумладан, фоизлар тўлаш бўйича харажатлар калькуляциясини, ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот натижаларини ҳамда миллий даромад прогнозини ўз ичига олган.

5. Ўтган йиллар учун жадваллар.

Бошқа бюджет ҳужжатларидан фарқли ўлароқ, мазкур жадваллар узоқроқ вақт давомидаги ахборотларни ўз ичига олган. Айрим ҳолатларда уларга 30-йиллар ўрталаридаги ва ҳатто ундан илгариги маълумотлар ҳам киритилган.

6. Асосий сиёсий ташаббуслар.

Мазкур ҳужжат Президент Маъмуриятининг даромадлар ва харажатларга доир таклифларини Оқ Уй манфаатларига мувофиқ тарздаги шаклда баён қилган.

7. Қўшма Штатлар Ҳукуматини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.

Мазкур ҳужжат Президентнинг бевосита бюджетга боғлиқ бўлмаган ва ҳукумат ишларининг самарадорлигини оширишга (ва эҳтимол, бошқарув харажатларини камайтиришга)[1] йўналтирилган таклифларини баён қилган.

Сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий тусдаги талаблар келтириб чиқарган бюджет механизмини такомиллаштириш жараёнида Президент бюджети лойиҳалари кейинги ўн йил ичида аҳамиятли даражада ўзгартирилди. Энг йирик ўзгаришлар юқорида санаб ўтилган етти ҳужжат бир ҳужжатга (1991 ва 1992 молия йилларида бюджет лойиҳалари) бирлаштирилган Буш (каттаси) Маъмурияти даврида рўй берган эди. 1993 молия йилига бюджет лойиҳаси Буш томонидан Конгрессга икки ҳужжатда: асосий ҳужжат — *Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджети*; ва уч ҳафта ўтгач, Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджетига Иловада кўриб чиқиш учун тақдим этилган.

Буш Маъмурияти бюджетни тақдим этиш таомилини бунчалик кескин ўзгартиришга кўпгина сабаблар мавжуд эди. Маъмуриятнинг ўзи эса, етти ҳужжат узун, анча чалкаш ва кенг фойдаланиш учун жуда қиммат деб маълум қилган. Баъзи мутахассисларнинг ҳисоблашича, ахборотни Президент манфаатларига аъло равишда жавоб берадиган шаклда тақдим этиш учун бундай ўзгартириш зарур эди. Бошқаларнинг фикрича, бу ўзгартириш Президентнинг бюджет таклифларига қарши бўладиганлар учун уларнинг таҳлилини ўтказишни мушкуллаштиришга йўналтирилган эди. Бу Оқ Уйга, Президент бюджетини кўриб чиқиш бўйича дастлабки мунозараларнинг боришини, яхшироқ назорат қилиш имкониятини яратади, деб тахмин қилувчилар ҳам бўлди, чунки муҳокамаларнинг дастлабки бир неча кунида Президент Маъмурияти томонидан эълон қилинадиган ахборот — ягона очиқ ахборот эди.

1991 молия йилидаги Буш бюджетидан бошлаб, Президент бюджети лойиҳасини тақдим этиш усули кескин ўзгарди. Илгариги бюд-

жетларда баён этилган айрим маълумотлар буткул чиқариб ташланди. Илгари баён этилган маълумотларнинг қолдирилган қисмини топса бўларди, бироқ улар бошқа ҳужжатларда ёки сезиларли даражада ўзгартирилган форматда учрарди.

Федерал бюджет форматларининг ҳар йилги бундай ўзгаришлари Клинтон Маъмурияти даврида ҳам давом этди. Клинтоннинг дастлабки бюджет ҳужжати — *Америка учун ўзгаришлар истиқболи* — 1993 йил 17 февралда, янги Президент инагурациясидан кейин камида бир ой ўтгач, кўриб чиқиш учун Конгрессга жўнатилди. Унга Президент Маъмуриятининг бюджет тақчиллигини қисқартириш ва иқтисодиётнинг ўсишини рағбатлантириш бўйича режалари киритилганлигига қарамай, у 1994 молия йилига бюджет лойиҳаси ҳисобланмасди. Мазкур лойиҳа эса деярли икки ой ўтгач, 8 апрелда Конгрессга юборилди, у 1994 молия йилига Қўшма Штатлар Ҳукумати Бюджети эди.

11-чизма

АҚШ ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ



1995, 1996 ва 1997 молия йилларида Клинтон бюджетлари ўтмишга, илгари Президентлар Конгрессга юборадиган бюджетларига хос қайтиш эди, чунки бу бюджетлар юқорида айтиб ўтилган еттита анъанавий жилдга ўхшаш жиҳатлари бир талай ҳужжатларни ўз ичига оларди.

1997 молия йилига Клинтон Конгрессга еттита ҳужжатда қисмларга бўлиб бюджетни тақдим этган. 1996 йил 5 февралда (Президент бюджетини топшириш учун сўнгги муддат) маъмурият Конгрессга қисқартирилган ҳужжатни юборди. Мазкур ҳужжатнинг катта қисми жадваллардан иборат эди. У фақат топширишнинг меъёрий муддатига риоя этиш мақсадида ва Конгрессдаги Республикачилар Клинтонни Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонунига бўйсунмаганликда айбламасликлари учун тақдим этди. Беш ҳафта ўтгач, маъмурият олтита қўшимча ҳужжатни кўриб чиқиш учун Конгрессга жўнатди.

1997 молия йилига Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджетига қўшимча — асосий бюджет ва *асосий сиёсий ташаббуслар* бош ҳужжатини биргаликда ифодалайди.

1997 молия йилига Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджетига Илова 1991 йилга қадар кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган Президентлар бюджетлари сингари топширилган эди. Бу моддалари алоҳида дастурлар ва идоралар бўйича тақдим этилган яхлит бюджетнинг бевосита, қисмма-қисм, савсатавоэсизлик тақдимоти эди.

Таҳлилий истиқболлар ўтган йилларда икки асосий бюджет ҳужжатига ва махсус таҳлил бўлимига киритиладиган материаллар жамлигини ифодалаган.

Ўтган йиллардаги маълумотлар бўйича жадвалларга илгариги алоҳида ҳужжат мақоми қайтарилди. Улар худди илгаригидек бюджет, федерал маблағлар ва Президент таклифларининг узоқ муддатларга таъсири шарҳини ифода этарди.

Президент бюджетининг формати йилдан-йилга, Президентдан Президентга ўзгариб бориши эҳтимол. Бу эса ҳар бир маъмуриятнинг ўз бюджет таклифларини яхшироқ ифодалаш борасида ўз қарашлари мавжудлиги билан изоҳланади. Бу ўзгаришлар нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки ҳар бир Президент бюджети сиёсий мурожаатни гўёки у материални холис тақдим этиётгандек шакллантиришга йўналтирилган.

Бироқ форматидан қатъи назар, Президент бюджетлари лойиҳаларининг кўпчилигидаги жадвалларни ўқиш ва тушунишнинг бир нечта асосий тамойиллари мавжуд. Жадвалларнинг кўпчилиги уларга йилма-йил кичик ўзгартиришлар киритилишига қарамай, анча стандарт ҳисобланади.

Федерал бюджет сингари мураккаб иқтисодий категория мазмунини яхшироқ тушуниб олиш учун ва АҚШ давлат молия органлари иш фаолиятида фойдаланиладиган асосий бюджет ҳужжатларининг моҳиятини охиригача англашга интилишдан олдин мазкур мамлакатда бюджет жараёнини шакллантириш ва амалга оширишда кузатиладиган асосий атамалар ва тушунчаларнинг мазмунини англаш жуда муҳимдир. Бу таърифлар дунёдаги энг ривожланган бу давлатнинг узоқ муддат давомида юзага келган давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли ўртасидаги ўзига хос иқтисодий муносабатларни акс эттиради.

3.2. САНКЦИЯЛАШ ВА АССИГНАЦИЯЛАШ

АҚШ Федерал Ҳукумати пул маблағларини қандайдир фаолиятга сарфлашга киришгунга қадар икки муҳим ҳаракат юз бериши лозим. Биринчидан, санкциялаш керак, яъни мазкур жараён эътироф этилиши лозим, бу эса бирор-бир иқтисодий ёки ижтимоий дастурнинг умуман мавжуд бўлиши учун имконият яратади.

Санкциялаш мустақил қонуний ҳужжатни ифодалайди, у муайян бюджет фаолиятининг мақсад ва йўналишларини белгилайди ва одатда, уни амалга ошириш учун ажратиладиган суммага чеклов жорий қилади. Бироқ санкциялаш дастурга аниқ пул маблағлари ажратишни назарда тутмайди ҳамда давлат муассасасига ёки идорасига келгусида бу маблағларни сарфлаш ҳуқуқини бермайди.

Иккинчидан, ассигнациялаш, яъни давлат муассасаси ёки идорасига ассигнацияланган бюджет ресурсларини ҳисобга олган ҳолда, якуний ҳисобда у ёки бу дастурларни амалга ошириш учун пул маблағларининг сарфланишига олиб келадиган харажат мажбуриятини ўз зиммасига олишга имконият яратувчи *таомил* юз бериши лозим.

Ҳимояланган *дастурларни истисно қилган ҳолда* ассигнацияларнинг ажратилиши дастурга қанча сарфланишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Бунга қарамай, деярли барча ассигнациялаш ҳолатларида санкциялаш ўтказилмагунча, муайян фаолиятга маблағ ажратилмайди.

Демак, дастурнинг мавжудлиги санкцияланмагунга (рухсат этилмагунга) қадар у ёки бу дастурга пул маблағлари сарфланиши тақиқланади. Аксинча, агар дастур санкцияланган бўлса-ю, бироқ уни амалга оширишга пул маблағлари ажратилмаган бўлса, бундай фаолият амалга оширила олмайди. Бинобарин, санкциялаш ва ассигнациялаш таомиллари давлат бошқаруви субъектининг фаолияти бюджетга киритилиши учун бир хилда зарурдир[2]. Бироқ юқорида айтиб ўтилган санкцияланган дастурларни амалга ошириш учун бюджет

ассигнацияларни техник жиҳатдан ажратиш таомили оддий расмиятчиликка айланади.

Бошқа мамлакатлардаги молия ходимларининг қабул қилиши учун чалкаш жиҳати. АҚШнинг амалдаги қонун ҳужжатлари билан шартланган ва бир-бири билан узвий боғлиқликда бўлган бу икки бюджет молиялаш тушунчасининг санкциялаш ва ассигнациялашнинг кўпинча фаолиятни пул бирлигида бюджетдан молияланиши деб тавсиф ҳисобланади. Масалан, Қўшма Штатлар Темир Йўллари Уюшмасининг маъмурий (бошқарув) харажатлари учун 1982 молия йилига ассигнацияларни санкциялашда қуйидагилар белгиланган: "Мазкур қарорга мувофиқ Уюшмани маъмурий харажатларни амалга ошириш мақсадида 13 000 000 доллардан ошмайдиган миқдорда ассигнациялашга рухсат берилади (санкцияланади)...". 1982 молия йилидаги ассигнациялар бўйича айнан ўша ташкилий ҳужжатда эса шундай дейилган: "Қўшма Штатлар Темир Йўллари Уюшмасига ўз функцияларини амалга оширишга зарур маъмурий харажатлар учун 13 000 000 доллар ажратилсин".

Бу икки ҳужжат айнан бир ташкилотга, Темир Йўллар Уюшмаси ҳузурёжига маъмурий харажатларни амалга ошириш учун 13 000 000 доллар тақдим этилишини ифодалашига қарамай, амалда пул маблағларини ассигнация ажратиш тўғрисидаги ҳужжатгина тақдим этади. Ассигнацияларни санкциялаш тўғрисидаги биринчи ҳужжатда "доллар" рақамлари фақат ажратилиши мумкин бўлган юқори меъёрни билдиради. Бунда ўқувчи учун биз кўриб чиққан ҳолатда ажратилган ассигнация санкцияланганидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги ни, яъни санкциялаш таомили ассигнациялаш таомилига нисбатан биринчи ўринда туришини англаш муҳимдир.

Ижтимоий тусдаги дастурларни амалиётга жорий қилиш учун уларнинг санкцияланган ассигнациялар билан таъминланиш даражаси ва хусусияти катта аҳамиятга эгалигини ҳисобга олсак, АҚШдаги ижтимоий дастурларни жамликда шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: ҳимояланган ижтимоий дастурлар ва ҳимояланмаган ижтимоий дастурлар.

Ҳимояланган ижтимоий дастурлар ўзига хос турдаги санкцияланишни ифодалайди. У Федерал Ҳукуматга муайян мезонларга жавоб бера оладиган ҳар қандай жисмоний шахслар ва давлат муассасаларига нафақаларни тўлаш имтиёзлар, енгилликлар бериш вазифасини юклайди, чунки улар федерал бошқарув органларининг ўзи томонидан белгиланади. Ҳимояланган (узоқ муддатли) дастур федерал ҳукуматга юридик шаклдаги мажбуриятларни юклаши билан бошқа санкцияланган ассигнациялардан фарқ қилади. Гарчи бошқа истал-

ган дастурлар сингари, ҳимояланган дастурлар ҳам ассигнация ажратилишини талаб қилади. Кўпинча мазкур дастурлар бўйича шахсларга ассигнация ажратилиши ўзгаришсиз ва чекланмаган бўлади. Мазкур дастурлар доирасига тушадиган барча шахсларга имтиёзларни (нафақалар, имтиёзлар ва бошқаларни) тўлаш учун зарурий сумма автоматик тарзда тақдим этилади[3]. Агар шахс ҳимояланган дастур доирасига тушиши учун зарур барча мезонларга мос келса, бироқ унга ассигнация ажратилмаслиги сабабининг жавоби берилган бўлса, у Федерал ҳукуматга қарши даъво қўзғаши мумкин. Ҳимояланган дастурларга мисол сифатида АҚШнинг кўпгина штатларида кенг тарқалган соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўйича умумфедерал дастурларни келтириш мумкин.

Шундай қилиб, санкциялаш у ёки бу дастурни бюджетдан молиялаш жараёнини эътироф этувчи асосий қонуний ҳужжат ҳисобланади ва ҳимояланган иқтисодий ёки ижтимоий дастурларга қанча маблағ сарфланишини белгилайди, деб хулоса чиқариш мумкин. "Ассигнациялаш" атамаси санкциялаш тушунчаси билан узвий боғлиқдир, у иқтисодий ёки ижтимоий йўналишдаги у ёки бу дастурларни амалга ошириш учун бюджетдаги манбалардан аниқ пул маблағларининг ажратилиши таомилини англатади. Ассигнациялаш таомили давлат муассасаси ёки идорасига якуний ҳисобда, пул маблағларининг сарфланишига олиб келадиган харажат мажбуриятини зиммаларига олиш имкониятини яратади.

3.3. БЮДЖЕТ ВАКОЛАТЛАРИ ВА БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ

АҚШ Федерал бюджетининг шаклланиш механизми ва бюджет жараёнининг моҳиятини тўғри англаш учун бюджет ваколати (БВ) ва бюджет харажатлари (БХ) каби атамаларнинг солиштирма таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бюджет ваколати (БВ) ташкилот ёки давлат идорасига харажат мажбуриятини таққослама ишчиларни ёллаш ва бирор-бир буюмни харид қилишга доир шартномаларни имзолаш сингариларни ўз зиммасига олишига рухсат берилишини ифодалайди. Айнан "бюджет ваколати" асосида санкциялаётган ҳужжатда ҳамда ассигнация ажратиш тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган доллардаги суммалар белгиланади. Кўпгина ҳолатларда бюджет ваколати келгуси харажатлар суммаларини акс эттирмайди. Бюджет ваколати пул маблағлари сарфига олиб келишига қарамай, у пулларнинг товарга аниқ айирбошланишини шартламайди.

Бюджет харажатлари (БХ) муайян давлат фаолиятига ёки муайян инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга сарфлаб бўлинган

ёхуд сарфланадиган ҳақиқий пул маблағларини ифодалайди. Харажатлар бюджет ваколатининг бевосита натижаси ҳисобланади, яъни мазкур ёки ўтган йилларда берилган пул маблағларини сарфлаш мажбуриятига киришишга рухсатдир.

Жами бюджет харажатларини жами бюджет даромадларига нисбатан солиштириб таҳлил қилинганда, бюджет тақчиллик ёхуд профицит ҳолатида эканлиги аниқланади.

Бюджет ваколатлари ва харажатлари бўйича хажмларини акс эттириш ва мунтазам таққослаб бориш зарурати шундан келиб чиқадики, федерал ҳукуматнинг кўпгина дастурлари бир молия йилида якунланмайди ва молия органлари ходимлари дастур бўйича жами харажатлар (*бюджет ваколатлари*) ва мазкур йилда сарфланадиган миқдорни (*бюджет харажатларини*) билишлари жуда муҳимдир.

Келгуси харажатлар мажбуриятини билиш, айниқса, бир неча йиллар давомида амалга ошириладиган дастурларга нисбатан муҳим ҳисобланади. Масалан, ҳукумат кема қуришни қарор қилди, дастлабки йилдаги харажатлар унча катта бўлмайди, чунки қурилишга тайёргарлик кўп вақтни олади. Бироқ дастлабки йилдаги бюджет ваколати катта бўлади, чунки унда кема қуришга доир жами харажатлар акс эттирилади. Иккинчи йилга янги бюджет ваколати тузилмайди, чунки тўлиқ қиймат олдинги йилги бюджетда кўрсатилган эди. Лекин қурилиш давом этаётганлиги ва кенгаяётганлиги боис иккинчи йилдаги харажатлар аста-секин ортиб боради. Бюджет ваколатлари билан эмас, балки харажатларга боғлиқ бундай вазият қурилиш тугалланмагунга қадар бир неча йиллар мобайнида давом этаверади.

Юқорида келтирилган мисолга қайсидир бюджет ташкилоти учун уч йилга бўлиб-бўлиб тўлаш билан автомобиль харид қилиш анча ўхшашдир. Автомобиль хариди (умумий қиймати масалан, 20 000 доллар) амалга оширилаётганда, харидор ва сотувчи умумий суммадаги шартномани имзолайди ҳамда "бюджет ваколати" 20 000 долларни ташкил қилади. Мазкур бюджет жараёнини амалга оширишнинг дастлабки босқичида ҳақиқатда сарфланган, дастлабки йилдаги "харажат"га тенг бўладиган сумма ойлик тўловларни (5 000 доллар миқдоридаги дастлабки йил мобайнидаги тўловлар) қўшганда илк тўловгагина (бу мисолда 5 000 доллар) тенг бўлади. Иккинчи йили ҳеч қандай янги бюджет ваколати керак бўлмайди, чунки қарз шартлари келишиб олинган ва мажбуриятлар қабул қилиб бўлинган; аммо фақат харажатлар қолади, кўриб чиқилаётган ҳолатда улар ойлик тўловларга (5 000 доллар) тенг. Учинчи (сўнгги) йилда илгаригидек,

ҳеч қандай янги бюджет ваколатлари бўлмайди, бироқ харажатлар яна 5000 долларга тенг бўлади; бу босқичда қарз сўндирилади. 3.1-жадвалда Федерал бюджетда бундай ҳолат, одатда қандай акс эттирилиши кўрсатилган.

3.1-жадвалдан кўриниб турибдики, на бюджет ваколатлари, на харажатлар алоҳида ҳолда бюджет учун мазкур автомобиль хариди оқибатларини тўлиқ кўрсатишга етарли бўлмайди. Агар 1997 молия йилидаги бюджет ваколатигагина қарайдиган бўлсак, автомобилнинг тўлиқ қийматини қоплаш учун зарур маблағ, мазкур йилда керак бўладигандек туюлганлиги боис, дастурни амалга ошириш анча қиммат кўриниши мумкин. Энди 1998 ва 1999 молия йилларидаги бюджет ваколатини кўриб чиқамиз. Бунда автомобиль нархи арзимас туюлса-да, унинг харидидан воз кечиб бўлмайдиган даражада анча жозибали кўринади, гарчи ҳақиқатда анча харажатни талаб қилади. Бироқ агар сиз қайсидир йилидаги харажатларгагина назар ташлайдиган бўлсангиз, фақат бир йилга харажатлар кўринганлиги боис сиз автомобилнинг тўлиқ қийматини билолмайсиз.

3.1-жадвал

Автомобил хариди
(минг долл.)

	Молия йили		
	1997 й.	1998 й.	1999 й.
Бюджет ваколати (БВ)	20. 0	0. 0	0. 0
Харажатлар (Х)	10. 0	5. 0	5. 0

Узоқ муддатли дастурлардан фарқли равишда ҳимояланган дастурлар бўйича тўловларни амалга ошириш ва иш ҳақи тўлаш учун федерал бюджетдан олинган пул маблағлари, одатда дастурлар санкцияланган молия йилида "сарф қилинади". Бундай ҳолатларда бюджет ваколати ва харажатлар тахминан баравар бўлади. Бироқ баъзида харажатлар даражаси бюджет ваколати даражасидан юқори бўлади. Бу вазият, одатда, бюджет ваколатлари ўтган йили берилган ва фақатгина ҳозир сарфлана бошланганлигининг оқибати ҳисобланади. Шу тариқа, муайян йил учун харажатлар даражаси мазкур йилга берилган бюджет ваколати ва аввалги йилларда қабул қилинган бюджет ваколатларининг бирикмасини ифодалайди.

Шунга қарамай, бюджет жадвалларига шундай назар ташлаб, харажатлар мазкур йилга берилган бюджет ваколатларининг натижаси эканлигини ёхуд улар аввалги йиллардаги бюджет ваколатлари

натижаси ҳисобланишини аниқлаш қийин. Бунинг учун муайян дастур бўйича маълум билимларга эга бўлиш лозим. Аввалги мисолимизга, автомобилни уч йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш билан харид қилишга қайтайлик. 3.2-жадвалдан кўриниб турибдики, федерал бюджет 1998 молия йилида худди шундай шартлар ва айнан шундай баҳода иккинчи автомобилни харид қилиш ҳолатини оддий тарзда акс эттирган.

1998 молия йилидаги харажатлардаги 15 000 доллар 1998 молия йилидаги бюджет ваколатида 20 000 доллар тақдим этилганлигининг натижаси ҳисобланади, деб тахмин қилиш нотўғри бўлади. Ҳақиқатда фақат 10 000 доллар бу янги бюджет ваколатидан келиб чиқади. Қолган 5 000 доллари 1997 молия йилига тақдим этилган бюджет ваколатидан келиб чиқади (бу мазкур йилда харид қилинган автомобиль бўйича ойлик тўловлардир). Ҳаттоки, агар 1998 йилда иккинчи автомобилни сотиб олмасликка қарор қилинган бўлса-да, бюджет ваколатидаги жами 20 000 доллар 1998 йилги бюджетдан чиқарилган бўлса ҳам, 5 000 доллар барибир аввалги сарф-харажат тўғрисидаги қарорнинг оқибати сифатида 1998 молия йилида сарфланган бўларди. 1999 молия йилидаги харажатлар 5000 долларгача қисқарди.

3.2-жадвал

Иккита автомобиль хариди пайтида бюджетнинг турли дастаклари функцияларини таққослаш (минг долларда)

Кўрсаткичлар	Молия йили		
	1997 й.	1998 й.	1999 й.
Бюджет ваколати (БВ)	20. 0	20. 0	0. 0
Харажатлар (Х)	10. 0	15. 0	10. 0

1-расм умуман 1997 молия йилига Клинтон бюджетидаги бюджет ваколати ва харажатлари ўртасидаги ўзаро алоқани акс эттиради. Президент 1635 млрд. долларлик (ўнгдаги юқори бурчак) харажатлар билан бюджет қонун лойиҳасини таклиф қилди. Бу суммаининг фақат 79,3 фоизи ёки 1296 млрд. доллар 1997 молия йилидаги бюджет ваколатида сўралган 1638 млрд. доллардан (чапдаги юқори бурчак) режалаштирилган эди. Қолган 20,7 фоизи ёки 339 млрд. доллар эса аввалги йилларда ажратилган сарфланмаган бюджет ваколатлари эди (чапдаги пастки бурчак).

1997 молия йилига сўралган, 1997 йилда сарфлаш назарда ту-

тилмаган бюджет ваколатидан 342 млрд. долларни аввалги йилларда тақдим этилган, сарфламай қолдириш назарда тутилган 626 млрд. доллар бюджет ваколатига қўшиш лозим. Ҳосил бўлган 968 млрд. доллар 1998 ва кейинги молия йилларида сарфлаш режалаштирилган, сарф қилинмаган бюджет ваколатлари суммасидир (ўнгдаги пастки бурчак)[4].

Шундай қилиб, мазкур бўлимда келтирилган мисоллар исталган аниқ дастур бўйича умумий чиқимлар билан мазкур йилги харажатларга эҳтиёжни солиштириб, Президент ва АҚШ Конгресси ўз зиммасига оладиган келгуси харажатлар мажбурияти бўйича маълумотларга эга бўлади, шунингдек, айни пайтда зарур пул маблағлари суммасини олади деган хулосага келишга имкон яратади. Бундай категориялардан фойдаланиш нафақат бюджет харажатларини режалаштириш ва ҳисобга олишни соддалаштиради, балки ишбилармон доиралар, жамоатчилик ва мамлакатнинг барча аҳолиси кўз ўнгида бутун бюджет жараёнининг ошкоралигини оширади, яъни уни янада демократлаштиради.

3.1-расм

Бюджет ваколатининг харажатлар билан ўзаро алоқаси
1997 молия йилидаги бюджет ваколатлари билан ўзаро алоқаси
(млрд. долларда)



Манба: Маъмурий ва бюджет бошқаруви (МББ), Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджети, 1997 молия йили, Таҳлилий истиқболлар (Вашингтон, Колумбия округи: АҚШ Ҳукумати босмахонаси, 1996 й.), 282-бет.

3.4. ХАРАЖАТЛАР: НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИГАН ВА НАЗОРАТ ҚИЛИНМАЙДИГАН, ДИСКРЕЦИОН ВА МАЖБУРИЙ ХАРАЖАТЛАР

Бюджетдан молиялаш механизмининг моҳиятини англашда АҚШ Федерал бюджетининг турли хил харажатлар моддаларини таснифлаш, шу жумладан, уларни назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган, шунингдек, дискрецион ва мажбурий харажатларга ажратиш муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, 1996 молия йилига Клинтон бюджетида 1151, 8 млрд. доллар харажатдан тахминан 864 млрд. доллари (75%) нисбатан назорат қилинмайдиган харажатларга тўғри келган. Мамлакатнинг 1997 йилги бюджетида 968 млрд. долларлик сарфланмаган бюджет ваколатлари ҳам "назорат қилинмайдиган" харажатларни ташкил этади. Бироқ бу харажатларни ўзлаштириш жараёнини амалда назорат қилиб бўлмайди, деб тушуниш нотўғри бўлар эди. Уларнинг кўпчилиги Федерал Ҳукуматнинг ўтган йиллардаги мажбуриятларидан келиб чиққан харажатлар, шу жумладан, илгари берилган бюджет ваколатлари, компенсацион тўловлар (ҳимояланган дастурлар бўйича), тугалланмаган дастурлар бўйича харажатлар ва узоқ муддатли ассигнация (масалан, давлат қарзи бўйича фоизлар). Бундай харажатларни амалга ошириш учун Конгресс ёки АҚШ Президенти томонидан бирор-бир қўшимча ҳаракатлар талаб этилмайди.

АҚШда қабул қилинган "назорат қилинадиган" харажатлар бюджет атамаси — булар фақатгина Конгрессда тасдиқланган тақлирда ҳамда Президент томонидан мазкур харажатларга ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги ҳужжат имзолангандан сўнг юзага келадиган харажатлардир. Бошқача айтганда, назорат қилинадиган харажатлар, агарда уларни амалга ошириш учун Конгресс ва Президент томонидан бирор-бир ҳаракат содир этилсагина (ассигнация ажратиш тўғрисида ҳужжат қабул қилиш каби) пайдо бўлади.

"Назорат қилинмайдиган" харажатлар атамаси унчалик тўғри эмас, чунки Конгресс ҳам, Президент ҳам кўп ҳолатларда қонунлар тузатишлар киритиши ва бу билан назарда тутилаётган харажатлар суммасини ўзгартириши ёки мазкур харажатлар бўйича молиялашни бутунлай тўхтатиб қўйиши мумкин. Назорат қилинмайдиган харажатлар Конгресс ва АҚШ Президенти уларни тўхтатиш учун бирор-бир ҳаракат содир этмаган тақдирда юзага келади.

Назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган харажатлар ўртасидаги фарқ 1990 йилдаги "Бюджетни бошқариш тўғрисида" Қонун (ББҚ) қабул қилиниши билан янги мазмун касб эта бошлади. Қонунда "дискрецион харажатлар" (моҳиятан, айнан назорат қили-

надиган харажатларнинг ўзгинаси) ва "мажбурий харажатлар" (моҳиятан, айнан назорат қилинмайдиган харажатларнинг ўзгинаси) тушунчалари ўртасидаги аниқ фарқ белгиланган эди.

"Бюджет тўғрисида"ги қонунда айтилишича, дискрецион ассигнациялар "Ассигнациялар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаларида назарда тутилган бюджет ресурсларини ифодалайди. Бу дегани, мазкур пул маблағларини сарфлашга йўл қўядиган қонун лойиҳаси ҳар йили Конгрессда тасдиқланиши ва АҚШ Президенти томонидан имзоланиши лозим.

Шундай қилиб, "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги АҚШ қонуни мажбурий харажатларни ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги, бюджет ваколатлари сифатида белгилайди. Бу ҳатто Конгресс ўтказмаган тақдирда ҳам, АҚШ Президенти келгуси молия йилига янги қонун лойиҳасини имзоламаганда ушбу пул маблағларининг катта қисми сарфланади, деган маънони англатади.

3.5. ИҚТИСОДИЙ ТАХМИНЛАР

АҚШдаги бюджет қурилишининг бутун тарихи Федерал бюджет мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига нисбатан ўта таъсирчанлигини яққол тасдиқлайди. Бунинг натижасида фоиз ставкасининг камайиши ёки оширилиши, инфляция даражаси ва ишсизлар сони ортиши ёки камайиши билан кўпгина федерал ва минтақавий дастурларни молиялаш даражаси ҳам ўзгаради. Шу тариқа, ҳукумат томонидан йиғиладиган даромадлар суммаси, одатда ялпи ички маҳсулот — ЯИМ[5] ҳажмининг ўсиш ёки пасайиш суръати билан ўлчанадиган, мамлакатда иқтисодий ўсиш ёки пасайиш юз бераётганлигига боғлиқ.

Демак, Президент ва Конгресс ҳар сафар бюджетни шакллантираётганда, мамлакатда иқтисодий вазият қандай ривожланишига тааллуқли муайян тахминлар қилишлари лозим.

3.3-жадвал бунинг яққол тасдиғидир, унда АҚШ Федерал бюджети параметрларини турли баҳолашларнинг солиштирма таҳлили келтирилади.

3.3-жадвал

Конгресснинг бюджет бошқармаси ва Клинтон маъмуриятининг иқтисодий тахминларини солиштириш

	Истиқбол:			Режалаштирилди:		
	1996 й.	**1997й.**	**1998 й.**	**1999 й.**	**2000 й.**	**2001 й.**
Номинал ЯИМ (млрд. долларда)						
Конгресс Бюджет Бошқармаси (КББ)	7584	7946	8333	8745	9177	9631

	Истиқбол:			Режалаштирилган:		
	1996 й.	1997й.	1998 й.	1999 й.	2000 й.	2001 й.
Президент Маъмурияти	7596	7952	8360	8783	9233	9701
Ҳақиқий ЯИМ (йиллар бўйича фоизлардаги ўзгаришлар)						
КББ	2.0	2.0	2.1	2.2	2.2	2.2
Президент Маъмурияти	2.2	2.4	2.3	2.3	2.3	2.3
ЯИМ нархларининг занжирли индекси (фоизлардаги ўзгаришлар)						
КББ	2.6	2.8	2.7	2.7	2.7	2.7
Президент Маъмурияти	2.4	2.6	2.8	2.7	2.7	2.7
Истеъмол нархлари индекси (йиллар бўйича фоизлардаги ўзгаришлар)						
КББ	2.8	3.1	3.0	2.9	2.9	2.9
Президент Маъмурияти	3.0	2.8	2.8	2.8	2.8	2.8
Фуқаролар ишсизлик даражаси (фоизларда)						
КББ	5.8	6.0	6.0	6.0	6.0	6.0
Президент Маъмурияти	5.6	5.7	5.7	5.7	5.7	5.7
Газнанинг уч ойлик векселлари бўйича ставкаси (фоизларда)						
КББ	4.9	4.8	4.3	3.9	3.9	3.9
Президент Маъмурияти	4.9	4.5	4.3	4.2	4.0	4.0
Газнанинг ўн йиллик солиқ сертификатлари бўйича ставка (фоизларда)						
КББ	5.7	5.5	5.3	5.3	5.3	5.3
Президент Маъмурияти	6.2	5.6	5.2	5.0	5.0	5.0

Манба: АҚШ Конгресси, Конгресснинг Бюджет Бошқармаси, Иқтисодий ва бюджет истиқболлари: янги таҳрирда (Вашингтон, Колумбия округи: АҚШ Ҳукумати босмахонаси, 1996 йил, август), 7-бет.

Иқтисодий тахминлар кўпинча мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши тенденциялари ва суръатига турлича ёндашув ва назар ташлашларга сабабчи бўладиган доимий муҳокамалар, қизғин баҳсларга олиб келади. Чунки Президент ҳам, Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Бюджет қўмиталари ҳам, Конгресснинг Бюджет Бошқармаси (КББ) ҳам кўпинча турли иқтисодий истиқбол кўрсаткичлардан фойдаланади, уларнинг бюджет лойиҳалари доимо мос келавермайди. Бундан ташқари турли иқтисодий тахминларга асосланган битта бюджет лойиҳаси турли натижаларни бериши мумкин. Масалан, 1997 молия йилига Клинтон бюджети 140 млрд. доллар тақчиллик ҳажмини миқдорини режалаштирганди, бу Президент Маъмуриятининг иқтисодий тахминларига асосланган эди. КББ Президентникидан фарқ қиладиган прогнозидан фойдаланиб, Клинтонникидаги тақчиллик 155 млрд. долларга қайта баҳолади, бу эса 15 млрд. доллар ортиқ эди. Иккала калькуляция ҳам битта бюджетга йўналти-

рилган ва айнан бир хилдаги солиқ ва харажат таклифларини ўз ичига олган эди.

3.3-жадвалда 2001 йилда Клинтон маъмуриятининг йилига қадар иқтисодий тахминлари ва Конгресс Бюджет Бошқармасининг иқтисодий тахминлари ўртасида мавжуд бўлган фарқ яққол кўрсатилган. Бунга қарамай, Федерал бюджетни шакллантиришнинг бундай тамойили мақбул, чунки ҳар бир тарафга давлатдаги бюджет жараёнларига ўз қарашларини баён этишга имкон яратади.

3.6. БЮДЖЕТ ФУНКЦИЯЛАРИ

Ҳозирги пайтда АҚШ молия органлари томонидан фойдаланиладиган бюджетдан молиялаш механизмини тўғри англаш учун Федерал бюджетни шакллантириш ва амалга оширишда ҳар бири сезиларли роль ўйнайдиган турли бюджет функцияларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, Президент Бюджети ва Конгресснинг бюджет лойиҳаси миллий эҳтиёжларни қайсинисини қондиришга хизмат кўрсатишига қараб бюджетга киритилган ҳар бир дастурга ўйлаб кўриб баҳо беришга мўлжалланган[6]. Амалиётда мазкур эҳтиёжларнинг кўпчилиги федерал ҳукуматнинг умумий фаолият соҳасини (қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, жамоатчилик ва минтақавий ривожланиш, инфратузилма ва ҳоказолар) ташкил қилади ҳамда *бюджет "функциялари"* деб аталади. Қайси ташкилот ёки идора томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, ҳар бир дастур, одатда, унинг асосий мақсад ва йўналишини яхшироқ тарзда тавсифлаб берадиган бюджет функцияларидан бирига боғлиқ бўлади.

Бунда шуни эътиборга олиш керакки, бюджет функцияси — бу муайян идоранинг бюджети дегани эмас. "Миллий мудофаа" функцияси, масалан, Мудофаа вазирлиги бюджетидан фарқ қилади, чунки бу функция анча кенг талқин этилади ва ўз ичига Мудофаа вазирлиги амалга оширадиган дастурларнигина қамраб олмайди. Мисол учун, унга Энергетика вазирлиги амалга оширадиган ядровий қуролланиш бўйича дастурлар ҳам киради.

Бундан ташқари, у ёки бу идора вазирлик бюджети кўпинча нафақат функционал эҳтиёжлар туфайли, балки бюджет ресурсларидан фойдаланадиган давлат тузилмалари учун рақобатчилик муҳитини яратиш зарурати туфайли бир нечта функцияларга бўлинади. Молия вазирлиги, масалан, бир қатор функциялар бўйича дастурларни, шу жумладан, Тижорий Кредитлар ва Уй-жой Қурилишига кредит беришни, Марказий Ҳукумат, Халқаро Фаолият харажатларини молиялашни амалга оширади.

Бошқа томондан, айрим бюджет функциялари ҳар доим ҳам санкциялаш ёки ассигнация ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар билан мос келавермайди, чунки улар кўпинча бир неча функцияларнинг бир йўла намоён бўлиши билан тўқнаш келади. Охир-оқибатда "функция" ББҚда у ёки бу молия йилига белгиланган дискрецион харажатларнинг уч категорияси мудофаа, халқаро ва ички категорияларнинг айнан ўзи эмас. Функция тушунчаси АҚШ Конгресси 1996 йилдаги ўзининг бюджет лойиҳасида 1996–2002 молия йилларига тасдиқлаган дискрецион харажатларнинг иккита — мудофаа ва номудофаа категорияларига ажратилишига мос келмайди.

Ҳар бир функция кичик функцияларга бўлинади, улар бажариладиган "асосий мақсадлари"га мувофиқ дастурларга бўлинади. Кичик функциянинг биринчи икки рақами асосий функциянинг биринчи икки рақамига мос келади; фақат сўнгги рақам фарқ қилади. Масалан, функция 400, Транспорт, қуйидаги тўртта кичик функцияни ўз ичига олади: 401 — Ер усти транспорти, 402 — Ҳаво транспорти, 403 — Сув транспорти ҳамда 407 — Транспортнинг бошқа турлари.

3.4-жадвал

1998 молия йилига ақш федерал бюджетининг асосий функциялари

Рақам	Номи
050	Миллий мудофаа
150	Халқаро муносабатлар
250	Фан, техника ва фазовий тадқиқотлар
270	Энергетика
300	Табиий ресурслар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
350	Қишлоқ хўжалиги
370	Тижорий кредитлар ва уй-жой қурилишига кредитлар
400	Транспорт
450	Маҳаллий ва минтақавий ривожланиш
500	Маориф, ўқитиш, бандлик ва ижтимоий таъминот
550	Соғлиқни сақлаш
570	Кексалар соғлиғини суғурталаш
600	Даромадлар таъминоти
650	Ижтимоий таъминот[1]
700	Фахрийларга тўловлар тўлаш ва хизмат кўрсатиш
750	Адлия бошқармаси

Рақам	Номи
800	Бошқарув харажатлари
900	Фоизларни тўлаш
920	Федерал ҳукумат хизматчиларининг маошига устамалар
950	Федерал бюджетга баланс тушумларини қайта тақсимлаш

Юқорида баён қилинган Федерал бюджет асосий функцияларининг рўйхати ва уларни амалиётда амалга ошириш механизми Ўзбекистон молия органларида катта қизиқиш уйғотади, чунки бюджет жараёнини шакллантириш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга имконият яратади.

3.7. СЕКВЕСТРЛАШ ВА ЗАҲИРАЛАШ

1985 йилдаги "Баланслаштирилган бюджет ва тақчиллик устидан назорат юритиш бўйича фавқулодда чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қонун (у Гремм-Рудмен-Холлингс ёки "ГРХ" Қонуни номи билан машҳур) АҚШда бюджетдан молиялаш учун янги бюджет таомили — секвестрни яратди.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонун секвестрлаш таомилини анча ўзгартирди, чунки унинг талабларига мувофиқ 1991–1993 молия йилларидаги федерал бюджетда барча харажатлар дастлаб тўрт категорияга бўлинди: ички дискрецион, мудофаа дискрецион, халқаро дискрецион ва барча мажбурий дастурлар. 1994 молия йилидан 1998 молия йилигача мазкур қонун учта дискрецион категорияни биттага бирлаштирди [7, 8].

Агар Конгресс ишида ҳар йилги танаффус эълон қилингандан кейин ўн беш кун ўтгач, Маъмурий-Бюджет Бошқармаси раҳбари дискрецион дастурларни амалга ошириш лимити бузилган деб белгиласа, Президент секвестр тўғрисида Фармон чиқариши лозим.

Агар Конгресснинг мазкур сессияси якунланишига тақчиллик миқдорини оширадиган қонун жорий қилинган бўлса ҳамда бу тақчиллик на мажбурий харажатларни баробьар қисқартириш, на даромадларни ошириш билан қопланмайдиган бўлса, 1998 фискал йилга қадар мажбурий харажатлар ва даромадлар бўйича Президент секвестр тўғрисида Фармон чиқариши лозим эди.

Юқорида баён қилинган секвестрлаш таомили харажатларни қисқартириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган бошқа бир бюджет механизми — *заҳиралаш механизмидан тубдан фарқ қилади.* Заҳиралаш — бу Президент белгиланган ассигнацияларни тўлиқ ҳажмда сарфламаслик ёки фақат бир қисмини сарфлаш таклифи билан чиқадиган таомилдир.

Президент умуман заҳиралаш ўринли бўлишини, агар бўлса, у ҳолда қачон амалга оширилишини белгилашдек мутлақ ваколатга эга. Президент яна қандай дастурлар ҳамда қай даражада заҳиралашини белгилайди? Бироқ 1974 йилдаги "Фондларни музлатиб қўйиш ва бюджет тақчиллиги устидан конгресс назорати тўғрисида"ги Қонуннинг умумий қоидаларига мувофиқ заҳиралаш бўйича барча киритилган таклифларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш Конгресс мажбуриятига киритилади. Конгресс маъқулламаса, заҳиралаш кучга кирмайди ва табиийки, у ёки бу дастурни молиялаш учун бюджет харажатлари камайтирилмайди.

Шундай қилиб, АҚШ молия органлари амалиётида қўлланиладиган секвестрлаш таомили ва заҳиралаш таомили катта амалий аҳамиятга эга, чунки улар давлатда юзага келадиган ҳақиқий вазиятни ҳисобга олган ҳолда бюджет жараёнининг эгилувчан оптималлашувини амалга оширишга имконият яратади.

3.8. БАЗИС САТРИ

Давлат бюджетини шакллантириш ва фойдаланиш муаммолари билан шуғулланадиган амалиётчи молия ходимлари учун базис сатри каби АҚШ Федерал бюджетнинг муҳим элементи катта қизиқиш касб этади, у муайян тахминларга кўра кутилганидек юз берадиган бюджет таклифининг таъсирини белгилаш усулидир.

Базис сатри давлат бюджетининг харажатлари ва даромадлари билан нималар рўй беришини истиқболий баҳолашни ифодалайди. Расмий мисол: 1997 молия йилида федерал ҳукумат маълум дастурга 100 доллар сарфлади, деб фараз қилайлик. Базис сатри мазкур харажатлар ҳар йили 5 фоизга ошади деб тахмин қилади. Бундай тахмин исталган нарсага таяниши мумкин бўлган қонунда мустаҳкамланган, дастурнинг мавжудлигини шартлаган яшаш минимумига автоматик тузатишга; дастурни қўллаб-қувватлаш учун етарли пул маблағлари суммаси ҳатто инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ажратилиши тўғрисидаги норасмий битимга; дастур доирасига тушадиган фойдаланувчилар миқдорининг кутилаётган ўсишига ва ҳоказоларга таяниши мумкин.

5-жадвалда кўрсатилган сабабларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳар йилги беш фоизлик ўсиш мазкур дастур бўйича базис сатри 1997 йилдаги 100 доллардан тўрт йилдан сўнг сал кам 122 долларга ошишини кўрсатади.

Фараз қилайлик, 3.5-жадвалда келтирилган мисолда Президент 1998 йилда муайян дастурга харажатларни 106 млн. долларгача ошириш таклифи билан чиқди. Харажатлар ҳажми 1997 йилда сарфлан-

ган миқдорга қараганда 6 млн. долларга кўпаярди. Бироқ мазкур маблағ базис сатрини — тахмин бўйича сарфланадиган ҳажмни 1 млн. долларгагина оширарди.

3.5-жадвал

Тахмин қилинаётган ҳар йилги 5 фоиз ўсишга асосланган гипотетик базис сатри

1997	1998	1999	2000	2001
100. 0	105. 0	110. 3	115. 8	121. 6

Базис сатри нафақат Федерал бюджетни тузишда қўлланилади, балки кундалик ҳаётнинг бир қисми ҳисобланади. Масалан, иш ҳақлари етарли даражада оширилмаганлиги борасида (иш ҳақига қўшимчалар ҳатто иш ҳақининг инфляция билан бир маромда ўсишига етмаган тақдирда) норозилик билдираётган ишчилар ҳам амалда базис сатридан фойдаланадилар. Бу базис сатри иш ҳақининг ошиши инфляциядан ортда қолмайди, деган тахминга асосланади. [14]

Амалиётда "Федерал бюджет базис сатри" атамасини қўллаш хизматлар ўзгармас даражасида дастурни қўллаб-қувватлаш учун зарур суммага бюджет таклифи қанчалик мос келишига йўналтирилган. Федерал бюджетни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида йилдан-йилга базис сатрлари аввал бошдан нима учун мўлжалланганлигича эътибор бермайди ёки унутиб қўйилди; базис сатри билан таклиф қилинаётган даромад даражасини таққослаш ҳам нотўғри қўлланилган. Масалан, келгуси йилга, яъни базис сатрининг босқичида таклиф этилган молиялаш даражасини "барбод қилмоқчи бўлган" Конгресс аъзоси, уни бюджет "музлатилиши" сифатида баҳолаши мумкин, у аслида жорий йилда сарфлаш тахмин қилинаётган сумма билан таққослаганда ўсишни ифодалайди. Дастурнинг ўсишини секинлаштирмоқчи бўлган Конгресс аъзоси таклиф қилинаётган молиялаш даражасини ўтган йилда сарфланган сумма билан янглиш таққослаши ва ўсиш талаб этилаётганлигини маълум қилиши мумкин.

1989 йилда базис сатрлари кўплаб баҳсларга сабаб бўла бошлади. Бу Маъмурий-бюджет Бошқармаси раҳбари Ричард Дарман фоизларни тўлаш базис сатрларидан фойдаланишни четлаб ўтишга уринганлиги билан боғлиқдир. Бунинг ўрнига ҳаммасини ўтган йилда амалда сарфланган маблағ билан таққослаш таклиф этилган. Фоизларни тўлаш кўпгина дастурлар учун инфляцияни оширишни ҳам назарда тутади. Компенсацион тўловларни (ҳимояланган дастурлар бўйича) тўлаш ҳолатларида фоизларни тўлаш дастурда иштирок этиши тахмин қилинган кишилар сонини ошириш ва бу учун зарур бўл-

ган хизматлар ҳажмини ошириш каби ўзгаришларни қоплаш харажатларини қўшимча оширишни назарда тутади. Бу эса базис сатри миқдори ўтган йилда сарфланган миқдордан, ҳатто ҳеч қандай сиёсий ўзгаришлар юз бермаган тақдирда ҳам, аҳамиятли даражада ошиши мумкинлигини билдиради.

Дарман Буш (каттаси) Маъмуриятининг базис сатрлари билан таққослаганда ўтган йиллардагига нисбатан кўпроқ харажат қилиш таклифи харажатларни қисқартиришдек кўринаётганидан хафа бўлган эди. Бироқ ўтган йилдаги ҳақиқий миқдор билан таққосланганда бу таклифлар анча мурувватли кўринарди.

Ҳақиқатда, бошқа базис сатридан фойдаланиб, Дарман унда бошқаларни айблаган ўйинни олиб бормоқчи эди. У Президент таклифларини яхшироқ кўринишда ифодалайдиган базис сатридан фойдаланишни истарди. Дарман оппонентларининг маълум қилишича, келгуси йилда сарфлаш тахмин қилинаётган маблағ ўтган йили сарфланган маблағдан юқори бўлишига қарамай, маъмурият аксинча, дастурни қисқартирди.

1994, 1995 ва 1996 йилларда базис доирасидаги баҳслар қизғин тус олди. 1994 йилда Чарльз Стенхон (DT-X)*, Жон Касич (R-OH) ва Тим Пенни (D-MN) бошчилигидаги Вакиллар Палатаси базис сатрларидан фойдаланишни тўхтатиш учун овоз берди. Барча бюджет таклифларини баҳолаш учун унинг ўрнига база сифатида ўтган йил даражасидан фойдаланишга қарор қилинди. Сенат бу ўзгаришни маъқулламади, шу боис мавжуд базис сатрлари стандартлигича қолмоқда. 1995 йилда Вакиллар Палатаси Конгресс Бюджет Бошқармаси таққослаш чоғида базис сатрларидан эмас, балки ўтган йил даражасидан фойдаланишида қатъий туриши мақсадида ўз қоидаларини ўзгартирди. Бироқ бу ўзгариш Вакиллар Палатасига дахлдор эди. Базис сатрларидан фойдаланиш тўғрисидаги масала 1996 йилда Республикачилар ва Демократлар Конгресснинг "Медикэр" бўйича бюджет таклифи (кексалар соғлиғини суғурталаш) мазкур дастур бўйича харажатларни қисқартириш ёки ошириш ҳисобланиши борасида қизгин мунозаралар олиб бораётган пайтда, қайтадан тикланди. Бу саволга жавоб эса қайси базис сатри қўлланилишига боғлиқдир.

Турли базис сатрларидан фойдаланиб, баҳс юритаётган иккала тараф ҳам ўтган йилда сарфланган маблағ бўйича ҳамда мазкур йилда қанча сарфлаш таклиф этилаётганлиги борасида келишиб олиш-

* биринчи ҳарфи партияга мансубликни англатади: R - республика, D - демократик. Иккита кейинги ҳарфи штат номини билдирали. Масалан, TX – Техас, NH - Нью-Хемпшир, SC – Жанубий Каролина ва бошқалар.

лари мумкин. Бироқ бунга қарамай, улар фойдаланаётган базис сатрлари уларни бир хил бюджет рақамлари бўйича турли хулосаларга олиб келади.

Базис сатрлари нималар содир бўлиши ҳақидаги истиқбол эмаслигини ёдда тутиш муҳим. Улар фақат танланган тахминлар тасдиқланса, харажатлар ёки даромадлар қандай ўзгаришини кўрсатади.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонунда базис сатрларидан кенг фойдаланилган. Мажбурий харажатлар ва даромадлар учун "pay-as-you-go" секвестрлаш тизимида базис сатрларини қўллаш жуда муҳим. Агар Конгресс ва Оқ Уй томонидан бирор-бир қонун қабул қилиниши натижасида мажбурий дастурлар бўйича харажатлар базис сатридан ошишни бошласа ёки даромадлар базис сатридан тушиб кетса ва бу силжиш мажбурий харажатларнинг баравар қисқариши ёки даромадларнинг ортиши билан (ёхуд бу икки вариант билан бирйўла) компенсацияланмаса, у ҳолда секвестр механизми ҳаракатга келтирилади.

3.9. БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ХАРАЖАТЛАРНИНГ ДАСТУРЛАРИ

Федерал ҳукумати пул маблағларини сарфлайдиган ҳамма йўлланмалар ҳам бюджет якунларида акс эттирилавермайди. Муайян федерал объектлар, дастурлар ва дастурларнинг айрим қисмлари атайин бюджетдан чиқарилади. Чунончи, "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун билан Президент бюджетидан ва Конгресснинг бюджет лойиҳасидан ижтимоий суғурта[10] бўйича тушумлар ва тўловлар чиқарилди (улар кексалар ва маълум ёшга қадар яшаган шахслар учун суғурта фондига ва Меҳнатга лаёқатсизларни Суғурталаш жамғармасига ўтказилган). Бундай тарзда бюджетдан чиқариладиган дастурлар "бюджетдан ташқари" деган ном олади. Мазкур дастурлар бўйича харажатлар бюджет якунларига киритилмаганлиги боис, расмий тақчиллик улар таъсири остига тушмайди.

Дастурни бюджетдан ташқари деб ажратишга доир белгиланган мезонлар рўйхати мавжуд эмас; мазкур масала бўйича ҳал қилув қарори амалда доимо сиёсий тусга эга бўлади ва муайян йил ҳамда вазиятга боғлиқ равишда ўзгаради. Масалан, 1981 йилга қадар стратегик захираларни тўлдириш учун нефть сотиб олиш "бюджет"ники ҳисобланар эди, яъни мазкур харажатлар бюджетга киритиларди ва тегишлича тақчиллик миқдорига таъсир кўрсатарди. 1981 йилда Рейган Маъмурияти томонидан бу харажатларни бюджетдан ташқари харажатларга киритиш таклиф этилди. Конгресс эса буни маъқуллади. Бундай ўзгариш учун, агарда нефть баҳосининг анча оширил-

ганлиги далилини ҳисобга олмаганда, алоҳида сабаб йўқ эди. Оқ Уй бу даврда бюджетни балансланштиришга уринарди, нефть баҳосининг ошганлиги оқибати сифатида юзага келган тақчилликнинг ўсиши ўринсиз эди. Бошқа дастурлар бўйича даромадларни ошириш ёки қисқартиришни таклиф этиш ўрнига (бу эса нархлар ошишини компенсациялаган бўларди), Рейган нефтнинг стратегик захираларини тўлдириш бўйича харажатларни бюджет доирасидан ташқарига чиқаришни таклиф қилди, яъни уларни бюджетдан ташқари харажатларга айлантирди. 1985 йилда Грэмм-Рудмен-Холлингс (ГРХ) қонуни кучга кириши билан мазкур харажатлар бўйича дастур қайтадан бюджетга киритилди.

Бюджет ва бюджетдан ташқари харажатларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги масала 1989 йилда "Омонатлар ва ссудалар тўғрисида"ги қонун (иқтисодий тангликдан чиқишда давлат ёрдами тўғрисидаги қонун ҳужжати) қабул қилиниши билан янада долзарб бўлиб қолди. Буш (каттаси) Маъмурияти мазкур харажатлардан 50 млрд. долларни (улар 1989 ва 1991 молия йилларидаги оралиқда сарфланиши лозим эди) бюджетдан ташқари харажатларга киритишни назарда тутган эди. Конгресс эса бу суммани бюджет доирасида қолдиришни, бироқ уни ГРХ Қонуни бўйича тақчилликни ҳисоблаб чиқаришдан четлатишни хоҳларди. Президент Маъмурияти ва Конгресс томонидан дастлабки 20 млрд. долларли бюджет доирасида қолдиришга, қолган 30 млрд. доллар эса бюджетдан ташқарига чиқаришга келишилди.

3.10. ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ ВА ҚАРЗИ

"Федерал тақчиллик" ва "давлат қарзи" тушунчалари кўпинча нотўғри қўлланилади: давлат қарзи ўрнига "федерал тақчиллик" деб ёзилади ва аксинча.

Тақчиллик федерал ҳукумати қайсидир молия йилида, даромад кўринишида, оладиган пул маблағларидан кўпроқ харажат қилган тақдирда юзага келади. 1996 молия йилидаги тақчиллик 107,3 миллиард долларни ташкил қилган.

Давлат *қарзи* иккита турли компонентлардан иборат. Биринчи компонент — бу Федерал ҳукумат молия йили давомида ўз мажбуриятларини қоплаш учун нақд пули етарли бўлмаганда, яъни у тақчиликни бошдан кечираётганда, ҳар гал қарзга оладиган миқдордир. Иккинчи компонент АҚШ ҳукумати қимматли қоғозларига, ҳар гал улардa профицит юзага келганда, қонунга мувофиқ инвестициялаши лозим бўлган Федерал траст фондлар томонидан Ҳукуматга берилган маблағни ифодалайди. Тақчилликни молиялаш учун ўзлаш-

тирилган маблағ билан траст фондлар инвестициялаган маблағнинг қўшилиши "белгиланган лимитни ҳисобга олган ҳолдаги қарз" деб аталади. Бу икки асосдаги қарз миқдори қонун билан чекланган. Бу чеклаш эса тегишлича қарз лимити; ёки (кўп ҳолларда айтилганидек) — қарз "юқори чегараси" деб номланади.

Ҳатто Федерал ҳукумат баланслаштирилган бюджетга эга бўлса ҳам, қарзга олишга мажбур бўладиган маблағ илгаригидек икки сабабга кўра ортиб боради. Биринчидан, агар деярли 170 федерал траст фондларидан бирортасида профицит мавжуд бўлса, у федерал қимматли қоғозларга инвестицияланиши лозим. Шундай қилиб, Ғазна бу "ортиқча" миқдорни қарзга олади, федерал қарзнинг умумий миқдори эса ошиб боради. Иккинчидан, Федерал бюджет, Ҳукумат келтирилган соф амалга оширилган қиймат асосида берадиган кредитлар бўйича қарзлар ва кафолатларни ўз ичига олишига қарамай, амалда тўланган маблағ жорий йилдаги нархларда берилган. Бу эса ҳукуматнинг ўзлаштиришга эҳтиёжлари юқори эканлигини англатади, бу нарса бюджет якунларидан яққол кўриниб туради.

Бинобарин, бюджет баланслаштирилиши билан давлат томонидан қарз ўзлаштиришлар тўхтатилиши тўғрисидаги гап-сўзлар аслида нотўғри. Ҳатто бир неча йиллар мобайнида баланслаштирилган Федерал бюджет фаолият юритаётган бўлса-да, траст фондларнинг ортиқча маблағлари, федерал ссудалар ва кафолатлар шуни назарда тутадики, федерал қарз ортиб боришда давом этади, қарзнинг юқори чегараси ҳам оширилиши лозим.

Федерал қарз ва ўзлаштиришларнинг табиатини англашнинг энг яхши усули — уларни жисмоний шахснинг харажатлари амалиёти билан таққослашдир. Масалан, бир кишида ўзлаштириш учун 1000 долларлик лимитли кредит карточкаси бор. Фараз қилайлик, бу кишининг на омонат ҳисобварағи, на доллар купюралари тўлдирилган халтаси, на бошқа бирор-бир нақд пул манбаи йўқ. У қайсидир ойда топадиган пулидан кўпроқ харажат қиладиган бўлса, кейинги иш ҳақини олгунга қадар амаллаб туриши учун ўз кредит карточкасидан фойдаланиши мумкин. Ҳар ойлик "тақчиллик" миқдори айтайлик, 100 доллар бўлсин. Агар кейинги ойда, кредит карточкаси бўйича ҳисоб келадиган пайтда тўлиқ қарз миқдорини сўндирмаса, унда карточкада қолган миқдорга кредит карточкаси (қарз) бўйича қарз мажбурияти юзага келади. Бундай вазият кейинги бир неча ойларда ҳам такрорланадиган бўлса, у охир-оқибатда ўзининг ўзлаштириш лимитига етади ва ўз кредит карточкасидан энди фойдалана олмайди.

Кредит карточкаси лимитининг тугаши — инсон ҳам ҳаётига чек қўйиши кераклигини англатмайди. Бу келгуси ойда у ўз иш ҳақи

ва қўли етадиган бошқа турли нақд пуллар манбаи — масалан, қариндош-уруғлар ёрдами ҳисобига яшаши лозимлигини билдиради. У қарзга олган миқдорнинг бир қисми бўлса ҳам, сўндирилмагунга қадар кредит карточкасидан фойдаланишнинг иложи йўқ. Банк кредит карточкаси лимитини оширган ҳоллар бундан мустасно.

Федерал ҳукумат ҳар галги тақчилликни бошдан кечираётганда, у мажбуриятларни қоплаш учун ўз "кредит карточкаси"дан фойдаланади. Бироқ Вашингтоннинг ўзлаштириш лимити банк томонидан эмас, балки Конгресс орқали ўтиши ва Президент томонидан имзоланиши лозим бўлган Қонун билан белгиланади. 1995 йил октябрда содир бўлган воқеа бундай вазиятга мисол бўла олади, ўшанда давлат қарзи бўйича лимит олиб бўлинганди. Агар Конгресс ва Клинтон Маъмурияти янги чеклов тўғрисида келишиб олмаганда эди, Федерал ҳукуматга ўз мажбуриятларини қоплаш учун нақд пуллар етишмовчилиги хавф туғдирган бўларди. Федерал ҳукумат ўз шахсий оиласидан ўзлаштиришга тенг ҳаракатларни амалга оширишига, яъни ўз ҳисобварақлари тўланишини таъминлаш учун фавқулодда қадамлар қўйишига: битта ёки бир нечта федерал траст фондлардан маблағларни ундириш ёки пул маблағларини мобилизация қилиш учун давлат активларини сотишига тўғри келарди. Бу вазият 1996 йил март ойининг охирига қадар, Конгресс ва Клинтон маъмурияти ниҳоят давлат қарзи лимитини ошириш тўғрисида келишиб олгунча давом этди.

Давлат қарзининг юқори чегарасини (лимитини) оширишнинг икки тури мавжуд: перманент (давом этувчи) ва вақтинча.

Қарзнинг доимий юқори чегараси. Конгресс, одатда Қонунга мувофиқ, федерал қарзнинг ялпи ҳажмига (энг катта миқдорига) чеклов сифатида хизмат қиладиган доимий миқдорни долларда белгилайди. Белгиланган миқдор тугаганда, ғазна ортиқ ўзлаштиришни амалга оширолмайди, бироқ у ўзлаштиришнинг умумий хажми, доимий лимитдан паст бўлганлигида мавжуд қарзни қайта молиялай олади. Бу кимдир ўз кредит карточкасидаги лимитни тугатиб, қайта тикланган, кейин эса, тўлов амалга оширадиган ҳолатга эквивалентдир. Бу босқичда, киши индивидуал қарзнинг юқори чегарасига етилмагунча кредит карточкасидан яна фойдалана олади.

Қарзнинг вақтинчалик юқори чегараси. Вақти-вақти билан қарзнинг доимий юқори чегараси вақтинчалик, яъни маълум санага қадар ошади. Агар қарзнинг вақтинчалик юқори чегараси муддати тугагунча қарзнинг янги лимитига риоя қилинмаса, юқори чегараси ўзининг аввалги қуйироқ доимий лимитига қадар қисқартирилади. Бу доимий юқори чегарасига етилган вазият билан таққослаганда Ғазна

учун жиддийроқ, муаммоларни туғдиради. Бунда Ҳукумат нафақат ўзлаштиришни амалга ошира олмайди, балки у қарзнинг умумий ҳажми аввалги қуйироқ чегарасидан пастга тушмагунча, мавжуд қарзни қайта молиялашни амалга оширолмайди, бу келищувга эришишга ундайди.

Конгресс тақчилликни назорат қилиш ёки қисқартириш бўйича қонун ҳужжатлари кучга киргунга қадар қарзни доимий оширишни қабул қилишни ортга суриб, бюджет музокаралари пайтида кўпинча қарзнинг вақтинчалик лимитидан фойдаланади. Бу бюджет бўйича музокараларда иштирок этаётган ҳар бир кишига қўшимча таъсир ўтказади, музокара иштирокчилари келишувдан бош тортсалар, у ҳолда федерал молия аҳволи оғирлашади.

Тақдир тақозоси билан, қарзнинг қонуний юқори чегараси кўпинча бюджет харажатларини қисқартиришнинг асосий механизми сифатида кўриб чиқилишига қарамай, у Федерал бюджетдан маблағлар сарфланишини амалда назорат қилмай қўйганди. Амалдаги қарзнинг юқори чегараси шакли 1941 йилда ишлаб чиқилгандан буён бюджетнинг ва айнан бюджет жараёнининг мазмуни тубдан ўзгарди. 1941 йилда бюджетнинг катта қисми ҳар йили қабул қилинарди. Ўшанда Конгрессда федерал харажатлар ёки тақчилликнинг умумий ҳажмини кўриб чиқишнинг (назорат ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) ишлаб чиқилган механизми мавжуд эмасди. Қарзнинг юқори чегараси, шу тариқа, сарфланиши мумкин бўлган миқдор устидан назорат қилиш учун хизмат қиларди.

Бироқ ўшандан буён ассигнациялар кўринишида ажратиладиган бюджетнинг умумий хажми тахминан 35 фоизгача, кескин қисқарди. Федерал харажатлар ҳозирги пайтда ҳимояланган дастурлар бўйича тўловлар ва давлат қарзи бўйича фоизлар билан тўлдириб ташланган. Қарзнинг юқори чегараси Ҳукуматнинг мазкур тўловларни амалга ошириш бўйича мажбуриятини бартараф этмайди. Агар лимитга етиб борилса, қарзнинг юқори чегараси Қонунда белгиланган мажбуриятларни тўлаш учун зарур пул маблағларининг Фазна томонидан ўзлаштирилишига тўсқинлик қилади.

Ҳақиқатан, қарзнинг юқори чегараси энг зиддиятли қонун ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Ҳимояланган дастурлар бўйича ҳамда ассигнациялар ажратишга доир қонун ҳужжатлари Федерал ҳукуматдан мажбуриятга киришишни талаб қилади. Қарз лимитини оширишнинг имкони бўлмаса, Ҳукумат барибир мазкур мажбуриятларни қабул қилиш заруратидан озод этилмайди; лимит Фазнага бу мажбуриятлар бўйича тўлов тўлашга имкон бермайди. Бошқача айтганда, Фазна илгаридан унга маълум бўлганидек, тўловчининг ҳисоб-

варағида маблағлар мавжуд эмаслиги сабабли қабул қилинмайдиган чекларни беришга мажбур.

Илгари қарзнинг юқори чегараси Федерал бюджет ва қимматли қоғозлар бозорининг энг ашаддий "ишқибозлари" эътиборидаги объекти бўлганди. 1995 ва 1996 йилларда Конгресс Президент Клинтондан у қаршилик билдираётган бюджет ўзгаришларини қабул қилишга мажбур этишга мўлжалланган далил сифатида фойдаланишга уринганлиги туфайли кенг тарқалган муҳокама предмети бўлиб қолди. Конгресс Ҳукумат олдида турган мажбуриятларини қоплаш учун маблағларнинг етишмовчилиги хавфи, шу жумладан, АҚШ Ҳукумати облигациялари бўйича фоизларни тўлай олмаслик эҳтимоли Президентни бошқа вазиятда рад этиши мумкин бўлган бир қатор шартларга рози бўлишга мажбур этар, деб тахмин қилди.

Бироқ Ғазна котиби Роберт Рубиннинг илгари қўлланилмаган (баъзи ҳолатларда эса ҳатто кўриб чиқилмаган) бир қатор тактик ҳаракатларни ўз ичига олган жуда моҳирона молиявий маневрлаши (хийлалари), Ҳукуматни зарур маблағлар билан таъминлади ва шу тариқа, Конгресс айрим аъзолари юзага келтирмоқчи бўлган кризисни бартараф этди. Рубиннинг ҳаракатлари шунчалик муваффақиятли бўлдики, Конгресс тактик устуворликка[11] эга бўлиш учун қарзнинг юқори чегарасидан фойдаланишга уринишдан воз кечди ва ўзлаштириш бўйича ҳукумат ваколатларини нафақат 1996 йилга, балки бутун 1997 молия йилига[12] етадиган даражада давлат қарзи лимитини оширадиган қонун ҳужжатини қабул қилди.

Аввалларн қарз лимити кризиси билан бас келиш учун Ғазна бозорга қарашли бўлмаган (ноликвид) федерал қарзни реализация қилишни вақтинчалик тўхтатди, яъни омонат облигацияларни сотишни, Штатлар ҳукуматлари ва маҳаллий ҳокимият органлари қимматли қоғозларини чиқаришни тўхтатарди. Ғазна, шунингдек, бозорбоп (савдоси чаққон) қимматли қоғозлар бўйича аукционларни қисқартирар ёки кейинга қолдирарди. У яна федерал траст фондларга "охиригача инвестицияланмасди" (фоизли қимматли қоғозлар ишлаб чиқарилишини тўхтатиб турар). Ғазна учун бошқа мумкин бўлган альтернативалар қуйидагилардан иборат: давлат активларини сотиш; турли ҳукумат фондларидан ўзлаштириш; охир-оқибатда Ғазна давлат пудратларини бажараётган фирмалар, мол етказиб берувчилар ёки хизматчиларга ҳақ тўламаслиги мумкин.

Қарзнинг юқори чегарасини оширишнинг имкони йўқлиги Ҳукумат ишини тўхтатмайди. Ассигнация ажратиш тўғрисида ҳужжат қабул қилинганлиги ёки резолюция узайтирилганлиги шароити билан ташкилот ва идоралар илгаригидек ўз зиммасига мажбуриятлар

олиш ваколатига эга бўлади, Ғазна эса аввалгидек чек беради. Бироқ Ҳукумат чекларни тўлаш учун етарли пул маблағига эга бўлмаслиги мумкин.

Давлат қарзи бўйича фоизлар бюджетга киритиладиган харажатларни ифодалайди ва бюджет таснифида "Нетто — фоиз" функцияси бўйича акс эттирилади. Бинобарин, Ҳукумат томонидан тўланадиган фоиз миқдорининг қисқариши харажатларнинг қисқартирилиши сифатида кўриб чиқилади.

3.11. БАЛАНСЛАШТИРИЛГАН БЮДЖЕТ ВА БАЛАНСЛАШГАН БЮДЖЕТ ТЎҒРИСИДАГИ ТУЗАТИШ

Расман баланслаштирилган Федерал бюджет — бу шундай бюджетки, унда харажатлар тушумларга аниқ тенг келади, яъни "харажатлар" "даромадлар"га тенг бўлади. Бироқ ҳозирги кунда режалаштирилаётган даромадлар харажатларга тенг келса ёки улардан ошса, бюджет баланслашган деб аташмоқда. Бошқача айтадиган бўлсак, баланслаштирилган Федерал бюджет деганда тақчилликни бошдан кечирмаётган бюджет тушунилади.

Баланслаштирилган бюджет билан АҚШ Конституциясига таклиф этилган баланслашган бюджет тўғрисидаги тузатиш бир нарса эмас. Агар бу тузатишни ҳар бир Палата кўпчилик аъзоларининг учдан икки қисми қабул қилса ва 38 Штат ратификация қилса, у конституцион талабни ўрнатади: "Ҳар бир молия йилидаги Федерал бюджет балансланиши лозим". Мазкур тузатишнинг қабул қилиниши аслида бюджетни баланслаштира олмайди; бунинг учун илгаригидек, даромадлар ва харажатларда зарур ўзгаришларни келтириб чиқарадиган, Конгресс маъқуллаган, Президент томонидан имзоланган қонуний ҳужжат керак бўлади.

Бинобарин, баланслаштирилган бюджет тўғрисида талабнинг (конституцион ёхуд қонуний) мавжудлиги билан баланслашган бюджетнинг мавжудлиги бир хил нарса эмас. Биринчиси иккинчисига олиб келиши мумкин, бироқ бу кафолатланмаган.

Баланслаштирилган бюджетни конституцион мустаҳкамлаш ғояси 1993 молия йили бюджет бўйича мунозаралар даврида яна оммавийлашди. Ўшанда Конгресснинг иккала палатаси турли вакиллар ва сенаторлар томонидан таклиф этилган лойиҳаларни жиддий кўриб чиқди, бироқ улардан бирортасини ҳам қабул қилмади. Ҳеч бўлмаганда таклиф этилган тузатишлардан бири Вакиллар Палатасида ҳам, Сенатда ҳам кўпчилик овоз олди. Бу баланслашган бюджет тўғрисидаги тузатиш эди. Лекин у Конституцияга таклиф киритилиши тузатишларнинг барчаси учун зарур бўлган кўпчилик овознинг

учдан иккисини ҳам тўплай олмади. Баланслашган бюджет тўғрисидаги тузатиш 1994 йилда яна кўриб чиқилди. Бу сафар Сенатда учдан икки овозга эга бўлолмади ёки Вакиллар Палатасида оддий кўпчилик овозни ололмади. 1995 йилда Палата 300 овозга қарши тузатиш қабул қилиниши тарафдори сифатида 132 овоз берди. Сенат 65 овозга қарши ўша таклифни қабул қилиш учун 35 овоз берди — бунда кўпчиликнинг учдан икки қисмини ташкил қилиши учун зарур бўлган овозга атиги иккита овоз етмаганлиги туфайли уриниш зое кетди.

ҲАВОЛАЛАР

1. ББҚ расман "Бюджет ва ҳисобот тўғрисидаги қонунга (*Budget and Accounting Act*), "Конгресснинг бюджет ва резервлашни назорат қилиши тўғрисида"ги қонунга (*The Congressional Budget and Impoundment Control Act*), "Баланслаштирилган бюджет ва кутилмаган тақчиллик назорат қилиш тўғрисида"ги қонунга (*The Balanced Budget and Emergency Deficit Control Act*) ва "Баланслаштирилган бюджет ва кутилмаган тақчиллик назорат қилиш тўғрисида"ги қонунни қайта тасдиқлаш тўғрисида"ги қонунга (*The Balanced Budget and Emergency Deficit Control Reaffirmation Act*) тузатишлар киритди.

2. Бу иккиёқлама талаб кўп жиҳатдан сиёсий сабаблар билан шартланган. Мазкур жараён қандай шаклланганлиги ҳақида батафсил ахборотларни олиш учун қуйидагиларга қаранг: Ален Шик, *Конгресс ва Пуллар: Бюджет, Харажатлар ва Солиқлар* (Вашингтон, Колумбия округи: Шаҳар Институти Матбуоти, 1980 й.), 51–81-бетлар.

3. Ҳаттоки, агар Конгресс ва Президент молия йили бошига 13 доимий ассигнацияларнинг ҳаммасини қабул қилмаган ҳамда ҳукумат функцияларини бажариш тўхтатилган бўлса ҳам, ҳимояланган дастурларга бу дахл этмайди, чунки улар ҳар йилги эмас, балки перманент асосда молияланади. Бундан ташқари, 1981 йилда Адлия вазири ва Бош прокурор Бенжамин Сивилетти тартиб ўрнатди, унга мувофиқ ҳимояланган дастурлар бўйича тўловларни амалга ошириш учун жавобгар бўлган федерал хизматчилар ҳаттоки доимий ассигнациялаш мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам ўз ишларини давом эттиришлари лозим. Бу эса мазкур хизматчиларнинг функциялари ҳимояланган дастурлар бўйича перманент молияланадиган нафақаларни тўлаш учун зарурлиги билан тушунтирилган ҳамда агар хизматчилар ишламасалар, у ҳолда нафақалар тўланмаган бўларди.

4. Назарий жиҳатдан олсак, агар федерал ҳукумат барча янги харажатларни тўхтатган бўлса, бюджет ваколатлари ва харажатларни вақт ўтиши билан уларни бир-бирига тенглаш билан тартибга солиш мумкин. Бунинг учун қандайдир сабабларга кўра фойдаланилмаган бюджет ваколатини (сарфланмаган ассигнациялар, бекор қилишлар ва ҳоказолар) ҳисобга олиш лозим.

5. Тижорат ва Савдо вазирлиги "ялпи ички маҳсулот" ёки ЯИМ ўрнига 1992 йилда ялпи миллий маҳсулотдан фойдаланишни бошлади.

6. Буш ва Клинтон Маъмурияти бюджетни тузишда илгариги маъмуриятлар сингари мазкур талабга қатъий риоя этмади. Улар ўз лойиҳаларига бюджетнинг функционал ёзуви билан жадвалларни киритганликларига қарамай, ҳужжатнинг баён этувчи қисмидаги функционал чизмага бутунлай эътибор берилмади.

7. 1990 йилдаги ББҚга мувофиқ дискрецион харажатларга лимитлар 1995 молия йилига қадар белгиланган эди. 1993 йилдаги "Бюджетнинг умумий келишуви тўғрисида"ги Қонун (Ж.Х. 103–66) лимитларнинг амал қилишини 1998 йилга қадар узайтирди.

8. 1996 ва 1997 йиллардаги Конгресснинг Бюджет резолюциялари дискрецион харажатларнинг лимитлари ва табиийки, секвестрланадиган дастурларни қайта кўриб чиқди. 1998 молия йилига қадар дискрецион харажатлар икки категорияга бўлинади: мудофаа ва номудофаа (ёки ҳарбий ва фуқаро). Бинобарин, бу йилларда секвестрнинг икки тури пайдо бўлиши мумкин эди. Қайта кўриб чиқилган мазкур дискрецион харажатлар категорияларининг расман Президентга дахли йўқ, чунки улар "қўшма резолюция"да ўзгартирилган, бу қарор Конгресс ҳаракатларигагина татбиқ этилади. Агар лимитлар оқибатда қонун шаклига эга бўлса, яъни қонун лойиҳаси Конгресс томонидан маъқулланса, кейин эса Президент томонидан имзоланса, уларнинг таъсири ҳукуматнинг ижроия бўғинига ҳам татбиқ этилади. Бундай қонун мавжуд бўлмаганда Президент гўёки 1999–2002 молия йилларига лимитлар қабул қилингандек иш юритишга қарор қилиши мумкин.

9. Шуни ҳисобга олиш муҳимки, ишга қабул қилиш пайтида иш ҳақини ҳисоб-китоб қилишда базис сатридан фойдаланиш учун шартномада бундай тахминлар қайд этилиши шарт эмас. Худди шу тарзда, базис сатри ундан федерал бюджетни муҳокама қилишда фойдаланиш учун қонунда белгиланиши шарт эмас.

10. Ижтимоий Таъминот бўйича маъмурий харажатлар ББҚга биноан бундай масалалар кўриб чиқишда якуний қарор қабул қиладиган Маъмурий-Бюджет Бошқармасининг қарорига асосан "Бюджетга тааллуқли" деб қолдирилган.

11. Рубин интилишлари бундан ташқари, Республикачи-конгрессменларнинг режаларини ҳам чиплакка чиқарди, уларнинг баъзилари унинг импичментини талаб қилишди.

12. 1996 молия йилидаги тақчиллик ва 1997 молия йилига прогноз тақчиллиги қарз лимити жорий этилганда кутилган даражадан ҳам паст бўлиб чиқди.

САВОЛЛАР

1. Санкциялаш ўзи нима ва нима учун мазкур бюджет таомили ўтказилади?

2. Ассигнациялаш ўзи нима ва нима учун мазкур бюджет таомили ўтказилади?

3. Бюджет харажатларини санкциялаш таомилининг ассигнациялаш таомилидан принципиал фарқи нимада?

4. "Ҳимояланган ижтимоий дастур" атамаси қандай тушунилади?

5. Бюджет ваколатлари нима ва улар бюджет харажатларидан нимаси билан фарқ қилади?

6. Назорат қилинадиган бюджет харажатлари нимани ифодалайди?

7. Назорат қилинмайдиган бюджет харажатлари нимани англатади?

8. "Дискрецион бюджет харажатлари" атамаси нимани билдиради?

9. Мажбурий бюджет харажатлари нимани ифодалайди?

10. "Бюджет функциялари" атамаси нимани англатади ва улар нима учун мўлжалланган?

11. "Базис сатри" атамаси нимани билдиради ва АҚШ бюджетни молиялаш амалиётида бу усул пайдо бўлишига нима сабаб бўлган?

IV БОБ.
ПРЕЗИДЕНТ БЮДЖЕТИ.
КОНГРЕССГА ТАЙЁРЛАШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ

Конгрессга топшириладиган йиллик бюджет лойиҳаси бўйича қатъий қарорни Президент қабул қилади. Бюджет Конгрессга ҳар бир календарь йилнинг бошида, яъни 1 октябрдан бошланадиган навбатдаги молия йил бошланишидан 8–9 ой олдин топширилади.

Президент маъмуриятида бюджетни тузиб чиқиш жараёни ҳар йили баҳордан кечиктирмай, бюджетнинг Конгрессга тақдим этилишидан ҳеч бўлмаса 9 ой олдин ва навбатдаги молия йили бошланишидан ҳеч бўлмаганда 18 ой олдин бошланади.

Бюджетни тузиб чиқиш жараёни Президент, МББ, Президентнинг бошқа ижроия бошқаруви бўлинмалари ва ижроия ҳокимияти тармоғининг турли-туман агентликлари ўртасида мунтазам равишда ахборот, таклифлар, баҳолашлар ва сиёсий қарорлар билан ўзаро алмашиниб бориш асосида амалга оширилади. Келгуси бюджетга алоқадор қарорларга илгари қабул қилинган бюджетларнинг натижалари, сўнгги тавсия қилинган бюджетга оид фикр-мулоҳазалар, Иқтисодий маслаҳатчилар кенгаши, МББ ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган кутилаётган иқтисодий аҳволга оид тахминлар таъсир кўрсатади. 1991 ва 1995 молия йилларида айрим тонфа харажатлари ва тақчилликнинг энг юқори даражаси қонун билан чегараланган эди. Президентнинг, унинг Маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган бюджетга оид таклифлари мазкур чеклашларга мутаносиб келиши лозим.

4.1. АҚШДА БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ ҚАТНАШЧИЛАРИ

6-чизмада АҚШ федерал бюджетини татбиқ этиш жараёнининг асосий субъектлари кўрсатилган.

Марказий ҳукумат ижроия ҳокимияти тармоғи ичида бюджетни шакллантириш бўйича бирламчи жавобгарлик Маъмурий-бюджет бошқармасига (МББ) юклатилган.

6-чизма

ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ СУБЪЕКТЛАРИ

4.2. АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЮДЖЕТНОМАСИ

Президентнинг расман Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджети деб аталувчи Бюджетномаси февраль ойининг биринчи душанбасидан кечиктирилмаган ҳолда Конгресснинг қонун чиқарувчи сессиясида кўриб чиқиш учун олдиндан тақдим этилади. Бюджет харажатлар, даромадлар, қарз миқдори ва қарз бўйича ҳисоб-китоблардан; сиёсий ва қонун чиқаришга оид тавсиялардан; Федерал агентликлар молиявий операцияларининг батафсил ҳисоб-китоблари ва дастурлардан; иқтисодиётнинг аҳволи тўғрисидаги шарҳлар ва прогнозлардан ҳамда Президент тавсияларини қўллаб-қувватловчи бошқа ахборотлардан ташкил топади (7-чизмага қаранг).

Президентнинг бюджетномаси Конгрессга Федерал бюджет лойиҳаси бўйича маълум бир фикр ва таклифларни инобатга олиш учун талаб бўлиб ҳисобланади.

7-чизма

ПРЕЗИДЕНТ БЮДЖЕТИНИНГ КОНГРЕССДА КЎРИБ ЧИҚИШ БОСҚИЧЛАРИ



Маъмурий бюджет бошқармаси (МББ). Солиқ сиёсати ва солиққа тортиш тизимини баҳолаш бўйича бирламчи жавобгарлик ғазна котиби (Молия вазири) зиммасига юклатилади. Умуман олганда фискал сиёсат ва иқтисодий прогнозлар иқтисодий маслаҳатчилар кенгаши (ИМК), ғазна (Молия вазирлиги) ва МББ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. ИМК таркибига Президент томонидан унга иқтисодий сиёсат масалалари юзасидан маслаҳатлар бериш учун тайинланган 3та консул киради. Кенгаш ва унинг ходимлари худди МББ каби Президент ижроия бошқармасининг бир қисми ҳисобланадилар.

МББнинг 600 га яқин кишидан иборат ходимларига Президент томонидан Сенат билан келишилган ҳолда тайинланадиган директор ва директорнинг иккита ўринбосари бошчилик қилади. Директор ўринбосарларидан бири ўз фаолиятини биринчи навбатда бюджет масалаларига қаратади. Иккинчиси, асосан бошқариш масалалари билан шуғулланади. МББ бюджет масалалари ва қуйи хизмат кўрсатувчи ходимларни бошқариш масалалари билан шуғулланувчи бўлинмалар шаклида гуруҳлаштирилган.

Бюджет бўйича мутахассислар ҳукумат дастурларини мувофиқлаштиради ва кўриб чиқади; бюджетни тайёрлайди; Конгресс томонидан тасдиқланган харажатлар устидан назоратни амалга оширади; иқтисодий ва молиявий таҳлил ва прогнозларни тайёрлайди; бюджет, солиқ ва кредит сиёсатларини ишлаб чиқишда қатнашади. Улар фахрийлар ва ходимларнинг дастурий ресурслари; табиий ресурслар, энергетика ва илм-фан; иқтисодиёт ва ҳукуматни мувофиқлаштирувчи гуруҳларга ажратилган. Ҳар бир гуруҳ масъул директор томонидан бошқарилади. Ҳар бир гуруҳда профессионал ходимлар ҳисобланган масъул директорлар ўринбосарлари томонидан бошқариладиган бюджет масалалари бўйича бўлимлар ва махсус тадқиқотлар бўлимлари фаолият кўрсатиб келади. Бюджет масалалари бўйича бўлимлар турли департаментлар ва агентликлардан келиб тушадиган бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмаларни кўриб чиқадилар. Махсус тадқиқотлар бўлимлари эса капитал сармоялар ва сиёсий қарорларга тааллуқли қарорларнинг қабул қилиниши юзасидан маълум бир дастурларни чуқур ўрганиб чиқиш билан шуғулланадилар. МББнинг бюджет лойиҳасига ўзгартиришлар киритиш бўйича ҳаракатлари 4.1-жадвалда келтирилган.

4.1-жадвал

МББнинг 2003 молия йилига бўлган мажбурий (домий) харажатларга оид бюджет лойиҳасига киритган ўзгартиришлари (млрд. АҚШ долл. ҳисобида)

Молия йили		2002	2003	2004	2005	2006	2007	2003-2007
Жами								
Умумий харажатлар	БВ...	1,356.670	1,399.177	1,439.876	1,514.749	1,592.168	1,671.064	7,617.034
	0...	1,301.240	1,341.342	1,383.810	1,456.932	1,530.040	1,603.415	7,315.539
Бюджетга оид	БВ...	996.183	1,028.814	1,063.567	1,124.888	1,187.304	1,249.169	5,653.742
	0...	943.426	978.725	1,009.080	1,069.819	1,128.736	1,185.990	5,372.350
Бюджетдан ташқари	БВ...	360.487	370.363	376.309	389.861	404.864	421.895	1,963.292
	0...	357.814	362.617	374.730	387.113	401.304	417.425	1,943.189
Функционал тоифалар бўйича								
Давлат мудофааси (050)	БВ...	-0.056	1.086	1.138	1.242	1.728	2.043	7.237
	0...	-0.015	0.394	0.636	0.990	1.503	1.864	5.387
Халқаро алоқалар (150)	БВ...	-1.941	-1.563	-1.278	-1.175	-1.126	-0.885	-6.027
	0...	-3.397	-3.066	-3.089	-3.126	-3.117	-2.989	-15.387
Фундаментал илм-фан, коинот ва технологиялар (250)	БВ...	0.136	0.142	0.019	0.016	0.016	0.017	0.210
	0...	0.148	0.146	0.101	0.055	0.028	0.023	0.353
Энергетика (270)	БВ...	-2.667	-2.948	-3.242	-2.808	-3.047	-3.120	-15.165
	0...	-2.771	-3.007	-3.299	-2.870	-3.114	-3.191	-15.481
Табиий ресурслар ва атроф-муҳит (300)	БВ...	1.102	1.636	2.390	2.650	2.697	2.639	12012
	0...	0.637	1.146	1.760	1.927	2.236	2.197	9.266
Қишлоқ хўжалиги (350)	БВ...	23.161	18.782	18.242	16.633	15.637	15.353	84.647
	0...	22.726	18.537	18.333	16.750	15.810	15.492	84.922
Савдо ва тураржой кредити (370)	БВ...	10.562	14.488	9.846	9.820	9.330	10.548	54.032
	0...	3.272	3.872	5.145	3.553	2.019	1.610	16.199
Бюджетга оид	БВ...	7.749	9.334	9.478	9.333	8.940	9.351	46.436
	0...	1.257	5.320	4.446	3.721	2.914	2.404	18.805
Бюджетдан ташқари	БВ...	2.813	5.154	0.368	0.487	0.390	1.197	7.596
	0...	2.015	-1.448	0.699	-0.168	-0.895	-0.794	-2.606

Молия йили		2002	2003	2004	2005	2006	2007	2003-2007
Транспорт	БВ...	46.503	42.620	45.973	46.110	46.267	46421	227.391
(400)	0...	6.552	3.226	1.974	1.936	1.901	1.896	10933
Жамоатчилик	БВ...	0.094	-0.467	-0.317	-0.381	-0.373	-0.358	-1.896
ва минтақавий ривожланиш (450)	0...	0.034	-0.604	-0.639	-0.693	-0709	-0.710	-3.355
Маориф. бандлик ва ижтимоий таъминот (500)	БВ...	7.680	8.977	8.985	9.663	10.161	10.639	48.425
	0...	7.439	8.740	8.999	9.389	9.849	10.208	47.185
Соғлиқни	БВ...	154.813	175.094	188.334	204.894	222.281	242.017	1,032.620
сақлаш (550)	0...	154.938	175.429	188.949	204.209	221.521	240.532	1,030.640
Тиббиёт (570)	БВ...	226.608	234.085	241.915	269.121	288.544	313.442	1.347.107
	0...	222.723	233.951	242.192	269.047	288 333	313.735	1.347.258
Кафолат (600)	БВ...	271.344	277.094	278.024	286.296	295.661	303.132	1.440.207
	0...	271.626	273.986	274.343	282.645	291.723	298.852	1.421.549
Ижтимоий	БВ...	457.633	472.911	493.357	517.463	544.011	573.233	2.600.975
ҳимоя (650)	0...	455.758	471.767	491 447	515.370	541.736	570.754	2.591.074
Бюджетга оид	БВ...	13.892	14.282	15.149	16.041	16.841	17.990	80.303
	0...	13.892	14.282	15.149	16.041	16.841	17.990	80.303
Бюджетдан ташқари	БВ...	443.741	458.629	478.208	501.422	527.170	555.243	2.520.672
	0...	441.866	457.485	476.298	499.329	524.895	552.764	2,510.771
Фахрийларга	БВ...	26.986	30.077	31.963	33.515	35.106	36.647	167.308
тўловлар ва хизмат кўрсатиш (700)	0...	26.932	30.233	31.831	35.904	35.083	33.875	166.926
Суд тизими	БВ...	1.900	4.832	4.111	2.521	2.552	2.583	16.599
(750)	0...	1.582	4.279	4.616	2.725	2.589	2.623	16.832
Ҳукумат (800)	БВ...	1.432	1.524	1.782	1.795	1.830	1.784	8.715
	0...	1.676	1.506	1.878	1.748	1.757	1.716	8.605
Соф фоизли ха-	БВ...	177871	178.668	185.331	185.978	183.817	180.582	914.376
ражатлар (900)	0...	177.870	178.668	185.330	185.977	183.816	180.581	914.372
Бюджетга оид	БВ...	254.695	262.524	277.366	286.992	294.769	302.679	1.424.330
	0...	254 694	262.524	277.365	286.991	294.768	302.678	1.424.326
Бюджетдан ташқари	БВ...	-76.824	-83.856	-92.035	-101.014	-110.952	-122.097	-509.954
	0...	-76 824	-83.856	-92.035	-101 014	-110.952	-122.097	-509.954
Имтиёзлар (920)	БВ...	--	-0.100	-0.315	-0200	-	-0.050	-0.665
	0...	..	-0.100	-0.315	-0200	-	-0.050	-0.665

Молия йили		2002	2003	2004	2005	2006	2007	2003-2007
Тақсимланмаган фойда	БВ...	-46.490	-57.761	-66.382	-68.404	-62.924	-65.603	-321.074
Тушумлар (950)	0...	-46.490	-57.761	-66.382	-68.404	-62.924	-65 603	-321.074
Бюджетга оид	БВ...	-37 247	-48.197	-56.150	-57.370	-51.180	-53.155	-266.052
	0...	-37.247	-48.197	-56.150	-57.370	-51.180	-53.155	-266.052
Бюджетдан ташқари	БВ...	-9.243	-9.564	-10.232	-11.034	-11.744	-12.448	-55.022
	0...	-9.243	-9.564	-10232	-11.034	-11.744	-12.448	-55.022

Бюджет бўйича директор ёрдамчиси томонидан бошқариладиган бўлинма бюджет масалалари бўйича бўлимлар томонидан амалга оширилган ишлар бўйича шарҳларни йиғиш ва умуман, бюджетни таҳлил қилиш билан шуғулланади. Мазкур бўлинма иккита бўлимдан иборат:

1. Бюджет таҳлили ва бюджет тизимлари секторларини ўз ичига олган бюджет таҳлили ва тизимлари бўлими.

2. Бюджет шарҳи ва бюджет тушунчалари секторларини ўз ичига олган бюджет шарҳи ва бюджет тушунчалари бўлимидан ташкил топган. Ҳар бир бўлим малакали ходим ҳисобланган директор ёрдамчисининг ўринбосари томонидан бошқарилади.

Федерал ҳарид қилишлар сиёсати бошқармаси МББ ичида 1974 йилдаги Қонун асосида таъсис этилган эди. Унинг зиммасига давлат даражасида ҳарид қилиш ва ҳарид қилиш сиёсатини ривожлантириш ҳамда мониторингини кузатиб боришни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Бошқарма ходимлари ҳарид қилишлар, тартибга солиш ва бошқарув масалаларига жавобгар ва фаолият юритишнинг нисбатан самарали ва яхши натижа берадиган йўлларини излаб топиш билан шуғулланадилар. Бундан ташқари, ижроия ҳокимиятининг фаолият юритиш бошқармаси ҳам мавжуд. У умумий бошқариш бўлими ва молиявий бошқариш бўлимларига бўлинади ҳамда уларнинг ҳар бири директор ёрдамчиси томонидан бошқарилади.

Ахборот алоқаларини тартибга солиш бошқармаси хусусий сектордаги федерал талабларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида ташкил қилинган эди. Унинг бошқарувчиси тартибга солиш жараёнини қўллаб-қувватлаш, қоғозбозликка оид ишларни камайтириш, статистика сиёсати, ахборотни ажратиш ва тақсимлаш билан шуғулланувчи ходимларга бошчилик қилади.

Конгресс Президент тавсияларини қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Президент таклифларининг таъсир ўтказиш даражаси йилдан-

йилга ўзгариб, бюджетнинг кўпроқ сиёсий ва молиявий шароитларга боғлиқ бўлиб қолаётганлигига қарамай, кўпинча харажатлар ва даромадлар бўйича Конгресс қарорларига таъсир кўрсатади.

АҚШ Конституцияси Президентдан Федерал Ҳукуматнинг даромадлари ва харажатлари юзасидан тавсиялар беришини талаб қилмагани каби бюджет тўғрисидаги қоидаларни ҳам акс эттирмайди. Бюджетни тайёрлаш ишлари Федерал агентликларда бошланади. Келгуси молия йилига оид бюджетни тайёрлаш бўйича ишлар бошланган вақтда агентликлар жорий молиявий йилга бўлган бюджетни ижро этаётган бўладилар ва келгуси молия йилига маблағларнинг ажратилиши ва бошқа қонуний қарорларнинг якуний натижаларини кутадилар. Келгуси молия йилига ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилашдаги кечикишлар бюджетнинг мамлакат иқтисодий ҳолати, Президент сиёсати ва Конгресс фаолияти бўйича анча ноаниқ тайёрланганлигини билдиради.

Агентликлар Президент сиёсати ва батафсил техник йўриқномалар тўғрисидаги фармойишларни олгунига қадар ўз бюджетларини тайёрлаш устида ишлайдилар. 4–А-намуна, бир федерал агентлик мисолида, бюджетни тайёрлаш жадвалини кўрсатади. Шуни эътиборга олиш керакки, жараён агентликларнинг қуйи даражаларидан бошланади ва кейинчалик МББга тақдим этилиши учун агентликнинг жамланган бюджетига келиб қўшилгунига қадар секин-аста юқори даражаларгача силжиб бораверади. Ушбу "қуйидан юқорига" усули федерал агентликларга хос ҳисобланади. Ваҳоланки, айримлари "юқоридан қуйига" усулидан фойдаланишади.

Агентликлар ўз бюджетларини шакллантираётганларида МББнинг тегишли мутахассислари билан яқин алоқада ишлайдилар. Бу эса агентликларга ўз бюджетларини тайёрлашлари вақтида уларнинг маслаҳат ва фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда иш кўриш, шунингдек, МББга юзага келган ҳар қандай муаммо ҳақида хабар бериш имконини беради. Ўз бюджетлари устида ишлашларининг ўрталарига бориб агентликлар МББдан бюджет ҳисоб-китобларини тақдим этишга онд батафсил йўриқномалар ва жадвални ўз ичига олган А–11 шаклидаги (4–Б-намуна) бюджет сўровномасини оладилар.

Агентликларнинг буюртмалари МББга ёзнинг охирида ёки эрта баҳорда тақдим этилади. Бу буюртмалар МББ мутахассислари томонидан Президент ва унинг ёрдамчилари билан маслаҳатлашиб кўриб чиқилади. Агентликлар буюртмаларини кўриб чиқиш жараёни 8-чизмада акс эттирилган бир неча босқичлардан ташкил топган:

1) *Мутахассислар томонидан буюртмаларнинг кўриб чиқилиши.*

Улар бюджетга оид материалларни тайёрлайдилар, агентликлардаги ваколатли шахслар билан маслаҳатлашадилар ва тавсияномалар тайёрлайдилар;

2) *Буюртмаларнинг Директор томонидан кўриб чиқилиши.* Бунда асосий масалалар муҳокама қилинади. МББ мутахассислари ўз тавсияномаларини ҳимоя қиладилар, МББ Директори эса бюджет бўйича қарорларни қабул қилади;

3) *Буюртмаларни қайта ишлашга қайтариш.* Бу вақтда агентликларга МББ директорининг қарорлари етказилади ва агар улар буюртмаларининг қайтарилишидан норози бўлсалар МББга апелляцияга топшириш имкониятига эга бўладилар;

4) МББга тақдим этиладиган апелляция розиликка эришилмаган ҳолларда Президентга берилиши мумкин;

5) Президент томонидан қабул қилинадиган қатъий қарорларга биноан агентликлар ўзлари тақдим этган бюджетни ушбу қарорларга мувофиқ равишда зудлик билан кўриб чиқишлари шарт. Ундан сўнг бюджет Конгрессга ва жамоатчиликка тақдим этиш учун расмийлаштирилади.

Бюджетнинг каттагина қисми ўзида амалдаги қонунчиликка мувофиқ маблағларга бўлган талаблар ҳисоб-китобини акс эттиради. Худди 4–В-намунада кўрсатилганидек бюджетдаги бюджет ваколатларининг тахминан ярми Конгресс қарорисиз ҳам барча учун очиқ бўлиб қолмоқда.

Президент ҳар йили 15 июлга қадар сўнгги ўзгаришларни (мамлакат иқтисодий аҳволидаги ўзгаришлар, қонуний қарорлар ва бошқа омилларни акс эттирувчи) ҳисобга олган "Mid-Session Review" деб номланувчи (сўзма-сўз таржима қилинганда "ўрта сессияда кўриб чиқиш" ёки "сессияларараро кўриб чиқиш" деган маънони англатади) бюджетни тақдим этади. Президент ўз тавсияларини йил давомида исталган вақтда қайта кўриб чиқиши мумкин. Конгресс қарор қабул қилгунига қадар киритилган ўзгартиришлар бюджетга оид тузатишлар сифатида тақдим этилади. Конгресс томонидан маблағларни ажратиш бўйича қарор қабул қилиб бўлинганидан кейин қўшимча маблағ ажратишга талаб қўшимча буюртмалар сифатида тақдим этилади.

Бюджет Конгрессга тақдим этилганидан кейин Президент ва МББ муҳим, бироқ чекланган аҳамиятга эга бўладилар. МББ мутахассислари ва Президентнинг бошқа маслаҳатчилари Конгресс қўмиталари олдида умумий сиёсат ва иқтисодий масалаларни муҳокама қиладилар. Агентликлар зиммасига Конгрессда эшитишлар вақтида дастурлар бўйича Президент тавсияларини ҳимоя қилиш жавобгарлиги юклатилган.

8-чизма

ФЕДЕРАЛ АГЕНТЛИКЛАРНИНГ БУЮРТМАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ТАСДИҚЛАШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ



Агентликлар ўзларининг эмас, балки Президент тавсияларини тасдиқлашлари керак. МББ агентлик томонидан бюджетнинг тасдиқланиши, унинг гувоҳлиги ва бошқа тушунчаларининг Президент сиёсатига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида мукаммал ишлаб чиқилган қонуний тартиблаштириш жараёнини амалга ошириши кўзда тутилган. Бироқ маблағлар ажратиш жараёнининг қисм-қисмларга бўлиб ташланган таркиби ва Конгрессда тинглашлар вақтидаги ўзаро ҳамкорлик баъзан агентликларга айрим масалалар бўйича Оқ Уй изнидан мустақил ҳаракат қилиш имконини ҳам беради.

Одатда Президент бюджети Конгрессга тақдим этилгандан кейин тахминан бир ой ўтганидан сўнг КББ томонидан ўз иқтисодий ва техник тахминларига асосланган ҳисоб-китоблари асосида бюджет ишлаб чиқилади. 4–Г-намунада кўрсатилганидек, баъзан КББ, агарда Президент бюджети таклифлари кучга кирганда улар КББ прогнозларидан ҳам юқорироқ тақчиллик даражасини келтириб чиқариши мумкинлигини исбот қилади.

Сўнгги йилларда бир неча омиллар Президентнинг Конгресс томонидан бюджетнинг ишлаб чиқилишида анчагина фаол иштирок этишини таъминлаб берди. Улардан бири ГРХ қонунига биноан харажатлар устидан назорат қилиш ва тақчилликни қисқартириш жараёни бўлиб, унда Президентдан Конгрессни келгуси молия йилига прогноз қилинаётган тақчиллик даражаси; кутилаётган дискрецион харажатлар лимитлари тўғрисида хабардор қилиб туриш талаб қилинади. Бошқа омиллар эса бюджет юзасидан Президент маслаҳатчилари билан Конгресс етакчилари ўртасидаги ўзаро муҳокамалардан иборатдир.

4.3. ПРЕЗИДЕНТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИГА ОИД ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛ ҲИСОБОТИНИНГ МОҲИЯТИ

Бюджет ялпи харажатларининг ҳажми кўпинча Ялпи Миллий Маҳсулотнинг 20 фоизидан ортиғини ташкил қилиши сабабли Президент бюджетни тузиб чиқиш лайтида иқтисодий ҳолатни ва Ҳукумат сиёсатининг нархларга, аҳолининг бандлик даражасига, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларга нисбатан кутилиши мумкин бўлган таъсирини инобатга олиши лозим.

Мазкур шарт-шароитни эътиборга олган ҳолда Президентнинг бюджетномаси келгуси 2 календарь йилига бўлган иқтисодий аҳвол истиқболини (4–Д-намунага қаранг) ўзида акс эттиради. Унда, шунингдек, анчагина узоқ давр учун кутилаётган иқтисодий аҳвол истиқболи ҳам ўз аксини топади. Шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу

истиқболлар ҳисоби ва тахминларда келгуси йилларда иқтисодий аҳволнинг барқарор яхшиланишига мойиллик кузатилмоқда. Бюджет босиб чиқарилганидан сўнг Президент Конгрессга Президент ҳузуридаги Иқтисодий маслаҳатчилар кенгашининг ҳар йилги шарҳини ҳам ўзида акс эттирадиган ҳар бир йил учун бўлган Иқтисодий шарҳни тақдим этади. (4–Е-намуна Президент бюджети лойиҳаси билан солиштирилган ҳолда тузиб чиқилган КББнинг бюджет лойиҳасини акс эттирган).

Бюджет кўп жиҳатдан иқтисодий ўсиш даражасига, нархларнинг, фоиз ставкаларининг ўзгаришига ва ишсизлик даражасига боғлиқдир. Ҳақиқатдаги ва прогноз қилинаётган иқтисодий аҳвол ўртасидаги фарқ харажатлар ва даромадлар ҳажмларининг бюджетда режалаштирилган ҳажмлардан кескин фарқ қилишига олиб келади. Даромадларнинг келиб тушиши, айниқса, мамлакатдаги иқтисодий фаоллик даражасига узвий боғлиқ; харажатлар эса бевосита фоиз даражаларига боғлиқдир. 4–Ж-намуна 1991–1995 молия йилларига оид бюджет кўрсаткичларига иқтисодий ҳолатнинг бошланғич ва қайта кўриб чиқилган истиқболлари ўртасидаги ўзгаришларнинг қандай таъсир кўрсатганлигини кўрсатади. 1991 молия йилида ўзгарган иқтисодий аҳвол 21,6 миллиард доллар миқдоридаги қўшимча харажатларга ва даромадларнинг 49,4 миллиард долларга қисқартирилишига олиб келди ва бунинг натижасида тақчиллик 71,0 миллиард долларга ошиб кетди.

Иқтисодий шарт-шароитлар бюджетнинг истиқбол кўрсаткичларидан фарқ қилишига таъсир кўрсатувчи ягона омил бўлиб ҳисобланмайди. Сиёсий қарорларнинг қабул қилиниши ва бюджетнинг тайёрланиши вақтидаги техник ҳисоб-китоблар билан янгиланган маълумотлар олинганидан кейин амалга оширилган ҳисоб-китоблар ўртасидаги фарқлар ҳам номувофиқликларга сабаб бўлиб хизмат қилади.

Бюджет лойиҳасининг анчагина қисмини иқтисодий вазиятга мувофиқлаштириш автоматик равишда Президент ёки Конгресс қарорларисиз амалга оширилади. Бюджет даромадлари тушумлари суст иқтисодий фаоллик пайтида қисқартирилади ва иқтисодий вазият яхшиланиши билан кўпайтирилади. Турли хил индексация қилинадиган дастурларнинг харажатлари нархларнинг ўзгаришига мувофиқлаштирилади, фоиз тўловлари эса бевосита ўзгариб турувчи фоиз даражаларига боғлиқдир. Вақти-вақти билан Президент сўнгги янгиланган иқтисодий параметрлар ва бошқа маълумотларни ҳисобга олган ҳолда бюджет лойиҳасининг қайта кўриб чиқилган вариантини эълон қилади. КББ ҳам ўзгариб турувчи иқтисодий аҳволни ҳисобга

олган ҳолда Федерал даромадлар ва харажатлар ҳажмларини қайта кўриб чиқади.

4.4. ПРЕЗИДЕНТНИНГ БЮДЖЕТНОМАСИДА КЕЛТИРИЛГАН АХБОРОТ ТАРКИБИ

Президент бюджети умумий бюджет снёсати, алоҳида дастурлар ва ҳисоб-рақамларга тегишли бўлган турли маълумот ва ахборотни ўзида акс эттиради. Бюджет сўровномаларини таҳлил қилиш учун зарур йўриқномалардан бири уларнинг асосий истиқбол ҳисоб-китоблари билан солиштиришдан иборат (4–3-намунага қаранг). Бюджет ваколатлари ва харажатларига оид прогноз ҳисоб-китоблари жорий вазиятдаги ўзгаришларни ҳисобга олмай тузиб чиқилади. Прогноз ҳисоб-китоблари йиғма ёки анча батафсил тарзда келтирилади.

Бюджетнинг ҳар бир ҳисобварағи бўйича батафсил ахборот Президент бюджетномасида келтирилади. Президент бюджетномаси ҳар бир ҳисобварақ бўйича маблағларнинг ажратилиши ҳақидаги маълумотларни (4-И-намунага қаранг) ва дастурлар ҳақидаги батафсил маълумотларни (4-К-намунага қаранг) ўз ичига олади.

Маблағларни ажратиш ва дастурларни молиялаштириш тўғрисидаги шарҳ баён қилиб бўлинганидан кейин бюджетномада 4–Л ва 4–М-намуналарида кўрсатилганидек ҳар бир ҳисобварақка оид "Дастур ва молиялаштириш жадвали" бўйича маълумотларни келтирилади. Бу жадвал дастурларни ва ҳисобварақларни молиялаштириш манбаларини кўрсатади ва ҳар йилги мажбуриятларни харажатларга боғлайди. *Бюджетномада,* шунингдек, ҳар бир ҳисобварақ бўйича ахборот харажатларнинг турлари бўйича кўрсатилади (4–Н-намунадаги мисолга қаранг).

Президент бюджетномасида келтирилган стандарт жадваллар тасдиқланган харажатларни сарф қиладиган ҳисоб-рақамлар учун тузиб чиқилади. Махсус жадваллардан Федерал ҳукумат кредитларни берадиган ёки кафолатлайдиган кредит битимлари учун фойдаланади. Махсус жадваллар тижорат операциялари ва маблағларнинг ажратилиши кўзда тутилмайдиган турли ҳисобварақалар бўйича ҳам келтирилади.

4.5. ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ СЕКВЕСТРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАОМИЛЛАРИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Секвестр (қисқартириш)ни дастлабки кўриб чиқиш бўйича шарҳ "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонунда ўз аксини топган бюджет жараёнини бошқаришнинг иккита асосий механизмини амалга ошириш учун муҳим маълумотларни ўзида акс эттиради:

Дискрецион харажатлар. Жорий йилга ва кейинги жами беш йил учун бўлган Президент бюджетидаги кутилаётган тузатишларга ва секвестр бўйича сўнгги шарҳ чиқарилганидан кейин (Конгресс ишида танаффус эълон қилинганидан кейин 15 кун ўтгач) киритилиши мумкин бўлган тузатишларга асосланган дискрецион харажатларнинг қайта кўриб чиқилган лимитларидан иборатдир.

Pay-as-you-go. Агар тақчиллик миқдорининг ошиши режалаштирилаётган бўлса, у ҳолда шарҳ (агарда Конгресс ва Президент тақчилликни қисқартириш учун ҳеч қандай чораларни кўрмаса) бунинг олдини олиш учун мажбурий дастурларни қанча фоизга қисқартириш мумкинлигини ўзида мужассамлаштириши керак.

Секвестрни дастлабки кўриб чиқилишини шарҳлашдан мақсад Конгресс ва Оқ Уйни келгуси йилда қанча маблағ сарфлашлари мумкинлиги ёки секвестрга йўлиқмаслик учун ўтган йил қонунчилиги бўйича харажатларни қоплаш учун қанча маблағ сарфлашлари кераклигини аниқлаб олишлари учун уларга зарур бўладиган ахборот билан таъминлаш ҳисобланади.

4.6. БЮДЖЕТ СЕКВЕСТРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА КОНГРЕСС ШАРҲИНИ ТАЙЁРЛАШ

Секвестрлаштиришнинг дастлабки кўриб чиқилишига оид шарҳ бюджет жараёни бошидаги ишларнинг молиявий ҳолати шарҳини ўзида мужассамлаштиради. Унинг зарурийлиги шундаки, айрим қонун ҳужжатларининг харажатлар ва даромадларга таъсири келажакда бир неча йилларга чўзилиб кетади. ББҚ талабларига биноан қонун чиқарувчилар ушбу таъсирга акс таъсир кўрсатиш учун қандай хатти-ҳаракатларни қўллашлари кераклигини билишлари лозим.

Конгресснинг Бюджет бошқармаси ўз шарҳини чиқарганидан кейин беш кундан кечиктирмай Маъмурий-бюджет бошқармаси секвестрни дастлабки кўриб чиқиш бўйича ўз шахсий шарҳини эълон қилиши керак. Маъмурий-бюджет бошқармаси жумладан, ўз рақамли маълумотлари билан Конгресснинг Бюджет бошқармаси рақамли маълумотлари ўртасидаги фарқ юзасидан тушунтиришни ҳам тақдим этиши лозим. Бироқ бюджет жараёнининг бошқа барча босқичларидаги каби Маъмурий-бюджет бошқармасининг маълумотлари ҳам бюджет жараёнининг барча қатнашчилари учун мажбурий бўлиб ҳисобланади ва бутун йил давомида фойдаланилади. Маъмурий-бюджет бошқармасининг Федерал бюджетни дастлабки кўриб чиқиш натижалари бўйича шарҳи Президент ўзи таклиф этаётган бюджетни Конгрессга тақдим этадиган куннинг ўзида тақдим этилиши лозим.

Мазмун жиҳатидан Президент бюджети бюджет жараёнининг

амалга оширилиши учун қолган давр давомида фойдаланилиши керак бўлган иқтисодий истиқболни мужассамлаштиради. Президент бюджети, шунингдек, дискрецион харажатларнинг тузатиш киритилган лимитини ўз ичига олади. Агар 15 апрелга қадар Конгресс ўз бюджет лойиҳасини қабул қилмаса, Президент бюджети ҳисобида бўлган лимит молиявий қонун лойиҳалари юзасидан мунозаралар бошланиши учун Ассигнациялар бўйича қўмиталар маблағлари билан таъминланиши учун сарфланилиши мумкин.

Бюджет лойиҳасини Конгрессга тақдим этишнинг чекланган муддатидан ташқари Президент маъмурияти томонидан маълум бир қарорларни қабул қилиш учун қонунчиликда белгиланган бошқа муддатлар мавжуд эмас.

Бундан ташқари, бюджет жараёнининг амалга оширилиши пайтида қабул қилинадиган қарорларнинг нисбий аҳамияти йилдан-йилга ва идорадан-идорага ўтишда анча ўзгариб боради. Бу аҳамиятлилик шахсларга, сиёсий тажрибага ва қарорларни қабул қилувчи масъул шахсларнинг маълум даражада таъсир ўтказа олишига ҳам боғлиқ. Бир идора (департамент), масалан, яна бир бошқа идора навбатдаги кўриб чиқишни талаб қилиши ёки тўғридан-тўғри Президентга апелляцияга топшириши мумкин бўлган бир вақтда Маъмурий-бюджет бошқармаси қарорига розилик билдиришдан бошқа ҳеч қандай йўл топа олмаслиги ҳам мумкин.

Шу билан бир қаторда "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун Президент бюджет лойиҳасини тузиб чиқиш вақтида риоя этиши лозим бўлган бир нечта талабларни белгилаб беради. Мисол учун, 1995 молия йили давомида Президент бюджети таркибига киритиладиган тақчиллик бир йил учун белгиланган энг юқори чегарадан ошиб кетмаслиги, шунингдек 1998 молия йили мобайнида эса дискрецион харажатлар белгиланган лимитлардан ошмаслиги лозим эди.

Президент томонидан тақдим қилинадиган бюджет Конгрессга таклиф ҳисобланади. Мантиқан унга доир мунозаралар ўтказилиши, унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Конгресс эса ўз муҳокамалари вақтида уни кейинги саккиз ёки тўққиз ой давомида қолдириб келиши мумкин. Бироқ амалиётда АҚШ Конгрессининг бюджетга оид фаолияти, расмийми ёки норасмийми, Президент бюджетини мунозараларнинг асосий нуқтаси қилиб қабул қилади. Шунингдек, Президент бюджетининг тузиб чиқилиши вақтида қабул қилинадиган кўпчилик муҳим қарорлар, одатда тушунмовчиликлар, қизиқишнинг, одамлар ёки вақтнинг йўқлиги сабабли Конгресс томонидан кўриб чиқилмайди.

Шундай қилиб, Конгресс бюджет жараёнининг турли босқичларида Президент бюджетини ўзгартириш учун кўплаб турли тадбирларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлса-да, маблағларнинг сарфланиши юзасидан кўпчилик қарорларнинг қабул қилинишида кўпинча бюджетнинг Президент лойиҳаси устуворликка эга бўлади.

Конгрессда Президент бюджети бўйича тинглашлар, умуман олганда, деярли барча Қўмиталарда мазкур лойиҳани ҳимоя қилиш учун, одатда маъмурият амалдорлари сўзга чиққанликлари учун ҳам унинг аҳамиятини янада оширади.

Тўғри, жамоатчилик фикрини чуқурроқ ишлаб чиқиш ва шакллантириш мақсадида Президент маъмурияти кўпинча тегишли Қўмиталарда маъруза қилиш имконига эга бўлгунига қадар Президент бюджетини ҳимоя қилувчи Оқ Уйнинг етакчи раҳбарлари (масалан, Маъмурий-бюджет бошқармаси раҳбари, Иқтисодий маслаҳатчилар кенгаши раиси, Миллий иқтисодиёт кенгаши раҳбари, Ғазна котиби)нинг Конгрессда сиёсий томошаларини ўтказиб туради. Ушбу тинглашлар Президент бюджети Конгрессга топширилганидан кейин дастлабки бир неча кун ёки ҳафта давомида бўлиб ўтади (9-чизмага қаранг).

4.7. ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ ПРЕЗИДЕНТ ЛОЙИҲАСИНИ ТИНГЛАШГА ТАЙЁРЛАШ

Конгрессда Президент бюджети бўйича тинглашлар иккита турли йўналиш бўйича бўлиб ўтади. Бюджет бўйича қўмиталар, умуман, бюджетни кўриб чиқиш юзасидан тинглашларни ўтказадилар. Президент маъмурияти раҳбарларини тинглаш билан бир қаторда Қўмиталар четдан таклиф этилган иқтисодчиларнинг тўғри солиқ-бюджет сиёсатининг қандай бўлиши тўғрисида; бюджетнинг аниқ жиҳатлари билан қизиқадиган манфаатдор гуруҳларнинг; Президент бюджетини ҳар томонлама профессионал жиҳатдан таҳлил қилишлари талаб қилинадиган Конгресснинг Бюджет бошқармаси мутахассислари каби манфаатдор иштирокчиларнинг ҳам билдирган фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутади.

Ассигнацияларни санкциялаш бўйича қўмиталар, Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталар ва Конгресснинг Солиқ йиғимлари бўйича қўмиталари ўзларининг ваколатлари доирасига кирувчи бюджетнинг аниқ қисмлари юзасидан тинглашларни ўтказадилар. Унда улар дастурларини кўриб чиқишлари лозим бўладиган ҳукумат раҳбарлари; мазкур дастурларга алоқадор бўлган гуруҳлар вакиллари ва Конгресснинг бошқа аъзоларини тинглашга ҳаракат қиладилар.

1974 йилда Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни қабул қилингунига қадар мазкур тадбир кўплаб ойлар давомида амалга оширилар эди. Хусусан, Ассигнациялар бўйича қўмиталар ҳам ҳар бир идора ва бошқарманинг бюджет маблағлари ажратишга буюртмаларини кўриб чиқишга кўп вақт сарфлар эдилар. Бу каби сатрма-сатр кўриб чиқишнинг яхши томони шунда эдики, Конгресс харажатлар сметаларини синчиклаб текшириб чиқиш имкониятига эга эди. Бироқ бу иш ҳаддан зиёд кўп вақтни оларди, бунинг натижасида эса ассигнациялар (маблағлар)ни ажратиш бўйича қонун лойиҳалари кўпинча молия йили бошлангунга қадар кучга киришга улгурмас эди. Шундай ҳоллар ҳам бўлган эдики, молия йили бошланиб бўлган бўлса-да, ушбу қонун лойиҳалари ҳали-ҳамон қабул қилиниб бўлмасди.

Мазкур камчиликни бартараф қилиш мақсадида "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги янги қонун доимий амал қилиб келувчи барча Қўмиталар ва Иқтисодиёт бўйича Қўшма Қўмитани Президент бюджети лойиҳаси Конгрессга топширилганидан кейин олти ҳафтадан кечиктирмасдан Президент бюджети бўйича "шарҳловчи-баҳоловчи" материалларни тақдим этишга мажбурлайди.

Шундай қилиб, 1997 календарь (молия эмас) йилида Конгресснинг ҳар бир Қўмитаси олти ҳафта ичида, илгарилари олти ой ёки ундан кўп вақтни олиши мумкин бўлган ишнинг каттагина қисмини ниҳоясига етказиши керак эди. Конгресс қўмиталарининг кўпчилиги йилнинг бу вақтида фақатгина сешанба, чоршанба ва пайшанба кунларигина кенгаш ўтказишини ҳисобга олганда ва унинг ишида Линкольн ва Вашингтоннинг туғилган кунлари шарафига белгиланган байрам кунлари учун дам олиш кунлари жорий қилинганлиги сабабли Президент бюджетини кўриб чиқиш учун амалда олти ҳафтадан кам вақт қолади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир Қўмита тақдим этилган бюджет лойиҳасини синчиклаб кўриб чиқиши даражасини анча чегаралаб қўяди. Бунда Қўмиталарнинг "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллари уларнинг кўплари учун ушбу сессиянинг бориши вақтида улар режалаштираётган хатти-ҳаракатларнинг оддий прогнозини акс эттиргани сабабли боғловчи мажбуриятлар бўлиб ҳисобланмайди. Кўриб чиқилаётган шарҳлар, шунингдек, Президент тавсияларига мувофиқликлар ва ундан чекинишларга оид маълумотларни ҳам ўзида жамлайди. Уларда бошқа нарсалар билан бир қаторда, Президент бюджети лойиҳаси таркибига киритилмаган Қўмиталарнинг ташаббуслари ҳам кўрсатилади.

9-чизма

БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИ АҚШ КОНГРЕССИДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ



4.8. АҚШ КОНГРЕССИ ВА СЕНАТИ ҚЎМИТАЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТ БЮДЖЕТИНИНГ ШАРҲИ ВА БАҲОЛАШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Қўмиталарнинг шарҳ ва баҳолашлари, одатда Конгресснинг Президент таклифига биринчи расмий жавоби бўлиб, ушбу бюджетдан четга томон ташланган илк қадам бўлиб ҳисобланади.

Бироқ Қўмитадан Қўмитага ўтиши вақтида бюджет бўйича шарҳларнинг ҳақиқий қиймати жуда ўзгариб кетади. Айрим Қўмиталар уларнинг шарҳларига киритилган аниқ масалалар юзасидан овоз бериш учун йиғиладилар ва улар юзасидан шарҳ таркибига батафсил ёрдамчи материаллар, асослар ва ҳаттоки Қўмита аъзоларининг камчилик қисмининг кўпчилик тутган йўналишга қарши бўлган ёки кўрилган масалалар юзасидан ўз позицияларини ажратиб кўрсатишни хоҳловчи қўшимча фикр-мулоҳазалари ва нуқтаи назарлари ҳам илова қилинади. Қўмиталар харажатлар устуворликларини белгилаш ва ўзларининг Бюджет бўйича тегишли қўмиталарига аниқ ҳаракатлар бўйича йўналишлар тақдим этишга интиладилар.

Бошқа Қўмиталарда эса мазкур босқичдаги ҳар қандай қарорлар ноўрин бўлади ва келажакда уларнинг танлаш эркинликларини чегаралаб қўяди деб тахмин қилган ҳолда бу каби чора-тадбирларни кўрмайдилар. Бу каби Қўмиталар томонидан тақдим этиладиган Президент бюджетига оид шарҳларда ҳеч бир ҳисоблаб чиқишлар ва асосларсиз, шунчаки Қўмита ходимларининг фикр-мулоҳазаларигина берилади, холос.

Шунга қарамай, бюджет жараёнининг бориши пайтида "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллар кўп ҳолларда юзаки кўриб чиқилади ва етарлича баҳоланмайди. Ушбу шарҳлар Ассигнацияларни санкциялаш бўйича қўмиталар, Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталар ва Солиқ йиғимлари бўйича қўмиталарни Президент бюджетини кўриб чиқиш ва бошланғич қарорларни тезкорлик билан қабул қилишларига мажбурлайди. Улар Бюджет бўйича қўмиталарни бошқа Қўмиталарнинг мақсадларига мувофиқ ҳаракатланишга оид қўлланма билан таъминлайдилар. Кўпинча Қўмиталарга вақтнинг етишмаслиги сабабли уларнинг бевосита ваколатлари доирасига алоқадор бўлган масалалар белгилаб берилади.

Бошқа тарафдан, ушбу шарҳловчи материаллар Қўмиталарни ҳеч қандай мажбуриятлар билан боғлаб турмаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Йил бошида муҳим аҳамият касб этмаган масалалар вақт ўтгач катта баҳсларга сабаб бўлиши ва бюджет масалалари бўйича тинглашларда уларнинг нуқтаи-назарларини ўзгартириб юбориши мумкин. Шунингдек, вақт танқислиги сабабли Президент бюджетининг кўп қисми юзасидан Конгрессда мунозаралар ўтказилмай-

ди; "шарҳловчи-баҳоловчи" материалларда келтириб ўтилган масалаларнинг анчагина қисми ҳам на алоҳида Қўмиталар, на Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг тўлиқ таркиби томонидан кўриб чиқишга улгурилмайди.

Бунинг натижасида эса, бюджет жараёнида аниқ бир банд ёки дастур бюджет таркибига қанчалик тез киритилса, уларнинг у ерда қолиши учун кўпроқ имконият бўлади. Масалан, агар бирон-бир федерал муассасанинг хусусийлаштирилишига оид таклиф Президент бюджети таркибига киритилган бўлса, шунингдек, Ассигнациялар бўйича қўмиталарнинг "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллари таркибига ҳам киритилган бўлса, у ҳолда хусусийлаштиришнинг охирокибатда содир бўлиши эҳтимоли анчагина ортади. Ва аксинча, бу каби дастур Президент бюджети таркибига киритилмаган ва "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллар таркибидан чиқариб ташланган бўлса, у ҳолда уни молиявий қонун лойиҳалари таркибига кейинроқ қўшиш анчагина мураккаб кечади.

Шу билан бир вақтда Президент бюджетининг фақат таклиф бўлибгина ҳисобланиши, "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллар ҳеч нарса билан ва ҳеч кимни мажбур қилмаслигига қарамай, бўлғуси бюджетнинг татбиқ этилиши билан боғлиқ иккала ҳужжатнинг тузиб чиқилиши вақтида (норасмий бўлса-да) муҳим бюджет қарорлари қабул қилиниши мумкин ва қабул қилинмоқда.

"Шарҳловчи-баҳоловчи" шарҳлар Қўмиталар томонидан мазкур масала юзасидан бирон-бир алоҳида тинглашларни ўтказмайдиган Бюджет бўйича тегишли қўмиталарга тақдим этилади. Чунончи, Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Бюджет бўйича қўмиталари 1988 йилда улар томонидан 1997 молия йили учун олинган шарҳлардан бир йиғма жилд ҳосил қилдилар ва ундан Конгресснинг бошқа аъзолари ва жамоатчилик ҳам фойдаланишига йўл қўйдилар.

Матбуот тарафидан мазкур "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллар алоҳида қизиқиш туғдирмайди. Бунинг натижасида эса ушбу материаллар Конгресснинг бюджет лойиҳаси тузиб чиқилиши босқичида Бюджет бўйича қўмиталарнинг кўриб чиқиш предмети бўлиб қолмоқда.

4.9. ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

АҚШ Конгресси бюджетнинг тузилишида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИҲТТ) аъзо мамлакатлардаги қонун чиқарувчи ҳокимиятга қараганда анчагина фаол ва кўпинча анча мустақил аҳамият касб этади. Конгресс Президент таклифларини кўриб чиқади ва уларни тасдиқлайди ёки кўринишини ўзгартиради.

ёки маъқулламайди. У харажатларнинг ҳажмларини ўзгартириши, алоҳида дастурларни ўзгартириши ёки Президент томонидан кўзда тутилмаган дастурларни қўшимча қилиши мумкин. У солиқлар ва бошқа тушумлар манбаларини қўшиб бериши ёки уни бекор қилиши, ёки тушумларнинг ҳажмига таъсир кўрсатувчи бошқа ўзгартиришларни киритиши мумкин.

Конгресс бюджетни қандай бўлса, шундайлигича эълон қилмайди. Бунинг ўрнига бюджет турли хилдаги бир нечта қонун ҳужжатлари шаклида эълон қилинади. Конгресс томонидан бажариладиган таомиллар, одатда ўз ичига санкциялаш жараёнини, алоҳида йиллик келишишлар жараёнини ва чекловчи бюджет лойиҳаси жараёнини олади.

Санкциялаш жараёнида аниқ масалалар юзасидан маълум ваколатларга эга бўлган тегишли Қўмиталар Конгресснинг иккала Палатасига амалдаги қонунчилик ва ваколатларни келишиш бўйича қонунчилик таҳлилини топширадилар. Амалдаги қонунчилик Президент Маъмурияти Агентликлари томонидан ишлаб чиқилиши мумкин. Агентликлар ваколатлари доирасига меъёрий-қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, дастурларни ишлаб чиқиш, маълум функцияларни амалга ошириш юзасидан ваколатлар бериш киради, шунингдек, айрим ҳолларда кейинчалик келишищ учун тақдим қилинадиган харажатлар лимитларини белгилаш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Айрим истисноларни ҳисобга олмаганда амалдаги қонун ҳужжатлари айрим ҳолларда ушбу лимитлар миқдори катта бўлишига қарамай, молиялаштириш ҳажмига чеклашларни белгилайди.

Молиялаштириладиган дастурларнинг кўпчилиги ноаниқ вақтга ёки аниқ бир неча йилларга белгиланади (санкцияланади). Бундай ҳолларда фаолият юритиб келаётган Қўмиталар тасдиқланган йиллик қонун ҳужжатларини дастурлар устидан назоратни ижро этиш мақсадида тақдим этишлари лозим. Айни дамда ядровий энергия, коинотни ўзлаштириш, мудофаа, ташқи ишлар бўйича кўпчилик дастурлар ва айрим қурилиш дастурларининг ижро этилиши йиллик санкциялашни талаб қилади.

Келишиш натижаси бўлиб Федерал агентликларга мажбуриятларни ўз зиммаларига олиш ва маблағларни маълум бир мақсадлар йўлида сарфлаш имконини берувчи келиштирувчи далолатнома ҳисобланади. Келиштирувчи далолатномадан кейин, одатда қонунчилик ҳужжати амалга киритилади. Бироқ айрим ҳолларда маблағлар амал қилиб келаётган қонун ҳужжатлари асосида ҳам ажратилиши мумкин.

Келишиш жараёнида Конгресс харажатлар даражаси юзасидан тўғридан-тўғри овоз бермайди. Овоз бериш бюджет ваколатлари, тез-

кор тўловларга ёки келажакда тўлашларга олиб келувчи бошқа ваколатлар бўйича ўтказилади.

Кўпчилик Федерал дастурлар учун бюджет ваколатлари фақатгина Конгресснинг келишувлари асосида ҳар йили тақдим этилади. Ҳозирги вақтга келиб дискрецион дастурларнинг кўпчилиги (кўпчилик агентликларнинг умумий жорий харажатлари миқдори ҳам шулар сирасига киради) ҳар йилги келишувдан ўтказилади.

Айрим ҳолларда Конгресс маблағлар ҳар йили Конгресс томонидан келиштиришларсиз тасдиқланадиган доимий бюджет ваколатларини беради. Траст фондларга оид кўпчилик келишувлар доимий ҳисобланади, улар сирасига, масалан, Ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш киради. Давлат қарзи юзасидан фоизларни тўлаш бўйича келишувларга оид бир қатор Федерал келишувлар ҳам доимий ҳисобланади. Сўнгги йилларда бюджет ваколатлари кўпроқ Конгресснинг жорий фаолияти орқали амалга ошириладиганларига қараганда доимий амал қилиб келувчи келишувларга берилмоқда (1-диаграммага қаранг). Бошқа томондан, муттасил амал қилувчи келишувлар юзасидан амалга ошириладиган тўловлар ўтган йилларда зиммасига юкланган мажбуриятлар юзасидан амалга ошириладиган тўловлар билан биргаликда исталган йилга оид умумий тўловларнинг кўпчилигини ўзида мужассамлаштиради. Бинобарин, ҳар қайси йилга оид тўловларнинг кўпчилиги ушбу йилга оид келиштирувчи ҳаракатлар воситасида назорат қилинмайди.

1-диаграмма

1969 ЙИЛГА ФЕДЕРАЛ ХАРАЖАТЛАР

(млн. долларда)



1995 ЙИЛГА ФЕДЕРАЛ ХАРАЖАТЛАР

(млн. долларда)



2003 ЙИЛГА ФЕДЕРАЛ ХАРАЖАТЛАР



Бундан ташқари, Конгресс бюджет юзасидан чекловчи қарорни қабул қилади. 1974 йилдаги Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни асосида белгиланган ушбу таомил бўйича Конгресс якка тартибдаги келишувлар бўйича ҳаракатлар ниҳоясига етказилгунига ва маблағлар олингунига қадар бюджет кўрсаткичларини кўриб чиқади. Қонун Конгресснинг ҳар бир Қўмитаси, Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Бюджет қўмиталаридан бюджет бўйича баҳолашларини Президент Маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган Бюджет олинганидан кейин етти ҳафта ичида тақдим этишларини талаб қилади. Режа бўйича 15 апрелга қадар қабул қилиниши лозим бўлган бюджет лойиҳасида даромадлар, харажатлар (тўловлар) ва бюджет ваколатларининг кўрсаткичлари функционал тоифалар бўйича кўрсатилади.

Бюджет лойиҳаси қонун ҳисобланмайди ва шунга кўра Президент томонидан тасдиқланиши ҳам талаб этилмайди. Бироқ қонун ҳужжатларининг Конгресс бюджет йўл-йўриқларига мувофиқ келиши ва Президент томонидан маъқулланиши учун Конгресс етакчилари билан Президент Маъмурияти ўртасида мунозаралар бўлиб ўтади. 1991 йилга қадар айрим бюджетлар бўйича Президент ва Конгресснинг бирлашган етакчилари тақчилликни қисқартириш бўйича режа доираларини расман келишиб олар эдилар. Ушбу Бипартизан Бюджет келишувлари номи билан танилган келишувлар ўша йилларда бюджетни тасдиқлашга оид қонун ҳужжатларида акс эттирилган эди. Бу каби келишув жараёни 1991–1995 молия йилларига харажатларни режалаштирган 1990 йил бюджети ижроси тўғрисидаги қонун амалга киритилиши вақтида амалга оширилган эди.

Конгресс томонидан даромадлар тўғрисидаги қонунларни мувофиқлаштириш ва ўзгартиришларга оид талабларнинг кўриб чиқилиши, одатда Вакиллар Палатасида амалга оширилади. Қўшма Штатлар Конституцияси даромадларга баҳо беришни Сенатга тақдим этишдан олдин Вакиллар Палатаси орқали ўтказилишини талаб этади. Шу билан бир қаторда, келиштирувчи қонун лойиҳалари ҳам Вакиллар Палатасида ишлаб чиқилади ва Сенатга тақдим этилгунича барча босқичлардан ўтади. Бироқ баъзан Сенат келиштирувчи қонун лойиҳаларини улар Вакиллар Палатасида бошлангунига ёки унга оид ҳаракатлар ниҳоясига етказилгунига қадар ҳам ишлаб чиқаверади.

Вакиллар Палатасининг келиштирувчи қўмиталари келишувларга оид сўровномаларни ўрганиб чиқадилар, ҳар бир агентлик бўйича бюджетнинг ижросини бирма-бир ўрганиб чиқадилар ва Келиштирувчи қўмиталарга харажатлар даражаси юзасидан ўз тавсияларини тақдим этадилар. Бюджетни молиялаштириш бўйича Вакил-

лар Палатасининг қўмиталари таклиф этилган даромадларга оид баҳолашларни кўриб чиқадилар. Ҳар бир Қўмита сўнгра Вакиллар Палатаси учун ҳаракатланиш тавсияномаларини беради.

Келиштирувчи ва солиқ қонун лойиҳаларининг Вакиллар Палатаси томонидан тасдиқланганидан кейин улар Сенатга жўнатилади. Сенатда Сенатнинг Келиштирувчи кичик қўмиталари ва Сенатнинг Молия қўмитасида ҳам шунга ўхшаш ишлар амалга оширилади. Конгресснинг иккала палатаси ўртасида қонун лойиҳаларининг номутаносиб келиши ҳолларида иккала палата аъзоларини ўз ичига олган Конференция қўмитасида номутаносибликларни бартараф этиш юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтади. Конференция қўмитасининг ҳисоботи иккала палатага маъқуллаш учун тақдим этилади. Ҳужжат маъқулланганидан кейин олдинига Вакиллар Палатасида, кейин эса Сенатда навбатдаги маъқуллаш ёки вето қўйиш учун Президентга тақдим этишга тайёр деб ҳисобланади.

Келишув ҳаракатлари молия йили бошланишига қадар ниҳоясига етказилмаган ҳолларда Конгресс молиявий операцияларни белгиланган санагача ёки уларнинг оддий келишувлари амалга киритилгунига қадар давом эттириш ҳуқуқини берувчи давомий қўшма қарорини жорий этади. Давомий қарор ҳам Президентга маъқуллаш ёки вето қўйиш учун тақдим этилади.

Сўнгги бир неча йил мобайнида Конгресс келиштириш бўйича қонуний ҳужжатларга кўплаб тузатишларни киритган, кўпгина келиштирувчи далолатномани тасдиқлаган, бу эса охир-оқибатда харажатлар (тўловлар) ва тушумлар ҳажмига ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлди.

4.10. ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИНГ ДАСТУРЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ

Федерал ҳукумат, Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўп режалидир. Ижтимоий суғурталаш ва мудофаа каби айрим йирик харажатлар категориялари бўйича молиялаштириш Федерал ҳукумат ҳисобидан амалга оширилади. Бироқ кўпчилик ҳолларда Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари худди Федерал ҳукумат агентлари каби фаолият кўрсатадилар ва муайян харажатларни молиялаштириш бўйича жавобгарликни ўзаро тақсимлайдилар. Масалан, Штатларнинг кўплари қисман ёки бутунлай Федерал ҳукумат томонидан маблағ билан таъминланадиган йўлларни қурадилар ва уларни сақлаш харажатларини молиялаштирадилар. Тиббий хизмат кўрсатиш ва кам даромадли оилаларга ёрдам каби ижтимоий хизмат кўрсатиш дастурлари бутунлай Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан молиялаштирилади.

Федерал харажатлар (тўловлар)нинг тахминан 47 фонзи тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат ва турар-жой билан таъминлашга ёрдам бериш, шунингдек, аҳолига нақд пул тўловларини молиялаштириш харажатларига тўғри келади. Ижтимоий ёрдамнинг кўпгина қисми Штатлар томонидан баҳоланади ва Федерал ҳукумат ҳамда Штатлар ҳукумати томонидан ёки Штатлар Ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ажратиладиган грантлар ҳисобига молиялаштирилади. Бундай ҳолларда миллий қонун ижтимоий ёрдам дастурларининг умумий тусини белгилаб беради. Штатлар билан қўшимча келишувлар ўрнатилади ва айрим ҳолларда федерал ёрдамни олиш учун белгиланган мезон талабларига тўғри келмайдиган шахслар учун грантлар тўлиқ ҳолда шахсий манбалардан тўланади. Жисмоний шахслар учун барча тўловларнинг 20 фозидан камроғи тест орқали аниқланган эҳтиёжлар асосида тақсимланади. Бу каби тўловларнинг қолган қисми қариялар, бетоб ёки ишсизларга уларнинг даромадларидан қатъий назар тўланади.

Тестдан ўтказишни талаб қилмайдиган кишиларга нафақаларни тўлаш бўйича кўпчилик дастурлар ижтимоий суғурталашга оид махсус солиқлар бўйича келиб тушадиган тушумлар ҳисобига молиялаштирилади. Берилаётган нафақа миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун ёш (пенсия ёши), меҳнатга лаёқатсизлик сабаблари, бандлик мақоми, иш стажи ҳажми ва иш ҳақи миқдори тўғрисида олинадиган маълумотлардан фойдаланилади.

Бюджет маблағлари иккита асосий гуруҳни ўз ичига олади: Федерал жамғармалар ва траст жамғармалар. Федерал жамғармалар (Штатлар ёки маҳаллий ҳокимият органлари бюджетларининг умумий жамғармалари каби) маълум дастурлар ёки агентликларга даҳл қилмайди ва солиқ ҳамда бошқа тушумлар ҳисобига ҳосил бўлади. Мазкур жамғармалардан фойдаланиш, асосан маблағларни ажратиш тўғрисидаги қонунлар асосида амалга оширилади. Траст жамғармаларнинг маблағлари эса, аксинча, аниқ дастурлар ёки олувчиларгагина берилиши Қонун билан чегаралаб қўйилган. Ушбу жамғармаларга маълум бир солиқлар ва йиғимлар келиб тушади. Ижтимоий таъминот жамғармаси траст жамғармалар орасида энг каттаси ҳисобланади. Жамланган бюджет Федерал бюджет билан бир қаторда Траст жамғармаларни (қуйида сўз юритиладиган бюджетдан ташқари муассасалар бундан мустасно) ҳам ўз ичига олади. Траст жамғармаларнинг маблағлари Федерал ҳукумат томонидан қарзга олиниши мумкин ва улар Федерал қарз сифатида ҳисобга олинади. Ушбу маблағлар Федерал қарз таркибига киритилишига қарамай, бюджет тақчиллигини қопласа-да, қарзнинг йил сайин ошиб бориши шакшубҳасиз бюджет тақчиллиги миқдоридан ошиб кетади.

Бюджетда капитал ва жорий харажатлар бўлинмайди. Ҳукумат агентликларини сақлаш учун ажратилган маблағлар ҳам узоқ муддатли активларни (бинолар, йўллар ва қуролланиш тизимлари каби) сотиб олиш учун ажратиладиган маблағлар каби бюджет харажатлари сифатида ҳисобга олинади. Илгарилари айрим ҳолларда бюджет харажатларини капитал ва жорий харажатларга ажратиш таклифлари киритилар эди. Ҳолбуки, ушбу таклифлар қабул қилинмаган экан бюджет Ҳукуматнинг инвестицион ва жорий харажатларини кўрсатувчи турли-туман жадвалларни ўз ичига олади.

Бюджетнинг жамлама кўрсаткичлари Федерал ҳукуматнинг барча молиявий операциялари рўйхатини ўзида акс эттирмайди. Асосий истисноларнинг иккита категорияга: (1) бюджетдан ташқари муассасалар ва (2) Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган корхоналарга бўлинади. Бундан ташқари, бюджет 1990 йилдаги Кредит ислоҳоти тўғрисидаги Федерал қонунда белгиланган ҳисоб-китоб қоидалари асосидаги бевосита ва кафолатланган кредитларни ўз ичига олади.

Қонун бўйича бюджетдан ташқари муассасалар бюджетнинг жамлама кўрсаткичлари таркибига киритилмайди. Ижтимоий таъминот траст жамғармасининг тушумлари ва харажатлари (Қарияларни суғурта қилиш федерал жамғармаси ва Ногиронларни суғурта қилиш федерал жамғармаси) Почта хизматига оид харажатлар сингари бюджетнинг жамлама кўрсаткичлари таркибига киритилмайди. Ушбу харажатлар бюджетда алоҳида кўрсатилади. Бунинг натижасида бюджетда иккита тақчиллик келтирилади: Ижтимоий таъминот ва Почта хизмати Траст жамғармаларисиз бюджет тақчиллиги ва ўз таркибига ушбу муассасаларни олувчи Президентнинг бюджетномасидаги муҳокамаларнинг асосий банди бўлиб ҳисобланувчи "жамланган" ёки умумий тақчиллик.

Давлат корпорацияларининг операциялари (Почта хизмати бундан мустасно) айланма (оборот) жамғармалари каби бюджет таркибига улар сальдосини ҳисобга олиш асосида киритилади. Бошқача айтганда, бюджетда уларнинг тушумлари билан харажатлари ўртасидаги фарқ кўрсатилади, яъни корхона ёки айланма жамғарманинг фаолиятини акс эттирмайди. Масалан, агар айланма жамғарма 150 миллион доллар миқдоридаги йиллик даромадларга ва 200 миллион доллар миқдоридаги харажатларга эга бўлса, у ҳолда бюджет 50 миллион долларни соф харажатлар сифатида ҳисобга олади.

Ҳукумат томонидан молиялаштириладиган корхоналар (ХТМК) хусусий бўлиб ҳисобланганликлари боис ҳам бюджет таркибидан чиқариб ташланади. Федерал ҳукумат кўпчилиги ўз молиявий маблағларини хусусий манбаларидан олувчи ушбу корхоналарнинг ҳеч

қандай мулкига эгалик қилмайди. Улар Федерал ҳукумат томонидан таъсис этилган бўлса-да, уларнинг бюджетлари Президент ёки Конгресс томонидан бошқа дастурлар каби усулда кўриб чиқилмайди. Ушбу корхоналар кредит фаолияти билан шуғулланади. Бу нуқтаи назардан Ҳукумат томонидан молиялаштириладиган корхоналар (10-чизмага қаранг) қуйидагилар ҳисобланади:

Талабалар қарзларининг маркетинги бўйича ассоциация;

Коллежлар қурилишга қарзларни суғурталаш ассоциацияси;

Миллий Федерал ипотека ассоциацияси;

Уй-жойлар қурилишига оид кредит ва ипотека бўйича Федерал корпорация;

Банк кооперативлари;

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш банклари;

Қишлоқ хўжалиги кредит тизимига молиявий ёрдам кўрсатиш корпорацияси;

Қишлоқ хўжалик қарзлари Федерал корпорацияси;

Уй-жойлар қурилиши ва харид қилинишини кредитлаш Федерал банклари;

Молиявий корпорация;

Резолюцияларни молиялаштириш корпорацияси.

Ҳукумат томонидан молиялаштириладиган корхоналарнинг бюджет жадваллари Қўшма Штатлар Ҳукумати бюджети таркибида эълон қилинади.

10-чизма

АҚШ ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ХУСУСИЙ ТАШКИЛОТЛАР РЎЙХАТИ

- Талабалар қарзларининг маркетинги бўйича ассоциация
- Коллежлар қуришга қарзларни суғурталаш ассоциацияси
- Миллий Федерал ипотека ассоциацияси
- Уй-жойлар қурилишига оид кредит ва ипотека бўйича Федерал корпорация
- Банк кооперативлари
- Қишлоқ хўжалигини кредитлаш банклари
- Қишлоқ хўжалиги кредит тизимига молиявий ёрдам кўрсатиш корпорацияси
- Қишлоқ хўжалик қарзлари Федерал корпорацияси
- Уй-жойлар қурилиши ва харид қилинишини кредитлаш Федерал банклари
- Молиявий корпорация
- Резолюцияларни молиялаштириш корпорацияси

4.11. ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИОНАЛ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Бюджет ваколатлари ва харажатлари Федерал ҳукуматнинг асосий мақсад ва операцияларини ифодаловчи 20 та функционал категорияларга таснифланади. Ҳар бир функционал тоифа бир нечта кичик функцияларга ажратилади.

Сўнгги йилларга келиб функционал таснифлашнинг муҳимлиги анчагина камайган бўлса-да, барибир ундан Федерал бюджет жараёнида бир қатор функцияларнинг бажарилиши вақтида фойдаланилмоқда. Биринчидан, функционал таснифлаш у учун масъул бўлган агентликка умумий мақсадга эга турли дастурлар ва фаолият турларини ягона категорияга бирлаштиради.

Масалан, "Миллий мудофаа" функционал категорияси мудофаа билан боғлиқ фаолият каби Мудофаа Департаментининг, Энергетика Департаментининг ва бошқа Федерал агентликларнинг кўпгина дастурлари ва харажатларини ўз ичига олади.

Иккинчидан, функционал таснифлаш ягона мақсадлар учун сарфланган ресурсларнинг ҳар хил турларини кўрсатади. Чунончи, бюджет ҳар бир функционал категория учун бюджет ваколатлари, харажатлар бўйича тўловлар, солиқ харажатлари ва кредит ваколатларини беради.

Учинчидан, функционал таснифлашдан Президентнинг бюджет-номасидаги сиёсатни изоҳлашда, шунингдек бюджет маълумотларини тақдим этишда ҳам фойдаланилади. Ниҳоят функционал таснифлашдан Конгресснинг Федерал бюджети устуворликларини белгилаш жараёнида ҳам фойдаланилади. Бюджетнинг ҳар бир лойиҳаси кейинги беш молия йилига бўлган янги бюджет ваколатлари, харажатлар ва кредит ваколатларининг функционал тақсимланишини ўз ичига олади.

Функциялар бўйича Федерал ҳукумат харажатлари 4.2-жадвалда келтирилган.

4.2-жадвал

Федерал ҳукуматнинг функциялар бўйича харажатлари (1990 йил), жумладан бюджетдан ташқари жамғармалар (жами харажатларга нисбатан фоиз ҳисобида)

Миллий мудофаа	23.9
Халқаро муносабатлар	1.1
Фундаментал билимлар, коинот ва технологиялар	1.2
Энергетика	0.2
Табиий ресурслар ва атроф-муҳит	1.4
Қишлоқ хўжалиги	1.0
Тижорат ва турар жой қурилишига оид кредитлар	5.4
Транспорт	2.4
Маҳаллий ҳамжамиятлар ва минтақавий ривожланиш	0.7
Маориф, таълим-тарбия, бандлик ва ижтимоий хизматлар	3.1
Соғлиқни сақлаш	4.6
Тиббий суғурталаш	7.8
Даромадларни суғурталаш	11.8
Ижтимоий суғурталаш	19.9
Фахрийларга тўловлар ва хизмат кўрсатиш	2.3
Адлия бошқаруви	0.8
Бош Ҳукумат	0.9
Соф фоизлар	14.7
Тақсимланмаган компенсация тушумлари	-2.9
Жами:	100.0

Манба: *Сессия ўртасидаги бюджет шарҳи, 1991 йил 15 июль (G бўлими).*

4-А-НАМУНА
Бюджетнинг агентликлар томонидан тайёрланиши

Миллий соғлиқни сақлаш институти (МССИ) учун Институтлар, марказлар, бўлинмалар (ИМБ) томонидан бюджетнинг профессионал баҳоланишини ўз ичига олувчи дастлабки Бюджетнинг ишлаб чиқиш	Март–Апрель
ИМБ томонидан МССИга "Дастлабки бюджетнинг тақдим этилиши"	Май
МССИ бюджетининг Жамоатчилик соғлиқни сақлаш хизмати (ЖССХ) томонидан бошланғич тасдиқланиши: МССИ апелляцияси ва ЖССХнинг якуний тасдиқлашлари	Май
Бюджетнинг ЖССХ томонидан Соғлиқни сақлаш ва инсон ресурслари Департаментига (ССИРД) тақдим этилиши	Июнь
ЖССХ бюджетининг ССИРД томонидан бошланғич тасдиқланиши: ЖССХ апелляцияси ва котиб томонидан якуний тасдиқлашлар	Июль–Август
ССИРД бюджетининг МББга тақдим этилиши	Сентябрь
МББ томонидан ССИРД бюджетининг бошланғич тасдиқланиши	Ноябрь
МББ ёки Президентга ССИРД апелляцияси	Ноябрь–Декабрь
МББ ёки Президентнинг якуний қарорлари ва тасдиқлаш жараёни	Декабрь

1. Мазкур Миллий соғлиқни сақлаш институти (МССИ) учун бюджетни тайёрлаш календари нисбатан паст даражага эга бўлган муассасасининг юқори турувчи ташкилотларга бюртмаларни тақдим этаётган "қуйидан юқорига" жараёнини кўрсатади. Айрим агентликлар қарорлар аввалига юқори даражалар доирасида қабул қилинадиган ва кейин эса ўз буюртмаларини қабул қилинган қарорларга мувофиқ ҳолга келтирувчи қуйи турувчи бўлинмаларга маълум қилинадиган "юқоридан қуйига" жараёнидан фойдаланадилар.

2. Агентликлар, одатда бюджетни тайёрлаш циклини бюджет тузиладиган молия йили бошланишидан 18 ой олдин (Президент томонидан келаси молия йилига оид ўз бюджети тақдим этилганидан бироз кейинроқ), эрта баҳорда бошлайдилар.

3. МССИ агентлиги томонидан мазкур бюджетни тузиб чиқиш жараёни ташкилотларнинг 6 даражасидан ташкил топади: а) ИМБ (Институтлар, Марказлар, Бўлинмалар); б) Миллий соғлиқни сақлаш институтлари (МССИ); в) Жамоатчилик соғлиқни сақлаш тизими; г) Соғлиқни сақлаш ва инсон ресурслари департаменти (ССИРД); д) Маъмурий-бюджет бошқармаси, ва е) Президент.

4. Агентлик доирасидаги асосий босқичлар дастлабки бюджетнинг қуйи бўғинлардан юқори турувчи бўғин бўлинмаларига тақдим этилиши, унинг юқори турувчи маъмурий орган томонидан тасдиқланиши, қуйи турувчи бўлинмалар апелляцияси ва юқори турувчи органларнинг якуний қарорларини ўз ичига олади. Ушбу ички босқичлар ҳар бир агентлик ва МББ ўртасидаги муносабатларга ўхшаб кетади.

5. МББ Президент қарорлари олинганидан сўнг Департамент уларга бюджетнинг тақдим этилганлигини тасдиқлайди.

4-Б-НАМУНА
Бюджет маълумотларини нашр қилиш юзасидан чеклашлар

МББнинг А–11 сўровномаси

3. Расман топширилгунига қадар махфийликка риоя қилиниши тўғрисидаги талаблар. Агентлик томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар, сўровномалар, тавсияномалар, илова материаллари ва бошқа шу каби маълумотларнинг махфийлик характерини белгилаш талаб қилинади, чунки ушбу ҳужжатлар Президент томонидан бюджет бўйича масалаларни ҳал қилиш ва Конгрессга тавсияномаларни ишлаб чиқиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Президентнинг бюджет бўйича қарорлари бюджет Конгрессга топширилгунига қадар қатъий бўлиб ҳисобланмайди. Бюджетга тузатиш ва ассигнациялар бўйича қўшимча сўровномалар бюджет тақдим этилгандан кейин ҳам йўлланиши мумкин. Бюджетнинг ҳеч бир маълумоти Президент томонидан унга алоқаси бўлган маълумотлар тақдим этилмагунига қадар ошкор қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир агентлик раҳбари бюджет бўйича ахборотнинг олдиндан ошкор қилинишининг олдини олиш учун жавобгар ҳисобланади.

Қўшма Штатлар Конституциясининг 31-моддаси 1108(е) бўлими

е) Мазкур бўлимнинг (f) параграфида айтиб ўтилган шартлардан ташқари агентликдаги мансабдор шахс ёки ходим Конгресс ёки Конгресс Қўмитасига ассигнациялар (маблағлар)нинг ажратилиши бўйича ҳисоб-китобларни ёки харажатлар ҳажмини кўпайтиришга оид буюртмани ёхуд Ҳукуматнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш бўйича бюртмаси (тавсия)ларини фақатгина Конгресс Палаталаридан бирининг сўровномаси мавжуд бўлган ҳолдагина тақдим этишлари мумкин.

1. МББ сўровномалари рақамланган бўлиб, "А" ҳарфидан бошланади. Улар йилдан-йилга амал қилувчи қоидаларни белгилайди.

2. МББнинг мазкур сўровномаси 1921 йилдаги Бюджет ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонуннинг (Қўшма Штатлар Конституциясининг 31-моддаси 1108 (е) бўлими) 206-бўлимида тасдиқланган бўлиб, агентликлар бюджет буюртмаларини агар Вакиллар Палатаси ёки Сенат томонидан бу сўралмаган бўлса, бевосита Конгрессга тақдим этишлари тақиқланади.

3. Мазкур сўровноманинг (бу ерда келтирилмаган) бошқа бўлими эса агентликнинг Конгресс олдида гувоҳлик бериши қоидаларини белгилаб беради. Агентликлар Президент тавсияларини ҳимоя қилишлари ва у томонидан сўралган маблағ миқдорини талаб қилишлари керак. Шунга қарамай, амалиётда агентликлар кўпинча миқдори жиҳатидан Президент сўровномаларидан ҳам юқори бўлган маблағларни сўраш усулларини топадилар.

4. МББ йўриқномалари (ҳозирда А–11-сўровноманинг 12.9-бўлимида баён қилинган) агентликларга молия йилининг охирига қадар бюджет маълумотларини ошкор қилишларини тақиқлайди.

4-В-НАМУНА
Президент бюджетномасининг Қонун чиқарувчи мақоми

БЮДЖЕТ ВАКОЛАТЛАРИ (миллиард доллар ҳисобида)			
Кўрсаткичлар номи	**1990 факт**	**1991 прогноз**	**1992 прогноз**
Конгрессинг қарори бўйича мавжуд маблағлар:			
Тасдиқланган ва режалаштирилаётган ассигнациялар (маблағлар)			
Бюджетда таклиф қилинган:	635.1	678.3	.....
Тасдиқланган ассигнациялар			
Қўшимча буюртмалар Лойиҳа бўйича таклифлар	.....	.....	678.8 .....
Қўшимча равишда сўралиши зарур маблағлар:	.....	2.0	.....
Таклиф қилинаётган лойиҳани тасдиқлаш бўйича	.....	-4.2	
Тасдиқланган:	.....	62.9	86.0
Жамоат муассасалари	.....	.....	0.1
Мудофаа — ҳарбий бошқаруви	.....	29.0	-0.3
Конгрессинг мазкур қарори бўйича мавжуд жами маблағлар	**635.1**	**768.0**	**764.8**
Конгресс тасдиқлашисиз мавжуд маблағлар (доимий ассигнациялар):			
Траст жамғармалари (амалдаги қонун)	563.7	606.2	647.7
Бюджет маблағлари	(255.8)	(276.4)	(296.6)
Бюджетдан ташқари маблағлар	(307.9)	(329.8)	(351.1)
Давлат қарзи бўйича фоизли тўловлар	264.8	286.3	304.0
Бошқалар	134.8	125.6	127.7
Конгрессинг тасдиқлашисиз мавжуд жами маблағлар	**963.3**	**1,018.1**	**1,079.4**
Тушумларни компенсация қилиш учун қисқартиришлар	**-229.9**	**-266.1**	**-266.4**
Бюджет маблағлари	(-203.7)	(-234.6)	(-230.6)
Бюджетдан ташқари маблағлар	(-26.3)	(-31.5)	(-35.8)
Жами Бюджет ваколатлари	**1,368.5**	**1,520.0**	**1,577.8**
Бюджет маблағлари	(1,083.8)	(1,218.9)	(1,260.7)
Бюджетдан ташқари маблағлар	(284.7)	(301.1)	(317.1)

1) Бюджетда тавсия қилинган бюджет ваколатларининг ярмидан камроғи уларнинг тасдиқланиши учун Конгресснинг янги қарорларини талаб этади. Қолган қисмини эса Конгресснинг жорий қарорисиз ҳам амалга оширилиши мумкин бўлган доимий (мажбурий) ассигнациялар ташкил этади.

2) Конгресс жорий қарорлари воситасида амалга оширилиши мумкин бўлиб қолаётган деярли барча бюджет ваколатлари ҳар йили ассигнацияларни ажратиш бўйича қабул қилинадиган қонунларда тасдиқланади.

3) Кўпчилик траст жамғармалари даромадларини автоматик тарзда сарфлаш имконини берувчи доимий (маж бурий) ассигнацияларга эгадирлар.

4) Бюджетнинг икки қисми — Конгресснинг қарори бўйича мавжуд маблағлар ва Конгресснинг тасдиқлашисиз мавжуд маблағларнинг жами бюджетнинг умумий кўрсаткичидан ортади. Якуний суммани чиқариш учун тушумларни компенсация қилиш учун қисқартиришлар суммаси умумий суммадан чегириб ташланади. Яъни: 635,1 + 963,3 – 229,9 = 1.368,5 ва ҳоказо.

4-Г-НАМУНА
Президентнинг бюджетномасини КББ томонидан қайта ҳисоб-китоб қилиниши

	(молия йиллари, миллиард доллар ҳисобида)					
	1991	**1992**	**1993**	**1994**	**1995**	**1996**
Маъмурият томонидан тақчиллик ёки профицит ҳисоб-китоби	318	281	202	62	3	(20)
Таклифлар бўйича қайта ҳисоб-китоблар						
Капиталнинг ўсиши бўйича таклифлар	d	-1	5	5	6	5
Бошқа таклифлар	d	d	2	2	1	2
Жами	d	-1	7	7	7	7
Бошқа иқтисодий қайта ҳисоб-китоблар						
Даромадлар	-9	-11	-1	18	29	40
Нафақалар бўйича дастурлар	d	2	-5	-6	-8	-8
Соф фоиз	1	4	11	14	18	21
Жами	-9	-9	4	25	39	53
Бошқа техник қайта ҳисоб-китоблар						
Харажатлар	7	4	3	17	24	30
Омонатларни суғурта қилиш	-9	7	-1	57	-11	-17
Активларни сотиш бўйича таклифлар	0	d	2	-2	1	-1
Нафақалар бўйича дастурлар	-4	-5	-6	-7	-8	-10
Мудофаа	1	3	1	4	d	-4
Соф фоиз харажатлари	2	2	4	8	12	13
Бошқа харажатлар	2	7	6	2	3	4
Жами	-1	18	8	79	22	15
Жами қайта ҳисоб-китоблар	*-10*	*9*	*19*	*112*	*68*	*76*
Маъмурият таклиф қилган тақчиллик миқдорининг КББ томонидан ҳисоб-китоби	308	290	221	173	71	56
Меморандум:						
Иқтисодий ҳисоб-китобларнинг жами	-9	-8	5	26	39	54
Техник ҳисоб-китобларнинг жами	-1	17	14	86	29	22

1) Президент бюджетномаси тақдим этилганидан кейин бир оз вақт ўтгач, КББ Президент бюджетини қайта ҳисоб-китоб қилади ўз шахсий таҳлилини ўтказади. Мазкур жадвал КББнинг 1992 молия йилига оид бюджет таҳлилидан олинган. КББ, шунингдек, жорий

сиёсатда ўзгаришлар юз бермайди деб тахмин қилган ҳолда 5 молия йили учун бюджетнинг истиқбол ҳисоб-китобларини ҳам тайёрлайди.

Қайта ҳисоб-китобларни амалга ошира туриб, КББ қуйидагилар сабабли иккита фарқланишни ажратади: а) сиёсатнинг ўзгариши; б) ўз иқтисодий тахминлари билан Президент маъмурияти томонидан фойдаланилган тахминлар ўртасидаги фарқлар ва в) ўз техник тахминлари билан Президент маъмурияти томонидан фойдаланилган тахминлар ўртасидаги тафовутлар.

Одатда КББга агарунинг техник ва иқтисодий тахминларидан фойдаланилганида бюджет тақчиллиги Президент маъмурияти томонидан таклиф қилингандан анчагина юқори бўлиши мумкинлиги маълум бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Президент ва КББнинг тақчиллик миқдори бўйича истиқбол кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ йил сайин ортиб бормоқда.

4-Д-НАМУНА
Иқтисодий кўрсаткичлар истиқболи

(Календарь йиллари; миллиард доллар ҳисобида)	Факт		Прогноз		
	1989	1990	1991	1992	1993
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар:					
1. Ялпи миллий маҳсулот(тўртинчи чоракнинг ўтган йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан ўзгариши, фоизда) :					
Жорий нархларда	5.6	4.5	5.3	7.5	7.1
Базис (1982) йил нархларида	1.8	0.0	0.9	3.6	3.4
2. ЯММ дефлятори (тўртинчи чоракнинг ўтган йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан ўзгариши, фоизда)	3.7	4.5	4.3	3.8	3.6
3. Истеъмол нархларининг индекси (тўртинчи чоракнинг ўтган йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан ўзгариши, фоизда)	4.5	6.3	4.3	3.9	3.6
4. Ишсизлик даражаси, жами (тўртинчи чорак)	5.3	5.8	6.6	6.5	6.0
Йиллик иқтисодий кўрсаткичлар истиқболи:					
Ялпи миллий маҳсулот:					
Жорий нархларда:					
Миқдори	5,201	5,465	5,689	6,095	6,536
Йиллик ўзгариши, фоизда	6.7	5.1	4.1	7.1	7.2
Базис (1982) йил нархларида		4,152	4,140		4,415
Миқдори	4,118	0.8	-0.3	4,267	3.5
Йиллик ўзгариши, фоизда	2.5			3.1	
* * * * *					
Ўртача йиллик ишсизлик даражаси, жами	5.2	5.4	6.7	6.6	6.2
Иш ҳақи миқдорининг ошириляши, Январь (фоизда)	4.1	3.6	4.1	4.2	4.7
Фоиз ставкалари (фоизларда):					
3 ойлик Газна облигациялари	8.1	7.5	6.4	6.0	5.8
10 йиллик Газна облигациялари	8.5	8.5	7.5	7.2	6.8

1. Бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисоб-китоби иқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари билан бир қаторда амалга оширилади.

2. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) номинал ва реал ҳажмларда ўлчанади. Номинал (жорий нархларда акс эттирилган) ЯММ бюджет даромадлари прогнозини қилишда муҳим элементлардан ҳисобланади; реал ЯММдан (базис нархларида акс эттирилган) келажакдаги ишсизлик ва иқтисодий фаоллик даражасидаги ўзгаришларни прогноз қилишда фойдаланилади.

3. ЯММ дефлятори ва истеъмол нархларининг индекси (ИНИ) нархларнинг ўзгаришини кўрсатади. ЯММ дефлятори барча товарлар ва хизматларнинг бозор нархлари бўйича алмаштирилишини ўз ичига олади; ИНИ эса маълум бир маҳсулотлар нархларининг ўзгаришини кўрсатувчи кўрсаткич ҳисобланади.

4. Ишсизлик даражасининг ўзгариши харажатларга қараганда даромадларга кўпроқ таъсир кўрсатади.

5. Бюджетда кўрсатилган иш ҳақининг оширилиши (фоизда берилган) Президент томонидан Конгрессга тавсия ҳисобланади. Бу Федерал иш ҳақлари билан хусусий секторда ишловчиларнинг иш ҳақлари ўртасида ўзаро тенгликка эришиш учун талаб қилинадиган оширишни билдирмайди.

4-Е-НАМУНА
КББ ва МББ иқтисодий кўрсаткичлари прогнозларини солиштириш

КББ, Ҳукумат ва Blue chip (хусусий секторнинг етакчи иқтисодчилари томонидан тайёрланган) қисқа муддатли иқтисодий прогнозларнинг солиштирмаси

Факт	Кутилаётган Прогноз		
1989	1990	1991	1992
4 чоракка нисбатан 4 чораклаги ўзгариш (фоизда)			
Реал Ялпи Миллий Маҳсулот			
КББ	1.8	0.2	1.3 3.4
Ҳукумат (МББ)	1.8	0	0.9 3.6
Blue chip*	1.8	0.3	0.9 2.8
ЯММ дефлятори			
КББ	3.7	4.4	4.1 3.6
Ҳукумат (МББ)	3.7	4.5	4.3 3.8
Blue chip	3.7	4.0	3.8 3.6
Истеъмол нархларининг индекси			
КББ	4.6	6.1	4.0 3.5
Ҳукумат (МББ)	4.5	6.3	4.3 3.9
Blue chip	4.6	6.3	3.8 4.1
Ўртача йиллик кўрсаткичлар (фоизларда)			
Ишсизлик даражаси			
КББ	5.3	5.5	6.8 6.4
Ҳукумат (МББ)	5.2	5.4	6.7 6.6
Blue chip	5.3	5.5	6.5 6.3
Уч ойлик ДҚМО бўйича фоиз ставкаси			
КББ	8.1	7.5	6.6 7.0
Ҳукумат (МББ)	8.1	7.5	6.4 6.0
Blue chip	8.1	7.5	6.0 6.3
10 йиллик Давлат облигациялари бўйича фоиз ставкаси			
КББ	8.5	8.6	7.9 7.7
Ҳукумат (МББ)	8.5	8.5	7.5 7.2
Blue chip	8.5	8.5	7.8 8.0

1. КББ ўзининг иқтисодий кўрсаткичлар прогнозини МББ ("Ҳукумат") прогнози ва "Blue Chip" (Хусусий секторнинг бош иқтисодчилари прогнозларининг ўртача кўрсаткичи) прогнози билан солиштиради.

2. Айрим иқтисодий кўрсаткичлар учун келгуси йилнинг 4 чорагига нисбатан жорий календарь йилининг тўртинчи чорагидаги (октябрь-декабрь) ўзгаришлардан анчагина кенг фойдаланилади; иқтисодий кўрсаткичларнинг бошқа прогнозлари ўртача йиллик асосларда тузиб чиқилади.

3. Иқтисодий кўрсаткичлар прогнозидаги катта тафовутлар КББ прогнозлари одатда МББ томонидан қилинган прогнозлардан анча ортиқни ташкил қиладиган бўлғуси фоиз ставкалари сирасига киритилади.

*** Blue chip** — Хусусий секторнинг етакчи иқтисодчилари томонидан тайёрланган прогнозлар шундай номланган.

4-Ж-НАМУНА
Иқтисодий вазият ўзгаришининг бюджетга таъсири

(миллиард доллар ҳисобида)					
	1991	**1992**	**1993**	**1994**	**1995**
1991 йилдаги иқтисодий тахминлар ва 1992 йил бюджет сиёсати асосидаги бюджет кўрсаткичлари					
Даромадлар	1140.8	1228.2	1323.0	1422.3	1510.1
Харажатлар	1388.0	1408.8	1405.9	1368.7	1404.0
Профицит ёки тақчиллик (-)	-247.2	-180.6	-82.9	53.6	106.1
Иқтисодий кўрсаткичлар истиқболининг ўзгариши муносабати билан юзага келган ўзгаришлар					
Даромадлар	-49.4	-63.2	-70.3	-57.0	-42.8
Харажатлар:					
Инфляцияга боғлиқ харажатлар	5.0	9.5	11.9	14.0	15.5
Ишсизликка боғлиқ харажатлар	6.3	6.9	5.8	4.3	2.2
Фоиз ставкасига боғлиқ харажатлар	5.9	10.9	14.4	17.8	19.8
Қарз олиш шартининг ўзгариши муносабати билан юзага келган фоиз тўловлари	4.4	9.8	16.2	22.3	28.8
Жами харажатлар	21.6	37.1	48.3	58.4	66.3
Тақчиллик ҳажмининг ортиши	71.0	100.3	118.6	115.4	109.1
1992 йиллаги иқтисодий тахминлар ва 1992 йил бюджет сиёсати асосидаги бюджет кўрсаткичлари					
Даромадлар	1091.4	1165.0	1252.7	1365.3	1467.3
Харажатлар	1409.6	1445.9	1454.2	1427.1	1470.3
Профицит ёки тақчиллик (-)	-318.1	-280.9	-201.5	-61.8	-2.9

1. Агарда, 1991 молия йилининг иқтисодий фаразлари бажарилган бўлганида (1992 молия йили бюджети бўйича) МББ ҳисоб-китоблари бўйича Ҳукумат 1994 ва 1995 молия йилларида бюджет профицитига эришган бўлар эди.

2. Бироқ иқтисодий кўрсаткичлар истиқболининг ўзгариши даромадлар истиқболининг анчагина камайиши ва харажатларнинг кўпайишига олиб келди, бунинг натижасида эса тақчиллик ҳажми бюджетда кўзда тутилганига қараганда анчагина юқори бўлиши баҳоланган эди.

3. МББ инфляция даражаси, ишсизлик, фоиз ставкалари ва қарз олиш ҳажмининг ўзгаришининг бюджет кўрсаткичларига таъсирини алоҳида ҳисоб-китоб қилади.

4. Бюджетнинг истиқбол кўрсаткичлари бир оз кейинроқ, бюджетнинг сессия ўртасида қайта кўриб чиқилиши ("Mid-Session Review") вақтида ва кейинги молия йили учун Президент бюджетномани янги иқтисодий кўрсаткичлар истиқболи ва бюджет сиёсатидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этганда ҳам қайта кўриб чиқилади.

4-3-НАМУНА
Жорий сиёсат давом эттирилгандаги (ўзгармагандаги) бюджет лойиҳаси

(миллиард долларлар ҳисобида)				
	1991	**1992**	**1993**	**1994**
Жорий сиёсат давом эттирилгандаги истиқбол кўрсаткичлари:				
Дискрецион харажатлар	518.4	527.5	537.6	537.8
Мажбурий (домий)харажатлар:				
Ижтимоий таъминот бўйича нафақалар	*266.7*	*286.0*	*303.8*	*320.3*
Бошқа мажбурий харажатлар	*458.7*	*487.7*	*452.6*	*402.9*
Жами мажбурий харажатлар	725.4	753.7	756.4	723.2
Тақсимланмаган даромадлар	-39.1	-39.3	-41.2	-43.0
Соф фоизли тўловлар	196.7	205.3	211.6	215.5
Жами харажатлар	**1,401.4**	**1,447.2**	**1,464.4**	**1,433.5**
Жами даромадлар	**1,091.1**	**1,162.3**	**1,252.1**	**1,366.0**
Тақчиллик/профицит (-)	**310.3**	**284.9**	**212.3**	**67.5**
Ҳукумат томонидан тақдим этилган бюджет лойиҳаси:				
Дискрецион харажатлар	526.3	532.1	536.9	538.0
Мажбурий (домий) харажатлар:				
Ижтимоий таъминот бўйича нафақалар	*266.7*	*286.2*	*303.9*	*320.4*
Бошқа мажбурий харажатлар	*458.6*	*460.8*	*442.8*	*393.4*
Жами мажбурий харажатлар	725.3	747.0	746.7	713.8
Тақсимланмаган даромадлар	-39.1	-39.5	-41.4	-40.2
Соф фоизли тўловлар	197.0	206.3	212.0	215.5
Жами харажатлар	**1,409.6**	**1,445.9**	**1,454.2**	**1,427.1**
Жами даромадлар	**1,091.4**	**1,165.0**	**1,252.7**	**1,365.3**
Тақчиллик/профицит (-)	**318.1**	**280.9**	**201.5**	**61.8**
Фарқ (тафовут)лар				
Дискрецион харажатлар	7.9	4.5	-0.8	0.2
Мажбурий (домий) харажатлар				
Ижтимоий таъминот бўйича нафақалар	.....	*0.1*	*0.1*	
Бошқа мажбурий харажатлар	*-0.1*	*-6.8*	*-9.8*	*-9.5*
Жами мажбурий харажатлар	-0.1	-5.7	-9.7	-9.5
Тақсимланмаган даромадлар	....	-0.2	-0.2	2.8
Соф фоизли тўловлар	0.3	1.0	0.5	-0.1
Жами харажатлар	**8.1**	**-1.3**	**-10.2**	**-6.4**
Жами даромадлар	**0.4**	**2.7**	**0.6**	**-0.7**
Тақчиллик/профицит (-)	**7.8**	**-4.0**	**-10.8**	**-5.7**

1. Жорий сиёсат давом эттирилганда (яъни ўзгармаганда) МББнинг бюджет лойиҳаси 2–3-намунада кўрсатилганидек сезиларли фарқлар мавжуд бўлишига қарамай КББ томонидан тайёрланган бюджетнинг базавий прогнозларига ўхшаб кетади. МББ прогнози 1996 молия йилигача бўлган маълумотларни ўз ичига олади (1995–1996 молия йилларига оид маълумотлар келтирилмаган).

2. ГРХ қонуни секвестрлаш мақсадларида базавий кўрсаткичларнинг тайёрланишини батафсил баён қилади. Жорий сиёсатнинг давом эттирилгандаги бюджет лойиҳаси бирмунча бошқачароқ асосда тайёрланади.

3. Жорий сиёсатнинг давом эттирилгандаги бюджет лойиҳасида даромадлар ва харажатлар жорий сиёсат ўзгармайди деган тахмин асосида прогноз қилинади. Бу эса иқтисодий вазиятнинг ўзгариши ва техник ўзгаришлар, шунингдек, сиёсий ташаббуслар оқибатида юзага келган даромадлар ва харажатлар миқдорларининг ўзгаришини фарқлаш имконини беради.

4. Жорий сиёсатнинг давом эттирилгандаги бюджет лойиҳаси билан Президентнинг бюджетномаси ўртасидаги фарқ шундан иборатки, Президент бюджетномаси бюджет сиёсатида таклиф этилаётган ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда тайёрланади.

4-И-НАМУНА
Ассигнациялар (маблағлар) ажратишга асослар

Хизматлар, тадқиқотлар ва асбоб-ускуналар
(маблағларни ўтказишни инобатга олган ҳолда)

Қонунчиликка мувофиқ фаолият кўрсатаётган Миллий океаншунослик ва метеорология бошқармаси харажатларини — сотиб олиш, сақлаш харажатлари ва самолётни ижарага олиш харажатлари: Қўшма Штатлар Кодекслар тўпламининг 31-моддаси 1343 ва 1344 параграфларига биноан ваколат берилган [439] 416 *зобитлар* актив таркибининг фаолиятини таъминлашга оид харажатлар; Қўшма Штатлар Кодекси тўпламининг 33-моддаси 883i параграфига биноан бинолар қуриш ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун харажатлар: Қўшма Штатлар Кодекси тўпламининг 33-моддаси 883i параграфига биноан иншоотларни қайта қуриш, модернизациялаш ва кўчиришга оид харажатлар учун [1,353.156.000 АҚШ доллари] *1,501,476,000* АҚШ доллари миқдоридаги [ундан 2.200.00 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ Арканзас штатига қарашли Штутгартдаги Экспериментал Балиқчилик хўжалигидаги иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ва "бошланғич режага биноан зарур асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун) маблағлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

* * * * *

...2.000.000 АҚШ долларидан ортиқ, лекин 450.000 АҚШ долларидан кам бўлмаган]: *Бунда* [кейинги ўринларда], [мазкур хатбошида кўзда тутилган ассигнацияларга қўшимча равишда "Балиқ маҳсулотларини ривожлантиришга кўмаклашиш ва Америкaнинг балиқчилик саноатини тадқиқ этиш" жамғармаси томонидан грантларни бошқариш ва шунга боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш учун 500.000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган мабалағларни ажратиш кўзда тутилмоқда. Чунончи, қонуннинг бошқа қоидаларига қарамай 400.000 АҚШ доллари Ғарбий Каролина Қирғоқ бўйи Кенгашига Чарлстон порти махсус ҳудудини бошқариш бўйича режани амалга ошириш учун ажратиш мўлжалланмоқда] *денгиз маҳсулотларини назорат қилиш бўйича хизматлар учун йиғимлар мазкур ҳисоб-рақамга ундан кейинчалик фойдаланилиш учун ўтказилиши мумкин. (* Қўшма Штатлар Кодекси тўпламининг 7-моддаси 1622 параграфи; 12-моддаси 1715m параграфи; 15-моддаси 272, 313, 313a, 313nt, 330b, 330e, 1514, 1517, 2904, 2905, 2906, 2908, 4211, 4278 параграфлари; 16-моддаси 661 ва кейинги параграфлари; 30-моддаси 1412, 1419, 1424, 1428, 1469, 1470 параграфлари; 33-моддаси 706 ва кейинги параграфлари ҳамда 1441, 1442, 1443, 1444, 1704, 1705, 1709 параграфлари; 37-моддаси 101 ва кейинги параграфлари; 42-моддаси 1891, 7453, 7454, 8902, 8903, 8904, 8905 параграфлари; 42-моддаси 1347e параграфи; 49-моддаси 1153 параграфи; *1991 йилдаги Савдо Департаментининг ассигнацияларини ажратиш тўғрисидаги қонуни; ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари қўшимча равишда 106,895,000 АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни ажратилишини назарда тутади)*

1. Молиялаштириш учун назарда тутилган ҳар бир ҳисобварақ учун бюджетда жорий ва таклиф этилаётган ассигнациялар миқдорлари тўғрисидаги матн киритилади. Қавс ичидаги материаллар маблағлар ажратиш бўйича жорий баённома бўлиб, матн таркибидан чиқариб ташланиши таклиф қилинган ҳисобланади; курсив билан ажратиб кўрсатилган материаллар эса матнга киритилиши лозим бўлган янги таклифлар ҳисобланади.

2. Мазкур намунада ишлар, тадқиқотларнинг ўтказилиши ва Миллий океаншунослик ва метеорология бошқармаси учун иншоотлар қурилиш жиҳозлар сотиб олиш учун 1 миллиард доллардан зиёдроқ маблағ ажратиш таклиф қилинмоқда.

3. Ассигнацияларни ажратишга оид баённомаларда гоҳида агентликларга улар томонидан йиғилган маблағлардан фойдаланишларига ҳам рухсат этилади. Бусиз ушбу маблағлар Ғазнага бориб тушган бўлар эди.

4. Ассигнацияларни ажратишга оид баённинг охирида унга жорий молия йилида ассигнациялар қайси қонунга мувофиқ ажратилганлиги кўрсатилади.

4-К-НАМУНА
Дастурнинг тавсифи

Атроф-муҳит миллий йўлдоши, маълумотлар ва ахборот хизмати. — Ушбу дастурлар атроф-муҳитнинг қутб сунъий йўлдошлари ва географик станция сунъий йўлдошининг эксплуатациясини; Ландсат (Ер кузатиш) тижорат тизимига субсидия бериш; атроф-муҳит бўйича глобал маълумотлар, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, аҳоли ҳамда Федерал, Штатлар ва маҳаллий агентликлардаги фойдаланувчиларга етказиш бўйича хизматларни кўрсатишни назарда тутади. 1992 йилда назарда тутилган маблағлар атроф-муҳитнинг қутб сунъий йўлдошларини ва географик станция сунъий йўлдошини алмаштириш имконини беради.

Бошқарма Ландсат 4 ва 5 сунъий йўлдошлари билан ишлашни Ландсат 6 сунъий йўлдоши ишлаб чиқилиши ва учирилиши ишлари ниҳоясига етказилгунига қадар давом эттиради. Ландсат 6-нинг ишлаши учун маблағлар ажратиш кўзда тутилмайди, чунки ушбу харажатлар пудратчи — Ерни кузатиш сунъий йўлдоши Компанияси томонидан қопланади. Маблағларни ажратиш бўйича бюртма Ландсат 5-нинг ишлаши учун сўралмоқда, чунки у билан ишлаш 1992 молия йилида ҳам давом эттирилади.

Бошқарма Ландсат 6-дан кейин ҳам ушбу Ландсат сунъий йўлдоши турларидан фойдаланишни давом эттириш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Ландсат 6-нинг кутилаётган эксплуатацияси муддатига мувофиқ 1992 йилда қўшимча сунъий йўлдошларни молиялаштириш учун маблағ ажратиш талаб қилинмайди.

1) Кўпчилик дастурлар бўйича бюджетда ушбу дастурларнинг тавсифи билан биргаликда кутилаётган натижалар ҳақидаги зарур маълумотлар ҳам берилади. Сўнгги йиллар бюджетларида дастурларни баён қилиш формати яхшиланиб, уларни янада қисқароқ баён қилиш ва маълум бир йилнинг бюджети билан боғлаш анча яхшиланди;

2) МББнинг бюджет лойиҳасини тузишга оид йўриқномаси (15.4-бўлимининг А–11 бюджет сўровномаси) агентликлардан ўз бюджет бюртмаларини ишлар ҳажми, харажатлар, унумдорлик ва кутилаётган натижалар таҳлилларини тақдим этиш йўли билан батафсилроқ тушунтириб беришларини талаб қилади. Бироқ бюджет сўровномаларида сўраладиган маълумотларнинг ҳажми анча чекланган;

3) Дастурлар ва кутилаётган натижаларнинг батафсилроқ баёни агентликлар томонидан ассигнацияларни ажратиш бўйича кичик комиссияларга бошқа тасдиқловчи материаллар билан биргаликда тақдим этилади. Ушбу материаллар Ҳукуматнинг Нашриёт бюроси томонидан нашр қилинадиган Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталарнинг мажлислари баённомаларига киритилади.

4-Л-НАМУНА
Дастурлар ва молиялаштириш жадвали: фаолият турлари бўйича

(минг доллар ҳисобида)				
Идентификация коди 13-1450-0-1-306		Факт 1990	Прогноз 1991	Прогноз 1992
	Фаолият турлари бўйича дастурлар:			
	Бевосита дастурлар:			
00.01	Миллий Океаншунослик хизмати	144.576	151.757	157.252
00.02	Миллий балиқчилик хизмати	186.293	212.240	174.624
00.03	Океаншунослик ва метеорология бўйича илмий-тадқиқот ишлари	171.784	208.708	186.776
00.04	Миллий об-ҳаво хизмати	425.952	476.008	508.619
00.05	Атроф-муҳит миллий сунъий йўлдоши, маълумотлар ва ахборот хизмати	264.344	274.682	406.730
00.06	Дастурий қўллаб-қувватлаш	134.214	148.899	156.275
00.91	**Бевосита дастурлар бўйича жами:**	**1,327,162**	**1,472,294**	**1,590,276**
	Компенсация қилинадиган дастурлар			
01.01	Миллий Океаншунослик хизмати	47.693	55.005	52.833
01.02	Миллий балиқчилик хизмати	16.668	24.236	26.916
01.03	Океаншунослик ва метеорология бўйича илмий-тадқиқот ишлари	29.195	36.200	29.206
01.04	Миллий об-ҳаво хизмати	158.275	274.751	222.852
01.05	Атроф-муҳит миллий сунъий йўлдоши, маълумотлар ва ахборот хизмати	38.518	25.013	19.366
01.06	Дастурий қўллаб-қувватлаш	13.683	14.152	13.943
01.91	**Компенсация қилинадиган дастурлар бўйича жами:**	**304,032**	**429,357**	**365,116**
10.00	**Жами мажбуриятлар**	**1,631,194**	**1,901,651**	**1,955,392**

1) "Дастурлар ва молиялаштириш жадвали" қуйидаги 3 та қисмдан ташкил топган: а) фаолият турлари бўйича дастурлар; б) молиялаштириш ва в) мажбуриятларнинг ҳақиқий харажатлар (кейинги намунада келтирилган) билан ўзаро боғлиқлиги.

2) Ҳар бир дастур ўн битта рақамли идентификация кодига эга. Биринчи иккита рақам агентликни билдиради; кейинги тўртта рақам дастурнинг рақами; еттинчи рақам бюджет буюртмасининг тури (оддий ёки қўшимча) билдиради; ва саккизинчи рақам молиялаштириш турини билдиради. Охирги учта рақам функционал классификациянинг коди ҳисобланади.

3) МББ йўриқномаси агентликдан дастурни таҳлил ва баҳолаш учун агентликнинг асосий иш фаолиятни таърифлаб беришини талаб қилади.

4) Айрим ҳолларда Дастурлар ва молиялаштириш жадвалида жорий ва капитал харажатлар (бу ерда келтирилмаган) фарқланади (Федерал ҳукумат бюджетида, Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари бюджетидан фарқли равишда, жорий ва капитал харажатлар алоҳида прогноз қилинмайди).

4-М-НАМУНА

Дастурлар ва молиялаштириш жадвали: молиялаштириш

Дастурлар ва молиялаштириш (минг доллар ҳисобида)				
Идентификация коди 13-1450-0-1-306		**Факт 1990**	**Прогноз 1991**	**Прогноз 1992**
Молиялаштириш:				
17.00	Ўтган йил мажбуриятларини тиклаш	-6,216	-6,000	-6,000
21.40	Мажбурий (доимий) бўлмаган харажатлар баланси, йил бошига	-77,815	-39,738	....
24.40	Мажбурий (доимий) бўлмаган харажатлар баланси, йил охирига	39,738	...	...
39.00	**Бюджет ваколатлари, жами**	**1,586,901**	**1,855,913**	**1,949,392**
Бюджет ваколатлари:				
	Жорий:			
40.00	Ассигнациялар	1,223,369	1,353,156	1,501,476
42.00	Бошқа ҳисобрақамлардан ўтказилган маблағлар	59,500	73,400	70,800
43.00	**Жами ассигнациялар**	**1,282,869**	**1,426,556**	**1,572,276**
	Доимий:			
62.00	Бошқа ҳисобрақамлардан ўтказилган маблағлар	...	...	12,000
63.00	**Жами ассигнациялар**	**...**	**...**	**12,000**
68.00	**Йиғимлардан тушадиган маблағларнинг сарфланишига оид ваколатлар**	**304,032**	**429,357**	**365,116**
Мажбуриятларнинг харажатлар билан ўзаро боғлиқлиги:				
71.00	Жами мажбуриятлар	1,631,194	1,901,651	1,955,392
72.40	Мажбуриятлар бўйича баланс, йил бошига	883,928	880,947	938,896
74.40	Мажбуриятлар бўйича баланс, йил охирига	-880,947	-938,896	-938,852
78.00	Амалдаги ҳисобварақларга тузатишлар	-6,216	-6,000	-6,000
87.00	**Жами харажатлар**	**1,627,959**	**1,837,702**	**1,949,436**
	Бюджет ваколатлари ва харажатларига ўзгартиришлар: Компенсация қиладиган йиғимлар ҳисобига қисқартиришлар			
88.00	Федерал бюджет	-251,236	-363,004	-288,024
88.30	Траст жамғармалари	-29,583	-34,521	-35,389
88.40	Бошқа манбалар	-23,373	-31,832	-41,703
88.90	**Жами компенсация қилувчи йиғимлар**	**-304,192**	**-429,357**	**-365,116**
89.00	**Соф бюджет ваколатлари**	**1,282,709**	**1,426,556**	**1,584,276**
90.00	**Соф харажатлар**	**1,323,767**	**1,403,345**	**1,584,320**

1) Жадвалнинг молиялаштириш қисми молиялаштириш манбаларини кўрсатади. Юқорида келтирилган ҳисобварақ молиялаштиришнинг асосий қисми ҳар йили ажратиб бориладиган ассигнациялар ҳисобига амалга оширилади, бироқ харажатларнинг маълум бир қисми доимий ассигнациялар ва маълум бир йиғимларнинг ҳисобига қопланади;

2) Молиялаштириш жадвали айрим ҳолларда секвестрлаштириш йўли билан қисқартириш каби (бу ерда келтирилмайди) мавжуд манбаларнинг қисқартирилишини кўрсатади;

3) Мазкур молиялаштириш жадвалининг 3-бўлими мажбуриятларнинг харажатлар билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Мазкур жадвалда келтирилган харажатлар кўрсаткичлари таклиф қилинаётган кўрсаткичлар эмас, балки прогноз кўрсаткичлари ҳисобланади;

4) Кўриниб турибдики, жамлама ва соф кўрсаткичлар ўртасида фарқ мавжуд. Жамлама кўрсаткичлар молиялаштириш манбаларидан қатъи назар мазкур ҳисобварақ бўйича жами мажбуриятлар ёки харажатларни кўрсатади; соф кўрсаткичлар мазкур ҳисобварақда кўзда тутилган ассигнациялар ҳисобига молиялаштириладиган миқдордир.

4-Н-НАМУНА
Харажатлар тури бўйича таснифлаш

(млн доллар ҳисобида)				
Идентификация коди 13-1460-0-1-306		**Факт 1990**	**Прогноз 1991**	**Прогноз 1992**
	Бевосита мажбуриятлар:			
	Ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи			
11.1	Асосий (доимий) ходимлар	361.791	393.047	401.905
11.3	Вақтинчалик ходимлар	18.933	18.686	19.163
11.5	Бошқа иш ҳақи	20.070	21.092	20.515
11.9	Жами иш ҳақи	400.794	432.825	441.583
12.1	Ходимлар учун имтиёзлар	73.400	79.367	89.390
13.0	Собиқ ходимлар учун имтиёзлар	6.485	6.162	6.681
21.0	Хизмат сафари харажатлари	20.467	17.796	18.181
22.0	Маҳсулотларни транспортировка қилиш	8.533	6.752	7.453
23.1	GSA* ижара тўловлари	29.056	33.888	40.311
23.2	Бошқаларга ижара тўловлари	12.129	11.055	10.922
23.3	Телекоммуникация, коммунал хизматлар ва бошқалар	35.704	57.761	58.524
24.0	Босма ва нусха кўчириш ишларига харажатлари	7.146	6.672	7.881
25.0	Бошқа харажатлар	481.395	518.089	622.561
26.0	Моддий-техник таъминот	51.134	49.797	48.631
31.0	Асбоб-ускуналар	41.392	72.820	104.537
32.0	Ер ва иншоотлар	3.576	12.079	10.084
41.0	Грантлар, субсидиялар ва трансфертлар	155.790	167.219	123.525
42.0	Суғурта тўловлари	64	11	11
43.0	Фоизлар ва дивидендлар	90	1	1
99.0	**Бевосита мажбуриятлар бўйича жами**	**1,327,155**	**1,472,294**	**1,590,276**
99.0	**Компенсация қилиниладиган мажбуриятлар**	**304,032**	**429,357**	**365,116**
Ҳарбий-инженерлик қўшинларига тақсимлаш				
32.0	Ер ва иншоотлар	7	...	...
99.0	Ҳарбий-инженерлик қўшинлари бўйича жами мажбуриятлар	7	...	...
99.9	**МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҲАММАСИ**	**1,631,194**	**1,901,651**	**1,955,392**

1) Ҳар бир бюджет ҳисобварағига илова қилинадиган мазкур жадвал харажатларнинг мажбуриятларни харажатларнинг асосий турлари бўйича таснифлайди. Барча Федерал агентликлар учун харажатлар тури бўйича ягона классификациядан фойдаланилади;

2) Харажатларнинг айрим моддалари яна кичик моддаларга ажратилади ва бу харажатлар бўйича батафсилроқ маълумот бериш имконини беради. Жадвалда кўриниб турганидек иш ҳақи доимий ходимларнинг иш ҳақига ва бошқа иш ҳақига ажратилади;

3) Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақлари келтирилган бюджетнинг ҳар бир ҳисобварағида ходимларнинг сони (ходимнинг тўлиқ иш куни эквиваленти) ва ходимлар тўғрисидаги бошқа маълумотлар (бу ерда кўрсатилмаган) келтирилади.

*** General Servises Administration** — Умумий хизмат маъмурияти.

САВОЛЛАР

1. Президент бюджетномаси нима ва унинг АҚШ бюджети жараёнидаги ўрни қандай?

2. Президентнинг бюджетномасини ким тайёрлайди ва қанча муддатларда?

3. Президентнинг Федерал бюджет лойиҳасини тайёрлаш таомилини хронологик кетма-кетликда айтиб беринг.

4. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонунда мустаҳкамланган бюджет жараёнини тартибга солувчи 2 та асосий механизмни айтиб беринг.

5. Дискрецион харажатларнинг асосий мақсади нималардан иборат ва нима учун улар элементларининг қайтадан кўриб чиқилиши талаб қилинади?

6. Умумий бюджет жараёнида "PAYGO" ("Pay-as-you-go") таомили қандай вазифани бажаради?

7. Навбатдаги молия йилига бўлган секвестрни дастлабки кўриб чиқилишига оид шарҳнинг мақсади нималардан иборат ва уни ким тайёрлайди?

8. АҚШ Конгресси қўмиталарининг "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллари нима учун керак?

9. Президент бюджети бўйича Конгресдаги тинглашлар қайси 2 йўналиш бўйича ўтказилади?

10. Президент бюджетномасини АҚШ Конгрессига қабул қилиниши қандай рўй беради?

11. Ҳокимиятнинг қайси 3 тармоғи АҚШдаги бошқарувнинг давлат тизими асосини ташкил қилади?

12. Қайси давлат бошқаруви тузилмалари ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғини ҳосил қилади?

13. Давлат бошқарувининг қайси тузилмалари ҳокимиятнинг ижроия тармоғини ҳосил қилади?

14. Конгресснинг Бош бюджет-назорат бошқармаси функционал мажбуриятлари сирасига нималар киради?

15. Федерал бюджет тайёрланиши ва қабул қилиниши жараёнида Президент Маъмурияти зиммасига қандай вазифалар юклатилади?

16. Федерал бюджетнинг шакллантирилиши, тасдиқланиши ва татбиқ этилиши бўйича АҚШ Президенти зиммасига қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланади?

17. Федерал дастурларнинг бюджетдан молиялаштириш механизми умумий таркибидаги роли ва мақсади нималардан иборат?

18. Федерал агентликлар Федерал бюджетни татбиқ этилиши жараёнида қандай ўрин ва вазифаларни бажаради?

19. Функционал бюджет таснифнома (классификация)сининг мақсадини айтиб беринг ва тузилмасини ёритиб беринг.

V БОБ.
БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИ АҚШ КОНГРЕССИДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

Бюджет сиёсатини амалга ошириш самарадорлиги Президент томонидан маъқулланиши ёки маъқулланмаслиги, Конгресс томонидан мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг, шунингдек бюджет жараёнини амалга оширишнинг техник жиҳатларини баҳолаш каби кўпгина омилларга боғлиқ. Агарда иқтисодий вазият, масалан, иқтисодий ўсиш, аҳолининг бандлик даражаси, инфляция ва бошқалар режалаштирилган даражадан озгина бўлсада ўзгартирилса, у ҳолда даромадлар ва харажатларнинг реал ҳажмлари ҳам ўзгариб кетади. Бюджетлар, агар истиқболга асосланадиган техник омиллар нотўғри бўлиб чиққан ҳолларда, сезиларли даражада фарқланиши мумкин. Масалан, агентликлар томонидан дискрецион маблағларнинг сарфланиш меъёри, ёки тасдиқланган доимий дастурлар таркибига, бунга ҳуқуқи бўлган қўшимча харажатларнинг киритилиши. Сўнгги йилларда бюджет жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилган Конгресснинг ҳуқуқий хатти-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этди.

Конгресснинг бюджет лойиҳаси жорий этилишига таъсирининг асосий механизмлари харажатларнинг энг юқори миқдори, даромадларнинг энг кам миқдорини белгилаш, маблағларнинг Қўмиталар ва бўлинмалар ўртасида тақсимланиши ҳисобланади. Шу билан бир қаторда Конгресс айрим ҳолларда ўзининг бюджет мақсадларига эришиш учун келишиш жараёнидан ҳам фойдаланади, шунингдек бюджетни жорий қилиш бўйича Грэмм-Рудмен-Холлингс (ГРХ) қонунининг махсус омилларини кўриб чиқади. Мазкур омилларнинг жорий қилиниши бўйича тегишли ишнинг ташкил қилиниши учун Конгресс алоҳида чора-тадбирларни умумий бюджет сиёсати билан боғлаш ва махсус чораларнинг кўрилиши ушбу сиёсатга тўғри келиши ёки келмаслигини аниқлаб олиш учун бюджет бўйича тўлиқ ва янги ахборотларни олиш имкониятига эга бўлиши керак. Ушбу мақсадда Конгресс хатти-ҳаракатларини бюджет қоидалари билан келиштириш мақсадида мустақил қоидалар ва омиллар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур қоидалар Вакиллар Палатаси ёки Сенат томонидан бюджет лойиҳасида белгиланган харажатларнинг энг юқори миқдорларини ва даромадларнинг энг кам ҳажмини, маблағларнинг Қўмиталарга тақсимланиши ёки Конгресснинг бошқа бюджет омилларининг бузувчи қонун лойиҳаларининг кўриб чиқилишини тақиқлаши ҳам мумкин.

5.1. ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ МИҚДОРЛАРИНИ, ДАРОМАДЛАРНИНГ ЭНГ КИЧИК ҲАЖМИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АССИГНАЦИЯЛАРНИ ҚЎМИТАЛАР ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМИ

1974 йилда "Бюджет тўғрисида"ги Конгресс қонуни қабул қилинганидан кейинги дастлабки йилларда бюджет ваколатлари ва ха-

ражатларнинг энг юқори миқдорининг ва даромадларнинг мамлакат бюджет лойиҳасида белгилаб берилган энг кичик миқдорларининг белгиланиши бюджетни жорий қилишнинг асосий механизми ҳисобланар эди (5–А-намунага қаранг). Тез орада ушбу механизмнинг чекланганлиги яққол намоён бўлди. Масалан, харажатларнинг чекланган миқдори бузилишини назорат қилиш муаммоси Конгресс молия йили бошланганидан кейин Қўшимча ассигнациялар тўғрисидаги Қонунни чиқаргунига қадар, одатда юзага келмас эди.

Бюджетнинг жамланган кўрсаткичлари жорий қилиниши бўйича тадбирларга бўлган ишончнинг етарли эмаслиги сабабли Конгресс "Бюджет тўғрисида"ги қонуннинг 302-бўлимига биноан (1991–1995 молия йилларида эса мана шу қонуннинг 602-бўлимига биноан) харажатларнинг Қўмиталар ва бўлинмалар ўртасида тақсимланишига эътиборни қаратди. Бюджет сиёсатини амалга оширишда бюджет таъсирига эга бўлган алоҳида қонун ҳужжатлари билан умумий бюджет сиёсати ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши асосий дастак бўлиб ҳисобланади. Конгресс ўзининг доимий Қўмиталари тизими орқали фаолият юритар экан, бюджет жараёнининг самарадорлигини ошириш ишида Вакиллар Палатаси билан Сенат қўмиталари ўртасидаги бюджет лойиҳасида кўзда тутилган харажатларнинг объектив тақсимланиши зарур одим бўлиб ҳисобланади.

5.2. "БЮДЖЕТ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ 302-БЎЛИМИГА БИНОАН ХАРАЖАТЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ ОМИЛЛАРИ

302-бўлим харажатларни тақсимлашнинг икки босқичли омилини кўзда тутади. Биринчи босқичда кейинги молия йилига бўлган бюджет лойиҳасининг умумий харажатлари қўмиталар ўртасида тақсимланади: кейинчалик, ҳар бир қўмита харажатларнинг олинган қисмини ўз дастурлари ва кичик қўмиталари ўртасида тақсимлайди. 302(а)-бўлимига биноан ассигнациялар қўмиталар ўртасида тақсимланади ва бюджет лойиҳаси бўйича мажлисда тегишли Палатанинг ваколатли вакилининг ҳисоботида кўрсатилади. Бунда, маблағларнинг тақсимланиши ҳар бир ваколатли қўмита ўртасида амалга оширилади (Қўмиталар бўйича ассигнацияларнинг тақсимланиши ассигнацияларнинг ажратилишига оид қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили молиялаштириладиган дискрецион харажатларга ваколатларнинг берилишига дахлдор эмас). Вакиллар Палатаси ёки Сенатнинг қўмиталари бўйича тақсимланган янги бюджет ваколатлари ва харажатлар умумий суммаси бюджет лойиҳасида белгиланган ялпи бюд-

жет ваколатлари ва харажатлардан ортиб кетиши керак эмас. Ушбу тақсимлашлар Бюджет қўмиталари томонидан амалга оширилсада, улар бюджет лойиҳаси тайёрланиши чоғида эришилган тахминлар ва битимларга асосланганлиги учун ҳам мазкур қўмиталарнинг бир томонлама истаги ҳисобланмайди.

Конгресс Вакиллар Палатаси ва Сенат қўмиталари ўртасида харажатларни тақсимлашнинг турли усулларидан фойдаланадилар. Вакиллар Палатаси бюджет ваколатлари харажатлар ва доимий дастурлар бўйича бошқа ваколатларни (5–Б-намунага қаранг) тақсимлайди ва ҳар бир ҳолатда "жорий даража" (амалдаги қонунчиликка кўра мажбурий харажатларни ва ўтган йилги харажатлардан ҳосил бўлувчи харажатларни акс эттирувчи) билан "дискрецион хатти-ҳаракат"лар (қонун ҳужжатларидаги ўзгартиришлар натижасида харажатларнинг кўпайиб ёки камайиб кетишини кўрсатувчи) ўртасидаги фарқларни кўрсатади. Сенат ҳар йили молиялаштириладиган бюджет ваколатлари, харажатлар ва доимий дастурлар бўйича бошқа ваколатларни тақсимлайди (5–В-намунага қаранг), бироқ жорий даража билан дискрецион харажатлар ўртасидаги фарқни кўрсатмайди. Бундан ташқари, Сенат (Вакиллар Палатасидан фарқли равишда) Ижтимоий таъминот траст фондларининг харажатлари ва даромадларини келгуси молия йилига ва кейинги тўрт йил учун алоҳида тақсимлаб чиқади.

302(а)-бўлимга оид Вакиллар Палатаси билан Сенат ўртасидаги яна бир фарқ шундан иборатки, Палата ассигнацияларни қўмиталар ўртасида бюджет лойиҳасида кўрсатилганидек, функционал категориялар бўйича тақсимлайди.

302(а)-бўлимга биноан, харажатларнинг қўмиталар бўйича тақсимлаб бўлинганидан кейин ҳар бир Қўмита олган суммаларни ўз дастурлари ва кичик қўмиталари бўйича 302(б)-бўлим талабларига биноан тақсимлайди (5–В ва 5–Г-намуналарга қаранг). Ҳар бир қўмита тегишли Палатага кичик қўмиталар бўйича тақсимланган харажатлар тўғрисида ҳисоботни тақдим этади, акс ҳолда мазкур қўмитанинг харажатларга оид юридик хатти-ҳаракатлари бу каби ҳисобот тақдим этилмагунига қадар кўриб чиқилиши мумкин эмас.

5.3. "БЮДЖЕТ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ 602-БЎЛИМИГА БИНОАН ХАРАЖАТЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ ТАОМИЛИ

ГРХ қонунининг амал қилиш вақтида Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 302(а)-бўлимига биноан қў-

миталар ўртасида харажатларнинг тақсимланиши бўйича омиллар "Бюджет тўғрисида"ги қонуннинг 602-бўлимида белгилаб берилган махсус омиллар билан алмаштирилган эди. 602 (а) бўлимга биноан қўмиталар бўйича тақсимлаш 302-бўлимда талаб қилинган тартибда амалга оширилади, бюджет лойиҳасида қамраб олинган беш молия йилига оид жами харажатларни тақсимлашни амалга оширилиши бундан мустасно.

Қонуннинг 602(в)-бўлими талабларига биноан, фақат Сенат Вакиллар Палатасининг Ассигнациялар ажратиш қўмиталари уларга тегишли маблағларни бюджет лойиҳаси томонидан қамраб олинган биринчи молия йилигагина қайта тақсимлайди. Сенатнинг бошқа қўмиталари ҳам ўз ассигнацияларини қайта тақсимлашлари мумкин (бироқ, мажбур эмаслар).

5.4. ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

Ҳисобга олиш омили мавжуд қонунчиликнинг бюджет таъсирини баҳолаш ва унинг бюджет кўрсаткичларига — мазкур ҳолатда Президент бюджети лойиҳасига таъсирини баҳолаш жараёнини ўз ичига олади. Конгресс томонидан бюджетнинг муҳокама қилиниши жараёнида ҳисобга олиш омилларидан бир қанча мақсадлар учун фойдаланилади. Биринчидан, ҳисоб Конгресс аъзолари ва жамоатчиликни улар ҳаракатларининг бюджетга кўрсатаётган таъсири тўғрисида хабардор қилиш имконини беради. Бюджет таъсирига эга бўлган тузатишлар ёки қонун лойиҳасини кўриб чиқиш босқичида турган вақтда, ҳар тарафлама чамалаб кўрилган ҳисоб ахбороти, Конгресс аъзоларининг мазкур тузатишлар ва қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, бюджет балансини бузиб юборпш-юбормаслигини билиб олишларига имкон беради. Объектив ҳисобга олиш ахбороти жорий йилнинг бюджет мақсадларига эришиш учун кейинги қонун чиқариш ҳаракатларида нима ишлар қилиниши кераклиги тўғрисида ҳам ҳукм чиқариш имконини беради.

Ва ниҳоят, ҳисобга олиш омиллари Конгрессга ўз бюджет лойиҳаси вариантини жорий қилишда ёрдамлашиш учун мўлжалланган. Бу борада ҳисобга олиш омиллари Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни бўлимларидан бюджет лойиҳаси кўрсаткичларини бузувчи қонунчиликка қарши фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш учун ҳам фойдаланилади.

Тегишли палаталарнинг раҳбарларини қонун лойиҳаси бюджет лойиҳасининг йиғма кўрсаткичларини ёки қўмиталар томонидан қайта тақсимланган харажатлар миқдорларини бузаётганлигини аниқ-

лаш учун зарур дастлабки маълумотлар билан таъминлаб берувчи Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Бюджет бўйича қўмиталари Конгрессда ҳисобга олиш омилларининг асосий ижрочилари ҳисобланадилар. Бюджет бўйича қўмиталар Конгресс аъзолари учун мунтазам равишда, одатда, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш чоғида бюджет бўйича қисқа ҳисоботларни тайёрлайди. Конгресснинг Бюджет бошқармаси (КББ) қўмита шарҳлари таркибига киритиладиган қонун лойиҳасининг чиқимлари ҳисоб-китобларини тайёрлаш орқали Конгрессга ёрдам беради (5–Е ва 5–Ж-намуналарга қаранг). Солиқлар бўйича Бирлашган қўмита даромадлар бўйича қонунчиликнинг бюджет таъсири баҳоланишини тайёрлаш орқали Конгрессга ёрдам беради.

5.5. БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБЛАР ТАЛАБЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ЁКИ РАД ЭТИШ ТАМОЙИЛИ

Конгресснинг бюджет лойиҳаси стратегияси ва бюджет таомиллари бузилишининг олдини олиш мақсадида Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни қўшимча процессуал моддаларни назарда тутади.

Қонуннинг 311-бўлимига биноан Конгресснинг қабул қилиниши бюджет лойиҳаси томонидан белгиланган даромадлар ҳажмининг тушиб кетишига ёки бюджет лойиҳаси томонидан белгиланган янги бюджет ваколатлари ёки харажатлар ҳажмларининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиши тақиқланган. Вакиллар Палатасида (Сенатда эмас) Қонуннинг 311-бўлими, агар маълум қўмита томонидан таклиф этилаётган янги дискрецион бюджет ваколатлари ёки доимий дастурлар бўйича янги ваколатлар мазкур қўмита учун тақсимланган харажатлар доирасида қолган бўлса, харажатларга оид қонун лойиҳаларига нисбатан қўлланилмайди. Тегишлича, Вакиллар Палатаси, ҳатто агар бу харажатлар умумий ҳажмининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлсада, тегишли қўмиталар бўйича тақсимланган ассигнациялар доираларида бўлган харажатлар бўйича исталган чора-тадбирларни кўриши мумкин. Палаталарнинг ҳеч бир харажатларни қабул қилиши бюджет лойиҳасининг функционал категорияларига оид харажатларнинг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни тақиқламайди.

Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 302(f)-бўлими Вакиллар Палатасига янги бюджет ваколатларининг ёки бюджетнинг янги тасдиқланган доимий харажатларининг қайта тақсимланган харажатлардан ошиб кетишига олиб келиши мумкин

бўлган ҳар қандай чораларни қабул қилиниши тақиқлайди. Қонуннинг мазкур бўлими Сенатнинг 302(a) ва 302(b)-бўлимларга биноан қўмиталар бўйича тақсимланган ва кичик қўмиталар бўйича қайта тақсимланган ассигнацияларнинг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай чораларни қабул қилинишини ҳам тақиқлайди.

ГРХ қонуни амал қилиши вақтида 302(f)-бўлим қоидалари ҳам Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 602-бўлимига биноан тақсимланган ва қайта тақсимланган ассигнацияларга нисбатан қўлланилади. Мазкур қоидалар бюджет лойиҳасида қамраб олинган беш молия йилидан биринчисига нисбатан ва беш йиллик муддатга оид ассигнацияларнинг умумий суммасига нисбатангина қўлланилади. Қонуннинг 601(b)-бўлими Сенатнинг дискрецион харажатлар бўйича лимитлардан ошиши мумкин бўлган бюджет лойиҳасини ёки ассигнацияларнинг ажратилишига оид ҳар йилги тадбирларни кўриб чиқишини тақиқлайди.

Қонун 605(b)-бўлими фақатгина Сенатдан харажатлар ва даромадлар бўйича қонун ҳужжатлари ГРХ қонуни билан белгиланган келгуси молия йилига бўлган тақчилликнинг энг юқори миқдоридан ортиб кетмаслигини талаб қилади.

Сенат (Палата эмас) Федерал бюджет лойиҳаси таркибига киритилган Ижтимоий таъминот фондлари учун даромадлар ва харажатларнинг ҳажмларини белгилаб беради. 311-бўлим биринчи молия йилига бўлган даромадлар ва харажатлар ҳажмларининг ёки 5 молия йилига бўлган умумий миқдорнинг ўзгариб кетишига олиб келиши мумкин бўлган қонун лойиҳаси кўриб чиқилишини тақиқлайди. Қонуннинг 302(f)-бўлими худди мана шу даврга бўлган Ижтимоий таъминот фондларига оид харажатлар ҳажмининг ўзгаришига олиб келувчи қонун лойиҳасининг кўриб чиқилишини ҳам истисно этади.

Бундан ташқари, Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни Конгресс хатти-ҳаркатларининг белгиланган омилларга мувофиқлаштирилиши учун бўлимларни ўз ичига олган. Эҳтимол, бюджет лойиҳаси қабул қилингунига қадар даромадлар, харажатлар ёки давлат қарзи бўйича лимитларга оид ҳар қандай хатти-ҳаракатларни истисно этувчи Қонуннинг 303-бўлими улар орасида энг муҳими ҳисобланади.

Вакиллар Палатаси ёки Сенат, даромадлар ёки харажатлар бўйича қонун ҳужжатларини кўриб чиқиш чоғида, тегишли Бюджет қўмитасининг Раиси Палатада кўриб чиқилаётган қонун ҳужжатларининг қонуннинг қандайдир бўлимлари ва қоидаларини бузаётган ёки бузмаётганлиги юзасидан маъруза қилади (7-3-намунага қаранг).

Бироқ, агар ҳатто кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари Конгрессниг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг белгиланган қоидаларини бузган тақдирда ҳам Вакиллар Палатаси ёки Сенат мазкур қонун лойиҳаларининг кўриб чиқилиши тўғрисидаги қарорларни қабул қилиши мумкин. Вакиллар Палатаси кўпинча 5-Инамунада баён қилинганидек, "махсус қоидалар"ни қабул қилиш йўли билан Қонуннинг белгиланган қоидаларидан бош тортади. Сенат Қонуннинг 904-бўлимига биноан белгиланган қоидаларни бир овоздан чиқарилган қарор билан ёки Қонуннинг 303-бўлимида айтиб ўтилганидек, Қонун қоидаларининг талабларини рад этиш ҳақидаги махсус резолюцияни чиқариш орқали рад этиши мумкин. Қонуннинг муайян қоидасини қолдириш учун Сенат барча аъзоларнинг 3/5 овозини тўплаши зарур.

5.6. БЮДЖЕТ СИФАТИНИ ТАХМИНИЙ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАСИ СИФАТИДАГИ БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИ

Конгресснинг бюджет лойиҳаси амалда Конгресс бюджетини ифодалайди, чунки у бюджет ваколатларининг, жами харажатлар ва даромадларни (ва тегишлича, тақчиллик ёки профицитни) белгилаб беради за умумий миқдорни бюджет функциялари бўйича тақсимлаган ҳолда истиқболларни белгилайди. Конгресснинг барча қўмиталарига фискал режани тақдим этиш бюджет лойиҳасининг асосий мақсади ҳисобланади; бюджет лойиҳаси қабул қилинганидан кейин бутун йил давомида даромадлар ва харажатларнинг белгиланган лимитларга мувофиқ келадими-йўқлигини аниқлаш учун қўлланилади. Шу билан бирга, шуни ҳам ёддан чиқармаслик лозимки, бюджет лойиҳасида белгиланган харажатларнинг энг юқори чегаралардан ҳам ошиб кетиши ёки даромадларнинг энг кичик чегаралардан ҳам пасайиб кетишига олиб келадиган қонун лойиҳаси бир қатор сезиларли чеклашларга учраши мумкин.

ББҚнинг қабул қилиниши натижасида Конгресснинг бюджет лойиҳаси Конгрессдаги ҳар йилги бюджет жараёнининг энг охирги ёки энг муҳим босқичи бўлиб қолади.

Биз томондан бюджет лойиҳаси, агар 1995 молия йилига оид бюджет кўриб чиқилиши чоғида бўлгани каби Президент ва Конгресс мавжуд бўлганларидан ташқари энди ҳеч қандай тақчилликни қисқартирмасликка қарор қиладиган бўлса, орқага қараб ташланган қадам бўлиб қолиши мумкин. Бу эса "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонунда (ББҚ) белгиланган ва Президент бюджетида тузатилган дискрецион харажатларнинг лимитлари бюджет лойиҳаси тарки-

бига киритилади ва базис сатри бўйича даромадлар ва мажбурий харажатларнинг даражалари Президент бюджетида белгиланган каби бўлишини англатади.

Мазкур ҳолда Конгресснинг бюджет лойиҳаси Президент бюджетига киритилган жамлама кўрсаткичларни айнан акс эттиради. Шу тариқа кичик зиддият юзага келади: моҳиятига кўра нафақат тақчиллик аниқланади, шунингдек даромадлар билан харажатлар ўртасидаги узилиш ҳам қайд қилинади.

Бошқа томондан, 1996 ва 1997 молия йилларига оид бюджетлар юзасидан олиб борилган мунозаралар вақтида яққол намойиш қилингани каби бюджет лойиҳасининг қабул қилиниши фавқулодда мунозарали ва сиёсий жиҳатдан мураккаб босқич бўлиши мумкин, агар:

Конгресс тақчилликни базис сатри даражасидан пастга ёки Президент бюджетида таклиф қилинган даражадан пастга қисқартириш лозим деб топса;

Конгресс базис сатридан ортиқ бўлган миқдорга мажбурий харажатларни кўпайтириш ёки даромадларни камайтиришга қарор қилса. Бу ерда Конгресс келишув омилидан фойдаланишга мажбур бўлади. Бу омил қўмиталарга "pay-as-you-go" (PAYGO) механизми бўйича ББҚ қоидаларига мувофиқ келиши учун харажатлар компенсациясини ёки солиқ ўзгаришларини ишлаб чиқиш бўйича фармойишлар бериш учун зарурдир;

Конгресс "pay-as-you-go" — илгари қабул қилинган мажбурий харажатларнинг оширилиши ёки бюджет йилида (бизнинг ҳолатимизда 1998 молия йилида) тақчилликни оширувчи даромадларнинг қисқартирилишини қоплаш учун компенсацияларни ишлаб чиқиш учун келишувдан фойдаланишга мажбур бўлса, ёки Президент бюджети ҳимояланган дастурларга оид янги ижро буйруғига мувофиқ бевосита харажатлар бўйича махсус номани ўз ичига олган бўлса, бюджет лойиҳасидан Конгресснинг ушбу ўзгаришга таъсир ўтказиш воситаси сифатида фойдаланиши керак.

Агар мазкур вазиятлардан биттаси юзага келса, у ҳолда сўнгги ўн йиллик ичида Конгрессга бюджет лойиҳасини муҳокама қилишда халақит бериб келган муаммолар юзага келади. Агар бу содир бўлса, у ҳолда (1996 ва 1997 молия йилларида бўлган мунозаралар ҳолатида бўлгани каби) лойиҳа резолюциясининг охирги муддати — 15 апрель келгунига қадар қабул қилиниши эҳтимоли жуда камайиб кетади. Масалан, 1996 ва 1997 молия йилларида бўлган бюджет лойиҳалари тугал кўринишда июнь ойининг охирига қадар ҳам қабул қилинмаган эди.

5.7. КОНГРЕССНИНГ БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОМИЛИ

АҚШнинг "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонуни томонидан белгиланган асосий омилларга биноан бюджет лойиҳаси ҳеч қандай аҳамият касб этмай қолиши кутилган эди. У шунчаки ББҚнинг қабул қилиниши чоғида белгиланган даражаларни ратификацияланишти учунгина хизмат қилади деб тахмин қилинган эди. Ҳақиқатдан ҳам, Конгрессда ва Буш Маъмуриятида бу кўпчилик учун ББҚнинг энг жозибали томонларидан бири эди, у 1990 йилда қабул қилинган вақтда дискрецион харажатларнинг лимитлари ва мажбурий харажатлар ва даромадларнинг бизнес сатрларига риоя этилиши вақтида тақчиллик билан ҳеч нарса қилиб бўлмас эди. Ушбу вазият шароитида бюджет лойиҳаси тез ва осон қабул қилинади деб тахмин қилинган эди.

1994, 1996 ва 1997 молия йилларига онд бюджетлар бўйича мунозаралар бу энди унчалик ҳам осон эмаслигини исботлади. Бу йилларда "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун таркибига киритилган лимитлардан ташқари тақчилликда муҳим қўшимча ўзгартиришлар кўриб чиқилган ва ҳар бир ҳолатда бюджет лойиҳаси келишмовчиликларнинг асосий манбаи бўлиб келган.

Харажатларни кўпайтириш ва/ёки даромадларни қисқартириш, шунингдек, бунда табиий ҳолда юзага келадиган компенсацияларни таклиф қилишни инобатга олган ҳолда Бюджет бўйича тегишли қўмиталар бюджет лойиҳасини тузиб чиқадилар. Бунда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, мазкур компенсациялар нафақат "эътиборга олинади", балки бюджетдан молияланувчи субъектлар учун қонуний тартибда ижро этилиши тайинланади.

Сўнгги йиллардаги бюджетни режалаштириш тажрибаси мажбурий харажатларнинг қисқартирилиши ва даромадларнинг кўпайтирилишини кўзда тутадиган ҳар қандай бюджет лойиҳасини Конгрессдан ўтказиш қанчалик оғир эканлигини кўрсатди. Агар Президент бу каби ўзгаришларни бюджет лойиҳаси таркибига киритмаган бўлса, буни амалга ошириш айниқса қийин кечади, чунки бу Конгресс ушбу ўзгаришларга овоз бериш орқали сиёсий эҳтиросларни уйғотишини англатади. Бу каби мураккаб сиёсий вазиятларда Конгресс Оқ Уй билан яқиндан ҳамкорлик қилишни афзал топиши аниқ тамойили кузатилмоқда. Бунинг учун Конгресс етакчилари кўп ҳолларда Президент билан барча деталларни олдиндан ишлаб чиқишга ёки бюджет лойиҳаси Капитолия тепасига (АҚШ Конгресси биноси)

жўнатиб бўлинганидан кейин Президент Маъмурияти билан музокараларни уюштиришга ҳаракат қиладилар. Бунда улар бу каби қадамларни мустақил равишда қўйишга деярли ҳеч қачон қарор қилмайдилар.

Конгресснинг бюджет лойиҳаси ҳар йили 15 апрелгача қабул қилиниши керак. Бироқ, агар бюджет лойиҳаси охирги муддат келганидан кейин қабул қилинса (1996 ва 1997 молия йилларига бўлган бюджетлар бўйича олиб борилган мунозаралар вақтида бўлгани каби), бунинг ҳеч қандай омил ундиришлари кўзда тутилмаган. Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 301(а)-параграфига биноан 12-чизмага қаранг) бюджет лойиҳаси резолюцияси қуйидагиларни батафсил баён қилиши лозим:

— бюджет ваколати ва жами бюджет харажатларининг тегишли даражаси;

— тавсия қилинаётган даромадлар даражаси;

— профицит ёки тақчиллик;

— бюджетнинг ҳар бир функциясига оид бюджет ваколатлари ва харажатлар даражаси ва;

— давлат қарзининг тегишли даражаси;

— бюджет лойиҳаси келгуси икки молия йили учун "режалаштириладиган даражалар" билан бир қаторда ушбу даражаларни бир йилга белгилаган ГРХ қонунидан фарқли равишда "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун бюджет лойиҳаси бюджет йилига (режалаштирилаётган йилга) ва келгуси беш йилга мажбурий даражаларни кўрсатиши кераклигини белгилаб берди[1].

12-чизма


КОНГРЕСС БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИНИНГ УМУМИЙ ТАРКИБИ
КОНГРЕСС БЮДЖЕТ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ ТЕГИШЛИ УМУМИЙ ДАРАЖАСИ
АҚШ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ДАРАЖАСИ
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ДАРАЖАСИ
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ ҲАР БИР ФУНКЦИЯСИГА
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ПРОФИЦИТИ
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ ҲАР БИР ФУНКЦИЯСИГА
ДАВЛАТ ҚАРЗИ ДАРАЖАСИ
АҚШНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗЛАРИ
АҚШНИНГ ИЧКИ ҚАРЗЛАРИ

Конгресснинг бюджет лойиҳаси улар бир қатор ахборот манбаларини, жумладан Президент бюджети лойиҳасини кўриб чиққанларидан кейин Бюджет бўйича қўмиталар томонидан ишлаб чиқилади. Бюджет бўйича қўмиталар шунингдек, "шарҳловчи-баҳоловчи" материалларни, ўз мажлисларининг баённомаларидан хулосаларни кўриб чиқадилар. Президент ташаббуслари ва ўз аъзоларининг истаклари жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини ёки жамоатчилик томонидан маъқулланмаслигини ҳисобга оладилар.

Ўз бюджет лойиҳаси вариантларини тузиш чоғида Бюджет бўйича қўмиталар бошқа қўмиталар билан маслаҳатлашишлари керак. Кўпгина қарорлар бошқа қўмиталардан бўлган ҳамкасблардан олинган уларнинг бюджет масалаларига алоқадор истаклари, эҳтиёжлари ва мақсадлари битилган ахборотга ҳам асосланади.

Бюджет маблағларининг сарфланишига оид режанинг қабул қилиниши ва Бюджет бўйича қўмиталар томонидан қонунбузарликларнинг олди олиниши учун Конгресснинг бюджет лойиҳаси фақатгина ялпи ҳажмлар ва функционал якуний суммалар бўйича қарорларни ўртага ташлайди: у бюджет моддалари ёки аниқ дастурлар бўйича қарорларни ўзида акс эттирмайди. Бюджет бўйича қўмиталар бюджет лойиҳаси тузиб чиқилаётган вақтда аниқ дастурлар бўйича муайян тахминларни қилишлари мумкин. Бироқ, ушбу тахминлар Ассигнацияларни санкциялаш қўмиталари, Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталар ва Даромадлар бўйича қўмиталар учун ҳеч қанақасига мажбурий бўлиб ҳисобланмайди.

Бироқ, агарда бюджет лойиҳасини тузиб чиқиш жараёнида Бюджет бўйича қўмиталардаги мунозараларни кузатадиган бўлсак, бу ерда фақатгина "ялпи ҳажмлар ва функционал якуний суммалар" кўриб чиқилмаслиги аён бўлади. Бу ерда турли тузатишлар таклиф этилади, шунингдек, алоҳида дастурлар ва ҳатто дастурларнинг маълум қисмлари ҳам муҳокама қилинади. Шундай бўлсада, ушбу барча тузатишлар ва муҳокамалар тегишли қўмиталарнинг охир-оқибатда айнан Бюджет бўйича қўмита тахмин қилаётганидек ҳаракат қилишларигагина асосланади. Бироқ, агар тузатиш пул маблағларининг маълум бир дастурдан олиб ташланиши ёки унга йўналтирилиши тахминга асосланган ҳолда ўртага ташланган ва қабул қилинган бўлса ҳам, бюджет лойиҳасининг фақатгина тегишли ялпи ҳажмлари ва функционал якуний жамлама кўрсаткичларигагина ҳақиқатда таъсир кўрсатилади.

Ассигнацияларни санкциялаш бўйича, ассигнацияларни ажратиш бўйича ва солиқлар бўйича қўмиталар, агар истасалар, ушбу тахминларга риоя қилишлари мумкин, бироқ уларни буткул эътиборга

олмасликлари ҳам мумкин, чунки улар — уларга ажратилган маблағларнинг жами кўрсаткичлари билангина чеклангандирлар.

Илгарилари Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Бюджет қўмиталари кўпинча бюджет лойиҳасини тузиб чиқиш ишига ёндашар эдилар. Бироқ, Қўмиталарнинг раислари кўп ҳолларда "раис стандарти" ("chairman's mark") — одатда, умуман бюджет бўйича ва қисман бюджетнинг алоҳида функциялари бўйича тавсияларни ўз ичига олувчи таклифни тузиб чиқар эдилар[2]. Одатдаги функционал тавсиянома Президент бюджетида тавсия қилинган суммани, базавий сатрни, Раис Президент билан келиша олмаган масалаларни ва Раис тавсияларидан олинган барча натижалар бирга жамланганидан кейинги бюджетнинг функциялари бўйича соф якуний миқдорни кўрсатиши мумкин эди. Ушбу якуний миқдор охир-оқибатда Қўмита лойиҳасининг тузилиши чоғидаги мунозаралар учун бошланғич нуқта бўлиб қолади ва қўмита аъзолари агар улар Раис фикр-мулоҳазаларига қўшилмасалар, лойиҳага тузатишларни таклиф қилишлари мумкин.

Бюджет лойиҳасини Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг тўлиқ таркиби *ихтиёрига кўриб чиқиш учун тақдим этилганидан кейинги* муҳокама қилиш омиллари жуда ўзига хосдир. Вакиллар Палатасида Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни талаб қилганидек, мунозаралар бюджет лойиҳаси тақдим этилганидан кейин беш кун ўтишидан олдин бошланиши мумкин эмас, шанба, якшанба ва расмий байрам кунлари бундан мустасно. Аввалига лойиҳа бўйича асосий мунозараларга кўпи билан 10 соатга рухсат берилган бўлиб, ундан сўнг "беш дақиқалик" қоидага биноан тузатишлар кўриб чиқилиши мумкин (ҳар бир аъзога тавсия этилаётган тузатиш юзасидан кўпи билан беш дақиқа вақт ичида фикр билдиришга рухсат этилган). Тузатиш "математик жиҳатдан асосланган" бўлиши, яъни барча ялпи ҳажмлар ва функционал якуний суммалар бирма-бир баён қилинган ва керакли тарзда қўшиб чиқилган ёки айирилган бўлиши керак.

Сўнгги йилларда Вакиллар Палатаси мажлислар залларидаги муҳокама қилиш жараёнини тезлаштириш мақсадида тез-тез махсус қоидаларни қабул қилди. Ушбу қоидалардан энг қатъийси таклиф қилиниши мумкин бўлган тузатишларга чекловларни белгилади: олдин улар Вакиллар Палатасининг Омил масалалари бўйича қўмитаси томонидан маъқулланган бўлиши лозим. Бу каби қоидалар кўпинча Бюджет бўйича қўмита томонидан тақдим этилган лойиҳанинг маълум қаторини буткул алмаштириш бўйича тузатишларни чекларди.

Конгресс учун Бюджет бўйича қўмита томонидан тақдим этилган Конгресснинг бюджет лойиҳасига оид шарҳнинг тақдим этилиши

ва кўриб чиқилиши ўртасида маълум бир махсус танаффус даври назарда тутилмаган. Муҳокама қилишнинг максимал давомийлиги 50 соатни ташкил қилади, бунда ҳар бир тузатиш юзасидан мунозаралар икки соатдан ортиқ вақт мобайнида олиб борилиши мумкин эмас. Тузатишга оид мунозаралар бир соатга қадар чекланган ва бунда ҳам математик асосланма талаб этилади.

Бюджет лойиҳаси бўйича ҳисобот Сенатда фақатгина уч кунлик танаффусдан сўнг муҳокама қилиниши мумкин, мунозаралар 10 соатгача чекланган. Вакиллар Палатасига ҳам уч кунлик танаффус берилади, мунозаралар эса 5 соатгача чекланган. Танаффусдан фойдаланиш ҳуқуқидан иккала палата ҳам кўпинча воз кечади.

Ўзаро келишилган бюджет лойиҳасига, қўшимча равишда, Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг конференция иштирокчилари "вакилларнинг қўшма аризаси" сифатида танилган илова қилинувчи, шарҳни тақдим этишлари шарт. Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг бюджет лойиҳаси вариантлари ўртасидаги келишувни тушунтириш билан бир қаторда Вакиллар Палатаси учун шарҳ Вакиллар Палатасининг барча қўмиталари ўртасида ҳимояланган дастурлар бўйича тўловлар учун уларнинг ихтиёридаги бюджет қисмларига мувофиқ янги ялпи бюджет ваколатлари, харажатлар ва ваколатларнинг тақсимланишини тақдим этиши лозим[3]. Сенат учун шарҳ Сенатнинг барча қўмиталари ўртасида уларга тегишли бўлган бюджет қисмларига мувофиқ янги ялпи бюджет ваколатлари, харажатлар, ижтимоий суғурта юзасидан ажратмаларни тақсимлаб бериши керак.

Ушбу "602(а)-параграфнинг тақсимоти" сифатида танилган тақсимлашлар Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги Қонунининг уларнинг амалга оширилишини талаб қилувчи қисми номини олган.

Мазкур тақсимлашларни олувчи қўмиталар кейинчалик уларни Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 602(b)-параграфига биноан ажратиб олишлари лозим. Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Ассигнациялар бўйича қўмиталари уларга берилган суммаларни ўзларининг кичик қўмиталари ўртасида тақсимлашлари керак. Сенатнинг бошқа барча қўмиталари уларга берилган суммаларни ўзларининг кичик қўмиталари ўртасида ёки уларнинг юрисдикциялари остида бўлган дастурлар ўртасида тақсимлашлари мумкин. Кейин эса ҳар бир қўмита "зудлик билан" ушбу тақсимотлар ҳақида ўзларининг тегишли Палаталарига хабар беришлари шарт.

Конгресс энг охирги муддат — 15 апрель келгунига қадар бюджет лойиҳасини қабул қилиш бўйича қийинчиликларга учраган йилларида ассигнацияларни ажратиш жараёнини орқага суриши ва қонун лойиҳаларини молия йили бошлангунига қадар қабул қилиш

қийин кечиши мумкин. Янги қоидаларга биноан, агар бюджет лойиҳаси 15 апрелга қадар қабул қилинмаган бўлса, қўмиталар бўйича тақсимот Президент бюджети лойиҳаси таркибига киритилган маблағлар асосида амалга оширилади.

Бюджет лойиҳаси қўшма кўриб чиқилганлиги учун ҳам тегишли конференция ҳисоботи иккала палата томонидан тасдиқланганидан кейин дарҳол кучга киради. У Президент томонидан имзоланмайди ва унга вето қўйиб бўлмайди.

5.8. ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ КЕЛИШУВ ОМИЛЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

Ўз моҳияти жиҳатидан Федерал бюджет лойиҳасининг келишув омиллари Конгрессга бюджет лойиҳасининг устуворликлари ва жами кўрсаткичларни белгилаш имконини берувчи жараённи ифодалайди. Мазкур жараённи яхшироқ тушуниш учун Конгресс 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунни қабул қилгунига қадар дуч келган икки муаммони кўриб чиқамиз.

Биринчидан, Конгресс мамлакатдаги солиқ-бюджет сиёсатининг устуворликларини аниқлаш ва устувор йўналишларини белгилашга унинг мураккаблиги ва жорий сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан бандлиги боисидан ҳам қодир эмаслигини англаб етди. Иккинчидан, агар ҳатто солиқ-бюджет сиёсати устуворликлари белгиланган бўлса ҳам, Конгресс ўз қўмиталарини ушбу устуворликларга амал қилиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини ўтказишга мажбур қилиш дастагига эга эмас эди.

Бунинг натижасида, солиқ-бюджет сиёсати муаммоси — деярли, бюджет лойиҳасини мажбуран қабул қилиш талаби қўйилиши эди. Бироқ, мажбурлаш таомилисиз бюджет лойиҳаси ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмас эди, чунки Конгресс қўмиталарида ҳеч қандай процессуал санкциялар тўғрисида хавотирланмай уни эътиборга олмаслик имконн бўларди. Шу муносабат билан келишув омилининг асосий мақсади бу каби эътиборга олмасликка йўл қўймасликдан иборат эди.

Бюджет лойиҳасининг мазмуни зарурат туғилган ҳолларда бир ёки бир неча қўмиталарга мажбурий харажатларни қисқартирувчи ёки даромадларни кўпайтирувчи янги қонун ҳужжати тўғрисида маъруза қилишни тайинлайди. Агар Конгресс қўмиталари мазкур буйруқни бажаришдан бош тортсалар ёки унга мувофиқ келишишга имконлари бўлмаса, у ҳолда Бюджет бўйича қўмиталар улар ўрнига ўзгартиришлар киритиш ваколатини олишлари мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган Қонун қабул қилинганидан кейинги илк йилларда келишувни ўтказишга урниб кўриш у ёқда турсин, уни

ҳатто қийинчилик билан муҳокама қилдилар. Бунинг асосий сабаби шундаки, Бюджет бўйича қўмиталар умуман олганда, уларнинг қонун чиқариш ваколатлари бузилишидан қаттиқ шубҳа қилаётган бошқа қўмиталарга қаршилик кўрсатган ҳолда бюджет жараёнининг келажаги билан таваккал қилишни истамадилар. Хавотирланишга асос шунда эдики, келишув бўйича қонун лойиҳасининг эрта рад қилиниши ушбу омиллар Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни таркибига умуман киритилмаган бўлгандаги каби таъсир кўрсатган бўларди — Қўмиталар ўзларини бюджет лойиҳасини эътиборга олмаслик ҳуқуқига эга деб ҳис қилар эдилар.

Бироқ, 80-йилларнинг бошларида бюджет тақчиллиги муаммоси фавқулодда жиддий масалага айланиб қолиши билан келишув шунчаки хатарли ишга қўл уришга арзибгина қолмай, Федерал бюджетни тасдиқлашга оид ишларни юритишнинг стандарт усули бўлиб қолди.

У "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонуннинг моҳиятилигича қолаверади, Конгресс мажбурий харажатлар ва даромадларга ўзгартиришлар киритишни истаган ҳоллардагина ундан фойдаланилади. Бироқ, бу каби ўзгаришлар ҳар йили талаб этилмас экан, у ҳолда Конгресс мажбурий харажатларни камайтириш ёки даромадларни кўпайтириш орқали тақчилликни янада қисқартиришни исташи ёки йўқлигини ўзи ҳал қилади.

Келишув жараёнидан Конгресс томонидан "pay-as-you-go" қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун ҳам фойдаланилади. Агар бюджет лойиҳаси мажбурий харажатларнинг оширилиши ёки даромадларнинг қисқартирилишини тахмин қилаётган бўлса, у бир ёки бир неча қўмиталарга улар харажатларни компенсациялашни ёки солиқ ўзгаришларини амалга оширишлари учун келишув йўриқномаларини киритиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Келишув йўриқномалари маълум қўмиталарга мўлжалланганига ва одатда тегишли ўзгаришларни қандай амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги тахминларга асосланишига қарамай, ушбу тахминлар ижро этиш учун мажбурий бўлиб ҳисобланмайди. Келишувлар йўриқномаларида кўрсатилган қўмиталар даромадлар ёки харажатлардаги берилган ўзгартиришларни ўзлари истаган ҳар қандай усулда муваффақият билан бажаришлари мумкин.

1985 йилда қабул қилинган ГРХ қонуни айрим қўмиталарга ҳатто олдингига қараганда келишувга оид директиваларни қандай ижро этишни белгилаб олиш юзасидан яна ҳам кўпроқ фаолият эркинлигини берди. Чунончи, ҳам даромадларга, ҳам харажатларга оид ўзгартиришларни ўз ичига олувчи келишув йўриқномаларини олувчи ҳар қандай қўмита 20 фоизгача бўлган харажатларнинг

қисқартирилишини даромадларнинг кўпайтирилишига ва аксинча алмаштириши мумкин[5].

Техник нуқтаи назардан қараганда келишув омиллари ўз ҳолича нисбатан оддийдир. Бюджет лойиҳасида кўрсатилган харажатларнинг юқори чегаралари ва даромадларнинг қуйи чегараларига риоя этиш ёки таклиф қилинган мажбурий харажатларнинг ошиши ёки даромадларнинг қисқаришини компенсациялаш учун бир ёки бир неча қўмиталарга амал қилиб келаётган қонун ҳужжатини ўзгартиришни тайинловчи қоидаларни ўз ичига олади. Бюджет функциялари билан тартиблаштириладиган бюджет лойиҳасидан фарқли равишда Федерал бюджет келишуви бўйича йўриқномалар Конгресснинг тегишли қўмиталари томонидан тартиблаштирилади. Агар иш фақат биттагина қўмитага тегишли бўлса, у ҳолда у келишувга оид қонун лойиҳасини солиқлар ёки даромадлардаги талаб қилинаётган ўзгартиришларни амалга ошириш қандай тахмин қилинаётганлигига оид махсус тушунтириш билан биргаликда ўзининг тегишли палатасига тақдим этиши керак. Агар келишув омилига икки ёки ундан ортиқ қўмиталар жалб қилинган бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири ўз тавсияномаларини тегишли Бюджет бўйича қўмитага тақдим этишлари лозим, ўз навбатида, у бирон-бир сезиларли ўзгартиришларни амалга оширишларсиз уларни бир қонун лойиҳасига жамлаб, сўнгра муҳокама қилиш учун мажлислар залига тақдим этади.

1996 ва 1997 молия йилларига бўлган бюджетлар бўйича келишувларнинг қарор топган амалиётдан бирмунча фарқ қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг мазмунини батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сенатда, харажатларни қайта кўриб чиқиш учун келишув йўриқномаларини олган Молия қўмитасидан ташқари барча қўмиталар 1996 молия йили учун ўз тавсияномаларини Сенатнинг Бюджет бўйича қўмитага тақдим этишлари лозим эди, кейинчалик у уларни бир ҳужжатга расмийлаштирган ҳолда Конгресснинг Бюджет бошқармасига йўлларди. Агар КББ харажатларнинг қисқартирилиши 2002 молия йилининг охирига бориб баланслаштирилган бюджетга олиб келишини тасдиқлаган бўлса, Сенатнинг Молия қўмитасига 1996 ва 2002 йиллар ўртасидаги давр учун даромадларни 245 млрд долларгача бўлган миқдорга қисқартиришга оид унинг келиштирувчи директивасига (фармонига) мувофиқ келувчи солиқ қисқартиришини ишлаб чиқиш учун беш кун мухлат берилар эди. Тузиб чиқилган қонун лойиҳаси сўнгра Сенатнинг тўлиқ таркибига муҳокама учун йўлланар эди.

Вакиллар Палатасидаги 1996 молия йилига оид келишув юзасидан йўриқномаларни олган барча қўмиталар ўз таклифларини КББга

даромадлар ва харажатларга оид ўзгартиришлар бўйича тўлиқ ҳужжатлар пакетини тасдиқлаш учун йўллаган Бюджет бўйича қўмитага тақдим этадилар. Агар КББ қонун лойиҳаси бюджетни 2002 молия йилининг охирига бориб балансланштиришини тасдиқласа, у Вакиллар Палатасининг тўлиқ таркиби кўриб чиқиши учун йўлланган. Агар КББ буни тасдиқламаган бўлса, қонун лойиҳаси Вакиллар Палатасининг мунозаралари вақтида таомилга бюджетни балансланштириб берувчи тузатишларни киритган Омил масалалари бўйича қўмитага йўлланарди[6].

1997 молия йилига бўлган бюджет лойиҳаси ўтган йиллар амалиётидан келишув бўйича битта эмас, балки бирданига учта алоҳида қонун лойиҳасини назарда тутганлиги билан тубдан фарқ қилар эди. Бу ўзгартириш бюджет мақсадларидан кўра, сиёсий мақсадларга эришишга йўналтирилган эди. Харажатларнинг қисқартирилиши ва даромадлар таркибидаги ўзгартишларни турли қонун лойиҳалари бўйича тақсимлаш орқали Конгресс раҳбарияти келишув бўйича атиги биттагина қонун лойиҳаси амал қилган ўтган йилдагидек тушунмовчиликларнинг олдини олишга умид қилган эдилар. Ўшанда Демократлар Республикачиларни бойлар учун солиқларни "Медикэр" (Medicare) (қариялар саломатлигини суғурталаш) дастурига бўлган харажатларни қисқартириш ҳисобига камайтирганликда айбладилар. Бу Республикачиларнинг сиёсий нуфузига катта зиён етказди.

Бироқ, келишувга оид бу учала стратегия нафақат сиёсий, балки моддий-техника масалалари бўйича ҳам ночор бўлиб чиқди. "Медикэйд" (Medicaid) дастурини таъминлаш биринчи қонун лойиҳасида молиявий маблағларнинг йўқлиги туфайли камайтирилган эди. Иккинчи ("Қариялар саломатлигини суғурталаш") қонун лойиҳаси ҳам айнан мана шу сабаблар билан умуман кўриб чиқилмади. Ҳимояланган дастурлар бўйича бошқа ажратмалар ва солиқлар деган учинчи қонун лойиҳаси раҳбариятнинг айтишига қараганда, вақтнинг етишмаслиги сабабли кўриб чиқилмаган. Қонун чиқариш йўли билан қабул қилинган келишувнинг ягона қисми биринчи қонун лойиҳаси таркибидаги ижтимоий таъминот ислоҳоти эди.

Келишув бўйича биттадан ортиқ қонун лойиҳасини тузишнинг процессуал фойдаси бюджет жараёнида назарда тутилган махсус таомиллар — тузатишларнинг чекланиши ва қарорларни қабул қилиш вақтини ҳар қанақасига чўзиш йўли билан қонун лойиҳасини барбод қилиш тактикасини тақиқлаш бўлди — ҳар бир қонун лойиҳаси учун алоҳида-алоҳида қўлланиши мумкин. Тегишлича, маълум бир маънода келишувга оид қонун лойиҳасининг бу мураккаб таомили қонун лойиҳаларини қабул қилиш жараёнини енгиллаштириш ва улар билан боғлиқ таомил масалаларни ҳал этишга йўналтирилган.

Бюджет бўйича қўмитанинг раиси расман мунозараларни ўтказиш раҳбари бўлиб ҳисобланишига қарамай, ассигнацияларга оид қонун лойиҳасининг ҳар бир параграфи ёки ҳужжати бўйича мажлис раҳбари этиб, одатда, мазкур параграф ёки ҳужжатни тақдим этган қўмита раиси тайинланади.

Қонун лойиҳасини Сенатда келишишга оид мунозаралар 20 соат билан чегараланган ва бюджет лойиҳасига оид мунозаралардаги каби қоидалар асосида ўтказилади. Қонун лойиҳасининг Вакиллар Палатаси томонидан кўриб чиқилиши қоидалари ҳар йили Таомил масалалари бўйича қўмита томонидан белгиланади.

Келишувларга оид кўпгина қонун лойиҳалари бевосита харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги доимий қонунларга уларни бюджет лойиҳаси тахминлари билан келиштириш учун ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилган Ассигнацияларни санкциялаш қўмиталари ва Солиқлар бўйича қўмиталаргагина дахл қилади. "Келишув" атамаси ҳам шундан келиб чиққан.

Ўтган юз йилликнинг 80-йилларида ассигнацияларни санкциялаш масалаларига алоҳида эътибор берилиши айрим ҳолларда келишувга оид қонун лойиҳалари таркибига бюджетдан ташқари моддаларнинг киритилишига олиб келар эди. Масалан, 1989 йилда Вакиллар Палатасининг Савдо ва Энергетика бўйича қўмитаси келишувга оид ўз тавсияномалари таркибига истеъмолчиларнинг, айтайлик, "телефон орқали секс" ва ҳаққоний эшиттириш тамойилларини тиклаш хизматларидан фойдаланишларига оид чекловларни киритди. Ушбу таклифлар бюджетга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди ва алоҳида қонун ҳужжатларида кўриб чиқилганлиги сабабли кўриб чиқилмаслиги ҳам мумкин эди. Бироқ, келишувга оид қонун лойиҳасига бу каби қўшимчаларнинг киритилишига бюджет жараёни тўсқинлик қилмаганлиги, Бюджет бўйича қўмиталарга эса улар ҳар бир қўмитадан оладиган тавсияномаларга сезиларли ўзгартиришларни киритишлари алоҳида тартибда тақиқлангани учун ҳам бу каби чалкашликларнинг олдини олувчи алоҳида усуллар бўлмаган.

Бу муаммо асосан Вакиллар Палатасига эмас, балки Сенатга тегишлидир. Шу боисдан ҳам иккита махсус қоида — фақатгина Сенатда амал қилувчи "Бёрд қоидалари" ва келишувга оид қонун лойиҳаларига доир таклифлар "ўринли" бўлишига оид талаб қабул қилинган эди.

5.9. БЁРД ҚОИДАСИНИНГ МАҚСАДИ ВА МОҲИЯТИ

Ўз муаллифи Сенатор Роберт Бёрд номи билан аталган "Бёрд қоидаси" "четдан келган таклифлар" тушунчасига аниқлик киритиш йўли билан келишув бўйича қонун лойиҳаларидан четдан билдирил-

ган таклифлар чиқариб ташланиши учун ва ушбу категорияга тўғри келадиган ҳар қандай таклифни бартараф этиш бўйича таомилларнинг белгиланиши учун қабул қилинган эди.

Таклиф қуйида келтирилган беш мезондан бирига мувофиқ келсагина "четдан келган" ҳисобланади (13-чизмага қаранг):

У даромадлар ёки харажатлар ўзгаришини юзага келтирмайди;

Қўмита томонидан тақдим этилган таклифнинг якуний натижаси бўлиб қўмитанинг келишув йўриқномаларида кўрсатиб ўтилган миқдорга суммага тақчилликни қисқартира олмаслиги ҳисобланади;

У уни тақдим этган қўмитанинг ваколатлари доирасига кирмайди;

У фақатгина бюджетдан ташқари компонентларга алоқадор бўлган харажатлар ёки даромадларда ўзгартиришларни юзага келтиради;

У келгуси йиллар харажатларини кўпайтиради ёки даромадларини камайтиради; бунда мазкур ошишлар ёки камайишлар миқдор жиҳатидан қўмита томонидан таклиф этилган бошқа тавсияномалардан келиб чиқувчи харажатларнинг қисқартирилиши ёки даромадларнинг оширилишига қараганда кўпдир.

Шунингдек, Бёрд қоидаси таклифларни қуйидаги ҳолларда четдан келган бўлиб ҳисобланмаслигини белгилайди:

У харажатлар ёки даромадларни ўзгартириб юборувчи тавсияномаларга шубҳасиз алоқадор бўлган бевосита самараларни заифлаштирса, иккала таклиф биргаликда тақчилликнинг сўнгги қисқаришига олиб келади;

Таклиф келгуси молия йилларида харажатларнинг анчагина қисқаришига ёки даромадларнинг ошишига олиб келса;

Харажатлардаги қисқартиришлар ёки даромадлардаги ошишлар мазкур таклиф билан санкцияланган янги қарорлар чиқарилган ҳоллардагина рўй бериши эҳтимол; суд қарорлари ёки суд ишни кўриб чиқишидаги даъволашувлар ёки қарорларга, суд қарорларига эмас, балки тавсияномаларга тааллуқли бўлган иқтисодий кўрсаткичлар билан қонунчилик шартлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, ёки шу дамда Конгресснинг Бюджет бошқармаси томонидан истиқбол қилинаётган ўзаро алоқадорлик;

У эҳтимол, харажатларнинг анчагина қисқартирилиши ёки даромадларнинг кўпайтирилишига олиб келар, бироқ маълумотлардаги етишмовчилик сабабли ушбу ўзгаришларни баҳолаб бўлмайди;

У алоҳида қонун лойиҳаси ёки резолюция сифатида тақдим этилиши ҳолларида дастлабки таклифни тақдим этган айнан ўша

қўмитага йўлланадиган бошқа таклифнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва бу дастлабки таклиф ижро этишга тайёрлаш таомилини белгилайди:

У ўзи унинг бир қисми бўлиб ҳисобланган асосий таклиф учун истисноларни ёки алоҳида қўллаш шартларини белгилайди ва бу асосий тавсияномалар алоҳида қонун лойиҳаси ёки резолюция сифатида тақдим этилганда келишув бўйича дастлабки тавсияномани таклиф қилаётган қўмитага йўлланади.

13-чизма

КОНГРЕССНИНГ БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДАГИ "ЧЕТДАН КЕЛГАН ТАКЛИФЛАР"ГА ОИД "БЁРД ҚОИДАЛАРИ"НИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ



Бёрд қоидаси бюджетдан ташқари моддаларни бюджет келишуви бўйича қонун лойиҳасига қўшишга уринишлар йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Ушбу қоиданинг қўлланиши агар қоидани бекор қилиш учун овоз беришлар чоғида Сенатнинг бешта аъзосидан учтаси овоз берган ҳоллардагина бекор қилиниши мумкин. Мазкур тамойил бўйича овоз бериш таомили келишув таомили бўйича аниқ таклифнинг четдан келтирилган бўлиб ҳисобланганлиги тўғрисида раислик қилувчи шахснинг қарори устидан шикоят қилиниши учун ҳам зарур.

Расман Бёрд қоидаси фақатгина Сенатда Федерал бюджетни келишиш таомилларига тааллуқлидир. Бироқ, у келишув юзасидан ўтказиладиган конференциялар ҳисоботларига алоқадор бўлганлиги сабабли ҳам, сўнгги йилларда Бёрд қоидасининг чеклашлари юзасидан тез-тез норозилик билдириб келаётган Вакиллар Палатасига ҳам тегишлидир.

Сенатда Федерал бюджетни келишиш таомиллари мажлислар залидаги мунозаралар вақтида тақдим этилган келишиш бўйича қонун лойиҳасига киритиладиган ҳар қандай тузатиш "ўринли" бўлиши кераклигини талаб қилади. Тузатиш қуйидаги ҳолларда ўринли бўлиб ҳисобланади:

Қонун лойиҳасида мавжуд бўлган бирон-бир қоидани бекор қилишни таклиф қилса;

Қонун лойиҳасидаги рақам ёки санани ўзгартирса;

Қонун лойиҳасининг ваколатлари ёки амал қилиш соҳасини бирон-бир янги муҳокама предметини қўшишсиз чеклай олса ёки

Сенат учун ёки Конгресс учун аҳамиятга эга бўлса.

Агар раис киритилган тузатишни "ноўрин" деб топса, у ҳолда унинг юзасидан мунозаралар Сенатнинг беш аъзосидан учтаси улар учун овоз берсагина ўтказилади.

5-А-НАМУНА
Ялпи харажатларнинг чекланган миқдорлари ва даромадларнинг энг кам миқдорлари

311(a)(1)-бўлим. Қонун ҳужжатларини кўриб чиқишга қўйиладиган талаблар. Бундан (b) параграфида кўрсатилган ҳолатлар мустасно. Конгресс томонидан молия йилига бўлган бюджет лойиҳаси бўйича ҳаракатлар ниҳоясига етказилганидан сўнг, агар:

а) бундай қонун лойиҳаси ёки қарорнинг қабул қилиниши;

б) бундай тузатишнинг қабул қилиниши ва тасдиқланиши;

в) ҳисоботда тавсия қилинган шаклдаги қонун лойиҳасининг ёки қарорнинг тасдиқланиши мазкур молия йили учун белгиланган бюджет ваколатларининг тегишли умумий ҳажми ёки харажатларнинг умумий ҳажмининг ошиб кетишига ёки бюджет лойиҳаси томонидан белгиланган даромадлар умумий ҳажмининг камайилишига олиб келса, бундан Сенат томонидан ҳарбий вазиятнинг эълон қилиниши ҳоллари мустасно, янги бюджет ваколатлари ёки доимий дастурлар бўйича янги ваколатларни берувчи ёки мазкур молия йилига бўлган даромадлар ҳажмини камайтириб юборувчи қонун лойиҳаларини, қўшма қарорлар ва қонун лойиҳаларига киритиладиган тузатишларни на Вакиллар Палатаси ва на Сенат кўриб чиқа олмайди.

b) Вакиллар Палатаси учун истисно: (а) параграфи Вакиллар Палатасида мазкур молия йилида янги бюджет ваколатлари ёки доимий дастурлар бўйича янги ваколатларни тақдим этувчи ҳар қандай қонун лойиҳаси, қарор ёки тузатишга *нисбатан қўлланилмайди*, агар:

а) бу каби қонун лойиҳаси ёки қарорнинг қабул қилиниши;

б) бу каби тузатишнинг қабул қилиниши ёки тасдиқланиши;

в) ҳисоботда тавсия қилинган шаклда қонун лойиҳаси ёки қарорнинг тасдиқланиши 302(а)-бўлимига мувофиқ ушбу молия йили учун тегишли ваколатга эга қўмитага тақдим этилган тегишли янги дискрецион бюджет ваколатлари ёки доимий дастурлар бўйича янги ваколатларнинг оширилишига олиб келмаса.

(1) Қонуннинг 311-бўлими бюджет лойиҳасида белгиланган умумий бюджет ваколатларининг кўпайишига ёки харажатларнинг умумий ҳажмига, ёки даромадларнинг умумий ҳажмининг камайиб кетишига олиб келадиган чораларнинг кўрилишини тақиқлайди. Вакиллар Палатасида (Сенатда эмас) Қонуннинг 302-бўлимига биноан Қўмита унга тақсимлаб берилган янги дискрецион бюджет ваколатлари ва доимий дастурлар бўйича жами ваколатларини оширмайдиган бўлса, харажатлар бўйича қонун лойиҳасига нисбатан қўлланилмайди.

(2) Палатада бу шарт иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган махсус қоида асосида қолдирилиши мумкин;

Сенатда Қонун қоидаларининг қолдирилиши 3/5 (60 сенаторнинг) овозини талаб этади.

(3) Ушбу бўлимда фақатгина жами даромадлар ёки харажатлар учунгина тақиқлашдан фойдаланилади. Ассигнацияларнинг функционал категориялар бўйича кўпайишига олиб келувчи чораларнинг кўриб чиқилиши юзасидан чеклашлар мавжуд эмас.

(4) Қонуннинг 605(b)-бўлими (фақатгина Сенатда) харажатлар ва даромадлар бўйича кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг ГРХ жараёни асосида белгиланган келгуси молия йилига бўлган тақчилликнинг энг чекланган миқдорининг ўзгаришига олиб келмаслигини талаб қилади.

(5) Бюджет қўмиталари томонидан ҳисоб-китоб қилинган даромадлар ва харажатлар даромадларнинг энг кичик ҳажмини ва харажатларнинг энг катта миқдорини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

5-Б-НАМУНА
302(а)/602(а)-бўлимларга биноан Вакиллар Палатаси қўмиталари бўйича ассигнацияларнинг тақсимланиши

	Бюджет ваколатлари	Харажатлар	Доимий дастурлар бўйича ваколатлар
ЖАМОАТЧИЛИК ИШЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚЎМИТАСИ			
Жорий даража (амалдаги қонунлар бўйича):			
270 Энергетика	1,135	855	0
300 Табиий ресурслар ва атроф-муҳит	208	167	0
400 Транспорт	3,439	0	0
450 Жамоат ва минтақавий ривожланиш	5	110	0
800 Марказий ҳокимият	13	67	0
Жами	**4,800**	**1,197**	**0**
Дискрецион хатти-ҳаракатлар (кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари бўйича)			
400 Транспорт	16,358	0	0
Жами	**16,358**	**0**	**0**
Жами қўмита бўйича	**21,158**	**1,197**	**0**
ИЛМ-ФАН, КОИНОТ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎМИТАСИ			
Жорий даража (амалдаги қонунлар бўйича):			
250 Умумий илм-фан, коинот ва технологиялар	21	20	0
270 Энергетика	15	15	0
500 Ўқитиш, қайта тайёрлаш, бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий хизматлар	1	1	0
Жами	**37**	**36**	**0**
Жами қўмита бўйича	**37**	**36**	**0**

(1) Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 302(а)-бўлими талабларига биноан ассигнацияларнинг тақсимланиши Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Бюджет қўмиталари томонидан алоҳида, Конгресснинг тегишли қўмиталари бўйича амалга оширилади. ГРХ қонуни амал қилиши даврида ассигнацияларнинг 302(а)-бўлим талабларига биноан тақсимланиш таомили 602(а)-бў-

лимнинг талабларига биноан белгиланган махсус таомиллар билан алмаштирилади.

(2) 602(а)-бўлимининг талаблари асосида харажатларнинг тақсимланиши 302-бўлимнинг талабларидаги каби амалга оширилади, бундан тақсимлашнинг бюджет лойиҳаси қамраб олган 5 молия йилига оид бўлган жами харажатлар юзасидан амалга оширилиши ҳоллари мустасно.

(3) Бюджет қўмиталари харажатларни тақсимлаш чоғида турли усуллардан фойдаланадилар. Масалан, Вакиллар Палатасининг Бюджет қўмитаси доимий харажатларни 602(а)-бўлим талабларига биноан янги бюджет ваколатлари ва харажатларга қўшимча равишда тақсимлайди ва беш молия йилидан ҳар бирига харажатларни алоҳида тақсимлашни амалга оширади (Сенатнинг Бюджет бўйича қўмитаси томонидан харажатларни тақсимлашга оид мисол келтирилган кейинги намунага қаранг).

(4) "Дискрецион ҳаракатлар"га оид ижобий кўрсаткич (юқоридаги жадвалда кўрсатилган) қўмитанинг унинг ваколатлари доирасига комиссиярувчи дастурларга оид харажатларни кўлайтириб юборувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этишига йўл қўйилишини акс эттиради. Салбий кўрсаткич қўмита томонидан харажатларнинг камайишига олиб келувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқишни тавсия қилаётганлигини англатади.

(5) "Жорий даража" билан "дискрецион ҳаракатлар" ўртасидаги фарқ қўмитага, мазкур қўмитага тақсимланган жами харажатларнинг оширилган ҳолларда ҳам дискрецион ҳаракатларга оид жами харажатларнинг фойдаланиш имконини беради.

(6) Жадвал сўнгида кўрсатиб ўтилган функционал категориялар бўйича харажатларнинг тақсимланиши ахборотингиз учун, мажбурий ҳисобланмайди.

5-В-НАМУНА
Қонуннинг 302(а)/602(а)-бўлимларига биноан Сенат қўмиталари бўйича тақсимлаш

Қўмиталар	Бевосита харажатлар бўйича ваколатлар		Ҳар йилги ассигнациялаш асосида молияланадиган доимий дастурлар	
	Бюджет ваколатлари	Харажатлар	Бюджет ваколатлари	Харажатлар
Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмита	721.617	730.848	.....	.....
Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўрмон хўжалиги бўйича қўмита	19.780	14.377	14.715	5.908
Ҳарбий хизмат бўйича қўмита	49.494	36.297	.....	.....
Банк иши, тураржой билан таъминлаш ва шаҳар бошқармаси бўйича қўмита	107.100	99.810	.....	.....
Савдо, илм-фан ва транспорт бўйича қўмита	2.342	174	485	482
Энергетика ва табиий ресурслар бўйича қўмита	1.654	7,256	60	60
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жамоатчилик ишлари бўйича қўмита	17.893	1.787	.....	...
Молиявий масалалар бўйича қўмита	491,243	487,336	96.746	96.403
Ташқи ишлар бўйича қўмита	12.174	11.159	.....	.....
Хукумат масалалари бўйича қўмита	73.598	48.540	500	500
Адлия қўмитаси		2.397	157	155
Меҳнат ва меҳнат ресурслари бўйича қўмита	6.601	6.723	5.339	4.126
Бошқарув ва маъмурият бўйича қўмита	451	170	.....	.....
Фахрийлар масалалари бўйича қўмита	1.645	1.539	17.101	17.073
Хиндулар масалалари бўйича қўмита	482	463	.....	.....
Кичик бизнес бўйича қўмита	300	-146	.....	.....
Қўмиталар бўйича тақсимланмаган харажатлар	-239.426	-241.132	.....	.....
Жами	**1,269,300**	**1,201,600**	**135,105**	**124,707**

(1) Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги Қонунининг 602(а)-бўлими талабларига биноан Сенатнинг Бюджет бўйича қўмитаси харажатларни келгуси молия йили учун ва жами харажатларнинг беш йилга тақсимлайди (бу ерда кўриб чиқилмаган), бироқ Вакиллар Палатасидан фарқли равишда, ушбу беш молия йилининг ҳар бири бўйича алоҳида тақсимлашларни амалга оширмайди. Вакиллар Палатаси эмас, балки Сенат Ижтимоий таъминот фондларининг даромадлари ва харажатларини ҳам тақсимлаб чиқади.

(2) Мазкур контекстда "бевосита харажатлар" дискрецион ва мажбурий харажатларни (доимий дастурларга оид харажатлар кабиларни) ўз ичига олади ва шу тариқа 1990 йилдаги Бюджетни татбиқ этиш тўғрисидаги қонунга кўра белгиланган PAYGO (авлодлар бирдамлилигига асосланган тизим) тадбири жараёнида мазкур атамадан фойдаланишдан фарқланади (5-бобга қаранг).

(3) "Ҳар йилги ассигнациялаш асосида молияланадиган доимий тасдиқланиб келадиган дастурлар" маълумот учун кўрсатилган. Ушбу устунда акс эттирилган харажатлар миқдори бевосита харажатлар таркибига киритилган.

(4) Ассигнацияларнинг тақсимланиши чоғида Сенат харажатларнинг "жорий даражаси" билан "дискрецион харажатлар"га оид харажатларни фарқламайди, шунингдек функционал категориялар бўйича ҳам тақсимламайди.

(5) "Қўмиталар бўйича тақсимланмаган" миқдорлар қўмиталар бўйича тақсимланган жами харажатларнинг чегириб ташланадиган компенсация тушумлари сирасига киритилади.

5-Г-НАМУНА
Қонуннинг 302(b) ва 602(b)-бўлими талабларига биноан ассигнацияларни ажратиш қўмиталари томонидан ассигнацияларнинг қайта тақсимланиши

Кичик қўмиталар	Дискрецион харажатлар				Мажбурий харажатлар
	Мулофаа	Халқаро	Маҳаллий	Жами	
Савдо–Адлия–Ҳукумат:					
Бюджет ваколатлари	225	5.000	15.690	20.915	9.2
Харажатлар	181	4.900	15.540	20.621	890
Мудофаа:					
Бюджет ваколатлари	270.454	.....	.....	270.454	164
Харажатлар	275.355	.....	.....	275.355	164
Колумбия округи:					
Бюджет ваколатлари	.....	.....	700	700	.....
Харажатлар	.....	.....	690	690	.....
Энергетика ва сув ресурсларини ривожлантириш					
Бюджет ваколатлари	11.780	.....	9,750	21.530	.....
Харажатлар	11.443	.....	9.180	20.623	.....
Ташқи ишлар:					
Бюджет ваколатлари	.....	15.306	.....	15.306	41
Харажатлар	.....	13,612	.....	13.612	41
Ички ишлар					
Бюджет ваколатлари	.....	.....	13.205	13.205	78
Харажатлар	.....	.....	12.050	12.050	78
Меҳнат, соғлиқни сақлаш, меҳнат ресурслари ва таълим					
Бюджет ваколатлари	.....	9	59.275	59.284	142.591
Харажатлар	.....	9	57.800	57.809	141.014
Қонун чиқарувчи органлар					
Бюджет ваколатлари	.....	.....	2.344	2.344	81
Харажатлар	.....	.....	2.317	2.317	81
Ҳарбий объектлар қурилиши					
Бюджет ваколатлари	8.564	.....	.....	8.564	.....
Харажатлар	8.482	.....	.....	8.482	.....
Қишлоқ жойлар, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва бошқа агентликлар					
Бюджет ваколатлари		1.455	11.045	12.500	37.888
Харажатлар		1.230	10.040	11.270	29.486

(1) Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 302(b) ва 602(b)-бўлимларининг талабларига биноан Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталари кичик қўмиталар бўйича тақсимлашларини қайтадан тақсимлаб чиқишлари лозим. Шу тариқа ассигнацияларнинг ажратилишига оид ҳар бир тегишли қонун лойиҳасидаги кўрсаткичлар тегишли кичик қўмитага қайтадан тақсимланган ассигнациялар билан солиштириб кўрилиши мумкин бўлади (чунки ҳар бир кичик қўмита ассигнацияларнинг ажратилишига оид ўн учта тегишли қонун лойиҳаларидан биттаси ҳақида маъруза қилади).

(2) Оддий тартибда ассигнациялаш бўйича тадбирлар Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмита ўз харажатларини кичик қўмиталар бўйича Қонуннинг 302(b) ёки 602(b)-бўлимлари талабларига биноан қайтадан тақсимлаб чиқмагунига қадар Вакиллар Палатаси ёки Сенатда кўриб чиқилмайди. Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталар қайтадан тақсимланган ассигнацияларни истаган вақтларида, зарур ҳужжатни расмийлаштирган ҳолда қайтадан кўриб чиқишлари мумкин.

(3) Ушбу ҳужжатларнинг таркиби 302(a)-бўлим (ёки 602(a)-бўлим)га асосан амалга ошириладиган тақсимлашлар таркибига мувофиқ келади. Шу тариқа, мазкур мисолдаги Вакиллар Палатасининг Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмитаси томонидан фойдаланиладиган — "дискрецион харажатлар" ва "мажбурий харажатлар" устунлари Вакиллар Палатасининг Бюджет қўмитаси харажатларини "дискрецион харажатлар" ва "жорий харажатлар"га тақсимлашига мувофиқ келади. Бундан ташқари, 1993 молия йилидан бошлаб "дискрецион харажатлар" дискрецион харажатларнинг учта категориясига ажратилади.

(4) Кичик қўмиталар бўйича қайтадан тақсимланган кўрсаткичлар қўмитага тақсимланган жами ассигнациялардан ошиб кетиши мумкин эмас.

5-Д-НАМУНА
302(в)/602(в)-бўлим талабларига биноан қонун чиқарувчи қўмиталар бўйича қайта тақсимлаш
1991 молия йили

Дастур	Бюджет ваколатлари	Харажатлар	Доимий дастурлар бўйича ваколатлар
Жорий харажатлар (амалдаги қонунлар бўйича):			
Федерал хизматчиларга тиббий таъминот бўйича имтиёзлар	0	636	2.873
Федерал хизматчилар ҳаётини суғурталаш ва давлат хизматчиларига пенсиялар	66.822	45.266	33.067
Жами	***66,822***	***44,629***	***35,940***
Дискрецион харажатлар (кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари бўйича)			
Федерал пенсия ислоҳоти	50	-1.230	0
Аниқлаштирилмаган қисқартиришлар	-935	-935	-1.230
Жами	***-885***	***-2,165***	***-1,230***
Қўмита бўйича жами	**65,937**	**42,464**	**34,710**

(1) Қонуннинг 302(b)-бўлимига биноан барча Қўмиталар (бундан Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталар мустасно) ассигнацияларини дастурлар бўйича ёки кичик қўмиталар бўйича қайтадан тақсимлаб чиқишлари мумкин. Қонуннинг 602(b)-булимига биноан (ГРХ қонунининг амал қилиш вақтида амал қиладиган) қонун чиқарувчи қўмиталарнинг ўз ассигнацияларини қайтадан тақсимлашлари талаб этилмайди.

(2) Қонун чиқарувчи қўмита ассигнацияларни олади ва фақатгина доимий равишда тасдиқлаб келинадиган дастурлар ва харажатлар бўйича бошқа хил ваколатлар турлари бўйича қайта тақсимлашни амалга оширади; у ҳар йилги ассигнациялашлар билан молиялаштириладиган дискрецион ваколатлар учун ҳеч қандай тақсимлашларни амалга оширмайди.

(3) Мазкур қўмита харажатларининг каттагина қисми жорий харажатлар сифатида таснифланади, чунки унинг харажатларининг каттагина қисми мунтазам равишда тасдиқланадиган дастурлардан молиялаштирилади.

(4) Салбий кўрсаткичлар ассигнациялар доираларида қолиши учун қўмита қонун лойиҳасида унинг ваколатлари доирасига кирувчи айрим дастурларга оид харажатларнинг қисқартирилиши назарда тутилаётганлигини маълум қилиши кераклигини англатади.

5-Е-НАМУНА
Конгресснинг Бюджет бошқармаси (КББ) ҳисоб-китоблари бўйича харажатларни баҳолаш

(молия йиллари бўйича, миллион доллар ҳисобида)

	1992	1993	1994	1995	1996
Бевосита харажатлар:					
Бюджет ваколатлари	15.245	17.130	18.025	19.635	20.635
Харажатлар миқдори	29	43	46	39	39
Даромадлар	(1)	1	1	1	1
Ваколатлар:					
Берилган ваколатлар ҳажми	12	12	12	12	12
Харажатлар миқдори	2.666	11.121	14.104	15.673	17.398

(1) 0.5 млн. дан кам

Мазкур қонун лойиҳаси харажатларини баҳолаш бюджетнинг 400 ва 300 функционал категорияларига тааллуқлидир.

Ҳисоб-китоблар базаси: Қонунга биноан тақдим этилган бюджет ваколатлари шоссе қурилишига оид федерал ёрдам дастури учун контрактларга бўлган янги ваколатлар ва дам олиш зоналарининг Миллий траст фондларидан бевосита харажатларнинг янги ваколатларидан ташкил топган.

* * * * * *

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси шосседан ташқарида ёнилғидан тижорат мақсадларида фойдаланувчи автотранспорт фойдаланувчилари томонидан тўланган солиқлар бўйича айрим мавжуд қоплашларни истисно қилади. Жумладан, шосседа фойдаланилмайдиган ва тижоратчилик ва кўнгилочар мақсадларда фойдаланиладиган бензин солиқлари энди бошқа қопланмайди. Солиқлар бўйича бирлашган қўмита ҳисоб-китоблари бўйича солиқларнинг бундай қопланишининг истисно қилиниши 1992 йилда қарийб 1 млн. доллар ва ҳар йили 1993-1996 йиллар мобайнида 1 млн долларга даромадларни кўпайтиради ва тақчилликни камайтириб юборади.

Тасдиқланган дастурлар. Ассигнацияларнинг ажратилиши кўзда тутилаётган дастурлар учун КББ ҳар йил учун тақдим этилган жами ваколатларнинг молия йилининг бошланишига қадар тақсимлаб бўлинади деб тахмин қилган эди. Харажатлар миқдори харажатларга оид тарихий маълумотларга асосланган.

(1) Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги Қонунининг 403-бўлими КББ Сенат ёки Вакиллар Палатасининг қўмиталари томонидан тақдим этилган барча давлат қонун лойиҳалари (бундан ассигнацияларнинг ажратилишига оид қонун лойиҳалари мустасно) харажатларининг беш йиллик баҳолашини тайёрланишини талаб қилади. Ушбу баҳолашлар, одатда, мазкур қонун лойиҳаларига илова қилинадиган ҳисоботларда нашр қилинади.

(2) Мазкур мисолда келтирилган харажатларга оид баҳолаш бюджет кўмагининг бир нечта турларига эга бўлган ваколатларнинг берилиши тўғрисидаги қонун лойиҳасига тегишли. У бевосита харажатларни, даромадларнинг кўпайишини ва дискрецион ваколатларни назарда тутади.

(3) Қонун лойиҳасининг даромадларга кўрсатадиган таъсири юзасидан КББ берган баҳоси Солиқлар бўйича бирлашган қўмита томонидан тақдим этилган ахборотни акс эттиради.

(4) Дискрецион ваколатларнинг баҳоланиши чоғида КББ ваколатлар маблағ билан тўлиқ таъминланадилар деб тахмин қилади. Харажатлар миқдори ўтган йиллардаги амалдаги харажатларга асосланади. Мазкур ҳолатда "ваколатлар" сатридаги харажатлар миқдори дискрецион ваколатлар бўйича нисбатан кичкина миқдоларни ва контрактларга оид бевосита харажатлардан миллиардлаб долларни ўз ичига олади.

(5) Қонун чиқариш ҳуқуқи қийматини баҳолашда (Бепул тиббий ёрдам ёки кўп болали оилаларга кўрсатиладиган ёрдам тусидаги дастурлар учун) СВО иштирокчилик меъёрлари, нархлардаги ўзгаришлар ва бошқа ўринли молиявий ва демографик омилларни баҳолайди.

5-Ж-НАМУНА
Ҳисобга олиш ҳақида ҳисобот

Бюджетни
ҳисобга олиш тўғрисида ҳисобот

Ж-б Сассер. Ж-б Президент, мен Сенатга Конгресснинг Бюджет бошқармаси томонидан 1974 йилдаги Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 308(В)-бўлимига биноан тайёрланган 1991 молия йилига бўлган бюджетни ҳисобга олиш ҳақидаги энг сўнгги ҳисоботни тақдим этмоқдаман.

Мазкур ҳужжат "Бюджет тўғрисида"ги қонуннинг 605(в) ва 311-бўлимларида кўрсатилган мақсадлар учун ҳисобга олиш тўғрисидаги ҳисобот саналади.

Ушбу ҳисобот бюджет ваколатлари бўйича жорий харажатларнинг ҳажми 0.4 млрд долларга баҳоланган ва харажатлар бўйича бюджет лойиҳасида назарда тутилганидан 0.4 млрд долларга кам баҳоланганини кўрсатади. Даромадларнинг жорий ҳажми 1991 йилга оид даромадлар бўйича назорат миқдоридан 1 млн долларга кам ва 1991 йилдан 1995 йилгача, беш йилга бўлган даромадлар бўйича назорат миқдоридан 6 млн долларга кам бўлган.

Тақчилликнинг энг максимал миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун тақчилликнинг ҳозирги баҳоланиши 326.5 млрд долларни ташкил қилади, бу эса 1991 йилдаги (327.0 млрд доллар) тақчилликнинг максимал миқдоридан 0.4 млрд долларга камлигини англатади.

Ҳисобот қуйида тақдим этилган:

АҚШ Конгресси
Конгресснинг Бюджет бошқармаси
Вашингтон, К.О., 1991 йил 24 июнь

Бюджет бўйича қўмита раиси жаноб Жим Сассерга, АҚШ Сенати, Вашингтон, К.О.

Ҳурматли жаноб раис.

Илова қилинаётган ҳисобот Конгресснинг 1991 молия йили бюджети бўйича ҳаракатларнинг таъсирини кўрсатади. Бюджет ваколатлари, харажатлар ва даромадларнинг баҳоланиши 1990 йилдаги Бюджетни татбиқ этиш тўғрисидаги қонуннинг техникавий ва иқтисодий тахминларига мувофиқ келади. Ушбу ҳисобот Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 308(b)-бўлимига ва қўшимча равишда 311-бўлимига асосан тақдим этилган ва 1986 йил бюджети бўйича биринчи резолюция бўлган Конгресс Сенатининг 32-сонли резолюцияси 5-бўлимига биноан ҳисобга олиш бўйича Сенатнинг талабларига мувофиқ келади.

Директор.
Роберт Д. Рейнавер.

АҚШ Сенати
учун жорий ҳажмлар тўғрисида ҳисобот

Конгресснинг 1991 йил 21 июндаги
биринчи сессияси

Бюджетнинг жами кўрсаткичлари	Жорий ҳажмлар	Четга чиқиш
Бюджет бўйича:		
Бюджет ваколатлари	1.139.2	
	1.188.8	
	-0.4	

Харажатлар	
	1,132.4
	1,132.0
	-.4
Даромадлар:	
1991.....	
	805.4
	805.4
1991–1995.....	
	4,690.3
	4,690.3
Тақчилликнинг максимал миқдори	
	327.0
	326.6
	-.4
Бевосита кредитлар бўйича мажбуриятлар	
	20.9
	20.6
	-.3
Кафолатланган кредитлар бўйича мажбуриятлар	
	107.2
	106.9
	-.3
Давлат қарзи	
	4,145.0
	3,404.9
	-740.1

(1) Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Бюджет қўмиталари Конгресс бюджети ҳолатини ҳисобга олиш юзасидан ҳисобот эълон қилишларини талаб қилади. Иккала қўмита ҳам қонун ҳужжатларининг кўриб чиқилиши чоғида КББ ҳисобга олиши ҳақидаги ҳисоботларни *Конгресс баённомасига* тақдим этиш орқали бу талабни бажарадилар. КББ ҳисоботлари илова қилинган жадваллар билан биргаликда Бюджет бўйича қўмитанинг ҳар бир раиси номига ёзилган мактуб шаклида бўлади.

(2) Ушбу ҳисоботлардан умумий бюджет ваколатлари ёки харажатларнинг оширилиши ёки умумий даромадларнинг бюджет лойиҳасида белгиланган ҳажмидан ҳам пастга камайтирилиши йўли орқа-

ли кўриб чиқилаётган чораларнинг Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 311-бўлими талабларини бузаётганлигини аниқлаш ҳолларида кўпроқ фойдаланилади.

(3) Мазкур матндаги "жорий ҳажм" сессия вақтининг ўзидаёқ амалга киритилган янги қонун ҳужжатларини ҳам, амалдаги Қонунлардан келиб чиқадиган харажатлар ёки даромадларни ҳам ўз ичига олади. Ҳисобга олиш ҳақидаги ҳисоботларда фақатгина Конгресс томонидан қабул қилинган қонун лойиҳалари кўриб чиқилади; улар ҳаттоки тасдиқланиши кутилаётган тахминий тадбирларни ҳам ўз ичига олмайди.

(4) Ҳисобга олиш бўйича ҳисоботлар фақатгина бюджетнинг жами кўрсаткичлари (жами бюджет ваколатлари, жами харажатларнинг ва шу кабилар) бўйича тайёрланади, чунки фақатгина жами кўрсаткичлардан четга чиқишлар қонунбузарлик ҳисобланади, харажатларнинг бюджет лойиҳаси функционал категориялари бўйича қайтадан тақсимланиши эса қонунбузарлик ҳисобланмайди.

5-3-НАМУНА
Конгресс мажлисида Бюджет бўйича қўмиталар раисларининг чиқишлари

ЖАНОБ ПАНЕТТА: Жаноб Раис, мен 1991 молия йилида ассигнациялар қўшимча равишда ажратилиши зарурати туғилгани муносабати билан Вакиллар Палатасининг 1281-сонли резолюцияси ва "Саҳродаги бўрон" дастурининг ҳимоя қилиниши учун қўшимча равишдаги ассигнацияларнинг ажратилишига оид Вакиллар Палатасининг 1282-сон резолюцияси билан боғлиқ бюджет масалаларини кўриб чиқишингизни таклиф қиламан.

Вакиллар Палатасининг 1282-сон резолюцияси ушбу дастурга оид қонун лойиҳаси бўйича кўзда тутилган барча маблағлар ўтказиладиган тадбирларга қўшимча ҳисобланади. Мазкур қонун лойиҳаси бўйича кўзда тутилган ассигнациялар Ҳукумат талабномасига мувофиқ келади. Юқорида келтириб ўтилган лойиҳа бўйича бюджетга қўшимча харажатларнинг татбиқ этилиши тўғрисидаги қонунга мувофиқ чекланмайди. Шу муносабат билан ва ушбу дастурни ҳимоялаш учун ассигнацияларнинг қўшимча равишда ажратилиши тўғрисида Президент билан Конгресс ўртасида тузилган битимга мувофиқ ушбу қўшимча харажатлар қисқартиришга (секвестрга) учрамайди. Бундан ташқари. Бюджетнинг татбиқ этилиши тўғрисидаги қонунга мувофиқ юқорида келтириб ўтилган лойиҳа бўйича қўшимча харажатлар билан биргаликда жуда зарур бўладиган харажатлар "Бюджет тўғрисида"ги қонуннинг 302, 303 ва 311-бўлимлари талабларига биноан кўриб чиқилмайди. Шунинг учун ҳам ушбу харажатлар Қўмиталар бўйича тақсимланган ва кичик қўмиталар бўйича қайтадан тақсимланган харажатлар ҳисобварағига, шунингдек, бюджет лойиҳаси бўйича кўзда тутилган умумий харажатлар ҳисобварағига ҳам ҳисобга олинмайди. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча ҳам, юқорида келтирилган қонун лойиҳаси "Бюджет тўғрисида"ги қонунга зид эмас.

Вакиллар Палатасининг 1281-сонли резолюцияси иккита қонун ҳужжатидан четга чиқишларни кўзда тутади. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қўмита томонидан тақсимланган харажатларнинг ва бюджет лойиҳасига оид жами харажатларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Бироқ, Вакиллар Палатасининг техник тузатишлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича 1991 йил 28 февралдаги 157-сон қўшма резолюцияси айни дамда Сенат томонидан кўриб чиқилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси агар қабул қилинса, хорижий алоқалар бўйича бюджет ваколатларини 1991 молия йилида 403,5 млн долларга камайтиради. Агарда мазкур қонун лойиҳаси Вакиллар Палатасининг 1281-сонли резолюцияси кўриб чиқилгунига қадар қабул қилинганида эди, Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталар уларга тақсимлаб берилган ассигнациялар доирасида қолган бўлардилар ва Қонуннинг 311-бўлими талабларини ҳам рад этиш лозим бўлмас эди. Айрим кичик қўмиталар улар томонидан қайтадан тақсимланган ассигнациялардан ошиб кетаётганликлари учун ҳам, қўмита умуман олганда, ўз харажатлари доираларида ҳаракатланаётганлигига қарамай, Қонуннинг 302(f)-бўлимини рад этишларига тўғри келади.

(1) Бюджет бўйича Вакиллар Палатаси қўмитасининг Раиси, одатда, Вакиллар Палатасини харажатлар бўйича кўриб чиқилаётган тадбирлар бюджет таъсирлари тўғрисида хабардор қилади. Мазкур мисолда Раис (Жаноб Панетта) Вакиллар Палатаси томонидан кўриб чиқилаётган ассигнацияларнинг қўшимча равишда ажратилишига оид иккита қонун лойиҳасининг бюджет таъсирларини тушунтириб берди. Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг қайси қоидалари чоралар кўрилиши ҳолларида бузилиши мумкинлиги ва қонуннинг қайси қоидаларини рад этиш талаб этилиши тушунтирилади.

(2) Таъкидлаб ўтилганидек, чоралар кўрилиши учун қонун лойиҳаларидан бири Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг иккита турли хил бўлимларининг рад этилишини талаб қилган бўларди. Ушбу муҳокамалар чоғида камчилик қўмиталар аъзолари айрим ҳолларда бошқа таклифларни киритишлари мумкин.

(3) Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритадиган қўмита аъзолари (мазкур ҳолатда бу Вакиллар Палатасининг ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмитаси) шунингдек, қонун лойиҳасининг муаммоларини ёки алоҳида бандларини муҳокама қиладилар.

(4) Раис айрим ҳолларда "ҳақиқатдаги маълумотларни" ёки бюджет нуқтаи назарларини тушунтириб берувчи жадвал маълумотларини анча батафсил ҳолда киритади.

(5) Сенатнинг Бюджет бўйича қўмитаси раиси ҳам Сенатда бюджет таъсирига эга қонун лойиҳаларининг кўриб чиқилиши вақтида шу тусдаги маъруза билан чиқади.

5-И-НАМУНА
Қонуннинг алоҳида қоидаларини рад этиш

ЖАНОБ ФРОСТ

Жаноб раис. Қоидалар бўйича қўмитанинг кўрсатмасига кўра мен Вакиллар Палатасининг 103-сонли Резолюциясини кўриб чиқишингизни таклиф қиламан

Вакиллар Палатасининг 103-сонли резолюцияси:

Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 302(f) ва 311(а)-бўлимлари ва XI қоиданинг 2(1)(5)-банди ва XXI қоиданинг 7-банди талабларига жавоб бермайдиган қоидалари бу билан саҳродан ҳимоя қилиш бўйича ишларга, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича купонлар, ишсизларга тўланадиган компенсация тўловлари, фахрийларга имтиёзлар ва пенсиялар ва 1991 йилнинг 30 сентябрида ниҳоясига етадиган фискал йилга зарур бошқа тадбирлар учун қўшимча равишда ассигнацияларнинг ажратилишини кўзда тутувчи қонун лойиҳасининг кўриб чиқилишини (Вакиллар Палатасининг 1281-сонли резолюцияси) рад этади.

Ассигнацияларнинг қўшимча равишда ажратилишига оид қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида Қонуннинг талабларига ва Қоидаларининг алоҳида бандларига мувофиқ келмайдиган қоидалар рад этилади (қоиданинг қайси бандлари ва Қонуннинг қайси қоидалари рад этилиши кўрсатилади).

ЖАНОБ ФРОСТ. Жаноб раис. Вакиллар Палатасининг 103-сонли резолюцияси 1281-сонли резолюциянинг кўриб чиқилиши муносабати билан қонуннинг айрим қоидаларини рад этади. Вакиллар Палатасининг 1281-сонли резолюцияси 1991 молия йили учун чўл бўронларидан ҳимоя қилиш бўйича операциялар учун, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича купонлар, ишсизларга компенсация тўловлари, фахрийларга имтиёзлар ва пенсияларнинг тўланиши учун ассигнацияларнинг қўшимча равишда ажратилишини кўзда тутади.

Қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши учун Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг иккита қоидаси: маълум бир қўмитанинг харажатлари кўпайиб кетишига олиб келувчи чораларнинг кўриб чиқилишини тақиқлайдиган 302(f)-бўлими ва бюджет ваколатлари ва жами харажатларнинг кўпайиб кетишига ёки даромадларнинг энг кам ҳажмларининг камайиб кетишига олиб келувчи қонун лойиҳасининг кўриб чиқилишини тақиқлайдиган 311(а) бўлимининг рад этилиши назарда тутилмоқда. Қоидалар бўйича қўмита Вакиллар Палатаси томонидан ассигнацияларнинг қўшимча равишда ажратилишига оид ўта зарур ҳисобланган қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши имкониятини таъминлаб бериш мақсадида махсус қоидалар бўйича ушбу рад этишларни таклиф қилган.

(1) Вакиллар Палатаси ўз қоидаларига таянган ҳолда "махсус қоидалар"ни (шу ерда кўрсатилганидек, Палата қарори шаклида қабул қилган ҳолда ҳар қандай қоидаларни (Вакиллар Палатасининг

қоидалари сифатида фойдаланиладиган Конгресснинг 1974 йилги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни қоидаларини ҳам) рад қилиши мумкин. Махсус қоидалар, одатда, алоҳида чораларнинг кўриб чиқилишига нисбатан қўлланилади; у қонун лойиҳаси, тузатишлар, ёки мажлис ҳисоботи кўриб чиқилишига оид турли қоидаларни рад этиши мумкин.

(2) Махсус қоидалар Вакиллар Палатасининг Қоидалар бўйича қўмитаси томонидан маълум қилинади. Қўмита бошқарувчиси, одатда, берилиши мумкин бўлган алоҳида рад жавобларини тушунтириб беради.

(3) Сенат ўз қоидаларини рад этиш учун "махсус қоидалар"га эга эмас. Бироқ, Сенат бир овоздан овоз бериш, айрим ҳолларда эса, рад этиш ҳақида махсус резолюцияни қабул қилиш орқали (Сенат қоидалари сифатида амал қилиб келувчи Конгресснинг 1974 йилги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни қоидалари билан биргаликда) ўз қоидаларидан ҳам бош тортиши мумкин. Конгресс 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуннинг қоидаларидаги айрим рад этишлар Сенат барча аъзолари 3/5 қисмининг овоз бериш йўли билан тасдиқлашни талаб этади.

(4) Ушбу махсус қоидалар Конгресснинг 1974 йилда қабул қилинган "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг иккита қоидасини, шунингдек, Вакиллар Палатаси доимий қоидаларининг алоҳида бандларини рад этди. Вакиллар Палатаси махсус қоидаларни қоидалар қўлланиладиган тадбирга қўл уришдан олдин кўриб чиқади. Агарда Вакиллар Палатаси махсус қоидаларни қабул қилишга қобил бўлмаса, тадбир, одатда, бошқа махсус қоидалар қабул қилингунига қадар тўхтатиб турилади. Вакиллар Палатаси камдан-кам ҳолларда кўриб чиқиш муддатларини ўзгартириш мақсадида махсус қоидаларни тўғрилайди.

ҲАВОЛАЛАР

1. 1995 йили Конгресс тақчилликни тугатиш бўйича етти йиллик режани ишлаб чиқишга қарор қилди ва бюджет лойиҳаси таркибига бюджет йилига (1996 молия йилига) ва кейинги олти йил (1997–2002)га оид тегишли баҳолашлар киритилган эди.

2. Бу айниқса, Конгресс ва Оқ Уй турли снёсий партиялар томонидан назорат қилинган вақтларда яққол тасдиқланди ва "раис стандарти" бир партияни бошқасидан фарқлаб берувчи белгиси сифатида хизмат қилди.

3. Масалан, агар конференция ҳисоботи аниқ функция бўйича бюджет ваколатлари ва харажатларга 10 млрд долларни тақдим этса, у ҳолда вакилларнинг қўшма аризаси дастурнинг таркибий функциялари ваколатлари доираларига кирувчи қўмиталар ўртасида ушбу миқдорни тақсимлайди. Ҳар бир қўмитанинг якуний тақсимоти унинг бир ёки ундан зиёд дастурлари татбиқ этилган барча фукнциялардан оладиган маблағига тенглаштирилади.

4. Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни "қисқартиришлар" ёки "кўпайиб кетишлар"ни белгиламайди, унда "ўзгартиришлар" ҳақида гапирилади.

5. Амалиётда бу қоида Бюджет харажатларини қоплаш услуб ва воситалари бўйича Вакиллар Палатаси қўмитаси ва Сенатнинг Молия қўмитасигагина тегишлидир. Чунки бу уларнинг ваколатлари доираларига нафақат солиқлар, балки харажатлар ҳам кирган ягона қўмиталардир.

6. Бу таомилдан солиқларни қисқартириш керак ёки керак эмаслиги масаласи бўйича Вакиллар Палатаси ва Сенат ўртасида ўзаро келишувга эришиш учун фойдаланилган эди. Вакиллар Палатаси солиқ қисқартирилиши киритилиши керак деб туриб олди; Сенат эса тақчилликнинг қисқартирилиши анча муҳим устувор жиҳатдан ҳисобланади деб ҳисоблайди. Келиштирув таомили солиқ қисқартирилиши фақатгина агар КББ унинг ўтказилиши чоғида бюджет ҳам баланслаштирилишини тасдиқлагандагина ўринли бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

САВОЛЛАР

1. Бюджет сиёсати самарадорлигига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
2. Конгресснинг бюджет лойиҳасини муҳокама этиш ва қабул қилиш таомилининг асосий мақсади нимада?
3. АҚШ Конгрессининг қайси 2 та механизми ёрдамида бюджет лойиҳасининг татбиқ этилишига таъсир кўрсатилади?
4. Федерал бюджет харажатларининг энг юқори миқдорлари ким томонидан ва қандай белгиланади?
5. Федерал бюджет даромадларининг энг кичик миқдорлари ким томонидан ва қандай белгиланади?
6. Конгресс ва Сенат қўмиталари ўртасида бюджет маблағларини тақсимлаш жараёни қандай кечади?
7. Бюджет мақсадларини келишиш ва Федерал бюджет лойиҳасининг қабул қилиниши қайси тамойил ва механизмлар ёрдамида амалга оширилади?
8. "Бюджет тўғрисида"ги қонуннинг 302-бўлимига биноан харажатларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш таомилларининг ўзига хос жиҳатлари нимадан иборат?
9. "Бюджет тўғрисида"ги қонуннинг 602-бўлимига биноан харажатларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш таомилларининг ўзига хос жиҳатлари нимадан иборат?
10. АҚШ Конгрессининг бюджет лойиҳаси қайси муддатларда ва ким томонидан тасдиқланади?

VI БОБ.
БЮДЖЕТ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ БЕРИЛИШИ ВА ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ

6.1. БЮДЖЕТ ВАКОЛАТЛАРИНИ БЕРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСИДА ТАЪМИНЛАНИШИ

АҚШ Вакиллар Палатаси ва Сенатининг устави Федерал агентликлар ва дастурларни ташкил қилиш ва молиялаштиришнинг икки босқичли жараёнини назарда тутади. Аввалига Конгресс унинг асосида муассасалар ёки дастурлар расман тузиладиган қонун ҳужжатларини қабул қилади, кейин эса улардан расман рухсат этилган мақсадли фойдаланиши учун маблағ ажратилади (Вакиллик Палатаси ва Сенатнинг низом ва қоидаларига тегишли кучирмалар 6–А ва 6–Б, 6–В намуналарида келтирилган).

Бюджетни молиялаштириш жараёнининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, қонун чиқарувчи нафақат махсус бюджет ваколатларининг тақдим этилиши юзасидан, балки бюджетга оид ассигнацияларининг ажратилиши бўйича ҳам асосий вазифалар ва тадбирларнинг аниқ тасвирлаб берувчи махсус бюджет қонунчилигини яратади. Нашр қилиш имкониятларининг чегараланганлигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур параграфда ваколатларнинг тақдим этилиши таомилларини тартибга солувчи қонунчилик масалалари кўриб чиқилади.

Бюджет ваколатларининг берилишига, бир томондан, унинг ёрдамида Конгресс сиёсатни белгилайдиган ва федерал агентликлар устидан назорат ишларини амалга оширадиган дастак деб қаралса, бошқа томондан, Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг низом ва қоидаларига биноан унинг ёрдамида қонун чиқарувчи Конгрессга ассигнациялар ажратилиши юзасидан ваколатлар берадиган дастак сифатида кўриб чиқиш лозим.

Шу тариқа, мазкур қонунчилик дастаги Конгресс учун аниқ ҳукуматга қарашли агентликлар ёки дастур учун ассигнацияларнинг ажратилишини расман амалга ошириш учун ҳуқуқий база яратиб беради. Шунингдек, ваколатлар бериш бўйича қонунчилик ҳар бир агентликнинг фаолият юритиш шароитлари ва муддатларини белгилаб беради, хизматчиларнинг лавозим мажбуриятларини шакллантиради, айрим ҳолларда агентликнинг ташкилий таркибини ҳам белгилаб беради.

Ваколатлар берилиши таомилининг кўлами ва мазмуни Конгресдаги қўмиталар ваколатини белгилаб беради.Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг кўпгина Қўмиталари ваколатлари доирасига юқорида айтиб ўтилган дастурлар ва фаолиятнинг маълум турлари кирадиган ваколатларни бериш бўйича тузилмалар бўлиб ҳисобланадилар.

Улар ишлаб чиқарадиган қонунлар мазкур қўмиталар билан Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб беради. Ваколатлар беришга оид қонун ҳужжатлари кўпинча, уларнинг доираларида ассигнацияларнинг ажратилиши амалга оширладиган молиявий чеклашларни белгилайди.

Шу тариқа, ваколатлар Конгресс томонидан ўз қонун чиқарувчилик ҳокимиятининг амалга оширилишини ифодалайди деб таъкидлаш мумкин. Ушбу функцияларни амалга ошириш чоғида Конгресс ваколатлар бериш бўйича қонун ҳужжатлари таркибига ҳар қандай тусдаги қоидаларни киритиш ҳуқуқига эга, бундан харажатлар ва даромадлар билан боғлиқ қоидалар мустасно (14-сон чизмага қаранг).

14-чизма

БЮДЖЕТ ВАКОЛАТЛАРИ ТАСНИФНОМАСИ



6.2. БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ

Конгресс маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилаётганда у қонунчилик асосида ҳукуматга "бюджет ваколатлари" бошқача айтганда, бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича мажбуриятларни қабул қилиш ваколатларини беради. Сарфлаш юзасидан асосий қарорлар агентликларга йил давомида амалга ошириладиган тўловларга эмас, балки молия йили давомида қабул қилиниши ваколати берилган мажбуриятлар сирасига киради. Мажбуриятлар агентликлар контрактларни тузаётган, харид қилишга буюртмаларни тақдим этаётган, ишчилар ёллаётган ва шу каби даврларда юзага келади. Мажбуриятлар тўловлар чекларни берилиши орқали ёки маблағларнинг электрон ўтказилиши орқали, ёки нақд пулларнинг тўланиши орқали амалга оширилиши услубида сўндирилади.

Молия йили учун илк бора ажратиладиган бюджет ваколати "янги бюджет ваколати" ҳисобланади. Доимий асосларда маблағлар ажратилиши амалга ошириладиган дастурлар учун янги бюджет ваколатлари ҳар йили Конгресс қарорисиз юзага келади. Қонун бўйича Ижтимоий таъминот траст жамғармаларининг даромадлари мажбуриятлар каби автоматик равишда қабул қилинади, яъни ушбу маблағларнинг йиллик тушумлари янги бюджет ваколатлари бўлиб ҳисобланади.

Бюджет ваколатларига эга бўлиш унинг ёрдамида Конгресс федерал харажатлар устидан назоратни амалга оширувчи асосий элемент ҳисобланади. Тўловлар даражасининг оширилиши кўпинча кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилади, чунки у тақчиликни юзага келтиради. Конгресс харажатлар устидан назоратни тўғридан-тўғри амалга оширмайдиган, ҳар йили харажатлар қисман янги бюджет ваколатлари доираларида ва қисман аввалги йилларида берилган "биридан бирига ўтувчи" бюджет ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Бюджет ваколатларини банк ҳисобрақамига қўйилмалар каби кўриб чиқиш мумкин. Конгресснинг агентликларга бюджет ваколатларини беришнинг ўзи ушбу агентликнинг банк ҳисобрақамига маблағ қўйилиши билан тенг ҳисобланади. Бошқача айтганда бюджет ваколатлари агентлик учун молиявий маблағларга кенг йўл очилишини билдиради. Тақдим этилган ҳисобварақларга ҳақ тўлаш юзасидан тўловлар амалга оширилганидан кейин мазкур агентлик ҳисобрақамларидан маблағлар ундирилади.

Бюджет ваколатларининг харажатларга бўлган муносабати дастурга қараб турланади ва Конгресс томонидан назарда тутилган маблағларнинг мажбуриятларга қанчалик мувофиқ келиши ва харажатлар қанчалик самарали амалга оширилаётганлигини кўрсатиб берувчи "харажатлар улушига" боғлиқ. 6–А ва намуна қуролли кучлар ҳисоб рақамларининг йиллар бўйича харажатлари улушини кўрсатади. Юқори харажатларнинг улушига эга дастурда бюджет ваколатларининг каттагина қисми жорий молия йили мобайнида сарфланади; бироқ, агар харажатлар улуши паст бўлса, харажатларнинг каттагина қисми кейинги йиллар мобайнида амалга оширилади. Харажатлар улушидан қатъи назар, бюджет харажатлари шунчаки жорий йил давомида тўланиши керак бўлган маблағларнинг ҳисоб-китобларинигина акс эттиради. Агарда харажатларга оид тўловлар бюджетда назарда тутилган миқдордан ортиқни ташкил қилса, демак харажатлар бюджетда назарда тутилганига қараганда юқори бўлади. Президент ва Конгресс харажатларни бевосита тарзда эмас, балки тақдим этилаётган бюджет ваколатлари миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш йўли билан ёки қабул қилиниши мумкин бўлган мажбуриятлар миқдорини чеклаш йўли билан назорат қилиб боради.

Грэмм-Рудмен-Холлингс қонуни федерал бюджетдан амалга ошириладиган харажатларнинг аҳамиятини оширди. Ушбу қонунга биноан харажатлар ҳисоб-китоби, тақчилик миқдори, дискрецион харажатлар лимитлари ва PAYGO тамойилига оид талаблар устидан назоратнинг ўрнатилиши сабабли муҳим ҳисобланади.

6.3. ДОИМИЙ ВА ВАҚТИНЧАЛИК БЮДЖЕТ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ

Ваколатлар агар қонун уларнинг амал қилиш муддатини чегараламаган бўлса, доимий бўлиб ҳисобланади. Агентликлар, давлат органлари ёки муассасалари иш фаолиятлари билан боғлиқ низом қондаларининг каттагина қисмини уларнинг айримлари фақат бир молия йили ёки бирон-бир бошқа вақт мобайнида амал қилиши мумкин бўлишига қарамай доимий характерга эга ҳисобланади. Доимий ваколатлар уларнинг амал қилиши ваколатлар бериш бўйича янги қонунчилик томонидан тўхтатилмагунича ёки қайтадан кўриб чиқилмагунича йилдан йилгача кучга эга ваколатлар ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам федерал бюджетининг кўпчилик соҳалари бўйича Конгресс ҳар йили ваколатлар бўйича янги қонун ҳужжатини кўриб чиқишига хожат йўқ.

Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг низомига биноан Конгрессниинг ассигнациялар ажратилиши масаласи бўйича ваколатини белги-

лаб берувчи ваколатларнинг берилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бир қисми кўпинча амал қилиш муддати юзасидан чеклашларга эга бўлади. Ушбу қоидаларни амал қилиш муддатидан келиб чиқиб, учта тоифа бўйича таснифланиши мумкин. Доимий ваколатлар ҳеч қандай вақтинчалик чеклашларга эга эмас ва Конгресс томонидан ўзгартиришлар киритилгунига қадар ҳақиқий ҳисобланади. Фаолият юритишга оид доимий ваколатларга эга бўлган агентликка ўз фаолиятини давом эттириш учун фақат ассигнацияларни олиш талаб қилинади. Йиллик ваколатлар, одатда, қайд қилинган ассигнацияларнинг қайд қилинган миқдори, фақат бир йил учунгина ҳақиқий ҳисобланади. Бундай ваколатлар ҳар йили қайтадан тикланиши керак. Гапнинг очиғини айтганда, Конгресдан талаб қилинадиган нарса "маблағларни олишга оид ваколатлар" ҳолатини яна бир молия йилига узайтириб беришдир, бироқ ушбу омилни амалда татбиқ этиш кўпинча қонунда бошқа ўзгартиришларни талаб қилади. Кўп йиллик ваколатлар, одатда, 2-5 йил мобайнида амал қилади ва муддати ниҳоясига етганидан сўнг қайтадан тикланиши керак (6–Г-намуна ваколатларнинг учала турига мисоллар келтиради).

Ўтган асрнинг 50-йилларига қадар деярли барча ваколатлар рухсатномалар, доимий бўлган эди. Ўшандан буён вақтинчалик (бир йиллик ёки кўп йиллик) ваколатларни беришга мойиллик кузатилди. Доимийдан вақтинчалик ваколатларга ўтиш 6-Д-намунада кўрсатилгандек қонун асосида ёки Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг қоидалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу бобнинг бошида баён қилиб берилган ваколатларнинг берилиши бўйича қонун ҳужжатларининг иккита вазифалари билан боғлиқ вақтинчалик ваколатларга ўтишнинг иккита асосий сабаби мавжуд. Биринчиси, бир йиллик ёки кўп йиллик ваколатларнинг берилиши Конгрессга агентлик ваколатини тез-тез кўриб чиқиш, назорат қилиш ва қонунга Конгресс зарур деб топган ўзгартиришларни киритиш имконини беради. Конгресс агентлик хатти-ҳаракатларининг қонунийлигига етарлича ишонч ҳосил қилмаган ҳолдагина қўшимча назорат қилиш шаклларини излаши мумкин. Иккинчиси, вақтинчалик ваколатлар ваколатли қўмиталарнинг, айниқса агентликлар учун ажратиладиган ассигнациялар миқдорини ҳал қилиш масаласи бўйича Конгресдаги таъсирини оширади.

Бу таъсир кўрсатиш уларни доимий ваколатлардан ажратиб турувчи вақтинчалик ваколатлар характери билан боғлиқ. Молиялаштириладиган маблағ камдан-кам белгиланадиган доимий ваколатлардан фарқли равишда вақтинчалик ваколатларда ҳар доим аниқ миқдорда кўрсатилади. Ҳақиқатда эса ушбу ваколатлардан айримла-

ри бирон бир аниқ фаолият тури учун ажратилиши мумкин бўлган маблағлар миқдорини аниқлаш масаласида ҳаддан ташқари деталлаштирилиб юборилмоқда. Ажратиладиган маблағ ҳар доим ҳам рухсат этилган маблағлар ҳажмига аллбатта мувофиқ келиши шарт бўлмасада (ассигнацияларни ажратиш қоидаларига кўра ажратилаётган маблағлар рухсат этилган маблағга тенг ёки ундан кам ҳам бўлиши мумкин), кўпинча рухсат этилган ва ажратиладиган маблағлар ўртасида деярли яқин ўзаро мувофиқлилик кузатилади. Бу, айниқса бир йиллик дастурларга тегишлидир. Аввалига бир йиллик ваколатлар (рухсатномалар) кучга киритилишини ҳисобга олганда, у тегишлича Ассигнацияларни ажратиш тўғрисидаги қонунга кўра бериладиган миқдорга бевосита таъсир кўрсатади.

Конгресс айрим ҳолларда ўз қоидаларини эътиборга олмайди ва рухсат этилмаган ассигнацияларни ажратилишини амалга оширади (рухсат этилган миқдордан ортиқ бўлган молиялаштириш ҳам ноқонуний харакат ҳисобланади). Бу каби ҳолларнинг кўпчиллигида харажатларни тўлиқ молиялаштириш амалга оширилади (қонун бу каби рухсат этилмаган маблағларнинг мажбуриятлари бажарилиши ёки сарфланишини тақиқлайдиган ҳоллар бундан мустасно). Конгресс унинг юзасидан ҳеч қандай қонун ҳужжати қабул қилинмаган, янги дастур учун рухсат этилмаган ассигнацияларнинг ажратилишини камдан-кам ҳолларда амалга оширади. Рухсат этилмаган ассигнациялар ажратилишига оид, бу каби ҳолатлар, ассигнациялар ажратилишига рухсат берувчи қоида қайта тикланмаганда юзага келади. Бундай ҳолларда рухсат этилмаган бюджет ассигнацияларини олувчи агентлик унинг фаолиятини бошқарувчи доимий қонун таъсири остига тушиб қолади.

6.4. "МАХФИЙ ХАРАЖАТЛАР" АЖРАТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАОМИЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Федерал ҳукуматнинг бюджет харажатларининг анчагина қисми ваколатларни белгилаб берувчи қонунчилик ҳужжатлари орқали берилади ва назорат қилинади. Махсус адабиётларда қонунчиликнинг ушбу тури норасмий тарзда "махфий ҳужжатлар"ни бошқариш деб номланади. Умуман бу турдаги маблағларнинг сарфланиши Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунида "харажатлар бўйича ваколатлар" сифатида белгиланади, Грэмм-Рудмен-Холлингс (ГРХ) қонунида эса "бевосита харажатлар" сифатида белгиланади. Ушбу бюджет маблағлари ваколатларни тақдим

этувчи қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади ёки ушбу қонунчилик томонидан назорат қилинади, бироқ ҳар йилги ассигнацияларни ажратишга оид қонун ҳужжатлари тақдим этилади.

15-чизмадан кўриниб турганидек, "махфий харажатларнинг" бир неча турлари мавжуд бўлиб, улардан энг машҳури доимий тасдиқланган дастурларга оид ваколатларнинг берилиши — қонуннинг тегишли олувчиларга тўловларнинг амалга оширилишини талаб қилувчи қоидалари. Махфий харажатларга қонунчилик ўзгартиришга оид ваколатларни (агентликларга ўзаро ўзлаштирилган маблағларни сарфлашга рухсат берувчи қоидалар), шартнома тузилишига оид ваколатларни (контракт ваколатларини) ва компенсацияловчи тушумлардан воз кечиш ҳуқуқини (агентликка кўрсатилган хизматлар учун маълум миқдордаги тўловни йиғиб олмаслигига рухсат берувчи қоидалар) ҳам ўз ичига олади. Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни Конгрессга, айрим истисно янги контракт ваколатларини ёки маблағларнинг ўзлаштирилишига оид янги ваколатларни, агар улар амалга худди ўша ассигнацияларни ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларида назарда тутилганидек миқдорда кучга киритилмайдиган бўлса, кўриб чиқишни тақиқлайди. Бу чеклаш доимий тасдиқланган дастурларга нисбатан қўлланилмайди (контракт ваколатлари, ўзлаштиришларга оид ваколатлар ва доимий дастурлар бўйича ваколатларга доир мисоллар 6–Ж ва 6–З-намунада келтирилган).

Доимий ассигнацияларни олишга оид ҳуқуқлар ваколатларни тақдим этиш бўйича қонунчиликка киритилган бўлсада, улар учун қоида ва тадбирлар дискрецион харажатларга бўлган ваколатларнинг олинишидан тубдан фарқ қилади. Доимий мажбурий ассигнациялар бу унинг тегишли олувчиларига (одатда, жисмоний шахсларга, айрим ҳолларда эса ҳукумат органларига) Федерал ҳукуматдан тўловларнинг олинишига оид қонуний ҳуқуқни берувчи қонунчилик асосида тасдиқланган ассигнациялардир. Федерал ҳукумат бу каби тўловларни, агар ҳатто бюджет улар учун етарлича маблағларни ажратиб бермаган ҳолларда ҳам амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мажбурий ассигнацияларга оид ҳуқуқларни берувчи кўпчилик қонунлар очиқ ҳолда жами харажатлар бўйича чеклашларни белгилаб бермайди. Бунинг ўрнига қонун, одатда, тўловларнинг амалга оширилиши учун тегишли мезонларни шакллантиради ва тўловлар миқдори ҳисоб-китоб қилиниши учун махсус тизимни тақдим этади. Жами тўловлар унинг олувчилари сонига ва ҳар бир олувчига тўғри келадиган тўлов миқдорларига боғлиқ.

Айрим дастурлар (ижтимоий таъминотга ўхшаш) доимий ассиг-

нацияларга эга, яъни зарур маблағлар Конгресснинг ҳар йилги қарорларисиз ажратилади. Бошқа дастурлар (фахрийларга тўланадиган пенсиялар каби) ҳар йили Конгресс ушбу босқичда уларни деярли назорат қилмаса ҳам ассигнацияларни ажратиш бўйича таомиллардан ўтказилади. Агар назарда тутилган маблағлар етарли бўлмаса, Конгресс ассигнацияларнинг қўшимча равишда ажратилишини қайтадан кўриб чиқишга мажбур бўлади.

Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида" қонуни Вакиллар Палатаси ва Сенат томонидан доимий (мажбурий) харажатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг кейинги молия йилига оид бюджет лойиҳаси қабул қилингунига қадар кўриб чиқилишини тақиқлайди. Хатти-харакатлардаги бу каби изчиллик Конгрессга янги доимий харажатларнинг бюджет лойиҳасида қабул қилинган бюджет сиёсати талабларига мувофиқ келиш ёки келмаслигини аниқлаб олиш имконини беради. Конгресс бу мувофиқликни "Бюджет тўғрисида"ги қонуннинг 302-бўлимида ва 602-бўлимидаги назарда тутилган таомиллар ёрдамида аниқлаб олади. Яъни, Конгресс доимий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган қийматини ваколатли қўмиталар бўйича Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг (302-бўлими ва 602-бўлими) талабларига мувофиқ тақсимланган харажатлар миқдоридан ортиқни ташкил қилган-қилмаганлигини аниқлайди.

Бюджетни тадбиқ этиш тўғрисидаги қонун янги доимий харажатлар ва бошқа "махфий" харажатларнинг "pay as-you-go" PAYGO (сўзма-сўз ишнинг бориши) тўлов тизими воситасида амалга киритилишини тартиблаштиради. Бу эса тақчиллик миқдорини ошириб юбормаслик имконини беради. Умуман олганда PAYGO тизими бевосита харажатларнинг (асосан, доимий ва бошқа мажбурий харажатларнинг) кўпайиб кетиши ёки даромадларнинг қисқариши, бошқа бевосита харажатларнинг қисқартирилиши ёки даромадларнинг кўпайтирилиши ҳисобига ёки маълум бир дастурларнинг (бевосита харажатларнинг) молияланишининг қисқартирилиши ҳисобига компенсацияланишини талаб қилади.

Доимий харажатлар, одатда, доимий амал қилувчи қонун билан белгилаб берилиши сабабли Конгресснинг харажатлар ҳажмларини ўзгартирувчи ягона имкониятдир. Бу доимий мажбурий харажатларни белгилаб берувчи қонунларни ўзгартиришдир.

Ваколатларни тақдим этувчи қонун ҳужжатлари Федерал агентлик кредит бериш ёки кредитлар бўйича кафолат бериш ваколатини бериши мумкин. "Кредит ислоҳоти тўғрисида"ги 1990 йилдаги федерал қонун бевосита ва кафолатланган кредитлар бўйича харажатларни ташкил қилиш жараёнига анчагина ўзгартиришларни киритган.

15-чизма

ВАКОЛАТЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТУРЛИ ХИЛЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ

6.5. ХАРАЖАТЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ КОНЦЕПЦИЯСИ

6–И-намунасида кўрсатилган чизма дискрецион харажатларга оид назорат қилишнинг бутун занжирини тўлиқ намойиш этади. Кўпгина умумий ўзига хосликлар мавжудлигини эътиборга олиш лозим бўлишига қарамай, назоратни амалга оширишнинг бир қанча бошқача усули бевосита харажатлар ва даромадлар каби бюджетнинг бошқа қисмларига нисбатан ҳам умумий қўлланиши мумкин.

Назорат қилишнинг алоҳида жиҳатларини батафсилроқ тушунтириб беришдан олдин икки муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчидан, ҳар бир назорат "энди бўлиши мумкин эмас" дейдиган қоидаларни ўз ичига олади. Ушбу қоидалар жараённинг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид занжирни боғлайди. Бироқ, улар ҳар доим ҳам назорат қилиш таомиллари исталган натижаларни бераётганини англатмайди. Биргина масала бўйича турли хил ўзгартириш ва истиснолар ҳам бўлиши мумкин, улар изоҳланади. Бошқа масалага нисбатан "энди бўлиши мумкин эмас" қоидасининг қўлланилиши кўпинча баҳолашлар ва тахминларга боғлиқ бўлиб, воқеалар ривожлангани сайин нотўғри эканлигини исботлашлари мумкин. Учинчидан, мазкур Конгрессга тегишли қоидаларни қўллаш айрим ҳолларда қолдирилиши мумкин. Ушбу эҳтиёткорликларга қарамасдан, дискрецион харажатларни белгиланган кенг доирада ушлаб туриш чоғидаги назоратнинг изчиллигини умуман олганда етарлича самарали деб ҳисоблаш мумкин.

Иккинчидан, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, назорат занжирида Федерал бюджетни шакллантириш ва татбиқ этиш жараёнининг барча ижрочи ва қонун чиқарувчи иштирокчиларни қатнашадилар. Бунда шуни айтиш лозимки, ушбу занжир Президентнинг бюджет номасидан бошланмайди, чунки у тавсияларнигина акс эттиради. Конгресс ушбу тавсияларни ўзининг бюджетга оид қарорларида қабул қилмаслиги лозим. Яна шуни ҳам эътиборга олингки, занжир ваколатларнинг берилишига оид қонунчиликни ўз ичига олмайди, чунки ушбу чоралар ҳар доим ҳам ажратилиши мумкин бўлган маблағни чекламайди.

Федерал бюджет устидан назорат қилиш занжирининг муҳим элементи қуйидагилар (16-чизмага қаранг) ҳисобланади.

(1) Дискрецион харажатлар бўйича лимитлар. Лимитлар 1991–1993 молия йилларига бўлган дискрецион харажатларнинг учала категорияси бўйича (мудофаа, халқаро ва ички муносабатлар) ва 1994–1995 молия йилларига оид барча дискрецион харажатлар бўйича қонун томонидан белгиланган маълум мақсадлар йўлида МББ

томонидан белгиланган маълум мақсадлар йўлида МББ томонидан ўзгартирилиши мумкин бўлган бюджет ваколатлари ва тўловларга долларли чегараларни белгилаб берарди. Президентнинг бюджетномасига оид тавсияномалар ва Конгресснинг бюджет лойиҳаси ушбу лимитларга асосланади.

(2) Бюджет лойиҳасининг йиғма кўрсаткичлари. Конгресс томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари бюджет лойиҳасидаги харажатларнинг (барча бюджет ваколатлари ва барча харажатларнинг) йиғма кўрсаткичларини буза олмайди ва ўз-ўзидан келишилганидек, улар дискрецион харажатлар лимитларидан ортиши мумкин эмас.

(3) 302-(а)-бўлими (ва 602–А бўлими) бўйича тақсимотлар. Бюджет лойиҳаси қабул қилинганидан кейин ундаги бюджет ваколатлари ва жами тўловлари Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг қўмиталари ўртасида дискрецион харажатлар ва бевосита харажатларга оид ваколатлар билан тақсимланади. Дискрецион харажатлар Маблағларни ажратиш бўйича қўмиталар ваколатларига киради. Қўмиталар бўйича тақсимланган умумий миқдор бюджет лойиҳасининг жами кўрсаткичларидан ортиб кетиши мумкин эмас.

(4) 302-(б)-бўлими (ва 602-(а)-бўлими) бўйича қайта тақсимлаш. Маблағлар бўйича қўмиталар, улар томонидан олинган ассигнацияларни ўзларининг ёрдамчи кичик қўмиталари ўртасида қайта тақсим қилишлари лозим. Бошқа қўмиталар ўзлари олган ассигнацияларни ўзларининг кичик қўмиталари ва дастурлари ўртасида қайта тақсимлашлари мумкин (бироқ, улар бундай қайта тақсимлашни ГРХ қонуни амал қилиб келаётган вақтда амалга оширишлари шарт эмас). Қўмиталар томонидан амалга оширилган кичик қўмиталар ўртасидаги қайта тақсимлашлар уларга тақсимланган харажатлар миқдоридан ортиб кетиши мумкин эмас. Ассигнацияларни ажратишга оид ҳар йилги чора-тадбирлар бўйича харажатлар 302-(б)-бўлимига (ёки 602-(а)-бўлимига) биноан амалга ошириладиган тегишли қайта тақсимлашлар билан солиштирилади. Айрим ҳолларда тегишли қайта тақсимлашдан ортиқни ташкил қиладиган ассигнацияларнинг ажратилиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги буйруқ билан бартараф қилиниши мумкин.

(5) Пропорционал тақсимлаш. Ассигнацияларнинг ажратилиши бўйича чоралар кўриб бўлингандан кейин МББ маблағларни агентликлар бўйича жорий йилнинг чораклари ёки лойиҳалар бўйича бўлиб ташлаган ҳолда пропорционал тарзда тақсимлайди. Пропорционал тарзда тақсимланган миқдорлар назарда тутилган маблағлардан кўп бўлмаслиги керак. Бироқ айрим холларда маблағларнинг

етишмовчилигини қоплаш учун маблағларнинг тақсимланишига рухсат этилади.

(6) Улушлар бўйича тақсимлаш. Ҳар бир департамент ва агентлик ўзига тақсимланган маблағларни ўз кичик бўлимлари орасида улушлар бўйича тақсимлайди. Улушлар миқдори тақсимланган миқдордан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Айрим агентликлар (асосан кичикларн) улушлар тақсимланищи таомилини четлаб ўтадилар.

(7) Мажбуриятлар. Агентликларнинг маблағлари уларга ажратилган маблағлардан знёд бўлган ёки маблағ ажратилмаган мақсадларга мажбуриятларни қабул қилишига (айрим холларни ҳисобга олмаганда) рухсат этилмайди. Ҳисоб рақамда мажбуриятларни қабул қилиш учун берилган маблағлар, янги ажратилган маблағлар билан бир қаторда бошқа ҳисоб рақамлардан ўтказмалар, ўтган йиллардан ўтиб келадиган маблағлар ва (қонунда назарда тутилган ҳолларда) агентлик томонидан йиғиб олинган айрим компенсация тушумларини ўз ичига олиши мумкин.

(8) Тўловлар. Бу харажатлар устидан назорат занжирининг якунловчи босқичидир. Ғазна Департаменти агентликлар томонидан қонунга биноан қабул қилинган мажбуриятларни тугатувчи тўловларни амалга оширади. Тўловлар мажбуриятлардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

16-чизма

ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ



6-А-А-НАМУНА
Йиллар бўйича харажатлар (тўловлар) улуши

	1991 йилдан бошлаб истиқбол йилларигача харажатлар улуши (фоизларда)				
	Биринчи	**Иккинчи**	**Учинчи**	**Тўртинчи**	**Бешинчи**
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ПЕРСОНАЛИ					
Армия	94.9%	4.0%			
Ҳарбий-денгиз Флоти	95.5%	4.3%			
Денгиз пиёда аскарлари	95.8%	3.9%	0.1%		
Ҳаво Флоти	95.8%	4.0%			
Армиянинг захира персонали	91.6%	7.4%	0.5%		
Денгиз кучлари захираси	90.7%	7.3%	1.0%		
Денгиз пиёда аскарлари захираси	89.2%	8.8%	0.7%		
Ҳаво кучлари захираси	93.5%	6.8%	0.2%		
Миллий гвардия персонали.	92.5%	4.7%	0.1%		
Миллий гвардия. Армия персонали	94.5				
Ҳаво кучлари					
ХАРИДЛАР					
Армия учун авиация хариди		41.0%	24.0%	13.0%	5.0%
Армия учун ракеталар хариди	13.0%	30.0%	49.0%	13.0%	1.0%
Қуроли-яроғ ва харбий-транспорт вертолёт	5.0 %	42.5%	37.0%	10.5%	5.3%
Армия учун аммуниция хариди	1.0%	14.0%	37.0%	-2.0%	11.0%
Армия учун бошқа харидлар	34.0%	33.0%	28.0%	16.5%	7.5%
Денгиз флоти учун авиация хариди	9.0%	32.4%	33.0%	12.3%	3.9%
Денгиз флоти учун қурол-яроғ хариди	13.5%	33.0%	37.0%	12.0%	3.5%
Денгиз флоти учун кемалар қурилиши ва конверсияси	9.0%	17.0%	23.3%	14.7%	15.0%
	4.0%				

(1) Харажатларнинг улушларидан: (а) Президент ва Конгресс бюджетларидаги бюджет харажатларининг ҳисоб-китоб қилиниши учун; (б) алоҳида ҳисобрақамлар бўйича харажатларга оид чекловларнинг жорий қилиниши учун; ва (в) ГРХ қонуни бўйича айрим

ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши учун фойдаланилади. Харажатлар улуши янги бюджет ваколатларига фоиз ҳисобида ҳисоб-китоб қилинади. Шу тариқа, 10 фоизга тенг бўлган харажатлар улуши, янги бюджет ваколатларининг 10 фоизи маълум йил давомида сарфлаб бўлинишини билдиради.

(2) Харажатларнинг турли хил турлари турли даражаларда сарфланади. Ходимларга оид харажатлар биринчи йилда ажратилган маблағларга нисбатан 90 фоизи кўпроғ амалга оширилади; харид қилишга оид харажатларнинг каттагина қисми, одатда, кейинги бир неча йиллар мобайнида амалга оширилади.

(3) Кемалар қурилиши ва конверсияси, Денгиз кучлари каби айрим ҳисобварақлар бўйича харажатлар уларга маблағлар ажратилганидан кейин 5 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида амалга оширилади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 5 йиллик муддат ниҳоясига етгач, ушбу ҳисобварақлар бўйича харажатлар улуши 75 фоиздан камни ташкил қилади.

6-А-НАМУНА
Ваколатларни тақдим этишга доир қонун ҳужжатлари: Вакиллар Палатасининг қоидалари.

§ 834. Санкцияланмаган ассигнациялар ва ассигнацияларнинг ажратилиши бўйича қонун ҳужжатлари

Вакиллар Палатасининг XXI қоидаси, 2-банд

2.(а). Ассигнацияларни ажратиш бўйича умумий қонун лойиҳасида ҳеч қандай ассигнациялар назарда тутилмайди ва агар улар жамоатчилик ишлари ва тугалланмаган объектларнинг бажарилишига оид ассигнацияларнинг давоми ҳисобланмаса, илгари қонун билан рухсат этилмаган ҳар қандай харажатларга нисбатан ўзгартириш ва қўшимча сифатида кўриб чиқилмайди.

(б) Ушбу масала юрисдикциясига кирадиган ҳар қандай қонун чиқарувчи Қўмита томонидан Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмитага тавсия қилинадиган маблағларни ўз ичига олиши мумкин бўлган қонун лойиҳаси томонидан қамраб олинадиган маблағларни қисқартириш йўли билан харажатларни қисқартиришга доир мақбул қоидалардан ташқари. Ассигнациялар тўғрисидаги қонунларга киритилган ассигнацияларни бекор қилишдан ташқари мавжуд Қонунни ўзгартиришга қаратилган ҳеч бир қоида ассигнацияларни ажратишга доир умумий қонун лойиҳасида ҳисобга олинмайди.

(1) Вакиллар Палатасининг (бир қисми шу ерда кўрсатиб ўтилган) XXI қоидаси ваколатлар (рухсатномалар) ва ассигнациялар ўртасидаги асосий ўзаро алоқадорликни белгилайди.

(2) Вакиллар Палатасининг қоидалари рухсатномаларни тўғридан-тўғри талаб қилмайди: улар рухсат этилмаган, Санкцияланмаган ассигнацияларни тақиқлайди. Қоидаларга биноан, Вакиллар Палатаси ассигнацияларнинг ажратилиши бўйича ўтказиладиган тадбирларнинг каттагина қисмини кўриб чиққунига қадар қонунчилик томонидан маблағлар ажратишни тақозо қилувчи мақсадлар белгилаб берилган бўлиши керак. Айрим ҳолларда Вакиллар Палатаси маблағлар ажратилишини назарда тутувчи қонун лойиҳалари кўриб чиқилгунига қадар "махсус қоидалар"ни қабул қилиб, санкцияланмаган ассигнацияларни тақиқловчи қоидаларни эътиборга олмайди.

(3) Рухсат этилмаган харажатларни тақиқловчи қоидалар фақатгина ассигнацияларнинг ажратилишига оид умумий қонун лойиҳаларига нисбатан қўлланилади. Вакиллар Палатасининг прецеденти бўйича давом этаётган қонун лойиҳалари (ҳали янги молия йилига мунтазам ассигнацияларни олмаган агентликларни оралиқ молиялаш) ассигнацияларнинг ажратилишига оид умумий қонун лойиҳаси сифатида кўриб чиқилмайди. Шунинг учун ҳам санкцияланмаган дастурлар у орқали молияланиши мумкин.

(4) Мавжуд қонунчиликнинг ўзгартирилиши янги қонунчиликни акс эттиради ва қоидаларга биноан ассигнациялашга оид қонун лойиҳасида қайта тузатиб чиқилиши мумкин эмас (бу ерда кўрсатилмаган 2(*c*)-банди амалдаги қонунга мажлис ўтказиш йўли билан тузатишлар киритилишини тақиқлайди). Шу борадаги яна бошқа қоидалар ассигнацияларни ажратиш қонун лойиҳасининг ваколатларни бериш бўйича қонунчилик таркибига киритилишини ман этади.

(5) Ассигнацияларни ажратиш бўйича қонун лойиҳалари таркибига харажатларнинг қисқартирилиши тўғрисидаги қоидаларнинг киритилишига оид ваколатлар "Холман қоидаси" сифатида танилган. Бу қонда 1870 йилда ишлаб чиқилган ва ўшандан буён ундан камдан-кам фойдаланилади.

Манба: *Палата XXI қоидаси, 2(а) ва 2(б)-банди.*

6-Б-НАМУНА
Ваколатларни тақдим этишга доир қонун ҳужжатлари: Сенат қоидалари

Сенатнинг XVI қоидаси

Бирон-бир сенатор томонидан кўтариб чиқилган таомил масалалари бўйича ассигнацияларни ажратишга доир ҳеч бир умумий қонун лойиҳасига киритиб бўлинган ассигнацияларни ошириб юбориши ёки ассигнацияларнинг янги моддаси қўшилишига олиб келиши мумкин бўлган тузатишлар киритилмайди, фақат агар бу амаллаги Қонун қоидалари ёки шартнома моддаси ёки далолатнома ёхуд сессия давомида Сенат томонидан илгари қабул қилинган қарорни ижро этиш мақсадида қилинмаётган бўлса. Агар бу Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмита томонидан, ёки мазкур соҳа қонунчилиги доирасига кирувчи Сенат қўмитаси томонидан таклиф этилмаган, ёки қонунга мувофиқ харажатлар сметасининг бажарилиши учун таклиф этилмаган бўлса.

Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмита ассигнацияларни ажратиш бўйича қонун лойиҳасига янги ёки умумий қонунчиликни ёки қонун томонидан санкцияланмаган чекловни назарда тутувчи маблағларни, агар бундай чеклаш кутилмаган вазиятлар юзага келганда кучга кирса ёки ҳақиқий эмас деб топилса, таклиф этувчи тузатишларни ўз ичига олган ассигнацияларни ажратиш бўйича қонун лойиҳасига доир ҳисоботни тақдим этмайди ва агар қонун лойиҳаси Сенатга тақдим этилган ва у янги ёки умумий қонунчиликни ёхуд ушбу қонун лойиҳасига қарши ҳар қандай шу каби чекловни назарда тутган бўлса, исталган таомил масалалари кўтарилиши мумкин, агар улар қўллаб-қувватланса, у ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи марта кўриб чиқилиши учун Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмитага қайта топширилади.

(1) Сенатнинг XVI қоидаси 1-параграфи санкцияланмаган ассигнацияларнинг ажратилиши имкониятини истисно этади; 2-параграф Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмитага ассигнацияларнинг ажратилишига оид қонун лойиҳалари таркибига қўшимчалар киритиш имконини бермайди; 4-параграф (бу ерда келтирилмаган) ассигнацияларнинг ажратилишига оид қонунчиликни тўлдирувчи ўзгартиришларнинг киритилишини тақиқлайди. Вакиллар Палатасининг қоидаларидан фарқли равишда, Сенат қоидалари билан ваколатларнинг берилишига оид қонун лойиҳалари бўйича ассигнацияларнинг ажратилиши тақиқланмайди.

(2) Мазкур қоидадаги "ўзгартиришлар" нутқи Сенат томонидан Қўмитада ёки Вакиллар Палатаси томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасининг муҳокама қилиниши чоғида қабул қилинган ҳар қан-

дай ўзгартиришларга тааллуқлидир. Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг аъзолари ассигнацияларнинг ажратилишини назарда тутувчи қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш учун учрашганларида улар навбат билан рақамлаб чиқилиши лозим бўлган, Сенат томонидан киритилган ўзгартиришлар устида ишлайдилар, уларни муҳокама қиладилар.

(3) Сенат қоидалари рухсат этилмаган ассигнацияларнинг тақиқланиши чоғида бир қатор истисноларни назарда тутади. Шунинг учун ҳам ушбу қоида ижро этилишига оид масалага Вакиллар Палатасида Сенатдагига қараганда анча-мунча қатъий ёндашилади.

(4) Ассигнацияларнинг ажратилишига оид қонун лойиҳасига ўзгартиришлар киритилган ҳолда Сенат, одатда, ушбу ўзгартириш ўринли ёки ноўринлигидан келиб чиққан ҳолда овоз беради. Агарда Сенат ўзгартириш ўринли деб овоз берса, у ҳолда таомил масаласи бекор қилинади.

Манба: *Сенатнинг XVI қоидаси, 1 ва 2 параграфлар.*

6-В-НАМУНА
Ваколатларнинг берилиши тўғрисидаги қоидаларнинг асосий мақсадлари

А кичик сарлавҳаси (Миллий) Озчилик учун дастурлар **Умумий** 101-БЎЛИМ. (МИЛЛИЙ) ОЗЧИЛИК САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА БЎЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА КАСАЛЛИКЛАР ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ГРАНТЛАР БЕРИШГА ОИД ОФИС ВАКОЛАТЛАРИ "Давлат соғлиқни сақлаш тўғрисида"ги қонунининг XVII бўлимида қуйидагилар қўшимча қилинган ҳолда ўзгартиришлар киритилган: "1707-БЎЛИМ. (МИЛЛИЙ) ОЗЧИЛИК САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ БЎЙИЧА БЎЛИМНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ. "(a) Умумий. — Вазир Бошқармада озчилик саломатлигини сақлаш бўйича соғлиқни сақлаш вазирининг ёрдамчисини тайинлайди. Вазир ушбу бўлимнинг директори бўладиган озчилик саломатлигини сақлаш бўйича вазир ёрдамчисининг ўринбосарини тайинлайди"	"(b) Функциялар — Озчилик саломатлигини сақлаш бўлими озчилик гуруҳи аъзолари билан биргаликда ёмон муҳитдан бўлган шахслар саломатлигининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда — "(1) қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсад ва вазифаларни белгилаши; ирқий ва этник озчиликни қўйилган ҳолда ёмон муҳитдан бўлган инсонлар касалликларининг олдини олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш ва турмуш шароитларини ўрганиш билан боғлиқ Соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш департаментининг барча ишларини мувофиқлаштириш "(d) Ассигнацияларга оид ваколатлар. — Мазкур сектор вазифаларини амалга ошириш мақсадида 1991 молия йилига 10.000.000 АҚШ долларини, 1992 молия йилига 12.000.000 АҚШ доллари ва 1993 молия йилига 15.000.000 АҚШ доллари миқдорида маблағлар ажратилишига рухсат этилди".

(1) Ушбу сўнгги қонунчиликдан олинган кўчирмалар ваколатларнинг берилишига оид асосий мақсадларни кўрсатади: Федерал агентлик ёки дастурни ташкил қилиш ((a)-бандида ҳар бир шундай агентликнинг мажбуриятлари ва функцияларини белгилаш (в)-банди) ва ассигнацияларга оид ваколатларни бериш ((d)-бандида)).

(2) Ваколатлар бериш бўйича қонунчилик айрим ҳолларда агентлик қандай ташкил қилиниши кераклигига жавоб бермайди, бироқ бу ерда кўрсатилишига қараганда, у айрим ҳолларда ташкилий шаклларни белгилаб беради.

(3) Ушбу қоидалар агентлик мажбуриятларини белгилаб беради, айрим ҳолларда ваколатлар беришга оид қонунчилик агентлик фаолияти бўйича чекловларга эга бўлади.

(4) Маблағлар ажратилиши учун рухсатнома ассигнацияларнинг ажратилишига оид лицензиядир. Бу ерда эслатиб ўтилган маблағлар фақатгина ассигнацияларни ажратиш бўйича қонун лойиҳасида белгиланган ҳажмларда сарфланиши мумкин. Ушбу ваколатлар аниқ молия йиллари учун хақиқий ҳисобланганлиги боис, Конгресснинг келаси молия йиллари учун маблағларнинг ажратилиши бўйича қонун лойиҳасини тегишли тарзда кўриб чиқишга тегишли молия йиллари ваколатларнинг берилиши юзасидан янги қонунчиликни қабул қилишига тўғри келади.

Манба: *Сенат томонидан 1989 йил, ноябрь ойида қабул қилинган Сенатнинг қонун лойиҳаси 1606 (101 Конгресс, 4-6-бетлар).*

6-Г-НАМУНА
Дискрецион ваколатлар (рухсатномалар)нинг турлари

Доимий

(d) ваколатлар. — 1990 молия йили ва ҳар бир келаси йил учун мазкур бўлимнинг қоидалари бажарилиши учун қанча зарур бўлса, шунча маблағларни ажратишга рухсат этилади.

Бир йиллик

(c) Океан ва Қирғоқбўйи бошқармаси. — Савдо департаментига 1990 молия йилига 1972 йилдаги Денгизларни ҳимоя қилиш, тадқиқотлар тўғрисидаги қонуннинг III бўлимига, 1972 йилдаги қирғоқбўйи зоналарини бошқариш тўғрисидаги қонунга, Денгиз туби минерал ресурсларини бошқариш ҳақидаги қонунга, фаолиятнинг ушбу соҳаси билан боғлиқ бошқа қонунларга биноан Миллий океаншунослик маъмурияти фаолияти доираларида океан ва қирғоқбўйи ҳудудлари менежментини амалга ошириш учун 57,752,000 АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган миқдорга ассигнацияларни олиш ваколатлари берилган.

Кўп йиллик

(a) Қўллаб-қувватлаш хизмати ва Кексаларга ёрдам кўрсатиш марказлари – 1965 йилдаги Кекса америкаликлар тўғрисидаги қонуннинг 303(a)-бўлимига қуйидаги таҳрирдаги тузатишлар киритилди:

"(a) Ушбу бўлимнинг B қисмига биноан (Қўллаб-қувватлаш хизматлари ва Кексаларга ёрдам кўрсатиш марказларига тегишли грантлар ажратиш мақсадида 1988 молия йили учун 379,575,000 АҚШ доллари, 1989 молия йилига — 398,554,000 АҚШ доллари, 1990 молия йили учун — 418,481,000 АҚШ доллари ва 1991 молия йили учун 439,406,000 АҚШ доллари миқдоридаги ассигнацияларни ажратишга ваколатлар берилган".

(1) Ушбу бетдаги учта мисол дискрецион ваколатлар ҳисобланади. Ҳар бир ҳолатда мажбуриятлар ҳажми ассигнацияларни ажратиш бўйича қонун лойиҳаларида белгиланади. Ассигнацияларни ажратиш жараёнини қамраб олувчи ваколатларнинг турлари 6–Ж ва 6–З-намуналарда кўрсатилган.

(2) Доимий ваколатларда вақтинчалик чеклашлар йўқ. Бундай ваколатлар, одатда, ажратиладиган ассигнацияларнинг ҳажмларини белгилаб бермайди ва "бу каби харажатларга зарурат туғилган ҳолларда" ваколат берадилар.

(3) Бир йиллик ваколатлар ҳар йили қайта янгиланади (фақатгина агар Конгресс дастурни тўхтатмаса ёки ассигнацияларнинг ваколатсиз ажратилишини амалга оширмаса). Ваколатлар беришнинг мазкур тури одатда, ҳар бир молия йили учун ажратиладиган ассигнациялар миқдорини белгилаб беради.

(4) Кўп йиллик рухсатномалар ҳар йилга ассигнацияларнинг миқдорлари белгиланганда, одатда 2–5 йиллик давр учун берилади.

(5) Кўп йиллик ваколатлар кўпинча ҳар бир келгуси молия йилига оид ассигнациялар миқдорларининг ҳар йилда оширилишини назарда тутади. Мазкур мисолда (ваколатларнинг 4 йиллик муддатга берилиши) рухсат этилган миқдор ҳар йили ўтган йилги ҳажмидан юқорироқ.

Манба: *Доимий. Сенат томонидан қабул қилинган Сенатнинг 1610 қонунининг 222 (d) бўлими, 42-саҳифаси; йиллик ваколатлар, 101–224 давлат қонунчилигининг 2(c)-бўлими; ва кўп йиллик, 100–175 давлат қонунчилигининг 122(a)-бўлими.*

6-Д-НАМУНА
Берилган ваколатларни қайта тасдиқлаш бўйича талаблар

Мажбуриятлар бўйича чекловлар

§ 2680. Давлат департаменти учун ассигнациялар; Конгресс Қўмиталарига ахборот.

(а)(1) 1974 йил 26 октябрга қадар қабул қилинган Қонуннинг ҳар қандай қоидасига қарамай, ушбу қонунда назарда тутилган ҳеч бир маблағлар Давлат Департаменти учун 1972 йил 1 июлдан бошлаб ёки ушбу саналан кейин бошланадиган исталган молия йили мобайнида мажбуриятларни қабул қилиши ёки харажатларни амалга ошириши учун очиқ бўла олмайди:

(А) агар маблағларнинг ажратилиши 1972 йил 7 февралда ёки бу санадан сўнг қабул қилинган қонунга кўра рухсат этилмаган бўлса, ёки:

(В) агар миқдор белгиланган муддатда ёки ундан кейин қабул қилинган қонунда кўзда тутилган миқдордан ортиқ бўлса.

Ассигнацияларнинг ажратилишига оид чекловлар

9. Вакиллар Палатасининг қоидаларига мувофиқ ассигнациялар ажратишни давом эттириш бўйича давом эттирилаётган лойиҳа ёки резолюциядан ташқари ёки қонун лойиҳасига тузатишлар ёки мажлиснинг ушбу масала бўйича ҳисоботи ёки бу маблағларнинг АҚШнинг исталган департаменти ёки агентлиги томонидан қўйидаги фаолият турларини бажариш мақсадида қўлланиши учун, агар бундай маблағлар илгари қонунчиликка кўра ёки ўша йили ёки ундан олдинги молия йилида Вакиллар Палатаси томонидан қабул қилинган резолюцияга кўра ажратилмаган бўлса, ҳеч қайси молия йили учун ҳеч қандай маблағлар ажратилмайди:

(а) МРБ ва МРБ директори фаолияти

(б) Ҳарбий разведка бошқармасининг фаолияти

(с) Миллий хавфсизлик кенгаши фаолияти.

(1) Давлат департаменти учун ваколатлар каби аввалги ваколатларнинг айрим талаблари Қонун сифатида қабул қилинади; бошқалари, масалан, разведка бошқармаси учун ваколатлар Вакиллар Палатаси ва Сенат қоидалари билан тайинланади тасдиқланган Конгресснинг хатти-ҳаракати иккала ҳолатларда ҳам тахминан бир хил.

(2) Конгресс кўпинча вақтинчалик ваколатлар муддати тугаб бўлган давом этувчи дастурлар учун ассигнацияларнинг ажратилиши юзасидан қарорлар қабул қилади. Агентликлар, одатда, рухсат этилмаган ассигнацияларни сарфлаб юборишлари мумкин, бироқ айрим ҳолларда маблағлардан фойдаланиш имкони ва уларнинг мавжудлиги илгариги руҳсатнома бўйича қонун асосида белгиланган талабларга ҳам боғлиқ бўлиб қолади.

(3) Мазкур қоида мажбуриятларнинг қабул қилиниши ёки маблағларнинг сарфланишига тўсқинлик қилиши муносабати билан Давлат департаменти, агар Ассигнацияларни ажратиш тўғрисидаги қонун бу тақиқлашни бекор қилмаса, рухсат этилмаган ассигнациялардан фойдалана олмайди.

(4) (B) қоидаси бу каби ваколатнинг амал қилиш муддати белгиланмайдиган юқорида келтирилган Давлат департаментига оид формулировкадан фарқли равишда разведка қилиш ишларига бўлган бир йиллик ваколатларнинг берилишини талаб қилади.

Манба: *Палатанинг XLVIII қоидаси, 9-модда (қўшимча) 2680.*

6-Ж-НАМУНА
Ўзлаштиришга оид ваколатлар ва контракт ваколатлари

Ўзлаштиришга оид ваколатлар

"1304-бўлим. (а) Панама канали бўйича комиссия ўз мақсадларини амалга ошириш учун Ғазнадан қарз олиши мумкин, бироқ у 100000000 АҚШ долларидан зиёд бўлмаслиги лозим. Бунинг учун комиссия Молия вазирига ўз облигацияларини ёки бошқа мажбуриятларни чиқариши мумкин.

Контракт ваколатлари

"(2) 1987 молия йили учун "Mass Transit" Магистрал траст фонди ҳисобрақамидан мазкур Қонуннинг 3, 4(i), 8 ва 16(в)-бўлимларига биноан ишларнинг бажарилиши учун 1097000000 АҚШ доллари ва 1988 йилдан 1991 йилгача ҳар бир молия йили учун 1000000000 АҚШ долларидан ажратилади ва ушбу маблағлардан улар буткул сарфлаб бўлинмагунига қадар фойдаланилаверади.

"(b) 3 ва 9В-бўлимлар. Мазкур Қонуннинг 3 ва 9В-бандларига биноан ишларни бажаришга (а) (2)-кичик бўлимида кўрсатилган миқдорларга қўшимча равишда "Mass Transit" Магистрал траст фонди ҳисобрақамидан 1988 йилдан 1991 йилгача бўлган ҳар бир молия йили учун қуйидаги маблағлардан улар тўла сарфланиб бўлгунча фойдаланса бўлади:

(1) 1988 молия йили учун 200000000 АҚШ доллари:

(2) 1989 молия йили учун 250000000 АҚШ доллари:

(3) 1990 молия йили учун 300000000 АҚШ доллари:

(4) 1991 молия йили учун 400000000 АҚШ доллари.

* * * * * *

"(2) Қонуннинг ҳар қандай бошқа қоидаларидан қатъи назар, мазкур бўлимнинг (а) (2) ва (b) кичик бўлимларига биноан маблағлар ажратиладиган грантнинг вазир томонидан маъқулланиши лойиҳа қийматининг Федерал улушини тўлашга оид Қўшма Штатларнинг контракт мажбуриятлари сифатида кўриб чиқилади.

(1) Ўзлаштиришга оид ваколатлар ва контракт ваколатлари, одатда, "махфий харажатлар" сифатида кўриб чиқилади. Доимий дастурларга (кейинги намуналарга қаранг) ва патентлар берилиши учун компенсацияловчи тушумлар йиғимидан воз кечиш ҳуқуқларига оид ваколатларнинг берилиши бу каби харажатларнинг бошқа тури бўлиб ҳисобланади. Бу каби харажатларнинг ҳар хил турлари Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 401(c)-бўлимида "харажатларга оид ваколатлар" сифатида белгиланади.

(2) Ўзлаштиришга оид ваколатлар агентликка (Панама каналининг Комиссияси каби) маблағларни Молия вазиригидан (Ғазнадан) ёки жисмоний шахслардан қарзга олиш имконини беради.

Ўзлаштиришга оид ваколатлар кўпинча ўз навбатида агентликнинг қарзларга бўлган ваколатларини тўлдириб борувчи эски қарзнинг сўндирилиши билан тикланиб борадиган фондлар шаклида бўлади. Конгресснинг 1974 йилдаги Бюджет тўғрисидаги қонуни ўзлаштириш бўйича янги ваколатларнинг фақатгина улар ассигнацияларни ажратиш тўғрисидаги қонунда қандай белгилаб берилган бўлса, шундай даражада ҳақиқий бўлишини талаб қилади.

(3) "Мавжуд" ва "фойдаланиши мумкин" деган формулировка, ҳатто бундай формулировка (худди шу ердагидек) ваколатларни бериш тўғрисидаги қонунчиликда пайдо бўлган ҳолларда ҳам, агентликка маблағларнинг ажратилишини англатади.

(4) Контракт ваколатлари агентликка ўз зиммасига мажбуриятларни ассигнациялар тайинлангунига қадар олишлари имконини беради. Конгресснинг 1974 йилдаги Бюджет тўғрисидаги қонуни янги контракт ваколатларининг фақат ассигнациялар ажратилиши тўғрисидаги қонунларда белгиланганидек даражада кучга киришини талаб қилади. Бироқ у ўзини ўзи молиялайдиган, хўжалик ҳисобидаги траст фондлар (Магистрал траст фонд кабилар)ни бу талабдан озод қилади.

Манба: *Ўзлаштиришга оид ваколатлар. 100–203 давлат қонунчилигининг 5424-бўлими; контракт ваколатлари, 100–17 давлат қонунчилигининг 328-бўлими.*

6-3-НАМУНА
Доимий дастурларга оид ваколат

Доимий дастурларга оид ассигнацияларнинг ажратилиши

8348 §. Давлат хизматчилари ва ногиронларнинг пенсия таъминоти фонди.

(а) Давлат хизматчилари ва ногиронларни пенсия билан таъминлаш жамғармаси мавжуд. Жамғарма (1) қуйидаги тўловлар учун мўлжалланган —

(а) мазкур кичик бўлимда назарда тутилган нафақалар ва

(в) Кадрлар бўлими томонидан амалга ошириладиган маъмурий харажатлар;

(2) мазкур бўлимга ва пенсияга чиқиш бўйича қонун ҳужжатларига биноан ишларнинг бажарилиши муносабати билан бўлим томонидан сарфланган харажатларнинг қопланишига оид Конгресс томонидан белгилаб бериладиган ҳар йиллик чекловларга мувофиқ маблағлар ажратади.

Ассигнацияларнинг хар йили ажратилиши

Согликни сақлаш бўйича Траст жамғармаларига тўловлар.

Касаллик ва қўшимча тиббий суғурта қилиш бўйича Федерал траст *жамғармаларига* тўловлар Ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонуннинг 217(g) ва 1844-бўлимларига. 1965 йилда чиқарилган Ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунга тузатишларнинг 103 (c) ва 111(d)-бўлимларига ва 97-248-Давлат қонуннинг 278 (а)-бўлимига *мувофиқ 35.335.000.000 АҚШ доллари миқдорида амалга оширилади.*

(1) Конгресснинг 1974 йилдаги Бюджет тўғрисидаги қонуни доимий дастурларга (харажатларга) бўлган ваколатларни "ҳар қандай шахсга ёки ҳукуматга, агар қонуннинг қоидалари бу каби ваколатларни ўз ичига олган бўлса, тўловларни (кредитлар ва грантлар билан биргаликда) амалга ошириш ваколатлари" каби белгилаб беради ва Қўшма Штатлар бу каби Қонун томонидан белгиланган талабларга жавоб берувчи шахслар ёки Ҳукуматларга бу каби тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

(2) Айрим доимий дастурлар мунтазам ажратиб бериладиган ассигнациялар ҳисобига, бошқалари эса ҳар йили ажратиладиган ассигнациялар ҳисобига молияланади.

(3) Мазкур дастур (давлат хизматчилари ва ногиронларнинг пенсия таъминоти бўйича тўловлар) доимий тусга эга. Мазкур траст жамғармаларининг барча тушумлари Конгресснинг навбатдаги қарорларисиз сарф қилинади. Шунинг учун траст жамғарманинг тушумлари бюджет ваколатлари сифатида таснифланади.

(4) Конгресс айрим ҳолларда доимий ассигнациялар ҳисобига молиялаштириладиган дастурларга оид маъмурий харажатларни (ас-

сигнацияларни ажратиш бўйича ҳар йилги қонун ҳужжатларида) чеклайди.

(5) Мазкур дастур (Соғлиқни сақлаш бўйича дастур қисмида) йиллик ассигнациялар ҳисобига молиялаштирилади. Ҳолбуки Конгресснинг 1974 йилдаги Бюджет тўғрисидаги қонуни ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталарга доимий дастурлар тўғрисида янги чиқарилган қонунчиликнинг бирмунча чекланган шарҳини берсада, ушбу қўмиталар Қонун талабларига мувофиқ маблағларни мунтазам равишда ажратиб борадилар.

(6) 1990 йилдаги бюджетни татбиқ этиш тўғрисидаги қонун доимий дастурлар бўйича янги қонунчиликнинг дефицит ҳажмига бўлган таъсирини назорат қилувчи PAYGO жараёнини белгилади. Доимий дастурлар ҳам, йиллик дастурлар ҳам PAYGO жараёнида кўриб чиқилади.

Манба: *101-517 Давлат қонунчилиги; 1991 молия йилига оид ишчи ва хизматчиларни қайта тайёрлаш юзасидан ассигнацияларни ажратиш тўғрисида қонун.*

6-И-НАМУНА
Дискрецион харажатларни назорат қилиш занжири

Назорат ёки чеклов	Назорат қилиш усули
(1) Дискрецион харажатларга оид чеклов.	МББ томонидан унга берилган ваколатга мувофиқ вақти-вақти билан тартибга солиб туриладиган дискрецион бюджет ваколатлари ва харажатларига оид чекловлар: улар мудофаа, халқаро муносабатлар ва ички категорияларга (1993 молия йили учун) ва умумий миқдорга нисбатан 1995 молия йили учун) қўлланилади.
(2) Конгресс бюджет лойиҳасининг жами кўрсаткичлари	Қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши чоғида фойдаланиладиган умумий бюджет ваколатлари ва харажатларига чекланган миқдорларнинг белгиланиши; Конгресс бюджет лойиҳасининг жами кўрсаткичлари дискрецион харажатларнинг чекланган миқдорларидан ортиғини ташкил қилиши мумкин эмас.
(3) Ассигнацияларни тақсимлаш бўйича 302 (А) (ва 602 (А))-бўлимлари.	Ваколатли Қўмиталар ўртасида Конгресснинг бюджет лойиҳасидаги барча бюджет ваколатлари ва харажатларнинг тақсимланиши: Қўмиталар бўйича тақсимланган умумий миқдор Конгресс бюджет лойиҳасининг жами кўрсаткичларидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
(4) 302 (Б) (ва 602 (Б))-бўлимлари қайта тақсимлаш.	Қўмиталар томонидан кичик қўмиталар бўйича (ёки дастурлар бўйича) ассигнацияларнинг қайтадан тақсимланиши: қайта тақсимлашга оид умумий миқдор тегишли Қўмитага тақсимланган миқдордан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
(5) Пропорционал тақсимлаш.	МББ томонидан агентликка ажратилган ассигнацияларнинг (ёки бошқа ресурсларнинг) дастурлар бўйича ёки молия йилининг чораклари бўйича тақсимланиши: чораклар ёки дастурлар бўйича тақсимланган маблағлар умумий суммаси мазкур агентлик бўйича назарда тутилган ассигнациялар миқдоридан ошиб кетиши мумкин эмас.

(6) Ажратилган ассигнацияларнинг тақсимланиши.	Ажратилган ассигнацияларнинг департамент ёки агентлик бўлинмалари ўртасида тақсимланиши: бўлинмалар бўйича жами тақсимланган маблағлари мазкур департамент ёки агентлик бўйича назарда тутилган умумий миқдордан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
(7) Мажбуриятлар	Федерал агентликларнинг Федерал ҳукумат молиявий мажбуриятларини қабул қилиш юзасидан ҳаракатлари:
(8) Харажатлар	Агентлик ўзи учун назарда тутилган жами ассигнациялардан ортиқни ташкил қилувчи, ёки бошқа, ушбу маблағлар белгиланганидан фарқ қиладиган мақсадларга оид мажбуриятларни қабул қила олмайди. Агентликлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бўйича Молия вазирлиги (Ғазна) томонидан амалга оширилган тўловлар: жами харажатлар мажбуриятлардан ортиб кетиши мумкин эмас.

САВОЛЛАР

1. АҚШ Федерал бюджети даромадларининг асосий моддаларини айтиб беринг.
2. АҚШ Федерал бюджети харажатларининг асосий моддаларини айтиб беринг.
3. Бюджет харажатлари концепцияси нималардан иборат?
4. Бюджет ваколатларининг ўзи нима ва у кимларга берилади?
5. Бюджет ваколатларининг қандай турлари мавжуд ва уларнинг фарқи нималардан иборат?
6. АҚШ Конгресси федерал харажатлар устидан назоратни қандай тарзда амалга оширади?
7. "Дискрецион" харажатларнинг лимити нима, улар нималар билан боғлиқ ва у ким томонидан тасдиқланади?
8. Бюджет миқёси нима, у қандай ўлчанади ва ким томонидан белгиланади?
9. Бюджетнинг базавий истиқбол ҳисоби концепцияси нималардан иборат?
10. Федерал фондлар билан траст фондлар ўртасидаги фарқ нималардан иборат?
11. Нималар натижасида Федерал бюджет дефицити юзага келади ва у қандай бартараф этилади?
12. Федерал бюджет харажатлари устидан назорат қилиш концепцияси нималардан иборат?

VII БОБ.
ФЕДЕРАЛ БЮДЖЕТНИНГ ДАРОМАД ҚИСМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ

7.1. БЮДЖЕТНИНГ ДАРОМАД ҚИСМИ ТУШУНЧАСИ ВА ТУЗИЛИШИ

Федерал бюджет Ҳукуматнинг даромадлари, харажатлари, қарз олиши ва қарзлари тўғрисидаги маълумотлар тўплами бўлиб ҳисобланади. Даромадлар кўпроқ даражада солиқлар (17–чизма), шунингдек, йиғимлар, жарималар, лицензия ва хайрия тўловлари каби бошқа манбалардан ҳам келиб тушади.

АҚШ Конституциясининг 8-бўлими 1-моддаси Конгрессга "солиқлар, қарзлар ва акцизларни ундириш" ҳуқуқини беради. Мазкур моддага мувофиқ, гарчанд Сенат Палата томонидан тақдим этилган, даромад қисми бўйича тадбирларнинг алоҳида бўлимларини ўзгартириб, сўнгра унга даромад қисми бўйича ўз бўлимларини киритиш ҳуқуқига эга бўлсада, даромад қисми юзасидан барча тадбирлар Вакиллар Палатаси томонидан бошлаб берилади. Кўпинча Сенат кейинги беш молия йилига барча даромад тушумларини белгиловчи ҳар йилги бюджет лойиҳасини қабул қилади. Бу Конституцияни бузмайди, чунки лойиҳанинг ўзи тушумларни кўпайтирмайди.

Даромадлар тўғрисидаги қонунлар Усуллар ва Маблағлар Конгресснинг Вакиллар Палатасининг мазкур қўмитаси юрисдикцияси остида бўлади, Сенатда эса бу қонунчиликни Молия қўмитаси амалга оширади. Модомики Палата қоидалари даромад қонунчилиги бўйича ҳисоботлар тузувчи бошқа қўмиталарни четлатар экан (7–А-намунага қаранг), баъзида бошқа қўмита Федерал агентлик томонидан тартибга солинадиган аниқ хизмат ёки дастурларга нисбатан афзалликка эга категорияларни комиссион йиғимга тортиб, қонунчиликка мувофиқ ҳисобот бериши мумкин. Бундай ҳолатларда комиссион йиғимлар бўйича қонунчилик, кейинчалик, АҚШ Конгрессининг Усуллар ва Маблағлар қўмитасига таянади.

Федерал ҳукуматнинг тушумлари (даромадлари) бир қатор манбалардан йиғилади, шунга қарамасдан, Ҳукумат тушумларининг ярмидан кўпи жисмоний шахслар даромад солиғи ва корпоратив солиқ ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирги даврда барча тушумларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ижтимоий суғурта солиқларига тўғри келади. Ҳукуматда тушумларнинг каттагина миқдори турли акциз солиқлари, божхона йиғимлари ва бошқа ҳар хил тушумлар ҳисобига жамланади. Бу даромадлар бюджет тушуми сифатида ҳисобга олинмайдиган турли компенсация тушумларини ўз ичига олмайди.

7–Б-намунада кўрсатилишича, узоқ муддат давомида ЯММга нисбатан федерал тушумларда фоизлар ҳисобида барқарорлик ку-

затилган. Масалан, ЯММга нисбатан федерал даромадлар 1970 йилда 20 фоизни, 1990 йилда 19 фоизни ташкил этди. Шунга қарамасдан, яна бу намуна Федерал фондга тушумлар ҳиссаси (махфий фондлардан фарқли равишда исталган мақсадларда фойдаланиладиган Ҳукуматнинг умумий маблағлари) бир қатор йиллар давомида жадал камайишини — 1960 йилда ЯММнинг 15 фоизидан бугунги кунга келиб 12 фоизга тушганини кўрсатади. Бу дегани, Федерал даромадларнинг кўпайиб бораётган улуши ҳам маълум доиралар билан чегараланган.

Федерал бюджетнинг кўп тушумлари Солиқ кодекси ёки Конгресс янги тузатишлар киритмагунча йилдан-йилга ўз кучида қолаверадиган "Ижтимоий ҳимоя тўғрисида"ги қонуннинг мавжуд қоидалари доирасида йиғилади. Келажакда янги солиқ тузилмаси иқтисодиётнинг кенгайиши билан даромадларни кўпайтириши кутилади. Шу боисдан, Конгресс, одатда, ҳар йили даромадларни кўпайтириш ёки камайтириш, ёхуд солиқ юкини қайта тақсимлаш учун солиқ қонунларига айрим тузатишлар киритади. Кўп йиллар мобайнида бу ўзгартиришлар, гарчи солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига кучли таъсир кўрсатсада, жами даромадларга бир озгина таъсир этади. 7–В-намунанинг кўрсатишича, 80–90 йиллар мобайнида Конгресс даромад қисми бўйича 20 га яқин янги тадбирларни татбиқ этди, улар 1990 молия йили Федерал даромадларини 195 миллиард долларга пасайтирди. 1981 йилги "Солиқларни қисқартириш тўғрисида"ги қонун жуда аҳамиятга эга бўлган ўзгаришларга олиб келди. Вақти-вақти билан Конгресс солиқ юкини ўзгартириб туради, ҳатто жами бюджет даромадни бундан ортиқча ўзгармаса ҳам, бу солиқ тўловчиларнинг алоҳида гуруҳларига кучли таъсир этади. Бунга АҚШ Конгресси солиқ ислоҳотлари бўйича узоқ муддатли қонун ҳужжатларини қабул қилган 1986 йилда бўлиб ўтган воқеани мисол қилиб келтириш мумкин.

7.2. КОНГРЕССДА ДАРОМАДЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

Одатда, Конгресс даромад қисми бўйича қонунларни Президентни бюджет таклифларига мувофиқ қабул қилади. КББнинг (солиққа тортиш умумий қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган) Президентни бюджетномасига мувофиқ даромадлар таъсирини шахсий баҳолаши тўғрисидаги нашри бу қонунчилик бўйича Конгресс ишининг бошланғич босқичи ҳисобланади. 7–Г-намунада кўрсатилганидек, Конгресс баҳоси кўпинча Президент бюджетида тақдим этилган баҳолашлардан анчагина фарқ қилади. Бу баҳолар ушбу боб-

нинг кейинги бўлимида баён этилган, 1990 йили қабул қилинган "муддатида тўлаш" қоидаларини амалга оширши учун зарур.

Даромадларни баҳолаш, Конгресс томонидан ҳар бир кейинги беш молия йилига ва бу тушумлар қонунчиликка мувофиқ кўпаядиган ёки камаядиган миқдорга (агар шунақаси бўлса), барча даромадларни белгилайдиган йиллик бюджет лойиҳасини шакллантиришда фойдаланилади. Бюджет лойиҳаси, жумладан, Палатанинг Усуллар ва Маблағлар қўмитасига ва Сенатнинг Молия қўмитасига йўналтирилган мувофиқлик йўриқномалари, жами даромадларни ўзгартирадиган қонунчилик бўйича маърузаларни ўз ичига қамраб олиши мумкин. Кўпинча қонунчилик бўйича шарҳлар турли масалалар бўйича бюджет қонун лойиҳасининг бир қисми сифатида кўриб чиқилади, бироқ гоҳида улар бюджетнинг даромад қисми бўйича алоҳида тадбирлар сифатида кўрилади.

Бюджет лойиҳасида даромадларнинг якуний миқдори даромад қисми бўйича тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган навбатдаги ҳаракатлар учун чегара ўрнатади. Умуман Конгресс навбатдаги молия йилига даромадларни кўпайтириш ёки камайтириш бўйича қонун ҳужжатларини, бу йилги бюджет лойиҳаси қабул қилингунга қадар кўриб чиқа олмайди. Гоҳида Конгресс Қоидалар қўмитасидан чиққан "алоҳида қоидалар"га таянган ҳолда бу талабни бажаришдан бош тортади. Сенат, одатда, даромадларни кўпайтириш ёки камайтириш бўйича қонунларни кўриб чиқишдан бир овоздан маъқуллаш билан ёки 1974 йили Конгресс томонидан қабул қилинган "Бюджет тўғрисида"ги қонунга мувофиқ рад этиш резолюцияси бўйича бош тортиши мумкин.

Бюджет лойиҳаси фақат даромадларнинг якуний миқдори ва барча тавсия этилган ўзгаришлардан ташкил топган; у бу миқдорларни даромад манбалари ўртасида тақсимламайди (гарчанд, у тиббий ёрдам бўйича тушумларни алоҳида ажратиб кўрсатса ҳам); у, шунингдек солиқ кодексининг ўзгартирилиши шарт бўлган қоидаларини кўрсатади. Бу ўзига хос қарорлар Палата ва Сенат қўмиталари маърузаларида уларнинг юрисдикциясига мувофиқ тақдим этилган даромад қисми бўйича қонунчиликда қабул қилинади.

Даромад қисми бўйича қонунчилик, одатда, Вакиллар Палатасида тузатишга оид ҳар қандай қонунчилик ҳуқуқини бекор қиладиган ёки таклиф этилиши мумкин бўлганларини кўрсатадиган махсус қоидалар (одатда, ёки "ёпиқ" ёки "модификацияланган" қоидалар) асосида кўриб чиқилади. Палата камдан-кам ҳолларда тузатишлар бўйича таклифлар киритишга ҳар қандай ҳуқуқни тақдим этадиган "ошкора" қоидалар асосида ҳаракат қилади. Сенат бундай усулда ту-

затишлар ҳуқуқини тақиқламайди, бироқ унда даромад қисми бўйича қонунчиликни тўсиб қўйиши мумкин бўлган қатъий бюджет қоидалари ва Федерал бюджет тақчиллиги ўсишига сабаб бўладиган тузатишларни тўхтатиш услубларини қўллаши мумкин.

7.3. "МУДДАТИДА ТЎЛАШ" ҚОИДАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МАҚСАДИ ВА МЕХАНИЗМИ

1990 йилдаги ББҚнинг даромад қисми бўйича (бевосита харажатлар бўйича) Қонунларнинг Конгрессда кўрилишига таъсир этувчи "муддатида тўлаш" қоидасини ўрнатди. Конгресснинг даромадлар ва бевосита харажатлар бўйича қонунчилик қўшимча бюджет тақчиллигигига олиб келмаслиги учун йўналтирилган ҳаракатлари "муддатида тўлаш"нинг асосий қоидаси бўлиб ҳисобланади (Бевосита харажатлар эгаси маълум дастурлар бўйича харажатлар ва мажбурий харажатлар бўйича бошқа дастурларни ўз ичига олади). Федерал даромадларнинг пасайишига олиб келувчи қонунчилик, даромадларни кўпайтирувчи ёки бевосита харажатларни ягона суммага ёки кўпроққа камайтирувчи чора-тадбирлар билан қопланиши лозим. Акс ҳолда бевосита харажатлар бўйича муайян дастурлар секвестрига олиб келади.

"Муддатида тўлаш" қоидаларини ижро этишда амалдаги Қонунларни ва улар асосида тушадиган базавий даромадларни, улардан янги Қонун қабул қилиниши натижасида даромадлардаги ўзгариш: кўпайиш ёки камайишдан фарқлаш зарур. Бу фарқлар КББ ва Солиқлар бўйича қўшма қўмита баҳолашлари бўйича даромадларга асосланган 7–Д-намунада келтирилган. Бироқ, ББҚ МББ баҳоларини "муддатида тўлов" қоидалари ва тегишли бюджет назорати учун ҳал қилувчи эди. 7–Д-намунанинг биринчи сатри беш молия йилига даромадларнинг базавий кўрсаткичларини баҳолайди. Конгресс, иқтисодий шароитлар ўзгариши ёки техник қайта баҳолашлар муносабати билан, даромадларнинг базавий кўрсаткичларидаги пасайишни қоплашга мажбур эмас. Бироқ, агар даромадларнинг базавий кўрсаткичлари янги қонун қабул қилиниши сабабли пасайган бўлса, унда дарҳол чора кўриш зарур. Кейинги сатрлар даромад қисмининг базавий кўрсаткичлари бўйича меъёрига етказилмаган таклифларнинг таъсирини баҳолайди. "Муддатида тўлов" қоидаларининг бу таклифлари солиқлар тўғрисидаги муддати ўтаётган қонунларни узайтириш ва Федерал даромадларга таъсир этувчи ҳар қандай бошқа тавсияларни ўз ичига олади. Гарчанд улар беш молия йилини қамраб олсада, "муддатида тўлов" таомили йилига бир марта ижро этилади. Бу би-

лан, молия йилида кучга кирувчи даромадларнинг кўпайиши ёки камайиши кейинги йилдаги ортиш ёки камайиш билан жамланади ("орқага қара" таомили бундан мустасно), демакдир. Бунинг устига, "муддатида тўлов" даромад қисми (ва бевосита харажатлар) бўйича молия йилига таъсир этувчи барча қонунларга нисбатан кучга киради, бироқ алоҳида тадбирларга нисбатан эмас. "Муддатида тўлов" Конгрессни даромадларни қисқартирувчи тадбирларини кўриб чиқишдан озод қилмайди; фақат агар молия йилининг барча қонунлари тақчилликни базавий кўрсаткичлардан ортиқ кўпайтириши мумкин бўлсагина, уни ижро этиш таомиллари бошланади.

Палата ва Сенат томонидан июль ойида қонун лойиҳасини кўриб чиқиш "муддатида тўлов" қоидалари туфайли тўхтатиб қўйилмайди: гарчанд қонун лойиҳаси даромад қисмини пасайтирган бўлсада, "муддатида тўлов" талаблари алоҳида чоралар кўриб чиқилишида қўлланилмайди (шундай бўлсада, Конгрессни "Бюджет тўғрисида"ги 1974 йилдаги қонун шартлари, қонун лойиҳасини кўриб чиқишга таъсир кўрсатиши мумкин).

1993 молия йили бюджети муҳокамаси бўйича сессия якунида (агар "муддатида тўлов" қўшимча қонунлари қабул қилинмаса), тақчилликни қисқартириш мақсадида секвестрация назарда тутилади, чунки бу молия йилига иккита қонун лойиҳасидан соф самара шунга олиб келдики, тақчиллик 50 млрд. долларга кўпайди. Агар Конгресс, тақчиллик кўпайишини қопловчи "муддатида тўлов" бўйича қонунлар қабул қилса, секвестрация келиб чиқмаслиги ҳам мумкин.

"Муддатида тўлов" тақчилликнинг қисқартирилишига эмас, балки холислигига урғу беради. Масалан, қўшимча даромад келтирувчи қонунлар бевосита харажатларни кўпайтириш ёки бошқа даромадларни қисқартиришни молиялашлаштириши мумкин ва улар тақчилликни қисқартириш учун қўлланиши шарт эмас.

7.4. СОЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ЁКИ ЎЗГАРТИРИЛИШИ ТАОМИЛИ

"Солиқ харажатлари" шартлари Конгресснинг 1974 йилги "Бюджет тўғрисида"ги Қонунида чегириб ташлашлар, истиснолар, кредитлаш ва базавий солиқлар тузилмасидаги бошқа қисқартиришлар билан боғлиқ даромадларни йўқотиш билан биргаликда белгилаб берилган. Даромадлар тўғрисидаги қонунларни амалга киритишда Конгресс кўпинча солиқ харажатларини белгилаб беради ёки ўзгартиради.

Солиқ харажатлари Федерал Ҳукуматнинг воситаси, ижтимоий мақсадларни кўзловчи дастак ҳисобланади, ва атаманинг маъносига кўра, бевосита харажатлар каби сиёсатнинг бошқа дастакларига му-

қобил (альтернатива) сифатда кўриб чиқилиши мумкин. Президентнинг бюджетномаси солиқ харажатларининг икки турли дастакларини ифодалайди: даромадлар йўқолиши ва харажатлар эквиваленти. Даромадлар йўқолиши Федерал ҳукумат "рад этадиган" даромадлар миқдорини белгилайди; харажатлар эквиваленти даромадни йўқотишни ҳисоблаб чиқиш асосида олиниши мумкин бўлган солиқ йиғимидан сўнг, солиқ тўловчиларни ўша даромад билан таъминлаш учун зарур бўлиши мумкин бўлган харажатлар миқдорини белгилайди. Президент бюджети 50 млн. доллар ва ундан кўпроқ даромадни йўқотиш билан деярли 100 та турли категориядаги солиқ харажатлари рўйхатини ичига олган (7–Е-намунага қаранг).

Солиқ харажатлари сарф-харажат дастурлари билан солиқ харажатларини солиштиришни таъминлаш учун бюджет функциялари бўйича таснифланади. Солиққа тортиш бўйича қўшма қўмита солиқ харажатларини ўзгартирувчи қонунларнинг даромадларга таъсирини ҳисоблайди, шунингдек бу қоидаларнинг беш йиллик лойиҳаларини ҳар йилги нашрларда эълон қилади.

7.5. КОМПЕНСАЦИЯЛОВЧИ ЙИҒИМЛАР МАҚСАДИ ВА РОЛИ

Компенсацияловчи йиғимлар бу даромадлар сифатида эмас, манфаат харажатлар сифатида ҳисобга олинадиган йиғимлар ёки тушумлардир. Бу йиғимлар бюджет харажатларини (ва қаерда ўрнини бўлса бюджет ваколатлари) компенсациялайди, бошқача айтганда эквивалент ҳажмга қисқартиради. Масалан, агар 50 млн. компенсацияловчи йиғим ҳисобрақамга тушган бўлса, бу ҳисобрақам бўйича бюджет харажатлари 50 млн долларга қисқартирилиши мумкин.

Компенсацияловчи йиғимлар тадбиркорлик фаолиятидан ёки бозор типидаги фаолиятдан даромадларни, активлар сотилишидан даромадларни, ихтиёрий комиссион йиғимларни ва Федерал ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳисобрақамлар ўртасидаги маълум маблағлар оқимларини ўз ичига олади. Мажбурий комиссион йиғимлар (улар бўйича тўловчи харажат қилиш усулларини танлашда ваколатга эга эмас) солиқларга ўхшайди, ва демак, худди даромад каби ҳисобга олинади.

Гоҳида бюджетга тушумларни компенсацион йиғимдан фарқлаш қийин. Умуман, Федерал ҳукумат томонидан унинг масъул ҳокимиятини ижро этишда олинган ҳар қандай даромад тушум сифатида ҳисобга олинади; товарлар сотишдан ва хизматлар кўрсатишдан ёки бошқа тадбиркорлик фаолиятидан юзага келган ҳар қандай харажат-

лар худди компенсацияловчи йиғимлар каби бюджет ҳисобига киритилади.

Гарчи даромадларни худди тушумлар каби ёки компенсацияловчи йиғимлар каби таснифлаш бюджет тақчиллиги даражасига таъсир кўрсатмасада, у 1990 йили қабул қилинган бюджет қоидаларига риоя этишга таъсир қилади. Қачон даромад тушум сифатида таснифланса, у илгари кўриб чиқилган "PAYGO" жараёнига киритилади. Қачон у компенсацион йиғим сифатида ҳисобга олинса, у худди дискрецион ёки мажбурий харажатлар сифатида таснифланиши лозим. Дискрецион компенсацияловчи йиғимлар дискрецион харажат лимитлари (IV бобда кўриб чиқилган) бўйича харажатлар ҳисоб-китобига таъсир этиши мумкин; мажбурий компенсацияловчи йиғимлар бевосита харажатлар каби кўриб чиқилиши ва "PAYGO" жараёнига қўшилиши мумкин.

7–Ж-намуна кўрсатишича, компенсацияловчи йиғимлар. Қўшма Штатлар Почта хизмати даромадларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ҳар йили деярли 200 млрд долларга тенг. Президент кўпинча компенсацияловчи йиғимларга ўзгартиришлар киритишни таклиф этади. 7–З-намуна 1992 молия йили бюджетига таклиф этилган ўзгартиришлар рўйхатини келтиради. Бу ўзгартиришлар бевосита ва кафолатланган қарзларга таклиф этилган қисмларни ўз ичига олмайди. 1992 молия йилидан бошлаб, бу йиғимлардан даромадлар уларни компенсацияловчи йиғимлар сифатида кўриб чиқиш ўрнига кредит субсидиялари ҳисоб-китобига киритилади.

7–А-НАМУНА
Даромадлар бўйича қонун: Вакиллар Палатаси қоидалари

Вакиллар Палатасининг XXI қоидаси (5-банд)

(б) Ҳеч қандай қонун ҳужжати ёки солиқлар ёки тариф чораларини назарда тутувчи қўшма қарор худди солиқ ёки тариф чораларини назарда тутувчи Вакиллар Палатаси ёки Сенат томонидан таклиф этилган тузатиш каби тегишли ваколатга эга бўлмаган қўмита томонидан маълум қилинган қонун лойиҳаси ёки қўшма қарор кўриб чиқилиши вақтида қабул қилиниши мумкин бўлмаганидай, унга ваколати бўлмаган қўмиталар томонидан ҳисобот тарзида тақдим этилиши мумкин эмас. Солиқ ва тариф тадбирларига оид масалалар исталган шундай қонун лойиҳалари, қўшма қарорлар ёки тузатишларда исталган вақтда кўтарилиши мумкин.

Даромадлар қисми бўйича чора-тадбирларга оид ваколат Вакиллар Палатасининг Усуллар ва Маблағлар қўмитасига ва Сенатнинг Молия қўмитасига берилган. Бу қўмиталар, шунингдек, ассигнацияланган солиқлар билан молиялаштириладиган ижтимоий таъминот сингари белгиланган харажат дастурлари устидан ваколатга эга. Вакиллар Палатасининг бу ерда айтиб ўтилган XXI қоидасининг 5 (б)-банди Палатанинг бошқа қўмиталарини даромадлар тўғрисида қонун бўйича ҳисоботлар тақдим этишдан истисно қилади; бундай Сенат қоидалари мавжуд эмас.

Сенатдаги 5(б)-бандга ҳавола Вакиллар Палатаси томонидан қабул қилинган даромадларга оид тадбирларга Сенат қоидалар қабул қиладиган вазиятларга алоқадор. Бандниг бу қисми Вакиллар Палатаси томонидан қабул қилиниб, Усуллар ва Маблағлар қўмиталарига ҳисоботларда ҳали тақдим этилмаган тадбирларга Сенат томонидан илова қилинган даромадлар тўғрисидаги қоидалар Вакиллар Палатаси томонидан кўриб чиқилишини истисно этади.

Вакиллар Палатаси гоҳида аниқ дастурлар юзасидан ваколатга эга қўмиталарга бу дастурларга алоқадор даромадлар тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган қонунчиликка оид шарҳни тақдим этишга рухсат беради. Бу қоидани қўллашда Палата Усуллар ва Маблағлар қўмитасининг мутлақ ваколатига кирувчи жисмоний шахсларга солиқ солишни (даромадга солиқ, ижтимоий суғурта бўйича бадаллар) бенефециарийларнинг конкрет хизматлари учун белгиланадиган ёки фаолиятнинг муайян турини тартибга солиш учун белгиланадиган йиғимлардан фарқлайди. Сўнгги ҳолатда фойдаланувчилардан йиғимни кўзда тутадиган қонунчилик бўйича ҳисобот бошқа қўмита томонидан тайёрланиши ҳам мумкин. Бу каби тадбир тури баъзан (бир вақтда ёки кейинроқ) Усуллар ва Маблағлар қўмитасига кўриб чиқиш учун берилади.

7–Б-НАМУНА
Даромадлар манбалари

	1960	1970	1980	1990	Прогноз 1992
Жами тушум суммасидан фоиз сифатида					
Жисмоний шахслар даромадига солиқлар	44%	47%	47%	45%	46%
Корпорация даромадига солиқлар	23%	17%	13%	9%	9%
Ижтимоий суғурта солиқлари	16%	23%	30%	37%	37%
Жами бошқа тушумлар	17%	13%	10%	9%	8%
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР:					
Бюджетга оид	89%	83%	78%	73%	73%
Бюджетдан ташқари	12%	17%	22%	27%	27%
ЯММга фоизларда					
Жисмоний шахслар даромадига солиқлар	9%	9%	9%	9%	9%
Корпорациялар даромадига солиқлар	4%	3%	2%	2%	2%
Ижтимоий суғурта солиқлари	3%	5%	6%	7%	7%
Жами бошқа тушумлар	3%	3%	2%	2%	2%
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР: ЯММга нисбатан %ларда	19%	20%	19%	19%	20%
Бюджетга оид	16%	16%	15%	14%	14%
Бюджетдан ташқари	2%	3%	4%	5%	5%
(Федерал фондлар тушумлари)	15%	14%	13%	12%	12%

Бу жадвалнинг юқори қисми барча даромадларга нисбатан фоизлардаги Федерал даромадлар (тушумлар)нинг асосий манбаларини кўрсатади; қуйи қисм ЯММга нисбатан фоизлардаги ҳар бир манбани кўрсатади.

Охирги 30 йил мобайнида Федерал даромадлар тузилмасида ўзгаришлар кузатилади. Даромадлар умумий суммасида корпорациялар даромади солиғи пасаймоқда, ижтимоий суғурта солиқлари эса кўпаймоқда. "Жами бошқа тушумлар" категорияси акциз солиқларини ўз ичига олади, уларнинг улуши ҳам умумий даромадларда камаяди.

Бюджетдан ташқари тушумлар Ижтимоий таъминотнинг траст фондларига тўланадиган солиқлар ҳисобланади.

Гарчанд Федерал даромадларнинг манбаларида ўзгаришлар кузатилсада, 1990 молия йилидаги тушумлар суммаси тахминан 1970 йилдаги ЯММнинг ўшанча улушига тенг.

Ҳукуматнинг умумий мақсадлари учун мўлжалланган Федерал фондлар; траст фонларидан фарқли равишда махсус дастурлар учун мақсадли мўлжалга эга эмас. Федерал фондлар тушумлари ЯММга нисбатан камайишини қайд этиш лозим.

7–В-НАМУНА
Қабул қилинган асосий қонун лойиҳаларининг даромадларга соф таъсири
(млрд. долларда)

	1988	1989	1990	1991	1992	1989-90
1981 йилги Иқтисодий тикланиш солиғи тўғрисидаги қонун	-264.4	-290.9	-322.8	-357.7	-397.6	-613.7
1982 йилги Солиқ активлари ва молиявий жавобгарлик тўғрисидаги қонун	57.3	55.7	57.2	61.2	64.7	112.9
1982 йилги Йўл даромадлари тўғрисидаги қонун	4.9	5.1	5.1	5.1	5.1	10.2
1983 йилги Ижтимоий таъминотга ўзгартиришлар	24.6	30.9	23.4	23.8	25.2	54.4
1983 йилги Фоизлар ва дивидендларни солиққа тортиш тўғрисида келишилган қонун	-1.8	-2.0	-2.5	-2.8	-3.1	-4.4
1983 йилги Темир йўллар даромадлари тўғрисидаги қонун	1.2	1.1	1.1	1.1	1.2	2.3
1984 йилги Тақчилликни қисқартириш тўғрисидаги қонун	25.4	27.7	31.0	33.8	37.9	58.7
1985 йилги Бюджет келишуви тўғрисидаги қонун	2.9	3.0	3.0	3.2	3.5	6.0
1986 йилги Федерал хизматчиларнинг пенсия тизими тўғрисида қонун	-0.2	-0.2	-0.3	-0.4	-0.4	-0.5
1986 йилги Бюджет келишуви тўғрисида қонун ҳужжатлари мажмуи	2.4	2.0	1.0	0.1	1.0	3.0
1986 йилги Ҳадлан ташқари маблағлар қайта тасдиқланиши ва тузатилиши тўғрисидаги қонун	0.6	0.8	0.8	0.8	0.8	1.6
1987 йилги Узайтирилган резолюция	2.8	3.0	2.6	2.6	2.6	5.6
1986 йилги Солиқ ислоҳотлари тўғрисида қонун	-8.9	-24.4	-20.3	-16.4	-20.9	-44.6
1987 йилги бюджет келишуви тўғрисида қонун ҳужжатлари мажмуи	8.6	13.9	16.1	15.4	12.2	30.0
1988 йилги Узайтирилган резолюция	2.0	2.7	2.6	2.7	2.7	5.3
1988 йилги Ҳалокатга учраганларга тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида қонун		0.6	6.6	7.2	6.9	7.2

	1988	1989	1990	1991	1992	1989-90
1988 йилги Оилани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун		0.1	0.2	0.3	0.3	0.3
1988 йилги Техникавий ва турли-туман даромадлар тўғрисидаги қонун		-0.4	-0.1	0.1	-0.3	-0.6
Солиқларнинг соф қисқариши (-)	-142.6	-171.3	-195.3	-219.8	-258.3	-366.6

Бу жадвалдаги ҳисоб-китоблар (а) иқтисодий фаолликнинг тахмин қилинган даражаси бўйича қонунларга оид ўзгартиришларнинг бевосита таъсирини ва (б) иқтисодий фаолиятда жорий этилган ўзгаришларнинг даромадларга билвосита таъсирини назарда тутади.

1981 йил қонунлари 80-йилларда қабул қилинган бошқа солиқ чора-тадбирлари билан таққослаганда Федерал даромадларга катта таъсир кўрсатди, уларга таъсир кейинги ўн йилликда ҳам давом этди. Бу 1992 молия йилидаги тушумларни деярли 258 миллиард долларга пасайтирди.

Қайд этиш жоизки, турли усуллар ёрдамида — келишув қонун лойиҳалари, Ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунлар, молиялаштиришни узайтириш тўғрисида резолюциялар ва бошқа қонун лойиҳаларидан Федерал бюджет тушумларига ўзгартиришлар киритиш учун фойдаланилган.

Қонунларни кўриб чиқиш вақтида қилинган истиқболлар ҳар доим ҳам амалга оширилавермаган. 1986 йилдаги "Солиқларни ислоҳ қилиш тўғрисида"ги қонун, у қабул қилингандан кейинги навбатдаги беш йил учун "даромадларга нисбатан нейтрал" бўлиши кутилган. Бироқ, бу ерда келтирилган ҳисоб-китоблар бу Федерал даромадлар қисқаришига олиб келганини кўрсатади.

7–Г-НАМУНА
КББ даромадлари бўйича Президент таклифларини қайта баҳолаш

Таклиф	1992	1993	1994	1995	1996
Даромадларга, сармояга 30 фоизни истисно этиб					
КББ/ҚСҚ	3.7	-3.2	-4.4	-4.1	-3.4
Президент Маъмурияти	3.0	1.7	0.9	1.8	1.7
Оилавий жамғарма ҳисобрақамларини таъсис этиш					
КББ/ҚСҚ	-0.4	-0.6	-1.0	-1.4	-1.8
Президент Маъмурияти	-0.3	-0.8	-1.3	-1.8	-2.3
Уйларни биринчи маротаба олаётган шахслар учун Ички бошқарув ҳисобварақларидан муддатидан олдин чиқариш юзасидан жарималарни бекор қилиш					
КББ/ҚСҚ	-0.2	-0.1	-0.1	-0.1	-0.1
Президент Маъмурияти	-0.1	-0.1	-0.1	-0.1	-0.1
ЖАМИ					
КББ/ҚСҚ	3.2	-4.0	-5.5	-5.6	-5.3
Президент Маъмурияти	2.7	0.8	-0.5	-0.1	-0.7

МАНБА: Қўшма солиқ қўмитаси; Бошқарув ва бюджет бўлими

КББнинг даромадлар бўйича ҳисоб-китоблари кўпинча Президент ўз бюджетида фойдаланганларидан фарқланади. Масалан, КББ капиталлардан даромадларга солиқ ставкаларининг ўзгариши 1993–1996 молия йилларида даромадлар пасайишига олиб келиши мумкин деб кутган. Маъмурият, аксинча, шу йилларга қўшимча даромадларни прогноз қилган. Даромадларни баҳолашда Президент маъмурияти ва Конгресс ҳисоб-китоблари ўртасидаги тафовут "PAYGO" жараёнига катта таъсир кўрсатиши мумкин, унда МББ тақдим этган ҳисоб-китоблар белгиловчи ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларининг даромадларга таъсири бевосита келаётган йилга нисбатан келгуси йилларда анча каттадир. Келгуси йилларга ҳисоб-китоблар улар тааллуқли бўлган ҳар йилга "PAYGO" жараёнини амалга ошириш учун қўлланилади.

"PAYGO" жараёнига мувофиқ ушбу йилга барча даромадлар (ёки бевосита харажатлар) миқдори бўйича қабул қилинган қонунлар дефицитнинг кўпайишига сабаб бўлса, кўпайиш бошқа даромадлар (ёки бевосита харажатларни) камайтирувчи қонунлар билан компенсацияланиши лозим, акс ҳолда бевосита харажатлар бўйича муайян дастурларни секвестрлаш амалга оширилади.

Солиққа тортиш бўйича Қўшма Қўмита (СТҚҚ) даромадлар тўғрисидаги қонунчилик масалалари бўйича Конгресс персоналига ёрдам берувчи Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг қўшма Қўмитаси ҳисобланади.

Манба: *Конгресснинг Бюджет бошқармаси, Президентнинг 1992 йилги Бюджет таклифлари таҳлили. Март, 1991 й., 41-бет.*

7–Д-НАМУНА
"PAYGO" Жараёни учун Даромадлар Ҳисоб-китоби

Таклифлар	1992	1993	1994	1995	1996
КББ даромадларининг базавий истиқболлари	1,169.2	1,250.7	1,331.5	1,415.4	1,495.4
"PAYGO" таклифлари					
Даромад солиғи бўйича муддати ўтаётган қоидаларни узайтириш	-1.3	-1.9	-1.8	-2.0	-2.2
Жамғармалар ва инвестицияларни интенсификациялаш бўйича таклифлар	3.2	-4.0	-5.5	-5.6	-5.3
Штатлар ва маҳаллий ҳокимиятлар даражасидаги барча давлат хизматчиларидан тиббий таъминотга оид бадаллар бўйича талаб	1.1	1.5	1.5	1.5	1.5
Траст йўл жамғармасига солиқларни узайтириш ва пасайтириш	0.0	0.0	0.0	0.0	-2.8
Бошқа таклифлар	*c*	-0.1	-0.3	-0.5	-0.5
PAYGO, жами	3.0	-4.4	-6.0	-6.5	-9.2
Ички даромадлар бошқармаси ишини молиялаштириш юзасидан таклифлар	0.0	0.0	0.0	0.0	0.0
Даромадлар бўйича таклифлар, Жами	3.0	-4.4	-6.0	-6.5	-9.2
КББ баҳолашига кўра Президентнинг бюджетномасидаги даромадлар	1,172.2	1,246.3	1,325.5	1,408.8	1,486.2

КББнинг бу ҳисоб-китоблари консультатив тусга эга: 1990 йилги ББҚга мувофиқ, МББ даромадлари ҳисоб-китоби қонунчиликдан даромадларнинг кўпайиши ва йўқолишини баҳолаш учун ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

Даромадларнинг базавий истиқболлари — амалдаги қонунчилик ҳаракати доирасида тушаётган баҳолаш даромадларидир. Иқтисодий омиллар ёки техник тузатишлар сабабли баҳолаш базавий кўрсаткичларининг пасайиши "PAYGO" қоидаларининг бажарилиш жараёнини бошлаб беролмайди.

Даромадлар бўйича (даромадларнинг кўтарилиши ёки пасайишига олиб келувчи) қоидаларнинг (муддатлари ўтаётган) узайтирилиши худди янги қонун каби (айрим истиснолар билан) кўриб чиқилади; шу боисдан, шундай узайтириш натижасида даромадларда юз берган ўзгаришлар базавий истиқболларга киритилмайди, аммо "PAYGO" жараёни бўйича даромадларнинг ошиши ёки йўқолиши сифатида қаралади.

Агар барча қабул қилинган қонун ҳужжатлари даромадларнинг йўқолишига олиб келса, унда йўқотишлар бошқа қонун ҳужжатлари ҳисобига, даромадларнинг эквивалент даражадаги ўсиши (ёки бевосита харажатларнинг қисқариши) билан компенсацияланиши лозим, акс ҳолда бевосита харажатларга оид баъзи дастурлар секвестрланади.

Қўшимча ассигнациялар ажратилишини назарда тутувчи қонун лойиҳалари натижасида даромадларнинг кўпайиши, Ички даромадлар бошқарма томонидан кенг амал қилиниши учун "PAYGO" ҳисоб-китобларига киритилмайди.

7–Е-НАМУНА
Даромадлар йўқолиши даражаси бўйича келтирилган даромад солиғи бўйича асосий солиқ харажатлари учун ҲИСОБ-КИТОБЛАР
(миллион долларда)

Баён	1992
Иш берувчилар харажатларидаги иш ҳақидан пенсия қўйилмаларини бутунлай чиқариб ташлаш	51.170
Хусусий шахслар томонидан банд қилинган уйлар бўйича гаровлардан фоизларни чегириб ташлаш	40.545
Тиббий суғурта ва тиббий таъминот юзасидан иш берувчиларнинг бадалларини чегириб ташлаш	33.470
Вафот этгандаги капитал даромадларга базис ўрнатиш	26.800
Амортизацияни тезлаштириш (нормал солиқ усули)	26.100
Хусусий шахслар банд этган уйлардан ташқари ҳокимият ва Штатлар маъмурияти маҳаллий даражасидаги талбиркорликка оид бўлмаган солиқларни чегириб ташлаш	20.405
Пенсияга чиққан ишчилар тўловларидан OASIни олиб ташлаш	18.000
Хайрия бадалларини чегириб ташлаш	16.800
Ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларга йўналтирилган ҳокимият ва Штатлар маъмуриятининг маҳаллий даражаси қарзларига фоизларни олиб ташлаш	13.950
Уйлар сотилишидан капиталга даромадларни узайтириш	13.925
Хусусий шахслар томонидан банд қилинган уйларга Штатлар ва маҳаллий даражаларнинг мол-мулк солиғини чегириб ташлаш	11.575
Ҳаётни суғурталаш учун омонатларга ҳисоблаб ёзилган фоизларни олиб ташлаш	7.960
25000 долларгача бўлган ижара йўқотишлари учун пассив йўқотишлар қоидасидан олиб ташлаш	7.715
Пенсия қўйилмалари ва ҳисоблаб ёзишларга солиқ хизматининг мутлақо истисно этилиши	7.265
Тиббий таъминот бўйича солиқ солинмайдиган бадалларни истисно этиш	6.700
Мол-мулк сотишдан олинган манбалар қоидасини истисно этиш	4.845
Болалар ва қарамоғидагиларни парвариш қилиш бўйича харажатларга кредит	4.395
Саноатни ривожлантириш облигацияларидан фоизларни олиб ташлаш	4.020
Корпорацияларнинг дастлабки 100000 долларлик даромадидан ставкаларни қисқартириш (нормал солиқ усули)	3.755

Баён	1992
Сармоя даромади бўйича преференциялар (нормал солиқ усули)	3,460
Қарамоғидагилар учун тиббий таъминот бўйича мукофотлар юзасидан истиснолар	3,405
55 ёшдан ошган шахслар учун уйларни сотишдан тушган сармоя даромади бўйича истиснолар	3,340
Ишчиларнинг компенсацион мукофотларига истисно	3,310
Тиббий харажатларни чегириб ташлаш	3,170
Ҳаётни гуруҳ бўлиб суғурталаш учун суғурта бадалларини истисно қилиш	2,900
Хусусий нотижорат соғлиқни сақлаш муассасалари учун давлат ва маҳаллий қарзлари бўйича фоизларни олиб ташлаш	2,895
Молиявий муассасаларни бирлаштириш юзасидан махсус қоидалар	2,760
Ишлаб топилган кредит даромади	2,540
Харажатлар (нормал солиқ усули)	2,470
Қўшма Штатлар чегарасида тадбиркорлик фаолиятидан даромад оладиган корпорациялар учун солиқ кредитлари	2,325
Қуролли Кучларнинг шахсий таркиби учун имтиёз ва нафақаларни истисно этиш	2,060
Махсус қоидалар ESOP (инвестицион кредитлардан фарқли равишда)	2,055

Бу жадвалдаги солиқ харажатлари даромадларнинг прогнозланадиган йўқотилиши каби ҳисоб-китоб қилинган; бюджет ҳам солиқ харажатларини харажатларга эквивалент сифатида тақдим этади.

Солиқ харажатлари турли шаклда бўлади — даромадларни солиққа тортишдан истисно этиш, солиққа тортиладиган даромадлар ҳисоб-китобида муайян даромадларни чегириб ташлаш, фаолиятнинг айрим турларига преференциялар тақдим этиш, солиқ кредитлари ва солиқлар тўловини кечиктириш.

Бу рўйхатдаги дастлабки уч банд барча солиқ харажатларининг учдан бир қисмидан кўпроқни ташкил этади. Булар ва бошқа кўплаб солиқ харажатлари даромадларга Федерал солиқ жорий этилган дастлабки йиллардан бошлаб махсус преференцияларга эга.

Якка тартибдаги солиқ харажатлари ҳажми барча солиқ харажатлари ҳисоб-китобига қўшилиши мумкин эмас. Бунинг боиси шуки, солиқ харажати бўйича битта қоиданинг ўзгариши бошқа солиқ харажатларининг озми-кўпми ўзгаришига олиб келиши мумкин. Мазкур ўзаро боғлиқликлар функционал категориялар бўйича солиқ харажатлари миқдори ҳисоб-китобида балансга киритилади; улар бюджет учун умумий балансга киритилиши мумкин эмас.

7–Ж-НАМУНА
Компенсацияловчи йиғимлар
(миллион долларда)

	1990	1991	1992
Олувчилар ҳисобрақамларига қўйилган йиғимлар: Тиббий таъминот бўйича бадаллар ва бошқа харажатлар	11.245	11.844	13.002
Траст фондларининг мулкини сотиш	10.193	10.300	10.000
Континентга хос бўлмаган шельф тўловлари, денгиз кучлари резерв бензини лизинги, энергетика маъмурияти активларининг сотилиши ва бошқа тақсимланмаган компенсацион тушумлар	3.006	3.729	3.963
Хусусий мулкни ва хизматларни сотиш, фоиз даромадлари ва олувчилар ҳисобрақамларига қўйилган бошқа барча йиғимлар	14.831	14.808	15.839
Олувчилар ҳисобрақамларига қўйилган йиғимлар, Жами	39.376	40.681	42.804
Қайта тақсимлаш ҳисобрақамларига ҳисоблаб ёзилган йиғимлар: Почта хизмати маркаларини сотишдан тушумлар ва бошқа йиғимлар	32.202	43.150	46.086
Қўйилмаларни суғурталаш фонди	32.818	57.146	67.949
Теннеси водийси маъмурияти ва энеретика маъмурияти йиғимлари	8.487	8.922	9.278
Товар кредити корпорацияси қарзларини сўндириш ва бошқа йиғимлар	10.719	8.476	8.544
Кредитларнинг бошқа тўловлари	11.437	12.580	9.459
Қарзлар бўйича кафолатларга бадаллар ва бошқа суғурта бадаллари, фоиз даромадлари ва қайта тақсимлаш ҳисобрақамларига ҳисоблаб ёзилган бошқа барча йиғимлар	42.536	45.500	49.347
Қайта тақсимлаш ҳисобрақамларига ҳисоблаб ёзилган йиғимлар, Жами	144.199	175.773	190.665
Жами компенсацияловчи йиғимлар	183.575	216.454	233.469
Почта хизматининг бюджетдан ташқари йиғимларини ҳам қўшганда, жами компенсацияловчи йиғимлари	151.373	173.304	187.381

Компенсация йиғимлари бюджетда даромадлар сифатида эмас, харажатларга қарама-қарши жиҳат сифатида ҳисобга олинади. Компенсацияловчи йиғимларнинг учта асосий тури мавжуд: фойдаланувчилардан йиғимлар ва бошқа харажатлар, аҳолининг хусусий

мулкидан даромадлар ва ҳукумат ичидаги операциялар. Юқорида компенсацияловчи йиғимларнинг дастлабки икки тури келтирилади. Ички ҳукумат операциялари бюджет фондлари ёки ҳисобварақлар ўртасидаги пул оқимларидан иборатдир.

Тушумлар ва компенсацияловчи йиғимлар ўртасидаги тафовут доим ҳам аниқ чегараланавермайди ва ҳукумат гоҳида таснифлашни ўзгартиради. 1983 йил бюджетигача, масалан қўшимча тиббий суғурта фондига тўланадиган тиббий таъминот бўйича бадаллар тушум сифатида таснифланган; ўшандан бери улар компенсацияловчи йиғим сифатида ёзила бошланди.

Бу хусусий тушумлар тадбиркорлик фаолияти ҳисобидан юзага келмайди. Тушумлар Федерал Ҳукуматнинг ҳисобрақамларидан бирига ҳисоблаб ўтказилади.

Қайта тақсимлаш ҳисобрақамларига ҳисоблаб ўтказиладиган компенсацияловчи йиғимлар, одатда, Конгресс қарорисиз сарфланиши мумкин. Конгресс гоҳида бир йил мобайнида фойдаланилиши мумкин бўлган мазкур йиғимлар суммасини чегаралайди.

7–3-НАМУНА
Фойдаланувчилардан таклиф этилган комиссион йиғимлар ва бошқа компенсацион йиғимлар (миллион долларда)

	1992	1993	1994	1995	1996
Дискрецион:					
Тиббий таъминот ҳамда тиббий тадқиқот ва сертификатлаш (баланс)	264	246	246	249	254
Озиқ-овқат маҳсулотлари шарҳи ва FDA денгиз маҳсулотлари инспекцияси	198	205	212	212	212
Фахрийларни тиббий таъминлаш юзасидан қўшма тўловлар	125	131	138	145	152
SBA кредитлари кафолатлари	85	96	96	96	96
Қаттиқ тош қатламли конлар маблағлари	80	80	80	80	80
SEC қайд этилиши	68	71	73	76	79
Лицензиялаш ва FCC хизматлари	65	65	65	65	65
CPTC шартнома савдоси	48	51	55	59	63
Фавқулодда вазиятларни тартибга солиш юзасидан PEMA режалари	10	10	10	10	10
FCC спектрал аукциони	-	~	800	1.200	500
Дискрецион, жами	943	955	1.775	2.192	1.512
Мажбурий:					
Денгиз кучлари резерв бензинининг Эльк Хильс лизинги	1.191	-139	-120	-113	-95
Фахрийлар учун қарз ташкил этиш	122	106	101	101	98
Двигателлар тикланиши корпуси	20	20	20	20	20
Қишлоқ хўжалик маркетинги бўйича хизматлар	13	16	16	17	18
Дон инспекцияси федерал хизмати	8	8	8	8	8
Ўрмон хўжалиги хизматларини тиклаш ўрни	8	8	8	8	8
Пестицидларни қайта рўйхатдан ўтказиш	3	3	3	3	3
Арктика Миллий ўзлаштирилмаган ҳудуди лизинги	-	1.901	1	1.201	500
Мажбурий, жами:	1.364	1.922	36	1.244	59
Жами	2.306	2.876	1.811	3.436	1.571

Тестда тушунтирилганидек, фойдаланувчилардан олинадиган мажбурий йиғимлар тушум сифатида ҳисобга олинади; бошқа (бу

ерда санаб ўтилганлари каби) йиғимлар бюджетда компенсацияловчи йиғимлар сифатида ҳисобга олинади. Тадбиркорлик фаолиятидан юзага келадиган даромадлар компенсацияловчи йиғимлар каби ҳисобга олинади.

1990 йилдаги Бюджетни жорий этиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, мажбурий ва дискрецион йиғимлар ўртасида тафовут бор. Мажбурий йиғимлар PAYGO жараёни билан; дискрецион йиғимлар эса дискрецион харажатларга лимитлар билан қамраб олинади.

Дискрецион компенсацияловчи йиғимларнинг кўпайиши харажатларнинг дискрецион харажатлар лимити даражасида эквивалент кўпайишига ундайди.

Мажбурий компенсацияловчи йиғимларнинг кўпайиши даромадларда эквивалент қисқаришни ёки PAYGO жараёни бўйича бевосита харажатлар кўпайишини келтириб чиқаради.

САВОЛЛАР

1. АҚШ Федерал бюджетининг даромад қисми нима ҳисобидан вужудга келади?

2. АҚШ Федерал бюджетининг даромад қисми шаклланиши юзасидан тадбирлар ким томонидан бошланади?

3. Федераль бюджетнинг даромад қисми шаклланиши борасида Сенат қандай ҳуқуқларга эга?

4. АҚШ Конгресси Вакиллар Палатасида даромадлар тўғрисидаги қонунчилик кимнинг юрисдикциясида ҳисобланади?

5. АҚШ Сенатида даромадлар тўғрисидаги қонунчилик юрисдикциясини ким амалга оширади?

6. АҚШ Федерал бюджетига жами тушумларнинг ярмидан кўпи қандай даромадлар манбаи ҳисобига вужудга келади?

7. Ижтимоий суғурта солиқлари нима?

8. АҚШ Конгрессида даромадлар тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишнинг тамойиллари ва умумий механизми қандай?

9. Бюджетнинг даромад қисми бўйича қонунларнинг Конгрессда кўриб чиқилишига таъсир этувчи "муддатида тўлов" қоидалари нимани англатади?

10. Солиқ чиқимларини белгилаш ёки ўзгартириш таомили қандай?

11. Компенсацияловчи йиғимлар қандай роль ўйнайди ва уларнинг таркибига нималар киради?

VIII БОБ.
БЮДЖЕТНИ СЕКВЕСТРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

8.1. АҚШ БЮДЖЕТИ ЖАРАЁНИДА СЕКВЕСТРЛАШТИРИШ ТАОМИЛИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ

1985 йили Грэмм-Рудмен-Холлингс (ГРХ) қонуни билан АҚШ бюджет жараёнига жорий этилган секвестрлаш таомили, XX аср охирида АҚШда бюджетни молиялаштириш соҳасидаги энг илғор, ўсувчан, шу билан бирга энг баҳсталаб янгилик бўлди. Конгресснинг 1974 йили қабул қилган "Бюджет тўғрисида"ги Қонунининг ўн йиллик амалий фаолиятидан сўнг Конгресс олдида тақчилликнинг юқори даражаси муаммоси ва ўсиб борувчи бюджет муаммолари қўндаланг бўлди. 1985 йил Конгресс 90-йиллар бошида федерал бюджетнинг юқори даражадаги балансланган мувозанатга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган қонунлар қабул қилди. Бу 1985 йилдаги "Мувозанатлашган бюджет ва фавқулодда тақчиллик устидан назорат тўғрисида"ги қонун, одатда, Грамм-Рудман-Холлингс (ГРХ) қонуни деб юритилади.

ГРХ йиллик тақчиллик миқдорини пасайтирувчи бир қатор омилларни аниқлади ва ҳатто Конгресс ва Президент қонун қарорлари воситасида тақчилликни етарли даражада қисқартира олмаётган бўлсаларда, тақчилликнинг чекланган миқдорига эришиш мақсадида (секвестрлаш каби машҳур) харажатларни қисқартириш автоматик жараёнини ишлаб чиқдилар. 1987 ва 1990 йилларда ГРХ қонунига Конгресс томонидан анчагина ўзгартиришлар киритилди. Энг сўнгги ўзгаришлар — 1990 йилги "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун (ББҚ) билан (қуйида кўриб чиқилади) — 1991–1995 молия йиллари даврини қамраб олувчи тақчилликни қисқартириш юзасидан битим қабул қилиниши муносабати билан амалга оширилган. 1991 молия йили бюджет лойиҳасида акс эттирилган битим беш йил мобайнида тақчилликнинг 500 миллиард доллар атрофида қисқаришга эришишни мақсад қилган эди.

1990 йили қабул қилинган "Бюджетни бошқариш тўғрисида" қонун, фақатгина секвестрлаш таомилини сақлаб қолмай, балки унинг амалий қўлланиши салоҳиятини анчагина кенгайтирди. Президент, унинг 1992–1993 молия йиллари учун йиллик бюджетни тақдим этишда қўлланиладиган бюджет концепцияси ва тарифларида янгиланган иқтисодий ва техникавий тахминлар ва ўзгартиришлар услубларини қўллайди. Бу 1991–1995 молия йилларидаги тақчилликнинг чекланган миқдорлари (ислоҳ қилиш) учун зарур эди. Кейинчалик, 1994–1995 молия йилларидаги тақчилликнинг чекланган миқдорларини ўша йилларга бюджет тақдим этиш вақтида ўзгартириш шароитини

яратди. Ҳатто 1992–1993 молия йилларида чегараси (унга тақчилликнинг чекланган миқдори секвестрни амалга оширмасдан туриб, оширилиши мумкин бўлган миқдор) нолли даражада, 1994–1995 молия йилларида 15 миллиард доллар даражасида тасдиқланган.

Тақчилликнинг чекланган миқдорларидаги ўзгариб туришлар сабабли, дискрецион харажатлар ва "pay-as-you-go" тамойиллари бўйича ҳаракатлар ва тақчилликнинг чекланган миқдорига боғлиқ бошқа омиллари, 1991–1993 молия йилларида секвестрни амалга оширишнинг имкони амалда мумкин бўлмаган. Президент ва Конгресс агар тақчилликни бюджет йилида энг кўп йўл қўйилиши мумкин бўлган даражага пасайтирмаган бўлсалар, унда сарф-харажатлар автоматик тарзда, аввал ўрнатилган формула бўйича, режалаштирилган кўрсаткичга эришиш учун зарур бўлган исталган миқдорга камайган. Бундай ёндашувни жорий этиш, биринчидан, бюджет мунозара (дебетнинг) барча иштирокчиларга тақчилликни қисқартириш борасида якдил фикрга келишлари учун кўшимча босим ўтказди.

Иккинчидан, бундай механизмнинг ҳаракатга келиши, агар ҳатто қонун чиқарувчи ижроия ҳокимиятлари ўртасида ҳеч қандай муросага эришилмасада, федерал бюджет тақчиллиги қисқаришни кафолатлади.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида" қонун секвестрлаштириш жараёнини қуйидаги тарзда ўзгартирди:

Грэмм-Рудмен-Холлингс қонуни амал қилган даврида тақчилликни қисқартириш бюджет молияшлаштирилиш жараёнининг ягона ва асосий мақсади бўлган. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонунга (ББҚ) мувофиқ, тақчиллик энди хавотир уйғотиш воситаси бўлмайди, секвестрлаштириш эса, уни қисқартиришга энди бошқа йўналтирилмайди. Агар секвестрлаштириш қўлланилса ҳам, энди асосий сабаб мажбурий харажатларни базис сатри даражасида, дискрецион харажатларни лимитлар даражасида ёки камроқ даромадлардан базис сатри даражасида, ёки кўпроқ қўллаб-қувватлаш бўлиб юзага чиқади.

Грэмм-Рудмен-Холлингс қонунининг амал қилиш даврида секвестрни биргина тури бўлган. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун секвестр аввалги турини амалда қолдириб яна секвестрни иккита янги қўшимча шаклини жорий этиб, бошланғич секвестрга қараганда уларни аҳамиятлироқ қилди.

Грэмм-Рудмен-Холлингс қонунининг амал қилиш даврида секвестр фақатгина йилига бир марта — 15 октябрда ўтказилиши мумкин эди. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун қоидаларига мувофиқ асосий секвестр Конгресс ўз ишида танаффус эълон қилиши

билан, ўн беш кундан сўнг рўй бериши мумкин. Энг муҳими шуки, секвестрлаш жараёни энди узайтирилди: секвестрлаш бутун йил давомида ўринли бўлиши мумкин.

Шуни кўпроқ эътиборга олиш лозимки, "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун — тақчилликни қисқартириш борасида Грэмм-Рудмен-Холлингс қонуни даражасида эътибор қаратмайди. Бу дегани, Конгресс ёки Президентга кўпайиб кетган дискрецион харажатларни, даромадларни ошириш билан қоплаб, тақчилликнинг максимал даражасига шунчаки риоя қилиши етарли эмас. Агар Грэмм-Рудмен-Холлингс қонуни амал қилишларида унга рухсат этилган (ҳатто, эҳтимол рағбатлантирилган бўлса, ББҚда бу секвестр қўлланилишини чақиради, чунки бунда дискрецион харажатлар лимитлари бузилади.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонун тақчиллик билан шуғулланиш ўрнига дискрецион харажатларни белгиланган лимитлар даражасида ёки ундан камроқ даражасини қўллаб-қувватлаш ва даромадларни базис сатри даражасида ёки ундан кўпроқ даражасини қўллаб-қувватлаш федерал бюджет жараёнининг энг муҳим устуворликлари ҳисобланади.

Юқорида баён этилган тамойилларни ҳисобга олган ҳолда, секвестрлаш таомилининг моҳияти ва амалга ошириш тартиби кетма-кетлиги тўғрисида 18-чизма орқали тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Тақчиллик, фақатгина лимитлар ва базис сатри тақчилликни қисқартириш учун режалаштирилган даражаларда белгиланган ва иқтисодиёт кутилганидек ишлаётган ҳолатдагина тақчиллик қисқаради.

8.2. БЮДЖЕТНИ СЕКВЕСТРЛАШ ТАОМИЛИНИНГ ВАЗИФАСИ ВА МОҲИЯТИ

Секвестрлаш тақчилликни қисқартириш учун харажатларни тежалишининг талаб этилган ҳажмига эришиш мақсадида Президент фармонини чиқариш таомилини кўзда тутади. Секвестрлаш раҳбарлик қарори билан амалга киритилиши биланоқ, харажатлар автоматик тарзда қисқаради.

18-чизма

АҚШ Федерал бюджетини секвестрлаш таомилининг АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ



1985 йили секвестрлаш жараёнининг бошланиш вақтидан бошлаб, 1990 йили унинг "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун (ББҚ) томонидан кўриб чиқилишигача жараён мутлақо тақчилликнинг чекланган миқдорига эришиш билан боғлиқ бўлган. Агар секвестрлаш тўғрисида қарор қабул қилинса, унда ГРХ қонуни ўрнатган формулага мувофиқ у ҳарбий ва ҳарбий бўлмаган дастурларни тенг нисбатларда қамраб олиши лозим эди. Секвестрлашнинг катта қисми секвестрлашга тегишли бўлган ҳисобрақамлар бўйича ўтказилган ва дастурларга бир хилда қўлланган, аммо федерал харажатларнинг 2/3 қисмини қамраб олувчи кўп ҳисобрақамлар секвестрлашга тегишли бўлмаган. Мажбурий харажатларни назарда тутувчи алоҳида дастурлар учун қисқартиришлар махсус қоидаларга мувофиқ амалга оширилган (масалан, Тиббий таъминот бўйича харажатлар икки фоиздан ортиқ қисқартирилиши мумкин эмасди).

ББҚ секвестрлаш жараёнини анчагина ўзгартирди. Биринчидан, у ГРХ қонунида тақчилликнинг чекланган миқдорларини қайта кўриб чиқди ва уларни бошқариладиган қилди ҳамда секвестрлаш жараёнини 1995 молия йили билан қўшиб, икки йилга узайтирди (гарчи бу вақтга келиб балансланштирилган бюджет кутилмаганди).

Иккинчидан, ББҚ ҳар йилги ассигнациялар билан молиялаштириладиган дискрецион харажатларнинг алоҳида категорияларига чекловлар белгилади.

Учинчидан, ББҚ бевосита харажатлардаги кўпайиш (яъни, ҳар йилги ассигнацияларни ажратиш жараёни билан назорат қилинмайдиган харажатлар) ёки даромадлардаги пасайиш қонун чиқарувчи қарорларга мувофиқ тақчилликнинг соф кўпайишига йўл қўймаслик мақсадида бир-бирини компенсациялашини талаб қилувчи "pay-as-you-go" таомилларини ("авлодлар бирдамлиги" тамойилига асосланган "PAYGO") жорий этди.

ГРХ қонунида тақчилликнинг чекланган миқдорини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган секвестрлаш жараёнининг сақланишига қўшимча сифатида ББҚ дискрецион харажатлар лимитини ва "pay-as-you-go" талабларини қўллаш учун секвестрлаш таомилини жорий этди. Секвестрлаш тўғрисидаги қарорлар қандай бўлмасин, улар ўша куннинг ўзида юз беради (Конгресс сессия иши тугаганини эълон қилгандан сўнг 15 тақвим куни давомида рўй бериши керак бўлган); бу турдаги секвестрлаш "сессия тугагандан кейинги секвестрлаш" деб аталади. Бундан ташқари, секвестрлаш, кейинчалик, дискрецион харажатларнинг лимитларидаги қоидабузарликларни бартараф қилиш мақсадида бир молия йили давомида рўй бериши мумкин; секвестрлашнинг бу тури "сессия мобайнида секвестрлаш" деб аталади.

Тақчилликнинг чекланган миқдорига эришиш учун йўналтирил-

ган секвестрлаш, агар дискрецион лимитлар ва "pay-as-you-go" талабларига эришиш учун секвестрлашнинг бошқа иккита турини ўтказишдан сўнг, тақчиллик қолдиғи мавжуд бўлса, амалга ошади. Секвестрлаш бўйича бундай операциялар тақчилликнинг чекланган миқдорига боғланган секвестрлашни амалда, 1993 молия йилигача ва ундан кейинги 1994 ва 1995 молия йилларида ҳам имконсиз қилди.

Тақчилликнинг чекланган миқдорлари ва дискрецион харажатларнинг лимитлари тузатилиши ва тубанда айтиб ўтиладиган турли ҳолатлар эътиборга олиниши лозим.

Илгари, Ижтимоий таъминот траст жамғармалари активларининг қолдиғи ГРХ қонунига мувофиқ тузилган тақчиллик ҳисоб-китобларига киритилган, бироқ Ижтимоий таъминотга ажратилган харажатлар (маъмурий харажатлардан ташқари) секвестрлашдан чиқариб ташланган. ББҚга мувофиқ, Ижтимоий таъминот харажатлари секвестрланмайди, бироқ траст жамғармалари активларининг қолдиғи, гарчи улар илгари баён этилганидек, "консолидацияланган" тақчилликка киритилса ҳам, тақчиллик ҳисоб-китобига киритилмайди.

Тақчилликнинг чекланган миқдорлари, харажатлар лимитлари ва "pay-as-you-go" жараёни.

Секвестрлаш таомилининг функционал асосини секвестрлашда қўлланиладиган учта асосий механизм — тақчилликнинг чекланган миқдори, дискрецион харажатларга лимитлар ва "pay-as-you-go" (PAYGO) таомили ташкил этади. Бу механизмлар, асосан, бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда ишлайди; дискрецион харажатлар бўйича қарорларнинг даромадларга ёки бевосита харажатлар бўйича қарорларга дахли йўқ ва аксинча.

Тақчилликнинг чекланган миқдорлари.

ГРХ қонунининг биринчи варианти бюджет жараёнида кўзда тутилган ҳар бир молия йили учун тақчилликнинг чекланган қатъий миқдорини белгилаб қўйди. Чекланган миқдорлар иқтисодий ўсиш, инфляция даражаси ёки турли хил федерал тўловлар оладиган одамлар сонининг ўзгариши каби иқтисодий шароитларни эътиборга олмади. Натижада, ҳақиқатдаги тақчиллик қатъий чекланган миқдорлар тасдиқлаб қўйилган 1986–1990 молия йиллари давомида тақчилликнинг ҳар йилги чекланган миқдоридан мунтазам ошиб кетди.

ББҚ 1991–1995 молия йилларида тақчилликнинг қатъий чекланган миқдорларидан бошқариладиган чекланган миқдорларга ўтишни кўзда тутди. У, жумладан, мазкур даврга чекланган миқдорларни қайта кўриб чиқди.

Дискрецион харажатлар бўйича лимитлар.

ББҚ дискрецион харажатларга лимитлар белгилади. 1991–1993

молия йилларида янги бюджет ваколатлари ва харажатларнинг уч турдаги — мудофаа, халқаро ва ички алоқалар категориялари бўйича харажатларга алоҳида чекловлар ўрнатилган эди. 1994–1995 молия йилларида янги бюджет ваколатларига ва харажатларга биргина категория — дискрецион харажатларга чекловлар белгиланди.

Президентнинг бюджетномасида 1992 йилдан 1995 йилгача ҳар бир молия йилида дискрецион харажатларга лимитлар инфляциянинг прогнозланган даражаларидаги, бюджет концепциясидаги ўзгаришлар, шунингдек, (1993–1994 молия йиллари учун) кредит субсидиялари харажатларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланиши лозим эди.

Бундан ташқари, (Саҳродаги бўрон/Саҳро қалқони операцияларини ўтказиш учун харажатларни киритган ҳолда Президент ва Конгресс томонидан белгиланган) кўзда тутилмаган ассигнациялар ажратиш, муайян дастурларга таъсир кўрсатувчи Қонунларни жорий этиш ва муайян махсус нафақалар ажратиш имкониятларига эга бўлиш учун МББ ҳар бир сессия охирида дискрецион харажатларга лимитларни тузатиши лозим эди. Махсус бюджет ваколатлари бўйича нафақалар халқаро алоқаларга лимитларни тахминан 1,2 млрд. долларга ва ички ишларга лимитларни тахминан 1,5 млрд. долларга кўпайтиради (юқорида айтилган тузатишлар ҳисоблаб чиқилмагунча, аниқ ҳисоб-китоблар амалга оширила олмайди). Дискрецион харажатларнинг жами уч категорияси учун ихтисослашган ассигнациялашлар. МББ ва КББ ҳисоб-китоблари ўртасидаги арзимас тафовутлар учун секвестрлашнинг олдини олиш учун мўлжалланган эди.

Харажат лимитларига риоя қилиш секвестрлашнинг махсус жараёни ва Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида" қонуни қоидаларининг бандларини бажариш воситасида амалга ошади. Бу жараёнга мувофиқ, секвестр — бузилишлар бўлган категориядагина рўй беради. Агар молия йилининг охирги чорагида (яъни, 1 июль билан 30 сентябрь оралиғида) харажат лимитларининг бузилишига олиб келадиган қонун ҳужжати қабул қилинишига тўғри келса, кейинги молия йилига дискрецион харажатларнинг тегишли лимитлари бузилиш миқдорига қисқаради.

"Pay-As-You-Go" "PAYGO" таомиллари/

ББҚ ишлаб чиққан (PAYGO) жараёнига мувофиқ, қонуний тарзда бевосита харажатларнинг ортиши ёки даромадларнинг камайиши тақчиллик ортишига йўл қўймаслиги учун компенсацияланиши лозим. Тиббий таъминот дастурида қатнашувчи одамларнинг кўпайиши каби амалдаги қонунлар амал қилишидан харажатлар кўпайса ёки даромадлар камайса, "PAYGO" жараёни ҳеч қандай компенсация

ҳаракатларини талаб этмайди. Гоҳида мажбурий харажатлар деб ҳам юритиладиган бевосита харажатлар, асосан, доимий равишда амалга ошириладиган дастурлар бўйича харажатлардан ташкил топади. Бевосита харажатлар ва даромадлар бўйича кўпчилик дастурлар доимий амал қиладиган Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилади, шу боисдан, доим ҳам уларга нисбатан ҳуқуқий чораларга мурожаат этавериш зарурати туғилмайди ("PAYGO" жараёни бундай хатти-ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилмайди).

"PAYGO" жараёнига риоя қилиш секвестрнинг махсус таомили ёрдамида ва Конгрессининг 1974 йилги "Бюджет тўғрисида"ги қонунига мувофиқ келиб чиқади. Муддатида тўлов жараёни Конгрессга бевосита харажатларни ошириш тўғрисида қонун қабул қилишга халал бермайди; у фақат ошириш бевосита харажатлар бўйича бошқа дастурларни қисқартириш даромад келтирувчи компенсацион тушумларнинг ошишини ўз ичига олиши мумкин бўлган, даромадларни кўпайтириш ёки бу икки ёндошувнинг комбинацияси воситасида қопланишини талаб қилади. Агар секвестрлашни шу жараёнга мувофиқ ўтказиш талаб этилса, у ҳолда қонун қабул қилиниши билан келиб чиққан, жорий йилдаги ёки ўтган йиллардаги соф тақчилликнинг исталган кўпайиши миқдорини компенсациялаш зарур бўлади. Бундай хатти-ҳаракат секвестрлаш жараёни фаолиятидан чиқариб юборилмаган бевосита молиялаштириш дастурларигагина қўлланилган.

Ижтимоий таъминот бўйича нафақалар тўловига харажатлар ва ББҚни жорий этиш чоғида амал қилган федерал суғурта агентликларининг бадаллари, шунингдек, фавқулодда бевосита харажатлар ва даромадлар бўйича (Президент ва Конгресс томонидан ўрнатилган) тақчиллик ортишига олиб келиши мумкин бўлган қонунлар "PAYGO" жараёнига мувофиқ ўтказиладиган секвестрлаш жараёнидан бутунлай чиқариб ташланади. Бевосита харажатлар бўйича қолган барча дастурлар "PAYGO" жараёни билан шундай даражада қамраб олинадики, унда бу дастурлар харажатлари даражасига таъсир этувчи қонунчилик молия йили мобайнида тақчилликнинг соф ортиши ёки пасайиши рўй берганини аниқлай олади. Агар "PAYGO" жараёнига мувофиқ секвестрлаш рўй берган бўлса, бевосита харажатлар бўйича кўп дастурлар қисқартиришдан чиқарилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ГРХ қонуни тақчилликнинг ортишини кўрсатувчи бош назоратчининг таҳлили олиниши билан автоматик тарзда Президентнинг секвестр ўтказиш тўғрисидаги фармони чиқишини назарда тутади. 1986 йили Қонуннинг бу қоидаси ҳукуматнинг конституционал бўлиниши доктринаси бузилган деган асосда Олий Суднинг (Боушер Синарга қарши) амал қилмайдиган

қарори деб топилган, чунки Бош назоратчи қонун чиқарувчи тармоқнинг расмий вакили ҳисобланади. Натижада, Конгресс секвестрлаш жараёнини 1987 йилги "Баланслаштирилган бюджет ва фавқулодда тақчилликни бошқариш тўғрисида"ги қонунда қайта кўриб чиқиб, ижроия ҳокимиятининг расмий вакили бўлган МББ Директорига бу жараённи бошлаб бериш ваколатини берди.

ББҚ томонидан таклиф этилган секвестр ўтказиш тўғрисидаги янги кўп марталик таомиллар автоматиклигича қолади ва МББ Директори ҳисоботи билан бошлаб берилади. Умуман, ҳар йили секвестрлаш жараёнини (сессия тугаши билан) ўтказиш учун жараённи бошлаб берувчи фақат битта ҳисобот нашр этилади. Бундан ташқари, дискрецион харажатларнинг бир ёки бир неча категориялари бўйича секвестрни бошлаб берувчи МББ ҳисоботлари, агар бунга асос мавжуд бўлса, кейинги сессия мобайнида нашр этилиши мумкин. КББ Директори секвестрлаш бўйича маслаҳат шарҳларини МББ Директори шарҳ тақдим этишидан беш кун илгари тақдим этиши шарт.

КББ ва МББ сессия бошланишида секвестр бўйича дастлабки шарҳлар нашр этади. Шарҳлар тақчилликнинг чекланган миқдорлари истиқболлари ва қонунга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган дискрецион харажатларга лимитларни ўз ичига олади. Шарҳлар, шунингдек, "PAYGO" таомили қўлланиладиган бевосита харажатлар ёки даромадлар бўйича Қонуннинг жорий этилишидан келиб чиққан тақчилликнинг соф ортиши ёки пасайишига эга бўлган ҳисоб-китоблардан иборат. Августда КББ ва МББ секвестр бўйича қайта кўриб чиқилган шарҳларни ўтган давр ичида қабул қилинган қонунларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда нашр этади. Ниҳоят КББ ва МББ секвестр бўйича ҳисоботларни Конгресс сессия тугашини эълон қилиши билан дарҳол чоп этадилар. Сессия тугаганидан кейинги кўриб чиқилган шарҳлар чоп этилганидан кейин қабул қилинган ҳар қандай тегишли қонунни акс эттириши, бюджет ресурсларининг базавий ҳажмини, шунингдек, ҳар бир секвестрланадиган ҳисобрақам учун қисқариш фоизини ва миқдорини кўрсатиши лозим. Секвестр бўйича қайта кўриб чиқилган ва якунловчи шарҳларини тайёрлаш жараёнида МББ анча аввалги бошланғич шарҳда фойдаланилган иқтисодий ва техник тахминлардан фойдаланиши шарт. Сессия вақтида МББ бюджет қонунчилиги сметаси қабул қилинганидан кейин беш кун ичида унинг дискрецион харажатларга лимитлар ва "PAYGO" жараён талаблари билан мувофиқлигини мониторинг қилиш мақсадида Конгрессга тақдим этиши керак. Смета Президентнинг энг охирги бюджетномасида фойдаланилган иқтисодий ва техник тахминлар асосида тузилиши зарур.

Секвестрлаш жараёни бир қатор бошқа шарҳлар тузилиши билан боғлиқ. Биринчидан, секвестрлаш бўйича сессиялар оралиғидаги шарҳлар, агар қўшимча ассигнациялар ажратиш ёки дискрецион харажатларга лимитлар миқдорини бузишга олиб келадиган бошқа дискрецион харажатлар бўйича қарорлар қабул қилинган бўлса, КББ ва МББ томонидан (тегишлича, 10 июлдан ва 15 июлдан кечиктирмай) нашр этилиши мумкин. Иккинчидан, Президент, ҳар йили 10 августгача Конгрессга ҳарбий харажатларни молиялаштиришни секвестр жараёнидан чиқариб ташлаш бўйича ГРХ қонуни билан унга берилган ҳуқуқдан фойдаланиш нияти тўғрисида маълум қилиши зарур. Ниҳоят, Бош Назоратчи КББ ва МББ шарҳлари ва Президент Фармонининг ГРХ Қонуни талабларига мувофиқлиги тўғрисида (МББнинг секвестр тўғрисидаги якуний шарҳи ва Президентнинг секвестр тўғрисидаги Фармонидан сўнг 30 кун мобайнида чоп этилади) мувофиқлик ҳужжатини чиқариши лозим.

Президент томонидан чиқарилган секвестр тўғрисидаги ҳар қандай Фармон МББнинг секвестр тўғрисидаги шарҳига мутлақо мутаносиб бўлиши шарт.

23-жадвалда МББ томонидан 1995 молия йилига секвестрлаш бўйича ўзининг тузатилган шарҳини чиқарган пайтдаги қилинган харажатлар лимитларига тузатишлар акс эттирилган.

23-жадвал

Дискрецион харажатларнинг лимитларига
ТУЗАТИШЛАР
(млн. доллар ҳисобида)

		1994	1995	1996	1997	1998
Дискрецион харажатларга якуний умумий лимитлар. 1995 йил 6 февраль. Секвестрни олдиндан кўриб чиқиш бўйича шарҳ	БВ	525146	517067	517383	529916	536087
	Х	547559	546439	549384	549489	551602
Тузатишлар:						
Фавқулодда қўшимча ассигнациялашлар (Ж.Х. 104-6)	БВ		2475			
	Х		1906	429	71	20
Фавқулодда қўшимча ассигнациялашлар (Ж.Х. 104-16)	БВ		3455	3275		
	Х		499	2666	2651	1005

		1994	1995	1996	1997	1998
Фавқулодда ассигнациялашлар (кўзда тутилмаган харажатларнинг бўшатилиши)	БВ		542			
	Х		210	202	79	37
2003 Ж.Х. 104-19 параграфига мувофиқ тузатиш	БВ		-14993	-71	-71	
	Х		-1124	-3480	-2374	-1527
Тузатилган оралиқ миқдор ҳисобот тузатишлари	БП		-8521	3204	-71	
	В		1491	-183	426	-465
Ислоҳ қилинган ҳисобот бўйича умумий дискрецион лимитлар	БВ	525146	508546	520587	529845	536087
	Х	547559	547930	549201	549915	551137

Манба: Маъмурий ва Бюджет Бошқармаси. "МББнинг секвестрлаш бўйича Президентга ва Конгрессга тузатилган ҳисоботи". 1995 йил 21 август. 5-бет.

АҚШ бюджетни молиялаштириш амалиёти дискрецион харажатлар бўйича эҳтимол тутилган учта секвестрни ишлаб чиқди (19-чизмага қаранг).

Сессия сўнгидаги секвестр. Зарурат туғилганда "сессия сўнгидаги" секвестр, Конгресс ўз ишида танаффус эълон қилгандан сўнг, бу қачон рўй беришидан қатъи назар, 15 кундан сўнг содир бўлади. Секвестр миқдори Конгресснинг яқинда тугаган сессияси вақтида қабул қилинган ассигнациялашлар, шунингдек, ўтган йиллардаги бюджет ваколатлари бўйича илгари қабул қилинган режалаштирилган ассигнациялашлар ва харажатлар асосида МББ томонидан аниқланади. Бюджет ваколатлари ёки харажатларга лимитларни оширишга сабаб бўлувчи қабул қилинган қонун бу категориядаги барча дастурларни лимит даражасига қайтиш учун зарур бўлган ҳар қандай улушга қисқартиришга олиб келиши мумкин.

Масалан, 1990 йил 9 ноябрда, 101-Конгресснинг иккинчи сессияси охирида, Вакиллар Палатаси ва Сенат ўз ишида танаффус эълон қилганидан сўнг 15 кун ўтгач, МББ халқаро категория бўйича бюджет ваколати лимитдан 395 млн долларга ошиб кетганини аниқлади. Модомики, бу категорияга тақдим этилган жами янги бюджет ваколати 20495 млн доллар баҳоланган экан, бюджет ваколати лимит даражасига етиши учун барча дастурлар 1,9 фоизга (395/20495) қисқартирилиши лозим эди.

2-расмда 1990 йил 9 ноябрда Президент томонидан 1991 молия йилига секвестр тўғрисида чиқарилган якуний буйруқ акс эттирилган.

Сессия вақтидаги секвестр. Дискрецион харажатлар бўйича иккинчи секвестр сессия сўнгидаги секвестрдан сўнг (шундай бўлган бўлса) Конгресс йиғилишидан кейин, бироқ 1 июлгача рўй бериши мумкин. Агар бу давр ичида жорий молия йили (айнан ўтиб бораётган молия йили) лимитини бузадиган қонун қабул қилинадиган бўлса, Президент мазкур бузилишга олиб келувчи қонун лойиҳасини имзолаши билан, орадан 15 кун ўтгач, секвестр рўй беради. Бу секвестр ҳам худди сессия сўнгидаги секвестр сингари бўлади; яъни жорий йил дискрецион бюджет ваколатлари ва харажатлари фоизли нисбатда, уларни лимит даражасигача пасайтириш учун зарур бўлган миқдоргача қисқартирилади.

"Look-back" ("ўтмишга назар") секвестри. Агар жорий молия йили харажатлари бўйича қонун лойиҳаси 30 июндан кейин, аммо 30 сентябрдан олдин тасдиқланса ва лимитнинг бузилишига сабаб бўлса, дискрецион харажатлар бўйича учинчи секвестр рўй беради. Бу ҳолатда жорий йил харажатларига тегилмайди, яъни илгаригидек лимитдан ташқари ортиқча харажатлар кузатилади. Бирок, бюджет йилининг (режалаштирилган йилнинг) лимити бузилиш миқдоригача пасайтирилади.

19-чизма

АҚШ Федерал бюджети дискрецион харажатлари бўйича секвестрнинг АСОСИЙ ТУРЛАРИ

2-расм

1991 молия йилига Президентнинг секвестр бўйича
ҚАТЪИЙ БУЙРУҒИ

Оқ Уй
Матбуот котиби офиси

Дарҳол ижро этиш учун
1990 йил 9 ноябрь

СЕКВЕСТР БЎЙИЧА ҚАТЪИЙ БУЙРУҚ

Америка Қўшма Штатлари Қонунлари бўйича менга берилган Президентлик ваколати билан, жумладан, 1985 йилдаги "Баланслаштирилган бюджет ва кўзда тутилмаган тақчиллик устидан назорат тўғрисида"ги қонуннинг 254-параграфи (Жамоатчилик ҳуқуқи 99–177), 1987 йилдаги "Баланслаштирилган бюджет ва кўзда тутилмаган тақчиллик устидан назорат тўғрисида"ги тасдиқловчи қонунни ўзгартиришларини (Жамоатчилик ҳуқуқи 100–119) ва, 1990 йилдаги "Умумий келишув тўғрисида"ги Конуннинг (кейинги ўринларда — Қонун) XIII бўлимини (Жамоатчилик хукуки 101–508) ҳисобга олган ҳолда, буюраман:

Маъмурий ва Бюджет Бошқармаси Директори томонидан 1990 йил 9 ноябрдаги ҳисоботи шаклида белгиланган секвестр ва қисқартиришларни ўтказиш мақсадида ва Қонуннинг 251 ва 254-параграфларига мувофиқ дарҳол қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилсин:

(1) Дискрецион харажатларнинг халқаро категорияси доирасида ҳар бир бўшатилмаган ҳисобрақам бўйича бюджет ресурслари Маъмурий ва Бюджет Бошқармаси Директорининг 1990 йил 9 ноябрдаги ҳисоботида белгиланган каби қисқартирилиши шарт.

(2) 250 (c) (6) ва 251-параграфларга мувофиқ янги бюджет ваколати; янги мажбуриятлар ёки қарзлар кафолати бўйича лимитлаштириш; янги бевосита кафолатлар, мажбуриятлар ва лимитлаштириш; мажбуриятларни лимитлаштириш секвестрланадиган бюджет ресурслари бўлади.

(3) Кафолатланган қарзлар бўйича мажбуриятларга хизмат кўрсатувчи ҳисобварақлар бўйича, амалдаги қонунчилик санкциясига мувофиқ, ҳар бир идора ва муассаса бошлиғига шунга ўхшаш мажбуриятларни Қонунда кўрсатилган ва Маъмурий ва Бюджет Бошқармаси Директорининг 1990 йил 9 ноябрдаги ҳисоботида белгиланган каби тегишли чекловлар миқдоригача қисқартириш буюрилади.

Секвестрлашнинг барча операциялари Маъмурий ва Бюджет Бошқармаси Директорининг 1990 йил 9 ноябрдаги ҳисоботидаги кўрсатмаларга ва 251 ва 254-параграфлар талабларига қатъий мувофиқликда амалга оширилиши шарт.

ЖОРЖ БУШ
ОҚ УЙ,
1990 йил 9 ноябрь

Айтайлик, 1997 йил 15 августда Конгресс 1997 молия йили учун қўшимча ассигнациялар қабул қилади, у 1997 молия йили учун бюджет ваколатларининг лимитдан ташқари 10 млрд. долларга ошишини, 1997 молия йили учун харажатларнинг лимитдан ташқари 6 млрд. долларга ошишини, 1998 молия йили учун харажатларнинг 4 млрд. долларга ошишини таъминлайди. Ассигнациялаш 1 июлдан сўнг қабул қилингани сабабли, у "сессия вақтидаги секвестр" га олиб келмайди. 1998 молия йили лимити, шунга қарамай, бюджет ваколати бўйича 10 млрд.га ва харажатлар бўйича 6 млрд.га пасаяди. 1997 молия йили қўшимча ассигнациялари билан таъминланган 1998 молия йили учун харажатлардаги қўшимча 4 млрд. доллар 1998 молия йили лимитидан чегириб ташланади.

8.3. "PAY-AS-YOU-GO" СЕКВЕСТРИНИНГ МАҚСАДИ ВА МОҲИЯТИ

"Pay-as-you-go" ёки PAYGO секвестри мажбурий харажатлар ва даромадларга нисбатан қўлланилади. Мазкур секвестр асосида базис сатри ётади. Бунда базис сатри амалга ошириладиган харажатлар миқдори ва амалдаги қонунга мувофиқ йиғилиши керак бўлган даромадлар ўзида акс эттиради. "Pay-as-you-go" қоидалари мажбурий харажатлар ва даромадлар бўйича барча қонун ҳужжатларининг якуний таъсири молия йилларидан ҳеч бирида тақчилликнинг ортишига олиб келмаслигини талаб қилади. Агар бу талабга риоя қилинмаса, унда PAYGO секвестри мажбурий дастурларни тақчиллик ортишини қоплаш учун зарур бўлган миқдорга лозим фоиз нисбатида қисқартиради. "Pay-as-you-go" қоидалари ҳар бир қонун лойиҳаси мажбурий харажатлар ёки даромадлар бўйича тақчилликка нисбатан нейтрал (яъни, ундан ортмаслигини тақозо этмайдиган) бўлишини талаб этмайди. Улар Конгресснинг тегишли сессияси даврида қабул қилинган барча қонун ҳужжатларининг жамланган ҳолда нейтрал бўлишини талаб қилади.

Қайд этиш лозимки, PAYGO секвестри қоидалари жуда муҳим бир жиҳатдан дискрецион харажатлар бўйича секвестр қоидаларидан фарқланади. Дискрецион харажатлардаги кўпайиш, даромадлар ту-

шумларидаги кўпайиш билан компенсациялана олмайди, чунки ББҚ ўрнатган лимит барибир бузилади. Бироқ, мажбурий харажатлардаги кўпайиш даромадлардаги кўпайиш билан қопланиши мумкин, чунки секвестр заруратини аниқлаш учун бу кўпайишларни жамлайдилар.

Зарурат туғилганда PAYGO асосий секвестри Конгресс ишини тугатгандан 15 кун ўтгач, сессия сўнгидаги дискрецион секвестр келиб чиққанда рўй беради. Дискрецион харажатлар баён этилган иши шарҳда МББ мажбурий даромадлар ва харажатлар тақчилликни қанчалик кўпайтиради ва бундан секвестрни қўллаш зарурати келиб чиқиш чиқмаслигини аниқлайди.

Агар секвестрни қўллаш зарурати туғилса, унда фақатгина мақбул (қисқартиришга махсус йўл қўйилган) мажбурий дастурлар ялпи фоизли қисқартиришга тортилади; харажатларнинг автоматик тарзда ортиши рўй бермайди. Бу даромадлар қисқаришини компенсациялаш учун харажатларни қирқиш мумкин дегани.

Шунга қарамасдан, PAYGO секвестри қўлланишида қисқартирилиши мумкин бўлган мажбурий харажатлар миқдори чекланган. Биринчи қисқартиришга бир қанча майда дастурлар бўйича режалаштирилган харажатларнинг автоматик тарзда кўпайишини бекор қилиш йўли билан эришилади. Бу 50 дан 100 миллион долларгача иқтисод қилинган чекланган миқдорни ташкил этади. Агар харажатларни янада катта миқдорга қисқартириш талаб қилинса у ҳолда махсус қоидаларга кўра яна бир нечта дастур — Оилаларга таълим олиш учун заёмлар тақдим этиш бўйича Федерал дастур ҳамда Васийлик ва бола асраб олишни қўллаб-қувватлаш дастури қисқартирилади. Бунда ҳам нисбатан оз тежашга эришилади.

Агар шунда ҳам харажатларни қўшимча қисқартириш талаб қилинса, "Медикэр" дастури (қариялар соғлиғини суғурталаш дастури) бўйича кўпи билан 4 фоизга ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бир нечта бошқа дастурлар бўйича кўпи билан 2 фоизга мол етказиб берувчиларга тўловлар қисқартирилади. 1998 молия йилида бу қарийиб 5–6 млн. доллар тежалишига олиб келади.

Ва, ниҳоят, агар юқоридагилардан кейин харажатларни яна қисқартириш талаб қилинса, қисқартирилишига йўл қўйилган қолган барча мажбурий дастурлар (35–40 млн. доллар) фоиз нисбатидаги исталган зарур миқдорга қирқилади.

Дискрецион харажатлар бўйича лимитлар билан бўлганидек, "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонун базис сатрига ҳам бир нечта тузатишлар киритишга имкон беради. Биринчидан, депозитларни суғурталаш харажатлардаги ҳеч бир кўпайиш[1] базис сатридаги ортиш ҳисобланмайди. Шунга ўхшаб, депозитларни суғурталаш харажатларидаги камайишга омонатларни (йиғимларни) шаклланти-

риш деб қаралмайди. Иккинчидан, "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги Қонун Президентга "Фавқулодда" мажбурий харажатлар ёки даромадлар бўйича базис сатрига тузатишлар киритиш имконини беради.

PAYGO секвестри ишини очиқ кўрсатувчи бир нечта мисоллар келтирамиз.

Айтайлик, базис сатрига қараганда мажбурий харажатларни оширадиган ёки 1998 молия йилида даромадларни 1 млрд. долларга ва 1999 молия йилида 500 млн. долларга қисқартирадиган Қонун ҳужжати қабул қилинди; бунда тақчилликдаги ошишлар компенсацияланмайди. PAYGO қоидаларига кўра, секвестр Конгресс тарқалганидан кейин 15 кун ўтгач юз беради. У 1998 молия йилида мажбурий харажатларни 1 млрд. долларга қисқартиради. Кейинги сессия бошида Конгресс ва оқ уй тақчиллик ошган миқдорни қоплаш учун 500 млн. доллар топишлари кераклигини биладилар. Акс ҳолда улар 1999 молия йилига "сессия охири" секвестри муаммосига дуч келадилар.

Иккинчи мисол сифатида биринчи мисолда кўрсатилган Қонун ҳужжатига қўшимча равишда мажбурий харажатларнинг ошиши ёки солиқ тушумлари қисқариши оқибатида 1999 молия йили тақчиллигини яна 100 млн. долларга оширадиган Қонун лойиҳаси қабул қилинди, деб тахмин қиламиз. Бу ҳолда 1998 молия йилига 1 млрд. доллар PAYGO секвестри, 1999 молия йилига 600 млн. доллар PAYGO секвестри керак бўлади. 1 ва 2-мисоллар 24-жадвалда акс эттирилган.

Учинчи мисол сифатида мажбурий харажатлар ва даромадлар бўйича Қонун лойиҳалари 1998 молия йилида тақчилликни 990 млн. долларга, 1999 молия йилида 590 млн. долларга оширади деб тахмин қиламиз. Бунинг натижасида PAYGO секвестри рўй беради, бу эса 1998 йилдаги ошишни тўла қоплаб, 1999 йил тақчиллигини 50 млн. долларга қисқартиради. 25-жадвалдан кўриниб турганидек, шундан кейин 1999 йилда компенсациялаш зарур бўладиган 540 млн. доллар илгаригидек қолаверади. Бу ҳолда Конгресс ёки Президентнинг компенсацияга доир Қонун ҳужжатини қабул қилишига тўғри келади ёхуд шу йили PAYGO секвестрининг амал қилиши кучга киради.

PAYGO асосий секвестри Конгресс иши тугаганидан 15 кун кейин рўй беришига қарамай, PAYGOнинг "орқага назар ташлаш" секвестри хатари ҳам мавжуд бўлади. Мажбурий харажатларнинг кўпайиши ёки даромадларнинг қисқариши PAYGOнинг асосий секвестри қўлланғандан кейин, бироқ кейинги молия йили бошлангунча амалга киритилганда бу секвестр рўй беради. PAYGOнинг "орқага назар ташлаш" секвестри жорий бюджет йили давомида амал қилади. Айтайлик, 1997 йилнинг май ойида қабул қилинган қонун ҳужжати 1997

молия йилида (жорий йилда) даромадларни 200 млн долларга қисқартиради, 1998 молия йилида эса (бюджет йилида) 300 млнга қисқартиради. Бироқ, ушбу иккала ошишни компенсациялаш учун 1999 молия йилига PAYGO секвестри амал қилади (26-жадвал).

24-жадвал

PAYGO СЕКВЕСТРИ — 1 ВА 2 МИСОЛЛАР
(млн. доллар ҳисобида)

	1998	1999
Қонун лойиҳаси # 1	+ 1000	+500
Қонун лойихаси # 2	0	+100

25-жадвал

PAYGO СЕКВЕСТРИ — 3 МИСОЛ
(млн. доллар ҳисобида)

	1998	1999
Барча қонун лойиҳалар	+ 990	+590
1996 молия йили секвестри	-990	-50
Жами	0	+540

26-жадвал

PAYGO СЕКВЕСТРИ — 4 МИСОЛ
(млн. доллар хисобида)

	1998	1999
1995 йил май ойида қабул қилинган қонун лойиҳаси	+ 200	+300
1995 молия йилида эҳтимол тутилган секвестр	0	-500

8.4. ОРТИҚЧА ДЕФИЦИТ БЎЙИЧА СЕКВЕСТРНИНГ МАҚСАДИ ВА МОҲИЯТИ

Даставвал ортиқча тақчиллик бўйича секвестр ҳам ГРХ амал қилиши даврида бўлган секвестр каби тасаввур қилинган. Унинг мақсади, агар МББ тақчилликни ошиб кетади деб белгиласа, уни "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонунда белгиланган максимал даражагача қисқартириш бўлган. Бироқ ГРХ қонунининг бюджет календаридан фарқли равишда, ортиқча тақчиллик бўйича "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун секвестри Конгресс ишида танаффус эълон қилгандан сўнг 15 кун ўтгач (PAYGO секвестри учун ҳам, дискрецион харажатлар бўйича секвестр учун ҳам тааллуқли ўша сана) рўй бериши керак.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонуннинг тақчилликнинг йўл қўйиладиган максимал даражаси 1995 молия йилидан кейин, 1993 йилдаги "Бюджетнинг умумий келишуви тўғрисида"ги қонун билан яна узайтирилмади, у дискрецион харажатлар бўйича лимитлар ва "pay-as-you-go" қоидалари амал қилишини узайтирди. Улар, шунингдек, 1996 молия йилига Конгресснинг бюджет лойиҳаси билан ҳам узайтирилмади, у дискрецион лимитлар ва PAYGO қоидалари амал қилишини 2002 молия йилигача узайтирди. Натижада, ББҚда энди тақчилликнинг йўл қўйиладиган максимал даражаси йўқ, шу боисдан, ортиқча тақчиллик бўйича секвестрдан фойдаланиш имкони ҳам йўқ.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонуннинг секвестр бўйича қоидалари амал қилиши икки хил вазият юзага келганда вақтинча тўхтатиб қўйилиши мумкин. Биринчиси - бу Конгресс томонидан расман уруш эълон қилинганида. Бу ерда қоидалар амал қилишининг вақтинча тўхташи автоматик тарзда рўй беради ва Сенат томонидан ҳарбий ҳаракатларнинг тугатилиши тўғрисидаги шартнома ратификация қилинганидан кейинги молия йилигача давом этади.

Иккинчи ҳолат — бу рецессия. "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун рецессиянинг қуйидаги икки хил талқинини келтиради:

Савдо вазирлиги жорий молия йилининг мазкур чорагида ва бевосита ундан олдинги чоракда реал иқтисодий ўсиш даражаси бир фоиздан камни ташкил этганини маълум қилади.

МББ ёки КББ кетма-кет келаётган икки чоракда "мазкур билдириш тушган чоракни ўз ичига олган давр мобайнида, ундан аввалги чоракда ва шундай билдиришдан кейинги 4-чоракда" ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) билан ўлчанадиган салбий иқтисодий ўсишни прогнозлайдилар.

Ҳар қандай ҳолатда КББ директори бу ҳақда Конгрессга маълум қилиши, Сенатдаги кўпчилик етакчиси эса қўшма қарорни кўриб чиқишга киритиши лозим, у тасдиқланган ҳолатда, секвестрлаш бўйича қоидаларни қўллаш рецессия тугамагунча узоғи билан 12 ойдан кейин бошланадиган молия йилигача қолдирилади. Вакиллар Палатасидаги кўпчилик етакчиси бундай қарорни ихтиёрий тартибда киритиши (яъни, зарур деб ҳисобламаса, киритмаслиги ҳам) мумкин.

Қўшма қарор Конгресснинг ҳар иккала палатасида тезкор тао-мил тартибида кўриб чиқилади. Агар у қабул қилинса, унда секвестрлаш бўйича қоидаларнинг амал қилиши вақтинча тўхтатилади.

1992 молия йилига бюджет бўйича ўтказилган мунозаралар вақтида иқтисодий ўсишнинг секинлашуви оқибатида Сенат уч марталаб ББҚ қоидаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиш бўйича овоз берди. Ҳар уч ҳолатда ҳам қонун лойиҳаси ўтмади.

8.5. СЕКВЕСТРЛАШ ЖАРАЁНИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИ

Молия йилига секвестр тўғрисидаги шарҳлар харажатлар, даромадлар, тақчиллик ва тақчилликнинг чекланган миқдорларига риоя қилиш мақсадида тақчилликни ошириш; дискрецион харажатларга лимитларга риоя этиш мақсадида дискрецион харажатлар ҳисоб-китоби; ва бевосита харажатлар ва даромадлар ҳисоб-китоблари, шунингдек "PAYGO" жараёнини амалга ошириш мақсадида тақчилликни кўпайтириш ёки камайтириш базавий прогнозланган ҳисоб-китобларига эга бўлиши лозим. ГРХ қонуни ББҚга тузатишлар киритилганидан кейин базавий прогнозларни ўтказиш бўйича деталлаштирилган йўриқномаларни ўз ичига олади.

Базавий прогнозлар ҳар бир ҳисобрақам учун бюджет ресурсларининг турли категориялари асосида қилинади. Ҳар бир бюджет ҳисобрақами: (1) бевосита харажатлар ёки (2) уч категориядан биттаси бўйича дискрецион харажатлар сифатида таснифланади. Мудофаа дастурлари учун янги бюджет ваколатлари ва мажбуриятлардан озод аввалги бюджет ваколатларининг қолдиқлари секвестрланадиган бюджет ресурслари бўлиб ҳисобланади. Мудофаага оид бўлмаган дастурлар учун янги бюджет ваколатлари, бевосита харажатлар бўйича бюджет ваколатлари ва мажбуриятлар лимитлари ўша давр учун секвестрланадиган бюджет ресурслари бўлиб ҳисобланади.

ГРХ қонуни секвестр ўтказишда Президент бюджет ҳисобрақамидаги "ҳар бир дастур, лойиҳа ёки фаолият"ни (ДЛФ) айнан бир хил фонзга қисқартиришини талаб қилади. Мазкур "дастур, лойиҳа ёки фаолият" атамаси юридик таърифга эга эмас. Бунинг ўрнига ГРХ қонуни ҳар йилги Ассигнациялар билан молиялаштириладиган ҳисобрақамлар учун атама ҳар йили ассигнациялар ажратиш бўйича қонунларда ва уларга илова қилинувчи шарҳларда белгиланиши лозимлигини белгилаб қўяди. Ҳар йилги ассигнациялар ажратиш бўйича қонунларга мувофиқ молиялаштирилмайдиган ҳисобрақамлар учун ДЛФ Президентнинг бюджетномасида ҳар бир шундай ҳисобрақам учун "молиялаштириш учун дастурлар жадвали"да келтирилган бюджет фаолияти турлари сифатида белгиланади.

ГРХ қонуни турли усулларни белгилайди, улар асосида қўлланиладиган секвестр турига боғлиқ секвестрланадиган миқдор ҳисоб-китоб қилинади. Тақчилликнинг чекланган миқдорига боғланган секвестрга нисбатан ГРХ қонунини формула белгилайди, унга биноан харажатлар қисқаришининг ярми мудофаа дастурларида ўтказилиши керак (яъни, функционал категория бўйича дастурлар (050)-Миллий

мудофаа) ва қолган ярми мудофаага оид бўлмаган дастурларда ўтказилиши лозим. Бундан ташқари, мазкур қонун қисқартиришлар ҳисоб-китобида қўлланилиши керак бўладиган муайян чора-тадбирларни ҳам кўрсатади. Тақчиллик секвестри дискрецион харажатлар лимити ёки "PAYGO" жараёни бўйича талаб қилинадиган барча секвестрлар ўтказилгандан сўнггина рўй беради.

Дискрецион харажатларга лимитлар билан боғланган секвестрга нисбатан мазкур категория бўйича бюджет ваколатлари ёки харажат лимитлари бузилган барча категориялар бўйича кенг миқёсли қисқартиришлар ўтказилиши лозим. Қисқартиришнинг ягона фоизи тегишли категория учун Президентнинг ҳарбий персонал (мудофаа категориясида) ҳисобрақамларини йўқ қилиш нияти борми ёки йўқлигини эътиборга олган ҳолда ва муайян қоидалар қўлланиладиган дастурларда (ички категориядаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги муайян дастурлар) икки фоизли максимал қисқартиришни қўллаб, ҳисобланади.

"PAYGO" жараёнига мувофиқ, секвестр ҳисоб-китоблари шундай амалга оширилиши керакки, харажатларнинг автоматик тарзда кўпайишига эга учта дастур — жун тўғрисидаги миллий қонун, суг бўйича махсус дастур ва профессионал реабилитация — биринчи навбатда қисқартиришга жалб этилади, улардан кейин иккита махсус дастур (Стаффорд кредитлари, илгари "кафолатланган талабалик кредитлари" деб аталарди, тарбияда ва адаптацияда ёрдамни рағбатлантириш), кейин тиббий таъминот соҳасидаги дастурлар ва чиқариб ташланмаган қолган бевосита дастурлар келади. Тиббий соҳадаги қисқартириш лимити тақчилликнинг чекланган миқдорига боғлиқ секвестрлашдаги каби икки фоиз эмас, "PAYGO" жараёнига мувофиқ тўрт фоизни ташкил қилади.

ГРХ қонуни Ижтимоий таъминот, пенсия таъминоти федерал дастурлари ва ногиронлар бўйича дастурлар, соф фоиз, кам таъминланганлар учун баъзи дастурлар, фахрийлар учун компенсация ва пенсиялар, ишсизликни суғурта қилиш бўйича доимий давлат нафақалари, мудофаага оид бўлмаган дастурлар учун мажбуриятлардан озод қилинган бюджет ваколатлари қолдиқлари каби маблағларнинг айрим турлари каби кўплаб муайян дастурлар ва фаолият турларини секвестрлашдан истисно этади.

Дискрецион харажатларга эга бир неча дастурлар секвестрлашдан чиқарилади; бошқа томондан бевосита харажатларга эга кўплаб дастурлар чиқариб ташланади. МББнинг 1992 молия йили учун секвестр бўйича дастлабки шарҳига биноан, барча бевосита харажатлар учун (Ижтимоий таъминот бўйича нафақаларни ҳам қўшиб) 80 фоиз-

дан ортиқ харажатлар секвестрлаш жараёнидан чиқарилган бюджет ресурсларига тегишлидир.

Секвестрлаш жараёнини тугатиш ва модификация қилиш ГРХ қонунига ва Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунига мувофиқ беш йиллик риоя этиш таомиллари икки усул билан бекор қилиниши мумкин. Биринчидан, таомиллар уруш эълон қилиниши билан автоматик тарзда бекор қилинади. Иккинчидан, таомиллар, агар Конгресс КББнинг "секин ўсиш" тўғрисидаги ҳисоботи билан бошлаб берилган махсус қўшма қарор чиқарса, бекор қилиниши мумкин. Бу таомилга мувофиқ, КББ Директори Конгрессга, агар, қуйидаги икки шартга оиддан бири юз берса, қилиши шарт: (1) КББ ёки МББ, аввалги, ҳозирги ва ундан кейинги тўрт чоракдан иборат олти чорак давомидаги ҳақиқий иқтисодий пасайишни иккита кетма-кет чораги бўйича (инфляцияга тузатиш киритиб) баҳолайдилар; ёки (2) Савдо департаментининг тугалланган энг охирги чорак ва ундан олдинги чорак учун аввалги, бошланғич ёки якуний ҳисоботлари ҳар бир чорак учун реал иқтисодий ўсишни бир фоиздан кам деб кўрсатганда. Бундай ҳисоботни олгандан сўнг Сенатдаги кўпчилик етакчиси (Вакиллар Палатасидаги кўпчилик етакчиси ҳам бунга ҳақли) тезкор тартибда кўриб чиқиладиган — бюджет таомилларига риоя қилишни бекор қилишни таклиф этувчи қўшма қарор киритиши шарт.

ГРХ қонуни уларга мувофиқ молия йилига секвестр тўғрисидаги узил-кесил буйруқ модификация қилиниши ёки мазкур буйруқни ижро этиш тартиби ўзгартирилиши мумкин бўлган бир неча таомилларни ўз ичига олган. Биринчидан, Вакиллар Палатаси ёки Сенатдаги кўпчилик етакчиси Президентнинг сессия сўнгидаги секвестр тўғрисидаги буйруғи модификация қилиниши учун уни бекор қилувчи модификацияларни қўшган ҳолда қўшма қарор киритиши мумкин. Иккинчидан, Президент Конгрессга, гарчанд айрим чекловлар билан бўлсада, сессия сўнгидаги секвестр бўйича буйруқда қолдирилган мудофаа дастурлари, лойиҳалар ва фаолиятни (ДЛФ) қисқартириш ҳажмларига ўзгартиришлар киритишни таклиф этувчи ҳисобот тақдим этишга ваколатли. Ўзгартиришлар, бошқалари учун қисқартиришлар миқдори пасайтирилиши мумкин бўлсин (ёки умуман қисқартиришни бекор қилиш) учун айрим ДЛФлар учун қисқартиришлар миқдорини кўпайтиради, бироқ бу Конгресс бундай қарорни қўшма қарор қабул қилиш воситасида маъқулламагунча рўёбга чиқмайди. Ниҳоят, Сенат махсус келишиш жараёнига мувофиқ қонун қабул қилиш воситасида секвестрлаш жараёнига альтернативалар ишлаб чиқиши мумкин (бўлим Палатада ҳеч қандай таомилларни шакллантирмайди).

ХАВОЛАЛАР

1. ББҚ депозитларни суғурталашни Депозитларни Суғурта қилиш бўйича Федерал корпорация ва унга кирувчи фондлар, Кредит Уюшмалари Миллий Маъмурияти ва унга кирувчи фондлар, Резолюцион Траст Корпорацияси, Давлат маблағларининг тежаб сарфланишини назорат қилиш бошқармаси, Пул муомаласи назоратчисининг баҳоловчи фонди ва Бош Тафтифчи Резолюцион Траст Корпорацияси бошқармаси харажатлари деб белгилайди.

2. Агар май ойида қабул қилинган қонун лойиҳаси жорий йилда даромадларни қисқартирса ёки харажатларни кўпайтирса, бироқ, шу билан бирга, бюджет йилида ўшанча миқдорга даромадларни кўпайтирса ва харажатларни қисқартирса, унда иккинчи йили PAYGO "орқага назар ташлаш" секвестрини қўллаш зарурати туғилмайди, чунки охир-оқибатда қонун лойиҳаси тақчилликка таъсир кўрсатмайди.

САВОЛЛАР

1. АҚШ бюджет жараёнида секвестрлаш таомили пайдо бўлишининг сабаби нимада?

2. "Бюджетни секвестрлаш" атамаси функционал нуқтаи назардан нимани англатади?

3. АҚШ Федерал бюджетини секвестрлаш биринчи марта қачон амалга оширилди?

4. АҚШ бюджетини секвестрлаш таомилини қандай 2 асосий қонун ҳужжати регламентлайди?

5. 1990 йилги ББҚ секвестрлаш жараёнига нима янгилик киритди?

6. "Авлодлар бирдамлиги" тамойилига асосланган "PAYGO" таомили нимага йўналтирилган?

7. Дискрецион харажатларга лимитлар ниманинг ҳисобига ва қандай таомиллар ёрдамида қисқаради?

8. Тақчилликнинг чекланган миқдорига ниманинг ҳисобига ва қандай таомиллар ёрдамида эришилади?

9. АҚШ Президентининг Секвестрни ўтказиш тўғрисида фармон чиқаришига нима асос бўлиб ҳисобланади?

10. ГРХ қонуни билан секвестрланадиган миқдор ҳисоб-китобининг қандай усуллари назарда тутилади?

IX БОБ.
БЮДЖЕТ АССИГНАЦИЯЛАРИНИ САНКЦИЯЛАШ ВА АЖРАТИШ МЕХАНИЗМИ

9.1. БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИ САНКЦИЯЛАШ ТАМОЙИЛИНИ ТАЙИНЛАШ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Бюджет жараёнининг мазкур босқичи Федерал бюджетни санкциялаш ва ассигнациялар ажратишга доир турли қонун лойиҳаларини қабул қилишни ўз ичига олиб, Федерал ҳукуматга маблағларни самарали сарфлаш бўйича муайян фаолиятни амалга ошириш мажбуриятини юкловчи қонун чиқарувчи бюджет жараёнининг биринчи қисми ҳисобланади.

Ушбу босқичга қадар қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти органлари тасарруфида ҳеч қандай реал маблағлар бўлмайди: Президент бюджети — фақат таклиф холос; "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллар уларни тақдим этувчи Қўмиталарга ҳеч қандай мажбурият юкламайди; Конгресснинг бюджет лойиҳаси эса пул маблағларини сарфлашни талаб қилмаган ҳолда фақат жамлама кўрсаткичларни ҳамда харажатларни функционал тоифалар бўйича миқдорларини белгилайди.

Бюджетни келишиш жараёни эса, агар у қўлланса, одатда Федерал бюджетга киритилган у ёки бу дастурни молиялаштириш даражасини қисқартиради, холос.

Бюджет жараёнини янада ойдинлаштириш учун Санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталар ўз фаолиятларини муайян вақт доирасида ва шу даражада амалга оширишлари лозимки, Конгресс ҳамда Оқ Уй уларнинг иши солиқ-бюджет сиёсатини қанчалик ҳаётга татбиқ этаётгани ва Бюджетни бошқаришга доир Қонун (ББҚ) ҳамда Конгресснинг янги бюджет лойиҳаси бўйича харажатларнинг устуворликларига қанчалик риоя қилаётганликлари хусусида ҳукм чиқара олиши керак.

Кўриб чиқилган босқич бюджет жараёнининг умумий якуни учун жуда муҳим, чунки айнан шу босқичда маблағларни сарфлаш тўғрисида аниқ қарорлар қабул қилинади. У Президентга Конгресс томонидан харажатлар тўғрисида қабул қилинаётган қарорларга бевосита таъсир ўтказиш имконини бериши жиҳатидан ҳам муҳим.

Конгресснинг бюджет лойиҳаси Президент имзосини талаб этмайди, "шарҳловчи-баҳоловчи" материаллар эса фақат ички (Конгресс учун) фойдаланишдаги ҳужжатлар ҳисобланади. Аксинча, санкциялаш ва ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳалари Маъмурий-бюджет бошқармаси томонидан расмий тартибда баҳоланиб, вето (тақиқ) қўйилиши мумкин.

Ушбу вақт давомида Президентнинг Федерал бюджет шарҳини тайёрлаши талаб этилади. Сессия ўртаси шарҳи (у 15 июлгача тақдим

этилиши шарт, лекин доим кечиктирилади[1]) умуман олганда энг сўнгги баҳолашлар ҳамда ўтган йилги харажатлар ва даромадларга доир якуний кўрсаткичларни ўз ичига олувчи Президент бюджетининг тузатилган варианти ҳисобланади.

Санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш босқичи бюджет жараёнининг аввалги босқичларидан шунисн билан фарқланадики, ушбу босқичда қабул қилинган қарорлар ҳукуматга маблағларни аниқ мақсадларга сарфлаш мажбуриятини қўяди.

Мазмун нуқтан назаридан мазкур босқич АҚШ давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатлари мажмуини ўз ичига олади.

Конгресс томонидан қабул қилинадиган ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун федерал органларга ўз зиммаларига мажбуриятлар олиш қонуний ҳуқуқини беради, Ғазна Департаментига эса белгиланган мақсадлар учун тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Ассигнациялар ажратиш ваколат бериш тўғрисидаги қонунчиликдан фарқланади. Ассигнациялар ажратиш — бюджет ваколатлари тақдим этишнинг асосий усули, бироқ у ягона усул эмас. Улардан ташқари бюджет ваколатлари баъзан мустақил қонунчилик томонидан тақдим этилиб, агентликка мажбуриятларни ўз зиммасига олиш ҳуқуқини беради.

Ассигнациялар ажратиш ҳуқуқи Конституцияда белгиланган бўлиб, унда "Ғазнадаги маблағлар қонунга кўра ажратиладиган ассигнациялар шаклидан ўзгача тарзда олинмаслиги керак" деб белгиланган. Ассигнациялар ажратиш ҳуқуқи — ҳокимиятнинг ижроия тармоғини чеклайдиган қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ташкилот унга назарда тутилган маблағдан ортиғини сарфлай олмайди. У (ташкилот) мавжуд маблағлардан фақат Конгресс белгилаган мақсадлар учун ва шартларга мувофиқ фойдаланиши мумкин. Ҳозирги шароитда ассигнациялар ажратиш Конгресс томонидан назарда тутилган фаолият учун қўлланилишининг мажбурий шарти деб ҳам қаралмоқда.

АҚШ Конституцияси ҳар йили ассигнациялар ажратишни талаб қилмайди, бироқ Биринчи Конгресс давридан буён ассигнацияларни бир молия йилига ажратиш амалиёти шаклланди. Агар қонунда ассигнациялар янада узоқ давр мобайнида ажратилиши мумкинлиги назарда тутилмаган бўлса, улар ажратилган молия йилида албатта ишлатилиши шарт. Маблағлардан фойдаланишдаги чеклашлар каби молиявий қонун ҳужжатларидаги барча қоидаларнинг амал қилиш муддати, агар Қонунда уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш назарда тутилмаган бўлса, молия йили охирида тугайди.

Федерал ҳукуматда ассигнациялар ажратиш — мажбуриятларни қабул қилиш имконини беради. Бунда, одатда, харажатлар айнан мазкур молия йилида амалга оширилиши талаб этилмайди. У бир молия йили давомида сарфланадиган ҳажмда ассигнациялар ажратиладиган давлатлар амалиётидан фарқланади. АҚШ федерал ҳукуматида кўп ҳолларда бир неча йил ўтгач ажратилган ассигнацияларни сарфлаш мажбурияти амалга оширилади.

9.2. САНКЦИЯЛАШ ВА АССИГНАЦИЯЛАР АЖРАТИШ ЖАРАЁНИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

АҚШдаги бюджетдан молиялаштириш жараёнининг моҳиятини яхшироқ англаш учун унинг юзага келиш эволюциясини диққат билан таҳлил қилиш зарур. АҚШ Конституцияси ассигнациялар ажратишнинг аниқ шаклларини белгиламаган. Конституцияга қадар қарор топган ҳамда Вакиллар Палатаси ва Сенат қоидалари билан тан олинган амалиёт ассигнациялар ажратиш қонунчиликнинг бошқа барча турларидан фарқланувчи молиявий қонунчилик шаклида амалга оширилишини назарда тутади. 9-А-намунада Вакиллар Палатасининг XXI қоидаси ҳамда Сенатнинг XVI қоидасидан кўчирма келтирилган.

Чунончи, 1974 йили қабул қилинган Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни Федерал бюджетни санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш жараёнига атиги бир нечта ўзгартиришлар киритди. У фақат Санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш қўмиталари ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун асос яратди.

1985 йили қабул қилинган Грэмм-Рудмен-Холлингс (ГРХ) қонуни қўмиталар олдига қўшимча ва янада қатъий талаблар қўйиб, ушбу асосларни мустаҳкамлади. Уларнинг кўпчилиги молия йили бошлангунга қадар қонун ҳужжатини тасдиқлаш эҳтимолини оширишга ҳамда қўмиталар учун Конгресснинг бюджет лойиҳасида кўрсатилгандан харажатларни ошириши ёки даромадларни қисқартиришига қийинчилик туғдиришга қаратилган.

1990 йили қабул қилинган "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун, асосан, дискрецион харажатларга лимитларни жорий этиб, янада қатъий чекловларни белгилади. Ушбу янгилик бюджетнинг тасдиқланган харажатлари миқдоридан ортиқ харажатларга доир қонун ҳужжатларининг қабул қилинишини янада мураккаблаштирди.

1974 йилгача Санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталар қачон ишга киришишлари лозимлиги тўғрисида йўриқномага эга эмас эдилар. Уларнинг кўпчилиги молия йили бошланишини эътиборга олмай, санкциялашга доир ҳужжатларнинг ассигнациялар ажратишга доир ҳужжатлардан аввал қабул қилиш заруратини ҳисобга олмай, ўз фаолиятларини бошқа қўмиталар фаолияти билан ке-

лишмай туриб иш юритганлар. Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни ўша давр учун қатъий ҳисобланган бир қатор охирги муддатларни жорий этиш йўли билан бирмунча тартиб ўрнатишга уринди. Бироқ ушбу охирги муддатлар ҳар йилги сиёсий эҳтиёжларга кўра мунтазам равишда бузилар ёки уларга тузатиш киритилар эди.

ГРХ амалга киритилиши билан Конгресснинг Санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталари учун эркин ҳаракат қилиш доираси анча чекланди, улар молия йилида анча илгарироқ иш бошлашга мажбур бўлдилар. Бундан ташқари, ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳалари учун иккита янги охирги муддат махсус жорий этилди. Биринчи муддат Вакиллар Палатасининг Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмитаси учун белгиланиб, у бюджет йилидаги ассигнациялар ажратишга доир барча қонун лойиҳаларини "тақдим этиши" (барча муҳокамалар, овоз беришларга якун ясаб, Вакиллар Палатасининг тўлиқ таркибига расмий тавсиянома бериши) шарт эди. Иккинчи муддат Вакиллар Палатасининг тўлиқ таркиби учун белгиланиб, у ассигнациялар ажратишга доир ўн учта йиллик қонун лойиҳаларининг ўз вариантини 30 июнгача тасдиқлаши шарт эди. Ушбу охирги муддатга амал қилинишини таъминлаш мақсадида Вакиллар Палатаси агар ассигнациялар ажратишнинг йиллик лойиҳаларига доир иш тугалланмаган бўлса, июль ойида ишлаш давомида кетма-кет уч кундан ортиқ танаффус қилишга ҳақли эмас эди.

Конгресс молия йили бошлангунига қадар ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаларини тасдиқлай олмаганда, федерал вазирлик ёки идоранинг ўз фаолиятини давом эттиришига имкон берадиган "муддати узайтирилган резолюциялар" қонун ҳужжатларига тобора боғланиб қолаётгани янги охирги муддатларни белгилашга асос бўлиб хизмат қилди. Муддати кейинга қолдирилган ассигнациялар ажратиш масаласи Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги Қонуни ҳал этиши лозим бўлган асосий муаммолардан бири эди. Бироқ ушбу қонун амал қилган давр мобайнида барча йиллик ассигнациялар ажратиш бўйича қонунлар фақат бир марта — 1976 молия йилида, янги бюджет жараёни жорий этилгандан кейинги дастлабки йилда молия йили бошлангунга қадар қабул қилинди. 1976 йилдан 1986 молия йилигача ассигнациялар ажратишни тасдиқлашдаги мунтазам кечикишлар Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни муваффақиятсизликка учради дейишга асос бўлди.

ГРХ қонуни томонидан қайта кўриб чиқилган бюджет календари тажрибаси унинг янада қатъий қонун чиқарувчи охирги муддатлари ҳам Конгрессни самаралироқ ишлашга мажбур қила олмаганини кўрсатди. Натижада 1987 ва 1988 молия йилларидаги ассигнация-

лар ажратишга доир бирорта қонун лойиҳаси ўз вақтида тасдиқланмади.

ГРХ секвестри хавфи Конгресснинг ассигнациялар ажратишни тасдиқлашни орқага суришининг асосий сабабларидан бири эди. АҚШдаги бюджетдан молиялаштириш эволюцияси жараёнини таҳлил қилиб, бунинг сабаби аён дея хулоса чиқариш мумкин. Айтайлик, 10 фоизлик ялпи қисқартириш билан ассигнациялар ажратишга доир муайян қонун лойиҳаси секвестрлашнинг охирги муддати келгунига қадар тасдиқланди. У ўша пайтда 15 октябрда тугар эди. Бошқа қўмиталар вазифаларини бажармаганликлари сабабли 10 фоизли секвестр юзага келган бўлса, натижада тасдиқланган қонун лойиҳасининг барча дастурлари бўйича 19 фоизли ялпи қисқартириш рўй берган. Бироқ ассигнация ажратиш бўйича масъул ходимлар секвестрнинг охирги муддати етиб келишини кутсалар, улар ўз ваколатлари доирасидаги дастурларга доир якуний қарор чиқаргунларига қадар секвестр юзага келишини аввалдан кўра олардилар. Бу ассигнациялар тилидаги "қўш зарба" (double hit)дан омон қолиш имконини берган.

Бироқ 1989 йилги ассигнациялар ажратишни тасдиқлаш жараёни бир қадар силлиқ кечди ҳамда харажатларга доир барча қонун лойиҳалари молия йили бошлангунига қадар қабул қилинди. Бу ишнинг нисбатан тез бажарилишига Президент Рональд Рейганнинг 1988 йил январида АҚШнинг аҳволи тўғрисида Конгрессга қилган маърузасида муддати узайтирилган лойиҳага, агар уни Конгресс тасдиқласа, вето қўйиш ҳақидаги ваъдаси асосий сабаблардан бири бўлди. Конгресс раҳбарлари Президент миллий телевидениеда сўзга чиқиб, ўтган йилги муддати узайтирилган лойиҳанинг фотонусхасини қўлига олиб (қонун лойиҳаси салмоқлироқ кўриниши учун қоғознинг фақат бир юзига нусха кўчирилган) олдига ташлаганида, унинг маҳоратидан эсанкираб қолдилар.

1988-1989 йиллар даврида мазкур жараённинг тез ёйилишининг иккинчи, анча яширин ва янада муҳим сабаби шундаки, 1987 йил ноябрида бюджет саммитида Конгресс ҳамда Оқ Уй ўртасида тегишли битим тузилган эди. Ушбу битимни ҳисобга олганда Федерал бюджетни секвестрлаш хавфи эҳтимоли оздек туюлиб, ассигнация бошқарувчиларида уларнинг қонун лойиҳалари молия йили бошлангунга қадар тасдиқланса, кейинчалик ГРХ таомиллари бўйича ҳеч қандай қўшимча қисқартиришлар рўй бермаслигига ишонч пайдо бўлди.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун ушбу жараённи икки усул билан қонунийлаштирди. Биринчидан, дискрецион харажатлар лимити жорий этилгани ва секвестр фақат бир тоифа доирасида юзага келиши мумкинлиги (ўта чекланган вазиятлар бундан мустасно) натижасига "қўш зарба" эҳтимоли минимал даражага етади.

Иккинчидан, янада муҳимроғи, секвестрнинг охирги муддати 15 октябрдан Конгресс ўз ишида танаффус эълон қилганидан 15 кун кейинги муддатга узайтирилди. Шу сабабли ассигнациялар ажратиш бўйича лойиҳаларни қабул қилишни охирги муддат етиб келгунга қадар қолдиришнинг имкони йўқ.

Янги бюджет жараёни томонидан ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталарга қўйилган бошқа чеклашлар янада муҳимроқ. Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни қабул қилингунига қадар таклиф қилинган қонун лойиҳасида ҳисоблаб чиқилган харажатлар ўта юқори эканини аниқлаш усули йўқ эди. Қонун буни аниқлаш имконини берди, бироқ Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталар Конгресснинг бюджет лойиҳасидан ўзлари таклиф қилган ҳар қандай чеклашларни изоҳлашлари ва асослаб беришлари шарт эди. Бироқ ҳозирги кунда бюджет лойиҳасида кўрсатилган миқдордан ошиш тақиқланган.

Харажатларга доир қонун лойиҳаларини Конгресснинг бюджет лойиҳаси билан аниқ таққослаш учун юқорида кўриб чиқилган 602(a)-параграфи ва 602(b)-параграфи бўйича ассигнацияларни қўллаш лозим.

Ҳар бир қўмита "тақсимланган маблағ"ни, яъни бюджет лойиҳасида чиқарилган якун асосида белгиланган харажатларнинг қатъий суммасини олади. Вакиллар Палатаси ва Сенат тақсимланган маблағни белгилашга турлича ёндашади. Вакиллар Палатаси Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталардан ташқари барча қўмиталар учун умумий бюджет ваколати, ҳимояланган дастурларга доир ваколат ва бюджет лойиҳасидан харажатларни икки тоифага бўлиш йўли билан 602(a)-параграфи бўйича тақсимланадиган маблағларини белгилайди: (1) аввалги йиллардаги қонун ҳужжатлари натижаси бўладиган сумма ва (2) шу йилдаги янги қонун ҳужжатларида назарда тутилиши лозим бўлган сумма, Ассигнациялар бўйича умумий янги бюджет ваколати, ҳимояланган дастурларга доир ваколат ва харажатлар мажбурий ҳамда дискрецион харажатлар ўртасида бўлинади. Сўнгра Ассигнациялаш қўмитаси 602(b)-параграфи бўйича ўз тақсимланган маблағларини олиш мақсадида тақсимланган маблағларни 602(a)-параграфи бўйича кичик қўмиталарга ажратади.

Сенат ўз тақсимланган маблағларини 602(a)-параграфига кўра умумий янги бюджет ваколати, бюджет лойиҳасида қабул қилинган ижтимоий суғурта бўйича харажатлар ва ажратмаларни харажат қилиш ваколатига эга бўлган ҳар бир қўмита ўртасида бўлиш йўли билан белгилайди. Сўнгра Ассигнациялар ажратиш қўмитаси ўз тақсимланган маблағларини 602(a)-параграфига кўра ўз кичик қўмиталари ўртасида бўлади. Сенатнинг қолган қўмиталари ўз тақсимлан-

ган маблағларини кичик қўмиталар ёки дастурлар бўйича ажратишни ўзлари ҳал этишлари мумкин.

Вакиллар Палатасида бюджет ваколатини тақсимлаш бўйича 602(b)-параграфини бузувчи қонун ҳужжати мажлислар залида муҳокама қилиш вақтида кўриб чиқишдан олинади. Бироқ, бундай кўриб чиқишдан олиб қўйишни Палата аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан бекор қилиш мумкин. Сенатда бюджет ваколати ёки 602(b)-параграфи тақсимланган маблағларига доир харажатларни бузувчи қонун ҳужжати кўриб чиқишдан олинади; бундай кўриб чиқишдан олишни бекор қилиш учун 60 кишидан иборат кўпчилик овоз бериши зарур.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун дискрецион харажатлар лимитлари бузилишига олиб келадиган ассигнациялар ажратишга доир ҳар қандай қонун лойиҳасига қарши чиқиш мақсадида Сенатда кўриб чиқишдан олиб қўйиш таомилини назарда тутган. Вакиллар Палатасида бунга ўхшаш кўриб чиқишдан олиб қўйиш таомили мавжуд эмас.

Шуни ёдда тутиш муҳимки, Қўшма Штатлар Конституцияси Вакиллар Палатаси ва Сенат Президентга имзолаш ёки вето қўйиш учун йўллашдан аввал ҳар жиҳатдан бир хил бўлган харажатлар тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлашларини талаб қилади. Бинобарин, Сенат учун анча қатъий чекловлар охир-оқибат Конгресснинг Вакиллар Палатасига ҳам тааллуқли бўлади. Умуман олганда, Вакиллар Палатаси харажатларга доир қонун лойиҳаларини биринчи бўлиб кўриб чиқаётганда ва тасдиқлаётганда ушбу қонун лойиҳаларига бошқарувнинг анча юмшоқроқ таомилларини қўллайди. Бироқ Конгресснинг иккала палатаси ўртасидаги конференция бўйича ҳар қандай битим Сенатнинг қатъийроқ стандартлари доирасида баҳоланиши шарт. Бу агар у тақсимланган маблағлар бўйича 602(b) параграфи бузилишига олиб келиши мумкин бўлса, Сенат харажатларга доир бирорта қонун ҳужжати, шу жумладан конференциялар ҳисоботларини ҳам кўриб чиқишга ҳақли эмаслиги билан изоҳланади. Ушбу тақиқни фақат бешдан уч қисм овоз билан бекор қилиш мумкин.

9.3. САНКЦИЯЛАШ ВА АССИГНАЦИЯЛАР АЖРАТИШ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

Мавжуд қоидалар ваколатлар бериш — ассигнациялар ажратишнинг икки босқичли жараёнини белгилайди.

Биринчи босқичда Президент ҳар йили январь ёки февраль ойида тақдим этиладиган ўз бюджетномасида ассигнациялар ажратили-

шини сўрайди. Президентнинг бюджетномасида ҳар бир ҳисобварақ бўйича жорий молия йилига ажратиладиган ассигнациялар ҳақида маълумотлар ва келгуси молия йилига таклиф қилинган матн келтирилади. Президентнинг ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги сўровномаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкилотлар Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Ассигнациялар ажратиш қўмиталарига ажратиладиган ассигнацияларга доир асосларни тақдим этадилар. Ушбу маълумотлар Президентнинг бюджетномасидан кўра анча батафсилроқ тусда бўлиб, АҚШ Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг ассигнациялар ажратиш бўйича кичик қўмиталарида Президент бюджетига доир ишни кўриш вақтида ассигнациялар ажратиш зарурати ҳақидаги масала бўйича ташкилотлар сўзга чиққанларида далил сифатида фойдаланилади.

Конгрессда ажратиладиган ассигнацияларнинг учта асосий турига доир қонун лойиҳалари қабул қилинади. Мунтазам равишда ажратиладиган ассигнациялар ташкилотларга кейинги молия йилига бюджет ваколатларини беради. Қўшимча ажратиладиган ассигнациялар мунтазам ассигнациялар етарли бўлмай қолганида ёки мунтазам ассигнациялар ажратиш вақтида назарда тутилмаган фаолиятни молиялаштириш зарурати туғилганда ташкилотларга жорий молия йилида қўшимча бюджет ваколатларини беради. Ажратилиши давом этадиган ассигнациялар молия йили бошланишига мунтазам ассигнациялар олмаган ташкилотларни бир вақтда (ёки бутун бир йилга) молиялаштиришдир. 9-Б-намунада 1990 йили Конгресс сессиясида кўриб чиқилган ажратиладиган ассигнацияларнинг турли хил турлари рўйхати келтирилган.

Вакиллар Палатасининг XXI қоидаси ва Сенатнинг XVI қоидаси фақат умумий молиявий қонун лойиҳаларига тегишли. Ушбу қоидаларни қўллаш натижасида мунтазам ассигнациялар тўғрисидаги барча қонунлар, шунингдек икки ёки ундан ортиқ ташкилот ёки мақсадни қамраб олган қўшимча ажратиладиган ассигнацияларга "ассигнациялар ажратишга доир умумий қонун лойиҳалари" сифатида қаралади. Вакиллар Палатаси ва Сенат, одатда, бир ташкилот ёки битта мақсад учун қўшимча ассигнациялар ажратиш масаласига умумий (ва давомий) қонун лойиҳалари сифатида қарамайди. Шу сабабли Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг юқорида тилга олинган қоидаларига доир чеклашлар алоҳида ассигнацияларга тегишли эмас.

Одатдаги сессияда Конгресс ассигнациялар ажратилишини назарда тутувчи ўн бешдан ортиқ ҳужжатлар устида ишлайди. Улардан ўн учтаси мунтазам ажратиладиган ассигнацияларга доир қонун лойиҳаларидир. Ушбу қонун лойиҳалари бўйича ваколат Вакиллар Па-

латаси ва Сенатнинг Ассигнациялар ажратиш қўмиталарига юклатилган, уларнинг ҳар бири 13 параллел кичик қўмиталарга ажратилган. Кичик қўмиталарнинг ҳар бир гуруҳи ваколатига мунтазам ажратиладиган ассигнациялар тўғрисидаги қонун лойиҳаларидан бири киради. Баъзан Вакиллар Палатаси ва Сенат томонидан ушбу қонун лойиҳаларининг ҳар бири алоҳида кўриб чиқилгач, Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталари уларнинг ҳаммасини ёки айримларини кўп моддали ягона қонун лойиҳасига жамлайдилар.

Одатда, Конгресс ҳар йили қўшимча ассигнациялар ажратиш бўйича бир ёки ундан ортиқ қонун лойиҳаларини қабул қилади. Сўнгги йилларда, асосан, Грэмм–Рудман–Холлингс (ГРХ) қонуни ва Конгресснинг бюджетга амал қилишга доир қоидалари билан белгиланган чеклашлар туфайли қўшимча ажратиладиган ассигнациялар миқдори ва ҳажми қисқарди. Табиий офатлар каби фавқулодда вазиятлар сабабли юзага келадиган айрим қўшимча харажатлар бир мақсад учун қўшимча ассигнациялар ҳисобланади. Бироқ сессия давомида қабул қилинган қўшимча ассигнациялардан камида биттаси фаолиятнинг кўпгина турларини қамраб олиши ҳам эҳтимол.

Ассигнациялар ажратиш жараёнида узлуксиз такрорланадиган узилишлар оқибатида Конгресс ҳар йили, одатда, ажратилиши давом этадиган ассигнациялар ажратиш тўғрисида бир ёки ундан ортиқ қонун лойиҳаларини қабул қилади. Ушбу тадбирлар қамрови ва амал қилиш муддати мунтазам ажратиладиган ассигнацияларга доир қонун лойиҳалари мақоми ҳамда Президент ва Конгресс ўртасидаги бюджет зиддиятлари даражасига боғлиқ бўлади. Баъзи йилларда ажратилиши қатъий давом этадиган ассигнациялар доимий ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги кўп моддали қонун лойиҳаси билан алмаштирилган.

Конгресс баъзан молиявий қонун лойиҳалари шаклидан кўра кўпроқ мустақил қонун ҳужжатлари (ваколатли қўмита томонидан таклиф этиладиган) кўринишида ассигнациялар ажратади. Бу, одатда, Конгресс томонидан муайян жорий қарорларни қабул қилмай, ҳар йили ажратиш имкони яратиладиган доимий ажратиладиган ассигнацияларга тегишли. Доимий ажратиладиган ассигнацияларнинг ўсиши (масалан, ижтимоий таъминотнинг траст жамғармалари ва давлат қарзи бўйича фоизлар) муносабати билан ҳар йили мавжуд бўладиган бюджет ваколатларининг қарийиб ярмигина Ассигнациялар ажратиш қўмиталарининг ваколатларига киради. Бундан ташқари, ҳар йили ажратиладиган ассигнациялар тўғрисидаги қонунларга кўра тақдим этиладиган бюджет ваколатларининг салмоқли улуши

мажбурий ҳисобланади (булар асосан доимий тўловлардир). Ассигнациялар ажратиш қўмиталари бюджетнинг ҳар йилги бюджет ваколатларининг ярмидан кам қисмини сарфлашга қарорлар қабул қиладилар.

Ассигнациялар ажратиш жараёни Вакиллар Палатасида бошланади. Ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳалари илгаридан палата аъзоси томонидан киритилмай, Вакиллар Палатасининг Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади. Молиявий қонун лойиҳалари қўмита томонидан тақдим этиш учун тайёр бўлмагунига қадар Вакиллар Палатасининг рақамларига ёки Вакиллар Палатасининг қўшма резолюциясига эга бўлмайди, шунингдек уларни шу пайтгача маълумотларнинг қонуний базасида кузатиб бўлмайди. 9-В-намунада Вакиллар Палатаси ва Сенат томонидан Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонуннинг тайёрланиш чизмаси кўрсатилган.

Бутун қўмита қонун лойиҳаси тўғрисида қарор қабул қилгунича, у тегишли ассигнациялар бўйича кичик қўмиталар томонидан кўриб чиқилади. Вакиллар Палатасининг кичик қўмиталари анъанага кўра Президентнинг бюджетномаси тақдим этилгач тез орада ассигнациялар ажратишга оид буюртмалар бўйича узлуксиз равишда ишларни кўрадилар. Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонунларни кўриб чиқиш вақтида турли қўмиталар 1990 йил бюджетига амал қилиш тўғрисидаги қонунда белгиланган дискрецион харажатлар лимитларига ҳамда Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 302 ёки 602-бўлимига мувофиқ унинг томонидан қилинган тақсимлашларга риоя қиладилар. Дискрецион харажатлар лимитлари 1991–1993 молия йилларига бюджет ваколатлари ва учта тоифа (мудофаа, халқаро ва ички харажатлар) бўйича харажатлар ҳамда 1994–1995 йиллар учун барча бюджет ваколатлари ва харажатлар бўйича чеклашларни белгилайди. Дискрецион харажатлар Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталар ваколатида бўлгани туфайли охирги муддатлар суммага чеклашлар белгилайди. Уни ушбу қўмиталар ассигнациялар ажратишга доир ҳар йилги қонун лойиҳаларида тақдим эта оладилар.

Ассигнацияларни ажратиш вақтида Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонунининг 302 ёки 602-бўлимига мувофиқ бюджет лойиҳаси қабул қилингач, доллар лимитлари ҳам белгиланади. Ушбу жараёнга мувофиқ Ассигнациялар ажратиш қўмиталари тақсимланадиган маблағларнинг умумий ҳажмларини олиб, уларни ўзларининг 13 кичик қўмиталари ўртасида бўладилар. Ассигнациялар ажратиш тўғрисида қонун лойиҳаси киритилганда унда қайд этилган

сарфланадиган маблағлар суммаси тегишли кичик қўмиталар тақсимлаган маблағлар билан солиштирилади.

Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги масала устида ишлаётган кичик қўмиталар агентликлар раҳбарияти томонидан ўз бюджет буюртмаларини ҳимоя қиладиган ишларни кўриб чиқиш муносабати билан тақдим этилган сўралаётган ассигнацияларни жуда диққат билан ўрганиб чиқадилар. Асословчи материал алоҳида лойиҳалар, фаолият турлари ва моддаларни ўз ичига олган талабномадир. Ушбу материалларнинг форматлари (ассигнациялар ажратишга оид ишларни кўриб чиқишда нашр этилади) кичик қўмиталарга кўра турлича бўлсада, агентликлар, одатда, келгуси молия йилига сўралаётган суммани жорий йилга тақдим этилган сумма билан солиштирадилар. 9-Г-намунада кўрсатилганидек асос икки йил ўртасидаги харажатлардаги ўзгаришларга қаратилади.

Умуман олганда, кичик қўмиталар етарлича эътиборга эга бўлиб, одатда Ассигнациялар ажратиш қўмитаси ишни кўриш учун тайёрланган қонун лойиҳасини катта ўзгартишлар киритмай қабул қилади. Кичик қўмиталарда мажлислар залидаги тақдимот маросими учун қонун лойиҳасига илова қилинадиган ва Конгресс кўзлаган мақсадларни белгилашда муҳим аҳамият касб этадиган мавжуд қонунчиликнинг таҳлилини қамраб олган маъруза лойиҳаси ишлаб чиқилади.

9-Д-намунада Вакиллар Палатасининг ассигнациялар ажратиш ишидаги асосий босқичларн белгиланган. Ассигнациялар ажратишга доир умумий қонун лойиҳалари мажлисларда кўриб чиқилиши сабабли улар Қоидалар бўйича қўмитадан ўтишда аввалдан "махсус рухсатнома" олмай Вакиллар Палатасига киритилиши мумкин. Шунга қарамай, ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаларининг кўпчилиги бир ёки ундан ортиқ доимий қоидаларни эътиборга олмай (масалан, рухсат этилмаган ассигнациялар ажратилишини тасдиқловчи қоида). Вакиллар Палатасига келиб тушади (лойиҳалар кўрнишида). Палата аввалига махсус қоидани қабул қилиб (9-Е-намунага қаранг), сўнгра ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилади.

Вакиллар Палатасида ассигнациялар ажратиш масалалари кўриб чиқилаётганда унга қонун лойиҳасидаги бюджет ваколатлари ва харажатлар ҳамда 302(в)-бўлимига (ёки 602(б)-бўлимига) мувофиқ маблағларнинг тегишлича қайта тақсимланишининг солиштирма таҳлили тақдим этилади. 9-Ж-намунада шундай солиштирмалардан бири келтириб ўтилган. Вакиллар Палатаси Оқ Уй ёки Маъмурий-бюджет бошқармаси томонидан кўтарилган барча масалалар ҳақида хабардор қилинади. Хабарнома Маъмурий сиёсат тўғрисидаги ариза

шаклида бўлади. Ушбу ҳужжат ассигнациялар ажратишни кўриб чиқиш жараёнида ажратиладиган ассигнациялар бўйича маъмурият тутган ўрнини акс эттиради. Маъмурий сиёсат тўғрисидаги ариза анъанага кўра Конгресс томонидан қарор қабул қилинишининг олтита босқичида чиқарилади: (1) Вакиллар Палатасининг ассигнациялар бўйича кичик қўмитаси қарори; (2) Вакиллар Палатасининг Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмитаси баҳоси; (3) Вакиллар Палатаси мажлисидаги қарор; (4) Сенатнинг ассигнациялар бўйича кичик қўмитаси қарори; (5) Сенатнинг Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмитаси баҳоси; (6) Сенат мажлисининг қарори. Маъмурий сиёсат тўғрисидаги ариза конференция иши давомида ҳам тайёрланиши мумкин. Маъмурий сиёсат тўғрисидаги ариза маъмурият рози бўлмаган ассигнацияларга доир энг сўнгги қонун лойиҳасининг бандларига алоҳида аҳамият беради. Маъмурий сиёсат тўғрисидаги аризадан кўчирмалар 9-З-намунада келтирилган.

Сенат, одатда, Вакиллар Палатасида тингланганидан кейин ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаларини кўриб чиқади. 9-И-намунада Сенатнинг қандай иш кўриши изчиллиги кўрсатилган. Сенатнинг ассигнацияларга доир кичик қўмиталарида ишлар Вакиллар Палатаси қўмиталаридагидек узлуксиз равишда кўрилмайди. Сенат (қўмита ёки мажлисда) Вакиллар паталаси томонидан киритилган ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳасига ўзгартиришлар киритса, у бирма-бир рақамланган ўзгартиш ва қўшимчалар киритган ҳолда иш кўради (9-К-намунага қаранг). Конференцияда иккала палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасидаги четга чиқишларни бартараф этиш мақсадида ҳар бир рақамланган ўзгартиш ёки қўшимча алоҳида кўриб чиқилади (9-Л-мисолга қаранг). Вакиллар Палатаси ва Сенат рақамланган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича келишилган қарорларни қабул қилмагунларича Конгресснинг лойиҳага оид қарори узил-кесил деб ҳисобланмайди.

Давомли (узлуксиз) ассигнациялар.

Сўнгги ўн йиллик давомида узлуксиз ассигнациялар (кўпинча узлуксиз резолюциялар деб аталади) ажратишга доир қонунларнинг лойиҳалари муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг ҳажми ўтган ўн йилликлардагига нисбатан анча кенгайди. Баъзи йилларда Узлуксиз ассигнацияларга доир асосий қонунлар ўша йилдаги Доимий ассигнацияларга доир барча қонунлардан устун турган. Бундан ташқари, узлуксиз ассигнацияларга доир айрим резолюциялар бутун молия йилига фондлар тақдим этган, бу доимий ассигнацияларга доир қонун лойиҳалари қабул қилингунча оралиқ даврда молиялаштиришдан афзалроқ бўлган. У қабул қилинганда узлуксиз ассигнациялар ажра-

тишга доир резолюция ҳаммасини ўз ичига оладиган молия йилига ассигнациялар ажратишга доир қонунга айланади. 9-М-намунада шундай узлуксиз резолюциянинг бир қисми келтирилган.

Бу узлуксиз ассигнациялар характеридаги иккита бошқа ўзгаришга олиб келди. Биринчидан, ушбу чоралар кўпинча "узлуксиз ставка"дан фарқланувчи даражаларда молиялаштирилади. Узлуксиз ассигнациялашга доир охирги резолюцияларнинг айримлари Доимий ассигнацияларга доир қонунларнинг тўлиқ матнини ўз ичига олган ёхуд Вакиллар Палатаси ёки Сенат томонидан қабул қилинган ёки мажлисда келишилган версияга ҳавола қилиб, ушбу қонунларни ўз ичига олган. Баъзи резолюцияларда Доимий ассигнациялар тўғрисидаги қонунларда қилинганидек маълум дастурлар ёки ҳисобварақлар учун муайян суммалар кўрсатилган. Иккинчидан, узлуксиз ассигнацияларга доир мунтазам резолюциялардан мустақил қонун ҳужжатларини қабул қилиш учун кенг фойдаланилган. Бу имконият қисман ушбу резолюциялар Вакиллар Палатасида ассигнациялар ажратишга доир умумий қонун лойиҳалари сифатида кўриб чиқилмагани далилига асосланади (шу сабабли ассигнациялар ажратиш ва бюджет ваколатлари беришга доир қонун ҳужжатларини алоҳида қабул қилиш тўғрисидаги талаб уларга тааллуқли эмас). Ассигнациялар ўз вақтида ажратилмаса ҳукумат органлари ўз фаолиятларини тўхтатиб туришга мажбур бўлишлари хавфи бўлган сессия охирида ушбу қонунларни кўриб чиқиш тартиби мустақил қонунчиликни ҳаракатлантирувчи куч сифатида узлуксиз резолюциялардан фойдаланишни талаб қилади.

Ассигнациялар ҳукумат (давлат) муассасаларининг фаолиятлари давом этиши учун жуда муҳимдир. Ушбу органлар ўз фаолиятлари жараёнида нафақат сарф-харажат учун қанча маблағлари борлигини, балки ушбу маблағлар нималарга сарфланиши ҳақида йўриқномалар ва маблағлардан фойдаланишга оид қандайдир чеклашлар бор-йўқлигини ҳам билишлари шарт. Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун матни муайян йўналишларни белгиласада, бироқ улар давлат муассасаларида юзага келадиган барча масалаларни ёритадиган даражада батафсил эмас. Қонунни кўриб чиқишдан ташқари муассаса унинг бюджет буюртмасини асослаш сифатида тақдим этиладиган қўшимча материал, шунингдек Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталарнинг тегишли шарҳларини ўрганиб чиқиши лозим.

Доимий ажратиладиган ассигнациялар тўғрисидаги қонунлар бир қатор хусусиятларга эга. Улар ассигнациялар ажратиладиган молия йилини белгиловчи қарор чиқарувчи банд, ҳар бир ҳисобварақ бўйича ассигнациялар рўйхати, жумладан, уларга илова қилинадиган қондалар ва умумий қондаларни ўз ичига олади. Ушбу тавсифномалардан айримлари 9-Н, 9-О ва 9-П-намуналарда кўрсатилган.

Ажратиладиган ассигнацияларнинг асосий бирлиги — ҳисобварақдир. Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонунда ягона рақамланмаган параграф битта ҳисобварақни ўз ичига олади, агар матн уларга атайин кенгроқ миқёс бермаса, ушбу параграфнинг барча қондалари фақат шу ҳисобварақка тегишли бўлиб, бошқа ҳеч қандай ҳисобварақка кирмайди. Ушбу параграфда қабул қилинган маблағлардан фойдаланишни чекловчи ҳар қандай қоида фақат шу ҳисобварақдаги чеклаш ҳисобланади.

Йиллар давомида ажратилган ассигнациялар нисбатан кўп бўлмаган ҳисобварақларга жамланган. Давлат ташкилоти учун барча операцион харажатлар учун битта ҳисобварақ ва қурилиш каби бошқа мақсадлар учун қўшимча ҳисобварақларга эга бўлиш хосдир. Тегишли ассигнациялар мавжуд ҳисобварақларнинг катта қисми бир қатор фаолият турлари ёки лойиҳаларни ўз ичига олади. Ассигнациялар баъзан муайян мақсадли фаолият турларига ҳисобварақдаги аниқ суммалар билан белгиланади. Бироқ анъанавий амалиётда бошқа манбалар бўйича (асосан қонун лойиҳасига илова қилинадиган қўмита шарҳларида) фаолиятнинг ҳар бир тури учун мўлжалланган суммаларга оид батафсил ахборот тақдим этилади.

Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги ҳар бир қонун лойиҳаси ҳар бир ҳисобварақ бўйича мустақил чеклашлардан (ва бошқа қоидалардан) ташқари бобдаги ёки бутун қонун доирасидаги барча ҳисобварақларга тааллуқли "умумий қоидалар"га эга. Ушбу умумий қоидалар, одатда, боб ёки Қонуннинг охиридаги рақамланган бўлимлардир.

Ассигнацияларни оддий ажратиш бир молия йилида амалга оширилади — маблағлар улар тақдим этилган молия йили давомида албатта ўзлаштирилиши шарт; агар улардан фойдаланилмаса, уларнинг амал қилиш муддати шу йилнинг охирига келиб тугайди. Маблағлар ажратишнинг муддати тилга олинмаган ассигнациялар бир йилга ажратилган ассигнациялар ҳисобланади. Конгресс ҳам вақт чегараларини аниқлаштирмай, маблағлар сарфлангунича мавжуд бўлишини назарда тутиб, ассигнациялар ажратади. Белгиланмаган муддатга ажратилган ассигнациялар, агар улар бўйича мажбуриятлар қабул қилинмаса, келгуси йилларга ўтказилади. Конгресс баъзан кўп йиллик ассигнациялар ажратади, бу маблағлардан икки ёки ундан ортиқ молия йили давомида фойдаланишни билдиради. 9-Р-намунада турли муддатларда фойдаланаладиган ассигнацияларга мисол келтирилган.

Ассигнациялар тўғрисидаги қонунлар ҳам махсус вазифаларга жавоб берадиган бошқа қоидалардан таркиб топган. Улар шартнома ваколатларига мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларни бекор қи-

либ (тўлаб), аввалги йилларда тақдим этилган маблағларни қайта тақсимлайдиган, маблағларни бир ҳисобварақдан бошқасига ўтказадиган, маблағларни бекор қиладиган (ёки муддати ўтказилган маблағларни озод этадиган); ёки доимий ассигнациялар ажратишда қабул қилиниши мумкин бўлган мажбуриятлар суммаси бўйича энг юқори меъёрни белгилайдиган, бевосита ёки кафолатланган кредитлар суммасига ёхуд молия йили давомида амалга оширилиши мумкин бўлган маъмурий харажатлар суммасига чегара белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олади. 9-С-намунада тақдим этилаётган ресурслар суммасига чеклашлар белгилайдиган Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонунлардаги қоидаларга мисоллар келтирилган.

Ассигнациялар тўғрисидаги қонунлар маблағлар ажратишдан ташқари кўпинча ҳукумат муассасаларига доир талайгина чеклашлардан иборат бўлади. Вакиллар Палатаси ва Сенатнинг қоидаларига кўра муайян чеклашлар (уларга мисоллар 9-Т-намунада келтирилган) Ассигнациялар ажратишга доир қонунларга киритилиши мумкин.

Аввалги бобда ассигнациялар Ваколатлар тақдим этувчи қонун (ВТҚ) қоидалари ва шартларига мувофиқ сарфланиши шартлиги қайд этилганди. Нафақат Ассигнациялар ажратишга доир қонунлар ва қонунчилик тарихини кўриб чиқиш, шунингдек тегишли қонунчиликни ўрганиб чиқиш зарур. Кўп ҳолларда ВТҚ ҳамда ассигнацияларни ажратишга доир қонунчилик ўртасидаги муносабатлар тўғри бўлади, бироқ баъзида иккала қонун бир-бирига зид келади ёки ВТҚ қўлланилмайди. Ассигнациялар ажратишга оид қонун лойиҳаси бўйича шарҳ мустақил қонунчиликда белгиланганига қараганда харажатларнинг бирмунча бошқача тузилганини кўрсатганда айниқса катта қийинчиликлар юзага келади.

Қонунларнинг иккала гуруҳи ўртасидаги низони ҳал қилаётганда ифодаланган фикрдаги арзимас тафовутлар юридик нуқтаи назардан анчагина фарқланиши мумкинлигини эътиборга олиш зарур. Шу сабабли ВТҚ ҳамда Ассигнациялар ажратишга доир қонунларнинг ҳақиқий матнини ўрганмай туриб ажратилган маблағлар қандай сарфланиши кераклиги ҳақида хулоса чиқармаслик лозим.

Ассигнациялар ҳисобварақлари кўпинча кўпгина фаолият турларини қамраб олсада, ҳар бир агентлик бюджет асосларини батафсил очган ҳолда ҳисобварақдаги маблағлар суммасига оид маълумотларни қўшимча равишда тақдим этади. Агентликлар харажатларнинг батафсил режаларига нисбатан аниқ харажатларни ўзгартириш масаласида эркин бўлсаларда, Ассигнациялар ажратиш қўмиталари агентликлар амалий талабларга жавоб берадиган даражада ўз асосларига риоя этишларини кутадилар. Агентлик бир ҳисобварақдаги маблағларни бир дастурдан бошқасига ўтказса, бу қайта дастурлаштириш

таомилларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Унча аҳамиятли бўлмаган ўзгартиришлар норасмий ёки бир томонлама тартибда агентликнинг ўзи томонидан ўтказилади, бироқ, шунга қарамай Конгресс агентликларни иложи борича уларнинг бюджет асосларида белгиланган харажатлар таркиби доирасида ушлаб туришга интилиши ёрқин кўзга ташланади.

9.4. БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИ САНКЦИЯЛАШ ВА АССИГНАЦИЯЛАР АЖРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎМИТАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Санкциялаш ва ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталар ўз қонун лойиҳаларига илова қилинадиган шарҳларга алоҳида бюджет маълумотини киритишлари шарт. Янги бюджет ваколати ёки харажатларни назарда тутувчи қонун лойиҳаси (Вакиллар Палатаси ёки Сенатда бўлишидан қатъи назар) ёхуд янги ёки оширилган солиқ харажатларини назарда тутувчи қонун лойиҳасига илова қилинган шарҳда қуйидагилар бўлиши керак:

Қонун лойиҳаси тақсимлаш тўғрисидаги 602(в)-параграфга қанчалик мувофиқлиги ҳақидаги баҳо;

Конгресс Бюджет бошқармасининг қонун лойиҳаси кейинги беш йилда бюджет харажатлари, харажат ваколатлари ва даромадлар даражасига қандай таъсир кўрсатиши тўғрисидаги прогнози;

Конгресс Бюджет бошқармасининг Қўшма Штатлар Ҳукуматлари ва маҳаллий ҳокимият органлари учун қонун лойиҳасининг қийматига берган баҳоси.

Бюджет бўйича қўмиталар мажбуриятига ўзларининг тегишли палаталарига харажатлар бўйича ҳар бир қонун лойиҳаси 602(в)-параграфидаги тақсимлашларга қанчалик мувофиқлигини хабар қилиш киради. Бюджет бўйича қўмиталар кўпинча қонун лойиҳаси мажлислар залида муҳокамага қўйилишидан анча илгари музокаралар ўтказиб, одатда, норасмий тарзда ушбу тақсимлашларга эришади. Агар бундай музокаралар иш бермаса, Бюджет бўйича қўмиталар қонун лойиҳаларини мажлислар залида кўриб чиқиш оқибатларини тушунтиришга уриниб, расман иш кўрадилар. Бироқ Бюджет бўйича қўмиталарнинг бу ишни бажариши мушкул эди, сабаби улар фақат ортиқча харажатлар масалалари бўйича ўз тегишли палаталарига маслаҳат бера олишлари мумкин эди. Шу тариқа ишни кўриб чиқишдан олиб қўйиш хавфи Бюджет бўйича қўмиталарга харажатлар даражасига муайян таъсир ўтказиш имконини беради.

Қисман бюджет қўмиталари ва умуман Конгресс қонун чиқариш жараёнида Конгресснинг Бюджет бошқармаси томонидан тақдим этилган харажатларга доир баҳолашлардан фойдаланишлари керак.

Бироқ, "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонун Маъмурий бюджет бошқармаси ассигнацияларга доир ҳар қандай қонун лойиҳаси тасдиқланганидан кейин беш кун ичида харажатларга ўз шахсий баҳосини тақдим этишини талаб қилади. МББнинг бу баҳолаши қонун лойиҳаси ББҚ дискрецион харажатлар лимитининг бузилишига сабаб бўлган-бўлмаганини аниқлаш ва бинобарин, секвестр керакми деган саволга жавоб бериш учун қўлланилиши шарт.

Бундай ёндашув МББ ва Оқ Уйга ассигнациялар қабул қилиш жараёнига қўшимча таъсир ўтказиш учун улкан имкониятлар беради. ББҚ қабул қилингунича уларда бундай таъсир ўтказиш кучи йўқ эди. Эндиликда, масалан, МББ кейинчалик харажатларга берилган баҳони тақдим этиш учун қонун лойиҳаси тасдиқланишини кутиши шарт эмас. Баҳони аввалдан эълон қилиш ассигнацияларни тақсимлашга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳатто агар Конгресснинг Бюджет бошқармаси ассигнациялар ажратиш дискрецион харажатлар лимитларининг бузилишига олиб келмайди, деб таъкидласа ҳам, МББнинг олдиндан бунинг аксини белгилаши Конгрессни Президент Маъмуриятига қўл келиши учун қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқишга мажбур қилиши мумкин. Шу тариқа бу фаолият юритувчи маъмуриятга Президент ветоси билан қўрқитишдан бошқача усуллар ёрдамида ассигнациялар қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказиш имконини бериши мумкин.

Секвестр билан қўрқитиш қанчалик ажабланарли бўлмасин, вето билан қўрқитишдан кўра Президент қўлида анча самарали дастак бўлиши мумкин. Буни бир нечта сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, Оқ Уй илгари қила олганидан кўра анча аввал қонун чиқариш жараёнига аралашиши мумкин. Бу у илгари муҳим ўринлар эгаллашига имкони бўлмаган Конгрессдаги лойиҳаларни қонун чиқариш учун ишлаб чиқиш ва кўриб чиқишга доир сессияларга киришига, шунингдек бошқа тадбирларида қатнашишига йўл очади.

Иккинчидан, Президентнинг қонун лойиҳасига вето қўйишига тўғри келмайди, шу тариқа у мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилинишидан манфаатдор бўлган бирон-бир сиёсий гуруҳга қарши курашмаслиги мумкин. Эндиликда Президент қонун лойиҳасини фақат имзоласа бас; агар Конгресс ББҚ билан боғлиқ муаммони ҳал қила олмаса, вақт ўтгач шу йилиёқ секвестрни қўллай олади. Бу эндиликда Конгресс овоз берувчи сайловчиларнинг норозилигига сабабчи бўлиб, ўзини хатарга қўяётганини билдиради.

Учинчидан, харажатларни баҳолаш Маъмурият томонидан сиёсий эмас, балки техник жараён сифатида талқин қилиниши мумкин. Бу Президент тутган фикрни кучайтиради, чунки у зарурат туғилган-

да Оқ Уй сиёсат ўйинини ўйнамай, энг яхши услубиятни қўллашга уринаётганини тасдиқлай олади.

Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмитанинг шарҳлари

Ассигнациялар ажратишга доир турли тадбирларга илова қилинувчи шарҳларда маблағлар қандай сарфланиши кераклиги тўғрисидаги батафсил маълумот, шунингдек, бошқа йўриқнома ва қўлланмалар келтирилади (9-У ва 9-Ф-намуналарга қаранг). Агентликлар, одатда, Конгресс томонидан ажратиладиган маблағларни сарфлаш масаласида шарҳ қоидаларига риоя этадилар.

Ассигнациялар тўғрисидаги шарҳлар харажатларнинг ҳар бир моддасини шарҳламайди. Шарҳда Ассигнациялар ажратишга доир қўмита, мисол учун, қандайдир аниқ дастурга Президент сўраганидан кўра кўпроқ ёки камроқ пул сарфлашни афзал билганда ёки қўмита қандайдир аниқ лойиҳа ёхуд фаолият учун мақсадли йўналтириш билан маблағлар ажратиш истагини билдирганда алоҳида бандлар шарҳланади. Қўмита томонидан қандайдир белгиланган банд тилга олинса, агентлик йўриқномага амал қилишини ишонч билан кутиш мумкин. Сўнгги йилларда ушбу йўриқномалар анча кўпайиб, аниқ тус олмоқда.

9.5. АССИГНАЦИЯЛАРГА ДОИР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН РЕЗОЛЮЦИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Конгресс ва Президент молия йили бошига ассигнацияларга доир ўн учта қонун лойиҳаларидан бирини қабул қила олмаганларида ёки буни истамаганларида, одатда, "муддати узайтирилган резолюция"ни қабул қиладилар. Бу идора, муассаса ёки дастурнинг фаолиятини давом эттиришга имкон берувчи ўзига хос муваққат қонундир. Агар аввалги муддати узайтирилган резолюция тугай деб қолган, ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаси эса ҳали тасдиқланмаган ҳолда ҳам муддати узайтирилган резолюция қўл келиши мумкин.

Қуйидагилар муддати узайтирилган резолюция қўлланишига энг кўп тарқалган сабаблардир:

1) Конгресс ўз ишини тугатиш учун етарли вақтга эга бўлмайди;

2) Вакиллар Палатаси ва Сенат ассигнациялар ажратишга доир конференция ҳисоботи юзасидан муросага эриша олмайди;

3) Конгресс бекор қила олмаган ёки бекор қилишни истамаган ассигнацияга Президент вето қўяди.

1995 йилда юқорида тилга олинган барча сабаблар тез-тез юзага келиб, Федерал ҳукуматнинг кўпгина операциялари ўн учта муддати узайтирилган резолюцияларга асосланган. 1996 йилда 1997 молия йи-

лига ассигнациялар ажратишга доир ўн учта қонун лойиҳасининг фақат еттитаси молия йили бошлангунча тасдиқланган.

Муддати узайтирилган резолюциялар, одатда, қўшма қарорлар кўринишида қабул қилинади. Бу улар Вакиллар Палатаси ва Сенат томонидан бир хил шаклда қабул қилиниб, сўнгра Президент томонидан имзоланиши кераклигини англатади. Имзолангандан кейин муддати узайтирилган резолюция жамоат ҳуқуқининг бир қисмига айланади.

Барча бюджет резолюциялари таркибида иккита асосий компонент мавжуд.

Биринчиси. Улар, одатда, чекланган вақт мобайнида давом этиб, бу давр ичида ассигнациялар ажратишга доир доимий қонун лойиҳаси тасдиқланиши керак. Муддати узайтирилган резолюциянинг амал қилиш муддати бутун молия йили давомида кучини сақлаган ҳолларда у идора, муассаса ёки дастур учун Ассигнациялар ажратишга доир доимий қонун ролини бажарган. Ассигнациялар ажратишга доир доимий қонун ҳужжати қабул қилингач, муддати узайтирилган резолюциянинг унга алоқадор қоидалари ўз-ўзидан "бекор қилинади", яъни доимий ҳужжат қоидалари томонидан сиқиб чиқарилади. Ҳатто муддати узайтирилган резолюциянинг амал қилиш муддати тугамаган ҳолда ҳам бу юз беради. Муддати узайтирилган резолюция мавжудлигининг охирги муддати ҳозиргача тасдиқланмаган ассигнациялар ажратишга доир бошқа доимий қонун лойиҳаларига нисбатан уни қўллаш даври билан белгиланади.

Иккинчиси. Муддати узайтирилган резолюциялар кўпинча амалда сарфланиши лозим бўлган маблағларнинг ҳажми ва таркибини белгиламайди, бироқ улар бошқа қонун ҳужжатлари бўйича Конгресс фаолиятига мувофиқлаштирилган "операциялар нормаси" (яъни муайян қоидалар тўплами)ни ўз ичига олади. Кўпгина эҳтимолий нормалар орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Вакиллар Палатаси ёки Сенат томонидан қабул қилинган келгуси молия йилига ассигнациялар ажратишга доир қонун ҳужжати амалга кирса, ассигнациялар сифатида ажратиладиган сумма;

Вакиллар Палатаси ёки Сенат томонидан кўриб чиқилаётган ёхуд қабул қилинган ассигнациялар ажратишга доир дастурга бериладиган суммалардан кам;

Ҳали Президент томонидан имзоланмаган ассигнациялар бўйича конференция ҳисоботида кўрсатилган сумма;

Устуворлигига кўра қайси бири қуйироқлигига қараб жорий норма ёки Президентнинг бюджет сўровномаси.

Юқорида келтириб ўтилган рўйхат муддати узайтирилган резо-

люция назарда тутган қандайдир дастурга бюджет ассигнациялари суммасини белгилаш учун битта ёки ундан ортиқ ҳужжатларга мурожаат қилиш зарурлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Бир қатор йиллар давомида муддати узайтирилган резолюциялар ҳар бир дастур бўйича алоҳида ажратиладиган маблағларни ўз ичига олган. Уларнинг амал қилиш муддати молия йили охиригача давом этиб, аслида муддати узайтирилган резолюцияни у қамраб оладиган идоралар ёки муассасалар учун ассигнациялар ажратишга доир умумий қонун лойиҳасига айлантирган. Хусусан, 1996 йилда бундай ёндашув амалга оширилиб, ўшанда Конгресс муддати узайтирилган резолюция ўрнига ҳар бири алоҳида ҳолда ҳали тасдиқланмаган ассигнациялар ажратишга доир олтита алоҳида қонун лойиҳаларининг матнини ўз ичига олган "умумий ассигнациялар"ни тасдиқлаган.

9.6. "БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШДАГИ УЗИЛИШЛАР"НИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ МУАММОСИ

Муайян ассигнациянинг амал қилиш муддати янги ассигнация ёки муддати узайтирилган резолюцияни қабул қилишга улгурмасларидан олдин тугаса, "молиялаштиришдаги узилиш" рўй беради. Масалан, 1998 молия йилига биринчи муддати узайтирилган резолюциянинг муддати сешанба куни, 14 ноябрда тугайди, кейинги муддати узайтирилган резолюция эса якшанба, 19 ноябргача имзоланмади. Бинобарин, молиялаштиришда олти кунлик узилиш рўй берди. Ушбу олти кунлик даврнинг бир қисми дам олиш кунларига тўғри келгани сабабли Федерал ҳукумат фаолиятидаги бошланғич узилиш нисбатан катта бўлмади. Бироқ, 16, 17 ва 18 ноябрда федерал фаолият тўхтаб қолди.

Молиялаштиришдаги иккинчи ва янада катта узилиш 1995 йилнинг 15 декабридан 1996 йилнинг 6 январигача давом этган. Бу даврда иккинчи муддати узайтирилган резолюциянинг амал қилиш муддати тугаб, кўпгина бюджет масалалари бўйича Оқ Уй билан зиддиятлар юзага келгани сабабли Конгресс бошқа муддати узайтирилган резолюцияни қабул қилмасликка қарор қилди.

Бироқ, бунда шундай муаммо юзага келади: молиялаштиришдаги узилиш қанча давом этганда Федерал ҳукуматнинг фаолияти тўхтатилади, қайсинисида эса тўхтатилмайди? Ушбу мураккаб саволга шу пайтгача ҳеч қандай қонуний кўрсатма берилмаган. Конгресс узилиш даврида қайси идора ва муассасаларнинг фаолиятларини давом эттиришлари мумкинлигини, қайсилари эса ишни тўхтатишлари ло-

зимлигини тушунтирадиган қонун ҳужжатини ҳеч қачон қабул қилмаган.

Молиялаштиришдаги узилишни айрим мутахассислар кўпинча Федерал Ҳукуматнинг "бекор туриб қолиши" деб атайдилар. Бироқ бу мазкур вазиятга унча тўғри келмайдиган атама, чунки ҳатто ассигнацияларга доир ўн учта доимий йиллик қонун лойиҳаларидан биронтаси қабул қилинмаслиги ҳам Федерал ҳукуматнинг бўлинмалари ва кўпгина дастурлар фаолият юритишда давом этади.

Адлия вазири ва Бош прокурор Бенжамин Сивилеттининг 1981 йилда нашр этилган хулосасига кўра бундай дастурларнинг бир нечта тоифалари мавжуд.

1. Кўп йиллик ва чекланмаган ассигнациялар билан қопланадиган дастурлар фаолият юритишда давом этади. Ижтимоий таъминот бунга энг яхши мисол бўла олади. Бошқа кўпгина ҳимояланган дастурлар сингари ижтимоий таъминот молиялаштиришдаги узилиш таъсирига тушмайдиган доимий, чекланмаган ассигнациялар билан молиялаштирилади. Шу сабабдан ижтимоий таъминотга оид чекларни жўнатиш давом этаверади.

Бинобарин, ижтимоий таъминот муассасаларининг ҳисобварақларига тўловлар, жумладан, ушбу операцияларни бажариш учун зарур бўлган ходимларнинг иш ҳақи тўлаш учун ҳар қандай харажатлар ассигнациялар ажратиш бўйича қонун ҳужжати ёки Ижтимоий таъминот бошқармасини қамраб оладиган муддати узайтирилган резолюция мавжуд бўлмаганда ҳам амалга оширилади.

2. Ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаси тасдиқлангунича шартнома муносабатларига киришиш ёки маблағларни қарзга олиш имконини берувчи шартнома тузишга ваколат ёки қарз олишга ваколат берилган ҳар қандай идора ёки муассаса шартномалар тузиши ва қарз олиши мумкин.

3. Идоралар, муассасалар ёки дастурларни молиялаштиришдаги узилиш Президент томонидан Сивилетти "конституцияда белгиланган вазифалар" деб номлаган ишнинг амалга оширилишини тўхтатмайди.

4. Умум томонидан қабул қилинган амалиёт ва Сивилетти хулосаси "фавқулодда муҳим масалалар, жумладан, инсон ҳаёти хавфсизлиги ва мулкчилик ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини" ҳал этиш билан боғлиқ идоралар, муассасалар ва ҳатто дастурларнинг қисмларига фаолият юритишга имкон беради.

Ушбу тоифага нималар кириши борасида турли фикрлар мавжудлиги ва буни аниқлаш учун тасдиқланган рўйхатнинг йўқлигига қарамай, Сивилетти хулосасида ушбу тоифа ҳеч қачон "Ҳукуматнинг

кундалик, доимий вазифаларини ўз ичига олмайди..." деган фикр қаттиқ туриб ҳимоя қилинади. Бу Мудофаа вазирлиги, ТФБ, МРБ, наркотик моддалар айланмаси устидан назорат қилиш бошқармаси ва федерал қамоқхоналар каби идора ва муассасалар доим фаолият юритишда давом этади деганидир. Бироқ кўпгина бошқа идора ва муассасалар ўз фаолиятларини тўхтатиб туришга мажбур бўладилар. Масалан, Ички ишлар вазирлигининг кўпгина вазифаларини амалга ошириш, жумладан, миллий хиёбонларни сақлаб туриш тўхтатилади. Энергетика ва Маориф вазирлигининг кўпгина дастурлари ҳам худди шундай тўхтатилади.

Бироқ, ушбу идораларнинг айрим дастурларига инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун юргизилган дастурлар сифатида қаралиши мумкин, ана шунда молиялаштиришдаги узилишга қарамай, уларнинг фаолияти давом эттирилади. Масалан, миллий ҳиёбонлар аҳоли учун ёпилса ҳам ҳиёбонлар хавфсизлиги ва улардаги жонли табиатнинг муҳофаза қилинишини таъминловчи ўрмон хўжалиги ходимлари ўз ишларини давом эттира оладилар.

Юқорида айтилган фикрлар Президентга молиялаштиришдаги узилишлар пайтида қайси дастурлар давом эттирилишини белгилаш бўйича салмоқли ваколатлар берилганини англатади. Бундан ташқари, Президент ҳар ҳафта "озод қилинадиган" дастурлар рўйхатини ўзгартириши мумкин. Чунончи, 1995 йилги молиялаштиришдаги биринчи узилиш охирида Президент Клинтон бир ҳафта олдин "озод қилинмаганлар" рўйхатига киргазган бир қанча федерал функцияларни "озод қилинганлар" деб эълон қилишга тайёр эди.

Авиадиспетчерлар иши энг қизиқарли масалалардан бири ҳисобланади. Улар фаолиятининг амалга оширилишидан инсон ҳаёти хавфсизлиги таъминланиши аён, бироқ фақат тайёра осмонда парвоз қилаётганида шундай бўлади. Агар самолёт ерда бўлса, инсон ҳаёти диспечерларга боғлиқ бўлмайди. Молиялаштиришда юзага келган қисқа узилишлар давомида ҳаво ҳаракатини бошқариш "озод қилинган" дастурлар тоифасига кириши тахмин қилинган, яъни инсон ҳаёти хавфсизлиги ва мулкчилик ҳуқуқларининг ҳимояланиши унга боғлиқ деб топилиб, диспетчерларнинг ишни давом эттиришларига рухсат берилар эди. Бироқ, агар Президент учишларнинг тўхтатилишига розилик берганида вазият қандай тус олиши номаълум.

9-А-НАМУНА
Ассигнациялар ажратиш ҳуқуқи: Вакиллар Палатаси ва Сенат ҚОИДАЛАРИ

Вакиллар Палатасининг XXI қоидаси

816а-§. Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги ҳисоботга доир ваколатларга чеклашлар

5. (а) Ассигнациялар ажратилишини назарда тутувчи ҳеч бир қонун лойиҳаси ва ҳеч бир қўшма резолюция ассигнациялар ажратиш бўйича ҳисобот беришга ваколатли бўлмаган қўмита томонидан тақдим этилиши, шунингдек, ваколати бўлмаган қўмита томонидан тақдим этилган қонун лойиҳаси ёки қўшма резолюцияни кўриб чиқиш пайтида ассигнациялар ажратилишини таклиф қилувчи тузатиш ҳам тақдим этилиши мумкин эмас.

Бундай исталган қонун лойиҳаси, қўшма резолюция ёки уларга тузатишларда ассигнацияларни ажратиш тартиби тўғрисидаги масала исталган вақтда кўтарилиши мумкин.

Сенатнинг XVI қоидаси

4. Бир сенатор томонидан кўтарилган масала бўйича бошқа сенатор томонидан умумий ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасига тузатишлар киритиш таклиф қилинганда ҳеч қандай ўзгартиришлар қабул қилинмайди, шунингдек, қонун лойиҳаси предметига тааллуқли ёки у билан боғлиқ бўлмаган ҳеч бир тузатишлар ҳамда қонун лойиҳасидаги исталган банд ёки моддага бевосита боғлиқ бўлмаган тузатишлар қабул қилинмайди; шунингдек, ажратилган маблағларни сарфлашни қонун билан рухсат этилмаган чеклашлар қабул қилинмайди (яъни агар бундай чеклашлар кутилган натижани бермаса ёки кутилмаган вазият юзага келганда самарали бўлмай қолса); ушбу қоида бўйича тузатишларнинг ўринлилиги борасидаги барча масалалар Сенатга тақдим этилиб, мунозараларсиз ҳал этилади. Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги умумий қонун лойиҳасига исталган шундай тузатиш ёки чеклаш қонун лойиҳасига зарар келтирмаган ҳолда кўриб чиқишга киритилиши мумкин.

Бу ерда келтирилган иккита модда Ваколатлар тақдим этиш тўғрисидаги қонун ва ассигнациялар ажратишга доир тадбирларнинг тегишли миқёсини баён этувчи Вакиллар Палатаси ва Сенат қоидаларининг бир қисми ҳисобланади.

5(а)-модда Ваколатлар тақдим этувчи қонундаги ассигнацияларга тегишли. У баъзан ваколатлар тақдим этувчи қонунга доимий ассигнацияларнинг киритилишига ижозат бериш учун Вакиллар Палатаси томонидан бекор қилинади.

Сенат Вакиллар Палатаси томонидан қабул қилинган ассигнациялар тўғрисидаги қонун лойиҳасига алоқадор бўлган қонун ҳужжатини қабул қилиши мумкин. Низом ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун ҳужжати эканлиги ҳақида тартиб қабул қилинаётганида Сенат одатда бу савол ўринли ёки ўринсизлигини овозга қўяди. Агар Сенат кўтариб чиқилган низом ўринли деган қарорга келса, ушбу тартиб ўз кучини йўқотади.

Манба: *Вакиллар Палатасининг XXI қоидаси, 5(а)-моддаси, Сенатнинг XVI қоидаси, 4-параграф.*

9-Б-НАМУНА
Ажратиладиган ассигнацияларнинг турлари

Қонун лойиҳасининг рақами	Номи	Тақдим этилди	Вакиллар Палатаси томонидан қабул қилинди	Сенат томонидан қабул қилинди
	АССИГНАЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ	1990	1990	1990
ВП 4404	Фавқулодда вазиятларга доир қўшимча қонун лойиҳаси. 1990 й. (ВП 101-434)	27 март	3 апрель	1 май
ВП 5019	Энергетика ва сув таъминоти. 1991 й. (ВП 101-586)	13 июнь	19 июнь	2 август
ВП 5021	Савдо-сотиқ, адолат, давлат, кемасозлик. 1991й. (ВП 101-537)	13 июнь	26 июнь	11 октябрь
ВП 5114	Хорижий ёрдам. 1991 й. (ВП 101-558)	21 июнь	27 июнь	24 октябрь
ВП 5158	VA. HUD. 1991 (ВП 101-556)	26 июнь	28 июнь	3 октябрь
ВП 5229	Транспорт. 1991 (ВП 101-584)	10 июль	12 июль	4 август
ВП 5241	Ғазна. почта. 1991 (ВП 101-589)	11 июль	18 июль	11 сентябрь
ВП 5257	Меҳнат. соғлиқни сақлаш. меҳнат ресурслари. маориф. 1991 (ВП 101-591)	12 июль	19 июль	12 октябрь
ВП 5268	Қишлоқ хўжалиги. 1991 (ВП 101-598)	13 июль	18 июль	25 сентябрь
ВП 5811	Колумбия округи. 1991 (ВП 101-607)	19 июль	26 июль	18 сентябрь
ВП 5313	Ҳарбий қурилиш. 1991 (ВП 101-608)	19 июль	30 июль	1 октябрь
ВП 5899	Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғи. 1991 (ВП 101-648)	30 июль	21 октябрь	25 октябрь
ПҚР 655	Давоми. 1991 (ВП 101-754)	25 сентябрь	30 сентябрь	30 сентябрь
ВП 5769	Ички ишлар вазирлиги. 1991 (ВП 101—789)	2 октябрь	15 октябрь	24 октябрь
ПҚР 660	Давоми. бошқалар. 1991	9 октябрь	5 октябрь	5 октябрь
ПҚР 666	Давоми. бошқалар. 1991		8 октябрь	8 октябрь
ВП 5803	Мудофаа. 1991 (ВП 101-822)		12 октябрь	15 октябрь
ПҚР 677	Давоми. бошқалар. 1991		18 октябрь	19 октябрь
ПҚР 681	Давоми. бошқалар. 1991		24 октябрь	24 октябрь
ПҚР 687	Давоми. бошқалар. 1991		27 октябрь	27 октябрь

ВП – Вакиллар Палатаси
ПҚР – Палаталарнинг қўшма резолюциялари

Ҳар йили Конгресс, одатда, ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаларининг уч хил турини қабул қилади: (а) келгуси молия йилига доимий ассигнациялар; (в) жорий молия йилига қўшимча ассигнациялар; (с) молия йили бошида доимий ассигнациялар етишмовчилиги кутилаётган дастурлар ва агентликлар учун давомли, узлуксиз ассигнациялар.

Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги ҳар бир қонун лойиҳаси қонун Вакиллар Палатаси томонидан ишлаб чиқилганлигини кўрсатувчи ВП (Вакиллар Палатаси) ёки ПҚР (Палаталарнинг қўшма резолюцияси) рақамига эга. Сенат Ассигнациялар ажратишга доир ўзининг шахсий Қонунларини ишлаб чиқмайди.

Қонун лойиҳаси билан қўшма резолюция ўртасида катта тафовут йўқ. Қўшма резолюциялар айрим қўшимча ва барча давомли ассигнациялар учун қўлланилади.

Одатда, қонун лойиҳасини тақдим этиш ва унинг Вакиллар Палатаси томонидан кўриб чиқилиши ўртасида вақт бўйича қисқа интервал бўлади. Палата доимий ассигнацияларга доир қонун лойиҳаларини июнь ва июлда, Сенат эса июль-августда (агар мажлис ўтказса) ва сентябрда қабул қилади. Бундай тартиб Конгрессга молия йили охирига барча доимий ассигнацияларга доир жараённи тугатиш имконини бермайди. Бу сессияда Сенат иши маъмурият билан учрашувда қабул қилинган келишув билан якуний қарор чиқарилгунига қадар орқага сурилди.

Конгресс сессия давомида, одатда, мунтазам ассигнацияларга доир биттадан ортиқ қонунни қабул қилади. Бундай Қонунларнинг дастлабкиси амал қилиш муддатига эга бўлади, шу сабабли Конгресс Давомли ассигнацияларга доир барча қонунлар қабул қилинмаган бўлса, қўшимча узулуксиз резолюциялар қабул қилиши шарт. Охирги давомли резолюция баъзан қолган молия йилида ҳақиқий ҳисобланади.

***Манба:** АҚШ Вакиллар Палатасининг календари, 101 Конгресс, сўнгги нашр.*

9-В-НАМУНА
Ассигнацияларга доир қонун ҳужжатининг Конгресс орқали ўтиш йўли



Ассигнацияларни ажратишга доир қонун лойиҳалари Вакиллар Палатасида ишлаб чиқилади, бироқ ассигнацияларни ажратишга доир ишнинг Сенатда кўриб чиқилиши (баъзан баҳоланиши ҳам) Вакиллар Палатасининг қарори билан тўғри келиб қолиши мумкин.

Ассигнацияларга доир қонун лойиҳасига бутун Палата қўмитаси унга доир шарҳни тақдим этишга тайер бўлганида ВП (Вакиллар Палатаси) рақами берилади. Бу рақам у Сенат орқали ўтаётганда қонун лойиҳасида сақланади.

Ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаларига илова қилинадиган шарҳлар, одатда, тегишли кичик қўмиталар томонидан ишлаб чиқилади, бироқ фақат бутун Қўмита уни тақдим этади.

Конференцияга доир ҳисобот конференция қатнашчилари тасдиқлаган қонун лойиҳасининг ўз версиясини тақдим этади.

Манба: *Конгресснинг тадқиқот хизмати томонидан тайёрланган.*

9-Г-НАМУНА
Агентликларнинг Ассигнациялар Ажратишга буюртмаларининг асосланганлиги

БОШ ИНСПЕКТОР ДЕПАРТАМЕНТИ ИШ ҲАҚИ ВА ХАРАЖАТЛАР
(минг АҚШ долларида)

	Штат бирлиги миқдори	миқдор
1989 й. мажбуриятлари	296	$9. 316
Адлия департаментининг Ассигнациялар тўғрисидаги қонуни. 1990 й.	296	20. 673
Секвестр 1990 й.	...	-132
Кутилаётган ассигнациялар 1990 й.	296	20. 541
Мажбурий парх ошишлари	...	1. 617
Телекоммуникациялар федерал тизими учун қисқартириш	...	-18
База 1991 й.	296	22. 140
Дастур бўйича ўзгартиришлар (қуйида батафсилроқ кўриб чиқилган)	84	6. 242
1991 йил прогиози	380	28. 382

	1991 й. базаси		1991 й. прогнози		Ортиш/ Камайиш	
Фаолият турлари ва дастурлар бўйича солиштириш	Штат бирлиги сони	Миқдор	Штат бирлиги сони	Миқдор	Штат бирлиги сони	Миқдор
Бош инспектор департаменти	296	$22. 140	380	$28. 382	84	$6. 242

Дастур бўйича ўзгартиришлар	Штат бирлиги сони	Миқдор
Бош инспектор департаменти		
Ушбу дастурни кенгайтириш ҳақидаги бюртма 1991 йилда тадқиқот ва аудит бўйича муҳим талабларни қондириш ва маъмурият фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ресурслар билан таъминлаш мақсадида берилди. Аниқ қилиб айтганда, аудиторлик функцияларини бажаришга 20 йўлланмага ошириш ва 1085000 доллар тўғрисида бюртма берилди. Бош инспектор департаменти (БИД) мавжуд ресурслар ёрдамида 26 йирик ички аудиторлик текширувлари ўтказиш имконига эга эди. Қўшимча сўралаётган маблағларни олиш шароитида ҳар йили қўшимча 8 тадан 10 тагача аудиторлик текширувлари ўтказиш мумкин.	84	$6. 242

Ассигнациялар ажратишни сўраёган ҳар бир ташкилот мазкур ташкилот бюджети ваколатига кирадиган ассигнациялар ажратишга доир кичик қўмиталарга батафсил "асосларни" тақдим этади (улар, одатда, қўмита кўрадиган ишларнинг бир қисми сифатида чиқарилади). 1991 молия йилига Бош Инспектор Департаменти учун 28, 4 миллион долларга бюртма кўрсатилган мазкур мисолда ҳам ташкилот ўтган йил ассигнацияларида секвестрланган харажатлар рўйхатини, шунингдек келгуси молия йилига мажбурий нарх ошишлари билан боғлиқ харажатларни тақдим этади.

Ҳар бир кичик қўмита ўзига тақдим этилиши лозим бўлган маълумотларнинг шакли ва мазмунини белгилайди. Одатда, жорий молия йилига кутилаётган харажатлар, келгуси молия йилига сўралаётган маблағлар ҳамда харажатларнинг йилдан-йилга ошиши ёки қисқариши кўрсатилади. Ушбу мисолда 1991 молия йилига бюртмадаги харажатларнинг ошиши 1991 молия йилига базавий прогнозларнинг ўзгариши сифатида кўрсатилган.

Асослар, одатда, штат бирликлари сони (ёки тўлиқ ставкада ишловчиларнинг эквиваленти) ва штат жадвалидаги сўралаётган ўзгартиришларга тушунтиришларни беради.

Асоснинг матнли қисмида, одатда, штат бирликлари сонини молиялаштириш даражасига сўралган ўзгартиришларнинг заруратига асосий эътибор қаратилади. Ушбу ҳолатда бўлгани каби сўралаётган маблағлар жорий йилги харажатлардан юқорироқдир.

Манба: *Вакиллар Палатасининг Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталари, кўрилган ишлар, 1991 йилга савдо, адлия, давлат департаментлари, суд ва тегишли агентликларга ассигнациялар (Адлия департаменти, 2-қисм) 1990, 23-бет.*

9-Д-НАМУНА
Вакиллар Палатасининг Ассигнациялар Ажратишга доир Қонун лойиҳаси бўйича хатти-ҳаракатларининг кетма-кетлиги

1. Қоида

Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари имтиёзли ҳисобланиб, Палата томонидан исталган вақтда кўриб чиқилиши мумкин бўлсада, Палата, одатда Палатанинг рухсат берилмаган ассигнацияларни тақиқловчи қоидаси муносабати билан юзага келувчи бир ёки ундан ортиқ қоидаларни бекор қилиб, уларни махсус қоидаларга кўра (оддий резолюция шаклида) кўриб чиқади.

2. Тўлиқ таркибдаги қўмита

Палата махсус қоидани қабул қилганидан кейин молиявий қонун лойиҳаси Вакиллар Палатаси томонидан эмас, балки тўлиқ таркибдаги қўмита томонидан қабул қилинади. Чунки тўлиқ таркибдаги қўмитанинг кворумга доир талаблари Вакиллар Палатасиникидан кўра анча кам.

3. Умумий мунозаралар

Қонун лойиҳаси бўйича мунозаралар мажлис раҳбарлари — ассигнациялар бўйича тегишли кичик қўмита раиси ва аъзоси томонидан очилади. Мунозаралар молиявий қонун лойиҳаларининг умумий мавқеини шарҳлай оладиган Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмита раиси, шунингдек мазкур қонун лойиҳаси 302(б)/602(б)-бўлимларга мувофиқ келиш-келмаслиги масаласи бўйича Палатага маслаҳат бера оладиган бюджет Қўмитаси Раиси томонидан ҳам очилиши мумкин.

4. Ўзгартиришлар

Доимий ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳалари, одатда, мажлисда ўзгартиришларни кўриб чиқилишини истисно этмайдиган очиқ қоида бўйича кўриб чиқилади. Ўзгартириш ўз вақтида, яъни у алоқадор бўлган қонун лойиҳасининг қисми ўқилаётганида таклиф қилиниши керак.

5. Таомил масалалари

Таомил масалалари Қўмита томонидан тақдим этилган қонун лойиҳасига ёки мажлисда киритилган ўзгартришга қарши кўтарилиши мумкин. Таомил масаласи бўйича раис қарори билан камдан-кам ҳолларда баҳслашилади.

6. Чеклашлар

Молиявий қонун лойиҳаларига чеклашлар киритувчи мажлисдаги ўзгартиришлар бўйича таклифлар молиялаштириш даражаларининг кўриб чиқиш тугагандан кейингина киритилиши мумкин. Шу пайтда тўлиқ таркибдаги қўмита мажлис юритиш тартибига кўра "туриб маъруза қилади". Агар бу таклиф қабул қилинса, чекловчи ўзгартиришларни таклиф этишнинг имконияти бўлмаслиги мумкин.

7. Қонун лойиҳаси бўйича якуний овоз бериш

Тўлиқ таркибдаги қўмита қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилгач, уни Вакиллар Палатасида охирги кўриб чиқиш бошланади. Муайян вазиятларда Вакиллар Палатаси тўлиқ таркибдаги қўмитада қарор қабул қилган масалаларни қайта кўриб чиқиши мумкин, бироқ, у одатда, аввалги овоз беришга рози бўлади.

9-Е-НАМУНА
Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларига доир махсус қоидалар

Вакиллар Палатасининг 221 резолюцияси

1990 йил 30 сентябрда тугайдиган молия йилига Транспорт департаменти ва тегишли агентликлар учун, шунингдек бошқа мақсадларга ассигнациялар тўғрисидаги қонун лойиҳасини (ВП 3015) кўриб чиқиш пайтида XXI қоиданинг 2-моддасига зидлиги сабабли қонун лойиҳасининг қуйидаги қоидаларига қарши барча масалалари бекор қилинади: 5-бетдаги 8-сатрдан бошлаб 5-бетдаги 13-сатрдаги "сарфланган"гача; 6-бетдаги 19-сатрдан бошлаб; 11-бетдаги 3-сатрдан бошлаб 12-бетдаги 4-сатрдаги "ассигнация" гача; 12-бетдаги 10-сатрдаги "Тақдим этилди"дан бошлаб 12-бетдаги 25-сатргача; 14-бетдаги 14-сатрдан 15-бетдаги 10-сатргача; 20-бетдаги 11-18-сатрлар; 22-бетдаги 10-сатрдан 25-бетдаги 15-21-сатрлар; 30-бетдаги 1-сатрдан 33-бетдаги 16-сатр, 38-бет 3-12 сатрлар; 40-бетдаги 16-сатрдан 41-бетдаги 10-сатргача; 44-бетдаги 18-сатрдан 48-бетдаги 7-сатргача; 48-бетдаги 15-сатрдан 49-бетдаги 7-сатргача; 50-бетдаги 1-сатрдан 53-бетдаги 5-сатргача; 53-бетдаги 17-25-сатрдан ва 54-бетдаги 6-сатрдан 55-бетдаги 9-сатр ва қонун лойиҳасининг қуйидаги қоидага қарши барча масалалари XXI қоида 6-моддасининг қоидаларига мувофиқ эмаслиги учун бекор қилинади: 11-бетдаги 2-сатрдан 12-бетдаги 25-сатр. Бу резолюция параграф қисми таомил масалаларини бекор қилган ҳар қандай ҳолатда бу параграфдаги исталган бошқа қоидага нисбатан таомил масаласи бутун параграфга эмас, фақат шу қоидага қарши кўтарилиши мумкин.

Ассигнацияларга доир қонун лойиҳалари Вакиллар Палатасида "имтиёзли" бўлиб, исталган вақтда кўриб чиқилиши мумкин бўлсада, одатда, уларни кўриб чиқишдан аввал айрим таомил масалаларини бекор қилувчи "махсус қоидалар" (Вакиллар Палатасининг оддий резолюцияси шаклида) қабул қилинади. Вакиллар Палатаси дастлаб қоида бўйича қарор қабул қилади, кейинчалик қоида қабул қилинса, ассигнацияларга доир қонун лойиҳасини кўриб чиқади.

Шу қоида таъсирига тушадиган ассигнацияларга доир қонун лойиҳаларида Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни бўйича ҳеч қандай бузилишлар бўлмаган, бироқ у кўпгина бошқа бандлардан ташқари рухсат берилмаган ассигнациялар ва ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаларини тақиқлайдиган Палатанинг XXI қоидасини бузди. Бу ерда тақдим этилган қоида таомил масалаларини бекор қилди.

Бекор қилишлар бутун қонун лойиҳасига эмас, ассигнациялар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг аниқ қисмларига тегишлилигини эътиборда тутиш лозим. Айрим масалаларни алоҳида бекор қилишлар бутун қонун лойиҳасини эмас, фақат муайян қисмларни, шунингдек, мажлисдаги қандайдир тузатишларни ҳимоя қилмайди (бу тузатишлар баъзан қоидани очиқчасига ҳимоя қилса ҳам).

Манба: *Вакил Баттлер Деррикнинг 1989 йил 2 августдаги Конгресс баённомасининг H 4903-бетдаги шарҳи.*

9-Ж-НАМУНА
302(б)/602(б)-бўлимлар бўйича аризалар

Жаноб Панетта. Жаноб Раис. мен Ғазна. Почта хизмати ва Ҳукуматнинг 1992 молия йилига ВП 2622 ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги молиявий қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб. фикр билдирмоқчиман. Бу Палата кўриб чиқиши лозим бўлган ҳар йилги ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги 13 та қонун лойиҳасининг еттинчисидир.

Жаноб Раис. мен бюджет келишуви ва бюджет лойиҳасида белгиланган лимитларга риоя қилиб. улкан ишларни амалга оширган кичик қўмита раиси ва кичик қўмита аъзосига миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Қонун лойиҳаси 10.75 млрд. долларлик дискрецион бюджет ваколатлари ва 11.073 млрд. долларлик дискрецион харажатларни тақдим этади. бу ички дискрецион бюджет ваколатлари даражасига мувофиқ келади ҳамда ушбу кичик қўмита учун 602(б) харажат компоненти билан белгиланганидек. ички харажатлар даражасидан 7 млрд. долларга пастдир.

602(Б) КОМПОНЕНТИ БИЛАН ТАҚҚОСЛАШ

Қонун лойиҳаси бўйича. баён этилганидек. 10. 750 млн. долларлик дискрецион бюджет ваколатлари тақдим этилган. ушбу кичик қўмита учун 602(б) компоненти бўйича ассигнациялар шунчани ташкил қилади. Қонун лойиҳаси бўйича кутилаётган дискрецион харажатлар умумий суммасидан 7 млн. доллар кам назарда тутилган. Қуйида қонун лойиҳаси ва молиявий компонентлар таққосланади:

ХАРАЖАТЛАРНИНГ ИЧКИ ТАҚСИМЛАНИШИ БИЛАН СОЛИШТИРИШ
(млн. доллар ҳисобида)

	Ғазна, Почта хизмати ва Ҳукуматнинг Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси		Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмитанинг 602(б) бўлими		Қонун лойиҳаси қўмитанинг 602(б)-бўлимидан ортиқ (+)/паст(-)	
	БВ[2]	ПХ[2]	БВ[2]	ПХ[2]	БВ[2]	ПХ[2]
Дискрецион	10. 750	11.093	10. 750	11. 100	-	-7
Мажбурий[1]	8. 973	9. 839	8. 937	9. 839	-	-
Жами	19. 687	20. 932	19. 687	20. 939	-	-7

[1] Мавжуд қонунчилик доирасида бюджет лойиҳасининг прогноз кўрсаткичларига мос келади.
[2] БВ – янги бюджет ваколатлари;
ПХ – прогноз харажатлари.

Ассигнациялар тўғрисидаги ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича умумий мунозаралар жараёнида (ёки қондани қонун лойиҳасига нисбатан кўриб чиқиш жараёнида) Вакиллар Палатасининг бюджет қў-

митаси раиси қонун лойиҳасидаги суммалар билан 302(б) ва 602(б)-бўлимлари компонентларининг солиштирмасини тақдим этади. Ҳужжат қонун лойиҳасидаги бюджет ваколатлари ва харажатлар 302(б) ва 602(б)-бўлимлар компонентларига тўғри келиш-келмаслигини кўрсатади. Шу мисолда кўрсатилганидек, ҳужжат, одатда, мунтазам ассигнацияларга доир қонун лойиҳасидаги суммалар доирасидан чиқмай, компонентлар чегарасида эканлигини кўрсатади. Бўлимларга ажратилган суммалардан бюджет ваколатлари ёки харажатларнинг ошишига олиб келиши мумкин бўлган ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги масала кўтарилиши мумкин (агар у бекор қилинмаса).

Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталар, одатда, 302(б) ва 602(б) бўлимлари бўйича тақдим этилган қарийб барча бюджет ваколатлари ва харажатлардан фойдаланадилар.

Маблағларни дискрецион ва мажбурий сарфлаш ўртасидаги тафовут 1991-1993 молия йилларига Бюджетга амал қилиш тўғрисидаги қонун билан белгиланган тоифаларга мос келади.

Манба: *Вакил Леон Панеттанинг 1991 йил 18 июндаги Конгресс ҳисоботининг H 4587-бетидаги шарҳи.*

9-3-НАМУНА
Маъмурий сиёсатга доир ариза

МАЪМУРИЙ СИЁСАТГА ДОИР АРИЗА

Маъмурият келишувга эришилгунича Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари бўйича Конгресс қарорига рози бўлмаяпти. Бундай хатти-ҳаракатлар унга кўра келишув қабул қилинган бюджетнинг охирги лойиҳасининг қабул қилинишини ортиқча мураккаблаштириши мумкин. Бироқ Вакиллар Палатаси муайян қарорлар қабул қилишни тахмин қилаётгани аён экан. Маъмурият бу қонун лойиҳалари бўйича улар Конгрессга тақдим этилганда ўз нуқтаи назарини билдиради. Маъмурий сиёсатга доир бу аризанинг мақсади шундаки, у қўмита томонидан баён қилинганидек. Ғазна. Почта хизмати ва Ҳукуматнинг 1991 молия йилига ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарини билдирищи керак.

Маъмурият фикрига кўра мажлисда Ахборот ва Бошқарувчи алоқалар офисини (АБАО) молиялаштиришни чеклаш учун қисман ёки тўлалигича МББни молиялаштиришга қарши ариза билан масала кўтариб чиқилиши мумкин. Маъмурият ҳозирда рухсат берувчи қўмита билан музокаралар олиб бормоқда, шу сабабли АБАОни айнан шу пайтда молиялаштиришни тўхтатиш нотўғри бўлар эди. Агар палата АБАОни молиялаштиришни назарда тутмайдиган қонун лойиҳасини қабул қилса. Президент маслаҳатчиларида бу қонун лойиҳасига вето қўйишни тавсия қилишдан бошқа чоралари қолмайди. Қонун лойиҳасига вето қўйишнинг олдини олиш учун Палатани бундай қарорга йўл қўймаслик сўралмоқда.

Маъмурият умуман бу қонун лойиҳаси бўйича қўмита таклиф этаётган молиялаштириш даражасини қўллаб-қувватлайди, бироқ қонун лойиҳасининг бир неча масалалари бўйича ўз норозилигини билдиради.

Қўмита қонун лойиҳасига 1991 молия йилига харажатлар даражасини қисқартириш бўйича қоидани киритган. Бу қоидага кўра Ички даромадлар бошқармасининг молия йилининг охирги кунигача Солиқ тизимини модернизациялаш дастури бўйича мажбуриятларни қабул қилиши тақиқланади. Агар қонун лойиҳаси ушбу қоида билан қабул қилинса, у солиқ тизимидаги муҳим такомиллашувларни 6-12 ойга кечиктирган бўларди. Бу ушбу лойиҳа бўйича ишлаётган 863га яқин юқори малакали кадрларнинг ишдан бўшатилишини талаб қиларди. Бундан ташқари, қоида дастур қийматини оширар, бу дастурдан кутилаётган юқорироқ даромадлар олинишини, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштиришни орқага сурган бўларди. Маъмурият томонидан Вакиллар Палатасидан ушбу қоидани олиб ташлаш сўралган.

Президент бюджетида федерал хизматчилар иш ҳақини 3.5 фоизга ошириш бўйича қонун лойиҳасини 1991 йил 1 январдан кучга киритиш скради таклиф қилинган. Бироқ Қўмита қонун лойиҳасининг 618-бўлими иш ҳақи миқдорини 4.1 фоизга оширишни назарда тутади. Бюджет чеклашлари пайтида Маъмурият бундай оширишни ўринсиз деб ҳисоблайди.

Маъмурий сиёсатга доир ариза доимий ассигнацияларга доир 13та қонун лойиҳасининг ҳар бири бўйича, шунингдек Конгресс ишининг ҳар бир босқичида қўшимча ва давомли ассигнациялар бўйича нашр қилинади. Бу ҳужжат МББ Директорининг Конгресс ва Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталар етакчиларига мактубидир. Маъмурий сиёсатга доир ариза баъзан Конгресс Баённомасига киритилади ва унга батафсил илова киритилиши мумкин.

Маъмурий сиёсатга доир ариза, одатда, ассигнацияларга доир қонун лойиҳаларидаги қоидалар бўйича Маъмурият фикр-мулоҳазалари рўйхатини келтиради. Мулоҳазалар бўлган бандлар молиялаштиришни Президент сўровномаларидан кўпроққа ошириш, маблағлардан фойдаланишга доир чеклашлар, қонун лойиҳасига киритилган бошқа чеклаш ёки қонун қоидаларини, Конгресс ва ижроия ҳокимиятининг устувор йўналишларидаги бошқа тафовутларни ўз ичига олиши мумкин.

Маъмурий сиёсатга доир ариза ўринсиз қоидалар олиб ташланмаса, қонун лойиҳасига вето қўйилишини камдан-кам ҳолларда тасдиқлайди; одатда, у МББ (ёки қандайдир бошқа ижроия агентлиги) вето қўйилишига тавсиялар киритишини тасдиқлайди. Қонун лойиҳасига вето қўйилиши хавфи Маъмурият айрим қоидаларга қанчалик қаршилик қилишига боғлиқ.

Манба: *Вакил Чарльз Пашаяннинг шарҳи, Конгресснинг 1990 йил 13 июлдаги баённомаси, H.4659-H 4660-бетлар.*

9-И-НАМУНА
Сенатнинг Ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаси бўйича хатти-ҳаракатларининг кетма-кетлиги

1. Бекор қилиш тўғрисидаги таклифлар (агар зарурат туғилса)

Конгресснинг 1974 йилдаги "Бюджет тўғрисида"ги қонуни муайян таомил ва муҳим талаблар бузилса қонун лойиҳасини Сенатда (Вакиллар Палатасида ҳам) кўриб чиқишни тақиқлайди. Сенатда ушбу тақиқловчи қоидалар ягона қарор чиқарилиб бекор қилиш тўғрисидаги таклифни қабул қилиш мумкин. Агар Қонуннинг 303(а)-бўлими бузилганда (у бюджет лойиҳаси қабул қилингунича даромадлар ва харажатларга доир тадбирларнинг кўриб чиқилишини тақиқлайди). Сенатнинг махсус резолюциясини қабул қилиш билан бу тақиқлар олиниши мумкин. ГРХ қонуни амал қилаётганда жами аъзоларнинг 3/5 ижобий овоз бериши билан ушбу тақиқлар олиниши мумкин.

2. Вақт бўйича чеклашлар бўйича келишувлар

Сенатдаги асосий қонун ҳужжатлари вақт бўйича чеклашлар келишувлари доирасида (баъзан уни ялпи розилик ҳақида келишув дейдилар) кўриб чиқилади. Ушбу келишувлар қонун лойиҳаларини ёки ўзгартиришларни кўриб чиқаётганда вақт бўйича чеклашларни бекор қилади. Вақт бўйича чеклашлар тўғрисидаги келишув одатда, кўпчилик етакчиси томонидан кўтариб чиқилади ва бир овоз билан қўллаб-қувватланади.

3. Менежерлар аризалари

Ассигнациялар бўйича тегишли кичик қўмита раиси қонун лойиҳаси шарҳини тақдим этади, одатда, ундаги миқдорларни ўтган йил даражаси, президент сўровномаси ва Палатада қабул қилинган қонун лойиҳаси билан солиштиради.

4. Қўмита ўзгартиришлари

Палатада муҳокама қилинган қонун лойиҳаси бўйича Сенатнинг Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмитаси тавсия қилган ўзгартиришларга одатда кўпчилик овоз билан ва очиқ овоз бериш йўли билан тасдиқлайдилар. Бу фақат ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаларига тааллуқли бўлиб, ваколат берувчи қонун ҳужжатларига кирмайди.

5. Мажлисларда киритиладиган ўзгартиришлар

Палатадан фарқли равишда қонун лойиҳасини Сенатда муҳокама қилиш ва кўриб чиқиш пайтида ассигнациялар ажратишга доир бутун қонун лойиҳаси мажлисда исталган пайтда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун очиқ бўлади. Бироқ вақт бўйича чеклашлар тўғрисидаги келишув баъзан ўзгартиришлар киритиш кетма-кетлигини белгилаб беради.

6. Таомил масалалари

Таомил масалалари ҳам исталган пайтда кўтарилиши мумкин. Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида бирон-бир банд қонунийлиги ёки қонуний эмаслиги тўғрисидаги масала кўтарилганда бошқа аъзо мақсадга мувофиқми ёки мувофиқ эмасми, деган масалани кўтариши мумкин. Агар шундай вазият рўй берса Сенат бу масалани ҳал қилади, агар бу банд ҳақиқатан ўринли ҳисобланса, дастлабки таомил масаласини кўриб чиқишдан олинади.

7. Қонун лойиҳаси бўйича якуний овоз бериш

Барча ўзгартириш ва қўшимчалар кўриб чиқилгач (ёки вақт бўйича чеклашлар бўйича келишувда белгиланган якуний овоз бериш вақти келган бўлса), Сенат қонун лойиҳасини бўйича овозга қўяди. Айрим молиявий қонун лойиҳалари бўйича Сенатда овоз бериш яширин эмас, балки очиқчасига ўтказилади.

9-К-НАМУНА
Сенатнинг Рақамланган Тузатишлари

СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЁРДАМ БЕРИШ

Ички даромадлар бошқармасининг (ИДБ) харажатлари: жумладан солиқ декларацияларини қайта ишлаш: даромадларни ҳисобга олиш: даромадлар статистикасини юритиш: солиқ тўловчиларга ёрдам бериш: (24) ~~солиқ органлари ходимларининг солиқ тўловчилар билан номақбул муомала ҳолатларини қисқартириш мақсадида ИДБ ходимларининг малакасини ошириш бўйича домий дастурларни ишлаб чиқиш: ва~~ йўловчи транспортини ижарага олиш (АҚШ Кодекси 31-тўплами 1343 (б)-моддасига мувофиқ): ва АҚШ Кодекси 5-тўплами 3109-моддаси мувофиқ махсус вакил томонидан белгиланиши мумкин бўлган ставкалар бўйича хизматлар ҳақини тўлаш учун: (25) ~~1, 444, 517,000 доллар~~ *1, 521, 595,000 доллар* миқдорида маблағ ажратиш назарда тутилиб, ундан 3.000.000 доллар Қариялар учун дастурлар бўйича солиқлар бўйича маслаҳатлар бериш учун мўлжалланган ва унинг ҳеч бир суммаси ИДБ маъмурий харажатлари учун мўлжалланмаган.

Сенат ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги ўз қонун лойиҳаларини ишлаб чиқмайди. Бунинг ўрнига у Вакиллар Палатасида муҳокама қилинган қонун лойиҳаларига тузатиш киритади.

Бу ерда қавс ичида кўрсатилган рақамлар Вакиллар Палатаси қабул қилган қонун лойиҳаларига Сенатнинг тузатишларини билдиради. Бу тузатишлар қатъий изчилликда рақамланган, ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳасини муҳокама қилишга доир ҳисоботда уларга ҳавола қилинади (кейинги мисолга қаранг).

Рақамлардан кейин келадиган чизиқ тортилган матн — Палатада қабул қилинган, Сенат томонидан ўчирилган матн ҳисобланади. Курсив билан ёзилган матн — Сенат киритган янги матндир. Қолган матн — Сенат ўзгартириш киритмаган, Палатада қабул қилинган матн ҳисобланади.

Сенат Вакиллар Палатасида қабул қилинган қонун лойиҳасидаги сумма ва исталган қоида ёки бошқа материални ўзгартириши мумкин.

Манба: *BП 5241, 1991 молия йилига Ғазна ва Почта хизматига Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун, у Сенатнинг рақамланган тузатишлари билан Конгресс йўриқномаси бўйича нашр қилинган, 1990 йил 11 сентябрь, 14-бет.*

9-Л-НАМУНА
Конференциянинг Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларига доир қарори

КОНФЕРЕНЦИЯ ҲИСОБОТИ
(ВП 5241 га илова)

1991 йил 30 сентябрда тугайдиган молия йилига ва бошқа мақсадлар учун Ғазна Департаменти, АҚШ Почта хизмати, Президентнинг офиси ва алоҳида мустақил агентликларга ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳасига (ВП 5241) сенат киритган тузатишлар бўйича иккала палата овоз беришидаги фарқларни тартибга солиш комиссияси тўлиқ ва эркин муҳокама қилиш учун кенгашга йиғилиб, тегишли Палаталарга қуйидагиларни тавсия қилишга рози бўлди ва ҳақиқатда тавсия қилмоқда:

Сенат 4, 5, 8, 15, 17, 21, 30, 32, 47, 55, 58, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100, 102, 104, 106, 107, 108, 109, 110, 111, 118, 119, 120, 121, 123, 124, 125, 126 ва 129 рақами берилган тузатишлардан воз кечади.

Палата: 2, 9, 13, 22, 23, 24, 25, 31, 34, 37, 43, 44, 50, 67, 68 рақами берилган Сенат тузатишига норозилигидан воз кечиб, уларга розилик билдиради.

7 рақамли тузатиш:

Палата Сенатининг 7 рақамли тузатишига норозилигидан воз кечиб, қуйидаги тузатиш киритилса, розилик билдиради:

Бу тузатишда таклиф қилинган сумма ўрнига 20.775.000 долларлик сумма киритилсин; шунда Сенат унга розилик билдиради.

10 рақамли тузатиш:

Палата Сенатининг 10 рақамли тузатишига норозилигидан воз кечиб, қуйидаги тузатиш киритилса, розилик билдиради:

Бу тузатишда таклиф қилинган сумма ўрнига 301.854.000 доллар киритилади ва Сенат бунга розилик билдиради.

Конференция ҳисоботларида уларга ҳавола қилинадиган рақамланган тузатишлар Вакиллар Палатаси қабул қилган ассигнацияларга доир қонун лойиҳаси суммаси ёки матнига Сенат томонидан киритилган (Қўмита ёки мажлис пайтида) ўзгартиришлар ҳисобланади. Бу тузатишлар қатъий изчилликда рақамланиб, Сенат қабул қиладиган қонун лойиҳаси версиясида юзага келади.

Конференция ҳисоботига изоҳ бериш учун конференция ҳисоботининг кўчирма нусхаси ва Сенат қабул қилган қонун лойиҳаси версиясига эга бўлиш керак. Сенат қабул қилган версия Вакиллар Палатаси шарҳи ва Сенат тузатишларини ўз ичига олади, конференция ҳисоботи эса келишилган шарҳни ўз ичига олади.

Конференция Сенат тузатишини бекор қилиб (масалан, мисолдаги 4, 5, 8 рақамли тузатишлар), Сенат тузатишларини қабул қилиб (масалан, 2, 9, 13 рақамли тузатишлар) ёки келишилган матн орқали (масалан, 7 ва 10 рақамли тузатишлар) кейинги тузатишларни киритиш билан тузатишларни қайта кўриб чиқиб, Вакиллар Палатаси ва Сенат ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиши мумкин.

Конгресснинг қонун лойиҳасига доир қарорлари Вакиллар Палатаси ва Сенат барча рақамланган тузатишлар бўйича келишмовчиликларни бартараф қилмагунларича тугалланмаган ҳисобланади.

Манба: *Вакиллар Палатасининг 101-906-сон ҳисоботи (ВП 5241 ҳужжатига илова қилинадиган Конференция ҳисоботи, 1991 молия йилига Ғазна ва Почта хизматига Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун), 1990 йил 20 октябрь, 1-бет.*

9-М-НАМУНА
Давомли Ассигнациялар

ҚЎШМА РЕЗОЛЮЦИЯ

1988 молия йилига давомли ассигнацияларни амалга ошириш.

Конгрессинг қўшма мажлисида Америка Қўшма Штатларининг Сенати ва Вакиллар Палатаси томонидан қабул қилинган. Унга мувофиқ бошқа мақсадлар учун ажратилмаган Ғазнадаги маблағлардан 1988 молия йилига бир нечта департаментлар, агентликлар, корпорациялар ва Ҳукуматнинг бошқа ташкилий бўлимлари учун тегишли корпоратив ёки бошқа даромадлар, тушумлар ва жамғармалардан қуйидаги маблағлар ажратилади:

101(а)-бўлим. 1) Жорий шароитларда ва жорий даражадан ортмайдиган даражада 1987 молия йилида ўтказилган дастурлар, лойиҳалар ва фаолият турлари учун зарур бўлган маблағлар. Улар бўйича қоидалар қуйидаги қонун лойиҳаларида назарда тутилган:

Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ жойларни ва тегишли агентликлар ривожлантириш учун 1987 йилги ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

1956 йилдаги "Давлат департаментининг асосий ваколатлари тўғрисида"ги қонуннинг 15(а)-бўлими ва 1948 йилдаги "АҚШнинг ахборот ва таълим бўйича алмашувлар тўғрисида"ги қонуннинг 701-бўлимига қарамай, 1987 йилдаги Савдо, адлия департаментлари, давлат, суд ва тегишли агентликлар учун ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

102-бўлим. Агар мазкур қўшма резолюция ёки ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги тегишли қонун лойиҳасида бошқача нарса назарда тутилмаган бўлса, ажратилган ассигнациялар ҳамда тақдим этилган ваколатлар мазкур қўшма резолюцияга кўра (а) ушбу қўшма резолюцияда назарда тутилган лойиҳа ёки фаолият учун ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилингунча ёки (б) шундай лойиҳа ёки фаолият тури учун ҳеч бир шартларсиз иккала палата томонидан тегишли қонун лойиҳаси қабул қилингунча 1987 йил 10 ноябргача очиқ бўлади.

Давомли ассигнациялар (уни кўпинча "узлуксиз резолюция" деб атайдилар) молия йили бошига ўзларининг доимий ассигнацияларини олмаган ташкилотлар учун қабул қилинади. Бу ассигнациялар мунтазам (доимий) ассигнациялар каби юридик кучга эга, ягона фарқи шундаки, у молия йилининг фақат бир қисмида ҳақиқий бўлиши мумкин.

Бу қоида давом этувчи фаолиятлар "жорий даражада" молия-

лаштирилиши шартлигини белгиласада, узлуксиз резолюциядаги бошқа қоидалар аниқ дастурлар ва ҳисобварақлар бўйича молиялаштиришнинг бошқа даражаларини белгилаши мумкин.

Узлуксиз резолюция бу резолюцияга киритилган мунтазам (доимий) ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаларини белгилайди.

Узлуксиз резолюция мунтазам (доимий) ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши билан алмаштирилади. Бу ҳолатда узлуксиз резолюциянинг амал қилиш муддати 10 ноябрда тугади. Ўша йили мунтазам (доимий) ассигнациялар ажратиш тўғрисида бирорта қонун лойиҳаси алоҳида қабул қилинмади, бу қўшимча учта узлуксиз муттасил резолюция қабул қилиш заруратини юзага келтирди (охиргиси молия йили охиригача амал қилди).

Манба: *100-120 Давлат ҳуқуқи, 1988 молия йилига узайтириладиган ассигнациялар тўғрисидаги қонун (101, 789-790-моддалар).*

9-Н-НАМУНА
Доимий ассигнациялар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг таркиби

1991 йил 30 сентябрда тугайдиган молия йилига Ғазна Департаменти, АҚШ Почта хизмати, Президент офиси ва алоҳида мустақил агентликлар учун ассигнациялар ажратишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси.

Конгрессинг қўшма мажлисида Америка Қўшма Штатларининг Сенати ва Вакиллар Палатаси томонидан қабул қилинган. Унда қуйидагилар 1991 йил 30 сентябрда тугайдиган молия йилига Ғазна Департаменти, АҚШ Почта хизмати, Президент офиси ва алоҳида мустақил агентликлар учун Ғазна маблағларидан маблағлар ажратишни назарда тутада. Яъни:

I-боб

Ғазна Департаменти

Идоравий бошқармалар

Иш ҳақи ва бошқа харажатлар

Идоравий бошқармаларнинг харажатларини қоплаш, жумладан Ғазна биноси ва қўшимча хоналарни сақлаш ва жорий харажатлар, автомобилларни ижарага олиш, расмий ва вакиллик харажатлари 22,000 долларлан ошмаслиги керак; махфий тусдаги кўзда тутилмаган харажатлар Ғазна котиби томонидан сарфланиши ва 300,000 долларлан ошмаслиги керак; Хорижий активларни назорат қилиш бошқармаси учун 2,212,000 долларлан кам бўлмаган ва 40 штат бирлиги эквиваленти ажратилиши, ундан 1,649,000 долларн тизимни модернизациялаш эҳтиёжларига сарфланиши керак; Ғазнанинг асосий биноси ва қўшимча хоналарни таъмирлаш ва таколиллаштиришга калшда 1,000,000 доллар то маблағлар тўлиқ сарфлангунича мавжуд бўлиши керак.

V боб. Умумий қоидалар

504-бўлим. Ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилган маблағлар, агар бу ҳужжатда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, жорий молия йилидан ташқари мажбуриятларни қоплаш учун мавжуд бўлмайди.

Ассигнациялар ажратишга доир қонун лойиҳаси 3та асосий қисмга эга: (а) Қонун преамбуласи, (б) муайян ҳисобварақларга ассигнациялар ажратиш ва (в) умумий қоидалар.

Қонун преамбуласи ассигнациялар ажратиладиган молия йилини белгилайди. Агар бошқача назарда тутилмаган бўлса, қонун лойиҳаси бўйича барча маблағлар фақат мазкур молия йили мажбуриятларини қоплаш учун мавжуд бўлади.

Ҳар бир рақамланмаган параграф — ассигнацияларнинг алоҳи-

да ҳисобварағи. Бу параграфдаги қоидалар фақат шу ҳисобвараққа тегишли. Маблағлар фақат Конгресс тасдиғига кўра бир ҳисобварақдан бошқасига ўтказилиши мумкин.

Умумий қоидалар (улар маблағлардан фойдаланишни чеклаши ёки янги қонун ҳужжатига эга бўлиши мумкин) рақамланган бўлимлардан иборат. Бу қоидалар бобнинг барча ҳисобварақлари ёки бутун қонун лойиҳасига тааллуқли бўлади. V боб бутун Қонунга тегишли умумий қоидалардан иборат; Ғазна Департаменти ва Почта хизматига Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун ҳам бутун Ҳукуматга тааллуқли умумий қоидаларга эга.

504-бўлим, агар Қонунда бошқача белгиланмаса, маблағлар фақат бир молия йили давомида мажбуриятларни қоплаш учун мавжуд бўлишини кафолатлаш учун бу қонунга киритилган.

Манба: *101-509 Давлат ҳуқуқи, 1991 молия йилига Ғазна ва Почта хизматига ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун (104, 1389-1422, 1423-моддалар).*

9-О-НАМУНА
Ассигнациялар ҳисобварағи таркиби

АЛКОГОЛЬ, ТАМАКИ ВА ЎҚОТАР ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР БЎЙИЧА ҚЎМИТА

Ип ҳақи ва бошқа харажатлар

Алкоголь, тамаки ва ўқотар қурол-яроғ бўйича қўмитанинг зарур харажатларини қоплаш учун, жумладан 650 тагача полиция машиналари тусидаги автомобилларни сотиб олиш, йўловчи автомашиналарни, самолётларни ижарага олиш. Директор белгилаган даражада экспертлар ва гувоҳлар хизматларини ёллаш; 10.000 доллардан ошмайдиган расмий қабуллар ва вакиллик харажатлари ҳақ тўлаш ёки тўламасдан марказий ва маҳаллий соғлиқни сақлаш агентликлари ходимларининг малакасини ошириш; 301,854.000 долларлик лабораториялар томонидан марказий, штат ва маҳаллий агентликларга (улар меҳнатига ҳақ тўлаб ёки тўламай) ёрдам кўрсатиш, ундан 21,000,000 доллар 1991 молия йили давомида Алкоголь тўғрисидаги федерал қонунни ижро этиш учун ажратилиб, ушбу маблағдан кўли билан 1.000.000 доллари АҚШ Кодексининг 18 тўплами 924 (d)(2) моддасида назарда *тутилганидек юристлар хизматига ҳақ тўлаш учун ажратилади. Ушбу ҳужжат* бўйича ажратилган маблағлар Ғазна Департаменти маъмурий харажатларни қоплаш, федерал лицензияларга мувофиқ ўқотар қурол-яроғларнинг келтирилиши ва жойлаштириишини ҳисобга олиш харажатларига йўналтирилиши мумкин эмас. Шунингдек, 300.000 доллар портловчи моддаларни топиш ва аниқлаш учун мосламаларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш учун ажратилиши шарт. Бу қоида Алкоголь, тамаки ва ўқотар қурол-яроғлар бўйича қўмитага Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилотига портловчи моддаларни топиш учун реагент ишлаб чиқишда ёрдам беришга ва ушбу масала бўйича Конвенцияни бажариш учун қонунни амалга киритишига қаршилик қилмайди. Ушбу Қонунга кўра ажратилган маблағлар 1991 молия йилига 4073 та штат бирликларини сақлаш харажатларига, ундан камида 1087 штат бирлиги жиноятларни камайтириш бўйича дастурга берилиши шарт.

Бутун параграф ассигнацияларнинг ягона ҳисобварағини билдиради, параграфдаги барча қоидалар фақат шу ҳисобвараққа тегишли.

Параграфнинг биринчи қисми маблағлар ажратиб берилган мақсадларни белгилайди. Кўпгина ҳисобварақлар мазкур ассигнацияларга тааллуқли рухсат берувчи қонун ҳужжатларини белгилайди.

Параграфнинг кейинги қисми ажратилган маблағ миқдорини белгилайди. Моҳиятан барча ассигнациялар муайян миқдорларга ажратилади. Ассигнацияларга илова қилинган Қўмита ҳисоботлари,

агентлик берган асословчи материал ва бошқа бюджет ҳужжатлари маблағлар ажратилган аниқ лойиҳалар ва фаолият турларини белгилайди.

Параграфнинг кейинги қисми ажратиладиган маблағлардан фойдаланишни чеклайдиган бир ёки ундан ортиқ қоидаларни ўз ичига олади. Айрим қоидалар ассигнацияларни сарфлаш учун қонуний ваколатлар беради.

Параграфнинг якуний қисми ходимларнинг энг кам сонини белгилайди.

Манба: *101-509 Давлат ҳуқуқи, 1991 молия йилига Ғазна ва Почта хизматига ассигнациялар тўғрисидаги қонун (104, 1391, 1392-моддалар).*

9-П-НАМУНА
Ассигнациялар ҳисобварақларининг бошқа турлари

ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТУГАТИШ
ШОССЕ ТРАСТ ЖАМҒАРМАСИ

АҚШ Кодексининг 402-бўлими. 23-боби қоидалари бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадида Федерал шоссе маъмуриятига Шоссе траст жамғармасидан 9.405.000 доллар тўла сарфлангунча ажратиш учун мавжуд бўлади.

МАБЛАҒЛАРНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ
МУДОФАА ДЕПАРТАМЕНТИ

9059-бўлим. Қонуннинг бирор-бир бошқа қоидасига қарамай, 1990 йил давомида Мудофаа вазири АҚШ қирғоқбўйи қўриғлашга камида 140,000,000 долларлик маблағни озиқ-овқат, ёқилғи, ўқитиш, тиббий ёрдам кўрсатиш кўринишида ажратади. Ушбу маблағлар маъмурий харажатларни ўз ичига олмайди. Ушбу Қонунга кўра ажратилган маблағлардан 160,000,000 доллар қирғоқбўйини қўриқлашнинг "Операцион харажатлари" ҳисобварағига ўтказилади.

КОМПЕНСАЦИЯЛОВЧИ ЙИҒИМЛАР
МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

Муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаш бошқармаси харажатларини қоплаш учун, жумладан муаллифлик ҳуқуқини таъминлашга доир АҚШ судлари қарорларини нашр қилишга, 20, 373,000 доллар ажратилади. Ушбу маблағдан 7,000,000 доллари АҚШ Кодексининг 17 тўплами 708 (в) моддасига мувофиқ 1990 молия йили давомида тушадиган йиғимлардан ва 1, 139,000 доллари эса АҚШ Кодексининг 17 тўплами 111(2)(3), 116(с)(1) ва119(б)(2)-моддаларига мувофиқ 1990 молия йилида тушадиган йиғимлардан ажратилади. Бунда мажбуриятларни бажариш учун ажратиладиган маблағлар 8,139,000 долларга тенг йиғимлар миқдорига қисқарилиши шарт.

Ушбу тугатувчи ассигнациялар янги бюджет ваколатлари бермайди, балки мавжуд шартнома мажбуриятларини тўлайди (тугатади). Бу ҳолда бюджет ваколатлари шартнома мажбуриятларини қонуний деб топган алоҳида қонун орқали берилади.

Бу қоида Мудофаа вазирлиги маблағлар ва материалларни Қирғоқбўйи қўриқлаш хизматига бериши шартлигини кўрсатади. Маблағлар ўтказиладиган ҳисобварақка тааллуқли исталган қоида ёки чеклашлар ўтказилган маблағлар учун ҳам таалуқли бўлади.

Ассигнацнялар ажратиш бўйича матнда баъзан компенсацияловчи йиғимлар алоҳида ҳисобварақка кредитланиб, ушбу ҳисобварақ бўйича мажбуриятлар қабул қилиниши мумкин бўлган мавжуд ресурслар миқдорини оширади. Бу 1990 молия йили мисолида Муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаш бошқармасига 20 млн.дан ортиқ доллар, жумладан қарийиб 12 млн. долларлик ассигнациялар ва қарийиб 8 млн. долларлик компенсацняловчи йиғимлар берилган.

Манба: *Давлат ҳуқуқи, 1990 молия йилига Транспортга ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун (103, 1077-модда); Давлат ҳуқуқи, 101-165, 1990 молия йилига Мудофаа вазирлигига ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун (103, 1141-модда); Давлат ҳуқуқи, 101-163, 1990 молия йилига Қонун чиқарувчи ҳокимиятга ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун (103, 1059-модда).*

9-Р-НАМУНА
Ассигнациялар (маблағлар)нинг мавжудлиги

Бир йил

Рўйхатга олиш бюроси

Иш ҳақи ва бошқа харажатлар

Статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, нашрга тайёрлаш ва нашр этиш харажатларини қоплаш учун Қонунда 101,288,000 доллар ажратиш назарда тутилади.

Кўп йиллик

Оилаларни уй-жой билан таъминлаш. Мудофаа департаменти агентликлари

Қурилиш билан боғлиқ Мудофаа Департаменти агентликларида (ҳарбий департаментлардан ташқари) ишловчи ходимларнинг оилаларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида уй-жой сотиб олиш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш учун ҳамда уй-жойдан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш, лизинг ва кичик масштабли қурилиш харажатлари учун Қонунда қурилиш харажатларига 600,000 доллар; фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатларга 20,700,000 доллар, жами 21,300,000 доллар ажратиш назарда тутилмоқда. Ушбу қонунга кўра қурилишга ажратилган маблағлар 1994 йил 30 сентябргача мавжуд бўлиши шарт.

Чекланмаган муддат

Уй хўжаликларига ёрдам жамғармаси, Мудофаа департаменти

1996 йилдаги шаҳарлар ва метрополияни ривожлантириш тўғрисидаги қонуннинг 1013(D)-бўлимига мувофиқ тузилган уй хўжаликларига ёрдам жамғармасидан 5,100,000 доллар миқдоридаги маблағ ажратиш назарда тутилиб, то тўлиқ сарфлангунига қадар мавжуд бўлади.

Ассигнациялар бюджет ваколатлари тааллуқли бўладиган муддатлар бўйича фарқланади. Юқорида 1 йиллик, кўп йиллик ва муддатсиз (муддат билан чекланмаган) ассигнациялар кўрсатилган. Бошқа вариантлар улар берилган молия йилининг фақат бир қисми давомида мавжуд бўладиган ёки улар назарда тутилган молия йили бошлангунига қадар мавжуд бўладиган ассигнацияларни ўз ичига олади.

Ассигнациялар, одатда, 1 молия йилига ажратилади, бироқ улар қисқароқ ёки узоқроқ даврда мавжуд бўлиши мумкин. 1 йилга мўлжалланган ассигнациялар улар назарда тутилган молия йили охиригача ишлатилмаса, уларни ишлатиш муддати тугайди.

1990 молия йилида Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонуннинг бу қоидаси 1994 молия йилигача — тўрт молия йиллик даврга

маблағлар мавжудлигини узайтиради. Ассигнациялар 5 молия йилида ишлатишга мавжуд бўлсада, барча ассигнациялар 1990 молия йилида ажратилган ҳисобланади. Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида "мавжуд" атамаси харажатларга эмас, балки мажбуриятларга тааллуқли.

"Тўлиқ сарфлагунига қадар мавжуд бўлади" атамаси бирор-бир маълум молия йилида фойдаланиш шарт бўлмаган "муддат билан чекланманган" ассигнациялардир. Ушбу маблағлардан жорий молия йилида фойдаланилмаган бўлса, кейинги молия йилларига ўтказилади.

Манба: *Давлат қонуни 101-162, 1990 молия йилига Савдо, адлия, давлат ва суд органларига ассигнация ажратиш тўғрисидаги қонун; Давлат қонуни 101-148, 1990 молия йилига Ҳарбий қурилишга ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун.*

9-С-НАМУНА
Мажбуриятларга доир чеклашлар

Мажбуриятлар

Шоссе траст жамғармаси

Ушбу қонун бўйича ҳеч қандай маблағ 1990 молия йилига магистрал йўлларга федерал ёрдам ва хавфсиз магистраллар қурилиши дастури учун 12.260.000.000 доллардан ошадиган дастурлар, мажбуриятларни амалга ошириш ёки бажариш учун мавжуд бўлмайди.

Кредит фаолияти

1990 молия йили давомида ва мавжуд ресурслар ва ваколатлар доирасида бевосита кредитлар бўйича умумий мажбуриятлар 20.000.000 доллардан ошмаслиги керак.

1990 молия йили давомида ссудаларга кафолатлар бериш бўйича умумий мажбуриятлар 215.000.000 доллардан ошмаслиги керак: унинг камида 40.000.000 доллари Қонуннинг бошқа қоидаларидан қатъи назар Польша бўйича лойиҳалар учун ишлатилади.

Маъмурий харажатлар

Ижтимоий таъминот

МАЪМУРИЙ ХАРАЖАТЛАРГА ЧЕКЛАШЛАР

Зарур харажатларни қоплаш учун Ижтимоий таъминот бўйича қонуннинг 201(d)(1) *бўлимида* назарда тутилганидек, траст жамғармалардан кўпи билан 3.873.389.000 доллар сарфланиши мумкин.

Бу қоида молия йилига "мажбуриятларга чеклашлар"ни белгилайди. Чеклашларнинг ушбу тури траст жамғармалардан молиялаштириладиган дастурлар учун қўлланилади. Чеклашлар молия йили давомида траст жамғармасидан ишлатилиши мумкин бўлган маблағларнинг юқори чегарасини белгилайди.

Ушбу қоида молия йили давомида назарда тутилиши мумкин бўлган бевосита кредитлар миқдорини чеклайди. Чеклашлар ҳақиқатда молия йили давомида берилган кредитларга эмас, балки мажбуриятларга белгиланади.

Ушбу қоида йил давомида амалга оширилиши мумкин бўлган кредит бўйича кафолатланган мажбуриятлар суммасига чеклашлар белгилайди. Бу параграфдаги қоида кафолатларнинг бир қисмини Польшага кредит бўйича мўлжаллайди.

Ушбу ҳисобварақ бўйича бюджет ваколатлари маъмурий харажатларга доир чеклаш шаклида тақдим этилади. Чеклашнинг бу шакли мунтазам ассигнациялар оладиган траст жамғармаси томонидан молиялаштириладиган ижтимоий таъминот ҳисобварағи каби ҳисобварақлар учун қўлланилади. Ушбу чеклашсиз агентлик чекланмаган маблағларни маъмурий харажатларга сарфлаши мумкин.

Манба: *Давлат қонуни 101-164, 1990 молия йилига транспортга ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун; Давлат қонуни 101-167, 1990 молия йилига халқаро фаолиятга ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун; Давлат қонуни 101-166, 1990 молия йилига соғлиқни сақлаш, маориф ва меҳнатга ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун.*

9-Т-НАМУНА
Мақсадга кўра харажатларни чеклаш

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР, ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Озиқ-овқат учун пуллик компенсация, формали уст-бош билан таъминлаш, овқатлантириш, мукофотлар тўлаш, доимий турар-жойининг ўзгариши билан боғлиқ харажатларни қоплаш (жумладан, ҳарбий кўчишлар бўйича барча харажатлар), ҳақиқий хизматдаги (захира қисмлари аъзоларидан ташқари) ҳарбий ҳаво кучларининг ҳарбий хизматчилари, умумқўшин ва авиация билим юрти курсантлари учун доимий дислокация жойлари ўртасидаги вақтинчалик хизмат сафарлари бўйича харажатларни қоплаш, 97-377 Давлат қонунининг 156-бўлими, Ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонуннинг 229 бўлими ва Мудофаа департаменти ҳарбий хизматчиларининг пенсия жамғармаси қоидаларига мувофиқ харажатларни қоплаш учун 19.994.040.000 доллар миқдорида ассигнациялар ажратиш назарда тутилади: бунда мазкур ҳисобварақ ва "фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш, Ҳарбий ҳаво кучлари" ҳисобварағи бўйича назарда тутилган маблағлар 1990 йил 15 июндан кейин бомбардимончилар бригадасининг B–52G43 эскадриляси фаолиятини давом эттиришни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилмаслиги шарт.

* * * * * *

9071-бўлим. Мудофаа департаменти учун мавжуд маблағ, жумладан муддати ўтган ассигнациялар ва "М" ҳисобварағидаги қолдиқлар, агар Мудофаа вазири аввалдан Конгрессни бу маблағларни мазкур мақсад учун ишлатиш режаси борлиги ҳақида хабардор қилмаса, B–1B ALQ–161A CORE дастурлари учун фойдаланилиши мумкин эмас: Мудофаа департаменти учун мавжуд маблағлардан B–1B учун олисдан радиолокацион аниқловчи замонавий приёмникни татқиқ қилиш, ишлаб чиқиш, тажриба ўтказиш, баҳолаш, ўрнатиш, интеграциялаш ёки харид қилиш учун фойдаланилмаслиги шарт.

* * * * * *

9090-бўлим. Мазкур ёки бошқа қайсидир қонун бўйича Ҳарбий денгиз флоти учун назарда тутилган маблағлар, молия йилидан қатъи назар, агар Мудофаа вазири EMPRESS II га дастурини амалга ошириш АҚШ Миллий хавфсизлиги учун АҚШ денгиз кемаларининг ҳарбий имкониятига эришиши муҳимлигини Конгрессда тасдиқламаса. Чесапик кўрфази атрофида электромагнит импульси дастурини кемалар учун электромагнит импульс радиацияси экологик стимулятори дастури (EMPRESS II) билан биргаликда бажариш учун ишлатилиши мумкин эмас.

Ассигнацияларни ажратишга доир умумий қонун лойиҳаларида қонун чиқарувчи қоидалар истисно этилсада, муайян мақсадлар учун

маблағлардан фойдаланишни истисно қиладиган "чеклашлар" уларга киритилиши мумкин.

Чеклаш даражаси ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасидаги чеклашлар ҳақида гапирилган жой ва матнга боғлиқ. Агар чеклашлар ҳақида рақамланмаган параграфда ёзилган бўлса, чеклаш мазкур ҳисобварақ учун назарда тутилган маблағларгагина тааллуқли бўлади.

Ушбу чеклаш қонун лойиҳасининг охиридаги "Умумий қоидалар" бўлимида кўринади. Бу чеклаш, одатда, ушбу қонун лойиҳаси бўйича барча ҳисобварақларни қамраб олади. Бу ерда берилан чеклаш, молиялаштириш манбасидан қатъи назар, Мудофаа департаменти учун назарда тутилган барча маблағларга тегишли бўлгани учун янада кенг қамровлидир.

Ушбу чеклаш исталган Қонунда назарда тутилган маблағларга тегишли, бироқ у муайян кўрсатилган шароитларда вақтинча тўхтатилиши мумкин.

Манба: *101-166 Давлат қонуни, 1990 молия йилига Мудофаага ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун.*

9-У-НАМУНА
Қўмита шарҳи: Ҳисобварақлар ва дастурлар бўйича миқдорлар

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ГРАНТЛАР

1991 йилга ассигнациялар	[1] $20. 750.000
1992 йилга бюджет прогнози	20.000.000
Қонун лойиҳасида назарда тутилган	20. 750.000
Таққослаш:	.....
1991 йилга ассигнациялар	
1992 йилга бюджет прогнози	+750.000

[1] *99-177 Давлат қонунига мувофиқ 270 доллар миқдоридаги қисқартиришсиз акс эттирилган.*

Ушбу дастур 1972 йилдаги "Қишлоқ жойларни ривожлантириш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ қабул қилинган. Грантлар қишлоқ жойларда хусусий корхоналарни ривожлантиришга. жумладан қурилиш. бинолар. заводлар. ускуналар сотиб олиш. ерларни ўзлаштириш. коммунал хўжалик инфратузилмасини. сув таъминоти иншоотлари ва чиқиндиларни йўқ қилишни кенгайтириш ва бошқа хизматлар кўрсатишни ривожлантириш учун берилади.

ҚЎМИТА НИЗОМЛАРИ

Қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича грантлар учун Қўмита 1991 молия йилидаги каби 20. 750.000 доллар. яъни бюджет буюртмасидан 750.000 доллар ортиқ ажратмоқда.

Қўмита қишлоқ транспортини ривожлантиришга техник кўмак бериш учун 500.000 доллар йўллаб, Департаментдан 1989 молия йилида бошлаган дастурни давом эттиришини кутмоқда. Ушбу маблағлар етарли транспорт тизимларига эга бўлмаган ҳамжамиятларга техник ёрдам бериш лойиҳалари каби жойлардаги аниқ лойиҳаларни қамрашга мўлжалланган.

Қўмита Пенсильвания штатидаги Саскуэханна округида чиқиндиларни қайта ишлаш заводи қурилиши учун шимолий Штатлар гуруҳининг минтақавий режалаштириш ва ривожлантириш комиссиясига грант сифатида қарийиб 1,000.000 доллар ажратади.

Тижорат асосида ишлаб чиқариладиган балиқни қайта ишлаш линиясини ишга тушириш учун Қўмита Арканзас штатидаги Коттон Плант шаҳрига грант сифатида 500.000 долларгача маблағ ажратади. Сув хўжалиги саноатининг тез ўсиши оқибатида мамлакатнинг айрим жойларида қайта ишловчи корхоналар етишмовчилиги сезилмоқда. Ушбу маблағлар Арканзас штати ажратадиган тегишли маблағларга қўшимча ҳисобланади.

Ассигнациялар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларига илова қилинувчи қўмита шарҳларида ҳар бир ҳисобварақ учун жорий молия йилига маблағлар миқдори келгуси молия йилига Президент сўровномасидаги ассигнациялар миқдори билан солиштирилади. Ушбу солиштириш ("Янги бюджет ваколатлари бўйича солиштирма ҳисобот" номи билан маълум) ҳар бир ҳисобварақ бўйича берилади.

Шарҳларда, одатда, қўмита тавсия қилаётган ассигнациялар жорий йилда ажратилган ассигнациялар ва Президент сўровномасида "тавсия қилинган ассигнациялар" ўртасидаги фарқ кўрсатилади. Амалда ассигнациялар ажратиш қўмитаси жорий ассигнациялардан ортиқ, бироқ Президент тавсияларидан пастроқ миқдорни тавсия қилади. Бироқ ушбу ҳолатда қўмита Президент сўровномасидан ортиқ миқдорни тавсия қилмоқда.

Ассигнациялар ажратиш бўйича қўмиталар кўпинча муайян лойиҳалар ва фаолият турларига маблағлар ажратишни назарда тутади. Агентликлар Ассигнациялар ажратиш қўмитаси шарҳларида берилган бошқа кўрсатмалар каби бу ассигнацияларга амал қилиши кутилади.

Манба: *102-119 Вакиллар Палатасининг ҳисоботи (Вакиллар Палатасининг 2698-резолюциясига илова қилинган Палатанинг Ассигнация ажратиш қўмитаси ҳисоботи, 1992 молия йилига Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жойларни ривожлантиришга ассигнация ажратиш тўғрисидаги қонун), 1991 й., 20 июнь, 98-бет.*

9-Ф-НАМУНА
Қўмита ҳисоботи: Агентлик учун кўрсатмалар

Аэропортлар инспекцияси. — Қўмита кўп жойлардаги Иммиграция ва натурализация хизмати (ИНХ) аэропорт орқали АҚШга кириб келувчи шахслар 45 дақиқа давомида кўрикдан ўтишлари керак, деган белгиланган стандартнинг тўла бажармаслигидан норози. Қўмита 45 дақиқали стандарт фақат ИНХни эмас, балки барча Федерал агентликлар кўригини ўз ичига олиши керак, деб таъкидлайди. Қўмита ИНХ белгиланган стандартга эришиш учун божхона хизмати ва бошқа Федерал агентликлар билан ҳамкорликда ишлашига умид қилади. Бундан ташқари, қўмита ИНХ мазкур қонун кучга киргач, 30 кундан кейин кўрикдан ўтказиш стандартларини бажариш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисида, агар ушбу стандартлар бажарилмаётган бўлса уни бажариш учун қандай чоралар кўрилаётгани тўғрисида чораклик ҳисобот беришини талаб қилади.

Қўмита аввал кўрикдан ўтишда оргиқча кечикишларнинг олдини олиш учун АҚШ фуқаролари учун алоҳида чиқиш йўлакларидан фойдаланилганлигидан хабардор. Қўмита Яқин Шарқдаги вазиятнинг юмшагани ҳамда ёз ойлари яқинлашаётганини эътиборга олиб, ИНХ 45 дақиқали стандартни бажара олмаслигини яққол кўрганда йўловчилар оқими катта бўлган вақтларда АҚШ фуқаролари учун алоҳида чиқиш йўлакларидан фойдаланишни тиклаш имкониятини кўриб чиқиши кераклигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Қўмита Бош прокурор АҚШ фуқаролари учун чиқиш йўлакларини тиклаш бўйича ИНХ режалари тўғрисида 1991 йил 15 июлигача ҳисобот тақдим этишини сўрайди.

Қўмита йўловчилар жўнаш аэропортида рўйхатга олингач, хорижда иммиграцияга қадар текширувни амалга оширишни кенгроқ қўллаш бўйича ИНХ фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Бу кўп АҚШ аэропортларида йўловчиларнинг ортиқча ушланиб қолиши ҳолатларини камайтиришга ёрдам берган бўлар эди.

Ва ниҳоят, Қўмита АҚШ аэропортларида текшириш хизматини яхшилаш учун ИНХ АҚШ аэропортлари ва авиакомпаниялар билан текширув хизматларини яхшилашни таъминлаш масалаларини ҳал этишда биргаликда ишлашини ва штатлар рўйхати ҳамда дастурларни ишлаб чиқишини сўрайди.

Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмитасининг шарҳи Қўмита хатти-ҳаракатларини изоҳлайди ва тегишли агентликларга кўрсатмалар беради. Шарҳ матни Қонун кучига эга бўлмасада, одатда, агентликлар ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмиталарнинг Ҳисоботларида уларга берилган кўрсатмаларни эътиборга оладилар. Бу кўрсатмалар ижобий — масалан, назарда тутилган маблағлардан қандай фойдаланиш каби ёки салбий, яъни масалан қайси фаолият турлари ва қандай харажатларни амалга оширмаслик керак каби бўлиши мумкин.

Кўрсатмалар Ассигнация ажратиш бўйича Қонунини барча қоидаларини шарҳламайди. Бу намунада кўрсатилганидек, улар кўпинча молиялаштириш ҳажмини ўтган йилги ҳажмдан ошириш ёки уларнинг тавсиялари Президентнинг бюджет сўровномасидан фарқланиши масалаларига эътиборни қаратадилар.

Қўмита позициясини тавсифлаш учун бу ерда қўлланган матн—"Қўмита норози" жумласи жуда кучли. Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмита "тахмин қилади", "ҳисоблайди", "умид қилади" ёки "сўрайди" каби турли маъно берувчи бошқа сўзларни ҳам қўллайди.

Қўмита кўрсатмаларининг матни тавсияларга кўра ўтказилган текширишлар сони, лавозимлар ва бошқа ҳолатлар миқдорига нисбатан аниқ қаратилиши мумкин.

Манба: *102–106 Вакиллар Палатасининг ҳисоботи (Вакиллар Палатасининг 2608-резолюциясига илова қилинган Ассигнацияларни ажратиш бўйича қўмитанинг ҳисоботи, 1992 молия йилига савдо, адлия, давлат ва суд органларига ассоциациялар ажратиш тўғрисидаги Қонун), 1991 й., 11 июнь, 28-бет.*

САВОЛЛАР

1. Нима сабабдан Федерал бюджетни санкциялаш таомилини қабул қилиш зарурати туғилди?
2. Нима сабабдан бюджет ассигнацияларини ажратиш таомилини қабул қилиш зарурати туғилди?
3. Бюджет ассигнацияларини ажратиш таомилининг принципиал фарқи нимада?
4. Санкциялаш босқичи функционал нуқтаи назардан қандай?
5. Бюджет ассигнацияларини ажратиш босқичи функционал нуқтаи назардан қандай?
6. Санкциялаш таомилини ким ва қандай услублар ёрдамида амалга оширади?
7. Қайси Қонун бюджет харажатларини санкциялаш таомилини тартибга солади?
8. Бюджет ассигнацияларини ажратишни ким ва қандай услублар ёрдамида амалга оширади?
9. АҚШ Конгресси ва Сенати Қўмиталарида бюджет ассигнацияларини тақсимлашга доир иш қандай қурилади?
10. Санкциялаш ва бюджет ассигнациялари ажратиш таомилида Президентнинг иштироки қандай?

X БОБ.
БЕВОСИТА ВА КАФОЛАТЛАНГАН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА БЮДЖЕТ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

1990 йилдаги "Кредит ислоҳоти тўғрисида"ги Федерал қонун Федерал ҳукуматнинг бевосита ва кафолатланган қарзлар бўйича бюджет шарҳига сезиларли ўзгартиришлар киритди. 1992 молия йилида кучга кирган ислоҳот Федерал ҳукуматнинг қарз бериш ва кафолатланган қарзлар бўйича ҳисоботига тубдан ўзгартириш киритди. Бунда, Ғазна орқали ўтувчи, нақд пул ҳисоботидан, қарзларнинг субсидияланган қийматини ҳисоб-китобига ўтилди. Кредит ислоҳоти ушбу субсидияланган харажатлар ҳисоб-китобининг мураккаб таомилларини ва турли хил ссуда (қарз) битимларини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг янги механизмларини жорий этиш заруратини келтириб чиқарди. Бу ўзгаришлар бюджет кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатмади, бироқ улар алоҳида кредит дастурлари бўйича бюджет лойиҳаларини тузиш жараёнига анчагина таъсир этди.

10.1. ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА БЮДЖЕТ ТУЗИШНИНГ 1992 ЙИЛГАЧА ҚЎЛЛАНИЛГАН МЕХАНИЗМИ

"Кредит ислоҳоти тўғрисида"ги Федерал қонун қабул қилингунига қадар бюджетда бевосита ва кафолатланган қарзлар касса услуби асосида ҳисобга олинарди. Бевосита қарзлар маблағ ажратилганидан кейингина харажатлар сифатида ҳисобга олинган. Соф харажатлар янги ажратилган ссудалар билан эски ссудалар бўйича асосий қарзни қайтариш ва фоизлар тўлашдан келган тушумлар ўртасидаги фарқни акс эттиради. Шундай бўлсада, Конгресснинг бюджет лойиҳасидаги бевосита қарзлар ва кафолатланган қарзлар ялпи асосда назарда тутилган. Яъни бевосита қарзлар ва кафолатланган қарзлар умумий мажбуриятлар каби. Кредит ислоҳоти қарзлар ҳажмини бюджет лойиҳасига киритиш тажрибасини ўзгартирмади. Кафолатланган қарзлар дефолт ёки федерал тўловларни талаб қиладиган бошқа ҳолатлар вужудга келганда тўловлар ҳақиқатда амалга оширилгандан кейингина харажатлар сифатида ҳисобга олинган. Қарзлар бўйича кафолат бериш мажбуриятлари амалга оширилганда улар бўйича ҳеч қандай харажатлар ҳисобга олинмаган.

Юқорида баён қилинган тизим бир қатор нуқсонларга эга эди. Биринчидан, у бевосита қарзлар бўйича харажатларни кўпайтириб, кафолатланган қарзлар бўйича харажатларни камайтирарди. Бу шунга олиб келдики, Федерал ҳукумат қарзларнинг кейинги турини, улар бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатлардан қатъи назар, афзал кўрарди. Иккинчидан, бевосита қарзлар маблағ ажратилгандан сўнг харажатлар сифатида ҳисобга олиниб, ушбу қарзлар дефолт натижасида қайтарилмаган ёки ушбу қарзлар кечиб юборилган ёхуд грантларга қайта расмийлаштирилган муддатлари тўғрисида ҳеч қан-

дай ёзув амалга оширилмаган. Шунингдек, улар тўғрисида унутиб юборилган. Бюджетда бу харажатларни ҳисобга олиш учун етарли усуллар бўлмаган. Учинчидан, Конгресс ҳам, ижроия агентликлари ҳам кафолатланган қарзлар устидан самарали назорат ўрната олмаганлар. Уларда, ҳатто дефолт рўй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирда ҳам кафолатланган қарзлар учун ресурслар режалаштириш зарурати бўлмаган. Натижада, дефолт рўй берса, унинг оқибатида вужудга келган харажатлар назоратсиз қоларди. Тўртинчидан, бевосита ва кафолатланган қарзларнинг талқини бу турдаги битимларни бир-бири билан ёхуд грантлар каби бошқа бюджет амалиётига таққослаш имконини бермасди.

10.2. "КРЕДИТ ИСЛОҲОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 1990 ЙИЛГИ ФЕДЕРАЛ ҚОНУНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ЯНГИЛИГИ

Юқорида қайд этилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда 1990 йилдаги "Кредит ислоҳоти тўғрисида"ги Федерал қонун қарзлар бўйича субсидияланган харажатлар учун бюджет тузишнинг янги тизимини белгилади. Кредит ислоҳотлари бевосита ва кафолатланган қарзлар тушунчасини тенглаштирди, бюджетда қарзлар мақоми ўзгаришини аниқлаш, мажбуриятлар қабул қилинадиган босқичда кафолатланган қарзларни назорат қилиш усулларини таъминлади, шунингдек, бевосита ва кафолатланган қарзларни бюджет ресурсларидан фойдаланишнинг бошқа турлари билан таққослаш учун асос яратди. 1990 йил қонуни кредитларнинг субсидияланмаган қисми, шунингдек 1992 молия йилигача берилган қарзлар билан ишлаш таомилини ҳам белгилади.

Янги тизим бевосита ва кафолатланган қарзларнинг субсидияланган харажатлари бўйича ҳам бюджет ваколатлари ва харажатлари назарда тутилишини талаб қилди. Ушбу харажатлар 1990 йил қонунида "Маъмурий харажатлар чиқариб ташланган соф жорий қиймат асосида ҳисоб-китоб қилинган Ҳукуматнинг бевосита ёки кафолатланган қарзлари бўйича узоқ муддатли харажатлари" сифатида белгиланган.

Бу белгилашнинг айрим жиҳатлари қўшимча тушунтиришларни талаб қилади. Биринчидан, субсидияланган харажатлар — бу қарзни қайтариш муддати келганда амалга ошириладиган ҳақиқатдаги тўловлар эмас, балки барча пул маблағлари оқимининг жорий қиймати ҳисобидир. Субсидияланган харажатлар ҳар йили янги маълумотлар ва шарт-шароитларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб қайтадан ҳисобланиши мумкин. Иккинчидан, ҳисоб-китоб қилинган давр қарз муддати ва бошқа шароитларга боғлиқ бўлади. Ҳисоб-китоб келгусида кути-

лаётган барча пул маблағлари оқимини ўз ичига олиши керак. Учинчидан, қарзнинг ҳозирги соф жорий қиймати келгусида тахмин қилинган пул маблағлари оқимини дисконтлаш воситасида ҳисоб-китоб қилинади. Дисконлашда қарзни бериш ёки қарзни кафолатлаш вақтида Ғазна Департаменти тўлаган фоиз ставкасига тенг ҳисоб ставкаси қўлланилади. Тўртинчидан, гарчанд маъмурий харажатлар субсидияланган харажатлар ҳисоб-китобидан чиқариб ташланса ҳам бу харажатлар учун ҳисоблашнинг янги усуллари белгиланган.

Янги тизим бўйича Конгресс бюджет ваколатларини ёки чекланмаган ваколатларни субсидияланган харажатларга тенг даражада тақдим этади. Ушбу бюджет ваколатлари тегишли дастурнинг ҳисобрақамида ўз аксини топади. Қарзлар бўйича бюджет тузиш учун белгиланган турли хил ҳисобрақамлар мазкур бобнинг давомида тушунтириб борилади.

10.3. ҚАРЗЛАРНИНГ СУБСИДИЯЛАНГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ МЕХАНИЗМИ

Субсидияланган харажатларни ҳисоблаш — бу ҳар бир кредит дастури учун бажарилиши лозим бўлган мураккаб жараён. Бу жараён қарзнинг субсидияланган қисмини субсидияланмаган қисмидан ажратиш учун фойдаланилади. Бюджет ваколатлари ва харажатлар фақат қарзнинг субсидияланган қисми учун назарда тутилади ва ўз навбатида субсидияланган харажатлар ҳисобланади. Бу харажатлар, одатда, бевосита қарзнинг номинал қийматидан кам бўлади, чунки қарзнинг ҳаммаси ёки катта қисми қайтарилади. Бу харажатлар кафолатланган қарз миқдоридан ҳам кам бўлади, чунки бундай қарзлар бўйича мажбуриятларнинг айримларигина бажарилмайди. Бевосита қарзларнинг субсидияланмаган қисми ҳам молиялаштирилиши шарт, бироқ бу субсидияланган харажатларга киритилмайди, шу боисдан бу қисмга нисбатан ҳеч қандай бюджет ваколатлари назарда тутилмайди.

Бевосита қарзнинг субсидияланган қисми — бу қарзнинг қайтарилмайдиган қисмининг дисконтланган жорий қиймати. Кафолатланган қарзлар бўйича субсидияланган қисм — бу Федерал ҳукумат келажакда у бўйича тўловни амалга оширадиган миқдорининг дисконтланган жорий қиймати. Жорий қиймат бўйича дисконтлашда Ғазна Департаменти томонидан тўланадиган фоиз ставкасига тенг коэффициент қарз билан боғлиқ пул маблағларининг кутилаётган барча оқимлари бўйича қўлланилади. Тўловлар миқдорини дисконтлашда Федерал ҳукумат томонидан қарз бўйича биринчи йили амалга оширган тўловлари юқорироқ жорий қийматга эга бўлади ва шу боисдан кейинги йилларда амалга оширилган тўловларга нисбатан юқо-

рироқ субсидияланган харажатларга эга бўлади. Бундан ташқари, жорий қиймат нетто асосда ҳисобланиб, маблағларнинг келиб тушиши оқими жорий қийматгача дисконтланганда ундан дисконтланган тўловлар миқдори айириб ташланади.

10.4. БЕВОСИТА ҚАРЗЛАРНИНГ МАҚСАДИ ВА ТУЗИЛИШИ

Бевосита қарзларнинг субсидияланган тўловлари қуйидаги пул маблағлари оқимининг жорий қийматини ўзида акс эттиради: (1) ссудалар бериш; (2) асосий қарзни қайтариш; (3) фоизларни тўлаш ва (4) қарз муддати давомида Ҳукумат томонидан амалга ошириладиган ёки Ҳукуматга тўловлар (тахмин қилинаётган дефолт, олдиндан тўловлар, жарималар ва бошқа қоплашларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлардан сўнг).

Конгресс бевосита қарзни беришдан олдин ҳар йилги Ассигнациялар ажратиш бўйича қонун орқали ёки бошқа бирор усул билан субсидияланган харажатларни қоплаш учун бюджет ваколатларини тақдим этиши лозим. Қарзларнинг мазкур ҳажми учун зарур бўлган бюджет ваколатлари миқдори субсидиялаш даражасига, яъни субсидияланган тўловларнинг жами берилган қарз миқдоридаги улушига боғлиқ. Масалан, агар субсидиялаш ставкаси 25 фоиз бўлса, 10 млн доллар миқдоридаги бюджет ваколатлари 40 млн долларлик қарз бўйича мажбуриятга етарли бўлади. 10-А-намуна субсидиялаш ставкаси қандай қилиб пул маблағлари оқимларидан ҳисоб-китоб қилиб чиқарилишини кўрсатади. 10-Б-намуна бюджетда бевосита қарз дастурларидан бири бўйича кредит фаолияти, субсидиялаш ставкаси, бюджет ваколатлари ва тўловлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатади.

Субсидиялаш ставкаси бевосита қарзларнинг ҳар бир дастури бўйича ҳисобланади. Субсидиялаш ставкасини ҳисоблашда кўплаб тавсифномалар (бири қарз шартлари билан боғлиқ, бошқаси — қарз олувчининг мақоми билан) ҳисобга олинади. Улар қарз олувчидан олинадиган фоиз тўловлари ва йиғимлар, тахмин қилинаётган дефолт ва дефолт юзасидан қоплашларни ва қарз муддатини ўз ичига олади. 10-В ва 10-Г-намуналар Маъмурий-Бюджет Бошқармаси томонидан бевосита қарз дастури учун субсидиялаш ставкасини ҳисоблаш учун фойдаланилган тахминларни кўрсатади.

10.5. КАФОЛАТЛАНГАН ССУДАЛАРНИНГ МАҚСАДИ ВА ТУЗИЛИШИ

Кафолатланган қарзлар бўйича субсидияланган харажатларни ҳисоблаш услуби айрим фарқларни ҳисобга олмаганда бевосита қарз-

лар учун қўлланиладиган услубга ўхшашдир. Кафолатланган қарзлар бўйича субсидияланган харажатлар — бу Федерал ҳукуматнинг дефолт ва бошқа тўловлар бўйича амалга оширган харажатларининг жорий қиймати билан йиғимлар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар бўйича пул маблағлари тушумининг жорий қиймати ўртасидаги фарқдир. Бошқача айтганда, субсидияланган харажатлар — бу Федерал ҳукумат томонидан амалга ошириладиган компенсация қилинмайдиган тўловларнинг жорий қийматидир . Худди бевосита қарзлар каби Конгресс қарз бўйича кафолатлар бериш учун Федерал ҳукуматга етарлича бюджет ваколатларини тақдим этиши лозим. Кафолатланган қарзлар бўйича субсидиялаш ставкалари ҳисоблаш учун фойдаланиладиган таомиллар 10-Б ва 10-Г-намуналарда кўрсатилган намуналарга ўхшашдир. 10-Д-намунада кафолатланган қарз дастурларидан бири бўйича кафолатланган қарз миқдори, субсидиялаш ставкаси, бюджет ваколатлари ва тўловлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган.

Субсидияланган харажатлар бевосита қарз ёки кафолатланган қарз бўйича мажбуриятлар қабул қилинганда ҳисоб-китоб қилинади. Бу ҳисоб-китоблар кўпинча кредитлар бўйича ҳақиқий ҳолатга зид келади. Шу сабабли 1990 йилдаги қонун тегишли қарз даври мобайнида субсидияланган харажатларни мунтазам қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Қайта ҳисоблаш вақтида дастлабки ҳисоб-китоблар учун фойдаланилган услубни қўллаш талаб қилинади. Дастлабки ва қайта кўриб чиқилган ҳисоб-китоблар ўртасидаги ҳар қандай фарқ тўловлар оқими бўйича аввалги истиқболлар билан қайта кўриб чиқилган истиқболлар ўртасидаги номувофиқликлар билан боғлиқ бўлади. Доимий чекланмаган бюджет ваколатлари қайта ҳисоб-китоблар натижасида ҳосил бўлган субсидияланган харажатларнинг ўсишини қоплаш имконини беради.

10.6. СУБСИДИЯЛАНГАН ВА БОШҚА БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ТАҚҚОСЛАШ УСЛУБИЯТИ

1990 йилги кредит ислоҳотининг мақсадларидан бири — бюджет сиёсатининг турли дастакларини таққослашга кўмаклашишдан иборат эди. Яқиндаги ислоҳотларгача бунинг имкони йўқ эди, чунки бевосита қарзлар бўйича бюджетни тузишда қарзларнинг субсидияланган ва субсидияланмаган қисмлари аралаштириб юборилган, ва шунингдек, кафолатланган қарзлар учун бюджет тузиш вақтида бу қарзларнинг келгусидаги субсидияланган харажатлари эътиборга олинмаган. Кредит ислоҳоти бевосита қарзлар, кафолатланган қарзлар ва

Федерал ҳукуматнинг бошқа харажатларини тенглаштирди. Уларнинг барчаси бюджетда Федерал ҳукуматнинг харажатлари сифатида назарда тутилган. Қуйида келтирилган жадвал кредитлар ва грантларга ислоҳотдан аввалги ва ислоҳотдан кейинги ёндашишлардаги фарқни кўрсатади.

	Битимнинг ялпи миқдори	Харажатлар (Ислоҳоттача)		Харажатлар (Ислоҳотдан кейин)	
		База	Жами	База	Жами
Бевосита ссудалар (қарзлар)	100	Ажратилган миқдор	100	Субсидияланган харажатлар	15
Кафолатланган ссудалар (қарзлар)	100	1 йиллик тўловлар оқими	-2	Субсидияланган харажатлар	30
Грантлар	20	Ажратилган миқдор	20	Ажратилган миқдор	20

Изоҳ: *кўрсаткичлар млн. долларда кўрсатилган.*

Ушбу тахминий мисолда бевосита қарз миқдори 100 млн. доллар, кафолатланган қарз миқдори 100 млн доллар, грант миқдори 20 млн. долларга тенг. Кредит ислоҳотигача бевосита қарз анча қиммат кредит операцияси ҳисобланган, чунки жами бюджет тўловларни худди бюджет ваколатлари ва харажатлари сифатида ҳисобга олган. Бошқа томондан қарзлар бўйича кафолат дастлаб манфий (минусли) харажатларга олиб келди, чунки ҳеч қандай маблағлар ажратилмасди ва Федерал ҳукумат қарз бўйича кафолатлар берганлиги учун комиссия оларди. Ислоҳот натижасида бевосита қарзлар бўйича бюджет харажатлари 100 млн. доллардан 15 млн. долларгача қисқарди, шу билан бир вақтда кафолатланган қарзлар бўйича бюджет харажатлари 2 млн. дан 30 млн. долларга ошди. Грантлар учун назарда тутилган миқдор ўзгармади, бироқ янги таомилларга кўра уларни ҳозир бевосита ва кафолатланган қарзлар билан осонгина солиштириш мумкин. Бироқ шуни қайд этиш жоизки, грантлар ҳақиқий операцияларни акс эттиради, айни вақтда ислоҳотдан кейинги бевосита ва кафолатланган қарзлар бўйича харажатлар фақатгина ҳисоб-китоблар, холос.

Кредит ислоҳоти бухгалтерия ҳисоботининг янги ва мураккаб тузилмаси яратилишига олиб келди. Бевосита ва кафолатланган қарзлар учун бухгалтерия ҳисоби механизмининг икки тўплами ишлаб чиқилди. Биринчи тўплам субсидияланган харажатларни ҳисоб-китоб қилиш учун, иккинчиси эса бутун қарз муддати давомидаги тўловлар оқимини ҳисобга олиш учун қўлланилади.

Субсидияланган харажатлар ҳар бир кредит дастури учун ҳисобланиши лозим. Бироқ дастур кўп сонли алоҳида қарзларни ўз ичига олиши мумкин ва бунда ҳар бир қарз бўйича субсидияланган харажатларни алоҳида ҳисоблаш ноқулайроқ бўлар эди. Маъмурий-Бюджет бошқармаси қуйидагилар бўйича қарзларни таснифлаш қоидаларини ишлаб чиқди: (1) гуруҳлар бўйича; (2) хатар (риск) категориялари бўйича; (3) молиявий траншлар бўйича. Бу таснифлаш субсидияланган харажатлар ўхшаш жиҳатларга эга кредит гуруҳлари бўйича ҳисоблаш имконини беради.

Кредит гуруҳи — бу Федерал ҳукумат томонидан (бевосита қарзлар бўйича) ёки хусусий кредиторлар томонидан (кафолатланган қарзлар бўйича) маблағлар ажратилган муддатидан қатъи назар, мажбуриятлари бир молия йили мобайнида қабул қилинган битта дастур доирасидаги барча қарзлар учун ҳисоб бирлигидир. Шундай қилиб, 1992 молия йили учун дастур доирасидаги барча янги кредитлар бир гуруҳда ҳисобга олинган. Ушбу қарзлар қарзларнинг ёки кафолатнинг бутун даври мобайнида ўзининг бошланғич гуруҳи билан қолаверади.

Ҳар бир гуруҳ икки ёки ундан ортиқ хатар (риск) категориясига ажратилиши мумкин. Хатар категорияси дефолтлар ва бошқа харажатлар билан боғлиқ бир турдаги хатар хусусиятларига эга бўлган гуруҳ доирасидаги барча қарзларни ўз ичига олади. Ҳар бир хатар категорияси билан боғлиқ омиллар қарзларнинг шу гуруҳидан кутиладиган тўловлар оқимини ҳисоблашда эътиборга олинади.

Ва, ниҳоят, бир чорак мобайнида ажратилган ва тахминан бир хил қайтариш муддатига эга, хатар категориялар бўйича категорияланган бир гуруҳнинг ўзидаги барча қарзлар битта молиявий траншга киритилади. Молиявий транш тўловларнинг барча кирим ва чиқимлари бўйича фоиз ставкасини аниқлаш учун фойдаланилади.

Кредит ислоҳотига кўра янги тамойиллар жорий этилгандан кейин ва олдин ажратилган қарзлар бўйича қарзларнинг субсидияланган ва субсидияланмаган қисмлари ва тўловлар оқими учун алоҳида бюджет ҳисоби юритилиши зарур. Бу эҳтиёжларни қондириш учун уч турдаги ҳисобрақам жорий этилди: (1) янги қарзларнинг субсидияланган қисми ва маъмурий харажатлар учун дастур ҳисобрақами; (2) янги қарзлар муддати мобайнида қарзларнинг субсидияланмаган қисми учун ва маъмурий харажатлардан ташқари барча тўловлар оқими учун молиялаштириш ҳисобрақамлари; (3) ислоҳотгача ажратилган қарзлар бўйича тўловлар оқими учун тугатиш ҳисобрақамлари. 10-Е-намунада мазкур ҳисобрақамларнинг бюджет мақоми рўйхати келтирилган.

Дастур ҳисобрақами. Бу ҳисобрақамга бевосита ва кафолатлан-

ган қарзларнинг субсидияланган харажатларини қоплаш учун ассигнациялар ўтказилади. Ушбу ҳисобрақамга гарчи субсидияланган харажатларга киритилмаган бўлсада, маъмурий харажатлар учун ҳам маблағлар ўтказилади. Бевосита ва кафолатланган қарзлар ушбу ҳисобрақамларда, аввал эслатиб ўтилганидек, кредит гуруҳлари, хатар категориялари ва молиявий траншлар бўйича бўлинади. Дастур бўйича ҳисобрақамларга бевосита ёки кафолатланган қарзнинг субсидияланмаган қисми учун маблағлар ўтказилмайди.

Молиялаштирувчи ҳисобрақам. Ҳисобрақамнинг бу тури бюджетга оид эмас, бу ҳисобрақам бўйича маблағларнинг кирим ва чиқимлар бюджетнинг жамлама кўрсаткичларига киритилмайди. Маблағларнинг бу оқимлари бюджет тушумлари ёки харажатлари сифатида эмас, балки "молиялаштириш усуллари" сифатида қаралади. Молиялаштириш ҳисобрақами дастур ҳисобрақамидан субсидияланган харажатлар учун ўтказилган ассигнацияларни жамлайди ва зарурат бўлганда Ғазна Департаментидан қарзлар бўйича тўловларни амалга ошириш учун қарзнинг субсидияланмаган қисмини қарзга олади. Йиғимлар, фоизлар, асосий қарзни қайтариш бўйича тўловлар ва бошқа тўловлар молиялаштириш ҳисобрақамига ўтказилади, ундан Ғазна Департаментидан қарзга олинган қарзлар фоизи билан қайтарилади. Битта дастур доирасида бевосита ва кафолатланган қарзлар учун молиялаштиришнинг алоҳида ҳисобрақамлари мавжуд. Кафолатланган қарзлар бўйича молиялаштириш ҳисобрақами дефолт ҳолати учун захира бўлиб хизмат қилади. У ушбу заҳираларни Ғазна Департаментига фоизи билан қайтариб бериш шарти билан ажратади. 10-Ж, 10-З-намуналар дастурлар ҳисобрақамлари билан молиялаштириш ҳисобрақамлари ўртасидаги, шунингдек мазкур ҳисобрақамлар ва Ғазна ўртасидаги тўловлар оқимларини кўрсатади.

Тугатиш ҳисобрақами. Ҳисобрақамнинг бу тури 1992 молия йилигача берилган қарзлар учун тўловлар оқимига мўлжалланган. Бу қарзлар ислоҳотгача бўлган давр таомиллари асосида берилганлиги учун улар бюджетда касса усулида ҳисобга олинган. Тугатиш ҳисобрақами асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловларни ҳамда бошқа йиғимларни жамлайди. Ундан яна дефолт бўйича талабномалар ва фоизли субсидиялар тўланади. Тугатиш ҳисобрақами янги қарзлар бўйича тўловларни амалга оширмайди ва мажбуриятларни олмайди.

Шундай қилиб, "Кредит ислоҳоти тўғрисида" 1990 йилдаги Федерал қонун бевосита ва кафолатланган қарзлар ажратилиши ва улардан фойдаланиш жараёнини бошқариш механизмини такомиллаштириш учун негиз яратди, деб хулоса чиқариш мумкин.

10-А-НАМУНА
1992 йилда олинган қарз бўйича субсидияланган харажатларнинг ҳисоб-китоби
млн. доллар ҳисобида

	1992	1993	1994	1995	1996	1997	Жами
Мажбурият қабул қилинди	1000	------	------	-------	-------	-------	1000
Суда ажратилди	1000	------	-------	-------	-------	-------	1000
Қайтариш:							
Фоизлар	------	-50	-50	-50	-50	-50	-250
Асосий қарз	------	-------	-------	-------	-------	-1000	-1000
Жами	0	-50	-50	-50	-50	-1050	-1250
Тўловларнинг соф оқимлари	1000	-50	-50	-50	-50	-1050	-250
Ҳисоб ставкаси (5 йил муддатга эга Фазна қимматли қоғозлари бўйича фоиз ставкаси)	7.6%						
Тўловлар оқимининг жорий қиймати	1000	-46	-43	-40	-37	-728	106

Ушбу мисолда 1992 молия йилида 1 млрд. доллар миқдорида бевосита қарз ажратилган. Мисолда қуйидагиларга фараз қилинган: (а) қарз мажбурият қабул қилинганидан сўнг қисқа муддат ичида ажратилган; (б) қарздор ҳар йили 5 фоиз миқдорида фоиз тўлайди, бу Фазна фоиз ставкасидан анчагина паст; (в) асосий қарз 5-йилнинг охирига бориб тўлиқ тўланади (дефолтсиз); (г) соддалаштириш учун барча пул оқимлари йил охирида амалга оширилади, деб фараз қилинган.

Субсидияланган харажатларга ассигнациялар, ҳатто, агар мажбурларнинг маълум қисми ёки барчаси кейинги йилларда ҳақиқатда ажратилса ҳам қарз бўйича мажбурият қабул қилинган молия йилига назарда тутилади. Қайд этиш жоизки, биринчи йилдан сўнг тўловларнинг ҳақиқатдаги оқимлари бу оқимларнинг жорий қийматидан фарқ қилади.

Субсидияланган харажатлар учун 1992 йили 106 млн. доллар миқдоридаги ассигнациялар зарур; у қарзнинг бутун даври мобайнидаги (1992-1997 молия йиллари) тўловлар оқимларининг жорий қийматини қўшиш йўли билан топилади. 106 млн. доллар миқдоридаги харажатлар ҳам 1992 молия йилига тааллуқли.

Субсидиялаш ставкаси тўловлар оқимлари жорий қийматини мажбуриятларнинг умумий қийматига бўлиш орқали ҳисобланади. Мазкур ҳолатда бу 10,6 фоизга тенг. Мазкур мисолда ушбу ҳисоб-китобга кўра 106 млн. доллар миқдоридаги ассигнациялар 1 млрд. доллар миқдоридаги бевосита қарз бўйича мажбуриятларни бажариш имконини беради.

Манба: *Жадвал Конгресснинг Бюджет бошқармаси томонидан тайёрланган.*

10-Б-НАМУНА
Бевосита қарзлар: бевосита қарзлар бўйича ҳисобрақамлар тўғрисида қисқача маълумотлар

(минг долл.)

Идентификацион коди 73-1154-0-1-376		1990 ижро	1991 истиқбол	1992 истиқбол
	Субсидиялар бўйича бюджет ваколатлари билан қўллаб-қувватланадиган бевосита қарзлар миқдорлари:			
1150	Ногиронларга	.....	12.000	.....
1150	Иқтисодий имкониятлар учун қарзлар	.....	17.000	.....
1150	8 (а)-бўлимга мувофиқ қарзлар	.....	5.000	5.000
1150	Фахрийларга қарзлар	.....	17.000	.....
1150	Камчилик миллатга мансуб кишилар корхоналари учун қарзлар	.....	20.000	.....
1159	Бевосита қарзлар бўйича жами	.....	71.000	5.000
	Бевосита қарзлар бўйича субсидиялар ставкалари (%ларда):			
1320	Ногиронларга қарзлар	.....	36.9	.....
1320	Иқтисодий имкониятлар учун қарзлар	.....	30.7	.....
1320	8 (а)-бўлимга мувофиқ қарзлар	.....	30.7	29.6
1320	Фахрийларга қарзлар	.....	30.7	.....
1320	Камчилик миллатга мансуб кишилар корхоналари учун қарзлар	.....	45.3	.....
1329	Субсидияларнинг ўртача ставкаси	.....	35.8	29.6
	Бевосита қарзлар бўйича субсидиялар учун бюджет ваколатлари:			
1330	Ногиронларга қарзлар	.....	4.427	.....
1330	Иқтисодий имкониятлар учун қарзлар	.....	5.214	.....
1330	8 (а)-бўлимга мувофиқ қарзлар	.....	1.534	1.479
1330	Фахрийларга қарзлар	.....	5.214	.....
1330	Камчилик миллатга мансуб кишилар корхоналари учун қарзлар	.....	9.056	.....
1339	Субсидиялар бўйича бюджет ваколатлари жами	.....	25.445	1.479
	Бевосита қарзлар бўйича субсидиялар учун харажатлар:			
1340	Ногиронларга қарзлар	.....	2.213	.....
1340	Иқтисодий имкониятлар учун қарзлар	.....	2.607	.....
1340	8 (а)-бўлимга мувофиқ қарзлар	.....	767	739
1340	Фахрийларга қарзлар	.....	2.607	.....
1340	Камчиликка миллатга мансуб кишилар корхоналари учун қарзлар	.....	4.528	.....
1349	Субсидиялар бўйича жами харажатлар	.....	12.722	739

Бевосита қарзлар бўйича ҳисобрақамлар тўғрисидаги маълумотлар Президентнинг бюджетномасига киритилган махсус жадвалларда берилади.

Мазкур кредитнинг ҳисобрақами (Кичик бизнес маъмурияти бизнес-кредитлар дастури ҳисобрақами) битта федерал агентлик томонидан бошқариладиган 5 та турли хил қарз дастурларини ўз ичига олади. Гарчанд турли хил дастурлар бир ҳисобрақамга жамланса ҳам, субсидиялар ставкаларининг ҳисоб-китоби ҳар бири учун алоҳида амалга оширилади.

Бюджет ваколатларининг маълум миқдори билан қўллаб-қувватланиши мумкин бўлган қарзнинг миқдори субсидиялар ставкасига боғлиқ. Ушбу мисолда субсидиялар ставкаси 29,6 фоиз бўлганда 1,479 млн. доллар миқдоридаги бюджет ваколатлари 5 млн. долларга тенг бевосита қарзларни таъминлайди.

"Субсидиялар бўйича бюджет ваколатлари" ва "субсидиялар бўйича харажатлар" атамалари бу моддаларни кредитга оид бўлмаган дастурлар учун бюджет ваколатлари ва харажатлардан фарқлайди. Шунга қарамай, барча бюджет ваколатлари ва харажатлар уларнинг туридан қатъи назар жамлама бюджет кўрсаткичларида биргаликда жамланади.

Манба: *АҚШ ҳукумати бюджети, 1992 молия йили, 4-қисм, 1057-бет.*

10-В-НАМУНА
Субсидиялаш ставкасини белгилаш

Кредит дастури:		ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ	
Бюджет хисобрақами:		83-0100-0-1-155	
Мажбурий ёки дискрецион:		ДИСКРЕЦИОН	
Инспектор:			
Президент сиёсатига мувофиқ бевосита қарзлар бўйича субсидияларнинг ҳисоб-китоби			
1992 молия йилига субсидиялар:	15,6%	Мажбуриятлар (минг АҚШ долл.)	$ 915,000
1993 молия йилига субсидиялар:	15,6%	Мажбуриятлар (минг АҚШ долл.)	$ 919,575
1994 молия йилига субсидиялар:	3,4%	Мажбуриятлар (минг АҚШ долл.)	$ 808,020
1995 молия йилига субсидиялар:	3,4%	Мажбуриятлар (минг АҚШ долл.)	$ 812,060
1996 молия йилига субсидиялар:	3,4%	Мажбуриятлар (минг АҚШ долл.)	$ 816,120
1992 йиллаги бевосита қарзлар бўйича субсидия таркиби (юқоридаги):			
Дефолт (нетто қоплашлар)		8.8%	
Фоиз ставкасидаги фарқ		-1.0%	
Комиссия		-4.1%	
Бошқалар		12.0%	
Жами субсидиялар		15.6%	

Субсидиялар ҳисоб-китоби ҳар бир кредит дастури учун алоҳида юритилади. Ҳар бир дастур доирасидаги ҳисоб-китоб қарзлар гуруҳи ва хатар категорияси бўйича юритилади.

Мажбурий ва дискрецион дастурлар ўртасидаги тафовут бюджет ваколатини тақдим этиш усулини аниқлаш учун қўлланилади.

Маъмурий-Бюджет Бошқармаси (МББ) бевосита қарзлар бўйича субсидияларни тўрт таркибий қисмга бўлади: (а) қайтарилиши кутилмаётган қарз қисми минус тахмин қилинаётган қоплаш; (б) Фазна Департаменти тўлайдиган фоиз билан қарздорлар тўлайдиган фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ; (в) қарздорлардан кредит ажратиш вақтида ёки бутун қарз даври мобайнида ундириладиган комиссиялар ва (г) бошқа омиллар.

Комиссиялар манфий фоизлар сифатида келтирилган, чунки улар субсидиялар бўйича ставкаларни пасайтиради. Мазкур мисолда субсидиялар бўйича фоиз ставкаси ҳам манфий, чунки қарздорлардан ундириладиган ставка Фазна Департаменти тўлайдиган фоиз ставкасидан юқори.

Манба: *МББ, "1992 йил бюджети бўйича техник брифинг"га илова қилинган материал, 1991 йил 4 февраль.*

10-Г-НАМУНА
Субсидиялар ҳисоб-китобида фойдаланилган тахминлар

Қарзни узишнинг ўртача муддати					8.5 йил
Қарз бўйича ўртача фоиз ставкаси					8.34%
Имтиёзли давр					2.0 йил
Тўлов меъёри (дастлабки мажбуриятларга нисбатан фоизларда):					
1 йил	8.1 %	2 йил	40.5%	3 йил	23.8%
4 йил	17.2%	5 йил	10.3%		
Давлатга тўланган комиссиялар:					
Мажбуриятлар учун комиссия					0.5%
Бошланғич комиссия					3.25%
Ҳар йиллик йиғимлар					____%
Бутун қарз муддати давомида қарзлар гуруҳлари бўйича дефолт (тўловларга нисбатан фоизларда)					7.62%
Дефолт бўйича қоплашнинг ўртача меъёри (қарз муддати охиригача дефолтга нисбатан фоизларда)					____%

Мазкур намуна аввалги намунада фойдаланилган экспорт-импорт банки дастурига тааллуқли.

Қарз муддати (уни қайтариш муддати) субсидияларга бир неча усуллар билан таъсир этади: (а) келгусида тўловлар оқими муддати қанча узоқ бўлса, уларнинг жорий қиймати шунча паст бўлади; (б) қарз муддати қанча узоқ бўлса, ҳисобга олиниши лозим бўлган номаълум омиллар шунча кўп бўлади; (в) қарз муддати унинг хатарлилигига таъсир этиши мумкин.

Агар ўртача фоиз ставкаси Ғазна Департаменти томонидан тўланадиган ставкадан юқори бўлса, у субсидиялар миқдорини камайтиради. Агар у паст бўлса, унда бу харажатларни кўпайтиради.

Имтиёзли муддат ва кредитлар бўйича тўловлар меъёри оқимлар жорий қийматини ҳисоб-китобида жуда муҳим бўлган тўловлар оқими вақтини ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилади.

Комиссиялар (йиғимлар) бир неча хил бўлиши мумкин, уларга қуйидагилар киради: (а) Федерал ҳукумат томонидан қарз ажратилиши учун тўланган комиссия; (б) кредитни ташкил этиш учун комиссия каби бошланғич комиссия; (в) бутун қарз муддати мобайнидаги ҳар йиллик йиғимлар.

Дефолт ва қоплашлар аввал баён этилганидек кредит гуруҳлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Манба: *МББ, "1992 йил бюджети бўйича техник брифинг"га илова қилинган материал, 1991 йил 4 февраль.*

10-Д-НАМУНА
Кафолатланган қарзлар: ҳисобрақамлар даражасидаги жамланган маълумотлар

Қарзлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар. субсидиялар бўйича бюджет ваколатлари ва дастурлар бўйича харажатлар (минг долл.)

	Идентификацион коди 73-1154-0-1-376	1990 факт	1991 истиқбол	1992 истиқбол
	Субсидиялар бўйича бюджет ваколатлари билан қўллаб-қувватланадиган кафолатланган қарзлар миқдорлари:			
2150	Умумий бизнесга қарзлар	.....	4.117.647	4.117.333
2150	502-бўлимга мувофиқ компанияларни ривожлантириш учун қарзлар	.....	43.750	45.588
2150	504-бўлимга мувофиқ компанияларни ривожлантириш учун қарзлар	.....	485.000	505.370
2150	Инвестицион компаниялар учун қарзлар	.....	186.000	100.000
2150	Камчилик миллатга мансуб кишилар инвестицион компаниялари учун қарзлар	.....	60.000	60.000
2159	Кафолатланган қарзлар бўйича жами	.....	4.892.397	4.828.291
	Кафолатланган қарзлар бўйича субсидия ставкаси (фоизларда)			
2320	Умумий бизнесга қарзлар	.....	4.8	0.6
2320	502-бўлимга мувофиқ компанияларни ривожлантириш учун қарзлар	.....	5.9	6.0
2320	504-бўлимга мувофиқ компанияларни ривожлантириш учун қарзлар	.....	0.5	.....
2320	Инвестицион компаниялар учун қарзлар	.....	14.1	10.8
2320	Камчилик миллатга мансуб кишилар инвестицион компаниялари учун ссудалар	.....	26.7	27.1
2329	Субсидиянинг ўртача белгиланган ставкаси	.....	5.0	1.1
	Кафолатланган қарзлар учун субсидиялар бўйича бюджет ваколатлари:			
2330	Умумий бизнесга қарзлар	.....	198.471	24.292
2330	502-бўлимга мувофиқ компанияларни ривожлантириш учун қарзлар	.....	2.586	2.744
2330	504-бўлимга мувофиқ компанияларни ривожлантириш учун қарзлар	.....	2.328	.....
2330	Инвестицион компаниялар учун қарзлар	.....	26.300	10.820
2330	Камчилик миллатга мансуб кишилар инвестицион компаниялари учун қарзлар	.....	15.990	16.284
2339	Субсидиялар бўйича жами бюджет ваколатлари	.....	245.675	54.140

	Кафолатланган қарзлар учун субсидиялар бўйича харажатлар:			
2340	Умумий бизнесга қарзлар	.....	178.624	21.863
2340	502-бўлимга мувофиқ компанияларни ривожлантириш учун қарзлар	.....	2.327	2.470
2340	504-бўлимга мувофиқ, компанияларни ривожлантириш учун қарзлар	.....	2.095	.....
2340	Инвестицион компаниялар учун қарзлар	.....	23.670	9.738
2340	Камчилик миллатга мансуб кишилар инвестицион компаниялари учун қарзлар	.....	14.391	14.656
2349	Субсидиялар бўйича жами харажатлар	.....	221.107	48.727

Кафолатланган қарзлар бўйича ҳисобрақамлар тўғрисидаги маълумотлар Президентнинг бюджетномасига киритилган махсус жадвалларда келтирилади.

Ушбу кафолатланган қарзлар 10-Б намунада келтирилган дастур ҳисобрақамида жамланади. Бироқ маблағлар дастур ҳисобрақамидан тўланганда бевосита ва кафолатланган қарзлар алоҳида молиялаштириш ҳисобрақамларига тақсимланади.

Ушбу кафолатланган қарзлар бўйича субсидиялар ставкаси паст бўлганлиги учун (1,1 %) бюджет ваколатлари катта ҳажмдаги кредит фаолиятининг қўллаб-қувватлай олади. Кичик бизнесни бошқариш бўйича дастурни 4,8 млрд. доллар миқдоридаги кафолатланган қарзлар кўринишида қўллаб-қувватлаш учун 1992 молия йилига Президент субсидиялар бўйича 54,1 млн. доллар бюджет ваколатлари тақдим этилишини сўради.

"Субсидиянинг ўртача белгиланган ставкаси" — бу ҳар бир кредит дастури ставкасининг ҳисобрақамдаги умумий кредит фаолияти дастуридаги улуши ҳисобга олинган ставкасидир. Шу боисдан, гарчи "Камчилик миллатга мансуб кишилар инвестицион компаниялари учун қарзлар" 1992 молия йилида субсидияларнинг юқори ставкасига эга бўлсада (27,1%), ўртача белгиланган ставка анча паст (1,1 %), чунки ушбу кредитлар ҳисобрақамдаги жами кредитларнинг оз қисмини ташкил этади.

Манба: АҚШ ҳукумати бюджети, 1992 молия йили, 4-қисм, 1057-бет.

10-Е-НАМУНА
Ҳисобрақамнинг кредит ислоҳотидан кейинги тузилмаси: 1992 молия йили ва ундан кейин

Тугатиш ҳисобрақами	Дастур ҳисобрақами	Молиялаштириш ҳисобрақамлари
Мажбурий ҳисобга олиш	Дискрецион дастурлар ва ассигнациялар учун дискрецион ҳисобга олиш. Агар ваколатли қўмита томонидан ўзгартиришлар қабул қилинган бўлса, доимий дастурлар учун "pay-as-you-go" ҳисоби	"Чизиқ остида" ҳисобини молиялаштириш усули сифатида ҳисобга олиш
Касса услубида ҳисобга олиш	Кредит ислоҳоти таомиллари асосида ҳисобга олиш	Тўловлар оқимини молиялаштириш усули сифатида ҳисобга олиш
"Эски қарзлар бўйича фаолият" (чекланмаган бюджет ассигнациялари)	*Янги субсидиялар ва маъмурий харажатлар (дискрецион дастурлар учун белгиланган жорий бюджет ваколатлари, мажбурий (доимий) дастурлар учун жорий, чекланмаган бюджет ваколатлари)*	*Янги кредит фаолиятидан тўловлар оқими*
1992 молия йилигача ажратилган ёки улар бўйича мажбуриятлар қабул қилинган қарзлар учун: қарзни қайтариш, қарзлар бўйича фоизлар тўловларини, йиғимларни жамлайди қарзга олинган маблағларни фоизлари билан қайтаради дефолт ҳолатида тўловларни амалга оширади ва фо-	1992 молия йили ва ундан кейин ажратилган ёки улар бўйича мажбуриятлар қабул қилинган қарзлар учун: дастурининг тўлиқ қиймати бюджетда кўрсатилади субсидиялар ва маъмурий харажатларга ассигнациялар ажратилади молиялаштириш ҳисобрақамларига субсидиялар тўланади дастлабки субсидияларга ажратилган доимий, чекланмаган ассигнацияларга ўзгартиришлар киритади	1992 молия йили ва ундан кейин ажратилган ёки улар бўйича мажбуриятлар қабул қилинган қарзлар учун: Бевосита қарзлар бўйича молиялаштириш ҳисобрақами: дастур ҳисобрақамидан субсидияларни жамлайди Газнадан қарзнинг субсидияланмаган қисмини қарзга олади янги қарзлар ажратади қарзларни қайтариш, фоиз тўловлари ва йиғимларни жамлайди Газнага орган қарзлари-

Тугатиш ҳисобрақами	**Дастур ҳисобрақами**	**Молияштириш ҳисобрақамлари**
изли субсидиялар агар кредитлар модификацияланган ёки қайта расмийлаштирияган бўлса, субсидиялар янги ссуда деб ҳисобланади		ни фоизлари билан қайтаради Кафолатланган қарзлар бўйича молияштириш ҳисобрақами: дастур ҳисобрақамидан субсидияларни жамлайди қарздорлардан комиссияларни йиғади дефолт юз берганда захира ҳисобрақам вазифасини бажаради Газнадан захиралар бўйича фоиз тўловларини олади дефолт юз берганда қарзларни тўлайди ва фоизли субсидияларни тўлайди

Манба: *МББ, "1992 молия йили бюджети бўйича техник брифинг"га илова қилинган материал, 1991 йил 4 февраль.*

10-Ж-НАМУНА
Кредит субсидиялари: бевосита қарзлар бўйича тўловлар оқими



Бу жадвал 1992 молия йили бюджетида сўралган барча бевосита қарзлар учун пул маблағлари оқимини кўрсатади. У 4,1 млрд. доллар миқдоридаги бевосита қарзлар бўйича Ғазна, дастур ҳисобрақамлари, молиялаштириш ҳисобрақамлари ва қарз олувчилар ўртасидаги пул маблағлари оқимининг ҳаракатини кўрсатади. Тугатиш ҳисобрақамлари бу ерга киритилмаган, чунки жадвал фақат янги қарзларга тааллуқли.

Мазкур қарзларнинг субсидияланган харажатлари 1,2 млрд. долларни ташкил этади. Сўров бўйича бу миқдор 1992 молия йили дастури ҳисобрақами бўйича назарда тутилиши ва қарзлар бўйича мажбурият қабул қилинганда молиялаштириш ҳисобрақамларига йўналтирилиши мумкин. Қарз ажратиш мазкур молия йили учун 0,7 млрд. доллар миқдоридаги харажатларга олиб келади.

Қарз олувчиларга молиялаштириш ҳисобрақамидан 4,1 млрд. доллар ажратилади, ундан 3,4 млрд. доллари (субсидияланмаган қисми) Ғазнадан қарзга олинган, 0,7 млрд. доллари эса дастурлар ҳисобрақамларидан олинган. Ғазнадан олинган маблағлар фоизи билан қайтарилади.

Қарз олувчилар 4,1 млрд. долларни молиялаштириш ҳисобрақамларидан оладилар ва бу кредитларни фоизлари билан қайтарадилар. Кўп ҳолларда субсидиялар ҳисоб-китоби кутилаётган дефолтларга асосланади. Кутилаётган дефолтлар қарзларнинг бутун даври мобайнида ҳар йили қайта кўриб чиқилади, ва доимий чекланмаган бюджет ваколатлари субсидиялар бўйича бюджет ваколатларини молиялаштириш учун тақдим этилади.

Манба: *МББ, "1992 молия йили бюджети бўйича техник брифинг"га илова қилинган материал, 1991 йил 4 февраль.*

10-3-НАМУНА
Кредит субсидиялари: кафолатланган қарзлар бўйича пул маблағларининг оқими



Бу жадвал 1992 молия йили бюджетига талаб қилинган барча кафолатланган қарзлар бўйича пул маблағлари оқимини кўрсатади. У 78,1 млрд. доллар миқдоридаги кафолатланган қарзларнинг Фазна, дастурлар ҳисобрақамлар, молиялаштириш ҳисобрақамлари, қарз олувчи ва хусусий кредиторлар ўртасидаги пул маблағлари оқимини кўрсатади.

Мазкур қарзларнинг субсидияланган харажатлари 2,9 млрд. долларни ташкил этади. Талаб бўйича ушбу миқдор 1992 молия йили дастур ҳисобрақами бўйича назарда тутилиши ва кафолатланган қарзлар бўйича мажбуриятлар қабул қилинганда молиялаштириш ҳисобрақамига йўналтирилиши мумкин. Хусусий кредиторлар томонидан қарз ажратилиши мазкур молия йилида 1,5 млрд. долларлик мажбуриятлар бўйича тўловларга олиб келади.

Молиялаштириш ҳисобрақамлари дастурлар ҳисобрақамлардан субсидияланган ассигнацияларни олишдан ташқари қарз олувчилардан 2,2 млрд. доллар хизматлар учун комиссион тўловлар олинади ва улар Фазнага заҳирага қўйилади ҳамда уларга Фазнадан фоизлар (0,1

млрд. доллар) ҳисобланади. Заҳиралар дефолт юз берганда хусусий кредиторларга тўлаш учун (0,4 млрд. доллар) ишлатилади.

Субсидия ставкасининг пастлиги сабабли 1 йилда субсидиялар бўйича 1,5 млрд. долларлик бюджет ваколатларининг ажратилиши 78,1 млрд. долларлик кафолатланган қарзларни қўллаб-қувватлашга етарли бўлади.

Манба: *МББ, "1992 молия йили бюджети бўйича техник брифинг"га илова қилинган материал, 1991 йил 4 февраль.*

САВОЛЛАР

1. 1990 йилдаги "Кредит ислоҳоти тўғрисида"ги Федерал қонун давлатнинг ташқи ва ички қарз олиш сиёсатига қандай янгилик киритди?

2. Илгари амал қилган Федерал ҳукумат томонидан ажратилган қарзларни ҳисобга олиш тизими қай жиҳатдан ўзгарди?

3. Кафолатланган қарзларни ажратиш механизмида қандай ўзгариш рўй берди?

4. Қарзларнинг субсидияланган қийматини ҳисоблаш нималарни ўз ичига олади?

5. Субсидияланган харажатлар ҳисоб-китоби таомилининг мураккаблиги нимада?

6. Ислоҳот давомида турли қарз битимларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш механизмларида қандай янги жиҳатлар пайдо бўлди?

7. 1990 йил кредит ислоҳотидан сўнг бевосита ва кафолатланган қарзларнинг субсидияланган қиймати қандай аниқлана бошланди?

8. Кредит дастури учун қарзнинг субсидияланган қисми унинг субсидияланмаган қисмидан нимаси билан фарқланади?

9. Бевосита қарзнинг субсидияланган тўловлари нимани билдиради ва улар қандай ҳисоб-китоб қилинади?

10. Кафолатланган қарзлар бўйича субсидияланган харажатлар қандай аниқланади?

XI БОБ.
РЕЗЕРВЛАШ ВА МОДДАМА-МОДДА ВЕТО ҚЎЙИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

11.1. РЕЗЕРВЛАШ ТАОМИЛИНИНГ ШАРТЛАРИ ВА МАҚСАДИ

Президент томонидан резервлаш (музлатиб қўйиш) таомилини қўллашга зарурият АҚШнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган объектив ва субъектив ўзгаришлар натижасида юзага келди.

Одатда резервлаш деганда, маълум жамғарма яратилиши назарда тутилади. Бу ерда инглизча резервлаш ибораси баъзи тўловларни кечиктириш ёки музлатиб қўйиш маъносида қўлланиладики, буни ҳам кечиктирилган тўловлар, маълум жиҳатдан, жамғарма маъносида тушиниш мумкин.

Конгресс Президентга қуйидаги учта ҳолатда, яъни давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш; ҳаракат эркинлигини берувчи қонунчиликка мослаштириш ва Президентнинг бошқа конституциявий ваколатларини, айниқса олий қўмондон ролини амалга ошириш мақсадларида — маблағларни сарфлашдан бош тортиш имконини берди[1]. Ушбу ҳолатларда ассигнацияланган пул маблағларини сарфламаслик бўйича қарорлар катта тортишувларни келтириб чиқармаган ва шунинг учун шу каби қарорларни қабул қилиш ҳуқуқидан деярли ҳар бир АҚШ Президенти фойдаланган.

Бироқ, Президент резервлаш (музлатиб қўйиш) таомилини қўллаши учун хизмат қиладиган тўртинчи ҳолат ҳозиргача кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Унинг моҳияти қуйидагидан иборат эди: Президент Конгресс томонидан белгиланадиган асосий харажатлар ва эълон қилинадиган бюджет сиёсатига рози бўлмайди. Ричард Никсоннинг ассигнациялар ифодалайдиган сиёсат билан келишмаганлиги сабабли, Конгресс томонидан маъқулланган ассигнацияларни сарфлашдан сўзсиз бош тортиши, 1974 йилда Конгресс томонидан нафақат резервлашни тартибга солиш таомилини, балки яхлит қонуний бюджет жараёнини ишлаб чиқишни учун дастлабки туртки ва ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилди. Мана шундай бир вазиятда, Конгресс Никсоннинг резервлашга бўлган муросасиз иштиёқига қарши ҳаракатланувчи ҳеч қандай таомили йўқлигини пайқади. Қилиниши мумкин бўлган ягона иш бу — тасдиқланган ажратмаларни сарфлашга мажбур қилиш мақсадида тегишли давлат амалдорига қарши даъво қўзғатиш эди. Бироқ бундай амалиётни кўпгина сенаторлар ва вакиллар серташвиш, узоқ давом этувчи ва унчалик қониқтирмайдиган деб ҳисобладилар.

Ушбу вазият таъсирида Конгресс томонидан ишлаб чиқилган резервлашни тартибга солиш тамойиллари нафақат Президент қарорларини қайтадан кўриб чиқиш, балки жиддий тарзда қайтадан кўриш имконини берди. Шундай қилиб, янги қонунчиликка мувофиқ, Пре-

зидент, Конгресс томонидан қабул қилинган ассигнацияларни ўз вақтида ва Конгресс белгилаган устуворликларга мувофиқ сарфлаши керак, деган хулосага келиш мумкин. 1997 йилнинг 1 январидан, яъни "Моддама-модда вето тўғрисида"ги қонун амалга кирган вақтдан бошлаб, агар Конгресс томонидан қабул қилинган устуворликлар ёки харажатлар даражалари Президентни қониқтирмаса, унда битта йўл бўлади, яъни бутун қонун лойиҳасига вето қўйилади.

Шу шартларга қарамай, Конгресс Президентга харажатлар соҳасида эркин ҳаракатланиш имконини берди. Резервлаш механизми йўқ бўлган ҳолатларда Президентлик моҳиятининг ўзи нивелирланган (обрўсизланган), яъни "ижроия бошлиғи"дан давлатнинг "бош ҳисобчи"си ролигача тушиб кетган бўларди.

11.2. ТУРЛИ ХИЛДАГИ РЕЗЕРВЛАШНИНГ ТАСНИФИ ВА МАЗМУНИ

АҚШнинг бюджет қонунчилигига биноан резервлашнинг икки тури мавжуд. Уларнинг биринчиси ўзида тўлаш муддатини узайтириш таомилини намоён қилади. 1986 йилда Конгресснинг бир нечта аъзолари ва АҚШнинг бир қатор шаҳарлари "Фондларни музлатиб қўйиш ва Конгресснинг бюджет тақчиллиги устидан назорати тўғрисида"ги қонунда белгиланган икки турдаги Президент резервлашнинг бири Конституцияга мувофиқ эмаслигини муваффақиятли тарзда исботлаб бердилар. 1987 йилдаги ушбу суд жараёни "тўлаш муддатини узайтириш"га тааллуқли бўлиб, "Нью Хавен шаҳри Қўшма Штатларга қарши" деб ном олди.

Ўша даврда амалда бўлган қонунчиликка биноан тўлаш муддатини кечиктириш Президент томонидан таклиф этиладиган ассигнациялашга доир қонун лойиҳасида тақдим этилган бутун бюджет ваколатини ёки унинг айрим қисмини харажат қилиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини вақтинчалик тўхтатиш (ёки кейинга суриш) ҳаракатини акс эттирди.

Нью Хавен шаҳрининг даъвоси 1983 йилдаги бошқа — Иммиграция ва *натурализация хизмати* (ИНХ) (бошқа давлатлардан кўчиб келиш ва буни қонунлаштириш) Чадхага қарши — суд жараёнига асосланди. Ушбу жараён Президент томонидан таклиф қилинган ҳаракатларга бир палаталик вето қўйиш Конституцияга мувофиқ келмаслигини кўрсатди. Суднинг қарори Конгресснинг "Бюджет тўғрисида"ги қонуни бўйича чиқарилмаган бўлсада, унга ҳам тааллуқли бўлди, сабаби таклиф қилинган кечиктиришларни кўриб чиқиш бўйича Конгресснинг тамойиллари ўзида бир палаталик қонуний ветони акс эттиради. Иккинчи жараён бўйича суд қарорининг натижаси шундай

бўлди: энди Президент тўлаш муддатини кечиктириш бўйича таклиф киритиш имконини олди, лекин Конгресс ушбу таклифни қайта кўриб чиқиш ва, керак бўлса, маъқулламаслик имконига эга эмас эди.

Нью Хавен шаҳри манфаатларини кўзлаган вакиллар ўз даъволарида Конгресс Президентга бюджетдан молиялаш бўйича қонунлар ва таомилларни бу қадар кенг даражада талқин қилиш имконини беришга ҳақи йўқ дедилар.

1986 йилнинг майида АҚШ округ суди Президентнинг сиёсий мақсадларда тўлаш муддатини кечиктириш бўйича таклифларни киритиш бўйича ваколатини Конституцияга мувофиқ эмас деб тан олди. Орадан саккиз ой ўтгач, 1987 йилнинг январида ушбу қарор АҚШнинг апелляция суди томонидан бир овоз билан тасдиқланди.

Кейинчалик АҚШ Конгресси Нью-Хавен шаҳри жараёни бўйича суд қарорини ГРХ II қонунида тизимлаштиришга қарор қилди. Ушбу қонун "сиёсий тусдаги" тўлаш муддатларини кечиктиришларни алоҳида тартибда ман этди ва уларни қуйидаги учта "дастурий" ҳолатларда қўллаш мумкинлигини қайд этди:

а) кутилмаган вазиятларда;

б) фавқулодда вазиятларда;

в) қонунчиликда кўзда тутилган вазиятларда.

Ушбу дастурий деб номланган тўлаш муддатини кечиктиришлар тўғрисида Президент Конгрессга ва Бош назоратчига (АҚШнинг Назорат-молия бош бошқармасининг бошлиғига) кечиктиришни тўлиқ тушунтирган ва асослаган ҳолда алоҳида мактуб шаклида маълум қилиши шарт. Таклиф қилинаётган кечиктиришлар турли муддатга чўзилиши мумкин, бироқ молия йили тугашидан узоққа чўзилмаслиги керак. Президент юборган мактубда таклиф қилинаётган кечиктиришларнинг фискал ва иқтисодий окибатлари баҳоланган бўлиши керак.

Бош назоратчи Конгрессга Президент томонидан таклиф қилинган тўлашни кечиктиришлар бўйича алоҳида шарҳни тақдим қилиши керак. У Президент томонидан берилган маълумотлар бўйича ўзининг мустақил хулосасини бериши мумкинлигидан ташқари, агарда мактубнинг номи унинг мазмунига тўғри келмаса, у ҳолда "тўлашни кечиктиришлар тўғрисидаги мактуб"ни "бекор қилиш тўғрисидаги мактуб"га (ва аксинча) алмаштириш ваколатига эга. Шунингдек, Бош назоратчи агар Президент тўлашни кечиктиришни қўллаш бўйича ҳаракатларини Конгрессга маълум қилмасдан амалга ошираётганини аниқласа, у ҳолда у ўз мактубини Конгрессга юбориши мумкин. Конгресс эса Бош назоратчи томонидан юборилган мактубни худди Президентнинг махсус мактуби каби кўриб чиқиши шарт.

Тўлашни кечиктириш бўйича таклифлар, агар Конгресснинг па-

латаларидан бири уларни қабул қилмаслик учун атайин овоз бермасалар, автоматик тарзда тасдиқланган ҳисобланади.

АҚШнинг бюджетни молиялаш амалиётида қўлланиладиган резервлашнинг иккинчи тури "бекор қилиш" деб номланади ва аввал ассигнациялар кўринишида тақдим қилинган бутун бюджет ваколатини ёки унинг бир қисмини сарфламаслик бўйича Президент томонидан берилган таклифни акс эттиради. Бекор қилишни таклиф қиларкан, Президент Вакиллар палатасига, Сенатга ва Бош назоратчига махсус мактуб юбориши керак. Президент ушбу мактубда ўз таклифини батафсил тушунтириб бериши ва қуйидаги маълумотларни тақдим қилиши шарт: бекор қилиниши керак бўлган бюджет ваколати суммаси; ушбу бюджет ваколати тақсимланган идора ёки агентлик; ушбу бюджет ваколатига йўналтирилган молияланадиган аниқ лойиҳа ва ниҳоят, ушбу бекор қилиш бўйича қарор қабул қилинишининг сабаблари. Мактубда, шунингдек, таклиф қилинаётган бекор қилишнинг фискал ва иқтисодий оқибатларини баҳолаш ва ушбу масалага тааллуқли бўлган барча маълумотлар келтирилиши шарт.

Бош назоратчи бекор қилиш бўйича мактубни тўлаш муддатини кечиктириш тўғрисидаги мактубни кўриб чиққанидек кўриб чиқади.

Бекор қилиш Президент томонидан мактуб тақдим қилингандан сўнг 45 қонун чиқарувчи кун мобайнида Конгресснинг ҳар иккала палатаси томонидан махсус тартибда тасдиқланган бўлиши шарт. Агар Вакиллар Палатаси ва Сенат таклифни рад этишга овоз берсалар ёки ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмасалар, у ҳолда Президент пул маблағларини даставвал белгиланган тарзда сарфлаши керак бўлади. Агарда Президент илгаригидек пул маблағларини сарфлашдан бош тортса, у ҳолда Бош назоратчи пул маблағларини сарфлашни талаб қилган ҳолда федерал судга даъво билан мурожаат этиши мумкин.

Сўнгги йилларда матбуотда ва Конгрессдаги муҳокамаларда бекор қилиш жараёнини қайта кўриб чиқиш таклифлари янгидан бошланди. Таклиф қилинаётган ислоҳотларнинг кўпчилиги Конгрессни ҳаракатсиз бўлиш ўрнига, таклиф қилинаётган бекор қилишларни рад этиш бўйича ҳаракатланишга мажбур қилишга қаратилгандир. Бундан ташқари, Конгресс томонидан кўриб чиқиш учун берилган вақтни қисқартириш таклиф қилинади[2]. Бекор қилиш бўйича бир қатор таклифлар мавжуд бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳаммаси таклиф қилинаётган бекор қилишни дарҳол ёки маълум бир қисқа муддатда, агар Конгресснинг ҳар иккала палатаси махсус тартибда уни бекор қилиш учун овоз бермаса, кучга киритиш орқали Президентга афзалликлар беради. Бу ҳозирги вазиятдан, яъни агар Вакиллар Па-

латаси ва Сенат — Президент таклифини қабул қилиш учун махсус тартибда овоз бериш орқали бекор қилиш амалда тасдиқланган ҳолатдан тубдан фарқ қилади.

Тез орада, яъни 1992 йилга келиб Президент Буш бекор қилиш бўйича янгидан келишмовчиликлар туғдирди. У миллиардлаб долларга бюджет ваколатларини бекор қилишни таклиф қилди, кейин эса "Фондларни музлатиб қўйиш ва бюджет тақчиллиги бўйича Конгресснинг назорати тўғрисида"ги қонуннинг унчалик маълум бўлмаган ва қўлланилмаган қоидаси ёрдамида Конгрессни ҳар ҳафтада турли хилдаги бекор қилиш бўйича Қонун лойҳаларига овоз беришга мажбур қилди.

Мазкур Қонуннинг 1017-параграфига биноан Конгресснинг ҳар бир аъзоси Президент томонидан бекор қилишга таклиф қилинган битта ёки ундан кўп таклифларни ўз ичига олган қонун лойиҳасини таклиф қилиши мумкин. Сўнгра ҳар бир қонун лойиҳаси Вакиллар Палатасидаги Ассигнациялаш қўмитаси ва Сенатдаги Ассигнациялаш, бюджет ва бошқа тегишли санкция берувчи қўмиталарга берилади. Шундан сўнг 25 кун мобайнида (бунга дам олиш байрам кунлари киради, лекин Конгресс 3 кундан ортиқ дам олишга кетган даври қўшилмайди) қонун лойиҳалари юборилган қўмиталар улар бўйича ҳисоботларни тақдим қиладилар. Агар ушбу давр мобайнида ҳисобот тақдим этилмаса, Вакиллар Палатасининг ҳар бир аъзоси ёки сенатор, ўз палатаси аъзоларининг 1/5 қисми қўллаб-қувватлагани ҳолда, Вакиллар Палатаси ёки Сенатнинг мажлислар залида, қўмитани бекор қилиш бўйича лойиҳани кўриб чиқишдан четлаштириш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Агар Қўмитанинг четлаштириш бўйича таклифи тасдиқланса, бекор қилиш бўйича қонун лойиҳаси мажлислар залига берилади ва нафақат муҳокама қилиш вақтини, балки унга киритилиши мумкин бўлган тузатишлар турини ҳам чегаралаган ҳолда тезкор таомиллар доирасида муҳокамадан ўтказилади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ва бекор қилиш бўйича ҳозирги даврда амалда бўлган қонунчилик жараёнлари ҳукуматнинг ижроия тармоғини резервлаш соҳасидаги кўпгина ваколатларидан маҳрум қилмоқда. Президент амалга ошириладиган барча ҳаракатлари юзасидан Конгрессга маълумотларни бериб туриши шарт, акс ҳолда унинг ўрнига Бош назоратчи Конгрессга маълумотларни тақдим этади. Барча амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳам Вакиллар Палатаси, ҳам Сенат томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита розилик олинган тақдирда содир этилиши керак. Акс ҳолда Президент Конгресс белгилаган тарзда пул маблағларини сарфлаши керак бўлади. Ва ниҳоят,

Бош назоратчи, агар Президент бекор қилиш ёки тўлаш муддатини узайтириш бўйича таклифлар рад этилгандан сўнг ҳам пул маблағларини сарфлашдан бош тортса, у ҳолда суд ишини қўзғаш ваколатига эга бўлади.

Сенатда бекор қилиш тўғрисидаги мактублар билан бюджет бўйича қўмита ва Ассигнациялар бўйича қўмита биргаликда шуғулланади. Вакиллар Палатасида эса ушбу масала билан Ассигнациялар бўйича Қўмита шуғулланади. Бекор қилиш бўйича қонун лойиҳасини Сенатда кўриб чиқиш ўн соатгача мунозаралар доирасида чегараланган бўлса, бунда ҳар бир тузатиш бўйича мунозаралар икки соатдан ортиқ бўлмайди. Вакиллар Палатасида эса мунозаралар икки соат доирасида чегараланган бўлиб, ҳар бир тузатишга кўпи билан 5 дақиқа ажратилади.

Резервлашни тартибга солиш бўйича таомиллар Президентга ва Конгрессга, бюджет тасдиқлангандан сўнг ҳам бюджет асосланадиган иқтисодий, сиёсий, дастурий ва техник прогнозларга зид бўладиган ходисалар содир бўлган тақдирда, унга тузатишлар киритиш имконини беради. Шундай қилиб, янги таомиллар Президентни ушбу масалаларни ечишда бир томонлама ҳаракатланиш имконидан маҳрум қилган бўлсада, у томонидан ўзгартиришлар таклиф қилиш имконини сақлаб қолди.

11.3. АҚШ ПРЕЗИДЕНТИГА МОДДАМА-МОДДА ВЕТО ҚЎЙИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ ЗАРУРАТИ

Федерал бюджет тақчилигини қисқартириш учун ижроия ҳокимиятнинг самарали таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб АҚШ Президентига вето қўйиш ҳуқуқини бериш ҳисобланади.

Бир неча ўн йиллар давомида давом этган омадсиз уринишлардан сўнг, ниҳоят 1997 йилнинг 1 январида Президентга моддама-модда вето қўйишга рухсат берувчи АҚШнинг қонунчилиги амалга киритилди. Бироқ, бюджет жараёнининг ушбу янги элементини ишлаб чиқишда, у амалда бўлган ҳолатларда кўзда тутилмаган вазиятлар вужудга келишидан хавфсираган ҳолда, Конгресс ўта эҳтиёткорлик билан иш тутди.

Бир тарафдан, моддама-модда вето қўйиш қонунчилиги қабул қилиниши билан ваколатлар мувозанатлашмаган тарзда, Конгресдан Оқ Уйга ўтишига йўл қўймаслик керак бўлди. Шу муносабат билан қонуний тарзда моддама-модда вето қўйиш фақат тақчилликни қисқартириш учун ишлатилади, деган меъёр қабул қилинди. Штатлар даражасида губернаторлар ваколатга эга бўлган минтақавий дара-

жадан фарқли ўлароқ, федерал даражада Президент моддама-модда ветодан фойдалана олмайди. Масалан, асосни ташкил қилувчи қонуни қайтадан ёзиш учун ёки унинг қандайдир бир қоидаси маъносини ўзгартиришда (масалан, "эмас" қисмини ўчириб ташлаш билан). "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги қонун бўйича ўтказилган конференциянинг ҳисоботи бўйича, моддама-модда вето фақатгина "Федерал Ҳукуматни махсус ассигнациялар ёки мажбурий нафақаларни тўлаш ёки даромадлар йиғимини йиғишни тўхтатиб туриш бўйича мажбуриятлар орқали пул маблағларининг муайян суммаларини сарфлаш мажбуриятларини чегаралаш учунгина ишлатилиши мумкин".[3]

Моддама-модда вето қўйишнинг яғона мақсади Президентга тақчилликни қисқартириш учун қўшимча дастакни беришдан иборатдир. Моддама-модда ветонинг қандайдир қонуний қоидаларидан, агар унинг оқибати тақчилликни кўпайишига олиб келса, ундан фойдаланиш мумкин эмас.[4] Демак, уни харажатларни қисқартиришга ёки даромадларни кўпайтиришга олиб келадиган қоидага нисбатан қўллаш мумкин эмас.

Бошқа тарафдан, моддама-модда ветони қўллаш ваколати, Президентга Конгресс томонидан ассигнациялар бўйича аввал тасдиқланган қонун лойиҳаларидаги харажатларни "ассигнацияларни бекор қилиш" бўйича таклифларни олдинга суриш ваколатини берувчи "Фондларни музлатиб қўйиш ва Конгресснинг бюджет тақчилиги устидан назорати тўғрисида"ги қонунга киритилган бекор қилиш тўғрисидаги қоидаларга асосланади.

Президент томонидан таклиф қилинган бекор қилиш 45 кун мобайнида Конгресс томонидан қонуний равишда тасдиқланиши шарт. Агар Сенат ёки Вакиллар Палатаси бекор қилишга қарши овоз берсалар ёки 45 кун мобайнида ушбу масала бўйича ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмасалар, бекор қилиш бўйича берилган таклиф рад этилган деб ҳисобланади ва маблағлар ассигнациялар бўйича дастлабки ҳужжатда белгиланганидек сарфланиши керак бўлади.

Моддама-модда вето ўзида бекор қилишлар бўйича қонун ҳужжатларининг аксини кўрсатади. Бу ерда Президент жараённинг ташаббускори ҳисобланади. Бироқ, агарда пул маблағлари сарфланмаслиги учун бекор қилишда Конгресснинг розилиги керак бўлган бўлса, энди, моддама-модда вето (ёки "бекор қилиш") механизми автоматик тарзда ишга тушиши учун Конгрессга уни рад этиш учун овоз бермаслик керак бўлади. Айтилганларнинг маъноси шуки, бекор қилиш бўйича кўриб чиқиш жараёнида, яъни харажатларни тўхтатишни хоҳлаганлар учун қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳолдан

фарқли тарзда моддама-модда вето пул маблағларини сарфламасликни хоҳловчилар учун афзалликларни беради, яъни тақчиликни қисқартиришни хоҳлаганлар имтиёзларни оладилар.

Бекор қилиш ва моддама-модда вето қўйиш ўртасидаги фундаментал фарқлардан яна бири — бекор қилишнинг фақат ассигнацияларга нисбатан қўлланилишидир. Моддама-модда вето дискрецион харажатларни бевосита янги харажатларни (асосан ҳимояланган дастурлар бўйича тўловлар) ва маълум бир қатъий ҳолатларда солиқлар бўйича қонуний қоидаларни кўриб чиқишда қўлланилади.

11.4. БЮДЖЕТНИНГ МОДДАМА-МОДДА ВЕТО ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ МОДДАЛАРИ

Бюджет қонунчилигининг асосий қоидасига биноан маълум харажатлар моддаси — Президент уни бекор қилиш тақчиликни қисқартиради деб ҳисоблаган тақдирда унга вето қўйиладиган модда деб қаралади.

Ушбу коида солиқларга нисбатан ҳам тўғридир. Уни бекор қилиш катта даромадлар келтирса, солиққа моддама-модда вето қўйилади. Бироқ, Конгресснинг Солиқ солиш бўйича Бирлашган Қўмитаси "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги қонунидаги тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, "чекланган солиқ фойдаси" деб топилса, солиқ моддасига моддама-модда вето қўйилади.

АҚШдаги бюджетдан молиялаш механизмига киритилган ва унга биноан харажатлар моддалари бўйича қонун лойиҳаларига ветони қўйишни Президент белгилаши ва даромадлар бўйича қонун лойиҳаларида бу ишни Конгресс бажариши принципи вето қўйиш механизмини тушуниш учун принципиал аҳамиятга эгадир.[5]

1997 йилда қабул қилинган "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги қонун Президентга дискрецион бюджет ваколатининг умуман ҳамма пул суммасини бекор қилиш имконини беради. Қонун матнига кўра, Конгресс моддама-модда ветони қўллашни чегаралашда жуда эҳтиёткор бўлган; Президент фақатгина ассигнациялар бўйича тақдим қилинган қонун лойиҳасида ёки ушбу қонун лойиҳаси бўйича шарҳда ёки конференциянинг ҳисоботидан олинган жадвал шаклида барча бюджет моддаларини бекор қилишни таклиф қилиши мумкин. Бу шуни билдирадики, агар ушбу лойиҳа қонуний равишда рўйхатга олинмаган бўлса, унда Президент уни бекор қилиш учун моддама-модда ветодан фойдалана олмайди. Агар Президент барибир моддама-модда ветони қўйиш бўйича таклифни олдинга сурса, у модда қисмларидан бирини эмас, балки ҳаммасини бекор қилиши керак бўлади.

Масалан, Мудофаа вазирлиги учун ассигнациялар бўйича конференция ҳисоботи "Армия учун сотиб олишлар" моддасига 1 млрд. доллар белгилайди, лекин ушбу маблағни аниқ сарфлаш йўналишларини белгиламайди. Ушбу вазиятда моддама-модда ветони бутун миллиардга қўллаш мумкин.

Энди қуйидаги тахминни қиламиз, ассигнациялар бўйича ҳужжат ушбу 1 млрд. ассигнациялардан 150 млн. доллари аниқ қуролланишт системасини сотиб олишга сарфланиши керак деган қўшимча бандга эга. Бундай ҳолатда ветони ёки 1 млрд. долларнинг ҳаммасига, ёки 150 млн. долларнинг бирон бир қисмига қўллаш мумкин.

Ва ниҳоят, масалан, ассигнациялар бўйича қонун лойиҳасида ёки қонун лойиҳаси шарҳида нафақат 1 млрд. доллар келтирилган, балки Конгресснинг қарорига мувофиқ биргаликда 1 млрд. долларни ташкил қилувчи ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида сумма кўрсатилган ҳолатни кўриб чикайлик. Бундай ҳолат Президентга қарор қабул қилишда максимал даражада ҳаракат қилиш имконини беради. Президент 1 млрд. долларнинг ҳаммасига ёки армия учун сотиб олишларнинг аниқ келтирилган суммасига, ёки келтирилган лойиҳаларнинг қандайдир комбинациясига моддама-модда ветони олдинга суриши мумкин.

Суммани вето қўйиладиган ассигнациялар моддаси сифатида кўриш учун, у қуйидаги мезонлардан бирига мос келиши шарт:

Ассигнация бўйича қонун лойиҳасида ёки ушбу қонун лойиҳаси бўйича конференциянинг ҳисоботида пул эквивалентида акс эттирилган бўлиши керак;

"Ассигнацияламаслик" билан шартланган дискрецион харажатлардан тузилган (қонун ҳужжати билан ёки ассигнациялар бўйича ҳужжат билан);

агарда аниқ пул суммаси кўрсатилмаган бўлса ҳам кўрсатилган моддалар қатори қийматини ташкил қилиши керак.

Лекин федерал бюджетдан ассигнациялар бўйича қонун лойиҳасининг вето қўйиладиган моддаси қонун лойиҳасида қайд этилган лимитлаш, чеклаш ёки шартни ўзида акс эттирмайди. Масалан, Мудофаа вазирлигининг армия учун сотиб олишларига 1 млрд. долларлик ассигнациялар бўйича қонун лойиҳасида шундай дейилган: "маблағларни талаб ва сотишлар бўйича тадбирларга сарфламаслик шарти билан", бунда Президент моддама-модда ветони кўрсатилган чеклашларни бекор қилиш учун ишлата олмайди.

Бироқ, лойиҳани моддама-модда вето қўйишдан қочиш мақсадида, йирикроқ харажат моддасига киритилса, вазирликка ёки бирон-

бир идорага пул маблағларини қандай сарфлаш тўғрисида Конгресс томонидан қонун лойиҳасида баён қилинган кўрсатмалар ўз-ўзидан йўқ бўлади. Шу каби кўрсатмаларсиз идорада ажратилган ассигнацияларни сарфлаш борасида кўпроқ эркинлик пайдо бўлади.

Моддама-модда вето қўлланиб борилиши билан ушбу дилемма ассигнацияларнинг қонуний тарихига алоҳида аҳамият беради. Бу ҳол шундай тушунтирилади — Конгресснинг аъзолари моддага вето қўйилишидан сақлаш мақсадида иш ҳақини тўлашга белгиланган ассигнациялар суммасини ишлатадилар, кейин эса Конгресснинг кўрсатмаларига мувофиқ пул маблағларини сарфлашга мажбур қилиш мақсадида вазирликлар ва идораларга норасмий таъсир кўрсатиш усулларини излайдилар. Масалан энг биринчи тинглашлардан бошлаб, расмий ҳисоботлар ва мажлислар залидаги мунозаралар вақтидаги суҳбатлар давомида Қўмиталарнинг аъзолари Маҳкама аъзоларига ва бошқа расмий шахсларга саволлар беришлари мумкин ёки йирик ассигнацияларнинг алоҳида қисмларн қандай сарфланиши кераклигини кўрсатишга бағишланган устиворликларни ёки дастлабки шартларни белгилашлари мумкин.

Бироқ бундай вазиятда шу каби қонунчилик маневрлари Президент бирон-бир ассигнацияларни харажат қилишни тўхтатиш бўйича бир қарорга келган бўлса, у ҳолда Конгресс моддама-модда вето қўйилишидан қочиб қутулишига имкон беришга унчалик ишонч йўқ. "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги қонунда қуйидагилар кўрсатилган: вето қўйишга мўлжалланган бюджет моддасини таърифловчи "махсус ахборот манбалари йўқ бўлган тақдирда" ушбу моддани белгилаш учун Президент "энг қулай ахборотлардан" фойдаланиши мумкин[7]. Шундай қилиб, ҳақиқатга яқин бўлмасада, ассигнациялар бўйича қонун лойиҳасида ёки унинг шарҳида аниқ моддалар йўқ бўлган ҳолларда қатъиятли Президент қўйиладиган моддама-модда ветони асослаш учун расмий ҳисоботлардан, тинглашлардаги саволлардан мажлис залидаги муиозаралардаги суҳбатлардан ва ҳатто идораларга юбориладиган хатлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

11.5. БЮДЖЕТНИНГ БЕВОСИТА ХАРАЖАТЛАРИГА ВЕТО ҚЎЙИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар бир ассигнацияга моддама-модда вето қўйилиши мумкин. Бироқ, тақчиллик ошишига олиб келувчи бевосита харажатлар моддаларининг ҳаммасини ҳам қисқартириш мумкин эмас. Вето фақат шундай моддаларга қўйиладики, қачонки уларнинг базис сатри би-

лан солиштиришда тақчиллик кўпайишига олиб келган бўлса, яъни амалдаги қонунчилик билан рухсат берилгандан ошиб кетган тақдирда қўйилади. Бу амалдаги қонунчиликни ўзгартирмайдиган мавжуд бевосита харажатлар моддаларини такроран санкциялаш, ушбу қонун ҳужжатининг охирги натижасида Федерал ҳукуматини миллиард ва юз миллиардлаб долларни сарфлаши керак бўлишини билдирсада, моддама-модда вето қўйилмайди.

Қонун чиқарувчиларнинг таърифи бўйича, бевосита харажатларнинг қўшимча дастури базис сатри ошиши ҳисобланади. Демак, бевосита харажатлар қўшимча дастурларини ҳаммасига моддама-модда вето қўйиши мумкин.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонуннинг бевосита харажатлар бўйича қоидаси, тақчилликка олиб келиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги "pay-as-you-go" қоидаси Федерал бюджетни шакллантириш ва тасдиқлаш вазиятини янада мураккаблаштиради. PAYGO тамойили киритилиши билан, базис сатрини кўпайтиришни кўзда тутувчи бевосита харажатлар бўйича ҳар бир қонун лойиҳаси, шунингдек ушбу кўпайиш ўрнини қоплаш, яъни тақчиликка таъсир кўрсатиш 0 даражада бўлишини кўзда тутиши лозим.

Ҳозирги вақтгача PAYGO кўпайиши тарафдорлари ошиши доимо ўрнини қоплаш билан бир вақтда содир бўлишини кўзда тутувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар. Лекин, моддама-модда ветони фақат тақчиллик ошишига олиб келувчи моддаларга нисбатан қўллаш мумкин.

Демак, бутун қонун ҳужжати PAYGO таомили талабларига мос келсада, яъни тақчилликка нисбатан нейтрал бўлса, базис сатрга солиштирилганда бюджет дефицитини кўпайтирувчи бевосита харажатлар бўйича қонун лойиҳасининг алоҳида қоидаларига барибир моддама-модда вето қўйилади. Бундай ҳолат Президентга федерал бюджетнинг алоҳида моддаларини қисқартиришни бекор қилмасдан туриб, тақчилликни кўпайишини бекор қилиш имконини беради.

Шу каби вазиятда бюджетнинг бевосита харажатлари бўйича қоидасини моддама-модда ветодан ажратиш учун Конгресс харажатлар ва қопланмаларни шундай оширишни ишлаб чиқиши керакки, улар бир-биридан ажратилган бўлсин. Шундай қилиб, моддама-модда вето қўйишнинг алоҳида шартлари бартараф этилади. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси бўйича бирлашган қоида бу усулда ишлаб чиқилса, уни тақчилликни оширмайдиган қоида деб таърифлаш мумкин. Унда бевосита харажатлар бўйича ушбу қоида[8] биринчи навбатда моддама-модда вето қўйишдан ҳимояланади.

11.6. БЮДЖЕТНИНГ СОЛИҚ БЎЙИЧА МОДДАЛАРИГА МОДДАМА-МОДДА ВЕТОНИ ҚЎЙИШ МЕХАНИЗМИ

Солиқ моддаларига нисбатан моддама-модда ветони қўллаш шартлари "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги қонунга киритилган шартларнинг энг мураккаби ҳисобланади. Умуман солиқ моддасига қуйидаги ҳолатларда вето қўйилади, агар:

(1) у амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ "ушланмаларини, кредитларини, ундиришларини ёки юзта ёки ундан кам солиқ тўловчиларга нисбатан устиворликларни" қўллашда суммага нисбатан даромадларни йўқотишни келтириб чиқарса; ёки

(2) у "ўтувчи қоида"[9] ҳисобланиб, ундан фойдани ўнта ёки ундан кам солиқ тўловчилар оладиган бўлса. Моддама-модда вето қўйиладиган солиқ моддаси ёки ўтиш қоидаси "чекланган солиқ қоидаси" деб номланади.

Харажатлар моддасидаги ҳолат сингари вето қўйиш учун чегараланган солиқ фойдаси тақчилликни ошириши керак. Ушбу ҳолатда тақчилликни ошиши биринчи молия йилида даромадларни йўқотишдан ёки модда тасдиқлангандан сўнг биринчи беш йиллик даврида содир бўлиши мумкин.

Ассигнациялар ва бевосита харажатларга моддама-модда вето қўйиш билан чегараланган солиқ фойдасига қўйиладиган моддама-модда вето ўртасидаги асосий фарқ бу моддага қўйиладиган ветони кам белгилашдир. Президент дискрецион ва бевосита харажатлар бўйича моддаларни белгилайди. Лекин деярли барча ҳолатда Оқ Уй қайси солиқ моддаларига моддама-модда вето қўйилишини белгилаш учун ваколатларга эга эмас. "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги қонун ушбу ваколатни Конгресснинг Солиқ солиш бўйича бирлашган қўмитасига юклайди.

Солиқ бўйича қонун лойиҳалари конференциянинг ҳар бир ҳисоботи учун Конгресснинг Солиқ солиш бўйича бирлашган қўмитаси Вакиллар Палатаси ва Сенат вакилларидан иборат конференция иштирокчиларига қандай моддаларни чегараланган солиқ фойдаси сифатида кўриш мумкинлигини белгиловчи расмий таҳлилий материалларни тақдим этиши ёки бундай моддалар йўқлигини тасдиқлаши керак[10].

Агар конференция иштирокчилари ушбу расмий ҳужжатни конференциянинг ҳисоботига киритиш керак деб қарор қилсалар, унда Президент бирлашган қўмита тақдим этган рўйхатдаги чегараланган солиқ фойдасигагина моддама-модда вето қўйиши мумкин. Бунда,

Президент, агар у тақдим этилган рўйхатга рози бўлмаса ҳам, бошқа моддаларни илгари суриш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ, агарда конференциянинг иштирокчилари ўз ҳисоботларига Бирлашган қўмитанинг рўйхатини қўшмасалар, унда Президент моддама-модда вето қўйиладиган моддаларни аниқ белгилаш учун "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги қонундаги таърифлардан фойдаланиши мумкин.

Бундай ҳолат, шубҳасиз АҚШ Конгрессининг Солиқ солиш бўйича бирлашган қўмитасига катта ваколатларни беради. Айнан шу қўмита солиқлар бўйича аниқ қонун қоидаларидаги афзалликлардан фойдалана оладиган солиқ тўловчиларнинг сонини, шунингдек, даромадлар қисқарадими (қисқарса қанчага) ва яқин беш йилнинг қайси йилида ва ушбу қисқариш қанча муддат кузатилишини белгилайди. Бирлашган қўмита, шунингдек, умумий қоидага кўп сонли истисноларлан қўлланиладими-йўқми, деган масалани ечиш ваколатига эгадир, бу эса ўз навбатида қоидага асосан қисқариши керак бўлган моддама-модда вето қўйилишдан чиқарилиши ёки чиқарилмаслигини белгилайди.[11]

Америкапинг кўп йиллик бюджетдан молиялаш амалиёти шуни кўрсатадики, солиқлар бўйича қонун лойиҳасини қабул қилинишидан манфаатдор бўлганлар умумий солиқ қоидаларини шундай ишлаб чиқишга ҳаракат қиладиларки, у юстадан ортиқ солиқ тўловчига тааллуқли бўлсин, ўтиш қоидаси шундай ишлаб чиқиладики, у ўнтадан ортиқ солиқ тўловчига тааллуқли бўлади. Ушбу стратегиянинг моҳияти шундаки, умумий қоидадан ёки ўтиш қоидасидан кўп фойда олувчи солиқ тўловчиларнинг сони қанчалик кўп бўлса, шунчалик кўп даромад йўқотилади ва PAYGO қоидасига мувофиқ ушбу йўқотиш ўрнини қопловчи сумма ҳам шунчалик кўп бўлади. Лекин, PAYGO қоидалари тақчилликни потенциал ошишини бошқа даромадлар кўпайиши ёки бевосита харажатлар қисқариши ҳисобига қопланиши кераклигини талаб қилса, унда қопловчи сумма ушбу стратегияни снёсий нуқтаи назардан амалга оширишни мураккаблаштиради.

11.7. МОДДАМА-МОДДА ВЕТО ҚЎЙИШ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАМОЙИЛИ ВА МЕХАНИЗМИ

АҚШ молия органлари иш амалиётида қўлланиб келинаётган моддама-модда вето қўйиш таомили амалий нуқтаи назардан қизиқиш уйғотади. Ушбу жараён Президент моддама-модда вето қўймоқчи бўлган қоидани ўз ичига олган қонун лойиҳасига имзо қўйишидан

бошланади.[12] Қонун лойиҳаси имзолангандан сўнг беш кун мобайнида (дам олиш кунидан ташқари), агар моддама-модда ветони қўллашни мўлжалланса, у ҳолда Президент Вакиллар Палатасига ва Сенатга бекор қилиниши керак бўлган аниқ модда кўрсатилган номани юбориши шарт. Моддама-модда вето зудлик билан кучга киради ва Президентнинг қарорини рад қилувчи қонун ҳужжатини қабул қилиш орқали бекор қилиниши мумкин.

Президентнинг махсус билдиришномаси катта ҳажмдаги ҳар хил ахборотларни ўз ичига олиши керак. Билдиришномага қуйидаги бандлар мажбурий тартибда киритилиши керак: пул кўринишидаги сумма; бекор қилишнинг сабаблари; бекор қилишнинг солиқ, бюджет ва иқтисодий оқибатлари; бекор қилишнинг тегишли дастурга таъсири; бекор қилишга тааллуқли бўлган идора. Уларга қўшимча тарзда махсус билдиришнома бюджет жараёнининг бошқа босқичларида ҳеч қачон талаб этилмаган, лекин уни тақдим қилишда синчиклаб кўриб чиқиладиган ахборотни ўз ичига олиши керак. Бу ўзига хос ахборот штатлар ва сайлов округлари номларини, шунингдек Конгресс ушбу сессиясини таклиф қилган бекор қилиш таъсир кўрсатадиган штатлар ва сайлов округларидаги бекор қилишлар сонини ўз ичига олади. Бу, агарда Президент моддама-модда ветони очиқдан-очиқ снёсий мақсадларда ишлатса, бу ҳол дарҳол равшан бўлади деганидир.

Бекор қилинган бюджет моддалари бўйича суммалар бошқа дастурларни молиялашга эмас, балки тақчилликни қисқартиришга йўналтирилишини кафотлаш учун "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги қонун иқтисод қилинган суммани "пўлат сейф"га жойлаштиришни талаб қилади.

Агар Президент ассигнацияга моддама-модда ветони олдинга сурса ва Конгресс уни рад этмаса, унда "Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонунда белгиланган дискрецион харажатлар лимити бюджет ваколати ва харажатлари бўйича иқтисод қилинган суммага мос равишда қисқаради. Агар бундай ҳол содир бўлмаса, унда пул маблағлари бюджетда кўзда тутилган бошқа дастурга сарфланиши мумкин.

"Бюджетни бошқариш тўғрисида"ги қонунда ҳимояланган дастурлар бўйича харажатларни қонуний қисқартириш ёки даромадларни кўпайтириш Pay-As-You-Go ҳисоб карточкасида акс эттирилиши белгиланган. Бу ўз навбатида олинган суммани бевосита бошқа харажатларга ёки даромадларни йўқотишнинг ўрнини қоплаш учун ишлатишга имкон беради. Бироқ, моддама-модда ветонинг "пўлат сейф" қондаси бекор қилишларни ҳисоб карточкасида алоҳида тартибда акс эттиришни ман этади. Натижада пул маблағлари фақатгина тақчилликни қисқартириш учун ишлатилиши мумкин.

Моддама-модда ветони бекор қилишнинг ягона усули бўлиб, уни рад этувчи қонун лойиҳасини тасдиқлаш ҳисобланади. Умуман олганда, рад этувчи қонун лойиҳаси Конгресснинг ҳар иккала палатаси оддий кўпчилик овоз билан қабул қилиши ва сўнгра Президент томонидан имзоланган бўлиши керак. Лекин Президент, ўзи юборган махсус билдиришномасида олдинга сурилган моддама-модда вето қўллашни рад этувчи қонун лойиҳасига вето қўйиши ва уни имзоламаслиги мумкин. Вето қўллашдан фақат Вакиллар Палатаси ва Сенат кўпчилик овоз (2/3) билан (Конституция талаб қилганидек) вето қўйишни бекор қилишга овоз берган тақдирдагина ветони бекор қилиш мумкин.

Бу аксарият ҳолларда қандайдир солиқ ёки харажат моддасини моддама-модда вето қўйишдан ҳимоя қилиш учун кўпчиликнинг овози талаб қилинади деганидир. Бу, ўз навбатида қоидаларни бекор қилиш тарафдорлари учун катта, баъзида енгиб бўлмас қийинчиликларни вужудга келтиради; ветони бекор қилишга эришиш ҳаддан зиёд мураккаб бўлади. Бундан шу келиб чиқадики, Конгресс моддама-модда ветони енгишга юзаки имкониятга эга, лекин буни уддалаш деярли мумкин эмас. Худди шунинг учун моддама-модда вето Оқ Уйнинг қўлида тартибга солишнинг энг самарали инструменти бўлиб қолади. Президент ушбу инструментдан фойдаланмаслиги учун Конгресс қонун лойиҳаларини тузишда қатъий чораларга мурожаат этишига тўғри келади.

Моддама-модда ветони рад этиш учун мураккаб бўлган иккинчи сабаб — бу рад этиш таомилининг ўта қатъийлиги бўлиб, уни Конгресс учун "Федерал бюджетнинг моддама-модда ветоси тўғрисида"ги Қонун белгилайди.

Қонун моддама-модда ветони тезлаштирилган таомиллар доирасида кўриб чиқиш учун махсус қоидаларни белгилайди. Ушбу тезлаштирилган таомилларга мослашиш учун Вакиллар Палатаси Президент томонидан юборилган махсус билдиришнома олингандан сўнг (қачонки сессияда Вакиллар Палатаси ва Сенат қатнашса) 30 "сессия куни" мобайнида қонун лойиҳасини рад этишни кўриб чиқишни тугатиши керак. Сенат учун тезлаштирилган таомилларга мослашиши учун махсус билдиришнома олингандан сўнг 30 кун мобайнида кўриб чиқишни бошлаш кифоя қилади; ўз таомилини бошлагандан сўнг Вакиллар Палатаси учун ажратилган ўттиз кунлик муддатдан кейинчалик ҳам кўриб чиқиш имкони бўлади. Вакиллар Палатаси ва Сенат ўттиз кунлик муҳлат тугаганидан сўнг ҳам ўз муҳокамаларини мос равишда бошлаш ва тугатишлари мумкин, бироқ бундай ҳолларда

улар етарли даражада кўриб чиқиш муддатини узайтириш имкони бўлган оддий қонунчилик жараёнидан фойдаланишлари керак бўлади. Бундан ташқари, агар 10 кун мобайнида (якшанбадан ташқари) ҳеч қандай рад этувчи қонунчилик ҳужжати қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда "пўлат сейф" механизми амалга киради.

Вакиллар Палатаси ва Сенатга, шунингдек, улар ўртасидаги конференцияларга қўлланиладиган бошқа кескин таомиллар ҳам мавжуддир.

11.8. КОНГРЕСС ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИДА ВЕТО ҚЎЙИШ ЖАРАЁНИНИНГ ЎТИШ ТАОМИЛИ

Тезлаштирилган таомилларни қўллаш ҳуқуқини олиш учун вакиллар Палатасининг ҳар бир аъзоси Президентнинг махсус билдиришномасидаги бекор қилишларни рад этиш бўйича қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритиши мумкин. Бунда, ушбу қонун лойиҳаси Президент томонидан олдинга сурилган барча бекор қилишларни ўз ичига олиши керак ва Оқ Уйдан билдиришнома олингандан сўнг 5 кун мобайнида тақдим қилиниши керак. Сўнгра қонун лойиҳаси Бюджет бўйича қўмитага ва қонунчилигига, ассигнациялар, бевосита харажатлар ёки солиқларни бекор қилувчи қоидалари кирган қўмитага юборилади.

Бу қўмита 7 кун мобайнида рад этилаётган қонун лойиҳаси бўйича шарҳни тақдим этиши шарт. Агар бу ҳолат содир бўлмаса, қўмита кўриб чиқишдан четлаштирилади, яъни қонун лойиҳаси қўмитадан олиб қўйилиши ва Вакиллар Палатасининг мажлислар залига муҳокама қилиш учун юборилиши мумкин. Қонун лойиҳасига ҳеч қандай тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди; агар қўмита у бўйича шарҳини тақдим қилса, унда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, қўмита қонун лойиҳасига Президент таклиф қилмаган бирон-бир моддани кирита олмайди ёки бекор қилишни таклиф қила олмайди.

Вакиллар Палатасидаги рад этувчи қонун лойиҳаси бўйича мунозаралар вақти жуда ҳам чекланган булиб, купи билан икки соат давом этиши мумкин. Икки соат ўтгач, Вакиллар Палатаси дарҳол қонун лойиҳасини тасдиқлаш бўйича овоз беришни ўтказиши шарт.

Таклиф қилинган бекор қилишларнинг биттаси ёки ундан кўпини бекор қилишга йўналтирилган тузатишларни киритишга Вакиллар Палатасининг 50 кишидан кам бўлмаган сони ушбу тузатишни қўллаб-қувватлаган тақдирда рухсат этилади. Бундай ҳол Вакиллар Палатасининг ҳаракатларига қатъий чеклашларни қўяди. Рад этувчи

қонун лойиҳаси махсус билдиришномада қайд этилган барча бекор қилишларни ўз ичига олади. Қўмита рад этилаётган рўйхатдан бирон-бир нарсани олишга ёки қўшишга ҳаққи йўқ, Вакиллар Палатаси эса рад этиш рўйхатидан чиқариб ташлаш мумкин бўлган тузатишни қўллаб-қувватлаш учун, яъни Президент томонидан таклиф қилинган бекор қилишни маъқуллаш учун ўз аъзоларининг 50 тасининг (бутун таркибининг деярли 12%) овозига муҳтож бўлади.

Агар охир-оқибатда рад этувчи қонун лойиҳаси Вакиллар Палатаси томонидан тасдиқланган ва Сенат билан келишилган бўлса ҳам, Президент унга вето қўя олади ва ушбу ветони бартараф этиш учун овозларнинг 2/3 (учдан икки қисми) зарур бўлади.

11.9. СЕНАТ ҚЎМИТАЛАРИДА ВЕТО ҚЎЙИШ ЖАРАЁНИНИНГ БОРИШИ ТАОМИЛИ

Президентнинг махсус билдиришномага қўшилган баъзи бир ёки барча бекор қилишлардан иборат бўлган сенатдаги рад этувчи қонун лойиҳаси ҳар бир сенатор томонидан кўриб чиқиш учун олдинга сурилиши (қўйилиши) мумкин. Сўнгра қонун лойиҳаси Бюджет бўйича қўмитага ва кўриб чиқилаётган бекор қилишлар қонунчилигига тегишли бўлган Қўмитага юборилади. Сўнгра ҳаракатдаги дастурлар бўйича юрисдикцияга эга Қўмитага таклиф қилинаётган қонун лойиҳаси бўйича шарҳни тақдим қилиш учун етти кун берилади. Агар Қўмита ушбу муддат ичида улгурмаса, у ҳолда у автоматик тарзда қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан четлаштирилади.

Сенаторлар рад қилувчи лойиҳани кўриб чиқишда Вакиллар Палатасидаги ҳамкасбларига нисбатан анча эркин ҳаракатланиш имкониятига эгадирлар. Сенатда Қўмиталар қонун лойиҳаси бўйича ўз шарҳларини тузатишлар ва тузатишларсиз беришлари мумкин.

Сенатнинг мажлислар залида ушбу масала бўйича мунозараларни ўтказиш 10 соатгача чегараланган (Сенатнинг стандартларига кўра бу жуда қисқа вақт). Рухсат бериладиган ягона тузатишлар бу бекор қилишни қўшиш ёки чиқариб ташлаш: қолган барча тузатишларни фақат олтмиш овоздан иборат сенатнинг кўпчилик қисми ёрдамида киритиш мумкин. Қонун лойиҳасини қайтадан кўриб чиқиш учун қайтариш бўйича ҳеч қандай ҳаракатларга йўл қўйилмайди, шу сабабли 10 соат тугагач, Сенат овозга қўйишни тугатади.

11.10. РАД ЭТИЛАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯ ҲИСОБОТИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАОМИЛИ

"Федерал бюджетнинг молдама-модда ветоси тўғрисида"ги қо-

нун, шунингдек рад этилаётган қонун лойиҳаси бўйича конференция ҳисоботини кўриб чиқишга ҳам чеклашлар қўйилади. Ҳар иккала палата битта қонун лойиҳасига рози бўлишлари билан (конференцияда Вакиллар Палатаси ва Сенатда дастлаб қабул қилинган қонун лойиҳалари чегарасидан чиқиш тақиқланади), у бўйича мунозараларни ўтказиш учун Вакиллар Палатасида бир соат, Сенатда эса тўрт соат вақт бор. Ушбу жараён тактикаси тўхтаб қолишига сабаб бўлувчи ҳолатларга (қайта кўриб чиқиш ёки қайта кўриш учун қайтариш) расман рухсат этилмайди.

Агар Конгресс рад қилинувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқмаса ёки қабул қилмаса, унда моддама-модда вето ўз кучида қолади: пул маблағлари сарфланмайди; солиқ таътиллари эса берилмайди. Агар Конгресс рад қилинувчи қонун лойиҳасини тасдиқласа ва Президент уни имзоласа ёки Президент рад қилинувчи қонун лойиҳасига вето қўйса, Конгресс эса ушбу ветони енгиб чиқса, унда моддама-модда вето бекор қилинади. Бундай ҳолатда пул маблағлари сарфланади, солиқ таътиллари эса Конгресс томонидан дастлаб қабул қилинган қонун лойиҳасида кўрсатилганидек берилади. Президент рад қилинувчи қонун лойиҳасига киритилган қоидаларга моддама-модда вето қўя олмайди.

Агар Конгресс 30 кунлик давр мобайнида моддама-модда ветога нисбатан ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмаса, Конгресс ва Президент молия йили давомида рад қилинувчи қонун лойиҳасини қабул қилингунига қадар амалда бўлади. Бироқ, ўттиз кундан сўнг кўриб чиқилаётган рад қилинувчи қонун лойиҳасига на Вакиллар Палатасида, на Сенатда тезлаштирилган таомилларга даъво қила олмайди. Бу эса тасдиқланишини анчагина мушкуллаштиради. Бундан ташқари, агарда моддама-модда вето ўттиз кунлик муҳлат ўтгач ўн кун мобайнида рад этилмаса, унда "пўлат сейф" механизми бўйича қоида кучга киради, бу дегани харажатлар бўйича ББҚ қонуни механизми ва секвестр механизмини ишга тушишидан сақловчи қопламаларни талаб қилиш ҳуқуқини олиш қисқаришини билдиради.

ҲАВОЛАЛАР

1. Льюис Фишер, Президентнинг харажатлар бўйича ваколатлари (Принстон, Нью джерси: Принстон Университетининг нашриёти, 1975), 158-бет.

2. 1994 йилда Вакиллар Палатаси бекор қилишнинг тезлаштирилган таомилини белгилаши мумкин бўлган қонун лойиҳасини ўтказди, бироқ Сенат бу борада ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмади.

3. Қонунчиликда аниқ кўрсатилмаган бўлса ҳам, моддама-модда ветодан профицитни кўпайтириш мақсадида фойдаланиш мумкин эмаслиги назарда тутилади.

4. Агар Конгресс Солиқ солиш бўйича Бирлашган Қўмита томонидан белгиланган чегараланган солиқ фойдалари рўйхатини солиқ қонун лойиҳаси бўйича конференция ҳисоботига қўшмаса, қайси солиқ моддасига моддама-модда вето қўйилишини Президентнинг ўзи ҳал қилади.

5. Вето қўйиладиган модда Вакиллар Палатасининг Ассигнациялар бўйича қўмита ёки Сенат ҳисоботининг матнида ёки жадвалида келтирилган бўлиши мумкин, агарда конференция ҳисоботида ушбу ҳисоботга изоҳ бўлса, бу дастлабки ҳисоботни "кўриб чиқиш" дейилади.

6. Ушбу пул кўриниши жадвалда ёки қонун лойиҳаси, ёхуд ҳисоботнинг матнида келтирилиши мумкин.

7. Вакиллар Палатасининг 104-491 ҳисоботининг 1026 параграфи. Ушбу қоида кўпчилик тортишувларига сабаб бўлмоқда. Умуман олганда Конгресс, ушбу қоида харажатларнинг аниқ суммасини кўрсатмаган ҳолда аниқ сондаги маълум бир объектни (масалан, ф-14да 22та) сотиб олиш учун вазирликка ёки идорага ажратмалар бўйича ҳужжат имзоланганда қўлланилади, деб тахмин қилади. Шундай қилиб, Конгресс Президент томонидан харажатлар қандай бўлиши кераклигини белгилашини ечишга харакат қилди. Лекин баъзилар қоида матни аниқ бўлмаганлиги сабабли у Президентга эркин ҳаракатланиш имконини беради деб ҳисоблайдилар.

8. Қоида деганда нима тушунилади деган борада кўп келишмовчиликлар мавжуд. Ассигнациялар ва бевосита харажатлар бўйича якуний қарорни ММБ, даромадлар бўйича эса Солиқ солиш бўйича бирлашган қўмита қабул қилади.

9. Ўтиш қоидаси, агар таклиф қилинаётган ўзгариш аниқ солиқ тўловчига ёки солиқ тўловчилар гуруҳига салбий таъсир кўрсатса, у ҳолда кўпинча солиқ бўйича қонун лойиҳасига киритилади. Масалан, ўтиш қоидаси амалдаги қонунчиликка биноан маълум бир солиқ

имтиёзлари тўғри келадиган битимларда қатнашган, солиқ тўловчига нисбатан қўлланиши мумкин, лекин таклиф қилинаётган қонун лойиҳаси ушбу имтиёзларни бекор қилади. Ўтиш қоидаси шундан келиб чиқадики, бунда таклиф қилинаётган ўзгариш солиқ тўловчиларга нисбатан ноҳақ бўлишга олиб келади ва шунинг учун унга бир қанча қопламаларни беради. Одатда, бу янги қонунчилик билан киритиладиган қўшимча солиқлардан вақтинчалик озод этишда намоён бўлади.

10. Вакиллар Палатасининг 104-491 ҳисоботи 1026-(а) параграфига биноан чегараланган солиқ фойдаси бу:

қоида кучга кирган молия йилида 1986 йилдаги АҚШнинг Солиқ кодекси бўйича 100 та ёки ундан кам солиқ тўловчиларга федерал солиқлардан чегирмалар, солиқлар бўйича кредитлар, озод этишлар ёки имтиёзларни кўзда тутувчи, яъни даромадни йўқотишга олиб келувчи ҳар бир қоида; ва

1986 йилдаги Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар муносабати билан ҳар бир молия йилида 10та ёки ундан кам солиқ тўловчига вақтинчалик ёки доимий ўтувчи имтиёзларни тақдим қилувчи федерал солиқлар бўйича ҳар бир қоида.

11. Вакиллар Палатаси 104-491 ҳисоботининг 1026-(9) (В) ва (С) параграфларида қайд этилган ва қуйидагиларни белгиловчи истиснолар:

(В) агар мазкур қоиданинг амалдаги ҳаракати қуйидагиларга олиб келса, у ҳолда ушбу қоида чегараланган солиқ фойдаси сифатида кўрилмайди;

(i) битта тармоқда банд бўлган ёки битта фаолият тури билан шуғулланадиган ва битта солиқ режимига тааллуқли бўлган барча шахслар;

(ii) бир хил турдаги мулкка эга бўлган ёки бир хил турдаги қимматли қоғозларни чиқарувчи ва битта солиқ режимига тааллуқли бўлган барча шахслар ёки

(iii) шахсларга нисбатан қўлланиладиган режимлардаги ҳар бир фарқ фақат қуйидагиларга асосланади:

— Корхона ва ташкилотлар — корхона ва ташкилот ҳажми ёки ташкилий шаклига;

— Жисмоний шахслар — даромад, оилавий ҳолат, қарамоғидагиларнинг сони ёки солиқ декларациясини тўлдириш бўйича маълумотлар каби жамиятдаги мақоми кўрсаткичларига;

— ҳужжатда кўрсатилган суммага ёки

— 1986 йилдаги Солиқ кодекси бўйича солиқ тўловчининг мақомини белгилашнинг умумий қоидалари.

(C) Қоида ўтиш қоидасини чегараланган солиқ фойдаси сифатида кўрмайди, қачонки у:

(i) агар Конгресс белгилаган санага мавжуд бўлган барча мажбурий контрактлар ва қонуний кучга эга бўлган бошқа ҳолатларга нисбатан аввалги қонунчиликни қўллашни кўзда тутса ёки

(ii) Федерал бюджетни даромадларга таъсир кўрсатмайдиган аввал қабул қилинган қонунчиликка юзаки тузатиш киритишни ўзида намоён қилмаса.

12. Юқорида қайд этилган истисноларнинг кўпчилик мунозаралар келиб чиқишига сабаб бўлди. 1996 йил 26 мартда солиқ солиш бўйича Бирлашган Қўмита яқинда қабул қилинган қонун лойиҳаларидаги солиқ қоидаларидан қайсисига моддама-модда вето қўйиш қоидасини қай тарзда қўллашни кўзда тутаётганлиги тўғрисидаги бир қатор мисоллар баён қилинган хатни чиқарди.

САВОЛЛАР

1. Харажатларни резервлаш (музлатиб қўйиш) таомилини амалга ошириш имкониятининг Конгресс томонидан Президентга берилиши сабаби.

2. 1974 йилда бюджет харажатларини резервлаш таомилини ишлаб чиқишга нима асос бўлди?

3. АҚШ Президенти томонидан тасдиқланган харажатларни ўз вақтида сарфланишига Конгресс қандай таомиллар ёрдамида эришиши мумкин?

4. АҚШнинг бюджет қонунчилигида резервлашнинг қандай 2 тури кўзда тутилган?

5. Мажбуриятларни бажариш муддатини кечиктириш ва бюджетнинг бутун ваколатини ёки харажатларининг бир қисмини бажариш таомили ким томонидан ва қандай амалга оширилади?

6. Қандай учта "дастурий" ҳолатларда Президент томонидан тўлаш муддатини кечиктиришни қўллаш мумкин ва бу тўғрида алоҳида билдиришнома билан кимга хабар бериши керак?

7. Бюджет ваколатларини бекор қилиш нима ва ушбу таомил АҚШ томонидан бюджетни молиялаш амалиётида қандай фойдаланилади?

8. Нима учун АҚШ Президентига моддама-модда вето қўйиш ҳуқуқи берилган?

9. Моддама-модда вето қўйиш нима ва амалиётда ким уни бажаради?

10. Бюджетнинг моддама-модда вето қўйиладиган асосий моддаларини айтиб беринг.

ХУЛОСА

Хуллас, Америка Қўшма Штатлари бюджет тизимининг шаклланиши, такомиллашиши ва амалга оширилиши ҳақидаги рисолани ўқиб чиқиб, қандайдир тушунчаларга ҳам эга бўлган бўлсангиз керак. Маълум жиҳатдан баъзи ўқувчилар зериккан бўлсалар ҳам ажабланарли ҳол эмас. Чунки ундаги иборалар, тушунчалар мавжуд тизим ва қонун-қоидалар ҳам бизникидан ўзгача.

Шу билан бирга тан олиш керакки, бу мураккаб иборалар келтирилган рисола камчиликлар билан бир қаторда бизнинг республикамиздаги мавжуд бюджет тизимини такомиллаштиришга онд янги фикрларни ҳам беради. Масалан, амалдаги бюджетимиз узоқ муддатни кўзламайди. Бизнинг тизимимиздан фарқли ўлароқ Америка бюджет тизнмида маблағларни ажратиш фақатгина кейинги бир йилга чекланиб қолмасдан, баъзан режалаштирилган дастурларнинг тўлиқ бажарилгунига қадар маблағлар ажратилишини ҳам назарда тутади. Бундан ташқари йилдан-йилга тасдиқланган маблағларнинг ажратилиши устидан назорат олиб бориш тизими мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бюджет жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб йўналишларидан бири — дастурли молиялаштириш тизимини киритиш муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади. Дастурли молиялаштириш деганда жамият ёки алоҳида жамоа миқёсидаги муаммони ҳал қилишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш тушунилади. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимини оладиган бўлсак, мавжуд молиялаштириш тизимида йилдан-йилга йод моддаси етишмовчилиги билан боғлиқ бўқоқ касаллигини ташхизлаш ва даволаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига маблағ ажратилади. Дастурли молиялаштириш (ёки режалаштириш) деганда маблағни касалликни аниқлаш ва уни даволашга эмас, балки касаллик келиб чиқишига сабаб бўлаётган йод моддасини аҳолига етарли даражада таъминлашга сарфлаш ва шу йўл билан касалликни бартараф қилишга ажратилган харажатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ёки сув сифати паст бўлганлиги сабабли кенг тарқалган буйрак касалликларини бартараф қилиш учун асосий эътиборни касаллик келиб чиққанидан кейин уни даволашга эмас, балки истеъмол қилинаётган сув стандартларини яхшилашга қаратилган харажатларни дастурли молиялаштириш деб баҳоласа бўлади.

Албатта, ҳамма давлат харажатларини бу каби дастурли харажатлар қаторига қўшиб бўлмайди. Агар АҚШ мисолида кўрадиган бўлсак, йилдан-йилга мажбурий доимий харажатларнинг жами хара-

жатлар миқдоридаги улуши ўсиб, дискрецион (шу йилга мўлжалланган) харажатларнинг улуши эса камайиб бормоқда. Америка мутахассисларида бу ҳол маълум хавфсирашларни ҳам уйғотадики, бу кетишда бюджет тизими эгилмайдиган консерватив тизимга айланади. Бунда янги йўналишлар бўйича харажатларни киритиш ва "эскирган" турларини чиқариб ташлаш мураккаблашиши хавфи мавжудлиги эътироф этилмоқда.

Агар рисолада келтирилган маълумотлар шу нуқтаи назардан кўрилса, ўта такомиллашган ва самарали Америка Қўшма Штатлари бюджет тизимининг маълум камчиликлардан ҳоли эмаслиги ҳам маълум бўлади. Бу нуқтаи назардан, Ўзбекистон бюджетидаги ҳар бир харажат сатри ҳар йили муҳокама қилиниши ва қайтадан тасдиқланиши маълум жиҳатдан афзалликларга эгалигини эътиборда тутиш лозим.

Лекин узоқ муддатли бўлмасада ўрта муддатли бюджетни режалаштириш бир қанча давлат аҳамиятига эга дастурларни амалга оширишга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз. Бу дастурлар қаторига янада такомиллаштирилиши долзарб бўлган Ўзбекистон "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", аҳолини ичимлик суви, газ ва бошқа қулайликлар билан таъминлаш дастурлари ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда икки палаталик Парламентни жорий этиш ҳақидаги қонун қабул қилиниши ҳар йиллик бюджетни кўриб чиқиш ва қабул қилиниш жараёнларига янгиликлар киритилиши, бу тизим такомиллашиши ва ўзига яраша тараққий этиши аниқ. Чунки Сенат, Олий Кенгашнинг юқори палатаси аъзолари юқори малакали мутахассислардан шаклланиши мазкур қонунда назарда тутилган. Малакали мутахассислар тарафидан бюджетни муҳокама қилиш жараёни ва бюджетга қўйиладиган талаблар ортиши табиий ҳол. Шу нуқтаи назардан мазкур рисолада келтирилган Америка Қўшма Штатлари бюджет тизимининг шаклланиши ва ижро этилиши тажрибасини бюджет лойиҳасини тасдиқловчи қонунчилар, киритувчи мутахассислар, бюджет маблағларидан фойдаланувчи ташкилот ва муассасалар мутахассислари ва оддий фуқаролар томонидан ўрганилиши ҳамда уларда бизнинг тараққиёт моделимизга зид келмаган ҳолда татбиқ қилиш талаби уйғониши муқаррар.

ҚЎЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Budget of the U.S. Government, Fiscal year 2003.* Washington, DC, U.S. Government printing office (2002).

2. *Budget of the U.S. Government, Fiscal year 2003.* Washington, DC, U.S. Government printing office (2002). *Historical tables.*

3. *Analytical perspectives; Budget of the U.S. Government, Fiscal year 2003.* Washington, DC, U.S. Government printing office (2002).

4. *Analysis of the Maryland Executive Budget.* Maryland, Annapolis: Office of Policy Analysis, Department of legislative Services (2002).

5. John M. Kernochan (1981). *The Legislative Process.* New York, Mineola: The foundation Press, Inc.

6. Carole Keeton Rylander (2002). *Texas annual cash report, Revenue and Expenditures of State Funds for the year ended August 31, 2002.* Texas: Office of the comptroller.

7. Allen Schick, Robert Keith , Edward Davis (1991). *Manual on the Federal Budget Process.* U.S.A.: Congressional Research Service, The library of Congress.

8. Stanley E. Collender. "The Guide to the Federal Budget". Fiscal 1998. Rowman and Littlefield Publishers. Inc Lanham. New York. Boylder Oxford, 1997.

9. GeneseBird, Raool Lavin, Farr Miller, Mayank Shah, Walter O. Colb, LeRosa Browne, Robert Bechtol, Jayce Farmer, Tamara Cronan (2002). *Approved operating budget for the fiscal year 2002-2003.* The City of Tallahassee.

10. Carole Keeton Rylander. *Texas 2001 comprehensive annual financial report.* Texas. Office of the comptroller (2002).

11. *The Budget and Economic Outlook: Fiscal Years 2002-2011.* U. S. Government Printing Office, Washington, D.C, Congress of the U.S., Congressional Budget Office (2001).

12. *The Budget Economic Outlook: An Update.* U. S. Government Printing Office, Washington, D.C, Congress of the U.S., Congressional Budget Office (2002).

13. *Government cervices in Maryland, volume 2.* Maryland, Annapolis, Department of legislative Services (1998).

14. *Maryland's Budget Process, volume 4.* Maryland, Annapolis, Department of legislative Services (1998).

15. *Senate bill 175.*

16. A Citizen's Guide to the federal Budget. *Budget of the United States Government Fiscal Year 2001.* Executive office of the President of the United States.

17. N. Komilov, A. Begmatov, M. Quronov (1998). *"Rahbar va xodim"*. Tashkent: "Akademiya".

18. T. Malikov, H. Jamolov (2001). *Moliya,1* . Tashkent: "Akademiya".

19. I. Ergashev, B. Sharipov, M. Jakbarov (2002). *Jamiyatni erkinlashtirish va ma'naviyat.* Tashkent: "Akademiya".

20. *Guide to the Texas Sunset Process.* State of Texas, Sunset Advisory Commission (2001).

21. *Final Monthly Treasury Statement.* Financial Management Service, Department of the Treasury (September 30, 2002).

22. *An Analysis of the President's Budgetary Proposals for Fiscal Year 2003.* Congressional Budget Office, Congress of the U.S., (March 2002).

23. Budget of the U.S.A. (2003). *Mid --Session Review.* Washington, D.C., Executive Office of the President Office of Management and Budget.

24. Congress of the U.S., (1998). *Duties and Organization of the Congressional Office on Budget issues.* Congressional Budget Office.

О Г Л А В Л Е Н И Е

Аббревиатуры 9

Введение 10

ГЛАВА I
РОЛЬ ФЕДЕРАЛЬНОГО БЮДЖЕТА
В ГОСУДАРСТВЕННОМ УСТРОЙСТВЕ СТРАНЫ

1.1. Задачи и функции Федерального бюджета в экономической и социальной жизни США 16

1.2. Эволюция механизмов формирования и использования Федерального бюджета 22

1.3. Содержание Бюджетного цикла 22

1.4. Принцип выделения ассигнований Бюджета 26

1.5. Законопроекты по согласованию и другие меры, влияющие на бюджет 28

1.6. Принципы и механизмы исполнения Федерального бюджета 29

1.7. Роль законодательства в Бюджетном процессе 33

ГЛАВА II
ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ
БЮДЖЕТНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В США

2.1. Влияние Закона "О бюджете" на процесс совершенствования бюджета США 46

2.2. Политическое значение Закона "О регулировании бюджета" 51

2.3. Основные положения Закона " О регулировании бюджета" 53

2.4. Бюджетный календарь Закона " О регулировании бюджета" 63

2.5. Процедура резервирования 68

2.6. Процедура постатейного вето 69

2.7. Заработная плата и затраты Федеральной регулятивной комиссии по Энергетике 90

ГЛАВА III
ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ ФЕДЕРАЛЬНОГО БЮДЖЕТА

3.1. Основные документы бюджета США 99

3.2. Санкционирование и ассигнование 104

3.3. Полномочия бюджета и расходы бюджета 106

3.4. Расходы: контролируемые и неконтролируемые, дискреционные и обязательные 111

3.5. Экономические предположения 112

3.6. Бюджетные функции 114

3.7. Секвестирование и резервирование 116

3.8. Базисная строка 117

3.9. Бюджетные и внебюджетные программы расходов 120

3.10 Дефицит и долг Федерального бюджета 121

3.11. Сбалансированный бюджет и поправка о сбалансированном бюджете 126

ГЛАВА IV
БЮДЖЕТ ПРЕЗИДЕНТА. ПОДГОТОВКА И РАССМОТРЕНИЕ В КОНГРЕССЕ

4.1. Основные субъекты процесса бюджетного финансирования в США 132

4.2. Бюджетное послание Президента США 134

4.3. Содержание экономического прогноза и расчетов к проекту Президентского бюджета 143

4.4. Структура информации, содержащейся в Бюджетном послании Президента 145

4.5. Назначение и содержание процедуры рассмотрения секвестра Федерального бюджета 145

4.6. Подготовка обзора конгресса по рассмотрению секвестра бюджета 146

4.7. Подготовка к слушанию Президентского проекта Федерального бюджета 148

4.8. Подготовка обзоров и оценок Президентского бюджета в комитетах Конгресса и Сената США *151*

4.9. Роль законодательной власти в формировании Федерального бюджета *152*

4.10. Разделение государственных финансов по программам *157*

4.11. Основные функциональные категории Федерального бюджета *162*

ГЛАВА V
МЕХАНИЗМ ОБСУЖДЕНИЯ И ПРИНЯТИЯ ПРОЕКТА БЮДЖЕТА В КОНГРЕССЕ США

5.1. Механизм определения предельных размеров расходов, минимального объема доходов и распределения ассигнований между комитетами *190*

5.2. Процедура распределения и перераспределения расходов согласно разделу 302 Закона "О бюджете" *191*

5.3. Процедура распределения и перераспределения расходов согласно разделу 602 Закона "О бюджете" *192*

5.4. Процедуры учета и расчет издержек *193*

5.5. Принцип исполнения или отказа от требований установленных порядков *194*

5.6. Бюджетная резолюция, как конечный результат предварительной оценки качества бюджета *196*

5.7. Процедура принятия бюджетной резолюции Конгресса *198*

5.8. Принципы и механизм реализации процедур согласования Федерального бюджета *204*

5.9. Назначение и содержание правила Берда *208*

ГЛАВА VI
ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ БЮДЖЕТНЫХ ПОЛНОМОЧИЙ И КОНТРОЛЬ НАД РАСХОДАМИ ФЕДЕРАЛЬНОГО БЮДЖЕТА

6.1. Законодательное обеспечение процесса предоставления бюджетных полномочий *233*

6.2. Назначение и содержание концепции расходов бюджета *235*

6.3. Назначение и содержание постоянных и временных бюджетных полномочий *236*

6.4. Особенности и процедуры выделения и использования "Тайных расходов" *238*

6.5. Концепция процесса контроля над расходами *242*

ГЛАВА VII
МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ДОХОДНОЙ ЧАСТИ ФЕДЕРАЛЬНОГО БЮДЖЕТА

7.1. Понятие и структура доходной части бюджета *266*

7.2. Механизм реализации законодательства по доходам в Конгрессе *267*

7.3. Назначение и механизм реализации правил "Оплата в срок" *269*

7.4. Процедура установления или изменения налоговых издержек *270*

7.5. Назначение и роль компенсирующих сборов *271*

ГЛАВА VIII
ПРИНЦИПЫ И МЕХАНИЗМ РЕАЛИЗАЦИИ ПРОЦЕДУРЫ СЕКВЕСТИРОВАНИЯ БЮДЖЕТА

8.1. История возникновения процедуры секвестирования в бюджетном процессе США *289*

8.2. Назначение и содержание процедуры секвестирования бюджета *291*

8.3. Назначение и содержание секвестра "Pay-as-you-go" *303*

8.4. Назначение и содержание секвестра по излишнему дефициту *306*

8.5. Методика оценки и расчетов параметров процесса секвестирования *308*

ГЛАВА IX
МЕХАНИЗМ САНКЦИОНИРОВАНИЯ И ВЫДЕЛЕНИЯ БЮДЖЕТНЫХ АССИГНОВАНИЙ

9.1. Назначение и сущность процедуры санкционирования бюджетных расходов *314*

9.2. Эволюция процесса Санкционирования и ассигнований *316*

9.3. Механизм реализации процесса санкционирования и ассигнования *320*

9.4. Задачи и функции комитетов по санкционированию и ассигнованию бюджетных расходов *329*

9.5. Процедура принятия продленной резолюции по законопроектам об ассигнованиях *331*

9.6. Проблема возникновения и ликвидации "Разрывов в бюджетном финансировании" *333*

ГЛАВА X
ПРИНЦИПЫ И МЕХАНИЗМ СОСТАВЛЕНИЯ БЮДЖЕТА ПО ПРЯМЫМ И ГАРАНТИРОВАННЫМ ЗАЙМАМ

10.1. Механизм составления бюджета для займов, применявшийся до 1992 года *377*

10.2. Назначение и новизна Федерального Закона "О кредитной реформе"от 1990 года *378*

10.3. Механизм расчета субсидированной стоимости займов *379*

10.4. Назначение и структура прямых займов *380*

10.5. Назначение и структура гарантированных ссуд *380*

10.6. Методика учета и сопоставления субсидированных и прочих бюджетных затрат *381*

ГЛАВА XI
ПРИНЦИПЫ И МЕХАНИЗМ РЕЗЕРВИРОВАНИЯ И НАЛОЖЕНИЯ ПОСТАТЕЙНОГО ВЕТО

11.1. Условия и назначение процедуры резервирования *401*

11.2. Классификация и содержание различных видов резервирования *402*

11.3. Необходимость наделения Президента США правом наложения постатейного вето *406*

11.4. Основные статьи бюджета, подлежащие наложению постатейного вето *408*

11.5. Особенности наложения вето на прямые расходы бюджета *410*

11.6. Механизм наложения постатейного вето на налоговые статьи бюджета *412*

11.7. Принципы и механизм реализации процесса наложения постатейного вето *413*

11.8. Процедура прохождения процесса наложения вето в палате представителей Конгресса *416*

11.9. Процедура прохождения процесса наложения вето в комитетах Сената *417*

11.10. Процедура рассмотрения отчета конференции по отклоняющемуся законопроекту *417*

CONTENTS

CHAPTER I
PLACE AND ROLE OF THE FEDERAL BUDGET IN THE STATE ARRANGEMENT OF THE U.S.A.

1.1. Purpose and functions of federal budget in the U.S.A. *16*

1.2. Evolution of shaping mechanism and apply of federal budget *22*

1.3. Content of the budget cycle *22*

1.4. Principles of budget assignation allocation *26*

1.5. The bills of budget agreement *28*

1.6. Principles and mechanisms of federal budget execution *29*

1.7. The legislation role in budgeting *33*

CHAPTER II
HISTORY OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE BUDGET LEGISLATION IN THE U.S.A.

2.1. Influence of the Budget Law on perfection of budget process *46*

2.2. Political significance of the Law on budget appropriation *51*

2.3. Main statutes of the Law on budget appropriation *53*

2.4. Budget calendar of the Law on budget appropriation *63*

2.5. Appropriation procedure *68*

2.6.Clause on veto procedure *69*

2.7. Federal commission on energy regulation *90*

CHAPTER III
MAIN CONCEPTS OF THE FEDERAL BUDGET

3.1. Main legislative acts of the budgeting *99*

3.2. Sanctioning and assignation *104*

3.3. Budget authorities and budget expenditures *106*

3.4. Discretionary and direct spending budgeting obligatory *111*

3.5. The role of economic suppositions *112*

3.6. The budget functions *114*

3.7. Sequestration and appropriation *116*
3.8. The bottom line *117*
3.9. Budgetary and off budgetary expenditure programs *120*
3.10. Deficit and debt of the Federal budget *121*
3.11. Balanced budget and amendment for the Balanced Budget *126*

CHAPTER IV
THE PRESIDENT'S BUDGET. PREPARATION AND CONSIDERATION IN THE CONGRESS

4.1. Main participants of the budgeting process in the U.S.A *132*
4.2. Concept and contents of the budget message of the President of the U.S.A. *134*
4.3. Contents of economic prognosis and calculations of the President budget's draft *143*
4.4. Structure information of contained message of the President in the budget *145*
4.5. Purpose and contents of procedure of the Federal Budget sequestration consideration *145*
4.6. Preparation of Congress survey of budget sequestration consideration *146*
4.7. Preparation for hearing of President's Budget draft *148*
4.8. Preparation of surveys and consideration of President's Budget in the committees of the Congress and in the Senate of the U.S.A. *151*
4.9. The legislative power in forming of the Federal budget *152*
4.10. Allocation of State funds according to programs *157*
4.11. Main functional categories of the Federal Budget *162*

CHAPTER V
MECHANISM OF DISCUSSION AND ACCEPTATION OF BUDGET IN THE CONGRESS OF THE U.S.A.

5.1. Mechanism of definition of the maximum quantities of expenditures, minimal revenue and allotment of assignations between committees *190*
5.2. Procedure of allocation and reallocation of expenditures accord-

ing to section 302 of the Budget Law *191*

5.3. Procedure of allocation and reallocation of expenditures according to section 602 of the Budget Law *192*

5.4. Procedure of accounting and calculation expenditure *193*

5.5. Principles of execution and rejection to the requirements of the Set orders *194*

5.6. Budget resolution as the final result of the preliminary budget *196*

5.7. Procedure of acceptance of the Congress budget resolution *198*

5.8. Principles and mechanism of reconciliation process *204*

5.9. Purpose and contents of the Bird's rule *208*

CHAPTER VI
BUDGET AUTHORITY AND CONTROL OVER FEDERAL BUDGET SPENDING

6.1. Legislative provision of the process providing the budget authority process *233*

6.2. Purpose and contents of the concept of budget spending *235*

6.3. Purpose and contents of permanent and provisional budget authorities *236*

6.4. Features of the allotment and usage procedures of backdoor spending *238*

6.5. Concept spending of control process *242*

CHAPTER VII
MECHANISM OF FORMING THE EXPENDITURE OF FEDERAL BUDGET

7.1. Concept and structure of the budget revenue *266*

7.2. Mechanism of the realization of the legislation for revenue in Congress *267*

7.3. Purpose and mechanism of the realization of the rules «payment in time» *269*

7.4. Procedure of the tax expenses establishment or amendment *270*

7.5. Purpose and the role of compensatory fees *271*

CHAPTER VIII
PRINCIPLES AND MECHANISM OF THE REALIZATION OF THE SEQUESTRATION PROCEDURE OF THE BUDGET

8.1. History of the origin of sequestration procedure in the budget process of the U.S.A 289

8.2. Purpose and contents of the sequestration procedure of the budget 291

8.3. Purpose and content of "pay-as-you-go" sequestration 303

8.4. Purpose and content of sequestration on high deficit 307

8.5. Methods of estimation and computation of sequestration parameters 308

CHAPTER IX
MECHANISM OF SANCTIONING AND ALLOTMENT OF BUDGET ASSIGNATIONS

9.1. The sanctioning procedure of budget expenditures 314

9.2. Evolution of the sanctioning and assignation process 316

9.3. The mechanism of sanctioning and assignation 320

9.4. Committees' goals and functions in confirmation and assignation of budget spendings 329

9.5. Acceptation procedure of prolonged resolution on bills of assignations 331

9.6. The issues of gaps in budget financing 333

CHAPTER X
PRINCIPLES AND MECHANISM OF THE BUDGETING FOR DIRECT AND GUARANTEED LOANS

10.1. Principles and mechanism of budgeting for direct and guaranteed loans 377

10.2. Purpose and novelty of the Federal Law on credit reform of 1990 378

10.3. Estimation mechanism of subsidized cost of loans *379*

10.4. Purpose and structure of direct loans..... *380*

10.5. Purpose and structure of guaranteed loans..... *380*

10.6. Methods of calculation and comparison of subsidized and other budget spending..... *381*

CHAPTER XI
PRINCIPLES AND MECHANISM OF RESERVATION AND IMPOSITION OF VETO

11.1. Prerequisites and purpose of appropriation procedure..... *401*

11.2. Classification and content of different appropriation types *402*

11.3. Necessity to grant the power of veto to the President *406*

11.4. Main budget items liable to imposing line-item veto *408*

11.5. Imposition veto on the budget direct spending *410*

11.6. Mechanism of imposing line-item on tax items of the budget..... *412*

11.7. Principles and mechanism of imposition the line-item veto..... *413*

11.8. Procedure of passing imposition of veto process in the House of Representatives *416*

11.9. Procedure of passing imposition of veto process in the Committees of the Senate *417*

11.10. Procedure of revising the report of the Conference on rejection of budget draft *417*

Данная книга рассказывает о Федеральной бюджетной системе Соединенных Штатов Америки. Здесь идет речь об основных понятиях Федерального бюджета, его роли в США, порядке подготовки, рассмотрения и принятия бюджета в Конгрессе, порядке формирования доходов и расходной части Федерального бюджета, предоставления бюджетных полномочий и контроля над расходами федерального бюджета, порядок осуществления кредитной политики, принципы и механизм реализации процедуры секвестирования бюджета, механизм санкционирования и выделения бюджетных ассигнований.

Книга предназначена для специалистов в области бюджета, научных сотрудников, аспирантов, магистрантов, а также для студентов ВУЗов и средних специальных учебных заведений экономического профиля.

This book describes the Federal budget system of the U.S.A. This work coucideres the toolisness Here the question is about the main concepts of the Federal budget, its role in the U.S.A., the order of preparation, consideration and acceptance of budget in the Congress, the order of Federal budget's revenue and expenditures' forming, concession of the budget authorities and control of Federal budget's expenditures, the order of execution of credit policy, principles and realization gear of procedure of budget sequestraten, mechanism of sanctioning and allocation of budget assignations.

The book is intended for the specialists in the sphere of budget, scientific workers, post-graduate students master's degree students and also for students of the higher educational institutions and secondary special educational institutions in the field of economics.